

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

УСМОН ҚОРАБОЕВ

ЎЗБЕК ХАЛҚИ БАЙРАМЛАРИ

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2002

Масъул муҳаррир

Филология фанлари номзоди, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод ОЛИМ

Тақризчилар:

- Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор **Малик МУРОДОВ**
- фалсафа фанлари доктори, профессор Тилаб МАҲМУДОВ
- тарих фанлари номзоди, элшунос Билол АМИНОВ

Қорабоев Усмон.

Ўзбек халқи байрамлари / Масъул муҳаррир: С. Олим. — Т.: Шарқ, 2002. — 240 б.

Сарл. олдида: Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар маркази, Ўзбекистон бадний академияси; Камолидин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти.

Қўлингиздаги китобда бир неча минг йиллик ўзбек халқи байрамларининг тарихи, хусусан, энг қадимги даврдан то ҳозирги кунгача бўлган тараққиёт босқичлари, унинг муҳим анъаналари, ўтмиш тажрибалари ҳамда шўролар давридаги аҳволи ва, ниҳоят, мустақиллик йилларидаги Ўзбекистон байрамлари, уларнинг халқаро аҳамияти ва истиқболи ҳақида сўз юритилади. Китоб саҳифаларидан Ватанимизда нишонланаётган умум-халқ, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, оилавий, диний байрамлар ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Асар ўқитувчи ва талабалар, маданият ходимлари, байрам-тадбир ташкилотчилари ҳамда кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

63.5 (5У)

МУҚАДДИМА

Энг қадимги даврлардан байрамлар инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Зеро уларсиз инсоният ҳаётини мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди. Байрамлар халқ ҳаётининг энг яхши ва гўзал томонларини акс эттирувчи кўзгудир.

«Байрам — халқнинг шодлик ва хурсандчилик кунидир», — деган эди Шарқнинг буюк олими Маҳмуд Кошғарий. Дарҳақиқат, байрамлар туфайли шодиёналар, тантанали воқеалар, муҳим саналар, улкан ютуқлар нишонланади. Байрам босиб ўтилган йўлни чуқур англаш, қўлга киритилган ғалабалардан руҳланиш, эртанги кунга ишонч билан қарашга ёрдам беради.

Байрамларни нишонламайдиган шахс, оила ёки жамоани топиш қийин. Ҳар бир миллат ва давлатнинг ҳам ўз байрамлари бўлади. Кейинги даврларда халқаро даражада нишонланадиган умуминсоний байрамлар тобора кўпаймоқда.

Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбекларнинг ҳам энг қадимий даврлардан шакллана бошлаган, авлоддан-авлодга ўтиб, такомиллашиб, бебаҳо меросга айланган байрамлари кўп. Бу байрамларнинг маълум қисми тарихнинг «совуқ шамоллари» — босқинчилик сиёсати ва турли ҳукмдорлар тазйиқига учраб, ноҳақ йўқотилган, айримлари эса қарама-қаршиликларни енгиб, кўпгина фазилатларидан ажралса-да, бутунлай йўқолиб кетмаган. Баъзилари эса халқ ҳаётидан мустақкам ўрин олиб, бизнинг замонамизгача етиб келган.

Азалдан меҳмондўст саналган ўзбек халқининг байрамлари бошқа эллар билан тарихий-маданий алоқалар жараёнида ривож топган ва бевосита уларнинг байрамларига таъсир этган ҳамда улар таъсирида бойиган.

Мустақиллик шарофати билан одат, маросим ва байрамлар илдиз тарихи, уларнинг халқимиз маданий ҳаётидаги ўрни ўрганила бошланди, қадриятларимиз улуғланди. Бу борада эълон қилинган рисола ва мақолалар байрамларнинг айрим муаммоларини тадқиқ этишни тақозо этади. Бироқ ўзбек халқи байрамлари тарихи, анъаналари ва ҳозирги ҳолати атрофлича кенг ўрганилган эмас. Қадимги ва ҳозирги байрамларнинг пайдо бўлиши, тарихий ривожланиши, муаммолари ҳақида махсус монография, илмий-оммабоп китоб, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш тарихий заруриятдир. Чунки халқ ўз Ватанида пайдо бўлган, аجدодлари нишонлаб келган ва ҳозирги пайтда нишонланаётган байрамларнинг тарихи ва анъаналарини билмоғи керак. Бу айниқса, зиёлилар, ўқитувчи ва талабалар, маданият ходимлари, байрам ва тадбирлар ташкилотчилари учун жуда зарур. Мазкур китоб мамлакатимизда байрамларга бўлаётган катта эътибор ва ҳаётий эҳтиёж асосида пайдо бўлди.

«Ўзбек халқи байрамлари» китобини яратиш жараёнида кўплаб манбаларга мурожаат қилинди. Байрамларга оид Ўзбекистон Қо-

нунлари, Ўзбекистон Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари каби директив ҳужжатларга асосланилди. Республика Президенти И. Каримовнинг тантанали байрамларда сўзлаган нутқларидан фойдаланилди.

Ватанимизда йирик байрамларни ташкил қилиш бўйича Республика кенгашлари, Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши маълумотлари ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Китоб яратилишида тарихий манбаларга ҳам катта эътибор берилди.

Археологик қазилмаларда топилган осори атиқалар, қадимги қўлёзмалар, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқ ижоди намуналари, ҳозиргача сақланиб қолган кўҳна одатлар қолдиқлари ўрганилди.

«Авесто», «Қуръони карим», «Ҳадис» каби қадимги тарихий манбалар азалий байрам ва маросимларни ўрганишида бебаҳо восита бўлди.

Шарқ мутафаккирлари Фирдавсий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий, Бобур, Огаҳий, Беҳбудий, Ҳамза, Фитрат ва бошқаларнинг байрам-маросимларга оид мулоҳазалари тадқиқотимизга мустақкам пойдевор бўлди.

Қадимги Фарб тарихчи-олимлари Геродот, Страбон, ўтган замонларда Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат қилган сайёҳлар Ибн Батута, Клавиho, Ҳ. Вамбери; хорижлик олимлар В. В. Бартольд, Н. Я. Бичурин, С. П. Толстов асарларидаги маълумотлар байрамларни ўрганишида яхши манба бўлди.

Ҳозирги давр мутахассисларининг илмий, адабий, ўқув қўлланмаларидаги анъана, одат, маросим, байрамларга оид киритилган маълумотлар ушбу китобни бойитди. Жумла-

дан, Т. Мирзаев, Б. Саримсоқов, М. Муродов, М. Жўраев сингари фольклоршунос; М. Қодиров, М. Раҳмонов, Р. Абдуллаев, Б. Шодиев, Д. Раҳматуллаева сингари санъатшунос; И. Жабборов, А. Мазаев, Ф. Нажимов каби файласуф; Б. Аминов, О. Бўриев, А. Ашуров каби тарихчи; С. Олим, Ф. Гафуров, Ф. Соатов каби адабиётшунос; Д. Генкин, Б. Сайфуллаев, Ҳ. Исмоилов каби педагог ва бошқа соҳа олимларининг ишларидан фойдаланилди.

Оммавий ахборот воситалари, ЎЗА маълумотлари, жумладан «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳамда бошқа газета ва журналларнинг байрамларга оид репортаж, материаллари ушбу китоб учун муҳим манба бўлди.

Шунингдек, республикамизда ўтказилаётган йирик байрам ташкилотчилари — ташкилий ва ижодий гуруҳ раҳбарлари: Б. Абдураҳимов, К. Расулов, Ш. Жалилов; сценарий муаллифлари: Абдулла Орипов, Хуршид Даврон, Йўлдош Муқим, Ж. Жабборов; режиссёрлар: Р. Ҳамидов, Б. Йўлдошев, Э. Колосовский, Н. Отабоев, А. Раҳимов, М. Азимов, Б. Ҳамидов ва бошқалар фаолияти ҳақидаги материаллар ва улар билан бўлган шахсий мулоқот натижаларидан фойдаланилди.

«Ўзбек халқи байрамлари» китоби йигирма йилдан кўпроқ вақт ичида олиб борилган изланишлар натижасидир. Бунда Ўзбекистоннинг турли жойларида юзлаб оммавий байрамлар кузатилди ва улар ташкилотчиларининг фикр-мулоҳазалари ўрганилди. Республиканинг Ургут, Фориш, Бахмал, Чуст, Тошкент, Бухоро, Наманган каби жойларида кўплаб қариялар билан

суҳбат ўтказилиб, улардан анъанавий халқ байрамлари ҳақида қимматли маълумотлар ёзиб олинди.

Муаллифнинг «Бадиий-оммавий тадбирлар» (1986 йил), «Табиат байрамлари» (1988 йил), «Бўш вақт ва дам олиш маданияти» (1989 йил), «Ўзбекистон байрамлари» (1991 йил), «Азалий ва абадий қадриятлар» (1995 йил), «Наврўз» (2000 йил) номли қатор асарлари мазкур китобнинг яратилишига замин яратди.

Маълумки, байрамлар соф ҳолда учрамайди. Ана шуни ҳисобга олиб, байрамларни вужудга келтирувчи манбаларга, жумладан, эҳтиёж, мазмун, ғоя, шакл ва тадбирларга алоҳида аҳамият берилади. Чунончи байрам эҳтиёжи, мазмуни, ғояси, шакллари ҳамда «байрам тадбирлари», «байрам ҳолати», «байрам кайфияти» назариясига таяниб, байрамлар билан боғлиқ ёки уларнинг таркибий қисми сифатида намоён бўладиган анъана, одат, маросим, томоша, ўйин, тўй, сайил, намойиш, тантанали кеча, фестиваль, олимпиада, декада ва юбилейлар ҳам ўрганилади.

«Ўзбек халқи байрамлари» китоби тўрт қисм ва 13 бобдан ташкил топган. Китобнинг биринчи қисмида байрамларнинг назарий асослари, тушунча ва моҳияти, асосий хусусиятлари, ўзбек халқи байрамларини ўрганиш зарурияти ҳақида сўз боради.

Китобнинг иккинчи қисми ўзбек халқи байрамларининг тарихига бағишланади. Унда байрамларнинг энг қадимги ва ҳозирги давригача бўлган тараққиёт йўли хронологик нуқтаи назардан ўрганилади. Жумладан, энг қадимги одатлар (ибтидоий одатлар, қадимий эътиқодлар асосида пайдо бўлган маросимлар); антик давр байрамлари (зардуштийлар одатлари, байрам тақ-

вимлари); ўрта аср байрамлари (исломий маросимлар, халқ байрамлари, темурийлар даври байрамлари); XVI—XIX асрдаги мавсумий халқ байрамлари, томошалари; XX асрдаги миллий уйғониш даври, шўролар тузуми давридаги байрамлар, шунингдек, мустақиллик арафаси ва унинг дастлабки давридаги байрамлар тўғрисида фикр юритилади.

Китобнинг учинчи қисми анъанавий халқ байрамларига, яъни ўзбек байрамларининг асосий турларига бағишланади. Бунда байрамлар шартли равишда 3 га бўлиб тадқиқ этилади. Биринчи бобда мавсумий байрамлар (баҳорги: Наврўз, Сумалак сайли, Гул сайиллари; ёзги: Сув сайли, Тут сайли, Қум сайли; кузги: Меҳржон, Қовун сайли, Узум сайли, Анор ва анжир сайиллари, Ҳосил тўйи; қишки: Биринчи қор, Ялдо кечаси ва Қишки чилла, Гап-гаштак) ўрганилади. Иккинчи боб ўзбек оилавий маросимларига бағишланади. Бунда чақалоқ чилла, исм қўйиш одатлари, туғилган кун, бешик тўйи, Биринчи қадам байрами, суннат тўйи, мучал ёши; ўзбек тўйлари: никоҳ тўйлари, кумуш, олтин ва олмос тўйлар, қариялар байрамлари ҳақида сўз боради. Учинчи бобда диний байрам ва уларнинг асосий турлари (Рўза ҳайити, Қурбон ҳайити, Лайлат ул-қадр, Меърож, Мавлуд, Ашууро, Жума куни) тадқиқ этилади.

Китобнинг тўртинчи қисми замонавий байрамларга, жумладан, мустақиллик даври байрамларига бағишланади. Бунда энг аввало ижтимоий байрамлар — Мустақиллик байрами, Наврўз байрами, Конституция куни ва Ватан тимсоллари байрамлари, Янги йил байрами, Хотин-қизлар байрами, Хотира ва қадрлаш куни, Қатагон қурбонларини ёд этиш куни, Ўқитувчи-

лар ва мураббийлар куни байрамларига эътибор қаратилади. Ундан сўнг маданият байрамлари (Халқаро маданият байрамлари, буюк сиймолар таваллудлари, қадимги шаҳарлар юбилейлари ва тарихий қадриятларга оид тадбирлари) ва маърифий байрамлар (мактаб ўқувчилари байрамлари: Биринчи қўнғироқ, Алифбе байрами, Сўнги қўнғироқ ва Битирув кечаси; Талабалар тадбирлари: талабалikka қабул қилиш маросими, диплом топириш маросими) ва спорт байрамлари (халқ ўйинлари, кураш байрами, теннис байрами, олимпиада кабилар) ўрганилади. Китобнинг кейинги бобида — меҳнат ва табиат байрамла-

ри (деҳқончилик байрамлари: уруғ қадаш маросими, «Оқ олтин» карвони, ҳосил байрами, саноат ходимлари байрамлари: меҳнат жамоасига қабул қилиш маросими, маҳорат танловини ўтказиш, тадбиркорларга бағишланган тантаналар, авлодлар учрашуви тантанаси, илғор ишчи, ходимни нафақага кузатиш, касб-кор кунлари, табиат байрамлари: табиатсеварлар кўриклари, гуллар ва қушлар байрамлари) махсус ўрганилади.

Китобда Ўзбекистонда нишонланадиган байрамлар ва муҳим саналар календар (тақвим)и ҳам илова қилинади.

I ҚИСМ

БАЙРАМЛАР - ХАЛҚ МАДАНИЯТИ КЎЗГҮСИ



1606. БАЙРАМЛАРНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

АНЪАНА, ОДАТ, МАРОСИМ ВА БАЙРАМ ТУШУНЧАЛАРИ

✓ Ҳар бир халқнинг ижтимоий-маданий ҳаётида азалий анъана, урф-одат, маросим, байрамлар алоҳида ўрин тутаети. Улар кишилар турмуш тарзининг ўзига хос ҳодисаси сифатида намоён бўлати.

«Анъана», «одат», «маросим» бевосита «байрам» тушунчаси билан боғлиқ. ✓

✓ **А н ъ а н а** — тарихий тараққиёт жараёнида табиий ва ижтимоий эҳтиёжлар асосида вужудга келадиган, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган, кишилар маънавий ҳаётига таъсир кўрсатадиган маданий ҳодисадир. Анъана ўзига хос ижтимоий ҳодиса сифатида, кишилар онгига сингган (умум ёки маълум гуруҳ томонидан), қабул қилинган тартиб ва қоидалар мажмуаси ҳисобланади. ✓

Ўтказган тадқиқотимиз натижасида «халқ анъаналари» тушунчасининг ижтимоий-маънавий моҳиятини қуйидагича изоҳлаш мумкин: халқ анъаналари — узок тараққиёт жараёнида этносларнинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжлари асосида вужудга келиб, уларнинг ақлий-ижодий фаолияти асосида, атроф-муҳит, табиат, меҳнат жараёнига боғлиқ ҳолда авлоддан-авлодга ўтиб, тараққий этган ва асрлараро аждодлар фикри, орзу-ўйлари, тажрибалари, ютуқлари ва бошқа кадриятларини муҳассамлаштирган бебаҳо ижтимоий-маданий меросга айланган.

✓ **О д а т** (урф-одат) — кишиларнинг турмушига сингиб кетган, маълум муддатда такрорланиб турувчи хатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари,

кўникмасидир. Масалан, кичикларнинг катталарга салом бериши, уй-ҳовлини тартибга келтириб қўйиш, меҳмонларга алоҳида ҳурмат кўрсатиш, байрам арафасида кекса қариялар, касал, ожиз, қийналган кишилар ҳолидан хабар олиш, кўни-кўшнилари бирор ишига ёрдам бериш, ҳашарга бориш қабила ўзбек халқига хос яхши одатлар ҳисобланади. ✓

✓ «Одат» деган тушунча психологияда ҳам мавжуд бўлиб, у маълум шароит таъсирида вужудга келиб, кишининг феъл-атворида мустақамланиб қолган ва кейинчалик ўз-ўзидан беихтиёр бажариладиган ҳаракат маъносини билдиради. ✓

Анъана ижтимоий ҳаёт, меҳнат, маданиятнинг барча соҳаларига хос ҳодиса сифатида жуда кенг доирани қамраб олади. Одат эса муайян бир кишининг турмуш тарзи, хатти-ҳаракати, хулқ-атвори, мулоқоти ва оилавий муносабатларида намоён бўлати.

✓ **М а р о с и м** — инсон ҳаётидаги муҳим воқеаларни нишонлашга қаратилган, расмий ва руҳий кўтаринкилик вазиятида ўтадиган, умум қабул қилинган тартиб-қоидаларга амал қилинадиган тадбир саналади. Масалан, исм қўйиш, никоҳдан ўтиш, дафн қилиш, хотирлаш, экишга киришиш (уруғ қадаш), ўримга киришиш маросимлари ва ҳоказолар. ✓

✓ Одат кундалик ҳаётда доимо кузатилса, маросим эса инсон ҳаётидаги муҳим ҳодисалар содир бўлганида вужудга келаети. Маросим кишилар ҳаётидаги энг муҳим воқеаларни (масалан, туғилиш, уйланиш, ўлим қабила) қайд

этади, расмийлаштиради. Маросимларни ўтказишда авлоддан-авлодга ўтадиган, рамзий ва расмий анъаналар, қоидаларга амал қилинади. Маросимга, бўлаётган воқеага «гувоҳ» сифатида одамлар чақирилади. Одамлар кимнингдир гами ёки қувончига шерик бўлишади, келажак учун яхши ниятлар қилишади. Ҳар бир маросимнинг ўзига хос умум қабул қилинган тузилиши (бошланиши, ўртаси, охири) бўлади. ✓
✓ Инсон ҳаётида бўлиб ўтаётган муҳим воқеани нишонлаш жараёнида анъана ҳам, одат ҳам, маросим ҳам мужассамлашади. ✓

Буни қуйидаги мисолда кўриш мумкин: ёшлар вояга етганида — йигитлар уйланади, қизлар турмушга чиқади. Бу авлоддан-авлодга ўтиб келадиган анъана саналади. Йигит-қизнинг оила қуриши учун никоҳ тўйи ўтказилади. Никоҳ тўйи ўтказиш эса инсоният ҳаётига синган, муайян қоидага, маълум тартибга эга бўлган урф-одат ҳисобланади. Никоҳ тўйларининг асосий шартларидан бири куёв ва келиннинг никоҳдан ўтишидир. Ҳар бир даврда бу тўй билан боғлиқ ўзига хос одатлар вужудга келади. Масалан, ҳозирги пайтда махсус безатилган машиналарда кўчаларда юриш, гувоҳлар билан «Бахт уйи»га бориш, никоҳдан ўтаётганда давлат гимнининг янграши, «Бахт уйи» ходимларининг саволларига жавоб бериш, керакли ҳужжатларга имзо чекиш, никоҳ узукларини алмашиш каби одатларга амал қилинади. Бу расмий ва тантанали равишда ўтадиган маросимдир. Никоҳ тўйидаги одатларнинг адо этилиши келин-куёв, уларнинг қариндош-уруғи, ёру-дўстлари учун ҳақиқий шоидёна саналади.

✓ «Анъана», «одат», «маросим» бир-бири билан бевосита боғлиқ ҳодиса ҳисобланади. Шу боис анъаналарнинг таркибий қисми одат, одатнинг таркибий қисми эса маросим ҳам бўлиши мумкин. Масалан, билим юртини битирган ёш мутахассисларнинг ишлаб чиқаришга бориб иш бошлаши одат тусига кириб қолган. Бу муҳим воқеа муносабати билан анъанавий тадбирлар ташкил қилиш мумкин. Бу одатнинг таркибий қисми — ёшларни тантанали равишда меҳнат жамоасига қабул қилиш ўз-ўзидан маросимга айланади.

Баъзи ҳолатларда «анъана», «одат» ва «маросим» тушунчалари алоҳида ишлатилса, улар мавҳум маънони англатиши ҳам мумкин. Бун-

дай пайтда уларга аниқловчи сўзлар қўшилиб, масалан, «анъанавий байрам», «анъанавий фестиваль», «анъанавий кеча» ёки «мукофотлаш маросими», «тўй маросими», «нафақага кузатиш маросими» тарзида қўлланади. «Маросим» сўзи жамоатчилик иштирокида ўтказиладиган катта тадбир маъносини билдиради.

Баъзи маросимлар (дафн қилиш ва қайгули ҳодисалардан ташқари) байрамларнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлиши мумкин. Баъзи маросимлар байрам кунидан бошқа пайтларда ташкил қилинса ҳам, у байрам тусини олади. Масалан, «чигит қадаш», «диплом топшириш» маросимлари ўз-ўзидан байрамга айланади. Тантанали равишда аттестат топшириш маросими ҳам ҳар бир ўспирин учун катта байрам саналади. Булар маросим байрамларининг таркибий (ёки асосий) қисми эканлигини билдиради.

✓ «Анъана», «маросим», «байрам» атамалари ўзгармас тушунчалар эмас. Замона тараққиёти ва турмушдаги ўзгаришлар таъсирида тушунчалар мазмуни ҳам кенгайиб боради. ✓

✓ Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар таъсирида талабга жавоб бермай қолган анъана ва байрамлар аста-секин унутила бошлайди. Моҳиятан халқчил, ижтимоий салмоққа эга бўлган анъаналар тараққий этади. Масалан, *Наврўз*, *Қовун сайли*, *Лола сайли* ва ҳоказо байрамлар замонавий талабларга жавоб бергани учун асрлар давомида яшаб келмоқда. Халқ турмушининг ўзгариши унга мос анъаналарни вужудга келтиради. Ўзбек халқи ҳаётида ҳам яқин йиллар ичида авваллари мавжуд бўлмаган кўплаб ижтимоий ва шахсий-оилавий анъана, маросим ва байрамлар пайдо бўлди.

Кейинги пайтларда илмий адабиётларда, даврий нашрларда «анъанавий байрамлар», «янги анъаналар» сўзлари ишлатила бошлади. ✓

✓ «Анъанавий байрамлар» деганда маълум вақтда мунтазам ўтказиб туриладиган азалий маданий-оммавий тадбирлар — *Гул байрами*, *Лола сайли*, *Қовун сайли*, *Хирмон тўйи* (ҳозирги *Пахта байрами*) назарда тутилади. Чунки улар қадим замонлардан буён мавжуд бўлган халқ байрамларидир. ✓

✓ «Янги анъаналар» ҳаётимизга энди кириб келаётган ва жойларда эндигина бошланган тадбирлардир. ✓

XX асрнинг иккинчи ярмида, замон ўзгариши билан кейинги даврда ҳаётимизга туғилган чақалоқларнинг ота-оналарига гувоҳнома ёки вояга етган ёшларга паспорт топшириш, ўқув юрти битирувчиларини тантанали равишда меҳнат жамоасига қабул қилиш,

Биринчи маош тантанаси, *Авлодлар учрашуви*, *Олтин ва Кумуш тўйлар*, тантанали нафақага кузатиш тадбирлари кабилар кириб келган эди. Ҳозирги пайтга келиб, улар «янги» эмас, балки «анъанавий тадбир» бўлиб қолди.

БАЙРАМЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

! Одатда, байрам деганда бирор-бир муҳим ҳодиса, воқеа, санани кўпчилик бўлиб, кўтаринки руҳда, хурсандчилик билан нишонлаш тушунилади. ↓

Шу боисдан Беруний байрамларни ҳаётдаги «энг муҳим кунлар» деса, Маҳмуд Қошғарий «шодлик ва хурсандчилик кунини» деб таърифлайди (Маҳмуд Қошғарий. «Девону луғотит турк», 1-том. — Т.: «Фан», 1963 йил, 447-бет).

Дарҳақиқат, байрам одатдагидан кўра кўтаринкироқ кайфиятни вужудга келтиради. Байрам чоғида ҳамма бошқа кунларга қараганда хурсанд, шод ва бахтиёр бўлади.

«Байрам, — деб ёзади А. И. Мазаев, — бу маълум вақтдаги идеал ҳаётдир» (Мазаев А. И. Праздник как социально-художественное явление. — М.: «Наука», 1978 с. 172).

! Байрам кунларида одамлар «қисқа вақтга бўлса-да, ўзларини кундалик меҳнатдан, ташвишдан, гам-ғуссадан, қарамликдан, қарздан холи, эркин сезадилар, — дейди М. Қодиров. Зотан, байрам кунлари ҳамма тенг, ҳур ва озоддир, истаганича яйраши, кўнглидагини айтиши, хоҳлаганича ўйнаши, кулиши, майнавозчилик қилиши, кимнингдир устидан кулиши мумкин. Ҳеч ким бунини ман этмайди» (М. Қодиров. Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. — Тошкент: «Фан», 1993, 81-бет). ↓

! Байрам ҳаётнинг давоми, муҳим қисмидир. Байрам шахс, оила, жамият, миллат, давлат, халқаро ҳаётдаги энг муҳим ҳодиса, воқеа, саналарни қайд этади, уларни нишонлашга имконият яратади. ↓ У кишиларнинг ҳаёти, фанолиятида эришган ютуқларини ифодалайдиган ҳодисадир. Ўзбек халқида йирик ишларнинг бошланиши ва якунланиши одатда байрамга айланиб кетади. Янги ҳосил мавсумининг бошланиши ва илк уруғ қадаш жараёни ҳам деҳқонлар ҳаётида муҳим воқеа бўлганлиги боис байрамона кайфиятда ўтади. Кейинги

даврда ҳар бир йирик саноат иншоотининг (масалан, Шўртон газ-кимё мажмуаси) очилиши байрам ҳолатида уюштирилади.

Байрам инсониятнинг босиб ўтган йўллари чучуқ англашга, галабалардан фахрланишга, эртанги кун учун режалар тузишга, келажакка умид боғлашга ёрдам беради. Шу боисдан ҳам, байрам арафасида кишилар бир-бирларини табриклашади, яхши истаклар билдиришади.

! Байрамлар вақтнинг монотонлигини (бир хиллигини) бузиб, унга муайян «шодлик сурати» бахш этади. Шу сабабли, қадимдан байрамлар вақтнинг ўзига хос ўлчови ҳисобланган. Ҳозир ҳам байрам кунини, масалан, *Янги йил* нишонланаётганда муайян вақт ўтганлигини, яъни ўтган *Янги йил* билан ҳозирги *Янги йил* орасида яна бир йил ўтганлигини ҳамма билади. Байрам кунларида кишилар «Орадан шунча... вақт ўтибди-я?!» деган сўзларни кўп бор айтишади. Байрамлар вақтнинг қадрига етишга, уни эъзозлашга даъват қилади. ↓ *А.И. Мазаев*

! Байрамлар ҳар бир халқнинг ўзига хос қадриятларини акс эттирадиган «кўзгу» саналади. Чунончи кишилар байрам чоғида чиройли кийимларини кийишади, лаззатли таомлар тайёрлашади, ўз қобилиятларини намойиш этишади. Ўша кунини ҳамма кўтаринки кайфиятда бўлади. ↓

Байрамлар эркинлик кунини ҳисобланади. Айниқса умумхалқ байрам кунини ҳамма дам олади. Бу кунда ҳамма ўз ташвишлари, дарду аламларини бир зумга бўлса-да унутлади, ўзини шод-хурсанд кўрсатишга ҳаракат қилади.

! Байрам кунини кишилар ўртасида бошқа кунларга қараганда муайян даражада яқинлик, ҳамкорлик вужудга келади. Қадимда бу кунда ҳамма бир қозондан овқат еган, бир хил томоша кўрган, битта жойдаги сайилгоҳда сайр қилишган. ↓

! Байрам куни азал-азалдан тинчлик куни ҳисобланган. Ўша куни урушлар, низо, жоҳролар тўхтатилган. Бу кунда кишилар ўртасидаги адоват, гина-қудуратлар унутилган, ўзаро аразлашганлар ярашган. Байрамларда шундай ҳолат вужудга келганки, унда ҳамма гоёвий-маънавий бирлашган, ўзаро ҳамжиҳатлик юзага келган. |

! Байрамларда вужудга келадиган кўтаринки кайфият кишиларни эртанги кунга умид боғлашга, келажакка ишонч билан қарашга ундайди.

Байрамлар ижтимоий-маданий ҳаёт кўзгуси сифатида ҳар бир халқнинг ижтимоий-иқтисодий ютуқларини ҳам кенг намоиш қилади. |

«Байрамнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий аҳамияти шу билан белгиланадики, — деб ёзади профессор Э. В. Соколов, — у муҳим анъаналарни қўллаб-қувватлаш асосида инсоният маданияти ютуқларини мустаҳкамлайди» (Соколов Э. В. Свободное время и культура досуга. Л., 1977, с. 85). Байрамлар моддий ва маданий ҳаётда эришилган муваффақиятларнинг ўзига хос намоиши ҳисобланади. Чунки байрам кунига бағишлаб барча муассасалар, корхоналар ўзлари эришган муваффақиятларни намоиш қиладилар. «Айнан байрам, — дейди А. И. Арнольд, — дунё маданияти хазинасига йиғилган энг қимматли бойликларни ўзида мужассамлаштиради» (Жигульский К. Праздник и культура. — М., «Прогресс», 1985, с. 5). Шу боисдан байрамлар инсоният маданиятининг энг муҳим шаклларида бири бўлиши билан бир қаторда, кишилик жамиятини ривожлантиришнинг энг самарали воситаси ҳисобланади.

Байрам жамият ҳаётининг таркибий қисми сифатида олдиндан белгиланган, муайян кунда нишонланади. Баъзи байрам кунлари дам олиш куни деб эълон қилинади. Мамлакатимизда йирик байрамларни нишонлаш учун 9 кун дам олиш кунлари сифатида белгиланган. Шунингдек, муайян касб кунлари ҳам айнан дам олиш — якшанба кунларида ўтказилиши белгилаб қўйилган. Тадқиқотчи Э. В. Соколов байрамларни барча дам олиш шакллари орасида энг афзали деб кўрсатади. Чунки байрам тадбирларида дам олишнинг энг самарали шакллари мужассамлашади (Соколов Э. В. Свободное время и культура досуга. — Л., 1977, с. 84—88.).

Бироқ баъзи меҳнат байрамларида дам олиш бўлмаслиги ҳам мумкин. «Ҳашар», «Чигит қалаш», «Биринчи ҳосил қарвони» каби тадбирлар ўтказиладиган кунда ҳам меҳнат, ҳам байрам қилинади.

Байрам тарбия тизимида ўзига хос муҳим ва йирик тадбир саналади. Байрамлар халқнинг энг яхши анъаналари, одатлари, ахлоқий қоидаларини ўзида мужассамлаштириши, сақлаши ва ривожлантириши билан ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутади.

Байрамлар моҳияти улар мазмуни ва гоёсига боғлиқ бўлади. Мазмун, гоё ҳар бир байрамнинг асосини, образли қилиб айтганда «жони» ва «қони»ни ташкил этади. Тарихий жараёнда байрамлар маъноси гоёси халқнинг ўйи, дарди, орзу-умидлари асосида пайдо бўлган ва ўзгариб, ривожланиб борган.

Мустамлакачилар ҳам, маҳаллий ҳукмдорлар ҳам байрамларга ўз гоёларини сингдиришга ҳаракат қилган. Масалан, *Наврўз*, *Меҳржонга* мустамлакачилар ўз мафқурасини ёки ислом пешволари диний гоёларни сингдиришга интиланган. Шўролар эса *Ҳосил тўйини* социалистик гоёлар билан бойитишга уринишган. Зўравонлик билан сингдирилган гоёлар байрамларнинг моҳияти, шаклига путур етказган. Бу эса одамларнинг байрамларга бўлган қизиқишини сусайтирган. Шу сабабли, айрим байрамлар унутилган ёки йўқолиб кетган. Ҳукмдорлар халқ одатларига, байрамларига ўз гоёларини сингдирилмай қолганида уларни тақиқлашга ҳаракат қилишган. Бироқ қулай шароит пайдо бўлиши билан байрамлар мазмунига яна «жон» кирган. Жумладан, мустақиллик даврида шундай имконият яратилдики, халқнинг табиий эҳтиёжини қондирадиган байрамлар (*Наврўз*, *Ҳосил байрами*) янгича мазмун, янгича гоё билан бойиган ҳолда қайта тикланди.

Оммавий байрамларнинг энг асосий хусусияти байрам ҳолати (байрам кайфияти) билан боғлиқдир. Одамлар оммавий байрамларни ўзлари хоҳлаган вақтда белгилаши ёки уни ташкил қилиши мумкин эмас. Оммавий байрамлар муайян сабаб, асос бўлганидагина вужудга келади. Байрам воқеликнинг ўзидан келиб чиққанида, кишиларда унга нисбатан эҳтиёж туғилганида ва байрам кайфияти вужудга келганидагина чинакам тантанага айланди.

Масалан, мўл ҳосил йиғиштириб олиниши деҳқонларнинг йил давомида машаққатли меҳ-

нати самараси сифатида хурсандчилик — байрам ҳолатини вужудга келтиради.

Байрам ташкилотчилари эса кишилар ўрта-сида вужудга келган байрамона кайфиятдан фойдаланиб, унга мос тадбирлар тайёрлаб, байрамни ўтказиши мумкин. «Халқ оммасининг байрамга интилиши, унга тайёрланиши бу ҳали байрам эмас, — деб уқтиради Д.М. Генкин, — бу интилишни албатта оқилона, гўзал, нозик қилиб уюштириб, ташкил этиш керак» (Генкин Д. М. Массовые праздники. — М., 1975, с. 136.).

Дарҳақиқат, байрам махсус уюштирилса-ю кишиларда байрамона кайфият бўлмаса, у оддийгина бўлиб, одатдаги кунлик воқеадек бўлиб ўтиши мумкин. Ҳақиқий байрам кишилар уни орзиқиб кутганида, унга махсус тайёргарлик кўрилганида, уни нишонлаш шакли топилганидагина юзага келади.

Байрамлар исталган пайтда ёки ўз-ўзидан вужудга келмайди. Байрам оммада унга нисбатан эҳтиёж туғилганида, муайян бир асос, сабаб пайдо бўлганида, у махсус уюштирилганидагина таъсирчан тадбирга айланади.

Байрамларнинг яна бир хусусияти уларнинг муайян вақт, махсус сана билан боғлиқлигидир. Кишиларда байрам кайфияти аввалдан белгиланган вақт, сана, кун келганида пайдо бўлади. Масалан, қишнинг совуқ кунларидан сўнг об-ҳавонинг исизи, теварак-атрофнинг кўм-кўк либосга ўраниши, дов-дарахларнинг гуллаши — баҳор келиши барча кишиларга олам-олам қувонч, шодлик олиб келади. Албатта, табиатнинг бу ўзгаришидан ҳар ким ўзича завқланади. Аммо табиат гўзаллиги ва баҳор шодиёнаси ҳамма учун умумий бўлганлиги сабабли одамларда уни биргаликда нишонлаш кайфияти ҳам туғилади. Ана шу эҳтиёжни қондириш учун махсус вақт (кун, сана) белгиланади. Бу саналарни белгилашда минг йилликлар тажрибасидан келиб чиқилади. Масалан, қуёшнинг ҳамал буржиги кириш вақти «Наврўз» байрами ўтказиладиган вақт сифатида белгиланган.

Янги йил байрами санаси ҳам кимларнингдир хоҳиш-истаги асосида ўзгартириб турилмайди. Бу кунни ўтмишда турли халқлар ҳар хил вақтда нишонлашган бўлса ҳам, кейинги пайтда дунё бўйича 1 январь Янги йил байрами деб қабул қилинган.

Талабаларнинг ўқув юртини тугаллаши учун

тўрт-беш йиллик муддат керак бўлади. Ана шу муддат ниҳоясига етгач, талабаларда хурсандчилик кайфияти вужудга келади. Бу эса махсус байрам уюштириш учун замин яратади. Айнан шу қувончли воқеани нишонлаш учун махсус сана белгиланади.

Тақвим саҳифаларида байрам кунлари алоҳида ажратиб кўрсатилади. Бироқ бу кунларнинг чинакам байрамга айланиши учун кишиларда кўтаринки кайфият бўлиши ва муайян тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Байрамларнинг яна бир ўзига хос хусусияти уларда кенг омманинг иштирок этишидир. Байрам аввало кўпчилик учун уюштирилади ва у бевосита кўп одамларнинг иштирокида ўтади. Театрлар, концерт заллари, телевидение кўрсатувлари, радио эшиттиришларида омма фақат томошабин, тингловчи ролини бажарса, байрамларда одамлар фаол иштирокчи сифатида қатнашади. Байрамларда ҳамма ўз қобилиятини намоён қилиши мумкин. Кишилар байрам тадбирларини иштирокчи сифатида кузатади ва бўлган воқеаларга ўз муносабатини билдира олади.

Албатта, байрам тадбирларида ҳамма ҳам бир хил даражада фаол қатнашмайди. Бунинг имкони ҳам йўқ. Байрам дастурини бошқарувчилар, спортчилар, бадий ҳаваскорлик жамоалари аъзолари кабилар байрамнинг фаол қатнашчилари бўлади. Байрам иштирокчиларининг диққатини тадбирларга жалб қилиш, фаоллаштириш учун улар ўртасида оммавий ўйинлар, кўшиқлар, викториналар, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари уюштирилади.

Байрамларнинг ўзига хос яна бир хусусияти уларнинг бир неча (комплекс) тадбирлар синтезидан ташкил топишидир. Ҳар бир байрам кўплаб тадбирлар асосида уюштирилади.

Байрамнинг ташкил қилиниши — унинг мавзуси, гоё, йўналишини махсус шакл, тадбир ва маросимлар орқали намоён этишидир. Одатда, ҳар бир оммавий (айниқса, очиқ жойлардаги) байрамнинг очилиш маросим-тадбири бўлади. Ундан сўнг, бир жойда — байрам кўргазмалари, кўрик-танловлари; иккинчи жойда — дор ўйини, полвонлар чиқишлари; учинчи жойда — аския ва қизиқчилар чиқишлари, кўғирчоқ театри томошалари; тўртинчи жойда — бадий ҳаваскорлик жамоалари, фольклор-этнографик ансамбллари концертлари; бешинчи

жойда — спорт мусобақалари (кураш, пойга, чавандозлик) кабилар ташкил қилинади.

Анъаналар, маросимлар, театрлаштирилган концерт ва томошалар, карнаваллар, намо-

йишлар, халқ ўйинлари байрамларнинг асосий таркибий қисми саналади. Оммавий байрамлар шу каби тадбирлар асосида ўтказилади.

ЎЗБЕК ХАЛҚИ БАЙРАМЛАРИНИ ЎРГАНИШ ЗАРУРИЯТИ

Халқни байрам қилишига қараб, унинг тараққиёт даражасини билиш қийин эмас. Жумладан, байрамлар элнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий аҳволи ҳақида ёрқин тасаввур бера олади. Чунки байрамлар ижтимоий ҳаётнинг энг яхши томонларини акс эттирадиган кўзгудир. Ҳар томонлама ривожланган халқнинг байрамлари ҳам файзли бўлади. |

Ўзбек халқи ўз аждодларининг буюк тарихий, маънавий, илмий мероси, меъморий ёдгорликлари, санъати, адабиёти билан бир қаторда кўп минг йиллик байрам-маросим маданиятига эга бўлганлиги билан ҳам фахрланса арзийди. Ўзбек байрамлари узоқ тараққиёт жараёнида аждодларимизнинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжлари асосида вужудга келди. Уларнинг ақли ижодий фаолияти асосида, атроф-муҳит, табиат, меҳнат жараёнига боғлиқ ҳолда авлоддан-авлодга ўтиб, тараққий этди. Асрларро аждодлар фикри, орзу-ўйлари, тажрибалари, ютуқлари ва бошқа қадриятларини муҳасаммалаштирган бебаҳо ижтимоий-маданий меросга айланди. Бироқ ҳалигача ўзбек халқи байрамларининг бу тарихий мероси махсус ўрганилган эмас.

Ўзбек халқи байрамлари қадимги даврдан шу кунгача тарихий зарурият заминида ривож топиб, қарама-қаршиликларни енгиб, бошқа халқлар тажрибаси билан бойиб келди. Ҳолбуки, ўзбек халқи тарихи, маданиятига оид тадқиқотларда халқ ҳаётининг муҳим ва ажралмас қисми бўлган байрамлар ўз аксини топмаяпти. Бунинг устига ҳанузгача ўзбек халқи байрамларининг тарихи, анъаналари ва ҳозирги аҳволи ҳам махсус ва яхлит ўрганилган эмас. Бунинг асосий сабаби шунда эдики, шўролар даврида миллий байрамларни тадқиқ этиш расмий ва норасмий таъқиқланган бўлиб, фақат янги совет байрамларини ўрганиш мумкин эди. Мустақиллик туфайли ўзбек анъаналарини ўрганиш имкониятлари очилмоқда. Миллий анъаналар, халқ байрамларининг айрим масалалари тадқиқ қилина бошланди. Ўзбек халқи

байрамларини махсус ва ҳаққоний ўрганиш даври келди. Бу эса вақтида қадрланмаган меросимизни тарихий, сиёсий, фалсафий, ахлоқий, элшунослик, маданиятшунослик нуқтаи назарларидан ҳар томонлама ўрганишни тақозо этмоқда.

Ўзбек халқининг байрам-маросим маданияти шу қадар бой ва ранг-барангки, уларни табиат, меҳнат, диний эътиқод, оилавий ҳаёт, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, санъат ва спорт каби кўплаб турларга бўлиб тадқиқ этиш мумкин.

Шу билан бирга ўзбек байрамларининг эътибор бериш лозим бўлган бир қатор муҳим томонлари бор:

1. Энг аввало ўзбек халқи байрамлари **тарихини** ўрганиш жуда зарур. Чунки, шу пайтгача узоқ тарихга эга бўлган ўзбек халқи байрамлари махсус тадқиқот объекти қилиб олинган эмас. Маълумки, Марказий Осиё инсоният маданиятининг энг қадимий ўчоқларидан бири ҳисобланади. Олиб борилган археологик тадқиқотлар бу ҳудудда 1 миллион йилдан буён одамлар яшаётганлигидан далолат бермоқда. Демак, маҳаллий аҳоли маданияти, жумладан, ўзбек халқ одатларининг пайдо бўлиши ва шаклланиш жараёнини нафақат асрлар, нафақат минг йилликлар, балки юз минг йилликларни қамраб олган ҳолда ўрганиш керак. Ўзбек байрамлари тарихини энг қадимги давр, антик давр, ўрта асрлар, янги асрлар ва XX асрларга бўлиб алоҳида ўрганиш ҳар бир даврга хос тажрибаларни умумлаштиришга катта фойда беради.

2. Ўзбек халқи одат-байрамларини ўрганишда **геомаданиятни** ҳисобга олиш ҳам фойдалидир. Бу Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудидаги маданият ва одатларимиз тарихий ўзагини топиш учун муҳим аҳамиятга эга. «Геомаданият» ёрдамида Ватанимизда 1 миллион йилдан буён одамларнинг яшаш жараёнида, уларнинг шу ерга, шу табиатга, шу иқлимга, шу ҳудудда пайдо бўлган турмуш тар-

зи ва машғулотларига мос маданияти, одатлари, маросимлари ва байрамларини ўрганиш мумкин.

Тўғри, босқинчилар, кўчманчилар ва бошқалар Ватанимиз маданиятига таъсир этган ҳам бўлиши мумкин, бироқ уларнинг анъаналари маҳаллий ўзбек маданияти ва одатлари ўзагини ташкил қила олмади. Аждодларимиз одатлари ўз она-еримизда, ўз ҳудудимизда пайдо бўлган ва ривож топган. Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек, «...кўчманчилар, босқинчилар келиб кетаверади, лекин халқ боқий қолади, унинг маданияти абадий яшайди» (И. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т., 1998, 21-бет).

3. Ўзбек байрамларига **элшунослик, этник маданият** нуқтаи назаридан ёндашмай туриб уларни ўрганиш қийин. Маълумки, ўзбек миллати кўплаб этник уруғлар асосида вужудга келган ва унга турли этносларнинг таъсири бўлган. Бироқ «Искандар ҳам, Қутайба, Чингизхон, Генерал Черняевлар ҳам, ...юртимизга бир неча ўн минг ё бир неча юз минг лашкарлари билан келган, ишғол қилган ва бу ерда сиёсий ҳокимиятни қўлга олган. Бироқ шу ерда асрлар давомида яшаб келаётган маҳаллий аҳолини, унинг кўп минг йиллик маданиятини йўқ қила олмаган, қила олмайдилар ҳам» (И. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т., 1998, 18-бет).

Ўзбекистонда кўплаб миллат ва элатлар яшайди, бироқ улар ичида ўзбеклар туб, асосий аҳолини ва сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил қиладиган миллат ҳисобланади. Шу сабабли халқ байрамларини ўрганаётганда ўзбек байрамларига асосий урғу берилиши керак. Бундан келиб чиқиб, ўзбек этник одатлар генезисига ва эволюциясига алоҳида аҳамият бериш зарур. Жумладан, ўзбек халқи байрамларини:

а) халқ эҳтиёжи асосида вужудга келиши;
б) ҳаётнинг таркибий қисмига айланиши;
в) авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиши;
г) замонга мос бойиб, камол топиши ва ҳоказо жараёнларни махсус ўрганиш керак. Бундай ёндашувсиз ўзбек этник одатларининг бой ва муҳим қирраларини очиш мумкин эмас.

4. Ўзбек байрамларини **диний эътиқодлардан** холи ҳолда ўрганиб бўлмайди. Чунки эътиқодлар халқимизда қадимдан шаклланган ва ривож топган. Одамларнинг ҳаёт, табиат сирла-

рини тушунишга интилиши натижасида фетишистик, тотемистик, анимистик, политеистик, магик каби диний эътиқодлар билан бирга қадимги одатлар (чунончи, «ёмғир тилаш», «шамол чақариш», «куёшга сиғиниш», «қурбонлик қилиш» маросимлари) вужудга келган. Бу одатлар аждодларимизнинг тарихий илдизлари сифатида қадрлидир.

Зардуштийлик динига эътиқод қилиш даврида аждодларимизнинг байрамлар тизими шаклланди. Бунда *Наврўз*, *Меҳржон*, *Сада*, *Ангом* каби байрамлари айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди. Уларда яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронғулик, иссиқлик ва совуқлик, ўлим ва ҳаёт ўртасидаги зиддиятлар акс этиб, бу давр одатларида эзгулик, меҳрибонлик, муруватлилик, қадр-қиммат, инсонийлик каби маънавий-инсоний фазилатлар қадрлана бошланди.

Исломга эътиқод қилиш даврида диний байрамлар — *Рўза ҳайити*, *Қурбон ҳайити* кабилар маънавий ҳаётга катта таъсир ўтказган.

Хуллас, диний эътиқодлар анъанавий маҳаллий байрамлар билан чамбарчас боғланиб кетган. Уларсиз ўзбек байрамларини ҳам тасаввур қилиш қийин.

5. Ўзбек халқи байрамларининг энг диққатга сазовор томонларидан бири уларнинг **табиат** ва **меҳнат** билан боғлиқлигидир. Чунки ўзбек халқи ва унинг аждодлари истиқомат қилган ҳудуднинг географик ўрни, табиати, йил фасллари кабиларнинг ўзига хос хусусиятлари асосида мавсумий одат, байрам ва маросимлар вужудга келиб, улар маҳаллий аҳолининг тафаккури, характери, идроки, ҳис-туйғулари, иродаси, қобилиятларининг шаклланишида муҳим ўрин тутди. Мавсумий анъаналарнинг шаклланишида маҳаллий аҳоли истиқомат қиладиган ҳудуднинг табиий шароити, иқлими билан боғлиқ бўлган моддий маданияти, меҳнат тажрибалари, шунингдек, экологик онги, халқ эътиқодлари, халқ ижоди, турмуш маданияти каби маънавий соҳалар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек халқи одатларининг бир қатор қадриятлари мавсумий меҳнат фаолияти билан боғлиқ эканлигини ҳам назарда тутиш керак. Қадимдан аждодларимизнинг ҳар бир фаслга хос анъаналар тизими (системаси) шаклланиб келган. Улар орасида эрта баҳорда — меҳнат мавсумига киришдан олдин, ёзда — ҳосил йи-

ғиштиришдан аввал, кузда — ҳосил тўплангандан сўнг ва қишда — далалар «уйқуга кетиб», меҳнаткашларнинг бўш вақти кўпайиб, маданий дам олиш эҳтиёжи туфайли уюштирилладиган одат, маросим, байрамлари халқ ҳаётида муҳим ҳодиса ҳисобланган. Асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб, анъанага айланган: баҳорги — *Қурултой, Гул байрамлари, Наврўз*; ёзги — *Сув сайли, Чоймомо*; кузги — *Узум сайли, Қовун сайли, Пахта тўйи, Анор сайли, Анжир сайли*; қишки — *Яс-юсун, Гап гаштак, Қор хат* каби маросим ва байрамлар деҳқонлар ҳаёти, турмуши, мавсумий меҳнат жараёнида ва маънавий оламида самарали шакл касб этиб, уларнинг мазмуни ёшларнинг экологик онгини раванқ топтириш, табиат бойликларини қадрлаш, йил фаслларида вужудга келадиган гўзалликлардан завқланиш, меҳнатнинг қадрига етиш, инсонийликни улуғлаш каби функцияларни бажаришда яхши хизмат қилган.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон байрамларига оид энг муҳим муаммолардан бири — бу ўлкамиз табиати, иқлими, аجدодларимиз тарихи, анъаналари каби кўплаб хусусиятлар асосида вужудга келган, минг йилликлар орасида авлоддан-авлодга ўтиб нишонланиб келинган байрамларни тиклаш ва тараққий эттиришдир.

6. Ўзбек анъаналарининг муҳим қисмини **оилавий** маросимлар ташкил қилгани учун уларни алоҳида тадқиқ этиш эҳтиёжи юзага келади. Ўзбек оилаларида чақалоқ туғилгандан то у улғайиб, янги оила қурғунига қадар содир бўладиган муҳим воқеаларни қайд қиладиган маросимлар тизими вужудга келган. Мазкур тизимга кирган *Чақалоқнинг дунёга келиши, Исм бериш, Чақалоқ чилла, Бешик тўй, Соч тўй, Тиш тўй, Биринчи қадам, Суннат тўй, Мучал ёш, Никоҳ тўй* кабилар ёш авлоднинг ривожланиши ва маънавий камол топиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун ўзига хос маънавий «зина» сифатида хизмат қилади. Бу одатлар ўзбек менталитетини шаклланишида муҳим тадбирлар бўлган.

7. Халқ байрамларининг **ахлоқий-тарбиявий** томонларига алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки халқ байрамларида қадимий ва исломий одатлар чатишиб кетиб, улар одамлар ўртасида меҳр-оқибат, иззат-ҳурмат, қадр-қиммат, мурувват каби инсоний фазилатларнинг

равнақ топишида катта хизмат қилади. Байрамларнинг мазмунига инсонийлик, олижаноблик, сахийлик, раҳмдиллик, меҳр-мурувватлилик каби ғоялар сингиб кетган.

Халқ байрамлари аجدодларимизнинг энг яхши фазилатлари, фикрлари, тажрибалари, ютуқлари, қадриятларини мужассамлаштирганни учун жамиятимизни ахлоқий соғломлаштирувчи, инсонпарварликни барқарор этувчи ва аҳолининг маънавий камол топишига хизмат қиладиган муҳим омил сифатида намоён бўлади. Шунингдек байрамлар одамлар орасида одоб-ахлоқ, имон-эътиқод, инсонпарварлик, меҳр-мурувват, саховат, одиллик, ҳалоллик, биродарлик, ватанпарварлик, меҳмондўстлик каби хислатларни раванқ топтиришда муҳим омил ҳисобланади.

8. Ўзбек халқи байрамларини **сиёсий** нуқтаи назардан ўрганиш энг муҳим масаладир. Чунки сиёсий жараёнда ҳам байрамлар муҳим аҳамиятга эга бўлган. Хукмронлар ҳар доим байрамлар орқали ўз сиёсий ғояларини тарғиб этишга интиланлар. Тарихда одил хукмронлар халқ байрамлари орқали адолат, инсонпарварлик, иноқлик ва меҳр-оқибатни тарғиб этишга алоҳида эътибор берганлар. Босқинчилар эса аксинча, байрамларга ўз сиёсатини сингдириб, улар орқали ўз ҳокимиятини мустаҳкамламоқчи ва обрўини кўтармоқчи бўлганлар. Буни эплай олмаганларида эса, байрамларни тақиқлашга ҳаракат қилганлар. Масалан, шўролар азалий, миллий байрамларни ўзига хизмат қилдира олмаганлиги сабабли, уларни инкор ва тақиқ этиш йўлидан борди. Ўз сиёсатини тарғиб қилиш учун янги совет байрамларини ўйлаб топишди ва ҳаётга жорий этишга интилишди. Халқ эса ўз эҳтиёжларини қондирадиган байрамларни нишонлашга интилан, сунъий ўйлаб топилган сиёсий байрамларга бефарқ қараган.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз яратган бебаҳо меросни ва халқ анъаналарини тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

9. Ўзбекистон байрамлари **халқаро** аҳамият касб этмоқда. Чунки 10 йилдан ортиқ вақт давомида республикамизда байрамларни ўзбеккона ташкил қилиш борасида диққатга сазовор тажрибалар вужудга келди. Биринчидан, миллий («Наврўз» каби) байрамларимиз жа-

ҳон ҳамжамиятини қизиқтира бошлади, иккинчидан, мамлакатимизда халқаро («Шарқ тароналари» каби) анжуманлар уюштириш тажрибаси вужудга келди.

Аждодларимиз меросини тиклаш бўйича қилинаётган ишларимизни нафақат ўзимиз, балки бутун жаҳон тан олмақда. Бу борадаги оламшумул ишларимизни ўрганиш учун дунёнинг кўпгина мамлакатлари (чунончи, Америка, Норвегия, Голландия, Франция, Германия, Туркия)дан ташриф буюрган мутахассис-олимлар анъанавий маданиятимиз, жумладан, байрамларимизни тиклаш бўйича қилинаётган ҳаракатларимизга қойил қолишмоқда.

Фахр билан шуни айтиш лозимки, Ўзбекистон байрамларини ташкил қилиш тажрибаси МДХ да энг илғор деб тан олинмоқда. Шунинг учун бўлса керак, дунёнинг кўпгина мамлакатларидан келган мутахассис олимлар Ўзбекистон байрамлари савиясига тан бериш билан бир қаторда бу ердаги тажрибаларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда. «Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ» деганларидек, ўзбек байрамларини кўпроқ чет эл олимлари тадқиқ этишмоқда. Балки ўз муваффақиятимизга ўрганиб қолгандирмиз. Балки хорижликлар бизнинг тажрибамизни узоқдан яхши кўрсалар керак. Европа ва Америкадан келган олимлар байрам бўйича бизларнинг тажрибаларимизни қизиқиб ўрганишмоқда. Ху-

сусан, америкалик социолог олим Лора Адамс Ватанимизга келиб, Ўзбекистон байрамларига оид докторлик диссертациясини ёзди ва уни Америкада ёқлади.

Ўзбекистон байрамларининг асосий амалий ютуғи шундаки, жаҳонда аналоғи йўқ, анъанавий-тарихий ва замонавий тажрибаларни уйғунлаштирган байрамнинг янги бош томошаси — театрлашган мусиқали — хореографик композиция вужудга келди. Айнан шу шаклдаги томоша кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Шундай қилиб, энг қадимги даврлардан бошлаб шакллана борган ўзбек халқи байрамларини махсус ва ҳар томонлама тадқиқ этишга катта эҳтиёж бор. Тўғри бир китобда ўзбек халқи байрамларига оид барча муаммоларни қамраб олиш қийин. Шундай бўлса-да, мазкур китобда бир неча минг йиллик ўзбек халқи байрамларининг тарихи, энг қадимги даврлардан то ҳозирги кунгача бўлган ривож, муҳим босқичлари, асосий турлари ва муҳим анъаналарининг шаклланиши, тарихий тажрибалари, шўролар давридаги аҳволи, мустақиллик шароитида тикланиши, ҳозирги даврда Ўзбекистон байрамларининг халқаро аҳамияти ва уларнинг истиқболи ҳақида атрофлича фикр юритилган. Шунингдек, унда ҳозирги кунда ватанимизда нишонланаётган умумхалқ, ижтимоий-сиёсий, маданий, маърифий, спорт, табиат ва меҳнат байрамлари хусусиятлари кенг ёритилган.

II ҚИСМ

ЎЗБЕК ХАЛҚИ БАЙРАМЛАРИ ТАРИХИ



И Б О Б. ЭНГ ҚАДИМГИ ОДАТЛАР

Мустақиллик туфайли миллий онгимиз, тарихий хотираларимиз тикланмоқда. Зеро истиқлолга эришганимиз боис биз ўз бой тарихимизни жуда қадим замонлардан — минг йилликлар қаъридан изламоқдамиз.

Олис ўтмиш ичига қанчалик чуқур кириб борилса, уни ўрганиш шунчалик қийин бўлади. Чунки уни тадқиқ қилиш учун манбалар топиш мушкуллашади. Шундай бўлса-да, мавжуд маълумотлардан фойдаланиб ва янги манбаларни излаб, уларни мантиқий таҳлил қилиб, ўз ажлодларимиз тарихини чуқур ўрганиб боришимиз зарур. Акс ҳолда, тарихий онгни тиклаб бўлмайди. Тарих — бизнинг таянчимиз. Бу

таянчдан куч олиш учун уни яхши билиш керак. Биз тарихимизни қанчалик қадрласак, келажакимиз шунчалик порлоқ бўлади.

Мазкур ишимизда қадим ажлодларимиз амал қилган одатларни кўҳна маданиятимизнинг муҳим қисми сифатида махсус ўрганмоқчимиз.

Одатларнинг пайдо бўлиши инсоният ҳаётидаги энг қадимий ҳодисалардан бири бўлгани боис уларни ўрганиш осон эмас. Ана шу мураккабликдан келиб чиқилган ҳолда, биз одатларнинг пайдо бўлиш жараёнини мавжуд бўлган манбалар асосида шартли равишда икки қисмга бўлиб ўрганамиз.

ИБТИДОЙ ОДАМЛАР ҲАЁТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ОДАТЛАР

Маълумки, энг қадимги даврларда одамлар тўда-тўда бўлиб яшашган. Бу уларга йиртқич ҳайвонлар, табиий офатларга қарши курашиш, совуқдан сақланиш кабиларда қўл келган. Ҳар бир тўданинг ўз бошлиғи, етакчиси бўлган. Даврлар ўтган сари етакчилар ўзлари учун маълум бир имтиёзлар жорий қила бошлашган. Бу эса тўдада раҳбарликка даъвогарлар сонини кўпайтирган. Бундан даъвогарлар билан етакчи раҳбар ўртасида тез-тез келишмовчиликлар вужудга кела бошлаган. Кўпинча бу зиддиятлар қон тўкилиши, жанг бўлишига олиб келган. Тўда раҳбари билан даъвогарлар ўртасида махсус жанглар ҳам бўлиб ўтган. Баъзида бу жанглар тўда аъзолари учун катта томошага айланган. Жангда мағлуб бўлган яна қайта раҳбарликка даъво қилмаслиги учун кўпинча ўлдирилган. Ғолиб эса, тўдага раҳбарлик қилган.

Бу каби хунрезлик ва тартибсизликларга чек қўйиш, ҳамда уруғ ичидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида ибтидоий жамоа тузумида жамият аъзоларининг умумий манфаатига хизмат қиладиган одатлар жорий қилинган. Раҳбарга сўзсиз бўйсунуш, ов қилиб ёки йиғиб-териб олинган нарсаларни биргаликда баҳам кўриш, жамоада жанжал чиқарганларни жазолаш каби одатлар ибтидоий даврдан пайдо

бўлган. Бу даврларда *одат қонун вазифасини ҳам бажарган*.

Маълумки, жамоа (уруғ, қабила) ундаги эркак ва аёллар ўртасидаги муносабатлар асосида ривож топган. Бироқ бу муносабатларнинг маданийлашиш жараёни осон кечмаган ва у узоқ давом этган. Масалан, оила ва унинг шаклланишида муҳим ўрин тутадиган тўй маросими вужудга келгунига қадар юз минг йиллар ўтган бўлса керак.

Қуйида оила ва тўй маросимининг пайдо бўлиши ва тадрижий ривожланиб бориши жараёни тўғрисида қисқача тўхталамиз.

Қадимшуносларнинг таъкидлашича, энг қадимги даврларда эркак ва аёллар ўртасидаги жинсий алоқалар аввал мавсумий ҳолда (жумладан, эрта баҳорда) содир бўлган. Одамнинг бош мияси ривожланиб, унинг табиий (ёввойи) эҳтирослари маданийлашгани сари унинг жинсий алоқа қилиши мавсумийлиги ҳам барҳам топа борган ва бу иш қулай вақтларда ҳам бажариладиган урф-одатга айланган.

Тарихий манбалардан маълумки, одамлар тўда — катта жамоа бўлиб яшаган даврларда, «тўдадаги барча эркак ва аёллар бир-бирига умумий эр-хотин ҳисобланган». (Уз СЭ. 8-том — Т.: 1976, 163-бет). У даврларда жинслар орасидаги муносабатларда муайян тартиб-қоида бўлма-




Энг қадимги органистик байрам манзараси. Қоя тош тасвири.

ган. Кейинчалик жинслар орасидаги мавсумий алоқалар тартибга солиниб, у муайян тадбир шаклида уюштирилган. Бу хилдаги мавсумий тадбирлар кейинроқ «Органистик байрамлар» деб ном олган. Бу тадбир ўтказиладиган пайтда барча эркак ва аёлларга жинсий алоқа қилиш учун эркинлик берилган. Бу байрам уруғчилик ва ундан кейинги пайтларда, оила вужудга келган даврларда ҳам сақланиб қолган.

Геродот ўзининг «Тарих» китобида массагетларнинг ҳар бири биттадан аёлга уйланиб, бироқ улардан бирга фойдаланишган, деб ёзган (История Узбекистана в источниках. Т.: «Фан». 1984, с 54). Эҳтимол бу одат жамоа муносабатлари авж олган даврда оила қуриш шаклланмаган замонларда юз берган бўлиши мумкин.

Ибидодий жамиятда бир уруғ ичидаги эркак-аёлнинг жинсий муносабатлари кўплаб салбий оқибатларга, жумладан, майиб-мажруҳ болалар туғилишига олиб келган. Узро қариндошларнинг жинсий алоқалари туфайли болалар ногирон бўлиб туғилишини пайқаган раҳбарлари аввалига яқин қариндошлар (онабола, ота-қиз, ака-сингил, опа-ука) ўртасидаги жинсий алоқаларни тақиқлашган.

Она уруғининг келиб чиқиши даврида кўпгина янги урф-одатлар, шу жумладан, тўп (гурӯҳли) никоҳ вужудга келди. Тўп никоҳнинг асосий хусусияти шундан иборат эдики, бир уруғнинг барча аёллари иккинчи уруғ эркаклариники, иккинчи уруғнинг эркаклари эса биринчи уруғ аёллариники бўлган. Ҳар иккала уруғ аёлларининг ўз уруғидаги эркаклари билан жинсий қўшилишлари шу тариқа барҳам топди (И. Сирожиiddинов. «Никоҳ қандай пайдо бўлган?» // Саодат. 1990. № 12. — 24—25-бетлар). Кўпгина уруғларда аёллар бошқа уруғдаги эркаклардан фарзанд кўришлари лозимлиги жорий этилган. Натижада бундай «экзогамия» одатлари инсоннинг жисмоний такомиллашувида



Она образидаги маъбудалар (Сигиниш учун яратилган санамлар).

катта ўрин тута бошлаган. Эндиликда эса болаларни маънавий тарбиялаш масаласи кун тартибда турган. Чунки бу уруғларда онаси вояга етказган болалар ўз оталари ким эканлигини билмас ҳам эдилар. Ўғил болани тарбиялашда тоғалари катта ёрдам беришган. Шу сабабли, тоғанинг обрўи жуда катта бўлган. Бу одат кейинги даврларда ҳам сақланиб қолган.

Маълум даврдан сўнг оналар оталардан ўз фарзандини боқиш, тарбиялашни талаб қилиб, уларни *ичкуёв* шаклида уруғда олиб қолишга интилишган. Бу одат келгусида оиланинг пайдо бўлишига асос бўлган.

М а т р и а р х а т даврида аёллар жамиятда етакчи ўрин эгаллашган. Уруғ бошлиғи аёл бўлган. Аёллар уй ишлари, овқат тайёрлаш, бола тарбиялаш ишлари билан шуғулланишган. Эркаклар эса, аёлларга бўйсуниб, асосан овчилик билан машғул бўлишган.

Тарихда эркак ва аёллар нисбати доимо тенг бўлавермаган. Баъзида эркаклар, бошқа даврларда аёллар сони кўпайиб кетган. Бу ўзига хос одатларнинг шаклланишига асос бўлган. Тарихда *кўп хотинлилик* одатлари бўлганлиги бизга маълум. Бироқ қадимда унга тескари удум — *кўп эрлилик* ҳам бўлган. Жумладан, машҳур археолог Н. Толстов ўзининг «Кўҳна Хоразм» («Древний Хорезм») деган асарида кўп эрлилик ҳақида қизиқарли маълумотлар беради. Қадим замонларда битта аёл бир йўла бир неча эркакка ёки ака-укаларга турмушга чиққан. Унинг бош эри — катта ака ҳисобланган. Уша даврларда аёлнинг эри қанча кўп бўлса, унинг обрўи шунча баланд бўлган. Унинг қанча эри борлигини бош рўмолидаги ўрам чизикларидан билишган. Албатта, бундай одатлар эркакларга нисбатан аёллар камайиб кетган даврларда содир бўлган. Бундай даврларда қиз кўриш омад ҳисобланган. Бироқ шундай даврлар ҳам бўлганки, қизлар кўп туғилиб, жамиятдаги мувозанат бузилган. Баъзи

* * *

Қадимий даврда шаклланган анъаналардан бири — *эркакликка ўтиш* маросими бўлган (Қаранг: История древнего мира. — М.: «Просвещение». 1979, с.54). Кўҳна дунё тарихига оид тадқиқотларда эркакликка ўтиш тадбирлари — *и н и ц и а ц и я* маросимлари» деб номланган. Кўпгина халқларда бу маросим — катта ҳаётга ўтиш синови шаклида ўтказилган. Мазкур тадбирларда ўспиринлар ов қилиш, йиртқич ҳайвонларга қарши кураш, душманлар билан жанг қилиш, табиий офатларни енгиш кабиларга оид лаёқатларини намоён этиш-

* * *

Ибтидоий одамларнинг қадимги одатларини ўрганишда туғилиш, улғайиш кабиларни нисбатан, уларнинг ўлимига оид маълумотларни кўпроқ топиш мумкин. Чунки қадимдан сақла-

уруғларда бунинг олдини олиш мақсадида ваҳший одатларни қўллашган. Масалан, қадимий араб қавмларида қизлар кўп туғилса, келгусида улар бахтиқаро бўлади деб (айниқса, касал, хунук, майиб) қизларни қабрга солиб қўмишган.

Тарихдан маълумки, оиланинг илк шакллари турли жойларда турлича хилда пайдо бўлган.

Якка (жуфт) *моногам оиланинг* вужудга келиши инсоният ҳаётида жуда муҳим воқеа бўлган. Чунки оилаларнинг пайдо бўлиши уруғчилик жамиятини эр-хотиндан ташкил топган кичик гуруҳларга бўлиб ташлаган ва у «оилалар жамоаси»ни вужудга келтирган.

Матриархат даврида, одатда, қиз ўзига қайлиқ танлаган. Лекин қиз ўзи истагини ҳаммага билдириши ва танлаган куёвини барчага таништириши шарт бўлган. Кўпинча ана шу таништирув пайтида ёки ундан сўнг зиёфат берилган. Бу холнинг одатга айланиши кейинчалик *тўй маросимининг* вужудга келишига туртки бўлган.

Уруғчилик даврида оила вужудга келиши билан тўй маросимларининг илк шакллари вужудга келган. Тўй бутун жамоанинг байрамига айланиб кетган. Қадимий тўйларнинг диққатга сазовор одатлари кўп бўлиб, уларнинг бири — куёв ва келиннинг турмуш қуришга тайёргарлигини синаб кўриш бўлган. Матриархат даврида куёв махсус синаб кўрилган. Куёвни турмушда лозим бўладиган ов қилиш, ўтин ёриш, олов ёқиш, олишиш (жанг) кабилар бўйича қобилиятлари синаб кўрилган. Патриархат даврида эса тескари жараёнлар кўзга ташланади. Келин кийим тикиш, уй-рўзгорни тартибга солиш, овқат пишириш каби лаёқатларини намоён қилган.

Шундай қилиб, инсониятнинг маданийлашуви негизда жамиятнинг илк бошланғич асоси — оила ва унинг пайдо бўлишига асос — тўй маросими вужудга келган.

Бу маросимга ўспирин узоқ тайёргарлик кўрган. Унда у ўзининг ҳаётга қанчалик тайёрлиги ва кучини намоёиш қилишга интиланган. Бу маросимда ўспирин махсус қийноқларга солиниб ҳам синалган. Ўзига хос бу «имтиҳон»дан ўтмаганлар ўлимга маҳкум этилган. Эркакликка ўтиш маросимидан сўнг «тўй бола» суннат қилинган. Сўнгра у болалик одатларини ташлаб, катталарга кўшилган. Улар билан бирга овга борган, жамоанинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланган. Кейинчалик бу маросимдан сўнг, у уйланиш ҳуқуқига ҳам эга бўлган.

ниб қолган қабристонларни ўрганиб, у даврдаги одамларнинг дафн қилиш одатлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Одам ўлганидан сўнг уни дафн қилиш энг

қадимги одатлардан биридир. Селунгур ғорида (бундан 700—500 минг йиллар бурун), Қўлбулоқ маконида (бундан 500—150 минг йиллар илгари), Тешиктош ғорида (бундан 150—40 минг йиллар бурун) яшаган одамлар қабрларини ўрганиш асосида ибтидоий одамлар ҳаётида қандай одатлар бўлганлиги ҳақида муайян тушунчага эга бўлиш мумкин.

Археологик қазилмалар қадим замонларда қабрлар ҳам, дафн қилиш одатлари ҳам турлича эканлигидан далолат беради:

а) ўлганларни жарларга ёки махсус қазилган катта қабрларга бирин-кетин кўмиш одати бўлган. Мазкур одат «Бу дунёда бирга эдик, нариги дунёда ҳам бир-биримизга яқин бўлайлик» деган маънода қилинган бўлиши мумкин. Натижада, оммавий ёки гуруҳли қабрлар вужудга келган;

б) одам ўлса, у билан бирга унга тегишли нарсалар ва ҳайвонларни қўшиб кўмиш одати ҳам бўлган. Бу нарсалар ва ҳайвонлар нариги дунёда ҳам марҳумга керак бўлади, деган умидда қилинган бўлиши мумкин;

в) эри ўлса унинг хотини қурбон қилиниб, сўнг уларни бирга кўмишган. Бу билан улар нариги дунёда ҳам бирга бўлишсин, деган маънони англаш мумкин.

Бундай одатларнинг асл маъносини эндиликда тушуниш қийин. Аммо нега шундай қилинганлиги тўғрисида тахмин қилиш мумкин, халос.

Умуман, қадим замонларда ҳам одамлар марҳумлар жасадини хор қилишмаган. Шундай бўлса-да, археологик топилмалар тарихнинг муайян даврларида ўлганларни жар-чуқурликларга олиб бориб ташлаш, сувга оқизиб юбориш, кенг майдонлар, тепаликлар, тоғ ёнбағирларига олиб бориб ташлаш ҳоллари ҳам бўлганлигидан далолат беради. Бу ҳодисаларни турлича таҳлил қилиш мумкин. Балки, жарлардан суякларни топилган марҳумлар душман аскарлари ёки ашадий жиноятчилар бўлган бўлиши мумкин. Эҳтимол, қадим аждодларимиз ўшандай нафратга лойиқ кимсаларни ўлдириб, уларни кўмишни эп кўрмасдан жарларга улоқтиришган ёки сувга ғарқ қилишгандир.

Аммо ўлганларни кенг дала, тепалик, тоғларга олиб бориб қўйиш, уларнинг гўштарини ҳайвон, қушларга ем қилиш ва сўнгра суякларини оссуарий — оғасдон қутчаларга солиб қўйиш зардуштийлик динига эътиқод қилинган даврларда ҳам расм бўлган. Кейинчалик бу одат йўқ қилинган. Бу борда «Авесто»да «Аҳриман келди-да, «мурдаларни тупроққа топширишдек» кечирилмас гуноҳни яратди», деб ёзилган (Авесто // «Гулистон». 1989. № 1, 49-бет).

Биз тарихдан эзгулик излаймиз. Афсуски, тарихимизда эзгулик баробарида ваҳшийлик ҳам ўз изини қолдирган. Афсоналардан маълумки,

баъзи қабилалар жуда кексайиб қолган қарияларни чекка, овлоқ жойларга ташлаб кетишган.

Қадим ривоятлардан бирида баён этилишича, ўғил қария отасини қопга солиб, йўлга тушади. Йўлда чарчаб, бир катта дарахт соясида дам олади. Шунда қопдаги отаси: «Даштга олиб борувчи йўл ўртасидаги дарахт соясида дам олясанми?» — деб сўрайди. — «Ҳа, шундай» — дейди ўғли. Чол «қаҳ-қаҳ» уриб кулади. Ўғли ҳайрон бўлиб: «Нега куляпсиз?» — дейди. «Гап шундаки, — дейди чол, — мен ҳам сенга ўхшаб отамни — сенинг бобонгни даштга олиб чиқиб ташлаш учун йўлга чиқиб чарчаганимда, айнан шу дарахт тагида дам олган эдим. «Қайтар дунё» дегани шу бўлса керак. Сен ҳам бир кун келиб қарийсан. Шунда ўлинг сени ҳам қопга солиб, даштга ташлаб келиш учун йўлга чиққанда у чарчаб, шу ерда дам олса керак».

Ўғилга отасининг бу сўзи жуда қаттиқ таъсир қилади. Ўзини хаёлан қопдаги ота ўрнига қўйиб кўради. «Отам бобомни даштга олиб бориб ташлаган. Мен ҳам шундай қилсам, ўғлим ҳам мени худди шундай қўйга солади», — деб отасини яна уйига қайтариб олиб келган экан.

Яна бир афсона билан танишиб кўрайлик:

Ўша замонларда қарияларни уйда қолдириш мумкин эмас экан. Бир йигит отасини ташқарига чиқармай, хавф пайдо бўлганида уй ичидаги, сандиққа бекитар экан.


Бир куни подшо сафарга чиқибди. Йўлда кетаётиб, кўлда ёқут борлигини кўриб қолибди. Подшо хизматкорларини бирин-кетин чуқур кўлга тушириб, ёқутни олиб чиқишни буюрибди. Бироқ уларнинг биттаси ҳам ёқутни топиб чиқолмабди. Бу воқеадан хабар топган ҳалиги йигит уйига келиб, сандиққа бекитиб қўйилган отасига бўлган воқеани айтиб берибди. Доно чол ўйлаб, масала нимада эканлигини топибди: «Кўл атрофида баланд дарахт бўлиши керак! Ўша дарахт тепасида қуш уяси бўлиши керак. Уя тагида эса қуш келтирган ёқут бор. Унинг акси кўл томондан яхши кўриниб турса ажаб эмас».

Йигит кўл ёнига борса, подшо яна кўплаб одамларни сувга тушириб, ёқутни олиб чиқишга мажбур қилаётган экан. Йигит подшодан ўз омалини синаб кўришга рухсат сўрабди. Подшо рози бўлибди. Йигит аввал дарахтга чиқибди, қуш инидан ёқутни олиб, ўзини кўлга ташлабди. Сўнг сувдан ёқутни олиб, подшога берибди. Подшо йигитга қойил қолиб, бунинг сирини сўрабди. Шунда йигит подшодан бир қошиқ қонидан кечишни сўраб, сандиққа бекитиб қўйган отаси бу сирни айтганини билдирибди. Шундан сўнг подшо қариянинг ақлига қойил қолиб, кексаларни четга олиб бориб ташлашни таъқиқловчи фармон чиқарибди.

Қадимги юнон тарихчиси Геродот (мил. ав. IV аср) массагетларнинг дафн маросими ҳақида

шундай ёзди: «Одам жуда қариганда, қариндошлари уни қурбон қилишади ва у билан бирга кўй ёки эчкини ҳам сўйиб, зиёфат уюштиришади. Бу уларда энг бахтли ўлим ҳисобланади. Касалликдан ўлганларни ерга кўмишади. Қурбонлик бўлгунча яшай олмаганлар, бахтсиз ҳисобланади» («История Узбекистана в источниках». Т.: «Фан». 1984, 54–55-бетлар.). Бу одат қариянинг руҳи ва тани бошқаларга ўтиб яшаши учун қилинган, деган тахмин бор.

Шунингдек, Геродот, Исседон Уралдан Ол-




Осурийдаги оловга сиғиниш маросимидан лавҳа.

тойгача бўлган ҳудудда ва Фарбий Туркистон ерларида яшайдиган қабилаларда ўлганларнинг боши олиниб, сочдан тозаланиб, олтин билан қопланиши, ундан ҳар йилги катта қурбонликларда идиш сифатида фойдаланилгани тўғрисида ёзди («История Узбекистана в источниках». Т.: «Фан» 1984, с 59).

Хитой йилиномаси «Тан-шу»да туркларнинг кўмиш маросими тўғрисида бундай дейлади: мурда бойликлари, жангда минган оти билан

бирга куйдирилади, хоки дафн қилиниб, марҳум қанча душманни ўлдирган бўлса, унинг қабрига шунча тош қўйилади ва марҳумнинг сурати ишланиб, қилган ишлари ўйиб ёзилади (Н. М. Маллаев. «Ўзбек адабиёти тарихи». Т.: «Ўқитувчи». 1965, 80-бет).

Ибтидоий одамлар ҳаётидаги одатларнинг айримларини ҳозирги пайтда тушуниш қийин. Чунончи қадимда ногиронларни ўлдириш, қарияларни чет жойга олиб бориб ташлаш, мурдаларни итлар, қушларга ем қилиш, марҳум суякларини йиғиб, оссуарийга солиб қўйиш, душман терисидан анжомлар, қалла суягидан идишлар ясаш каби одатлар бўлгани тарихдан маълум.



Осурийдаги маросимлардан лавҳа.

Тарихда бу каби тушуниш қийин бўлган одатлар билан бирга, ҳозир ибрат олса бўладиган удумлар ҳам жуда кўп бўлган. Жумладан, мардлик, жасурлик, ватанпарварлик, ўлимдан қўрқмаслик каби ажодларимизга хос одатлар ҳозир ҳам ижобий ҳодиса саналади. I асрда яшаган Рим тарихчиси Руфнинг ёзишича, асир тушган сўғдийларни қатл қилишмоқчи бўлишганида, улар ўзини хурсанд, мардонавор тутиб, босқинчиларни қойил қолдирар экан.

Умуман, тарихий тараққиёт жараёнида одамзотнинг ёввойилик (ваҳшийлик)дан маданийлик томон қадам қўйишида одатлар жуда муҳим ўрин тутган. Ибтидоий жамиятдан бошлаб, кишилар ўртасидаги муносабатлар равақ топиши жараёнида инсон, оила, жамоат ҳаёти билан бевосита боғлиқ тартиб, одат ва маросимлар тизими шакллана бошлайди. Бу одат, маросимлар инсон, оила ва жамоанинг ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатган.

* * *

Табиатда ҳамма нарса зарурат асосида пайдо бўлади. Усимликлар дунёси, бутун жонли олам ва «барча мавжудотнинг сарвари — инсон» ҳам ҳаётий зарурат асосида вужудга келган. Барча мавжудотлар ичида Инсоннинг яхши яшашга интилиши жуда кучли бўлгани учун у тез ри-

вожланиб кетган. Яхши яшашга эса, меҳнат қилиш, курашиш, қийинчиликларни енгиш натижасида эришилади.

Яхши яшашга интилиш эҳтиёжи ақлни доимий пешлаш ва онгли меҳнат қилишни тақозо этади. Онгли меҳнат эса тажриба — кўникма-

ларни пайдо қилади. Ҳайлаб, фикрлаб, мулоҳаза юритиб меҳнат қилганлар бошқалардан яхши яшайди. Онгли меҳнат асосида пайдо бўлган тажрибалар асосий ҳаракатларни кўникмага айлантириб, ишни енгиллаштиради, уни тез ва соз бажаришга имконият яратади. Онгли меҳнат ва тажриба ҳар бир ишни қайтадан «ихтиро» қилишдан сақлайди. Меҳнат тажрибаларидан бошқаларнинг ҳам фойдаланиши тараққиётга замин бўлади. Онгли меҳнат асосида пайдо бўлган тажрибалар аста-секин кўникма ва одатларга айланди.

* * *

Маълумки, инсоннинг илк машғулоти — *теримчилик* (ёки термачилик) бўлган. Чунки инсон ибтидоий даврда табиатнинг ўзида мавжуд бўлган неъматларни териб, еб юрган. Ибтидоий одамларнинг онгли меҳнат жараёнида кашф этган иш усуллари, орттирган тажрибалари кўникмага айланиб, аста-секинлик билан меҳнат қилиш одати сифатида авлоддан-авлодга ўта бошлаган. Маҳоратли теримчиларнинг тажрибаларидан бошқалар ҳам фойдаланишган. Меҳнат тажрибаси — анъаналарни ўзлаштирмаганлар эса кўп ишлаган, вақти кетган, чарчаб, толиққан. Улар кўпинча оч қолишган. Кекса авлоднинг мева териш тажриба-одатларидан фойдаланиш ёш авлоднинг вақтини тежаб, ишини енгиллаштирган. Меҳнат анъаналарини шакллантирган, уни сақлаб, эъзозлаган қабилалар тез тараққий этиб борган. Ибтидоий одамларнинг дов-дарахтларнинг тўкилган мевалари, ўсимликларнинг донларини териш билан машғул бўлиши бу соҳага оид одат, ўйин-мусобақа, базм-зиёфат, маросимларни вужудга келтирган. Улар қуйидагича шаклланди:

Биринчидан, табиий озиқни излаб топган одамлар меваларни тезроқ териб олишга ҳаракат қилишган. Ким кўп ва тез мева захирасини йиғса, у тўқ бўлган. Тез ва кўп мева териш эҳтиёжи ўзига хос рефлекс — кўникмани вужудга келтирган. Шу тарзда термачилик кўникма, тажриба ва одатларни шакллантириб борган.

Иккинчидан, қариялар ёш болаларга мева теришни ўргатишга ҳаракат қилишган. Чунки қарияларга дарахтни шоҳларида туриб, мева териш осон бўлмаган. Болаларда эса бундай серҳаракат ишга мойиллик бўлган. Бундан фойдаланган қариялар болаларга мева теришни ўйин сифатида ўргатишган ва шу тарзда уларни меҳнатга тайёрлашган. Кейинчалик мева териш машқ эмас, балки махсус ўйин-мусобақа сифатида ҳам ташкил қилинган.

Учинчидан, ибтидоий одамлар ўртасида серҳосил жойларни эгаллаш учун жанглар бўлиб турган. Бундай жанглар оқибатида қурбонлар

Инсоннинг ўз онгли меҳнати туфайли ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиқишида анъаналар (кўникма ва одатлар) муҳим ўрин тутган. Яшаш учун кураш жараёнида одам қанчалик чуқур мушоҳада қилиб меҳнат қилса, тажриба — анъаналардан яхши фойдаланса, у шунчалик кўп муваффақиятга эришган. Яшаш учун кураш, меҳнат қилиш жараёнида пайдо бўлган кўникма — тажрибалар муайян самаралар келтириб, меҳнат анъаналари тараққиётга замин яратган.

ҳам кўп бўлган. Аста-секинлик билан бу бордаги можароларни маданий тарзда ҳал қилиш йўллари изланган. Дастлаб, икки уруф одамлари эмас, балки сардор (оқсоқол)лар ўзаро жанг қилишган. Ғолиб ўз жамоаси чегарасини белгилаган. Кейинчалик ўлим билан тугайдиган жанглар ўрнига, сардорларнинг маданийлашган олишувлари вужудга келган. Ана шу олишувлар ҳозирги миллий курашларнинг ибтидоси бўлган.

Тўртинчидан, одамлар онгида, турмушида маданийлашиш чуқурлашгани сари улар муаммони уруш-жанжал орқали эмас, тинч йўл билан ҳал қилишга ўтишган. Шу мақсадда, бир уруф иккинчи уруф вакиллари меҳмонга чақирган ва умумий масалаларни ҳал қилишга интиланган. Мезбонлар ўз фикрини фақат сўз орқали ифодалаш билан кифояланмасдан, махсус пантомима — ҳаракат-рақс шаклида ҳам билдиришган. Ҳар бир ҳаракатнинг ўз рамзий маъноси бўлган. Мезбонлар фикрини англаган меҳмонлар ҳам жавобларини ўйин-рақс шаклида ифодалашган. Бундай томошавий фикр алмашиш ижобий яқунланганда, мезбонлар зиёфат беришган, базм уюштиришган.

Геродот массагетларнинг теримчилик давридан қолган ўзига хос бир маросими ҳақида қуйидагича ёзади: «Улар баъзи дарахтларнинг меваларини бир жойга тўп-тўп қилиб уйишган. Сўнг гулхан ёқиб, унинг атрофига давра қуриб ўтиришган ва ўша меваларни оловга ташлашган. Кейин оловда ёниб турган меваларни ҳидлаб, уларнинг ҳидидан, худди эллинлар винодан маст бўлганидай кайф қилишган. Оловга қанча кўп мева ташланса, уларнинг кайф қилиши шунча кучайган. Шунда улар ўйинга тушиб, қўшиқ айта бошлашган». Бу маросим массагетларда ўйин, рақс, қўшиқ айтиш санъати ҳам ривожланганидан далолат беради.

Инсоннинг «иккинчи касби» овчилик бўлган. Одамлар *овчилик* билан шугуллана бошлаганида ҳам бу соҳага оид кўникма, тажриба, одатларни ўзлаштириб боришган. Чунки бусиз ижобий натижага эришиш қийин бўлган. Дарҳақиқат, ибтидоий одамнинг онгли меҳнати — ови

қанчалик самарали бўлса, унинг қорни шунчалик тўқ бўлган. Ови натижа бермаса, у оч қолган, қийналган. Овдан ўлжа билан қайтган овчилар хурсанд бўлиб, ов жараёнини имошора, махсус ҳаракатлар билан ўйин шаклида такрорлашга ҳаракат қилишган. Натижада «ов ўйинлари» номли тарихда ўзига хос аҳамиятга эга бўлган маданий талбир вужудга келган.



«Ов маросими». Қоя сурат.

Ибтидоий одамлар ҳаётида «овчилик ўйин»лари алоҳида ўрин тутиб, улар овдан олдин ҳамдан сўнг ҳам ўтказилган. Овдан олдинги ўйинлар ов олди машқи (овга тайёргарликни текшириш, овга руҳий ва жисмоний шайланиш) вазифасини ўтаб, ўзига хос кичик жиддий тадбир шаклида уюштирилган. Ов олди машқларида одамлар ўлжани қўлга олиш, унга яқинлашишни ўрганишган. Бунинг учун ниқоб кийиб ҳайвон қиёфасига кириш, унинг юриш-туриш ва товуш чиқаришларини машқ қилишган. Бу ўйинларда ёшлар ҳам иштирок этган ва улар ов қилишга ўргатилган. Бу эса ўзига хос мактаб вазифасини ўтаб, биринчидан, жамоа аъзоларида овчилик маҳоратининг ўсишига ёрдам берган, иккинчидан, уларда тақлид қилиш санъатини шакллантирган ва ривожлантирган.

Овдан сўнгги ўйинлар эса ов муваффақиятли тугаган пайтдагина ўтказилган. Негаки овдан ўлжа билан қайтиш жамоани очликдан қутқазган. Тўқлик туфайли хурсандчилик, базмбайрам қилиш кайфияти пайдо бўлган.

Овчилик асосида *чорвачилик* шаклланган. Овланган ҳайвонларни келгусида овқат сифатида истеъмол қилиш учун боқиб юриш чорвачиликка асос солган. Шу тариқа аста-секинлик билан уй ҳайвонларини боқиш ва кўпайтириш тажрибалари вужудга келган.

Чорвачилик билан шуғулланиш кишилар учун озиқ-овқат (гўшт, сут, тухум) сифатида зарур бўлган. Ҳайвонларни ушлаш, боқиш, кўпайтиришга оид меҳнат машғулоти вақт ўтиши билан одатга айланган. Масалан, сигир

туққанида «келагай оши» қилиш, бузоқни боқиш (семиртириш), сигир соғиш («хуш-хуш»), «ғунажинни қочириш», чорва молларини сўйиб, қишга гўшт маҳсулотларини тайёрлаш одатлари одамлар орасида маросим даражасига кўтарилган.

Маълумки, Марказий Осиёда баҳор, ёз, кузда чорва боқиш учун қулай шароит вужудга келади. Қишда эса моллар боқиш муайян қийинчилик туғдиради. Шу сабабли, қадимда кузда кўплаб чорва молларини сўйиб, қишда ейилдиган гўшт сифатида ғамлаб қўйилган. Қишда гўшт сақлаш қуритиш, тузлаш, ёққа солиб қовуриш каби махсус ишлов беришнинг ўнлаб тури бўлган. Қишга гўшт тайёрлаш жараёни катта йиғин — ҳашар ва базм шаклида ўтган. Бу одат кейинчалик «сағим» деб номланган.

Айрим чорва ҳайвонлари (от, ҳўкиз, эшак, туя, буғу)дан меҳнат қилиш воситаси сифатида фойдаланишнинг баъзи кўринишлари ҳам одат ва маросимларга айланган. Масалан, баҳорда ер ҳайдаш учун ҳўкизни боқиш, шохларини мойлаш, бўяш, қўш ҳайдаш маросимлари («шох мой» ёки «от эгарлаш» маросимлар) қадимда катта тантана сифатида ўтказилган.



Отга бўлган тотемистик эътиқод тасвири. Қоя сурат.

Чорва молларидан хом ашё (жун, тери, мўйна) олиш жараёни ҳам ўзига хос одатларни вужудга келтирган. Масалан, қўй жунларини қирқиш мавсумий маросими, қорамол териларни ийлаш ва улардан пўстин тикиш одатлари, жун йигириш ва кийим тўқиш анъаналари ўзига хос ирим, расм-русм ва кўшиқ-рақслар ёрдамида амалга оширилган.

Чорвачилик тармоқларининг ҳар бирида (масалан, қорамолчилик, қўйчилик, йилқиччилик, паррандачилик, балиқчилик, асалариччилик қабиларда) ҳам ўзига хос одатлар пайдо бўла бошлаган.

Ибтидоий одамлардан деҳқончиликни ўрганиш жараёни аста-секинлик билан янада янги одатларнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Бронза даврларидан бошлаб, ўтроқ деҳқончилик вужудга келиши ва унинг тез ривожланиши натижасида икки анъана: 1) баҳорда меҳнат мавсумини бошлаш ва 2) кузда ҳосилни йиғиб-териш олишга бағишланган маросим — байрамлар юзага келган. Деҳқонлар ҳаётидаги энг қувончли воқеа ҳосилни йиғиш ва янги нознеъматларни татиб кўриш жараёни бўлган. Ёз бўйи меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштиришга эришиш деҳқонларда кўтаринки кайфиятни вужудга келтирган. Тўпланган ҳосилдан мамнун бўлган одамлар шод-хуррамлик билан меҳнат жараёнларини ўйинлар маросимлар орқали акс эттиришган. «Меҳнат ўйинлари» яхши кайфият, байрамона руҳни яратган. Ўтроқ деҳқончиликнинг тез ривожланиши натижасида баҳорда меҳнат мавсумини бошлаш, кузда ҳосилни йиғиб олишга бағишланган тантаналар аста-секинлик билан анъана-байрамга айлана борган.

Умуман, кишилардаги яхши яшаш истаги ва уларнинг онгли меҳнат қилиши ва тажриба орттириши меҳнат одатларини вужудга кел-

тирган. Агар инсоннинг илк машғулоти асосида термачилик одатлари, овчилик асосида «овчилик ўйинлари» вужудга келган бўлса, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланиш натижасида махсус меҳнат анъаналари ва маросимлари шаклланган.

Ўз навбатида, одатлар меҳнатнинг такомиллашиб бориши ва кишилар ҳаёти яхшиланиб боришида ҳам муҳим ўрин тутган. Чунки одатлар бошқалар тажрибасидан, илғорлар ютуғидан, кексалар ибратидан, авлодлар меросидан самарали фойдаланишга имконият яратган.

Онгли меҳнат — анъаналар асоси, асл пойдеворидир. Меҳнат тажриба-одатларнинг бўш вақтларда ўйин шаклида такрорланиши, маросимлар инсоният илк маданияти ва санъатининг ривожланиши учун қулай шароит яратган. Меҳнат жараёнини акс эттирадиган маданий маросимларни бажариш жараёнида турли ўйинлар, театр ва рақс, пантомима, мусиқа санъатининг дастлабки кўринишлари пайдо бўлган.

ҚАДИМИЙ ЭЪТИҚОДЛАР АСОСИДА ПАЙДО БЎЛГАН ОДАТЛАР

Одамларда турмуш тажрибаси ошган сари, улар табиат сирларини янада чуқурроқ тушунишга интилишган. Табиат ҳодисаларини ақл билан идрок қилиш билан бир қаторда, улар қалб билан ҳам ҳис этишга ҳаракат қилишган. Шу тарзда кишилар онгида тушунчалар ва қалбида эса эътиқодлар пайдо бўла бошлаган. Аниқ, ишонarli тушунча ва эътиқодлар уйғунлашиб, мукамаллашиб борган. Ибтидоий жамиятда полиолит даври охиридан бошлаб, кишиларнинг теварак-атрофдаги ҳодисаларни англаш ва ҳис қилишга интилиши натижасида турли тушунча ва эътиқодлар, жумладан, *фетишистик* — моддий нарсаларнинг кучига ишониш; *тотемистик* — ҳайвон ва ўсимликларнинг илоҳий кучига сиғиниш; *анимистик* — жон ва руҳ образидagi илоҳий кучларга ишониш; *политеистик* — кўп худолик, қуёш, ер, сув, олов ва ҳоказоларга сиғиниш; *магик* — инсоннинг сўз ва ҳаракат орқали намоиш қиладиган илоҳий кучига ишониш кабилар вужудга кела бошлаган.

Албатта, бу эътиқодлар ҳар бир жойнинг ўзига хос табиий иқлим шароитига мос хусусиятлар билан уйғун тарзда намоён бўлган. Қуйида уларнинг асосийларига тўхталамиз:

Фетишизм — энг қадимий диний тасаввурлардан бири (Фетиш — португалча «фейтишо» — сеҳрланган буюм, тумор деган маънони билдиради). Фетишга эътиқод қилганлар турли

жисм, модда, буюм, нарсаларнинг сеҳрли кучи борлигига ишонишган, улардан руҳий мадад олиш, ҳимоя воситаси сифатида фойдаланишга ҳаракат қилишган.

Фетиш — (нарсаларнинг) илоҳий кучига ишониш Марказий Осиёликлар ҳаётида ўзига хос тарзда намоён бўлган. Масалан, қадимги аждодаларимиз қўлида тош қуроли, тошдан ясалган пичоғи, тош болтаси, таёғи, тўқмоғи, ёғоч найзаси бор одамлар олишувда, уришда ёки ҳайвонларга қарши курашда, овда ёлиб чиқишганида уларнинг бу қуролларида илоҳий куч бор деб ишонишган. Шу боисдан ана шу хилдаги қуролларни эҳтиёт қилишган, қадрлашган. Уларни йўқотиб, ўғирлатиб қўймаслик учун ўзлари билан доимо олиб юришган, махсус белгилар қўйишган, култьга айлантиришган. Шундай қилиб, амалий эҳтиёж асосида вужудга келган зарур жисмлар култи пайдо бўлган.

Фетишизм тараққий этиши натижасида фетиш-буюмларга тааллуқли махсус илоҳий обрлар ҳам яратилган. Жумладан, турли *санам*, *буд*, *ҳайкалчалар* яратиб, уларга сиғинишган.

Юртимизда мавжуд бўлган будпарастликнинг бир кўриниши ҳақида Наршахий асаридан кўчирма келтирамиз: «Қадим вақтларда Бухоро аҳолиси будпараст бўлган ва бу бозор («Бозори моҳ» — У. Қ.) расм бўлиб, ўша даврлардан бошлаб бу ерда буд сотганлар»...

Одамларда буд йўқолса, синса ёки эскирса,

шу бозор куни бошқасини сотиб олар ва эскисини ташлар эканлар» (Наршахий. «Бухоро тарихи». «Мерос» — Т.: «Камалак», 1991, 102-бет). Будпарастлик ривож топган жойларда фетишизмга оид воситалардан фойдаланиш анъаналари махсус уюштирилган маросим даражасига кўтарилган. Масалан, *санамларга сизгиниш, қум, лой, тузга тушиш, яда тоши ёрдамида ёмғир чиқариш, исиріқ солиш каби маросимлар* тарихий манбаларда қайд этилган.

Фетишистик қарашлар натижасида вужудга келган тадбирлардан бири — *яда тоши ёрдамида ёмғир чиқариш маросимидир*. Маҳмуд Қошғарийнинг машҳур — «Девону луғотит турк» асарида яда тоши ёрдамида фол очилгани ва ёнғинни тўхтатиш учун қор ёғдирилгани ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилади (Маҳмуд Қошғарий. «Девону луғотит турк». III том. — Т.: 1963, 8-бет.) Ибн ал-Фақихнинг «Китоб ахбор ал-билдан» номли асарида турклар яшайдиган мамлакатда яда тоши ёрдамида ёмғир, қор ёғдирилиши ҳақида ҳикоя қилинади. Фольклорчи олим Б. Саримсоқов, 1973—82-йиллар мобайнида олиб борган изланишлари натижасида, «... ўзбеклар ўртасида ҳам ёмғир чиқарувчи тошлар бўлган...» деган фикрни исбот қилади (Б. Саримсоқов. Ўзбек маросими фольклори. — Т.: «Фан» 1986, 61—62-бетлар.). Бироқ ҳозирги кунда яда тоши ёрдамида ёмғир чақириш маросими унут бўлган.

Қадимги фетиш одатларидан яна бири — *исиріқ тутатиш маросимидир*. Исиріқ кўз тегдирмаслик, инсу жинсни қочириш, инсон руҳиятига ижобий таъсир этиш мақсадида кенг қўлланилган. Ундан касаллик, турли офат ва дардлардан халос бўлиш мақсадида ҳозирги кунда ҳам кенг фойдаланилади.

Кўзмунчок, туморлар ва бошқа шу каби безак-фетишларни тақиб юриш одатлари Марказий Осиё халқлари орасида ҳозирги пайтда ҳам учраб туради. Аслида тумор, кўзмунчок каби фетиш-безаклар утилитар функцияларни бажарган. Бироқ тарихий жараёнда уларнинг эстетик, бадиий ва рамзий функцияларининг аҳамияти оша борган. Улар маҳаллий халқларнинг орзу-ниятларини ҳам ифода этиб, анъанавий бадиий безакларига айланган.

Анимизм — Марказий Осиёда қадимдан кенг тарқалган диний тасаввурлардан биридир (Анимизм — лотинча сўздан олинди, «жон», «руҳ» деган маънони англатади. Бу тушунчани инглиз этнологи Э. Тайлер диннинг дастлабки босқичи сифатида фанга киритган). Анимизм — жон ва руҳларга сизгиниш демакдир. Оламдан ўтган аждодларнинг руҳини илоҳийлаштириш, тирик кишиларнинг жонига сажда қилиш, табиат кучларининг образини ёритиб, унинг руҳига сизгиниш анимистик қараш ҳисобланади.

Анимистик қарашларга кўра, одам ўлгани-

дан кейин, унинг жони танасидан ажралади ва у кўринмас руҳ сифатида яшайди. Шу сабабли, қабрга марҳум билан бирга таомлар, безаклар, бойликлар, кийимлар ҳам кўмилган. Анимистик эътиқоди кучли бўлган қадимий халқларда марҳум билан бирга, унинг хотини, уй ҳайвонлари ва хўжалик моллари ҳам кўмилган. Масалан, Сополлитепада миллоддан аввалги II минг йилликка тегишли қабр очилганида, ундан турли идиш-товоқлар, кўза, ойна, безак-тақинчоқлар, ҳайвонлар суяги чиққан. Бу ўлкамиз ҳудудида тахминан IV минг йил илгари ҳам анимистик қарашлар ва анъаналар мавжуд бўлганидан далолат беради.

Энг қадимий даврларда шаклланган анимистик қарашлар халқнинг кўпгина анъаналарида ўз ифодасини топган. Уларнинг муайян қисми тарих қаърида қолган, баъзилари такомиллашиб, ҳозирги кунгача етиб келган. Ана шундай анимистик маросимлардан бири вафот этган аждодлар руҳига бағишлаб, қурбонлик қилишидир.

Тотемизм — Марказий Осиёда илк уруғчилик даврида вужудга келган ва кейинчалик кенг тарқалган қараш ва эътиқодларнинг биридир (Тотемизм — «ототем» деган сўз Шимолий Америка ҳиндуларининг ожибве қабиласи тилидан олинган бўлиб, «унинг уруғи» деган маънони билдиради). Уруғчилик ривож топиши натижасида уруғларни бирдан иккинчисини фарқлаш зарурати пайдо бўлган. Бунинг учун белги, рамзлардан фойдаланилган. Аксарият ҳолларда уруғлар номи бирор бир ўсимлик, ҳайвон ёки табиат ҳодисаси номи билан аталган. Масалан, уруғ арчазорда яшаса «арча», қамишзорга яқин жойда яшаса «қамиш», ёнғоқзорга яқин ерда истиқомат қилса «ёнғоқ», лозазори бор макондагилар «лола» деб номлана бошлаган. Овчилик ва чорвачилик билан машғул ибтидоий одамлар эса ўзларига кўпроқ ҳайвонларни рамз қилиб олишган. Ҳар бир уруғ ўз тотем ҳайвонини аниқлаб ёки танлаб, уни улуғлашган. Масалан, бир уруғ бургутни тан олса, иккинчиси — кийикни, учинчиси — отни қадрлаган ва уни ўз тотеми деб билган. Вақт ўтган сари ҳар бир уруғ ўз тотемини муқаддаслаштириб, унга сизгиниб, ҳатто уни ўз бунёдкори, яратувчиси деб тан олган.

Баъзи қадимшунос — этнологлар фикрича, қадимги одамлар тотем ҳайвонларни бу дунёда эмас, балки ўзга дунёда — ғайри табиий кучлар, худолар, руҳлар дунёсида яшайдилар, улар одамлар ва илоҳлар орасида воситачилик вазифасини бажардилар, деб тушунишган ва уларга сизгинишган.

Энеолит (3—5 минг йил илгари) даврига оид сопол идишларда тоғ эчкиси, қўйлар, аждаҳо ва бошқа ҳайвонлар тасвирларининг кўп

учраши бу вақтда тотемистик тушунчалар муҳим ўрин эгаллай бошлаганидан далолат беради.

Уруғларнинг бирлашиши натижасида янги катта қабила — жамоаларнинг тотемлари кўпайиб борган. Марказий Осиёда қадимдан *бўри, ит, хўроз, кўчқор, кийик, от, тоғ эчкиси* каби ҳайвонлар тотем ҳисобланган. Шунингдек *каптар, қалдирғоч, бургут (лочин), лайлак, турна, оққуш, каклик, бедана* каби қушлар ҳам илоҳийлаштирилган.

Энг қадимий тарихга оид илмий адабиётларда таъкидланишича, тотем ҳайвонларга бағишланган махсус байрамлар ҳам уюштирилган. Ана шундай энг қадимий байрамлар қаторига аввало, *зоофагик байрам*ларни киритиш мумкин. Бу байрамларда одамлар тотем ҳисобланган ҳайвонларга, яъни айиқ, ёввойи эчки, сизир, бугу, от кабиларга сизинишган. «Қадимги дунё тарихи» китобида ёзилишича, тотем ҳайвонларга бағишланган байрамларда одамлар уларга тақлид қилишган, ўша ҳайвонларнинг қиёфасига кириб, ўйинга тушишган. Шунингдек, тотем ҳисобланган ҳайвонларни фақат тантанали маросимларда сўйишган ва ейишган. Баъзи қабилалар махсус маросимлар уюштиришиб, унда тотем ҳайвонларига сизиниш билан бир қаторда, уларнинг гўштини ейишган. Айрим халқлар (масалан, Ҳиндистонда) илоҳий ҳисобланган ҳайвонларни (масалан, она каби сут берган сизирни) сўйиш у ёқда турсин, уларга озор етказиш ҳам мумкин эмас, деб ҳисоблашган. Ҳиндларнинг сизирни илоҳийлаштириши, унга алоҳида ҳурмат билан қарashi қадимий даврлардан ҳозиргача сақланиб қолган.

Тарихий манбаларда полеолит даври охирида (тахминан. мил. авв. 40 дан 14 минг йил илгари) Шимолий халқлар орасида «айиқ байрамлари» бўлган. У илоҳий ҳайвон — айиқ ови ва айиқ гўштини истеъмол қилишдаги гуноҳларни енгиллаштириш учун уюштирилган. У қуйидаги қисмлардан ташкил топган: 1) айиқ овига боришдан олдин машқ маросими; 2) ов жараёнини акс эттирадиган рамзий тадбир; 3) овдан сўнгги ов рақси; 4) айиқ гўштини пишириш ва уни истеъмол қилишга оид маросим — зиёфат, базм ва ҳоказолар. Айиқ байрамида ўйиннинг айниқса, ниқобли томоша, мусобақа, олишув каби шакллари кенг ижро этилган. Тотем — айиққа бағишланган бу байрам ҳақида афсоналарда қизиқарли маълумотларни топиш мумкин. Сибир халқларининг баъзиларида бу байрам ХХ аср бошларигача сақланган. Мазур байрамда айиқ ниқобидаги бош қаҳрамон айиқдай ҳаракатлар қилиб, рақсга тушган. Ўрта Осиёда ҳам «айиқ ўйин» пантомимик рақс сифатида ҳозирги пайтгача сақланиб қолган. Ўзбекистон шаҳар, қишлоқларида, Туркия,

Ҳиндистон, Кавказда ҳам кўчаларда айиқ ўйнатиб, кичик томоша кўрсатиб юрган кишиларни кўриш мумкин. Бу балки қадимий айиқ ўйини кўринишларидан бизгача етиб келган қисмларидан биридир.

Тотем одатларининг кўпи ўтмишда қолиб, унутилган бўлса ҳам, уларнинг баъзилари ҳозиргача чорвадорлар орасида сақланиб қолган. Чунончи, кўй кўзилагани, сизир туққани, от илк бор эгарланганига бағишлаб чорвадорлар орасида турли маросимлар ўтказилиб келинмоқда. Тўйга турли ҳайвонлар: кўзи, кўй, кўчқор, буқа, той ҳадя қилиш ва тўй болани тойда сайр қилдириш одатлари ҳам тотемистик одатларнинг ҳозирги пайтдаги кўринишларидир.

Магия (афсун, жоду). Кўҳна Шарқда афсунгарлик, сеҳргарлик кенг тарқалган. Магия — инсон, ҳайвон, табиат ҳодисалари ва ҳаётий воқеаларга ғайритабиий таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлган сўз, ибора, хатти-ҳаракатлар йиғиндиси. Қадимда одамлар кўёш чиқиши, ёмғир ёғиши, шамол тўхташига жоду йўли билан таъсир қилиш мумкин, деб ўйлашган. Тарихий тараққиёт жараёнида афсунгарликнинг турли кўринишлари вужудга келган. Улардан:

- 1) табиатдаги салбий ҳодисалар, об-ҳаво инжиқликларига қарши курашда;
- 2) меҳнат жараёнига амалий таъсир қилиш мақсадида;
- 3) касалларни даволаш, хасталикдан шифо топишда;
- 4) ёв, душманга зарар келтиришда;
- 5) ёмонликдан, офатдан асраш, кўриқлашда;
- 6) ҳарбий юриш, урушда ғалабага эришиш мақсадида;
- 7) севги-муҳаббатда омадли бўлиш мақсади (бировни бировдан совутиш ёки иситиш)да фойдаланишга интилишган.

Қадимда одамлар орасида сеҳргарлар инсонлар ва руҳлар ўртасидаги муносабатларда воситачи вазифасини бажаради, деган тушунча ҳам бўлган. Масалан, табиб — бахшилар махсус кийимлар кийиб, чилдирма ушлаб, турли овоз чиқарувчи тақинчоқлар тақиб, магик ҳаракатлар ёрдамида зикр-рақсга, жазавога тушиб, гўёки илоҳий кучлар, руҳлар билан «алоқа боғлаб», уларнинг кучи ёрдамида касални даволаш маросимини ўтказишган.

Қадимги одамларнинг магияга оид тушунчалари, қарашлари, эътиқодлари муайян маросим ва байрамларда ўз аксини топган. Чунончи қурғоқчилик даврида *Ёмғир тилаш* (*Суст хотин*), шамол зарар келтирганда — *Шамолни тўхтатиш* (*Чой момо*) ва шамол керак бўлганда — *Шамол чақир*иш, ўринсиз совуқ тушганида — *Кўёшга сизиниш*, омад келмаганида, офат юз берганида *Қурбонлик келтириш* ва ҳока-

зо маросимлар ўтказилган. Дастлаб бундай талбирлар табиат инжиқлик қилиб, одамларга ортиқча ташвиш келганида уюштирилган. Бироқ кейинчалик, ибтидоий одамлар содир бўлиши мумкин бўлган офатлар юз бермасидан гўё унинг олдини олиш мақсадида бу маросимларни ўтказа бошлаган. Уларнинг баъзилари байрамга ҳам айланиб кетган. Жумладан, қурбон келтириш маросими асосида «Қурбон байрами» кабилар вужудга келган. Бир сўз билан айтганда, илоҳий кучларга ишонишга бағишланган маросимлар асосида кейинчалик диний байрамлар шакллана бошлаган.

Политеизм. Ўзбекистон ҳудудида юқоридаги турли ибтидоий тушунчалар, эътиқодлар билан боғлиқ турли маросимлар яхлит ҳамда аралашган ҳолда ҳам мавжуд бўлган.

Ибтидоий даврда турли эътиқодлар ривожланиб, ўзаро аралашиб борган. Турли хил тушунча ва эътиқодларнинг уйғунлашуви натижасида политеизм шаклланган.

Политеистик эътиқод бўйича, борлиқдаги барча ҳодисаларнинг ўз эгаси (тангриси) бор деб қаралган. Масалан, қуёш, ой, ер тангрилари борлигига ишонишган. Тарихий маълумотларга қараганда, бу тушунчалар ибтидоий жамоа тузуми емирилиши даврида вужудга келган. Қадимги политеистлар қуёшни *бобо* — (Қуёш бобо), ойни — *момо* (Оймомо), ерни — *она* (Она ер) деб, уларга сиғинишган, мадҳлар ўқишган, орзу-умидлари рўёбга чиқиши учун улардан нажот сўрашган, уларнинг номи билан онт ичишган, сафарга отланишган. Одамлар муқаддас жойлари ва байрамларига «қуёш» деб ном қўйишган.

Кўпгина халқларда қадимда ой ва қуёшга сиғиниш политеистик (кўпхудолик) қарашларнинг таркибий қисмига айланиб кетган. Масалан туркий қавмлардан бири — хун (гун)лар орасида ҳам кўпхудолик мавжуд бўлиб, улар қуёш худоси билан бирга, ой, осмон, ер, юлдузлар тангриларига ҳам сиғинишган. «Хунлар тонг саҳарлаб қуёшга сажда қилишган, тунда ойга сиғинишган, муҳим ишларини ой ва юлдузларга қараб ҳал қилишган, ой тўлганда душманларга ҳужум қилишган, ой тутилганда чекинишган. Улар кўк тангриси билан ер тангриси ҳаётни яратган, қуёш тангриси билан ой тангриси томонидан ҳукмронлик тахти ато қилинган деб ҳисоблашган» («Фан ва турмуш». 1990, № 11, 22—23-бетлар).



Энг қадимги «Қуёшга сиғиниш маросими».
Қоя сурат.

Хуллас, қадимги эътиқодлар ва анъаналар одамларнинг табиат, ҳаёт, турмуш сирларини тушуниш учун қилинган ҳаракатларининг дастлабки натижаларидир. Инсон эҳтиёжи, онги, тафаккурининг ўзгариши, турмуш тараққий этган сари эътиқодларнинг давр талабига жавоб бермай қолгани тарих қаърида қолган, баъзилари замон билан бирга ўзгарган, айримлари турли шаклларда янги мазмун кашф этиб, узоқ тарихий жараёнлар давомида сақланиб қолган.

ХУЛОСА

1. Қадимги даврдан бошлаб, кишиларнинг табиий эҳтиёжи асосида вужудга келган маънавий ўсиш — ривожланиш уларни ҳаракатланиш, меҳнат қилиш, курашишга ундаган. Бу эса улар онги, эътиқоди ва маънавиятининг ўсишига олиб келган. Кишиларнинг онгли меҳнати асосида самарали *тажрибалар* шаклланди. Чуқур маъноли ва шаклан маданийлашган тажрибалар *одатларга* айланган. Муҳим аҳамият касб этган одатлар асосида маросимлар пайдо бўлган. Жамоа ҳаётида алоҳида ўрин тутган ҳодиса ва хурсандчилик билан ўтадиган воқеалар замирида *байрамлар* шаклланди.

2. Онгли меҳнатга оид тажриба, одатлар кишилар маънавий ҳаётида алоҳида аҳамият касб этган. Энг қадимги машгулотлар билан боғлиқ анъаналар, жумладан, *теримчилик* одатлари (табиий озик-овқат йиғиш тажрибалари, мусобақа ўйинлари), *овчилик* ўйинлари (ов олди машқ-ўйинлари, овдан сўнгги маросим, томошали ўйинлар), *чорвачилик* удумлари (ёввойи ҳайвонларни овлаш ва қўлга ўргатиш, уй ҳайвонларини парваришлаш, қишга гўшт тайёрлаш одатлари), *деҳқончилик* одатлари (баҳорда экин экиш, кузда ҳосил йиғиш маросимлари), илғор иш тажрибалари, меҳнат ютуқлари, кексалар ибрати, аждодлар меросидан самарали фойдаланишга имконият яратган. Меҳнат жараёни билан боғлиқ одатлар турмушни фаровон қилиш, безаш билан бир қаторда, маданиятнинг кўплаб турлари, жумладан, ўйин, томоша, пантомима, рақс, мусиқа санъатлари тараққий этишида катта ўрин тутган.

3. Энг қадимий одамларнинг турмуши билан боғлиқ анъаналар, жумладан, жамоа (тўда) бўлиб яшаш удумлари, сардорлик (оқсоқоллик) учун олишувлар, инициация (болалик, ўспиринликдан эркакликка ўтиш) маросимлари, турли кўринишдаги дафн одатлари, қурбонлик маросимлари, органистик байрамлар, оила ва тўй маросимларининг пойдевори бўлган *полигам*, *эгзогам*, *моногам* одатлари кабилар ибтидоий жамоа тараққиётида жиддий роль ўйнаган. Улар ибтидоий одамларнинг машаққатли ҳаётида эришилган тажрибалар, ютуқларни асраш ва кўпайтиришда катта аҳамиятга эга бўлган.

4. Қадимги эътиқод ва тушунчалар билан боғлиқ одатлар инсон маънавиятини шакллантиришда муҳим омил бўлган. Жумладан: *фетишистик* эътиқод бўйича буюмларнинг сеҳрли кучига ишониш, таёқ, тош, суякдан тайёрланган нарсаларга илоҳий муносабатда бўлиш, иш қуролларини қадрлаш, бут ва санамларга сиғиниш, шифо топиш мақсадида қум, лой, тузларга тутиш, яда тоши ёрдамида ёмғир чақириш одатлари;

анимистик эътиқодлар заминдаги жон ва руҳни эъзозлаш, қурбонлик қилиш, ис чиқариш удумлари;

тотемистик эътиқодлар негиздаги — ҳайвонлар (от, ит, бўри, қўчқор, хўроз, кийик, тоғ эчкиси)ни, қушлар (қалдирғоч, лайлак, оққуш, турна)ни илоҳийлаштириш одатлари, зоофагик байрамлар (айиқ культига бағишланган байрамлар), қўчқор, от, туя ҳаля қилиш удумлари;

магия (афсун, жоду, сеҳргарлик) билан боғлиқ — табиий ҳодисалар ва меҳнат жараёнига таъсир қилиш, касал даволаш, душманларга зарар келтириш, ёмонликдан асраш, урушда ғалабага эришиш, севгида омадли бўлиш, иссиқ-совуқ қилиш каби кўплаб одатлар кишилар руҳий олами, маънавияти бойиши ва кенгайишига хизмат қилган;

политеистик эътиқодлар асосида — табиатнинг асосий унсурларини илоҳийлаштириб, қуёшни *Қуёш бобо*, ойни *Оймомо*, ерни *Она ер*, ҳавони *Момо Ҳаво*, сувни *Оби ҳаёт* деб уларга бағишлаб аждодларимизнинг маросимлар ўтказгани замондошларимиз учун ҳам ибрат бўлиши мумкин. Ёмғир тилаш — *Суст хотин*, шамош чақириш — *Чой момо*, қуёш чорлаш — *Қуёшжон*, табиий офат бўлганида қурбонлик қилиб, ис чиқариш одатлари табиатни қадрлаш ва унинг сирларини тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Шундай қилиб, одатлар энг қадимий даврлардан бошлаб, ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан, табиатга оқилона, маданий муносабатда бўлиш борасидаги тажриба, ютуқ ва муваффақиятларни асраб-авайлашда, уларнинг авлоддан-авлодга ўтишида, аждодлар ҳаётининг маъно-мазмунини англашда жуда муҳим аҳамият касб этиб келган.

Ш 6 0 6. АНТИК ДАВР БАЙРАМЛАРИ

ЗАРДУШТИЙЛАР ОДАТЛАРИ

Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг бошида Ўрта Осиёда зардуштийлик кенг ривожланган. У қадимий эътиқодлар, жумладан, *митраизм* (куёшпарастлик) замирида тараққий этган.

Зардуштийлар дунё асосини икки қарама-қарши ҳодиса — эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуклик, ёруғлик ва қоронғилик, нур ва зулмат, иссиқлик ва совуқлик, ҳаёт ва ўлим, тана ва жон, поклик ва ифлослик, эркинлик ва тобелик ўртасидаги кураш ташкил қилади, деб қарашган. Шунинг учун улар дунёдаги барча ижобий ҳодисаларни эзгулик худоси — Ахурамазда (Хурмуз) ва ҳамма салбий нарсаларни ёвузлик худоси — Анхара-Майню (Ахриман) иродасига боғлиқ деб тушунишган. Зардуштийлар эзгулик худосидан яхшиликни тилаб, ёвузлик худосидан ёмонлик қилмаслигини сўраб сифинишган.

Шунингдек, зардуштийлар эзгулик худоси Ахурамазда билан бирга, *Митра* (йигит қиёфасидаги куёш ва ёруғлик тангриси), *Анахита* (гўзал қиз сиймосидаги унумдорлик, ҳосилдорлик, фаровонлик тангриси), *Хумо* (гўзал қуш қиёфасидаги бахт, тақдир ва бойлик тангриси), *Хубби* (мард йигит қиёфасидаги сув тангриси), *Миррих* (ёш жангчи қиёфасидаги уруш ва ғалаба тангриси) кабиларга ҳам эътиқод қилишган.

↓ **«АВЕСТО» ВА ОДАТЛАР.** Қадимий одатларни ўрганишда «Авесто» китоби энг қадимий манбалардан бири ҳисобланади. Маълумотларга қараганда бу буюк асарнинг қуйидаги қисмлари сақланиб қолган: ↓

1. **ЯСНА** — ибодат пайтида ижро этиладиган қурбонлик маросими кўшиқлари ва диний маросимларга хос расм-русумлар баёни. 72 бобдан иборат бу қисмнинг 17 боби Зардушт кўшиқлари — гот-мадҳияларидан иборатдир. Готларнинг асосий ғояси — эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амални тараннум этишдир.

2. **ЯШТ** — оташпарастларнинг илтижоли

оҳангда ижро этиладиган мадҳиялари 22 кўшиқдан иборат бўлган, зардуштийлик дини худолари ва маъбудаларига бағишланган мазкур Яштда Ахурамазда ва у яратган маънавий (илм, дин, ҳақиқат) ва моддий қадриятлар (Куёш, Осмон, Замин, Сув) мадҳ этилган.

3. **ВИДЕВДАТ** — девларга, зулмат тимсолига қарши қонунлар мажмуаси. Мазкур бўлим диний қонунлар матни, қадимги дoston, мифлар мазмуни, парчаларидан иборат бўлиб, уларда мифологик қаҳрамонлар номи зикр этилган.

4. **ВИСПАРАД** — ибодатга оид 2 бобдан иборат кўшиқлар.

«Авесто»да аждодларимизнинг фалсафий қарашлари, орзу-ўйлари, эътиқоди акс этиши баробарида одатлар, маросимлар ва байрамларга ҳам алоҳида эътибор берилган. Айниқса, унинг Видевдат қисми бундай маълумотларга жуда бой бўлиб, жумладан, унда озодлик, поклик русумлари, ўликни ерга кўмиб, уни ҳаром қилган одамни ёки ваъдабозни жазолаш, даволаш удумлари, ит боқиш ва уларни эҳтиёт қилиш, аёллар билан ойнинг қайси кунлари муносабатда бўлиш; соч ва тирноқларни қачон олиш ва уларни тоза сақлаш; хўрозлар билан боғлиқ иримлар, сувнинг шифобахшлиги; чақалоқни парваришлаш, одамларни бало-қазолардан асраш ва бошқа кўплаб одатлар баён этилган.

«Авесто»да барча салбий ҳодисалар аввало одат-маросимларга итоат қилинмаганидан келиб чиқади, деган ғоя олға сурилган. Жумладан, унда: «...маросимларга эътиборсизлик оқибатида ер юзида девларнинг хуружи авж олади» (Девлар бунда салбийлик, ёзувлик тимсоли сифатида кўрсатилди). Шунингдек, Авестода: «Диний русум ва маросимларга эътиборсизлик оқибатида одамларни бит деб аталувчи храфсастралар, экинзорларни буғдойларни нобуд қилувчи ҳашаротлар, уйларни либосларни кемирувчи махлуқлар босиб кетади», деб қайд этилган.

«Авесто»да одат-русумларни билмаслик, уларга эътиборсиз қараш жуда қаттиқ танқид қилинган. Масалан, Зардушт: «Ким... касаллик ва ўлим келтирувчи?» — деб сўраганда Ахурамазда унга: «...покланиш русумини тугал билмай туриб, бир нопокни поклашга журъат этган» деб жавоб беради.

Зардуштийлик одатларини қуйидагиларга ажратиш мумкин:

Осмон, қуёш, ер ва табиий ҳодисаларга боғлиқ анъаналар. Зардуштийлар ўз маросимларида коинотнинг тўрт унсури: қуёш (олов), сув, ер, ҳавони улуғлашган. Уларни дунёдаги энг муқаддас нарсалар деб ҳисоблашган. Олов қуёшнинг ердаги шакли (заррачаси) деб, унга сажда қилишган. Олов кишиларни барча гуноҳлардан покловчи сеҳрли куч деб санашган ва унга бағишлаб махсус оташхоналар қуришган. Бу жойда турли байрам, маросимлар уюштиришган. Қуёшни — *Қуёш бобо*, Ойни — *Ой момо*, Ерни — *Она ер*, ҳавони — *Момо ҳаво*, сувни — *Оби ҳаёт* деб илоҳийлаштиришган ва уларга бағишлаб, маросимлар ўтказишган. Шунингдек, уларда ёмғир тилашни — *Суст хотин*, шамолни чақаришни — *Чой момо*, қуёшни чорлашни — *Қуёшжон* деб номлашиб, махсус маросимлар ўтказишган. Табиий офат юз берганида эса қурбонлик қилиб, ис чиқаришган.

Улар табиатнинг барча ҳодисаларига алоҳида эътибор билан қарашган. Мевали дарахтларни, бугдой экинларини жуда қадрлашган. Табиий «шифохоналар»даги қум, лой, тузларга тушиб, даво топишни билишган.

Ўсимликлар дунёси ва ҳайвонот оламига оид қадимий удумлар. Зардуштийлар от, ит, бўри, қўчқор, хўроз, кийик, тоғ эчкиси каби ҳайвонларни; қалдирғоч, лайлак, оққуш, турна каби қушларни муқаддас деб билишган. Улар энг қадрли совға сифатида бир-бирларига қўчқор, от, туя ҳадя қилишган.

Зардуштийлик даврида қурбонлик учун сўйилган ҳайвон калласини даврада ўтирган кексалар олдига қўйиш удуми жуда кенг ёйилган. Қадим аждодларимиз амал қилган бу удум ҳозирги пайтгача ҳам сақланиб қолган.

Оташпарастрларнинг асосий машғулоти чорвачилик ва деҳқончилик бўлгани учун улар уй ҳайвонларига алоҳида муносабатда бўлишган. Хусусан, сигир, от ва итларга улар алоҳида аҳамият беришган. Қурбонлик қилиб, мол сўйилса, унинг тили ва чап жағи қоҳин олдига қўйилган. Бундан ташқари, қурбонлик қилинган мол гўшти ибодатдан сўнг қоҳинлар ва диний маросимда иштирок этган кишиларга тақсимлаб берилган.

Бундай қурбонлик қилиш — қўй сўйиб, унинг пиширилган калласини кексалар олдига қўйиш, сўйилган мол гўштини хом ҳолида қўни-қўшниларга тарқатиш удуми ҳозир ҳам халқимиз ўрта-

сида учраб туради (Т. Маҳмудов. «Авесто» ҳақида. Т.: 2001, 16-бет).

«Авесто»да зардуштийлар учун ит илоҳий ҳайвон ҳисоблангани таъкидланади. Ушбу асарда маълум қилинишича, зардуштийлар итга азоб берган одамни минг қамчи уриб жазолашган.

Инсон ҳаёти билан боғлиқ одатлар. Кишиларнинг кундалик турмуш билан боғлиқ одатлари кўп бўлган. Масалан, юриш-туриш, кийиниш русумлари, покланиш, озодалик одатлари, эр ҳамда аёлларнинг мажбурий одатлари ва ҳоказо.

Зардуштийлик динига эътиқод қилинган даврда табиат ҳодисалари ва меҳнат жараёнига таъсир қилиш, касални руҳий даволаш, душманларни жазолаш, ёмонликдан сақланиш, урушда ғалабага эришиш, севгида омадли бўлиш учун иссиқ-совуқ қилиш каби удумлар кенг тарқалган.

Санъатшунос олим Т. Маҳмудов таъкидлашича, зардуштийлар орасида «Важ олиш» одати жуда кучли бўлган. «Сўз бериш», «Ваъда бериш», «Қасам ичиш» ва унга қатъий амал қилиш одатлари қадрланган.

Одатларни бажармаганларга қаттиқ жазо берилган. Масалан, эр ва аёлларга оид икки одатга тўхталамиз:

1. Агар ... аёл ... бачалонидаги тириклик мевасини нобуд қилса, бу одам ўлдириш гуноҳи ҳисобланган ва жазоси аёл ва эрнинг гарданига қўйилиб, улар ошқора қатл этилган.

2. Эркак зурриёт қолдириш қобилиятига эга бўла туриб уйланмаса, унга тамға босилган ёки белги занжир боғлаб юришга мажбур қилинган.

Озодалик, покланиш одатлари. Жисман ва руҳан покланиш зардуштийларнинг асосий одати бўлган. У «зиндаровон» — «тирик руҳ» деб махсус номланган. Зардуштийлар покланиш орқали инсон ўзига янги руҳ бахш этади, деб ишонишган.

Оташпарастрлар барча расм-русумларда ҳам тозалikka катта эътибор беришган. Ҳар бир киши кунига беш марта ювиниб, покланиб, қуёшни олқишлаб, унга сиғиниши шарт бўлган.

Зардуштийлар маросимлардан олдин «таҳорат» қилишган. Таҳоратнинг тўрт хили бўлган. Ҳар бир диний маросимда қоҳинлар албатта иштирок этишган. Уларга баъзан мусиқачилар, хонанда ва аёллар ёрдам беришган (Т. Маҳмудов. «Авесто» ҳақида. Т.: 2000, 20-бет).

Озодалик, тозалик кишини ҳар хил ифлослик ва ёмонликлардан асрайди деб, диний маросимлардан сўнг унда ишлатилган идишларни ювиб, саранжом-саришта қилиб қўйишган. Буни Ахурамазда ва Зардушт суҳбатидан билиб олса бўлади:

— Зардушт: — Эй оламни яратган зот! Эй, Ҳақиқат! Одамлар овқатланадиган идишларга итлар ёки ифлос кишилар тегиб кетса, уларни поклаб бўладими?

— Поклаб бўлади... Агар идиш олтиндан бўлса, у бир марта қум билан ишқаланади, бир марта тупроққа беланади: бир марта сувга чайилади. Шунда пок бўлади...» («Видевдат», 7-фаргард, 73—74-бандлар).

Зардуштийларнинг эътиқодича, тандан кесиб олинган соч ё тирноқ ўз-ўзидан Ахриманнинг мулкига айланиб, у девларга катта қудрат бахш этаркан. Шунинг учун олинадиган соч ва тирноқларни лозим расм-русумлар ёрдамида худди ўлик сифатида тандан ҳайдаш лозим бўлган. Зардуштийлар тандан жудо қилинган ҳар бир аъзони поклаш учун маросим ўтказилса, мурдор девлар замин қаърига чекинади, деб ўйлашган.

Олинган соч ва тирноқ ҳақида «Авесто»да Ахурамазда куйидагиларни айтади: «Кимки соч ёхуд тирноғини олиб, уни ҳеч қандай расм-русумсиз бирор чуқур ё ковакка тўкиб юборса, бу қабиҳ амал девларни дуо билан олқишлаб, кучлантирган, нусрат бахш этган билан баробардир».

Олинган тирноқ, сочга куйидагича муносабатда бўлиш зарурлиги таъкидланади: «Қаттиқ ерда ўн бармоқ ҳажмида, юмшоқ ерда ўн икки бармоқ ҳажмида чуқур қаз. Ўша соч ва тирноқларни унинг тубига ташлаб юборгин ва ушбу энг улуг ва энг нажотбахш дуони зикр қил: «Одамзод «кичик олам» («олами сағир», «жаҳони кучак»)дир. Унинг вужудидаги ҳар бир унсур табиатда ҳам мавжуд. Ўлимдан сўнг яна табиатдаги ўша унсурларга қайтиш қилади. Растохез — қиёмат рўй берганида кишининг сўнгаклари тупроқдан, қони сувдан, сочлари гиёҳлардан, тирклиги оловдан қайтиб келади» («Видевдат», 17-фаргард: 1—2-бандлар).

Мотам маросими. Ўлим ҳаётнинг акси, ёвуз кучларнинг иши бўлгани учун ўлганларни ювадиган алоҳида кишилар бўлган. Ўлик ўша куннинг ўзидаёқ махсус ажратилган манзилга, очик тоғ ёнбағирларига, чўл-тошлоқ жойларга элтиб қўйилган. Жасад итлар, қушлар, ёввойи ҳайвонлар емишига айланган.

«Мурда қушлар парвозга шайлангунча, гиёҳлар буй чўзгунча, селоблар равон бўлгунча ва баҳорий насимлар ер юзини қуритгунга қадар бир тун ё уч кеча ёхуд бир ой ерда сақланмоғи лозим.

Қачонки қушлар парвозга кириб, гиёҳлар бош кўтарса, селоблар равон бўлиб, баҳорий бодлар ер сатҳини қурита бошласа, маздапарастлар ўлик жисмини дахманинг кунгай ерига қўйсинлар...» («Видевдат», 5-фаргард, 12—13-бандлар).

Зардуштийлар эътиқоди бўйича жасад ерни ифлос қилмаслиги, сувни булғамаслиги, ўтларни заҳарламаслиги лозим. Шунинг учун жасад гўшдан тозалангач, суяклар тўпланиб «астудон» деган сопол идишларга солиб қўйилган.

Мурданинг суяклари этидан қанча тез халос

бўлса, оташпараастларнинг марҳумга эътиқоди шунчалик ошган. «Агар мурдани қушлар олиб кетса, у художўй одамдир, — дейилади «Авесто»да. Агар мурдани ҳайвон ёки ит олиб кетса, бундай одам ҳурматга нолойиқ кишидир. Агар ҳеч қандай жонзот мурдага яқинлашмаса, у ниҳоятда хосиятсиз кишидир».

Зардуштийларнинг «Авесто»да қайд қилинган мотам тутиш одати алоҳида диққатни тортади:

«Яхши зотлар уч кун, гуноҳкорлар учун олтамиш кун аппамон — мотам тутилади». Демак, улар ёмон одам учун жазо сифатида кўпроқ аза тутишган.

Зардуштийлар ота-она ўлимига алоҳида эътибор беришган. «Ота ё она вафотидан сўнг уларнинг тани уч марта ювилади. Либослари ҳам уч марта ювилади. Готлар уч карра қироат қилинади. Ёхуд менинг оловимга назр қилинади. Боғловлик барсам дастаси такдим этилиб, эзгулик сувидан тотилади», — дейди Ахурамазда.

Оташпараастлар қурбонлик маросимларини ташкил этишга алоҳида эътибор билан ёндашишган. Жумладан «улар ибодат чоғида лозим ҳаракатларнинг муайян қоидаларига қатъий амал қилиши, шунингдек, дуоларни ўз вақтида, лозим мутаносиблик (гармония) билан муайян пардаларда (регистр), овозларнинг зарур оҳанглари ва пардаларини тўла сақлаган ҳолда куйлашлари талаб қилинган» (Рагозин З. А. История Мидии. Спб., 1903, с. 59.) Кўчирма олинди: Муҳсин Қодиров. «Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар». Т.: «Фан», 1993. 22-бет).

Тарихчи олим С. П. Толстов хитойлик Вэйцзининг Сиёвуш маросимига алоқадор бир удум ҳақида куйидаги маълумотни келтиради: «Олтинчи ойнинг биринчи кuni уларда йилнинг боши ҳисобланади. Шу кuni подшоҳ ва халқ янги кийимлар кияди, соч-соқолларини тартибга келтиради. Шаҳарнинг шарқий қисмидаги ўрмон майсазорида етти кун давомида отда туриб ёйдан ўқ отишади. Охирги кuni нишон ўрнига қоғоз варағи устига тилла танга қўйишади; кимнинг отган ўқи тангага тегса, ўша кимса бир кун подшоҳ бўлиш ҳуқуқини қўлга киритади. Улар самовий илоҳга сиғинадилар ва унга жуда қаттиқ эътиқод қиладилар. Улар оллоҳнинг ўғли еттинчи ойда ўлган ва унинг суяклари йўқолган, дейдилар. Шу маъбуд маросимини нишонловчи кишилар ҳар гал ўша ой келганда, бурмали қора либослар киядилар, ялангоёқ бўлиб оладилар, кўкракларига уриб ва йиғлаб, 300 дан 500 гача бўлган эркак-аёллар оллоҳ ўғлининг танасини топиш учун далаларга тарқаладилар. Еттинчи кuni маросим ниҳоясига етади» (Толстов С. П. Древний Хорезм. с. 203. Кўчирма олинди: Муҳсин Қодиров. «Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар». Т.: «Фан» 1993, 72—73-бетлар).

ЗАРДУШТИЙЛАР БАЙРАМ ТАҚВИМЛАРИ

Марказий Осиё халқларининг асосий одат, маросим ва байрамлари коинот, табиат, фасллар ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган. Аждодларимиз борлиқдаги муҳим тўрт нарса (қуёш, ҳаво, ер, сув)ни аниқлаш билан бир қаторда, улар билан боғлиқ тўрт улуғ кунни ҳам белгилаб, нишонлашга одатланишган. Масалан, табиат уйғониши, кун-тун тенглиги, дала ишларининг бошланиши палласида *Наврўз*; ёзда — қуёш тик бўлиб, тун қисқа, кун узун давом этганида, ҳаво ҳарорати юқори даражага кўтарилиб, сувга эҳтиёж кучайганида сувга бағишланган тadbир — *Ангом (Вахшангом)*, кузда кун-тун тенглашиб, йилнинг иккинчи ярми бошланганида, деҳқонлар даладаги ҳосилни йиғиб олган вақтда *Меҳржон (Чири-руж, Ним-сарда)*; қишда — энг узок тун ва қисқа кун содир бўлиб, совуқ авжига чиққанида («қишки чилла»), исинишга эҳтиёж кучайган пайтда *Сада* — Олов байрами (гулханларда исиниш) кабиларни уюштиришган. Милоддан олдин пайдо бўлган бу байрамларнинг барчаси кишиларнинг табиий эҳтиёжлари асосида қарор топган.

Авесташунос Мери Бойс ёзишича, қадимда зардуштийларнинг қуйидаги еттита байрами мавжуд бўлган:

1. Маидйой — зарэмайя — баҳор ўртаси.
2. Маидйой — шема — ёз ўртаси.
3. Паяитшайха — ғалла йиғиш байрами.
4. Айатрима — чорванинг ёзги яйловдан қайтиши.
5. Маийаирйя — қиш ўртаси.
6. Хамаспатмаэда — фраваш (руҳлар шарафига зиёфат бериш).
7. «Наврўз» (Авесточа қанақа номланганлиги маълум эмас). (Мери Бойс. Зороастрийцы. Вераования и обычаи. М.: 1987, с. 44).

Бу байрамлар диний маросим шаклида ўтиб, улар Ахурамазда шарафига бағишланган ибодат билан бошланган. Ибодатдан сўнг хурсандчилик, ўйин-кулги бўладиган зиёфат ўтказишган. Байрамнинг кейинги қисмида ўйин, томоша, кўнгилочар тadbирлар уюштирилган.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон худудида яшовчи халқларнинг қадимий байрамларини ўрганишда X—XI асрларда яшаган буюк қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» («Осор ул-боқия») асари муҳим аҳамиятга эга. Беруний ўзининг бу асарида қадимий эронийлар, хоразмийлар, сўғдийлар, румликлар, яҳудийлар, сурияликлар, насронийлар, ҳиндлар ва бошқалар календаридagi машҳур кунлар, ҳайитлар ва одатлар ҳақида тарихий-маданий аҳамиятга эга бебаҳо маълумотларни баён этган. Мазкур асарда Ўрта Осиё, жумладан, Хоразм ва Сўғд

халқларининг зардуштийлар давридаги йиллик календар байрамлари ҳақида ҳам қизиқарли мулоҳазалар ёзиб қолдирилган.

Берунийнинг ёзишича, сўғдийларда Мавсард ойининг биринчи куни — Наврўз ва 28-куни Ромуш оғам (оташхоналарда тўпланиш байрами); Нийсанж ойининг 12-куни — Моҳирж; Басоканж ойининг 7-куни — Никҳ оғам; 15-куни — Амсхвора (олов тегмаган нарсаларни ейиш байрами); Ашн-х-нда ойининг 18-куни Бобохвора ёки бомихвора (узумдан сиқиб олинган тоза ширани ичиш байрами); Ф-ғ-кон ойининг 1-куни — Ним-сарда (йил ярми); Ж-м-д-н-ж ойининг 24-куни — «Бод омком»; Х-ш-н-м ойининг охирида вафот этган кишиларни хотирлаб, аза тутиш куни каби байрамлари ўтказилган.

Беруний хоразмликлар байрами ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб, улар қуйидаги байрамларни ўтказишга одатланишганини таъкидлайди: «Навсаржи ойида Йил боши (Наврўз); х-р-в-дод ойининг 1-куни Арижо-сувон (иссиқ кийимдан чиқиш, очилиш ҳайити); чири ойининг 15-куни — Ажор (куз охирида оловда исиниш ҳайити); А-х-ш-р-в-и-р- ойининг 1-куни — Ф-б-р-и-х ёки Ф-а-р-у-ба (совуқ келиши билан Хоразм подшоларининг шаҳар четига чиқиб, уни ёвдан ҳимоя қилиш куни); Умри ойининг 1-куни — Аздохандхвор (совуқ тушиш билан олов ёқилган уйларда ўчоқлар атрофига йиғилиб, ёғлиқ нон ёпиш куни); 13-куни — Чири-руж (йил ярми); Рим-ж-д ойининг 15-куни «Мина кечаси» (эрта баҳорда кечаси совуқда қолиб ўлган аёл хотираси муносабати билан ўтказиладиган ҳайит); Исфандарможи ойининг 4-куни — Хеж, 10-куни — Вахшангом (сувга эътиқод қилиш куни); 20-куни — Инга (бир-бирига яқин уйлар қуриш куни) байрами кабилар.

Беруний хоразмликлар байрамини икки турга бўлган:

1. Табиат ҳодисаларига бағишланганлари: йил боши байрами (наврўз), очилиш байрами, гулханда исиниш байрами, ёғлиқ нон ёпиш куни, Мина кечаси ва ҳоказолар.

2. Диний маросимлар (исломгача бўлган даврда) арвоҳлар учун қабрларга овқат қўядиган кун ва бошқалар.

Маълумки, милоддан илгари Эрон, Сўғд ва Хоразмда зардуштийлик календаридан фойдаланилган. Йил фаслларидаги ҳар бир ойнинг ўз байрамлари ва машҳур кунлари бўлган. Масалан, «Фарвардин моҳ — ёз боши, тир моҳ — куз боши, меҳр моҳ — қиш боши, дий моҳ — баҳор боши эди. Уларнинг ойлари ичида тўрт фаслга қараб ишлатиладиган (ҳайит) кунлари бор эди», — деб қайд қилган Беруний.

Аждодларимизнинг қадимги тақвими Наврўздан бошланган. Бу гўзал ва улуг байрам сарчашмалари энг қадимий аждодларимизнинг политеистик тушунчалари, жумладан, Коинот, Куёш, Ерга бўлган эътиқодлари асосида вужудга келган. Бундан 4—5 минг йил илгари аждодларимиз Куёшни энг буюк куч, ҳаёт чашмаси, ёруғлик ва иссиқлик манбаи, деб билишган ва унга атаб махсус маросимлар ўтказишган. Шу йўсинда митраизм — куёшпарастлик, унинг заминиди эса оташпарастлик шаклланишига бошлайди. Зардуштийлар оловни куёшнинг ердаги зарраси — фарзанди деб билиб, қиш ва эрта баҳордаги маросимларда катта гулханлар ёқиб қиш совуғини унинг ёрдами билан «ҳайдашган» ва кўкламни «чақиришган». Бу маросимлар эса турли баҳор байрамларининг шаклланишига асос бўлган. Меҳнаткаш халқ ҳаётида муҳим ўрин тутган баҳор байрамлари янги меҳнат мавсуми бошланишидан дарак берган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, баҳорни кутиб олиш байрамлари барча халқларда қадимдан мавжуд бўлган. Халқларнинг дунё бўйлаб тарқалиши натижасида баҳор байрамлари барча ҳудудларга ёйилган ва кейинчалик бу анъаналар барча халқларда турли меъёр ва шаклларда уюштирилган. Кўпгина халқларда қишни кузатиш ва баҳорни кутиб олиш анъаналари энг йирик байрамларга айланган.

Баъзи этнограф олимлар, жумладан Н. П. Ло-



Куёш тангриси — Митрага бағишланган маросимдан лавҳа.

бачеванинг фикрича, қадимдан Ўрта Осиёда йил боши баҳорга тўғри келган. Сосонийлар сулоласи даврида (III аср) йил боши ёз фаслига, куёшнинг тик туриш кунига (ҳозирги 21—22-июнга) кўчирилган. Бироқ ой тақвими

ўтилганидан кейин, йилнинг биринчи ойи яна баҳорга, тун ва кундуз баравар бўлган кунга (22-мартга) кўчирилган. Бу ҳақда Беруний шундай ёзди: «Наврўз... ўтмиш замонларда... куёшнинг саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра, у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. Энди у бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунча, ҳайвонларда уйғониш мавсуми бошланишидан то насл вужудга келгунча давом этган вақтда келади. Шунинг учун «Наврўз» оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган».

«Наврўз»нинг пайдо бўлиши ҳақида кўплаб афсоналар, мифлар мавжуд. Масалан, зардуштийлар даврида эзгулик худоси Ахурамазда (Хурмуз) баҳор, ёзда, ёвузлик худоси Анхарамайню (Ахриман) — кузда ва қишда ҳукмронлик қилади, деган қараш мавжуд бўлган. Баҳорнинг биринчи кунини эзгулик худоси ёвузлик худоси устидан ғалаба қилган муқаддас сана, деб байрам қилишган. Бу сана «Наврўз» кунига айнан тўғри келган.

Яна бир қадимий афсонага кўра, Одам Ато ва Момо Ҳаво илк бор учрашган кун «Наврўз» байрами деб тан олинган эмиш.

Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида эса янги йил («Наврўз»)нинг пайдо бўлиши шоҳ Жамшид¹ номи билан боғланади. Жамшид одамларга яхшилик қилиш мақсадида уларни касбга ўргатади, темирни эритиб қурол ясатади, ип йигиртириб, кийим тўқитади, ҳаммом, уй, саройлар бунёд қилдиради, табиблик сирларини очади, кема ясатади, боғ барпо қилдиради. Ниҳоят, Жамшид ишлари гуркираб, мева берган кунда ўзига тахт ясатади, унда осмонга кўтарилади. Бу «Шоҳнома»да куйидагича таърифланади:

*Тахт кўкда чарх урар мисоли куёш,
Фармондор ўтирар, унда ирғаб бош.
Барча жам, одамлар қарар тахтига,
Жаҳон қойил бўлиб шукуҳ-бахтига.
Жамшидга сочишар олтину гавҳар,
Шу кунни янги йил — байрам дейишар.
Йил боши Хурмузу эди фарвардин,
Дилда на ғам қолди, на адоват-кин.
Улуғлар шодлик-ла базм қурдилар,
Юзларин чолғуга, майга бурдилар.*

Алишер Навоий ҳам «Тарихи мулки аҷам» номли асарида Жамшиднинг буюк кашфиётлари сўнггида улуг Наврўзни ихтиро қилганлигини баён қилади. Навоий ёзишича: «Жамшид «Чихил минор» номли одамзод кўрмаган ва ақл бовар қилолмайдиган баланд бино

¹ Паҳлавий ва дарий тилида «нур»ни «шед» дердилар. Шунинг учун бу сўз бошига «Жам» сўзини қўшиб, «Жамшид» деб атай бошладилар.

қуриб... «бу иморат туганди, олам салотин ва ашров ва аҳборин йиғиб, анда азим жашн қилди. Ул вақтиким, қуёш нуқта эътиқодли рабиййга таҳвил қилиб эрди ул бинода тахт устига ўлтириб, адолат сайт ва садосин оламга мунташир қилди ва ул кунининг отин наврўз кўйди».

Беруний асаридида келтирилган афсона бўйича ҳам Наврўзнинг келиб чиқиши Жамшид шоҳга боғланади: «Жамшид ўзига арава ясаб олгач, ўша куни аравага чиқиб олди, жинлар ва шайтонлар уни ҳавога кўтариб, бир кунда Дунбован (Дамованд тоғи)дан Бобилга олиб бордилар. Одамлар бу ажойиб воқеани кўргач, ўша кунни ҳайит қилдилар ва Жамшиднинг (аравада учишига) тақдид қилиб, аргимчоқларда учдилар».

«Наврўз»нинг пайдо бўлиши ҳақидаги бу каби афсоналарни турлича талқин қилиш мумкин. Бироқ «Наврўз»нинг қачон ва қандай вужудга келганлигини аниқ кўрсатиш қийин. Шундай бўлсада, ишонч билан айтиш мумкинки, бу байрам доно кишилар томонидан кашф қилинган. Чунки «Наврўз» коинот ва табиат қонуниятлари, яъни қуёшнинг ҳамал буржиги кириши, кеча ва кундузнинг вақт жиҳатидан баробар бўлиши, кундузнинг узая бошлаши, табиатда жонланиш юз бериши, баҳорнинг келиши билан боғлиқ тарзда илмий асосланиб белгиланган. Бу эса ҳар қандай жамиятда «йил боши» (қачон келишидан қатъи назар) «Наврўз»ни табиат байрами сифатида нишонлаш учун асос бўлган. Аслида «Наврўз» ибтидоий жамоа даврида одамлар деҳқончиликка ўрганганидан сўнг улар далаларда янги иш мавсуми бошлашдан олдин ўтказадиган баҳор байрами сифатида шаклланган.

Замонлар ўтиши билан бу байрам такомиллашиб, унга мос кун аниқланган. У «йил боши» сифатида белгиланиб, унга «Наврўз» (яъни «Янги кун») деган ном берилган, деб тахмин қилиш мумкин.

Бошқа олимлар ҳисобига кўра эса, бу байрам 4 минг йил аввал жорий этилган.

Милоддан аввал қўлланила бошлаган зардуштийлик тақвими бўйича ҳозирги февраль ойининг биринчи куниди «Кичик Наврўз» (ёки «Оммавий Наврўз») бошланиб, олтинчи кунда «Катта Наврўз» (ёки «Махсус Наврўз») уюштирилган. Сосонийлар сулоласи даврида эса бу икки «Наврўз» бирлаштирилиб, кичик ва катта «Наврўз» ўртасидаги барча кунлар байрам, деб эълон қилинган.

Муайян даврларда «Наврўз» байрамини нишонлаш бир ойгача чўзилган. Бу ҳақда Беруний қуйидагиларни баён этади: «Кейинги подшоҳлар бу ой, яъни фарвардин моҳнинг барча (кунлари)ни ҳайитга айлантириб, уларни олтига тақсим этдилар. Биринчи беш кун под-

шоҳлар учун; иккинчиси — улўғ кишилар учун; учинчиси — подшоҳларнинг қуллари учун; тўртинчиси — хизматкорлар учун; бешинчиси — халқ оммаси учун; олтинчиси — чўпонлар учун».

Подшоҳлар ўзлари учун белгиланган биринчи беш кунни қуйидаги тартибда, яъни биринчи кун «подшоҳ наврўз куни ҳайитини бошлаб, одамларга ўзининг халқни қабул қилиши»ни билдиради. Иккинчи куни мартабаси жуда юқори кишилар..., деҳқонлар ва (машҳур) хонадон аҳллари (қабул қилиш), учинчи куни отлиқ сипоҳлар ва улўғ донишмандлар, тўртинчи куни ўз уйидагилар, яқин ва хос кишилар, бешинчи куни эса ўз ўғиллари ҳамда қарамоғидаги кишилар (қабул этиш) учун ўтиради. Олтинчи куни... ўзи учун наврўз қилади».

Подшо бундай қабуллардан жуда катта фойда орттирган. Чунки у келувчиларнинг мартабаларига қараб, уларнинг ҳадяларини ҳузурига келтиришга буюрган ва ҳадяларни диққат билан текшириб, хоҳлаганларини тақсим қилиб берган, хоҳлаганларини хазинасига кўйган».

Исломгача бўлган «Наврўз» байрамининг оддий халққа тегишли одатлари ҳам диққатга сазовордир. Ўша замонларда «Наврўз» куни одамларнинг бир-бирларига шакар ва ширинликлар ҳадя қилиши (ҳаётингиз ширин бўлсин деган маънода), гуллар тақдим қилиши (гўзал бўлинг маъносиди), бир-бирларига сув сепиши (бу йил сув кўпайсин, ҳосил мўл бўлсин маъносиди) каби одатлар кенг тарқалган. Наврўз куни ширинликлар ейиш энг муҳим удумлардан бири бўлган. Наврўз куни тонг отганда ҳар бир киши гапиришдан олдин уч қошиқ асал ялаб, уч бўлак (хушбўй) мум эса кўп касалликлардан фориғ бўлади... Наврўзнинг олтинчи, яъни «Катта Наврўз» куни тонгда... гапиришдан олдин шакар тотиб, ўзига зайтун ёғи суртган кишига йил мобайнида турли балолар яқинлашмайди» деган ақида мавжуд бўлган. Баъзи ривоятларга қараганда, одамларнинг бир-бирларига шакар ҳадя қилиши ва уни айнан байрам кунларида ейишига сабаб, шакар «Наврўз» куниди пайдо бўлиши билан боғлиқ эмиш...

«Наврўз»га тайёргарлик кўриш одатларидан яна бири бугдой ёки арпа донини ёғоч идишда ўстириб, уни баҳор даракчиси сифатида дастурхоннинг ўртасига қўйиш бўлган. Байрам арафасида қадим аجدодларимиз етти хил дон (бугдой, арпа, нўхат, жўхори, гуруч, мош, ловия)дан гўжа (бўтқа) тайёрлашиб, уни қўни-қўшни, қариндошларга тарқатишган. Бундан ташқари, эронийларда «С» ҳарфи билан бошланадиган етти хил кўк ўсимлик (себ-олма, сабзи, сирсаримсоқпиез, сирка, сатар-тошгул, сиёҳдонқора данак, синжид-ёввойи зайтун кабилар) уруғидан ўстирилган кўкатлар билан дастурхон

безатиш Наврӯз байрамига хос одат тусига кирган. Шунингдек, улар дастурхонларига турли қуритилган мевалардан қилинган шарбат, бўялган тухум ва бошқа нозу неъматлар қўйишган. Арвоҳлар руҳини шод этиш мақсадида шамлар ёқишган. Наврӯз байрами дастурхонида албатта катта идишга сув тўлдириб, унга кўк барг (кўкат) солиб қўйишган. Бу одат янги йил сувга ва экинга мўл бўлсин деган маънони билдирган. Умуман, «Наврӯз»га хос барча одатлар замирида халқ-

нинг ягона эзгу нияти — янги йил серҳосил, мўл-кўлчилик йили бўлсин, деган умиди, истаги ётган. Шарқнинг улуг алломаси Умар Хайём ҳам ўзининг бу байрамга махсус бағишланган «Наврӯзнома» асарига: «Ҳар киши «Наврӯз»ни байрам қилиб, шоду хуррамлик этса, келаси йил — Наврӯз келгунга қадар унинг умри хурсандчилик ва шодлик билан ўтиши муқаррар», деб ёзади.

Қадимдан Ўрта Осиё халқларининг сувга



Байрамда мусиқачилар сайри. Тош барельефи.

этиқоди баланд бўлган. Беруний ҳам «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарига сувга бағишланган одатлар, ҳайитлар ҳақида кўп тўхталган. Бундай одатларнинг бири — баҳор-ёз байрамларида одамлар бу йил сув мўл бўлсин, ҳосил кўпайсин деб, бир-бирларига сув сепишидир. Бу хусусда, Беруний шундай деб ёзади: «Одамлар шу кун (яъни Наврӯз кун — У. Қ.) тонг пайтида ўринларидан туриб, канал ва ҳовузларга борадилар. Кўпинча оқиб турган сувларга рўпара туриб, баракали бўлиш ва офатларни даф этиш учун устиларидан сув қуядилар».

Шуни таъкидлаш керакки, Жиззах вилоя-

тининг Фориш тумани аҳолиси ўртасида «Наврӯз» кун одамларнинг бир-бирига сув сепиши яқин йилларгача сақланиб қолган эди. Ўзбекистоннинг лалмикор (фақат ёмғир суви билан суғориладиган) жойларида, авваллари сув сепиш махсус маросим сифатида уюштирилган. Бу *Сув хотин* (*Суст хотин*) маросими деб юритилган. Бу маросим баҳор-ёз ойлари ёмғир ёғмай, қурғоқчилик бошланиб, экинзорлар қовжираганда, «ёмғир чақириниш» мақсадида ташкил қилинган. Оқсоқолларнинг кўрсатмасига биноан, қишлоқ аёллари катта қўғирчоқ ясашиб, унга қари кампирнинг

кўйлагини кийдиришган, сўнгра махсус кўшиқлар айтишиб, кўғирчоқни далалардан, кўчалардан кўтариб ўтиб, ҳар бир хонадонга олиб киришган. Маросим қатнашчилари *Сув хотин* кўшиғини айтиб, ҳовлиларга киришганида уй эгалари уларни хурсандчилик билан қаршилашиб, кўғирчоқ устидан сув сепишган, хайр-эҳсон қилишган.

Сувга бағишланган қадимий одатлардан яна бири эса ҳатто байрам даражасигача кўтарилган. У ёзнинг муайян кунларида одамларнинг дарё ва сув ҳавзаларига бориб чўмилиши чоғида ўтказилган. Жумладан, Берунийнинг қайд қилишича, хоразмликлар Испондорможи ойининг 1-куни *Вахшангом* деб аталувчи байрам ўтказишган. Бу байрам Вахш, Жайхун сувига бағишланган.

Берунийнинг асарида маълум қилинишича, шу куни одамлар Жайхун дарёсига бориб чўмилишган. Шунингдек, Беруний эронликларнинг Хоразм одатларига ўхшаш ҳайити хусусида тўхталиб: «Омул аҳолиси шу куни Ҳазар (Каспий — У. Қ.) денгизига бориб, куни бўйи сувда ўйнашиб, шўнғишадилар», дейди.

Баҳор ва ёз ойларида Ўрта Осиё иқлим шароитида сувга эҳтиёж ортиши боисидан ўлкамизда сувга бағишланган турли одат, байрамларнинг пайдо бўлиши табиийдир.

Байрамлар, юқорида эслатиб ўтганимиздек, ҳар бир фаслнинг ўзига хос хусусиятини акс эттириши баробарида, асосан инсон фаолиятини мадҳ этишга қаратилган. Бу жиҳатдан исломгача бўлган кузги байрамларнинг иккитаси, айниқса, диққатга сазовордир. Уларнинг бири — «Тиргон» (ёки «рўзи тир»)дир. «Тир», «тирама» сўзи ҳозир ҳам «куз» деган маънони билдиришини ҳисобга олсак, бу ҳақиқий куз байрами эканлигини билдиради. Беруний «тир» сўзининг маъносини «дахуфазлик» ва «деҳқончилик» билан боғлайди. У бу ҳақда шундай деб ёзади: «Дахуфазлик» — дунёни сақлаш, уни қўриқлаш ва дунёда ҳукмдор бўлиш, шунингдек «деҳқончилик» эса дунёни обод этиш, экин экиш ва дунёни тақсим этиш — иккиси эгизак бўлиб, дунё шулар билан обод ва доим барқарор бўлади, унинг бузқўлиги тузалади».

Қадим замонларда *Тиргон* катта байрам бўлиб, ўша куни барча қосиблар ва деҳқонлар янги кийим кийиб юришган. Бу байрамда бугдой ва мевалардан махсус таом тайёрланиб, дастурхонларга тортилган. Баъзи жойларда эса шу куни чўмилиш одати бўлган. «Тиргон»нинг мазмуни ва одатлари унинг «куз боши»да йиғим-терим бошланишидан олдин ўтказилади-ган байрам эканлигидан далолат беради.

Куз мавсумида нишонланадиган катта байрамлардан яна бири — *Меҳржон* (ёки *Меҳрғоҳ*, Хоразмда — *Чири-руж*, сўғдийларда — *Нимсарда*) бўлган.

Меҳржон сўзи «жон севгиси», шунингдек, «кўёш» деган маънони билдиради.

Берунийнинг ёзишича, «Кўёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон замоннинг икки кўзидир». Чунки Наврўз баҳорда кун ва туннинг барабар келганида, Меҳржон эса кузда нишонланадиган байрам бўлган.

Наврўз куни табиатда жонланиш бошланса, Меҳржон кунига келиб, ўсимликларнинг ўсиши жараёни ниҳоясига етган. Бу вақтда ҳайвонларда ҳам жинсий фаоллик сусайган.

Беруний бу икки байрамни бир-бири билан таққослаб, ярим ҳазил ривоятни келтиради: «Бир гуруҳ кузни баҳордан ортиқ билганидек, улар меҳржонни наврўздан ортиқ билганлар. Буни исботлашда Искандар Арастудан, у икки куннинг қайсиси афзал деб сўраганида унинг: «Эй подшоҳ, баҳорда ҳашаротлар пайдо бўла бошлайди, кузда эса улар йўқолиб кетади. Демак, шу жиҳатдан куз баҳордан афзал», — деган жавобига асосланадилар».

Баҳорда кичик ва катта «Наврўз» бўлганидек, бу Умри (Меҳрмоҳ) ойининг 16-кунида *Кичик Меҳржон* ва 21-кунида *Катта Меҳржон* байрами ўтказилган. *Меҳржон* байрамини подшоҳлар ва Эрон мамлакати шаҳар аҳолиси бутун ой давомида нишонлаган. *Меҳржон* байрамини ўтказишда ҳам худди Наврўздагидек турли табақага мансуб кишилар учун беш кундан ажратилган.

Меҳржон байрамидан сўнг одамлар қишга тайёргарлик кўра бошлашган. «Хуросон подшоҳликларида шу куни отлиқ аскарларга кузлик ва қишлик кийим бериш расм бўлган».

Сўғдийлар ҳам бундай байрамни кенг нишонлашган. Улар байрамнинг биринчи кунини «ним сарда» деб аташган. Бу «йил ярми» деган маънони англатган. Иккинчи кунини «М-н-ид-хвора» деб номлашган. Бу кун одамлар «оташхоналарга йиғилиб, қўноқ уни, ёғ ва шакардан тайёрланган овқат ейишган».

Хоразмликлар эса Умри ойининг 12-кунида байрам қилишиб, уни *Чири-руж* деб аташган. Беруний хоразмликлар «бу ҳайитни худди эронликлар меҳргонни улуғлаганидек улуғлайдилар», деб таъкидлайди.

Милоддан аввалги 329—327-йилларда Ўрта Осиё жануби-ғарбий қисмини Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) босиб олган ва юнон-македон подшоҳлари ҳукмдорлиги 150 йил давом этган. Тарихчи Плутарх Искандарнинг ерли халқ урф-одатлари, маданиятига чуқур ҳурмат билан қараганлигини алоҳида таъкидлаган. «Ҳатто, — дейди у, — Александр Македонский варварларнинг миллий кийимларини кийиб юришни маъқул кўрди..., македон жангчиларига ҳам ерли халқ урф-одатларини ўрганишни таъкидлади». Юнон-маке-

донлар маданияти Ўрта Осиё маданиятига ўз таъсирини ўтказди.

Эрамиздан аввалги даврларда аждодларимиз узум, мевалар пишган пайтда қадимги юнонларнинг «Дионис» байрамига ўхшаш байрам ҳам ўтказишган.

«Дионис» ёки «Вакх» байрамлари Ўрта Осиёга Александр Македонский (Искандар) ҳукронлик қилган даврда пайдо бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Лекин академик С. П. Толстов ва бошқа тадқиқотчиларнинг таъкидлаши ҳамда Хоразм, Каттақўрғон ва Термиз атрофларидан топилган археологик топилмаларга қараганда ўлкамизда узум пишиқчилигига бағишланган байрам юнонлар келишидан аввал ҳам бўлган.

Маълумки, Эллин даврида йилда икки марта — кузги (23-сентябрь) ва баҳорги (21-март) кун-тун тенглиги кунларида мусаллас ва узумчилик илоҳи Дионисга сиғиниш билан боғлиқ бўлган катта оммавий сайиллар ўтказилган. «Мазкур маросимлар иштирокчилари Дионис ва унга қондош ҳисобланган иккинчи даражали илоҳлар — Пан, Силен, сатирлар — эчки кўринишида томоша майдонига чиқишган. Мазкур байрамларда намойиш этиладиган томошаларда эчки образига алоҳида эътибор берилган. Чунки эчки куёш илоҳининг тотеми ҳисобланиб, у баҳор хабарчиси, гоҳида эса Дионис деб тушунилган. Кузги кун-тун тенглигидан сўнг, кунларнинг аста-секин қисқариб, тунларнинг узун бўла боришига атаб, эчки қурбонлик қилинган. Бу эса куёш илоҳининг ўлимини англатган. Вакх (маишатбозлик) қаҳрамонларининг кичик ҳайкалчалари Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти ҳудуди (Зартепа, Холчаён, Далварзинтепа) ҳамда Хоразм туманларидан топилган. Шарқ халқларининг деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳолиси ўртасида хазон бўлиш ва қайта туғилиш билан боғлиқ илоҳларга сиғиниш урф-удумлари эллинизмдан аввалроқ вужудга келган. «Юнон илоҳлари, жумладан Диониснинг ўз шарқона «эги-заклари» билан бирлашиб кетиши асоссиз содир бўлмайди. Диониснинг Ўрта Осиё ўлкаларига тез фурсат ичида кириб келишига унинг маҳаллий сиғиниш объектлари билан қондошлиги асос бўлди» (Ртвеладзе Э., Янгос Д. Ўзбекистон санъатида эллинизм анъаналари // Греция — Ўзбекистон: қадимий маданий алоқалар. Т.: — 2001, 10-бет).

Берунийнинг ёзишича, сўғдийлар Аши-х-ида ойининг 18-кунида «Бобахвара» («Бомихвора») номли байрам ўтказишган. «Бобахвара» сўзи узумнинг сиқиб олинган тоза ширасини ичиш деган маънони билдирган».

Шу ойнинг 26-кунида улар «Гарм-Хвара» — узум ейиш байрамини ҳам нишонлашган. Еттинчи ойнинг 15-куни яна узумга бағишланган



Ҳосилдорлик, узумчилик тангриси ва подшо мунаққатига оид лавҳа.

кўп кунли байрам бошлашиб, уни кейинги ойнинг 9-куни яқунлашган. Боғдорчиликда моҳир бўлган сўғдийларда узумга ва узум шарбатидан тайёрланган мусалласга бағишланган яхлит бир тизимни ташкил этувчи байрамлар бўлганидан далолат беради.


Маълумки, зардуштийлик динининг асосий моҳияти оловга сиғиниш билан боғлиқ бўлган. Зардуштийларда олов кишиларни ҳар қандай гуноҳдан покловчи куч, деб қаралган. Шунинг учун ҳам бу динга ишонувчилар «оташпарастлар» деб аталган. Олов билан боғлиқ маросимлар ва байрамларнинг оммалашиши сабаблари ҳам аждодларимизнинг зардуштийлик динига эътиқод қилганига бориб тақалади.

Агар баҳор охири ва ёзда сувга эътиқод қилиш одатлари кенг тарқалган бўлса, кеч куз, қиш ва эрта баҳорда уюштирилладиган барча байрам ва маросимларда олов ёки гулхан ёқиш асосий таомилга айланган. Зардуштийлар ўзларининг байрам ёки маросимларини ўтказиш учун доимо ўт ёниб турадиган «оташхона»ларга йиғилишган. Масалан, Бухорода маъжусийлар Новсард ойининг 28-кунида ўтказадиган «Ромуш оғом» номли байрамда оташхоналарга тўпланишган ва уни ёниб турган гулхан атрофида нишонлашган.

Беруний Оғом байрами ҳақида шундай ёза-

ди: «Огом ҳайитлари улар учун энг азиз байрамлардан бўлиб, ҳар бир қишлоқда ўтказилади, улар ҳар қайси қишлоқ раиси ҳузурига йиғиладилар ва еб-ичадилар...» (Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. — Т.: «Фан», 1968. — 1-том, 279-бет).

Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» асарида бутпарастларнинг ҳар йили икки марта савдосотиқ ўтказиладиган «Бозоримоҳ» деган жойида оташпарастлар ибодатхонаси бўлганини маълум қилади. «Бу жой, — деб ёзади у, — яна оташпарастлар ибодатхонаси бўлди; бозор куни одамлар бу ерга йиғилганларида ҳаммалари



Оловга сиғиниш маросими. Қоя сурат.

ибодатхонага кириб, оловга топинар эдилар...» Тарихий асарлар тўплами. Т.: «Мерос». 1991, 99-бет).

Тошкентнинг Юнусобод мавзесидаги V асрда бунёд этилган Оқтепа қўрғони (баландлиги 22 метр)нинг ички майдони икки қисмга бўлинган. Унинг ғарбий қисмида «ўчмас олов сақла-

надиган меҳробли ибодатхона бўлиб, бу ердаги... супаларда зардуштий руҳонийлар ўтиришган ва турли диний маросимлар ўтказишган» (Тошкент оқшоми газетаси. 1993 йил, 22 июль).

Академик С. П. Толстов таъкидлашича, оташпарастлар, асосан ибодатхонанинг биринчи хонасида йиғилишган. У ерда май ичишган, маросимлар ўтказишган, атарбонлар орқали оловга сиғинишган, илтижо қилишган. С. П. Толстов қуёшдан олов, оловдан олов уйи, олов уйидан меҳмонхона, меҳмонхонадан чойхона келиб чиққан, дейди (Толстов С. П. Древний Хорезм. — М.: 1948. с. 316—317).

С. П. Толстовнинг оловхонанинг вазифалари тўғрисидаги фикрига таяниб, профессор М. Қодиров шундай ёзади: оловхоналар биринчидан, ибодатхона вазифасини ўтаган; иккинчидан, унда диний маросим ва ҳайитлар ўтказилган; учинчидан, зардуштийлик дини удумлари ва унинг муқаддас китоби бўлмиш «Авесто» мазмуни билан боғлиқ баъзи ўйин ва томошалар уюштирилган; тўртинчидан, йиғилар у ерда йиғилиб, кўнгил очишган ва ижтимоий масалаларни ҳал қилишган. Бошқача айтганда, оловхоналар ҳам ибодатхона, ҳам томошагоҳ, ҳам ўзига хос уюшма идораси вазифасини бажарган (М. Қодиров. «Томоша санъати: ўтмишидан лавҳалар». — Т.: «Фан», 1993, 33—37-бетлар).

Бундан аён бўладики, оташхоналар зардуштийлар учун маросим ва байрамларни ўтказиш маркази бўлган.

Зардуштийликнинг энг йирик байрамларидан бири *Сада* бўлган. У, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида маълум қилинишича, оловнинг кашф этилишига бағишланган байрамдир. *Сада* Эрон қуёш календарининг 11-ойи — бахманнинг 10-кунида байрам қилинган.

Фирдавсийнинг «Шоҳнома» китобида *Сада* байрамининг пайдо бўлиши ҳақида махсус боб бор. Унда ёзилишича, адолатпаноҳ Хушанг бир гуруҳ кишилар билан тоққа бораётиб, тўсатдан баҳайбат илонга дуч келади. Хушанг катта тош отади, бироқ тош илонга тегмай, қоятошга бориб урилиб, тошлар орасидан учкун ва олов чиқади. Шу ҳодисадан сўнг Хушанг оловни қандай ҳосил қилишни кашф этади:

*«Бу оловмас, — деди, худо ҳадяси!»
Энди шунга бўлсин юрак саждаси!»
Шундан бери оташ қибласи бўлди,
Шуъласидан дилга ёруғлик тўлди.
Кеч киргач, ўт ёқиб, айлади гулхан,
Гулхан атрофида аёёнлар билан
Ўлтириб бошланди базм ва байрам,
«Сада» деб ном берди дилдан ариб ғам.*


Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича: *Сада* байрами «бу бахман ойининг ўйин, томоша ва хурсандчилик авжига чиқадиган ўнинчи кун-

дир. Сада — форсча «сад» сўзидан бўлиб, Наврўзга қадар эллик кун ва эллик тун қолганлигини англатади». Қадимги хоразмликларнинг «Чири» маросимига ўхшаб кетадиган бу байрамнинг пайдо бўлишини Беруний шундай изоҳлайди: «Чирининг ўн бешинчи кун «аж-гор»дир, маъноси шуъла, олов ёқишдир. Қадимги замонларда бу байрам биринчи марта олов ёқишга эҳтиёж сезилганида пайдо бўлган».

Мавжуд манбалар бу байрам қиш мавсумида ўтказилганлигини билдиради. Бироқ баъзи тарихий асарларда бу байрам қиш аввалида, бошқаларида — қаттиқ совуқ кунлар бошланиши («чилла»)дан олдин, яъни энг қисқа кун ва энг узоқ тун бўлганида (ҳозирги 22 декабрда), яна бирларида эса (жумладан, Берунийнинг асариди) қишки совуқлар тугагандан сўнг ўтказилиши ҳақида маълумотлар берилади. Бундан келиб чиқадики, қиш вақтидаги барча байрамларда олов, гулхан ёқиш одат бўлган. Уларнинг энг каттаси *Сада* бўлган бўлиши мумкин. Балки *Сада* ҳам бошқа муҳим байрамлар каби «кичик» ва «катта» *Садаларга* бўлинган бўлиши ҳам мумкин.

Эҳтимол, *Сада* қишнинг охирида ҳам ўтказилгандир. Беруний бу хусусда қизиқарли маълумотларни келтиради. Алломанинг ёзишича, шу кун қиш жаҳаннамдан дунёга чиқади. Шунинг учун одамлар олов ёқиб, қиш хуружини даф этиш учун тутатқи тутадилар. Ҳатто, ўша кеча олов ёқиб, алангалатиш, шу оловларга ёввойи ҳайвонларни ташлаш, алангалар ичига паррандаларни учирриш ва (олов) атрофида (ичимликлар) ичиб, ўйин-кулги қилиш ҳам подшоҳлар маросимларига айланади.

Хуллас, зардуштийлар байрамлари ва маросимларидан бири бўлган «сада» байрамида гул-



Қадимги байрамлардан лавҳа.

хан ёқиш ва олов атрофида ўйин-кулги қилиш, еб-ичиш урф бўлган.

Исломгача бўлган даврда булардан бошқа диққатга сазовор ва қизиқарли байрамлар ҳам кўп бўлган. Улардан бири аёллар байрамидир. Бу байрам исфандармўз ойининг 5-кунида нишонланиб «рўзи исфандармўз» деб аталган. Бу ҳақда Беруний: «Ўтмиш замонларда бу ой ва кун хотинлар ҳаётига хос бўлиб, эрлар уларга эҳсон қилар эдилар», — деб ёзади. Исфандармўз сўзининг маъноси «ақл» ва «мулоҳаза» демакдир («Исфандармўз» ифбатли, эрига садоқатли хотинга вакил қилинган фариштанинг номи ҳамдир).

Ҳозирги давр учун қизиқарли ва зарур байрамлардан бири — бу Мурод ойининг 7-кунида ўтказиладиган — «Мурдоданган» ҳайити бўлиб, у ўзига хос тинчлик байрами ҳисобланган. Берунийнинг қайд қилишича, «Мурдоданган»нинг луғавий маъноси «ўлимсиз мангу ҳаёт» демакдир.

Х У Л О С А

Аждодларимиз эътиқоди асосида вужудга келган зардуштийлик дини тарихда қолди. Бироқ бу динга хос кўпгина одатлар, байрамлар, расм-русумлар ҳозирги пайтгача ҳам сақланиб қолган. Албатта улар ичида энг каттаси Наврўз байрамидир. Шу билан бирга, касалликнинг олдини олиш ёки ундан сақланиш учун исириқ тутатиш, турли маросимларда шам ёқиш, тўйларда гулхан атрофида айланиш, ўт атрофида кечки базмлар уюштириш, чавандозларнинг катта гулхан алангаси устидан сакраш ўйинлари, баъзи беморларнинг шифо топиш мақсадида гулхан устидан ҳатлаб ўтишлари, чақалоқни олов устидан ўтказиб олиш, муқаддас дарахтлар шохига турли латталардан «алам» боғлаш каби удумларни ҳозир ҳам учратиш мумкин. Қуёшни озо-

далик билан кутиб олиш, тонгдан ҳовлини тозалаш, уйни супуриш, ювиниш, ўчоққа олов ёқиш, олов ёрдамида озиқ-овқатларни зарарсизлантириш, кул, турли гиёҳларни тутатиш кабилар ҳам зардуштийлардан ўтиб келаётган одатлардир.

Зардуштийлар одатлари аждодларимизнинг бебаҳо тарихий меросидир. Балки ҳозирги пайтда зардуштийларнинг барча одатларига эҳтиёж йўқдир. Бироқ уларнинг барчасини ўрганиб, билиб қўйиш керак. Замонамизга келадиганларидан эса фойдаланиш лозим.

Албатта, исломгача бўлган байрамлар ўша даврнинг ўзига хос қонуниятлари ва ижтимоий хусусиятлари асосида юзага келган. Уларни тушуниш учун ўша давр нуқтаи назаридан ёнда-

шиш керак. Ўша байрамларнинг мазмун, моҳияти Беруний асарларида кенг тавсифланган. Жумладан, Беруний ҳукмдорларнинг бундай байрамлардан манфаатдор бўлганлиги хусусида қуйидагиларни ёзади: «Подшоҳлар, раислар шу кунларда маросимлар ўтказганлар ва улар орқали нафсларини қондиришга, руҳларини шодлантиришга эришганлар ҳамда мақтов ва мадҳга сазовор бўлган, одамларнинг муҳаббатини дуосини олганлар».

Беруний ҳайитлар ва машҳур кунлар оддий халқ ҳаётида қандай ўрин тутганлиги ҳақида ҳам қуйидагиларни баён этади: «Ана шу ҳайитлар фақирлар ҳаётининг танглигини кенгликка айлантирувчи, умидворларнинг орзуларини юзага чиқарувчи ва ҳалокатга яқинлашганларни хатар ва балодан қутқарувчи сабабларнинг бири бўлди».

Сўнгра у диний характердаги байрамларнинг моҳиятини баён этиб: «Диний ҳайитларга келганда буларни... шариат арбоблари, имомлар, фақирлар ва диндорлар келтириб чиқарганлар. Бундай байрамларни ижро этишдан мақсад охират учундир» деб ёзади.

Исломгача бўлган қадимги байрамларни ҳукмдорлар ўйлаб топган эмас. Улар табиий эҳтиёж заминидан пайдо бўлган. Бу байрамлар аввало табиат билан узвий боғлиқ бўлиб, уларда меҳнат жараёни ҳамда турмушнинг муҳим воқеалари таъсирчан тарзда акс эттирилган. Бу байрамлар табиат шодлик ва хурсандчилик ҳолатини вужудга келтиргандагина нишонланган. Масалан, баҳор келиб табиат уйғониши, далаларнинг ям-яшил либосга бурканиши кишиларда беихтиёр байрам кайфиятини уйғотади. Ёзда қуёш тик келиб, энг узоқ кун ва қисқа тун содир бўлганда ва ҳарорат юқори даражага кўтарилиб, сувга эҳтиёж кучайганида сувга бағишланган ҳайитлар (*Ангом ҳайит*, *Вахшангом*) ўтказилган.


Кузда тун билан кун тенг бўлганида (йилнинг ярми ўтиб, иккинчи ярми бошланганда) ва деҳқонлар ҳосилни йиғиб олган пайтда — ҳосил байрами (*Меҳржон*, *Чири-руж*, *Нимсарда*)ни нишонлаш хоҳиши туғилган.

Қишда энг узоқ тун ва қисқа кун содир бўлганида ёки қиш чиқиш палласида одамларда исиниш эҳтиёжи кучайиб, улар *Сада* — Олов (гулханларда исиниш) байрамини ўтказишган. Де-

мак, йилнинг тўрт фаслидаги бу байрамларнинг барчаси табиий эҳтиёжлар асосида вужудга келган. Наврўз ва куз байрамлари (*Меҳржон*, *Нимсарда*) табиатдаги қувончли ўзгаришларни қутлашга асос берган бўлса, ёздаги *Ангом ҳайити* ва қишдаги — *Сада* табиатда вужудга келган ноқулайликни унинг ўзида мавжуд бўлган сув, олов орқали қулайлаштиришга интилишни билдирган.

Ёзнинг иссиқ фаслида сувга тушган, изғирин қишда оловда исинган одам роҳат қилиши табиийдир. Шу боис одамлар ўзларига ҳузур ва шодлик ато этган сув ва оловга чуқур эҳтиром билан қарашган. Сув ва оловни илоҳийлаштириб, уларга бағишланган байрамларни ўйлаб топишган.

Ўрта Осиё халқларининг қадимги календарь байрамлари (эрамизгача бўлган VI-I аср)



Ўрта Осиё халқларининг қадимги календарь байрамлари.

Умуман, исломгача бўлган даврда ҳам Ўрта Осиё халқларида коинот, табиат, йил фасллари билан бевосита боғлиқ муайян тизимдан иборат байрамлар бўлган. Уларнинг энг муҳимларини, жумладан, баҳорги *Наврўз*ни, ёзда нишонланадиган *Ангом ҳайит*ни, кузда ўтказиладиган *Меҳржон*, қишда уюштириладиган *Сада* кабиларни ҳозир ҳам йил фасллари бағишланган байрамлар сифатида мунтазам ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу байрамлар кишиларни она-табиатга янада яқинлаштиради, уларни табиат гўзаллигини тушуниш ва қадрлашга ўргатади.

IV б о б. ЎРТА АСР БАЙРАМЛАРИ

Ўрта асрлардан тарихий тараққиётнинг янги босқичи бошланди. Ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, маънавий-диний ҳаётда, жумладан, байрамларни ўтказишда ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Бу даврга келиб, халқнинг табиий-ҳаётий эҳтиёжи асосида пайдо бўлган қадимий байрамлар жиддий қаршиликларга уч-

раб, ҳаётда ўз мавқеини сақлаш учун курашди. Чунки айни пайтда Марказий Осиё халқлари ҳаётига ислом дини билан бирга, унга хос байрамлар ҳам кириб келди. Шунингдек, давлатчилик ривожини натижасида мамлакат ва унинг раҳбарлари ҳаёти билан боғлиқ маросим-байрамлар ўтказиш анъанаси кучайди.

ИСЛОМИЙ БАЙРАМЛАР

Ўрта аср байрамлари тарихида Ўрта Осиёга ислом дини билан кириб келган байрамлар алоҳида ўрин тутди. Чунки бу байрамлар ўрта асрлардан бошлаб, аجدодларимиз ҳаётига жуда кучли ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий таъсир кўрсатган.

Маълумки, исломда асосан иккита расмий диний байрам мавжуд бўлиб, улар катта байрам — **Қурбон ҳайити** (арабча номи — «ийд аль кабир», «ийд аль-адҳо») етти кун, ҳозир уч кун — ҳижрий зу-л-ҳижжа ойининг 10—13-кунларида ва кичик байрам — **Рўза ҳайити** (арабча номи «ийд ас-сағир», «ийд ал-фитр») ҳам уч кун — шаввал ойининг 1—3-кунларида нишонланган. Бу байрамларнинг асосий мазмуни эрталаб масжидларда номоз ўқиш, марҳумларни ёд этиб, дуои фотиҳа қилишдан иборатдир. Қурбон ҳайитида ҳаж амалларини адо этиш ва қурбонлик қилиш, рўза ҳайитида эса рамазон ойи ниҳоясида «оғиз очиш» маросими, фитр-садақа бериш каби амаллар бажарилган.

Исломда кейинроқ яна бир байрам — **Мавлуд** (мавлуд аннабий) — Муҳаммад пайғамбарнинг туғилган куни (роббиал — аввал ойининг 12-куни) нишонлана бошланган. Мавлуд куни дуолар ўқилиб, пайғамбар шаънига мадҳиялар айтилади, диний шеърлар ўқилади, диндорлар йиғинлари уюштирилади, садақалар берилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ислом дини байрамларига маҳаллий халқларнинг одатлари ҳам қўшилиб, уларни бойитган. Масалан, арафа куни қўшниларга ош улашиш, «ҳайитлик» бериш, янги, тоза либослар кийиш, қўни-қўшнилар, қариндошлар, қариялар, касал, но-

чорлардан хабар олиш, ўша кунларда дам олиш, сайил қилиш каби одатлар ислом байрамларининг таркибий қисмларига айланиб кетган.

Ўтган асрларда диний байрамларнинг қандай ўтганлиги ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш учун Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда Қурбон, Рамазон ҳайити байрамлари қандай ўтказилгани тўғрисида қисқача тўхталамиз.

Зулҳижжа ойининг 10-куни бошланадиган Қурбон ҳайити мусулмонларнинг катта байрами бўлиб, у 3 кун давом этади. Бу байрамнинг рўза ҳайитидан 70 кун ўтгандан кейин нишонланиши Муҳаммад пайғамбар томонидан белгиланган. Мазкур ҳайитда ҳам Рўза ҳайитидегидек мусулмонлар жомеъ масжидида қуёш чиққандан тахминан 15 минут ўтгач, 2 ракат номоз ўқиши керак.

Исломда «Қурбон» сўзи бирор жонлиқ сўйиб, уни Оллоҳнинг йўлига бағишлаш маъносини билдиради. Пайғамбаримиз Иброҳим алайҳиссалом Оллоҳнинг синови билан ўз ўғиллари Исмоилни худо йўлига қурбонлик қилишга киришган пайтида тангри таоло бир қўчқор юбориб, уни ўғли ўрнига қурбонлик қилишга буюрган.

Шу боис ҳажга борганлар ва бой-бадавлат мусулмонлар зиммасига Қурбон ҳайити кунлари жонлиқ сўйиб қурбонлик қилишлари лозимлиги белгиланган. Қурбонлик гўштидан таом тайёрлаган киши ўзи, оила аъзолари ва қариндош-уруғлари билан ейиши, сўнг уни қўшниларига ҳам бериши лозимдир» (Рўза ва ҳайит номозлари. — Т.: «Фан», 1991; А. Мансуров «Ҳайит қачон бошланган?», 12-бет).

Қурбон ҳайити куни эрталабдан мусулмон-

лар Бухоро чеккасидаги намозгоҳга шошилишган. Имом, муаззин ва бошқа дин арбоблари амир келгач, азон айтишган. Сўнгра намоз ўқиш бошланган. Намоз ўқиш учун биринчи сафга саид ва хўжалар туришган, амир эса улардан кейинги қатордан ўрин олган. Намоздан сўнг мусулмонларга амир инъом этган туя қурбонлик сифатида сўйилган. Амир, имом ва бошқаларга тўнлар кийдирилган. Бу маросимлардан сўнг мусулмонлар икки томони бозорга ўхшаш, савдо-сотик авж олиб кетган кўча бўйлаб уйларига йўл олганлар.

Ийди-Рамазон арафасида кишилар бир-бирларига мулойимлик билан муносабатда бўлишлари лозим бўлади. Эрта тонгданоқ ҳамма сидқидилдан шундай кунларга етказгани учун Оллоҳга шукроналар айтадилар. Ўз яқинлари, қариндош-уруғлари, беморлар ва қарияларни зиёрат қиладилар.

«Рамазон» ёз ойларига тўғри келганида кишилар куннинг иссиғи ва очликдан анча қийналишган. Чунки рўза тутганларга куёш чиқишидан (тахминан эрталаб соат 5—6 дан) то кун ботгунга қадар (тахминан кечки 9—10 ларда), яъни 14—15 соат овқат ейиш мутлақо ман қилинган. Рўза тутиш тартиблари бузилмаслиги, яъни оч юриладиган вақтнинг тезроқ ўтиши ва очлик кишини қийнамаслиги учун мусулмонлар кундузи ухлашган. Бозор, дўкон, чойхоналар кундузи берк бўлиб, кечга яқин ишга тушган. Ислом эътиқодича, рўза кишидаги сабр-тоқатни, меҳр-оқибатни, тақвони синовчи имтиҳондир. Бунда ҳар бир имонли одам ўзини-ўзи ёмон иллатлардан: ёлғон гапириш, бировнинг кўнглини ранжитиш, зулм қилишдан тияди.

Садриддин Айний ўз эсдаликларида баён қилганидек, Рамазон ойида дўконлар, саройлар, шунингдек, чойхона, ошхона ва сартарошхоналар ярим кечагача очик бўлган. «Расталар ва бозорларда, чойхоналарда ҳофизлар ашулаҳонлик қилар ва баъзи жойларда қиссахонлик бўларди. Мана шу ишларнинг жамини тунги бозор (бозори шаб) дейишарди. ...Баъзи кишилар, айниқса, тунги бозор ёпилганидан сўнг дўстлардан бирининг уйида тўпланишиб, базм ва ашулаҳонлик қилишар ёки бошқа ўйин билан кечани ўтказиб, тонг отар қилишар эди... Маҳаллалардаги масжидларнинг кўпчилигида «Қуръон хатми» бошланарди...»

«Рамазон» ойининг бошланганини одамлар осмонда янги ой пайдо бўлганидан билишган. Бироқ мусулмонларнинг ҳаммаси ҳам янги ойни кўришолмаган. Шу сабабли, икки нафар ёки ундан кўпроқ одам (бир умр ёлғон тўқимаган холис диндор мусулмонлар) қози олдига келиб, янги ойни кўрганлари ҳақида гувоҳлик беришлари керак. Агар қози уларнинг гувоҳлигини шариатга мувофиқ деб топса «Эртага рамазон» ёки «Эртага ҳайит» деб расман эълон

қилинади (Бу ҳақда қаранг: С. Айний. Асарлар. Т.: 1966. 7-том, 187-бет).

С. Айний бу байрамга турли нуқтаи назардан таъриф беради. У «Рамазон»нинг диний моҳияти ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Рамазон» диний анъаналар билан «муборак ой», тоат-ибодат қилиш ойна саналади. Бу анъаналарга мувофиқ, мусулмонлар рўза тутар, беш вақтлик муқаррар намоз устига, ҳар кеча таробеҳ намози ўқишар, аксар масжидларда эса таробеҳ намозидан ташқари, «Қуръон»ни бошидан охиригача ўқиб чиқиш билан тонг оттиришар, хонақоҳларда шайхлар ўз муридлари билан ойнанинг охириги ўн кунда «даҳанишинлик» ўтказишарди ва ҳоказо».

Тарихчи олим Омонулла Бўриев Ўрта Осиёда қадимдан мавжуд бўлган ажодлар руҳига сифиниш, уларни эслаш удуми рамазон ойида ислом ақидалари билан уйғунлашиб кетганлигини таъкидлайди. Жумладан, ёш болалар эзгу ниятлар билан рўза оқшомлари Тошкентда уйма-уй юриб қуйидаги сўзлар билан бошланадиган рамазон ашуласини айтганини маълум қилади:

*Рамазон айтиб келдик эшигингизга,
Кўчқордек ўғил берсин бешигингизга.*

Болаларга хонадон соҳиби пул, ширинликлар улашади. Умуман, рўза ойида мусулмонлар одатдагидан кўпроқ хайр-эҳсон қиладилар (О. Бўриев, Муродбахш кунлар. Т.: «Фан», 1992. — 14—15-бетлар).

Хулоса қилиб айтганда, ислом динидаги байрамлар хурсандчилик, тинч-тотувлик, меҳр-оқибат кўрсатиш, шукрона қилиш кунларидир. Бу улуғ кунларда қариндошлар, ёр-биродарлар бир-бирларини зиёрат қилишиб, табриклашиб, ҳол-аҳвол сўраши хайрли ишлардан саналади.

Ўрта асрларда араблар байрамларнинг диний мазмунига алоҳида эътибор бериб, байрамлар ўтказиладиган жойларга махсус масжидлар қуришган. Кейинчалик бу масжидлар Ўрта Осиё шаҳарларининг муҳим таркибий қисми бўлиб қолган. Улар Қурбон ҳайити, Рамазон (ийд-ал-фитр) байрамлари ва мусулмон удумлари ўтказиладиган марказ вазифасини бажарган. Бу масжидларнинг моҳияти бир хил бўлса-да, улар турли жойда турлича номланган: «Намозгоҳ» (намоз ўқиш жойи), «Мусаллаал-ийд» (байрам куни номоз ўқиш жойи), «Ийдгоҳ» (байрам ўтказиш жойи) ва ҳоказо. Байрамлардан асосий мақсад — халқни мусулмон дини асосида бирлаштириш бўлган. Байрам ўтказиладиган жойларда мажлис, намоз ва қурбонлик каби диний анжуманлар уюштирилган. Баъзан шоҳлар ва ҳукмдорлар ўз олижаноблигини кўрсатиш мақсадида бу жойларда халқ учун катта зиёфатлар ҳам беришган.

XI аср тарихчиси Байҳақийнинг маълумот беришича, Фазна шаҳри атрофидаги мусаллада намоз ва қурбонликлардан кейин Амир Масъуд зиёфат уюштирган. Зиёфатда қатнашганлар шарбат ва ўша давр газналиклар саройидаги удумга кўра май ичишган, мусиқа чалишган, кўшиқ айтишган, шеърлар ўқишган. Амир Масъуд одамларга ҳадялар берган.

Шаҳар чеккасида барпо этилган масжидларда асосан дин, давлат арбоблари, амалдорлар ва тақводор кишилар тўпланиб, байрам қилишган.

Барча ҳукмдорлар ўз давлатлари пойтахтига машҳур олиму санъаткорларни тўплашга, маросим, байрамларни тартибли ва кўнгилли ўтказиш мақсадида махсус сайилгоҳ, томошагоҳ, кўшк, боғлар қуришга ҳаракат қилишган. Ўша даврда Термиз шаҳрида ҳам кўплаб ажойиб санъаткорлар тўпланган экан. Байҳақий

ОММАВИЙ ХАЛҚ БАЙРАМЛАРИ

Илк ўрта асрларда вужудга келган янги сиёсий-диний муҳит қадимий маҳаллий байрамлар тараққиётига ўз таъсирини кўрсатган. Исломни тарғиб қилувчи дин арбоблари мажусийлик, зардуштийлик, буддавийлик билан боғлиқ байрамлар, томошалар, маросимларга қарши кураш олиб боришган. Чунки қадимий байрамларда зардуштийлик ғоялари тарғиб қилиниб, уларда Ахурамазда, Митра, Анахита, Мирх каби тимсоллар улуғланган, муқаддас олов атрофида рақс тушилиб, томошалар кўрсатилган, зиёфатлар уюштирилган, май ичилган, кайфу сафо қилинган. Бу эса ислом динида рад этилган. Шу боисдан зардуштий динига эътиқод қилувчи кўплаб санъаткорлар бошқа жойларга жумладан, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатларга кетиб қолишган. Мовароуннаҳрда қолган зардуштийларнинг бир қисми тоғлар ёки саҳролардан паноҳ топишган¹.

Маҳаллий аҳолининг табиат билан бевосита боғлиқ байрамларга эҳтиёжи кучли бўлганлиги боис *Наврўз*, *Сада*, *Меҳржон* каби байрамлар сақланиб қолган.

¹ Профессор М. Қодиров таъкидлашича, Самарқанд атрофида Дарх деган қишлоқ бўлиб, унда нуқул созанда, хонанда ва масхарабозлар яшар экан. Улар ҳосилни йиғиб-териб олгач, шаҳарларга тушиб, байрамлар ва тўйларда хизмат қилиб қайтарканлар. Сурхондарёнинг Денов, Бойсун туманларида. Кеш шаҳри тепасидаги Ҳисор тоғларида ҳам санъаткорлар истиқомат қилган манзиллар учрайди. Гурганж, Қиёт ва Хоразмнинг бошқа шаҳарларидаги истеъдодли ижрочилар чўл ичига кириб кетиб, ўша жойларда ўрнашиб қолганлар. Мана шу қочқин санъаткорлар туфайли қадимий ижрочилик анъаналари қисман бўлсада, сақланиб қолган ва Мовароуннаҳр ҳудудларида бир даража осойишталик ва барқарорлик ўрнатилгач, айниқса, мустақил давлатлар вужудга келгандан сўнг, аста-секин тиклана бошлади (Мозийдан таралган зиё (Имом ал Бухорий). «Шарқ», Т.: 1998, 150-бет).

Амир Масъуднинг бир неча қайиқларга тушиб, карнай-сурнайлар садоси остида, ўйинкулги билан Термиз кўрғонига келгани ҳақида бундай ёзади: «Овқатлана бошладилар, қалаҳлар айланди, кемаларда мутрибларнинг ашулалари янгради, қирғоқда эса термизлик мутриблар, раққослар ва ноғорачилар — 300 дан ортиқ киши ишга киришди: чолғулар чалинди, рақсга тушилди. Мен Термизда кўрганларимни бошқа жойда кўрмаганман. Созу наво, ўйинкулги шу даражага етдики, бунақасини илгари ҳеч ким билмас эди». Бу қадар тантанали қабул маросимидан яйраб кетган Амир Масъуд термизликларга, шу жумладан, мутриблар ва раққосаларга 155 минг дирҳамни тарқатди (Кўчирма олинди: Мозийдан таралган зиё. Т.: Шарқ», 1998. — 156, 233—234-бетлар).

Ислом арбоблари «Наврўз» байрамини тақиқлашга кўп уринишган. Бу байрам кишиларнинг озодликка интилишини кучайтириши, уларни бирлаштириши мумкин, деб хавотир олишган. Шунинг учун «Наврўз» истилочилари саройларида, амалдорлар ва дин раҳнамолари давраларида расмий байрам сифатида нишонланмаган. Лекин бу тазйиққа қарамай «Наврўз» халқ орасида байрам қилинаверган. Шу боисдан айрим шоҳлар ва амирлар кейинги асрларда ўзини халқпарвар кўрсатиш мақсадида «Наврўз»ни байрам сифатида нишонлашга мажбур бўлишган.

Ўрта асрларда «Наврўз»нинг фалсафий-бадиий мазмуни янада кенгайган. Бу байрам ҳақида ўша даврнинг деярли барча алломалари ўз асарларида ижобий мулоҳаза билдиришган. Ўрта асрларда «Наврўз»нинг халқ турмуши ва маънавий ҳаётидаги мавқеи, фазилати ва хосияти ҳақида қомусий билим эгалари Абу Райҳон Беруний, Фирдавсий, Маҳмуд Қошғарий, Умар Хайём, Алишер Навоий ўз асарларида ёзишган.

Беруний «Наврўз — оламнинг бошланиши» деса, Фирдавсий «Наврўз» — байрамлар шоҳи» дейди. Навоий одамларга истак билдириб: «Ҳар тунинг кадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз» дейди. Қадимда яратилган ёзма манбалар, жумладан, Ат-Табарийнинг «Таърих», ал-Масъудийнинг «Муруж аз-заҳаб», Ҳаким Термизийнинг «Солнома», Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Абу Райҳон Берунийнинг «ал-Осор албоқия» ва «Геодезия», Абул Қосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Умар Хайёмнинг «Наврўзнома», Абул Фазл Байҳақийнинг «Тарихи Масъудий» асарларида Наврўз уйғониш, юксалиш, гўзаллик байрами сифатида улуғланган. Ўрта Осиёда ўтказилган «Наврўз»га ажнабий сайёҳлар ҳам қойил қолганлиги тарихий манбаларда қайд қилинган.

Абу Райҳон Берунийнинг «Осор ул-боқия» асарида Наврӯз байрами маросимлари сўғдийлар, хоразмийлар ва Бухоро аҳли орасида қай тарзда нишонланиши ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Мазкур китобда хоразмшоҳларнинг Наврӯзга бўлган таважжуҳи хусусида сўз юритилиб, ушбу нақл келтирилган: Бухоро зиндонидан озод бўлган Абу-саъид Аҳмад бин Муҳаммад бин Мансур Хоразмга қайтиб келгач, кабисанинг ҳисобга олинмаётганини мушоҳада этди. У мунажжимларни тўплаб, тақвимни ислоҳ қилишларини буюрди». Бу жашн «фарвардингон жашни» номи билан ҳам машҳур бўлиб, фарвардин кунига ишоради (Фарвардин ойининг ўн олтинчи куни). Кун номи ой номи билан тўғри келган кун хоразмшоҳлар томонидан алоҳида тарзда нишонланиб, «Наврӯзи хоразмшоҳий» деб аталган.

Жоҳиз номи билан маъруф бўлган Абу Усмон Басрий ва Абу Райҳон Беруний сомонийлар давридаги Наврӯз тўғрисида муфассал маълумот бериб ўтганлар. Улар берган маълумотларга қараганда, бутун фарвардин ойи байрам қилинарди. Улар бу ойни олти беш кунликка бўлиб, ҳар бир беш кунликни махсус ижтимоий табақага тахассус берадилар. Шунингдек, бу айёмда шоҳ хузурида махсус мусиқа асбобларидан хоҳ халқ чолғу асбоблари бўлсин ва ё хоҳ сарой мусиқашунослари яратган мусиқа асбоблари, дилрабо куй-қўшиқлар, савту наволар янграрди.

Хайём Нишобурий «Наврӯзнома» номли асарида наврӯзий маросимларни қуйидагича тавсифлаб берган: «Кайхусрав замонидан бошлаб сосонийлар сулоласининг сўнгги ҳукмдори Яздигурди шаҳриёр давригача Наврӯз айёмининг биринчи куни мўбади мўбадон (зардуштийлар руҳонийси) қўлида заррин жом тутиб... ва узугу дираму динори хусравоний билан ва бир тутам тоза кўкатлар билан ва шамширу тийру камон билан ва давоту қалам, битта оту битта бургут ва битта хушсурат ғулом билан шоҳ хузурига кирарди ва шоҳни ниёишу ситоиш этарди. Маросим сўнгида эса давлат арбоблари бирин-кетин шоҳ хузурига кириб, уни табрик-лаб кетишарди».

Сосонийлар даврида тахтга ўтириш ва тож кийгишиш маросимлари ва бошқа ҳар хил тантанали маросимларни Наврӯз айёми ёинки Меҳргон жашнида ўтказиш анъана тусига кирган эди. Шоҳнинг фуқаро арзу додини эшитиши ва адлу адолат билан ҳукмлар чиқариши, хайру эҳсон сандиқларининг ва хайру саховат қилгувчилар рўйхатининг тузилиши, халққа хайру эҳсон берилиши ва шунга ўхшаш ажойиб расму русумларнинг бажарилиши бу қутлуғ айёмдан қолган муҳим амаллар мажмуи сифатида кейинчалик ҳам, яъни исломдан сўнг

ҳам янгироқ бир тарзда давом эттирилди ва бу нарсалар ҳанузгача Шарқ халқлари орасида сақланиб қолган.

«Наврӯз» IX—X асрларда ҳам Мовароуннаҳрнинг кўпгина жойларида ўз нуфузини тўла сақлаб қолган. Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида «Наврӯз» мамлакатнинг асосий байрамларидан бири сифатида нишонланган. Хоразм шоҳи Абул Аббос Маъмун даврида ҳам Наврӯз катта тантана билан ўтказилган. Бу байрам кунинда юртга ош тортилиб вазиралар, лашкарбошилар, хизматкорлар, санъаткорлар, шоирларга совғалар улашилган. Санъат усталари, шоирлар, масхарабоз-қизиқчилар, дорбозлар ўз маҳоратини намойиш этишган.

Наршахийнинг қайд этишича, Варахша шаҳрида йил давомида ҳар 15 кунда бир бозор, йилнинг охирида сурункасига 20 кун бозор бўлган, 21-кунда эса Наврӯз байрами нишонланган. Байрам «Наврӯзи кишоварзон», яъни деҳқонлар байрами деб ҳам юритилган. «Бухоро деҳқонлари (йил кунлари) ҳисобини ўша кундан бошлайдилар ва бунга эътибор берадилар. Оташпарастларнинг Наврӯзи ундан 5 кун кейин келади», — деб ёзди Наршахий (Наршахий. Бухоро тарихи. — Т.: 1966, 24-бет). Демак, Наврӯзни ҳам ислом динига эътиқод қилувчилар оташпарастлар ҳам олдинма-кейин бўлса-да, байрам қилишган.

Абул Фазл Байҳақийнинг ёзишича, Наврӯз Сабуктегин, Маҳмуд ва Масъуд Ғазнавийлар ҳукмронлиги даврида Хуросон, Мовароуннаҳр, Хоразм ва Фарғона водийсида давлат байрами сифатида кенг нишонланган. Айниқса, Ғазна, Гурганж ва Бухоро шаҳарларида Наврӯз байрами жуда катта тантана билан ўтказилган. Ғазнада ўтказиладиган байрам тантаналарига Ироқ, Жанубий Туркистон ва Мовароуннаҳрдан ҳам шоирлар, хонанда ва созандалар, рақс ва кулги усталари ташриф буюришган. Томошалар ва сайиллар Кўшки Маҳмуд, Кўшки Сафед, Кўшки Давлагда, Шабехар яйловида ўтказилган. Ситти Заррин деган хонанда ва раққоса, Андалиб деган созанда, Бўки деган масхарабоз Наврӯз байрамларида томошабинларнинг олқишига сазовор бўлишган (Абу-л-Фазл Бейҳақи. История Масуда (1030—1041). Т.: 1962. с. 235, 365).

Хоразмда Наврӯз *Навсаржи* деб юритилган. Хоразмшоҳ Абул Аббос Маъмун даврида у катта байрам қилиниб, «Лазги», «Ашшадароз» каби ўйин ва маросимлар кўрсатилган. Бу байрамда кишилар ерларга сув сепишган, бир-бирларини совғалар билан сийлашган, асал ва ҳолва ейишган, ўйин-кулги, хурсандчилик қилишган (Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т.: 1968. 1 том. 253—254-бетлар).

Бухорода ҳам Наврӯз анъанавий ўйинлар ва

катта томошалар намоёиш этиш билан ўтказилган. Бидун Бухорхудот, унинг ўғли Тагшода ҳукмронлиги даврида Наврўз байрамида Сиёвушга бағишланган театрлашган маросимлар, томошалар намоёиш этилган.

Наврўз билан боғлиқ бўлган жуда кўп урф-одат ва анъаналар ҳамда ўйинлар мавжуд. Алишер Навоий ўзининг «Маҳбуб ул-қулуб» асаридан Наврўз кунлари ўйналадиган «Оқ сўнгах» номли ўйин ҳақида ёзади. Унда болалар ўзларига бошлиқ сайлайдилар. Бошлиқ қўлидаги сўнгахни узоққа иргитади. Болалар унга қараб югурадилар. Кимки, шу сўнгахни қўлга олиб, ҳеч кимга бермай бошлиққа келтириб топширса, мукофот олади.

Турк хотинларининг иши кечалари (яъни, сумалак ва ҳалим қозонлари атрофида) рақс тушиш ва болаларнинг оқ сўнгах ўйнашидан иборат бўлган.

Наврўзни Ўрта Осиё халқлари қадим-қадимдан эъзозлашган. Наврўзга катта тайёргарлик кўрилган. Тозаликка, ободонлаштиришга беқийс эътибор билан қараганлар.

Юнон тарихчиларининг ёзишича, қадимги юнонларда ҳам ҳамал ойида сайил бўлиб ўтар экан. Ана шундай сайилларда уйланмаган йиғитлар ўзларига қиз танлар ва тўй маросимлари фақат ҳамал ойида бўлиб ўтар экан. Юзларига парда тортилган юнон қизлари икки қатор бўлиб, сайилгоҳда узундан-узоқ масофага тизилиб ўз ҳуснини кўз-кўз этиб туришаркан. Ўзига жуфти ҳалол ёр танлашга чиққан қизлар орасидан юриб, қайси бир қизнинг қаршисига келиб тўхтаसा, шу қиз юзидаги пардасини очиб ўз жамолини намоёиш этар экан...

Навоийнинг замондошлари ҳам Наврўз ҳақида қимматли маълумотлар қолдиришган. Юсуф Амирий ўзининг «Даҳнома» асаридан Наврўздек муборак кунда минг хил оҳанг соҳиби бўлмиш булбулни ушбу мажлисга тортиш лозимлигини таъкидлайди. Зеро, булбул иштирок этмаса бу улуг тантана ўтмаслигига ишора қилади:

*Бориб булбулни қилгин мажлис афрўз,
Дегин, оҳанг тўзким бўлди Наврўз.*

XV аср бошларида яшаб ижод этган шоир Саид Аҳмад ўзининг «Ошиқлар мактуби» номли асаридан Наврўз кунлари кўнгилни барча ғам-аламлардан фориг этадиган дилпазир кун эканлигини, бундай кунда кўнгилни шод этувчи майни, умр жомини бод-бод сипқармоқ лозимлигини таъкидлайди:

*Кел, эй соқий, кетур жоми дилафрўз,
Ки ишрат чоғидур ҳам фасли Наврўз.*

*(«Ўзбекистон овози» газетаси, 1999 йил,
20 март).*

Ўрта асрларда *Меҳргон (Меҳржон)* ҳам муҳим байрамлардан бири сифатида нишонланиб келинган. Баъзи мамлакатларда Меҳргон давлатнинг расмий байрами сифатида ўтказилган. Шу мақсадда давлат ҳазинасидан маблағ ажратилган, совғалар тарқатилган, юртга ош берилган, сайиллар, мусобақалар, томошалар уюштирилган. Байҳақийнинг баён қилишича, Амир Масъуд, айниқса, Меҳргон байрамини хуш кўрган. Чунончи 1031 йил 20 сентябрда Фазнада ўтган Меҳргон байрамида Ироқ ва Туркистондан келган жуда кўп ҳукмдорлар ва аслзода элчилар қатнашган. «Шоирлар келишди ва шеър ўқий бошлашди, — деб ёзади Байҳақий, — улардан кейин мутрибларнинг куйлари ва овозлари янгради, даврада қадаҳлар айланди... Ўйин-кулги авж олди, гўё қайғу-ташвиш бу маконни тарк этди (юқоридаги асар. 261—262-бетлар)». Амир Масъуд ўша кунги байрам тантаналари чоғида мутриблар, ўйинчилар ва масхарабозларга 30 минг дирҳам улашган. 1036 йил 18 сентябрда Меҳргон байрами Фазнада ҳам энг мўътабар надимлар ва мутриблар иштирокида ўтган. 1037 йилда эса Меҳргон билан ийд ал-адҳа (Қурбон ҳайити) бир вақтга тўғри келгани учун кетма-кет байрам қилинган. Байрам тантаналарида машҳур шоирлар, созандалар, хонандалар, рақс ва кулги усталари қатнашиб, ўз санъатларини намоёиш этишган. Байҳақийнинг ёзишича, «шу кун саройдаги пиёда ва отлиқ аскарлар кўриги, сон-саноксиз анжом ва тақинчоқлар намоёиши ўтказилган. Чунки байрам тантаналарига Арслонхон, Буграхон, Лашкархоннинг ва Сакмон ҳукмдорининг элчилари ташриф буюришган эди» (Ўша жойда, 444, 445, 469-бетлар. Кўчирма олинди: Мозийдан таралган зиё (Имом ал-Бухорий). Т.: «Шарқ». 1998, 152—154-бетлар).

Меҳржон байрами томошаларга бой бўлиб, у шоир, созанда, кўшиқчи, қизиқчи, масхарабоз ва бошқаларнинг мусобақаларини ўзида мужассамлаштирган. Тарихчи Байҳақийнинг таъкидлашича, Меҳржон байрами Маҳмуд Фазнавий ва унинг ўғли Масъуд даврида, айниқса, катта тантана билан ўтказилган. Байҳақий ҳижрий ҳисобда 430 йил зулҳижжа ойининг 7-куни (мелодий 1039 йил, 30-август)га тўғри келган. Меҳржон байрами тантаналарига тўхталиб, «Шаробга муккасидан кетган Масъуд Фазнавий байрамларда шоирларга нисбатан масхарабозларни кўпроқ сийлагани, байрам тантаналарида шоирлар ўзларининг шеърларини ўқиб, масхарабозлар ўз санъатларини намоёиш қилишганини, қабул тугагач, Масъуд узоқдан келган шоирларни 20 минг дирҳам билан, Маҳмуд Фазнавий ўзининг энг яхши кўрган шоири Алавий Зинатни 50 минг дирҳам билан, шоир Унсурини 10 минг дирҳам

билан, созандалар ва масхарабозларни 30 минг динор билан мукофотлаганини ёзади.

Меҳржон қадимги деҳқончилик култы билан боғлиқ байрамдир. Мусулмон руҳонийлари бу байрамнинг зардуштийликка дахлдор удумлари ўтказилишига қаршилиқ кўрсатишган. Шу боисдан бўлса керак, Меҳржон байрамини нишонлаш аста-секин сусайиб, сўнгра бутунлай тўхтаган (Ф. Соатов. Халқ байрамларининг этно-фольклор хусусиятлари. — Н.: 1992, 50—51-бетлар).

Ўрта асрларда ўтказилган Сада байрами шоирлар ижодида, хусусан, уларнинг қасидалари учун асосий мавзулардан бири бўлиб келган. Кўпгина қасидаларда «Амир Сада байрами — буюк эрлар маросими эканлиги, у Каюмарс ва Исфандиёр томонидан расмийлаштирилгани» ҳақида ёзилган.

Ҳазнавийлар даври шоирлари фасллар байрамларини кўкларга кўтариб тасвирлашга интилади. 30 дан ортиқ шоирларнинг ижодида *Наврўз*, *Меҳржон*, *Сада* сингари фасллар байрамини шарафлаш алоҳида ўрин тутади. Масалан, самарқандлик шоир Абу Саид Аҳмад Маншурий Сада хусусида шундай деб ёзади:

Нечун Меҳржон бўлмаса-да, атроф сариқ рангга кирди?

Сабаби Нур тоғ сингари юксалди.

Нечун шоҳ кутилмаганда бир қадаҳ май сўрди?

Сабаби, кутилмаганда уни Сада байрами учратди.

Маҳмуд Ҳазнавий саройининг «шоирлар пешвоси» Унсурийнинг қасидасида ҳам Сада шоҳлар байрами саналиши, у шоҳ Фаридун ва Жамшиддан қолган хотира эканлиги, бу кунда Тур тоғи тепасида илоҳий нурнинг пайдо бўлиб, кеча кундузга айланганлиги, барча ерда машъалалар, шамлар ва гулханлар ёниб, лолалар мисол жилваланганлиги баён этилади:

Сада машҳур шоҳлар байрамидир,

У Фаридун ва Жамшиддан қолган ёдгорликдир!

Бу кеча замин уйлаки, Тур тоғидир,

Унда илоҳий нур жилваланиб туради.

XI асрда яшаган шоир Фаррухий ўз девонида Сада байрами ҳақида мушоҳада юритар экан: «Агар оламдаги мавжуд нарсалар тартиби бутунлай ўзгармас экан, унда нега қоп-қоронғу кеча ёп-ёруғ кунга айланади?» — деб ёзади.

Наршахий ҳам сомонийлар даврида Бухорода Сада байрами жуда кўтаринки руҳда ўтказилганлигини таъкидлайди. Ҳатто байрам тантаналарида ёқилган оловдан сарой ҳам бир неча марта ёниб кетганлигини маълум қилади.

Абусаид Маҳмуд Гардезийнинг «Зайн ул-ахбор» асаридан (XI аср) маълум бўлишича, Сада байрами баланд, хушманзара жойларда нишонланган. Оловни ёқиш учун ўтин орасига нефтга тўлиқ найлар қўйилган. Базмгоҳ-

да шоҳ ва вазирларга тахтлар ўрнатилиб, кимхоб кўрпалар тўшалган, ноз-неъмат дастурхонлари устида ангубин, гулоб ва олтин жомларда шароблар қўйилган.

Базмгоҳ чеккасига байрамнинг асосий унсурларидан ҳисобланган сада дарахти ўрнатилиб, ранг-баранг қоғозлар ва лойдан ясалган ўйинчоқлар билан безатилган ушбу дарахт атрофида карнай-сурнай, ногора, доира садолари остида рақсга тушганлар.

Байрам шодиёнларининг яна бир ажойиб манзараси эътиборни тортади. Сада байрамида бургут, зоғ ва кабутар каби қушларни тутиб, оёқларига узун иплар билан ичига нефт шимдирилган пахта тиқилган ёнғоқларни боғлаб қўйишган. Ҳамма базмда ҳозир бўлгач, шоҳ ижозати билан шу ёнғоқларга ўт қўйилиб, қушлар учуриб юборилган. Бу ҳолни мушакбозлик (тарофбози) деб номлаганлар (Мозийдан садо. № 1 (9). 2001. — 3-бет).

Ҳазнавийлар давридан сўнг Сада байрамини ўтказиш тақиқлана бошланган. Маданиятшунос олим Ф. Соатов бунинг сабабини қуйидагича шарҳлайди: «Ислом дин сифатида шаклланаётган даврда Арабистон ярим ороли ва унинг атрофидаги кўпгина мамлакатларда турли динлар: христианлик, иудаизм, собийлик, зардуштийлик, мушриқийлик ва бошқа динларга эътиқод қилинар эди. Ислом шаклланиб, араблар истилоси бошлангач, маҳаллий халқ эътиқод қилган барча динлар, шу жумладан, уларнинг маросимлари ҳамда урф-одатларига ҳам қарши кураш бошланди». Демак, зардуштийликнинг асосий байрамларидан бири — Саданинг ҳам нишонланишига қаршилиқ бўлиши табиий эди (Ф. Соатов. Халқ байрамларининг этно-фольклор хусусиятлари. — Н.: 1992, 47—48-бетлар).

Албатта, Ўрта Осиёга ислом дини кириб келиши билан Сада байрамини нишонлаш бирданига тўхтаб қолган эмас. Бу пайтга келиб, Сада байрамини мамлакат миқёсида расман нишонлашга барҳам берилган. Бироқ Сада байрами оила доирасида турли урф-одатлар ва маросимларда сақланиб қолган.

Рус сайёҳи Н. В. Хаников ўтган аср ўрталарида ҳам Ўрта Осиёда, жумладан ислом маросимларига қатъий амал қилинадиган Бухорода оловга сиғиниш маросимлари мавжуд бўлганлиги тўғрисида ёзади: «Мусулмон руҳонийлари томонидан куфр деб аталувчи, ҳар баҳорда байрам қилинадиган суннийлар чоршанбаси маросими мавжуддир. Қуёш богандан сўнг одамлар гулхан ёқишиб, унинг устидан ҳатлашади. Касалларни ҳам гулхан атрофидан уч марта айлантиришиб, сўнгра ўт устидан ҳатлашга мажбур қилишади. Бадавлат оилаларда чақалоқ туғилгач, 40 кунлик чилла даврида унинг бешиги ёнига ёвуз руҳлар-

ни яқинлаштирмаслик мақсадида шам ёқиб қўйишади». Бундай маросимларда шам ёқиб қўйиш, олов устидан сакраб ўтиш, йўргакланган чақалоқни гулхан устидан у ёқ-бу ёққа отиб олиш, олов атрофида келини айланттириш, олов ёнида базм уюштириш, чавандозларнинг катта гулхан алангасидан сакраб ўтишлари ва ҳоказолар ҳозирги пайтгача сақланиб қолган (Ғ. Соатов. Халқ байрамларининг этно-фольклор хусусиятлари. — Н.: 1992, 50—51-бетлар).

Мўғуллар истилоси даврида шаҳар-қишлоқ-

лар вайрон қилиниши, ҳунармандчилик, деҳқончилик, маҳаллий маданият ривожланишдан тўхтаб қолиши натижасида халқ байрамлари ҳам инқирозга учрайди. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида кенг тарқалган анжуманлардан бири «Қурултой» бўлган. Бу йигин — байрам чоғида кишилар махсус жойга тўпланишиб, долзарб масалалар тўғрисида кенгаши қилишган. Кенгашда мол-қўйлар сўйилиб, зиёфатлар берилган, от ўйинлар ўтказилиб, улоқ, отда олишиш каби мусобақалар уюштирилган.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ БАЙРАМЛАРИ

Ўрта асрларда давлатчилик ривож топиши натижасида мамлакат ижтимоий-сиёсий воқеалари, давлат раҳбари (подшоҳ, шоҳ, хон, амир) ҳаётига боғлиқ байрам ва маросимлар кенг нишонлана бошлаган. Подшоҳнинг тахтга ўтириши, босқинчилардан ватаннинг озод қилиниши ёки бошқа ҳудуднинг босиб олинishi, шаҳзодаларнинг дунёга келиши, уларнинг суннати ва уйланиши каби воқеалар кенг тантана қилинган. Бундай шодиёналар хоразмшоҳлар (XI—XIII асрлар), темурийлар (XIV—XVI асрлар), шайбонийлар (XVI аср) ва Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари (XVIII—XIX асрлар) даврида катта тантана билан ўтказилган. Бундай тантаналар кенг халқ оммаси учун ҳам уюштирилиб, уларда давлат раҳбарлари ўзларининг олижаноблиги, саҳийлиги ва халқларварлигини кўрсатиш баробарида ўзларининг куч-қудрати, бойлигини тарғиб қилган.

Темурийлар даврида иқтисодий ҳаёт, фан (астрономия, математика, мантиқ, фалсафа, тарих ва фикшунослик, илми аруз), адабиёт, санъат, меъморчилик, миниатюра, хаттотлик равнақ топиб, анъана, маросим ва байрамлар янада кўпайди.

«Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хуросондаги элатлар, уруғлар, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, ўтроқ ва кўчманчиларни бирдам қилиш, марказлашган давлатни мустақамлашга қаратилган ҳар қандай ижтимоий ҳаракат, санъат, маросим, урф-одатни қўллаб-қувватлаган. Халқ руҳини кўтарувчи байрамлар, сайиллар, тўй ва тантаналарга ҳам етарли эътибор берган» (Б. Шодиев. Наврўзи олам. 1998. № 6, 12-бет).

Али Яздий «Зафарнома» асарида Амир Темур ҳаётидаги кўплаб тўйлар ҳақида маълумотлар беради. Бу тўйларни 3 га бўлиш мумкин:

1. Темур ҳаёти билан боғлиқ тўйлар.
2. Темур фарзандлари ва неваралари ҳаёти билан боғлиқ маросимлар.
3. Давлат ва дин ишлари билан боғлиқ байрамлар.

«Зафарнома»да Темур ҳаёти билан боғлиқ тўйлардан бири — унинг Дилшод оғо билан зифоф (никоҳ тўйи) ҳақида қуйидагилар баён этилади: «Ҳазрат Аллоҳ файзи мундоғ воқиф бўлуб турурким, тўрт хотун олинлар, соҳибқирони жувонбахтга ул саҳройи дилкушога майл бўлдимки, Дилшод оғони олғай, тўй асбобиға ҳукм қилди. Байт:

*Буюрди ўшул ерда ул шаҳриёр,
Ки қилгайлар асбоби тўй ошкор*

Ҳазрат давлатидин хоссу омм — барча шодком ва айшу ишрат била машғул бўлдилар. Ва ишрат асбобидин наким хаёлда кечар эрди, барчаси муҳайё ва тайёр эрди.

Ва ҳар сориким, кўрар эрдинг бир гули тоза баҳордек, эликида олтун пиёла тўла шароби арғувонидин олиб тутар эди. Ва ҳар тарафким, қулоқ солур эрдинг, бир тарафи ўлтуриб, суруд садосин олам ичра солиб, йахши уни билан айтур ашула. Байт:

*Ки соҳибқирон шод бўлсун мудом
Мамолики хушу давлати мустадом».*

(Шарофуддин Али Яздий. Зафарнома. — Т.: «Шарқ», 1997, 78-бет).

* * *

«Зафарнома»да Соҳибқироннинг Жета (Мўғилистон) хони Хизр Хожaxonнинг қизига уйланиши ва шаҳзода Искандарга Бекиси Султонни олиб берганида уч ойлик тўй бўлгани ҳақида қуйидагилар ёзилган: «Ва ҳазрати олий тўй тартибига ишорат (қилди). Шаҳзода-

лар ва беклар барча йароғларини шаҳардан чақириб, хайма ва хиргоҳ ва саропардалар тикти. Чодирлар ва оқ уйлар барча зарбофт қумошлардин эрди. Бас, шодмонлик дастурхонини тортиб, комронлик ширасини торттилар. Уд ва анбар куйдуриб, димоғлари муаттар бўлар эрди.

Ва лаълдек бодлар ва олтун, кумуш сароҳийлар териб, муғаннийлар нағмалар татиб, со-зандалар соз чалиб, «Хушбод ва нушод!» уни фалак узра чиқти. Комкор шаҳзодалар билан номдор салотинлар ва олиймиқдор бузруклар, акобиру ашрофким, ҳар соридин келиб эди-лар, ҳар киши ўз ерига ўлтирди. Ва йасовуллар эгар, югани олтун отларга миниб, эликларига олтуиндин гурзилар олиб, йасавуллуқ қилур эр-

дилар. Ва соҳибқироннинг ҳарамлариким, ҳар бири бир Билкиси замон эрди, бошларига му-рассал тагтоқлар ва олтун била тиккон тўнлар кийиб, хуршиддек тахтлари устида ўлтирур эр-дилар. Ва ойдек қизлари ва хизматкорлар хиз-матда туриб эрдилар. Ва жонпарвар сувчилар ва хонадонлар барча ишларига машғул бўлдилар. Бу тариқ била уч ойгача айшу ишрат қилди...» (Ўша асар. — 189—190-бет).

* * *

Амир Темур шаҳзодаларга келин танлаш ва уларни катта тўй қилиб уйлантиришга алоҳида эътибор берган: «Бу тўйдин ғараз бу эрдиким, шаҳзодаларни кадхудо қилган. Соҳибқироннинг муборак хотиридан кечдиким, амирзода Улуғбек ва амирзода Иброҳим Султон ва амирзода Ижал ибн шаҳзода Мироншоҳ ва шаҳзода Умаршайх фарзандларидин амирзода Аҳмад ва Саид Аҳмад ва Бойқаро ҳар бирига бир қиз бергайлар. Муқаррар бўлгондин сўнг садоту қазот ва уломо жамъ бўлуб, Шайх Шамсиддин Муҳаммад Жазарий хутба ўқиб, никоҳ қилди. Ва қозийўл қуззоти Самарқанд Мавлоно Жа-лолиддин ижобу қабул амрига қийом қилди ва шаҳзодаларни ҳанафий мазҳабида иқд боғла-дилар. Ва олам эли тилларини муборакбодқа очтилар. Байт:

*Дирам анча сочтилар анда аён,
Ки бўлди ҳаво абри гавҳарфишон.*

Соҳибқирон давлатидин барча фақиру мис-кин ганий бўлди ва ҳазрат давлатул саодат билан тахт устида чиқиб, мажлисни оросатда қилдилар. Ва хонимлар ва оғалар (ва келинла-ри) барча ўзларини йасаб, юз ҳашамат ва ноз била ўлтирдилар. Шаҳзодалар ва беклар ҳар бири ўз ерида ўлтирур. Ва элчиларким, егги иқлимнинг (тўрт тарафидин) келиб эрдилар, 12 пояннинг кўланкасида ўлтурдилар...

Бода ва қимиз ва бол ва мусаллас ва арақ ва (шарбаи муадда) барча тайёр қилиб эрдилар.

* * *

«Зафарнома»да Шаҳзода Жаҳонгир Хонзода хоним билан зифоф (тантанали никоҳ тўйи) ҳақида қуйидагилар баён этилади: «Беклар тўй тартибига машғул бўлуб, анча чодир ва шо-мийона ва оқ уй тикдиларким, фалакнинг юл-дузларидин кўбрак. Ва хосса учун бир оқ уй кўк киби тикдиларким, ичида таши лаълу жавҳар билан мурассаъ эрди.

Моҳ юзлуқ соқийларнинг карашмалари ач-чиқ жоғирнинг нашъаси билан бир бўлуб, ошиқ-ларнинг ақлу хушларини талаб элтур эрдилар. Ва мутрибларнинг нағмалари наво оҳанги би-лан ошиқларни беҳуш эгар эрдилар. Уламои фу-

Шаҳзодалар навбат билан аёғ тутиб ича бош-ладилар. Таомдин турлук-турлук ошлар торти-ларким, тил анинг шарҳида ожиз турур. Эл-ким, ташқарида эрдилар, алар учун ширалар ва таомлар муҳайё қилдилар. Ва «Хушбод нуш-бод!» уни олам ичида тушти. Йахши унлуқ му-ғаннийлар ун тортиб, ғазал нақш айтур эрди-лар. Ва турку, муғулу, хитойу, арабу, ажамдин ҳар ким ўз расми билан нима айтур эрди.

Ул жумладин Хожо Абдулқодирким, бе-назири олам эрди, кубуз ва йатуғон ва удни шодлиқ мизроби била чала бошлади. Ул суҳ-батда ҳар шоҳ ва шаҳзодага ва бекларга тўнлар кийдурдилар. Ва тожи мурассаъ ва ол-тун камар бердилар. Ва ҳар замон анча ол-тун танга ва кумуш тангадин анча сочар эрдилар, хазон мавсимида йағочдин йағроқ тўкулгандек.

Шаҳзодаларким, дамод эрдилар, ҳар бири ўз манзилига юруб, маъшукунг висолига му-шарраф бўлдилар (Ул суруру ҳузур охиринда фармон бўлдиким, «Ҳар киши ўлтурғон ерида истагон нимани ўзи бирла олсун ва анга мо-ниълиқ бўлмасун!»).

Тонгласи соҳибқирон шаҳзодаларнинг эвла-рига бориб, сочиқлар сочтилар. Беклар тақи сочиқлар келтурди.

Элчиларким, ҳар тарафдан келиб эрдилар, барчага зарбофт тўнлар қилдилар, камарлар берди. Ва икки ойгача тўй баҳонаси била айшу ишрат қилдилар» (Ўша асар. — 291-бет).

зало соатда ул ҳазратнинг мажлисида шаръи мутаҳҳара йўсуни билан ул ойни шаҳзода билан ақд боғладилар. Ва ҳар соридин «Муборакбод» деб, дуою сано унини кўкка етқуздилар. Бас, анжумани хусравий хилват эвиға кирди ва олам қаро бурунчак бошига борди. Назм:

*Дема кечаким, ул шаби қадр эди,
Бари юлдузу ҳар бири бадр эди.
Саодатпарвар эрди ул дам спехр
Юрур эрди маҳ хизматида ба мехр».*

(Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. — Т.: Шарқ, 1997. — 76—77-бетлар).

* * *

Шарафиддин Али Яздий Темурнинг ўғиллари ва набираларининг Самарқандда бўлиб ўтган бир тўйи маросимини ҳам гоаят нозик дид ва усталик билан тасвирлайди.

Байрам тусини олган бу тўйда машҳур санъаткор Хўжа Абдуқодир бошчилигида туркча, форсча, мўғулча, хитойча, арабча кўшиқ ва рақслар ижро этилган. Муаллиф тўй базмини ҳаяжон билан таърифлаб, меҳмонлар олдига олтин ва кумуш суви югуртирилган идишларда турли таомлар тортилганини, шароб ва мусал-

ластар кўп қўйилганини ёзади. Бу тўй ҳам 2 ой давом этган. Бундай тўйни, — деб ёзади муаллиф, — ҳатто Афросиёб ҳамда Фаридун замонасида ҳам ҳеч ким кўрмаган ва эшитмаган». Шу тўйдан сўнг Темур фармон эълон қилиб, мамлакатнинг барча жойида шароб ичишни тақиқлайди. Чунки шароб одамларни ишдан қолдириб, ҳар хил бузгунчиликларни, ғараз ниятларни келтириб чиқаради (Иброҳим Мўминов, Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тулган ўрни ва роли. — Т.: «Фан», 1993 — 21-бет).

* * *

Соҳибқирон Туркиянинг Мингкўл даштида эканлигида ўғли Шоҳруҳдан янги шаҳзода туғилганини эшитиб, шу воқеага бағишлаб, у ерда тўй берган. Беклар соҳибқиронни шаҳзода билан муборакбод қилишганидан сўнг у тўй

тантаналарини ўтказишга ҳукм қилдиким, «Ҳар неким керак бўлса, муҳайё қилсунлар!». Саропардалар била боргоҳлар тиктуриб, тўйга машғул бўлдилар» (Ўша асар. — 172-бет).

* * *

Соҳибқирон ўз фаолиятида аёнлари билан кенгаш қилиш, қурултой ўтказишга алоҳида эътибор берган. Амир Темур ҳарбий юришни бошлашдан олдин албатта қурултой ўтказган. Кенгашдан сўнг қурултой чинакам байрамга айланиб кетган. «Зафарнома»да шундай қурултойлардан бири ҳақида бундай дейилади: «Қиш келғонда, аввало баҳордаким: олам гулу райҳондан биҳиштбариндек музайян ва ороста бўлди, соҳибқирон комкор қурултойга фармон қилди. Шер:

*Чу қиш кетти ва келди фасли баҳор,
Қурултойга ҳукм этти ул шаҳриёр.
Йиғилди бари беку шаҳзодалар.
Улуғдин кичик миру мирзодалар
Улуғ тўй тортти шаҳи бохирад
Йиғилди ўшул ерда ҳам неку бад.
Чу тўй ўлди охир шаҳи некном,
Кенгашти ўшул ерда бо хоссу омм.*

Соҳибқирони комкор қурултой қилиб, тўй тортқондин сўнг барча бекларга иноятлар қилди» (Ўша асар. — 229-бет).

* * *

Соҳибқирон ўз салтанати ҳудудидаги мамлакатларни авлодларига бўлиб берганида албатта ҳосил тўйи маросимини ўтказган. Бу ҳақда «Зафарнома»да шундай ёзилади: «Тўй асбобиға машғул бўлсунлар!» Улуғ тўй этиб, ушбу ҳудуд-

ни амирзода Умарға берди ва нишон бериб, олтамға бости... барчага хилъатлар бериб ва олгун камарлар инъом қилиб, барчани шаҳзода Умарға мулозим қилди. Ва шаҳзода Алатоғнинг йайлоғи сори муважжиҳ бўлди» (Ўша асар. — 283-бет).

* * *

Амур Темур диний байрамларни ўтказишга алоҳида эътибор берган. Бу хусусда ҳам «Зафарнома»да кўпгина маълумотлар мавжуд. Масалан: «Шанба куниким, ийд эрди (12.04.1404), намоз ўқуб, Мавлоно Низомуддин Шиблейким, уломолар ичида машҳур эрди, хутба ўқуди. Ва намоздан сўнг суҳбатлар тутиб, ийд қилдилар, даҳватлар тортиб, мажлисдаги фозилларга иноят қилди (Ўша асар. — 183-бет).

«Амир Соҳибқирон Ҳамадон вилоятига елиб, (798 йил) рамазон ойини (1396 йил, 6—8 июнь) у жойда ўтказди. Ийд намозни ўқиш вазифасию ибодат маросимини адо этди. Ийд байра-

мини ўтказишни буюрди» (Низомиддин Шомий. «Зафарнома» — Т.: 1996. — 219-бет).

Амир Темур худойи қилиш, қурбонлик, хотирлаш маросимларини ўтказишга ҳам алоҳида эътибор берган. «Зафарнома»да бу хусусда бундай ёзилади: «Рамазон ойи бўлғонда (13.03.1404) шаҳзодаи саъид Муҳаммад Султоннинг фавтидин бир йил ўтуб эрди, анинг учун ҳукм бўлдиким, «Қўйлар ва отлар ўлдуруб, ош-сув қилсунлар!». Содот ва ашроф ва уламо ҳар кишига ўз ерига қарор топиб, ош торттилар. Ва ошдин сўнг хуш унлуқ ҳофизлар Қуръон тиловатига машғул бўлдилар. Ва дуо ва такбирдин сўнг фуқаро ва масокинга кўб садақалар бердилар» (Ўша асар. — 282-бет).

* * *

Ғалаба тўғлари. Соҳибқирон Амир Темури ҳар бир жангдаги ғалабасидан сўнг тўғ бериб, ғолиб жангчиларга иззат-хурмат кўрсатган. Уларни сийлаб, амирларига қимматли кийимлар, жавоҳирлар билан безатилган камарлар инъом қилган. Масалан, Шайх Иброҳим сафарда жонбозлик ва мардоналик кўрсатганлиги учун унга атаб катта тўғ берилган ва қимматбаҳо совғалар тортиқ қилинган.

Амир Темурининг уч, беш ва етти йиллик сафарларидан кейин ўтказилган зафар тантаналари теурийлар даврида нишонланган энг катта шодиёналар ҳисобланади.

Амир Темури 1404 йил сентябр ойи бошида Самарқанддан ташқаридаги сайилгоҳда ўзининг зафар тантаналаридан бирини ўтказган. Бунинг учун сайилгоҳда кўплаб чодирлар ўрнатилиб, 104 та кўшк, созанда ва хонандалар учун эса махсус супа-саҳналар қурилган. Ҳунармандлар ўз касб-маҳоратини намойиш қилиши учун кўплаб расталар барпо этилган. Кўшкларда, супа-саҳналарда томошалар кўрсатилган. Бир томонда дор ўйини, бир томонда кураш бўлган. Санъаткорлар шаҳаншоҳ, сарой аҳли олдидан ўз санъатларини намойиш қилиб ўтишган. Бу намойишларда юзлаб ниқоб кийган кишилар қат-

нашган. Шарафиддин Али Яздий таърифлашича, намойишда фил, қўй, туя, сиртлон, қоплон, тулки, бўри қиёфасига кириб иштирок этган кишилар ўзи танлаган тимсолнинг хатти-ҳаракатларини маҳорат билан кўрсатишга ҳаракат қилган. Чунончи қассоблар эчки ва қўйлар хатти-ҳаракатини, чармгарлар тулки, сиртлон, қоплон ва арслонлар хатти-ҳаракатини бажаришган. Айниқса, қаторлашиб сўз айтиб, куйлаб, ўйнаб ўтган «тилло шохли эчкилар» томошабинларни беҳад хушнуд этган. Умуман, барча касб эгалари ўз ҳунарларини намойиш этиш билан тўйга шодиёна руҳ бағишлаганга интилган (Беленицкий А. А. Из истории ремесленников в городских празднествах в Средней Азии XIV—XV веков // Труды отдела истории культуры и искусства Востока, т. 2.— Л., 1940—с. 190).

Амир Темури Самарқандда Кўксарой, Биби-хоним масжидини, Шоҳизинда мавзейини, Самарқанд атрофида Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Нав каби боғ ва саройларни қурдирган ва бу жойлар тўй, маросим, сайил, байрамлар ўтказиш учун қулай манзилларга айлантирилган.

* * *

Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Бобур каби теурийзодалар ҳам тарихда ёрқин из қолдиришган. Уларнинг тўй-томоша ва байрамлар ташкил қилиш бўйича тажрибалари ҳам диққатга сазовордир. Мирзо Улуғбек даврида Наврўз севимли байрам бўлганлигини шоир Саккокий ўз қасидасида баён этган. Унинг Улуғбекка бағишлаб ёзган қасидасининг Наврўзга оид бобида қуйидаги мисралар бор:

*Гулистон аҳлига бу кун эрур ҳам ийду Наврўз,
Улар гул сочдилар, ман ҳам кетурдим хуш бу
ҳалвони...*

Ҳусайн Бойқаро байрамлар, тўйлар, томошалар, ўйинларни жуда хуш кўргани ўша замон муаррихлари китобларида баён этилган. У халқ байрамлари учун махсус сайилгоҳ, ўйингоҳ, томошагоҳлар ҳам барпо эттириб, у ерда турли байрам-томошалар уюштириб, уларда ўзи ҳам иштирок этган.

Алишер Навоий ўз ижодида ҳам, амалий фаолиятида ҳам, халқ байрамлари ва сайилларига катта аҳамият берган. Жумладан унинг:

«Ҳар тунунг қадр ўлубон, ҳар кунунг ўлсин Наврўз!»

деган мисралари барчага маълум.
Бу ғазалда Наврўз шундай таърифланади:

*Эй юзунг боғи насимида ҳавои Наврўз,
Наъл тожинг бўлиб ул боғда бўстонавоз.*

*Зулфу рухсор ила комимга мени еткурсанг,
Ҳар тунунг қадр ўлубон, ҳар кунунг ўлсин Наврўз.*

«Садди Искандарий» достонида Наврўзнинг байрам қилиниши ҳақида қуйидаги мисраларни ўқиймиз:

*Ки бу сурур эрур олам афруз ҳам,
Хусусан эрур фасли Наврўз ҳам,—*

«Ҳазойинул-маоний» асарида эса Навоий Наврўздаги тун-кун тенглигини бундай таърифлайди:

*Васли аро, кўрдум, тенг эмиш бўйи-ю сочи.
Тун-кун тенг экан, зоҳир ўлур бўлди чу наврўз.*

Унинг «Бадосъул бидоя» девонида қуйидаги мисралар бор:

*Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар Наврўз
ила байрам,
Чаман сарви яшил хилъат, менинг сарви
равоним ҳам.*

Алишер Навоий «Тарихи мулуки аҷам» асарида Наврўз ва бошқа байрамлар тарихига тўхталади. Навоий кўп асарларида Наврўзга муурожаат қилади. Шу боис уни «Наврўз куйчиси» десак бўлади. Чунки у байрамга атаб ажойиб байтлар битган.

Темурийлар авлодидан бўлган шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам тўй ва байрамлар, айниқса, *Қовун сайлини* ўтказишга алоҳида эътибор берган.

Бобурнинг болалигидан *Қовун сайлига* иштиёқи баланд бўлгани ҳақида кўйидаги афсона мавжуд: «*Кунлардан бир куни подшо Умаршайх ўз саройида аъёнлари ва машҳур кишилар билан суҳбатлашиб ўтирар эди. Бирдан бўғотга кабутар келиб кўнади. У ўймакор нақшлар билан безатилган харига тушиб, «ғурқ-ғурқ» деб овоз чиқарди. Умаршайх ўз аъёнларидан «Кабутар нима демоқда?» — деб сўради. Узоқ давом этган осойишталикдан сўнг мол-дунё илнжиди қонли урушни қўмсаб қолган аъёнлар: «Ҳазрати олийлари! Кабутар қиличларни яланғочлаб, юриш қилишига чорламоқда», жавоб қайтаришди.*

Шу пайтгача сукут сақлаб ўтирган ёш шаҳзода Бобур оҳиста жавоб берди: «Йўқ, кабутар урушга чорламаяпти. Бу билан бизни мўйсафид бобомиз қовун сайлига таклиф этмоқда». Шоҳ Умаршайх кабутарни тутуши ва ҳузурига олиб келишни буюрди. Кабутарни тутиб олишганида унинг оёғида хат битилган мис халқа борлиги маълум бўлди. Хатда шундай сўзлар ёзилган эди: «Олий ҳазрат! Қовунлар пишди. Ташириф буюришингизни сўраймиз».

Давлатпаноҳ Умаршайх ўз ўғлининг тийраклигига қойил қолди ва сўради: «Мирзо, бизга айтинг-чи, кабутар хат олиб келганлигини қандай билдингиз?». «Падари бузруквор, — деди Бобур, — сиз кабутарга диққат билан қарамадингиз. Бу кабутар ўтган йили ҳам худди шундай учиб келиб, хурсандчилик хабарини етказган эди. Мен, содиқ қўлингиз, уни ўнг қанотидаги қора доғидан таниб қолдим».

Подшоҳ Умаршайх ўз ўғлининг зийрак бўлиб ўсаётганлигидан кўнглида ғурур тўйиб, вазир-

ларига: «Қилични қинидан чиқариб чопишни эмас, фикр юритишни ўрганиш керак. Эй мулозимлар, барчага маълум қилинг. Қовун сайлига боришга тайёрланишсин» — деди.

Бобур баҳорда *Гул сайиллари*, ёзда *саёҳат*, *Сув сайли*, кузда *Қовун сайли*, *Узум сайли*, *Хазонрезги*, қишда — *ов*, *гап-гаштакларда* қатнашишни жуда яхши кўрган. У Афғонистон, Ҳиндистонда бўлган чоғларида ватанидаги одатлар, маросимлар, байрамларни у ерларда ҳам ташкил қилишга ҳаракат қилган.

Тарихий манбаларда Бобур уюштирган тўйлар тўғрисида ҳам маълумотлар мавжуд. Масалан, мусаввирлар Бобурнинг ўғли Хумоюнга бағишланган тўйини акс эттирувчи миниатюра чизиб қолдиришган. «Бобурнома»да ҳам бу тўй тўғрисида кўйидагилар ёзилган: «Кобулнинг аркида Хумоюннинг валодатидин беш-олти кундин сўнг Чорбоқда, Хумоюннинг валодат тўйи бўлди. Бек ва бегот улуғ-кичик сочиқ келтурдилар, қалин оқ танга ўқулди, ондин бурун онча қалин оқ ёрмоқни бир ерда кўрилмайдур эди, хейли яхши тўй бўлди» (З. М. Бобур, Бобурнома. — Т.: 1990. — 195-бет).

Наврўз Бобурнинг севимли байрамларидан бири эканлигини унинг рубоийларидан ҳам билса бўлади:

*Янги ой ёр юзи била кўруб эл шод байрамлар,
Манга юзи қошингдин айру байрам ойида ғамлар.
Юзи наврўзи васли ийдини Бобур ғанимат тут,
Ки мундин яхши бўлмас бўлса юз наврўз байрамлар.*

(З. М. Бобур, Бобурнома. — Т.: 1990. — 136-бет).

«Бобурнома»да Бобурнинг Аграда (1528 йил) Наврўз байрамини катта тантана билан нишонлагани маълум қилинган. У бу билан у аждодлар анъаналарини дунёга ёйишга ўз ҳиссасини қўшган.

ХУЛОСА

Ўрта асрларда Ўрта Осиё халқлари маданий ҳаёти равнақ топган. Айни шу даврда уларнинг байрам-маросимларида ривожланиш юз берган. Айниқса, IX—XII асрлар ва XIV—XV асрларда бу ўлкада байрамлар жуда катта тантаналар билан нишонланган.

Бу даврда ўлкада ислом дини кенг ёйилиб, ушбу динга хос *Рўза ҳайити*, *Қурбон ҳайити*, *Рамазон* каби байрамлар халқ ҳаётидан ўз ўрнини топди. Байрамларни ташкил қилиш учун «Намозгоҳ», «Ийдгоҳ», «Мусалла-ийд» каби шаҳардан ташқари масканлар барпо этилди.

Халқнинг қадимий байрамлари (*Наврўз*, *С.да*, *Меҳржон*) ўрта асрлар бошида сақланган бўлса-

да, кейинчалик дин арбобларининг бу байрамлар ўтказилишига қарши кураши натижасида улар ўз мавқени йўқота бошлаган. «Наврўз»нинг эса табиат ўзгаришлари билан чамбарчас боғлиқлиги туфайли уни таққиллаш, халқ ҳаётидан сиқиб чиқариш самара бермаган. «Наврўз» ўрта асрларда ҳам халқнинг севимли байрами бўлиб қолган.

Давлатчилик ривожланиши натижасида ҳукмдорлар ҳаётига боғлиқ тўйлар, унинг фарзандлари ва неваралари ҳаёти билан боғлиқ маросимлар ва давлат миқёсидаги ижтимоий-сиёсий воқеаларга боғлиқ байрамларни ўтказиш кенг ёйилган.

V б о б. XVI—XIX АСР БАЙРАМЛАРИ

БАЙРАМЛАРНИНГ УМУМИЙ ҲОЛАТИ

XVI—XIX асрларда ҳукмдорлар халқ байрамлари, маросимларининг мазмунига ўз манфатларини сингдиришга ва улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишга уринишган. Баъзида эса улар байрамлар ва ҳайитлар ўтказилишига эътибор ҳам беришмаган.

Шайбоний ҳукмдорлар дастлабки томоша-байрамларга кам аҳамият беришган. Кейинчалик эса улар халқ ўртасида ўз обрўини кўтариш мақсадида байрамлар ўтказилишига алоҳида эътибор бера бошлашган. Ҳатто Убайдуллахон байрамларни нишонлаш бўйича махсус Фармон ҳам чиқарган. Унда «Бухоронинг барча косиб-хунармандлари ўз дўконларини чиройли қилиб тузатиб, кечаю кундуз узлуксиз савдо қилишсин, ҳайитга чиққан одамлар қачон хоҳласалар роҳат-фароғат ва ўйин-кулгу қилишсин, ҳеч бир нарса бу ишда тўсқинлик қилмасин!» дейилган.

Бухоро амирлиги, Хива, Қўқон хонликларидаги байрамлар. Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларининг ҳар бирида ўзига хос ижтимоий-сиёсий ҳаёт мавжуд бўлган. Улардаги анъанавий байрамларда баъзи бир ўзига хос жиҳатлар бўлса ҳам, бироқ моҳият эътибори билан анъанавий байрамларга хос умумийлик сақланиб қолди. Бухоро амири ҳам, Хива ва Қўқон хонлари ҳам бу байрам томошаларига ўз сиёсатини сингдиришга ҳаракат қилишган.

Садриддин Айний XIX асрда Бухорода худди шундай мақсадда уюштирилган байрам ҳақида қуйидагиларни ёзди: «Амир Музаффар урушда (Россия билан бўлган) энгилгандан сўнг, халқ олдида обрўсиз бўлиб, ... ҳар бир ерда «чавқий» (умумий базм) уюштириб, одамларни унинг томошасига банд қилар, шу йўл билан халқ оммасининг диққатини ўзи-

нинг ноҳўя ишларидан четга тортар ёки ўз кирдикорларини хаспўшларди».

Бухорода Абдулаҳадхон, Саид Олимхон даврларида диний байрамларга катта аҳамият берилган. Халқ орасида эса Наврўз энг катта байрам сифатида ўтказилаверган.

XIX асрда Огаҳий халқ оммавий байрамларини жиддий қизиқиш билан ўрганиб, қатор асарлар ёзган. Жумладан, Наврўз ҳақидаги асар ва газалларида «Шикор», «Пойга», «Кураш», «Тўйнома», «Ов таърифи», «Пойга таърифи», «Тўқайда ов» каби турли тadbирларнинг ўтказилиш тартиблари тўғрисида муҳим маълумотлар беради.

«Тўйнома» маснавийсида бундай маросимлар тўй иштирокчиларига ўша даврнинг огир мусибатли шароитида бир лаҳза дам бериб, уларнинг замон ташвишларини бироз бўлсада эсдан чиқаришга кўмаклашарди, дейилади. Шунингдек, бу маснавийда тўй маросимларида қизиқарли оммавий томошалар (пойга, кураш, дор) бўлиб ўтиши маълум қилинади.

Огаҳий чавандозларнинг пойгадаги маҳоратини, Суҳроб, Баҳман, Яжанларга ўхшайдиган бакувват полвонларнинг курашдаги мардлигини, дорбозларнинг дор ўйинларидаги эпчиллик санъатини мадҳ этади. Шоир дорбозларнинг чаққонлик билан олдинга ва орқага югуриб, оёқларига махсус қути боғлаб, ҳаркат қилишларини, икки лаганни бир-бирига тўнкарган ҳолда дор симига қўйиб, унинг устида ўтиришларини, қизиқ-қизиқ ўйинлар кўрсатишларини ҳам ёзди (О. Мадаев. Тоза йил муборак бўлсин//Наврўзи олам бугун. — Т.: 1989. — 82—84-бетлар).

Огаҳий асарларидаги бу каби маълумотлардан халқ санъати XIX асрда равнақ топганини билса бўлади.

МАВСУМИЙ БАЙРАМЛАР

Ўрта Осиё халқларида йил фаслларида мос — баҳорги, ёзги, кузги ва қишги мавсумий маросим ва байрамлар мавжуд бўлган.

Баҳор байрамлари янги меҳнат мавсуми бошланишидан дарак бериб, азал-азалдан халқ ҳаётида муҳим ўрин тутган. Шунинг учун баҳор

кириб келишини кутиб олиш байрамлари қадимдан барча халқларда мавжуд бўлган. Манбаларда таъкидланишича, баҳор байрамлари инсоният пайдо бўлганидан сўнг илк пайдо бўлган байрамлардан бири бўлиб, улар одамларнинг дунё бўйлаб тарқалиши натижасида барча ўлкаларга ёйилган ва кейинчалик бу байрамлар халқлар ўртасида турлича ном билан аталиб, ҳар хил шаклларда уюштирилган. Масалан, японларда — Риссон», хитойларда «Чульцзе», славян халқларида «Масленица», Марказий ва Ўрта Осиё халқларида эса, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, «Наврўз» ёки «Йил боши» деб ном олган. Файзий Файёзий, Муҳаммадали Соиб, Мирзо Бедил, Калим Кошоний, Фурқат, Муқимий, Садриддин Айний каби XVI—XIX асрларда яшаб ижод қилган ижодкорлар баҳор байрамларининг ўтказилиши ҳақида ёзишиб, Наврўз гўзаллигини таъриф-тавсифлашган.

Шоир Мисрий ўзининг «Наврўзи олам» қасидасида баҳор келиши билан табиат уйғониб, гуллар очилиб, булбуллар сайраб, аёлу эркак сайилга чиқишини ажиб бир завқ билан таърифлайди.

Муқимий Наврўз ҳақида:

*Навбаҳор! Очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,
Сухбат айлайлик келинлар, жўралар, ўртоқлар!*

деган бўлса, Фурқат Наврўзга атаб, туркум ғазаллар ижод этган.

Шоир Огаҳий Хоразм воҳасида Наврўзнинг нишонланиши ҳақида кўплаб асарлар ёзган. Уларда Наврўз байрамининг ўтказилиш тартиблари ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотлар мавжуд. Шоирнинг таъкидлашича, бу байрамда яқин кишилар бир-бирини янги йил билан табриқлашиб, эзгу ниятлар билдиришади:

*Эй, ёр санго тангри табора бўлсун,
Наврўз ила тоза йил муборак бўлсун,
Аҳбоб сарафроз ўлубон лутфингдин,
Авдо боши манкуби балорак бўлсун.*

Шоир Наврўзни ёрсиз тасаввур қилмайди. Ёр эса бошига гулчамбар кўйиб, хуснига оро беради. Шоир бу гўзал ҳолатни бундай тасвирлайди:

*Қистирибдурму боши атрофиға жанона гул,
Ё магар рухсор шамъига эрур парвона гул...
Тут ғанимат неча кун айшу тараб айёмини —
Ким на булбул қолғуси бу боғаро, жоно ва гул.*

«Айёми тоза йил» ғазалида янги йил кириши билан олам файзга тўлиши, эрталабдан кечгача базм бўлиши, соқийлар қўлидан май ичилиши, куй ва кўшиқлар янграши, одамлар бир-бирини совғалар билан қутлаши каби одатлар маълум қилиниб, ёрдан унга лутф кўрсатиши сўралади:

*Хуснунг закоти қил, манга бир лутфким ғаний,
Лозим, гадоға айласа, инъом тоза йил.*

Шоир бу одатни бошқа ғазалида ҳам эсга олади:

*Бериб ул хусни шоҳи бўлса нақдин,
Ҳазиналарға дебон инъом наврўз.*

«Навбаҳор айёми» ғазалида байрам куни қандай кўнгул ёзиш кераклиги, илк баҳорда кўмкўк майса билан қопланган дарё ва саҳрога сайилга чиқиш лозимлиги, аждоларни хотирлаб, мозорларни зиёрат қилиш даркорлиги баён этилади. Бундай пайтларда камбағал, бечора, тушкунликка тушган мискин кишиларни бориб кўриш кишига энг катта маънавий-руҳий қувват бериши алоҳида таъкидланади:

*Навбаҳор айёми ҳар ким қилса саҳро сайрини
Айлаганча ҳаз топар фирдавси аъло сайрини.
Кўнгулда қолмас кудуратдин асар, қилса агар,
Мурғзору бешаларнинг хотир аро сайрини.
Баҳр янглиғ табъидан мавж урғуси файзу футух
Гаҳ-гаҳи заврақ миниб, гар қилса дарё сайрини.
Файзлар бу барчадин ортиқ топар, гар айласа
Йёс аро қолғон дили маҳзуну шайдо сайрини.*

Ўтмишда ўлкамизнинг турли жойларида «Наврўз» турлича тарзда байрам қилинган. Уни нишонлаш вақти 3 кундан тортиб, то далаларда экин-текин бошлангунга қадар давом этган. «Наврўз» куни арафасида жойларда махсус йиғинлар бўлиб, унда байрам раиси (ёки корформони) тайинланган, тантаналар жадвали: томошалар, сайиллар, мусобақалар ўтказиш тадбирлари белгиланган.

«Наврўз» кўпинча бозор олдидаги майдонларда ёки шаҳар чеккаларидаги махсус сайилгоҳларда уюштирилган. Байрамнинг биринчи куни, одатда, қуйидагича бўлган: эрталаб карнай-сурнайлар чалиниб, байрам бошлангани маълум қилинган. Сўнг дорбозлар ва полвонлар, кун ўртасида мусиқачилар, кўшиқчилар ва бошқа санъаткорлар томоша кўрсатишган. Кечки пайт эса сайиллар, халқ ўйинлари, базмлар уюштирилган.

Кун сайин томоша ва мусобақалар авжга чиқа бошлаган. Масхарабозларнинг чиқишлари байрамда алоҳида ўрин тутган. Кўпқари, кураш, пойга каби мусобақалар байрамнинг кўрки саналган. Шу билан бирга, «Наврўз» байрами кунларида бедана, хўроз, қўчқор уриштиришлар ва қимор ўйинлари ҳам ўтказилган.

«Наврўз» кунлари энг катта бозорда савдосотиқлар ташкил қилинган ва ўша куни энг ширин таомлар тайёрланган.

Ҳовли-жойларни тозалаш, кўкат ва гуллар экиш, ота-она, яқин ёр-биродарларни бориб кўриш, марҳумлар қабрини зиёрат қилиш каби одатлар «Наврўз» байрамининг таркибий қисмига айланган.

«Наврўз» кўп жойларда дала ишлари бошлангунга қадар нишонланган. Байрам сўнгида деҳқонлар ўз иш қуролиларини тайёрлаб, ҳўкиз-

ларини ем билан боқиб, унинг шохи ва бўйини мойлаб, дала томон йўл олишган.

Бироқ кўклам кезларида Наврўз байрамидан ҳам бошқа бевосита баҳор билан боғлиқ бир қатор байрамона тадбир, маросимлар ўтказилган. Чунончи баҳорнинг бошларида бу фаслнинг «шоҳона» таоми — сумалакка бағишланган сайил ўтказилган. Бу халқ удуми ҳозирги пайтгача энг яхши анъана сифатида сақланиб қолган.

Маълумки, баҳор байрамидан сўнг деҳқонлар янги меҳнат мавсумини бошлашган. Бу энг муҳим воқеага айланган.

Деҳқонлар ерга уруғ қадашларини нишонлаб, яхши ниятлар билан махсус маросимлар ўтказилган. Улар «Далага қўш чиқариш», «Шох мойлар», «Экин сайли», «Қўш оши» каби номлар билан аталган.

Шох мойлар деб номланган далага қўш чиқариш маросимига ҳар бир хонадон ўз имкониятидан келиб чиқиб, махсус тайёргарлик кўрган. Қишлоқларда шу муносабат билан ҳашар уюштирилган, кўчалар супуриб-сидирилган, баҳор фаслига хос таомлар пиширилган.

Маросим ўтказиш вақтини қишлоқ оқсоқоллари белгилашган. Қўш чиқарилган жойга барча тўпланган. Оқсоқол деҳқонлар ишига ривож тилаб, дуо қилган. Кейин қўшга олиб чиқилган ҳўкизларнинг шоҳларига «ёмон кўз тегмасин» деб зиғир мойи суртилган ва инсжинлар, ёмон руҳлар даф бўлсин, деб исирик тутатилган.

Қишлоқнинг кекса, ҳурматли оқсоқолларидан бири ерга қўш солишни бошлаб берган. Фольклоршунос олим Б. Саримсоқов қайд қилишича, оқсоқол қўш билан далада бир ёки уч марта бориб келган ва бу ишни ёшлар давом эттиришган. Сўнг далада зиёфат уюштирилган. Барча қишлоққа қайтиб, шод-хуррамликни давом эттирган.

«Шох мойлар» маросими ўтказилишида ишнинг биринчи кунига муқаддас ёндашиш анъанаси мужассамлашган. Бу ақидага кўра янги ишнинг илк кун қандай ўтса, у йил мобайнида шундай давом этади. Ана шу эътиқоддан келиб чиқиб, деҳқонлар биринчи иш кунини яхши ниятлар, шоду хуррамлик билан махсус либослар кийиб ўтказишган (Б. Саримсоқов, Маросим фольклори // Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. — Т.: 1990. — 117-бет).

Тоғли туманларда баҳор бошқа жойларга қараганда бирмунча кеч бошлангани сабабли, экин экиш пайти етиб келганида у ўзига хос байрамга айланган. Қишлоқ оқсоқоллари ва тажрибали деҳқонлар далага чиқиб, ерни уруғ қадаш учун етилган-етилмаганлигини текшириб кўришган. Ер етилган бўлса: «Ерга амал келибди!» деб эълон қилишган. Деҳқонларга қўшилишиб, болалар ҳам далага чиқишган. Улар қариялардан ҳамал келганлиги тўғрисидаги хабарни эшит-

ганларидан сўнг, қишлоқ кўчалари бўйлаб чопишиб: «Ҳамал келди — амал келди. Еримизга жамол келди...!» дея уйма-уй киришиб, суюнчи олишган. Ўша кун барча деҳқонлар байрам кайфиятида дала ишларига шайланишган. Ҳўкиз, от, эшакларини яхшилаб боқишган. Омоч, кетмон каби иш қуролларини созлаб, уруғликни сувга ивитиб, экишга тайёрлаб қўйишган. Ўша кун қўни-қўшнилари бир-бирларини меҳмонга чақириб, иш бошлаш ҳақида ўзаро маслаҳат қилишган. Эрталаб ҳамма оилавий тарзда қўш, кетмонлари билан дала томон йўл олишган. Қарияларнинг айтишларича, Зомин ва Форишда биринчи уруғ қадаш маросими энг обрўли деҳқоннинг полизида, баъзи жойларда эса ёш оилаларга ажратилган ерларда бўлиб ўтган. Танланган ерга биринчи бўлиб қўш ҳайдашни, уруғ қадашни «омадли, қўли баракали» деб ном олган тажрибали, нуроний ота-хонлардан бири бажарган. Сўнг, у ер эгасига ва барча деҳқонларга оқ фотиҳа бериб, мўл ҳосил етиштиришларини тилаган. Шундан кейин барча деҳқонлар жадаллик билан ишга киришишган. Бу маросим деҳқонларнинг меҳнат мавсумини яхши бошлашига катта руҳий ва маънавий мадад берган. (Экин маросимига оид материаллар форишлик Турсунтош бобо Дилаваров ва нуроталик мулла Суюн боболарнинг суҳбатидан ёзиб олинган).

Ўрта Осий халқлари орасида баҳор фасли ўтказиладиган тадбирлардан яна бири «Дарвишона» деб номланган. Бу маросим қуйидагича ўтказилган: ҳар йили эрта баҳор фаслида қишлоқ ва шаҳар маҳалларида 2—3 киши уйма-уй юриб, пул ёки озиқ-овқат тўплаган. Сўнгра бирор кишининг ёки масжид ҳовлисида овқат (ҳалим) пишириб, бутун маҳалла аҳли баҳам кўрган. Бундай маросим юртда бирор офат юз берганида (қасаллик тарқалганида, очарчилик бошланганида) ундан халос бўлиш ёки деҳқончилик ишига мўл ҳосил тилаш ва бошқа ниятларда худога сизғиниш, ундан мадад сўраш мақсадида ўтказилган. Мазкур маросимда ташкилотчилар уйма-уй юриб, озиқ-овқат ёки пул йиғиб, тўпланган эҳсонлар эвазига худойи — дарвишона қилишган.

Дарвишона маросими ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Баъзилар уни худо йўлига қилинган «диний маросим» дейишади. Бошқалар мазкур маросим дарвишлар сингари уйма-уй юриб, озиқ-овқат ёки пул йиғиш билан боғлиқ бўлгани учун «Дарвишона» (дарвишларга ўхшаб) деб номланган дейишади. Ҳатто баъзи олимлар бу одатни дарвишлар жамоасидан тарқалган байрам деб талқин этадилар.

Яна бошқалар дарвишона кишиларнинг эзгу ниятларини ифода этадиган, масъулиятли иш бошланганида ёки офат содир бўлганида барчани ҳамжихат қиладиган қадимий халқчил

маросимлардан бири дейишади. Уларнинг фикрича, бу байрам янги меҳнат мавсуми бошланишидан нишона сифатида ўтказилган ва унинг номи «дарнишона», яъни ҳосил йили бошланишига белги маъносини билдиради. «Дарвиш» сўзига уйқаш бўлгани учун халқ «Дарнишона»ни «даршана» ёки «дарвишона» тарзида талаффуз этиб келган. Асли «Дарнишона» деб ёзиш мақсадга мувофиқ. Қўқон ҳудуди қишлоқларида «Даршана» деб айтилиши «Дарнишона»га яқин туриши ҳам фикримизни тасдиқлайди.

«Дарвишона» маросими ўлкамизнинг жанубий минтақаларида (Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларининг баъзи қишлоқларида) далаларга, тоғ ёнбағирларига чиқиб ўтказилган. У деҳқонларнинг экин экишни бошладан олдинги ўзига хос сайлига айланган.

Хуллас, «дарвишона», «даршона», «дарнишона» деб аталишидан қатъи назар бу маросим аجدодларимизнинг навбаҳордаги орзу-ниятлари ва эътиқодлари билан боғлиқдир. Бу маросим баҳорни кутиб олиш, янги ҳосил йилига руҳан тайёрланиш, яхши мақсадга қурбонлик қилиш, тантана, хурсандчилик қилиб, меҳнат мавсумига шайланиш каби ижтимоий фойдали функцияларни бажарган.

Ўзбекистонда баҳор фаслига бағишланган маросим ва байрамлар орасида табиатнинг энг сўлим чечаги — гулга бағишланган сайиллар алоҳида ўрин тутган. Чунки табиат уйғониб, ўзгача чирой касб этган пайтда кишиларнинг сўлим жойларга бориб, ундан завқлангиси, баҳра олгиси келади. Табиат уйғониши билан эса тоғ бағрида, қир-адирларда турли гуллар очилади — табиат ўзининг гўзаллигини намоян қилади. Шу сабабли қадим даврларда ҳам «Наврўз»дан сўнг қир-адирларда гуллар қийғос очилганида турли сайиллар ўтказилган. Тарихий манбаларга қараганда Хоразм ва Бухорода *Қизил гул сайли*, Фарғона водийси ва Тошкент атрофларида *Лола сайли*, баъзи тоғли туманларда, жумладан Чуст ва Денов туманларида *Сумбула сайли*, яна бошқа жойларда *Бойчечак* каби байрамлар ўтказилган. Нурота қир-адирларида гуллар очилган маҳалда *Қизил гул сайли*, Фарғона водийсида *Лола сайли*, Самарқандда мевали дарахтлар, жумладан, беҳи гуллаганда — *Беҳи гули сайли* (Сайли гули беҳи), Зарафшон водийсида *Бойчечак гулгардони*, Бухорода гуллар очилиб, булбуллар сайрай бошлаган вақтда — *Гулгардони булбулхона* (Булбул қўшиғи) каби байрам-сайиллар ўтказилган.

Ёз-куз байрамлари. Қадимда ҳам ёзнинг иссиқ вақтларида байрамлар кам уюштирилган. Аммо ўлкамизда бу пайтда ҳам айрим байрамон тадбирлар ўтказилган. Маълумки, ўлкамизда ёз фаслида иссиқ иқлим ҳукм суради. Шунинг

учун халқимиз орасида қадимдан сув ҳавзаларига бориб чўмилишга оид урф-одағлар ва байрамлар кўп бўлган. Бироқ улар араблар истилоси даврида камайиб, кўпгина жойларда эса ҳатто йўқолиб кетган. Шундай бўлса-да, Ўзбекистон ҳудудининг баъзи жойларида қадимдан ўтказилиб келинган ва яқин-яқингача сақланган *Сув сайли* ҳақида баъзи маълумотлар топилмоқда. Улар орасида баҳор охири — ёзнинг бошида кунлар исиб, сойлар, дарёлар, ариқлар сувга тўлганида илк бор чўмилиш муносабати билан ўтказиладиган *Сув сайлига* бағишланган анъанавий маросим алоҳида ўрин тутди.

Нурота, Фориш, Бахмал, Зоминда қариялар билан суҳбатлашиб, анъанавий *Сув сайли* ҳақида қимматли маълумотлар тўпладик. Тоғларда қорлар эриб, сойлар (дарёлар) сувга тўлганида қишлоқ йигитлари *Сув сайлига* отланишган. Йигитлар сув бўйида аввали бир ҳовуч сув ичишган. Сўнг юз-қўлларини ювишган, кейин уйдан маҳсус олиб чиққан рўмолча (дастрўмол)си билан артинишиб, диллардаги орзусини айтишиб, дастрўмолни сувга оқизиб юборишган. Сўнг овқат тайёрлашган, ашула ва дoston айтишган, қизикчилик қилишиб, ўйин-кулги бошлашган. Кун энг қизиган вақтда улар мириқиб чўмилишган. Худди шундай маросим Денов туманида ҳам қадимдан ўтказилиб келинганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Шамол чақирини ва тўхтатиш маросимлари. Маълумки ёз ойлари бошоқди экинлар айна етилган, мевалар фарқ пишган маҳалда сурункали қаттиқ шамол бўлса, етилган ҳосил нобуд бўлиши мумкин. Шундай пайтларда отаболаримиз *Чой момо* маросимини ўтказишган. Бу маросим жуда қадим замонларда кишилар табиат ҳодисаларини жонли мавжудот сифатида тасаввур қилиб, уларга сиғинган пайтларда вужудга келган.

Маросим асосан кекса аёллар томонидан ўтказилган: иккита кампир эски уст-бош кийиб, юзларига қорақуя суртиб, қўлларига ҳасса олиб, биттадан калтакни ёғоч от қилиб миниб, *Чой момо* қўшиғини айтишиб, қишлоқ кўчалари бўйлаб юришган. Уларнинг ортидан бошларига қизил шолча ёпинган бешта бўйи етган қизлар қўшиққа жўр бўлиб боришган. Қадимги тасаввурларга кўра бу қизлар ёпинчиқларини олиб, юзларини очишса, шамол янада кучаяр эмиш (Улар қадимда шамол она ҳақида қурбонлик қилинишга маҳкум гуноҳқор қизларнинг рамзий ифодаси).

Қизлардан кейинда эса эшакка минган ёш бола, хонадонлардан берилган хайр-садақаларни хуржунга солиб борган. Эшак эгарига ўқоғи, кели сопи ва супурги каби магик воситалар боғланган. Шу тариқа маросим иштирокчилари қишлоқ кўчаларини айланиб, қуйидаги қўшиқни айтишган:

*Чой, чой, Чой момо,
Чоймомоси ўлибди,
Ўгли етим қолибди,
Боса-боса беринлар.*

*Босилиб қолсин бу шамол
Уга-уга беринлар.
Уғилиб қолсин қув шамол,
Обло-ху, обло-ху...*

Иштирокчилар қишлоқни айланиб бўлишгач, йиғилган хайр-садақалардан Шамол момо ҳаққиға худойи қилишган. Маросим ис чиқариш билан яқунланган (Б. Саримсоқов. Маросим фольклори // Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. — Т.: Ўқитувчи. 1990. — 123—124-бетлар).

Айни ёз палласи шамол зарар келтирса, эрта куз фаслида шамол бўлиши ғаллакорлар учун айни муддао бўлган. Керакли пайтда шамол бўлмаса, ғаллакорлар шамол чақириш маросимини ўтказишган. Хирмонда янчилган донни сомондан тозалаш пайтида шамол керак бўлиб қолганида, кишилар мазкур маросим ёрдамида шамол ҳомийсига илтижо қилганлар (Ўша манба).

Деҳқонлар ёз ойининг охири ва кузда ҳосил йиғиб олишга бағишланган байрамларни нишонлашган.

Ўлкамизга ислом дини кириб келгунига қадар куз фасли байрамларга бой бўлган. Ўрта асрларга келиб кузги байрамлар (улар ислом динига мувофиқ келмагани ҳамда эски календардан мусулмон ой календарига ўтилгани сабабли) бир оз камайди. Кузги байрамлар, асосан, ҳосил тўплаш билан боғлиқ бўлиб, баъзилари ҳосил йиғиш бошланганида, бошқалари меҳнат мавсумининг якунида нишонланганидан бўлган. Масалан, Бахмал, Ғаллаорол туманидаги қишлоқларда бугдой ўрими бошланишдан олдин ва бугдой ўриш яқунланиши арафасида хурсандчиликка айланиб кетадиган маросимлар ўтказилган. Охирги тутам бугдойни ўриб олишга бағишланган одат ҳақида фольклоршунос Б. Саримсоқов куйидагиларни баён қилади: охирги тутам бугдой «Она бугдой» деб аталиб, ўриб олингандан сўнг алоҳида ҳолда боғланади, уйга олиб кетилади ва баҳорги экин пайтигача сақланади. Баҳорда унинг бир қисмидан нон (патир) пиширилади ва далага дон сепишга чиққан деҳқонларга улашиб берилади. Иккинчи қисмидан эса уруғлик дон сифатида фойдаланилади. Ғаллакорлар «она бугдой» донидан тайёрланган нонни еб: «Бу йил ҳам ҳосил мўл бўлсин, она бугдой ўзи қўлласин, бободеҳқон маладкор бўлсин!» деб дуо қиладилар ва қолган донни биринчи уруғ сифатида ерга сепадилар (Б. Саримсоқов. Ўзбек маросимлари фольклори. — Т.: «Фан», 1986. — 54—56-бетлар).

Ўзбек халқининг кузги ғаллачилик билан боғлиқ удумларидан яна бири — хирмон кўтариш маросимидир. У қуйидагича ўтказилган: ғалла хирмонга йиғилгач, у янчилган, чиғилланган,

шамолда совурилган, ғалвирдан ўтказилган. Тоза бугдой хирмон ўртасига, янчилмай қолган бошоқлар четга ажратилган. Кўп жойларда қишлоқдаги барча деҳқонлар — боғбонлар, полизчилар ўз маҳсулотларини хирмондагилар олдига олиб бориб, ғаллакорларни сийлашган. Ғаллакорлар хирмонга тўплаган ҳосилларини келишув асосида бошқаларга бўлиб беришган, керакли нарсаларга алмаштиришган ёки сотишган. Ғаллакорлар йиққан ҳосилларининг маълум миқдорини қишлоқ оқсоқоли, дин пешволари, амалдорлар, мироб, сартарош, этикдўз, подачи кабиларга ҳам улашган. Хирмоннинг тагида қолган донлар камбағал, қаровчиси йўқ бевадар, етим-есирларга текин берилган.

Агар чош (ҳосил)нинг чўғи баланд бўлса, хирмонда икки-учта жонлик сўйилган. Дастурхон мева-чева, олма-узум, қовун-тарвузлар билан безатилиб, хирмон тўйи қилинган.

«Чошдаги дон бўлишиб олинганидан сўнг, қолганини халта ва қопларга солиб, уйга жўнатишган. Бу кунни деҳқонлар «хирмон кўтариш куни» деб аташган. Хирмон жойда дин уламолари мўл-кўл дон бергани учун Оллоҳга шукрона айтиб дуо қилган ҳамда келгуси йил ҳосилига ҳам барака беришини сўраган. Барча дуо қилгач, ўз уйларига тарқалишган» (Ф. Раҳмонов. Деҳқончилик удумлари. // Мулоқот. № 3, 2000, 33—34-бетлар).

Ҳосил тўйларининг ўз меҳнат кўшиқлари қадимда вужудга келиб, ўрта асрларда ривожланди. Бундай кўшиқлар Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида ўз аксини топган.

Масалан:

<i>Айтилиши:</i>	<i>Маъноси:</i>
<i>Йигитлариг ишлату,</i>	<i>Йигитлар ишлади,</i>
<i>Йигач, ямиш ирғату,</i>	<i>Дарахтдан мева қоқишди,</i>
<i>Қулан, қайиқ авлату,</i>	<i>Қулон, кийик овлашди,</i>
<i>Базрам қилиб авналим.</i>	<i>Байрам қилиб овунайлик.</i>

Узум етиштириладиган жойларда кузги ҳосил йиғиш яқунлангач узум сайиллари ўтказилган. Бунда қуйидаги кўшиқлар айтилган:

<i>Айтилиши:</i>	<i>Маъноси:</i>
<i>Кўклар қамуғ тузулди,</i>	<i>Ҳамма созлар чалинди,</i>
<i>Ивриқ, идиш тизилди,</i>	<i>Май косалар тизилди.</i>
<i>Сансиз ўзим узалди</i>	<i>Сенсиз узум узилди</i>
<i>Калгил амул ўйналим.</i>	<i>Келгил, яйраб ўйнайлик.</i>

Қиш мавсумидаги байрамлар. Қиш фаслида деҳқонларнинг бўш вақти кўп бўлади. Аммо бу мавсумга боғлиқ байрамлар бирмунча кам. Ўзбек халқи орасида қиш фасли билан боғлиқ *Биринчи қор* (*Қор ёғди*, *Қор хат*) сайли мавжуд. Булар биринчи қорга бағишланган ўзига хос байрамдир.

Қадимда биринчи қор ёққан кун **қор хат** ёзиш оммавий бўлган. Ўша кун кишилар дала-ларга чиқишиб, бир-бирларига қор отишиб, ўйин-кулги қилишган, совға-саломлар беришган. Бирор кишининг уйида йиғилишиб, тўкин-сочин дастурхон атрофида суҳбатлашиб яйрашган. Бу ўзига хос қишки байрамга айланиб кетган.

Яс — юсун маросими қадимда эркакларнинг ўзаро йиғилиши замирида пайдо бўлган тadbирлардан биридир. Шунингдек, Яс-юсун маросими кўчманчи чорвадорларнинг қимизхўрлик маросими таъсирида ҳам шаклланган бўлиши мумкин. Кейинчалик у ўтроқ ғаллакорлар ҳаётига ўтиб, уларнинг анъанасига айланган.

Ғалла йиғиштириб олингач, қишда ғаллакорларнинг бўш вақти кўпайган. Шунда ўттизқирқ киши қўшилиб, шерда (меҳмонхона)га мунтазам йиғилиб туришган. Шерданинг икки хил шакли мавжуд бўлган. Биринчиси — харажат ҳарпана (ҳарифона), яъни барча иштирокчилар берган пул ёки нарсалар асосида; иккинчиси — ҳар кун бир кишининг харажат қилиши асосида ташкил қилинади. Шерданинг раиси, раиснинг ўнг ва чап оталиқлари (ўринбосарлари) маросимни бошқаради. Булардан ташқари, ушбу маросимда эшик оғаси (шерда ўтадиган уй хўжайини), бий ва унинг ўринбосарлари, буйруқларни бажартирувчи ясовул, косагул (соқий) кабилар ҳам бўлади.

Мазкур маросимнинг ўзига хос қатъий талаблари мавжуд. Булар:

а) барча иштирокчилар косагул узатган бўзани бир нафасда ичиб юборишлари лозим;

б) косадаги бўзани тўкмаслик шарт;

в) доим чўкка тушиб ўтириш ва бий рухсатидан кейингина оёқ узатиб ёки бошқа тарзда ўтириш мумкин;

г) шерда охирига қадар маст бўлмай одоб сақлаш шарт;

д) шерда ўтиришини бий ёки эшик оғасининг рухсати билангина тарқ этиш мумкин;

е) бий ёки унинг ўринбосарларининг топшириқларини сўзсиз адо этиш лозим» (Б.Саримсоқов. Маросим фольклори // Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. — Т.: Ўқитувчи. 1990. — 127—128-бетлар).

Гап-гаштаклар ҳам кеч кузги ва қишки дам олиш шакли сифатида пайдо бўлган. Маросим гаштак аъзоларининг уйида навбати билан ёки доимо бирорта бўш хонадонда ўтказилган. Ўти-

риш асосан кечки пайт бошланиб, баъзида тонга қадар давом этган. Гап-гаштакни раис ва унинг ёрдамчиси бошқарган. Улар зиёфат беришнинг навбати, зиёфатнинг меъёри, ўтиришда ўтказиладиган ўйинлар, гап-гаштак чоғида тартиб-интизом сақланиши кабилар устидан назорат олиб боришган.

Ўтириш чойхўрлик билан бошланган. Кечки овқат маҳалида дастлаб дастурхонга суюқ овқат (шўрва, мастава каби таомлар) тортилган. Сўнг хангомалар, томоша-ўйинлар ўтказилган. Баъзи жойларда дoston ва термалар, эртактлар тингланган; қўшиқ куйлашган, турли қизиқарли ўйинлар ташкил этилган. Ярим тунда яна бир таом (масалан, палов) тортилган. Шундан кейин чойхўрлик қилиниб, аввалги ўйинлар давом эттирилган. Охирида гап-гаштак раиси ижозати билан иштирокчилар уйларига тарқалишган» (Б.Саримсоқов Маросим фольклори// Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. — Т.: «Ўқитувчи», 1990. — 126—127-бетлар).

Гап-гаштакларда ўзига хос қизиқарли бир олат бўлган: даврада ўтирган уюшманинг ҳар бир аъзоси нимага қодир бўлса, ўша соҳа бўйича санъатини намойиш қилган. Навбат билан бир одам қўшиқ айтса, иккинчиси рақсага тушган, учинчиси латифа айтган, тўртинчиси кўзбўямачилик қилган, бешинчиси лоф урган, олтинчиси қизиқчилик қилган ва ҳоказо. Даврада ўтирганлар қўлидан ҳеч нарса келмайдиган одамлардан эшак бўлиб ханграшни, хўроз бўлиб қичқиршни, ит бўлиб вовуллашни ёки қуш бўлиб сайрашни талаб қилишган. Бундай йиғилишларда «Қирқ ёлғон», «Подшо-вазир», «Ким ўғри» каби давра ўйинлари ўйналган.

Ўрта асрларда қиш фаслининг охири ёки баҳорда ўтказиб келинган «Қурултой» ҳам халқ йиғин — байрамлари қаторидан ўз ўрнини топган. Қурултой ўрта асрларда Ўрта Осиёда чорвадорлар, деҳқонлар ўртасида катта йиғилиш, мажлис сифатида ҳар йили эрта баҳорда ўтказиладиган тантанали байрамлардан бири бўлган. Қурултойда мавсумнинг долзарб муаммолари ва режалар ҳақида маслаҳатлашиб олинган. Ўзаро келишув ва маслаҳатлар тугагач, оммавий халқ томошалари, от ўйинлари — пойга, улоқ («кўпкари») бошланиб, оммавий халқ сайиллари ўтказилган. Бундай анжумани чорвадор ва деҳқонлар сабрсизлик билан кутишган ва унга катта тайёргарлик кўришган.

БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ

Ўзбек халқи байрамларида халқ томошалари алоҳида ўрин тутади. Ўзбек халқининг миллий томошаларини шартли равишда икки турга бўлиш мумкин: 1) исталган вақтда ва ҳар қандай жойда бир неча масхарабоз — қизиқчи намойиш этадиган «кичик томоша-

лар» (Улар Хоразмда — «Тўқва», Фарғона водийсида — «Кулги-ҳикоя» номи билан юритилган); 2) йирик халқ байрами кунлари махсус майдонларда юзлаб-минглаб кишилар олдида ўтказиладиган «катта томошалар» (Бундай томошалар Фарғонада — «Катта масхара-

бозлик», Бухорода — «Чавқи», Хоразмда — «Хатарли ўйин» номи билан юритилган).

Хоразмда «Хатарли ўйин» томошаси, одатда, катта байрамларда ташкил қилиниб, бир неча кун (асосан уч кун) давом этган. Мазкур томоша бир неча қисм ва эпизодлардан ташкил топади. Эрталаб биринчи эпизоди, тушлик пайтида иккинчиси, кечқурун эса учинчи эпизоди намойиш қилинган. Умуман барча оммавий томошалар бир неча қисмлардан иборат бўлиб, улар бир неча кун (2—3 кун) давомида кўрсатилган. Эрталаб бир қисми кўрсатилса, тушлик вақтида иккинчи қисми, кечқурун эса учинчи қисми намойиш этилган. Байрамнинг эртаси ва ундан кейинги кунни ҳам шу анъана давом этган. Байрам якунланганда хатарли ўйинлар ниҳоясига етган.

«Хатарли ўйин» масхарабозлар томонидан халқ байрамлари кунни катта майдонларда ижро этиладиган ҳажвий томошадир... Тасвирий воқисалар (қўшиқ, рақс, юз ва кўз ифодалари, тана ва қўл ҳаракатлари, тақлид, муаллақ, ўхшатиш)нинг хилма-хиллиги масхарабозларга жамиятнинг барча табақалари ва турли халқлар намояндалари образларини яратиш имконини берган» (Хива — минг гумбаз шаҳри. — Т.: Шарқ, 1997. — 113-бет).

Бухородаги «Чавқи» номли катта томоша турли жанрдаги бир неча ўнлаб санъаткорлар ижодини ўзига бирлаштирган. Унда санъаткорлар навбат билан ўз ижодларини намойиш қилишган. Катта байрам кунлари уюштирилаётган бу театрлаштирилган оммавий томошани мингминглаб кишилар томоша қилишган.

Ўзбек байрам-томошалари хорижликлар нигоҳида. Ўлкамизда ўтказилган байрам тадбирлари азал-азалдан сайёҳлар, элчилар томонидан юқори баҳоланган. Маҳаллий халқ учун оддий туюлган томошалар хорижликлар учун жуда қизиқарли антиқа ҳодиса бўлиб кўринган. Уларнинг баъзилари бу антиқа томошалар ҳақида ўз таассуротларини ёзиб қолдиришган. Бу ёзма манбалар орқали ҳам қадим замонларда ўлкамизда ўтказилган байрамлар қандай бўлганлиги ҳақида муайян тушунчага эга бўлиш мумкин.

Ўтган асрларда ўтказилган ўзига хос байрам томошаларидан бири бўлмиш қ а л а н д а р ў й и н л а р и хорижликларнинг диққатини кўпроқ тортган. Маълумки, ўтмишда кўпгина шаҳарлар ва баъзи йирик қишлоқларда қаландархоналар бўлган. Қаландархонада кечки пайт мусиқа оҳанглари, куйчи-ҳофиз овозлари янграб, раққос ўғлон қизлар кўйлагини кийиб, узун соч қистириб ўйинга тушган. Бу ўйинлар зикр билан уйғунлашиб кетган.

Европалик сайёҳ Ҳерман Вамбери XIX асрнинг иккинчи ярмида мусулмон шарқдаги қаландарлар ўйинининг ҳар бири уч қисмдан иборат эканлигини кўрсатиб ўтган.

Биринчи саҳнада дарвешлар тартиб билан ўтириб у ёқ-бу ёққа ташланиб, тана ҳаракати билан ўйин бошлаган. Сўнг юзларини тирнаб, қонатиб, шердай пишқириб, ҳаракатларини янада тезлатишган.

Иккинчи саҳнада улар даврада қўл ушлашиб диний ўйин бошлашган. Уйновчилар баъзан бир неча кичик ҳалқаларга бўлинишган. Ўйин охирида даврада бир неча раққосгина қолган, холос.

Учинчи саҳнада ҳаддан ташқари толиқиб, чарчаган дарвешлар иссиқ темирни тишлаб, уни ялаб совутганлар. Кўзачадан олинган чўғ бўлиб турган кўмирни эса оғизларига солиб, у тамомила совугачгина тупуриб ташлашган. Қаландарларнинг бу зикр ҳаракатлари бир соат чамаси давом этган (Г. Вамбери. Очерки из жизни и нравов Востока. СПб, 1877, стр. 205. Кўчирма олинди: Т. Қиличев. Хоразм халқ театри. — Т.: 1988. — 168-бет).

Худоёрхон саройида бўлган рус элчисига тилмочлик қилган И. Иброҳимов 1872 йилда Кўқонда баҳор бошида уюштирилган катта сайилнинг иккинчи кунни ва ундаги намойиш ҳақида қизиқарли маълумот ёзиб қолдирган: «Узоқдан майдонга қараб, — деб ёзади И. Иброҳимов, — бир неча гуруҳларга бўлинган санъаткорлар келарди. Олдинги қаторда бир саф бўлиб мусиқачи ва ашуулачилар, сўнгра фонусчалар билан безанган қайиқларда саф-саф бўлиб баччалар ўтадилар...¹ Майдонда қизлар кийимидаги баччалар гуруҳи пайдо бўлади. Улар қўлларига машъала кўтариб олишган... Сўнгра қизиқчилар гуруҳи кириб келади, бир тўда кишилар эса гуллар билан безатилган арча дарахтини кўтариб борадилар. Улар кетидан бир гуруҳ актёрлар хор айтишиб, афсонавий қаҳрамон Рустам ва унинг хотини ҳайкали ўрнатилган ясама филни етаклаб келадилар. Рустам шоҳона ясанган, бошига узунчоқ қалпоқ кийиб олган. Қўлида таёқ, унга айланиб турувчи ер курраси ўрнатилган. Рустамнинг хотини тақинчоқлар билан безанган. Худди турк аёлларига ўхшайди. Ҳар иккала қиёфа майдонга ўрнатилади ва улар гулхан ва машъала билан ёритилади» (Ибрагимов И. Русское посольство в Коканде // Туркестанские ведомости. 1872. 24 апреля. № 16). (Кўчирма олинди: Муҳсин Қодиров. Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. — «Фан» 1993. — 85-бет).

Л. С. Никитин Бухорода 1885 йилда бўлиб ўтган тунги намойишни ҳайрат билан кузатиб, қуйидагиларни ёзиб қолдирган: «Бутун бир карнавал намойишини кўз олдингизга келтиринг. Узоқдан фақат чироқлар ва машъалаларнинг ти-

¹ Изоҳ: «Бачча» сўзи ўзбек тилида салбий маънода қўлланилади, асли тожикча бўлиб, «бола», «ўсмир» дегани.

зими кўринади. Мана, ниҳоят, қоронғуликдан аста-секин атрофи қизил мато билан ўралган, соябонли, ялтироқ ойначали фонуслар илинган чиройли кема чиқиб келади. Кемада бачча гўё утиргандай, лекин аслида кема унинг белига боғланган. Шундай кемалардан тўрттаси пайдо бўлиб, бизнинг қошимизда оҳиста бир-бирларининг ёнидан ўтиш, кўпинча бир жойда туриб, тез айланишидан иборат аллақандай рақсни намойиш қила бошлади. Кема ўйин бўлиб турган экан, бу орада «фил», баҳайбат афсонавий «балиқ», бўйи 3 сажень (1 сажень 2 м, 13 см) келувчи, каллалари қоғоз, ганч, елим ёрдамида ясалган алплар, ниқоб кийган ва юзларини қоракуя билан бўяб олган оломон яқинлашиб кела бошлади... Сим ғилдиракларга юпқа матолар қоплаш орқали ҳосил қилинган иккита катта аждаҳо пайдо бўлади, ҳар бир ғилдиракда шам бўлиб, аждаҳо фонусдай ёруғ, ҳар бир ғилдиракка чўп ўрнатилган ва уни миришаб тутиб боради. Аждаҳолар ҳавода гўё сузгандай туюлади. Намойиш масхарабозларнинг белларига боғланган ёғоч отларнинг пойгаси билан яқун тонади. «Чавандозлар»нинг қўлларида найзалар ва орқаларида қалқонлар» (Никитин Л. Н. Письма из Бухары // Туркестанские ведомости. 1885, 14 мая).

Этнограф Н. С. Ликошин 1902 йилда Хўжандда қози Саид Аҳмадхон Бузрукхўжаев ўғлининг суннат тўйида антиқа томошани кўриб, қўйидагиларни ёзади: «Кенг кўчада катта тўп келмоқда. Олдинда ниқоб кийган ўйинчилар. Улар ортидан айиқ ниқобидаги киши ўйнаб келади. Унинг орқасидан ёғоч от минган кишилар от юриш қилиб йўрғалаб келаёттир. Шундан сўнг кокил таққан баччалар, ёғоч қилич билан қуролланган жангчилар ўтади. Уларнинг ҳаммаси қизил тўн ва қизил салла ўрашган, улар орқасидан араб ҳикоясидаги Шаҳризода кийимини кийган кишилар турли матолар билан безатилган нарсани кўтариб ўтадилар (Н. С. Ликошин таърифидан яққол англашилиб турибдики, бу ерда гап «Кема ўйин» ҳақида бормоқда). Сўнгра бир қанча кишилар елкаларида Рустамнинг забардаст суратини кўтариб ўтадилар. Бу сурат яхши ишланган: қизил юз, қора соқол, сартга ўхшайди, олтинсимон рангли салла ўраган, зангор баҳмал тўн кийган, заррин попуклик қилич таққан...» (Ликошин Н. С. Пол жизни в Туркестане. с. 34—35). (Кўчирма олинди: М. Қодиров. Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. — Т.: «Фан». 1993. — 86—88-бетлар).

Наврўз байрами Урта Осиё бўйлаб саёҳат қилган тарихчилар, элшунослар ва бошқа олимларда ҳам катта таассурот қолдирган.

Зангиотада 1871 йили нишонланган Наврўз байрамини чех элшуноси Август Эйхгорн (1870—1883 йилларда Тошкентда яшаган) чуқур ҳаяжон билан қуйидагиларни ёзган: «Осиёликлар нишонлаётган бу байрамдан олган таассуротим бир умр ёдимда қолади. Боғ сартлар билан тўлиб кетган — ҳамма жойда одам гавжум. Рус байрамлари бунчалик бўлмас! Ҳар томонда қозонлар ўрнатилган. Қозонлар қайнаб, буғланиб ётибди: ошпазлар худди машиналар ишлаётгандек бир пайтнинг ўзида турли пишириқлар пиширмоқда! Боғ ташқариси ва ичкарасидан гиламлар билан безатилган чодирлар ўрнатилган. Уларга минглаб турфа хил чироқлар безак сингари илиб қўйилган. Кеч тушиши билан чироқлар ёқиб қўйилди, шунда мен хаёлий бир эртакнамо дунёга кириб қолгандек сездим ўзимни! Маҳаллий рақслар, осиеча мусиқа ва қўшиқлар ижро этиш учун квадрат шаклидаги катта жойга гиламлар тўшаб қўйилган. Ажойиб кийимлар кийган уч раққос тайёрланиб турарди. Мусиқачилар икки қатор бўлиб, чордона қуриб ўтиришарди. Мингдан ортиқ хор иштирокчилари ҳам давра қуриб ўтиришарди; улар қарсак чалиб мусиқага жўр бўлишарди. Мусиқа ва қўшиқ ҳеч қандай ортиқча ҳаракатсиз бирига мувофиқ равишда ижро этиларди. Оҳанг такрорлари шундай мураккаб эдики, уларни ҳеч қандай қолипга солиб бўлмас эди. Замонавий европача мусиқада бундай тактни топши қийин. Такт ўзгариши билан рақс ҳам ўз йўналишини ўзгартирарди, яъни у бирдан авжланар, бирдан хорга мос равишда осойишта оқим билан давом этарди... Қизлар кийимини кийиб олган ёш сарт аввалгилардан ҳам ўзгачароқ рақс ижро этди. У қўшиқ айтиб, бир ярим соат мобайнида рақс тушди. Ҳар сафар у қўшиқнинг маълум бир қисмини тугатгач, чордона қуриб ўтирган хор қарсак чалиб, қўшиқни давом эттирарди. Барча жараёнга мусиқа жўр бўларди, раққос яна тезроқ айланар, лунжларини янада кучлироқ шишириб, қизарганича рақсни давом эттирарди. Бирдан беҳад узун карнайлар чўзиб-чўзиб аюҳаннос солди. Бу даҳшатли суд пайтидаги «сархангел» карнайларининг овозига ўхшаб кетди... Икки эркак карнайларни тантанали равишда юқорига кўтарди, нозик ҳаракатлар билан гоҳ чапга, гоҳ ўнга қаратиб, пуфлаб чала бошлади... Шу пайт менинг қалбимда ҳам қувонч, ҳам кўрқув ҳислари уйқошиб кетди. Менинг бу пайтдаги кайфиятимни сўз билан ифодалаб бўлмас эди».

XIX аср охири XX асрнинг бошида Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди. Ўрта Осиё чор Россия томонидан босиб олингандан сўнг, бу ерга мустамлакачилар сиёсати билан бирга, уларнинг маданияти ҳам кириб кела бошлади. Натижада, Европага хос клуб, музей, театр, цирк, опера, балет, хор, оркестр, эстрада каби маданий муассасалар маҳаллий ҳаётда пайдо бўлди. Оммавий байрамларда европача маданият унсурлари, хусусан саҳнавий театр томошалари, цирк артистлари ва масхарабозларнинг чиқиш-

лари, «сеҳрли қутичалар» ичидаги туйнуқлар орқали кўриладиган томошалар пайдо бўлди. Ўрта Осиёга келган руслар бу ерда ҳам «Рождество», «Масленица» ва бошқа диний маросимларни нишонлай бошлади. Шу билан бирга, улар Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларида Россияда ўтказилаётган сиёсий тадбирларни уюштиришга ҳам ҳаракат қилишган.

Шу тарзда, XX аср бошида ўзбек маданиятида, жумладан, байрамларида Европа маданияти таъсирида жиддий ўзгаришлар юз бера бошлаган.

ХУЛОСА

Темурийлар даврида ўлкамизда маданият раванқ топиб, байрам-маросимлар кенг ривожланган. XVI—XIX асрларда эса тез-тез урушлар бўлиши, хонлик ва бекликларга бўлиниш юз бериши байрам, маросимлар ўтказилишига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Ўлкада Бухоро амирлиги, Хива ва Кўқон хонликлари юзага келиши натижасида, бу ҳудудларда ўтказиладиган байрамларда айрим ўзига хосликлар пайдо бўлган бўлса-да, байрамларга хос умумий жиҳатлар сақланиб қолаверган. Амир ва хонлар халқ ўртасида ўз обрўйини кўтариш мақсадида байрамларга алоҳида эътибор бериб, ўз манфаатига мос келувчи гоёларни байрам томошаларига сиқдиришга ҳаракат қилишган.

XVI—XIX асрларда ўлканинг фикрли зиёлилари, санъаткор ва шоирлари (Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Файзий Файёзий, Муҳаммадали Соиб, Мирзо Бедил, Калим Кошоний, Садриддин Айний) халқ байрамларини кенг тарғиб қилган. Уларнинг илғор гоёлари туфайли халқимизнинг гўзал байрамлари (Наврўз, Гуллар сайли) сақланиб қолинган. Бу даврда ислом байрамларига эътибор кучайгани ҳолда, зардуштийлардан қолган қадимий байрамлар (Меҳржон, Сада) деярли унутилган.

Ўрта Осиё халқларининг анъана ва байрамлари табиат ўзгаришлари, иқлим, йил фаслла-

ри, аҳолининг турмуш шароити, меҳнати, маданияти асосида шаклланиб ва ривожланиб боргани учун ҳар фаслга мос, яъни эрта баҳорда — меҳнат мавсумига киришдан олдин (Наврўз, Гул сайли, Шох мойлар), ёзда — ҳосилни йиғиштиришдан олдин (Сув сайли, Чой момо, Шамол чақирш), кузда — ҳосил йиғиб олинганидан сўнг (Хирмон тўйи, Қовун сайли, Узум сайли) ва қишда чорвадор — деҳқонларда бўш вақт кўпайганида (Қор хат, Яс-юсун, Гап-гаштак, Курултой) мавсумий маросим ва байрамлар ўтказилган. Бу мавсумий байрам — маросимлар ўзида ажлодларимизнинг асрлар давомида шаклланган бой маданий меросини мужассамлаштирган.

XVI—XIX асрда ўтказилган байрам, маросимларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу даврда ўлкамизда байрамлар юксак даражада ўтазилгани ватанимизга ташриф буюрган сайёҳлар, элчилар, этнографлар (Х. Вамбери, И. Иброҳимов, С. Никитин, Н. С. Ликошин, А. Эйхгорн кабилар) томонидан ҳам эътироф этилган. Улар мавсумий байрамларда кўрсатилган томошаларни юксак баҳолашган. Хорижликларнинг байрамларимиз тўғрисидаги мулоҳазалари ўлкамизда ўтмишда ҳам байрамлар дунё халқларини ҳайратлантирадиган юксак даражада ўтказилганидан далолат беради.

VI б о б. XX АСР БАЙРАМЛАРИ

XIX аср охири чорагидан бошлаб, чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олиб, уни ўз мустамлакасига айлантirdи. Ўлканинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига ўз таъсирини ўтказди. Жумладан, бу ерга ўз байрамларини ҳам олиб келди.

Мустамлака йилларида чор ҳокимияти — Туркистон генерал-губернаторидан тортиб, мингбоши ва қозиларгача — халқни миллий озодлик ҳаракатидан чалғитиш, маҳаллий аҳолини итоатғўй, муте ҳолатда сақлаш, шу тарзда мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида халқ байрамлари ўтказилишига йўл берган. Тарихий манбаларда қайд қилинишича, Тошкент яқинидаги Зангиота ва Тўйтепа сайилгоҳларида уюштирилган Наврўз байрамларида генерал-губернатор Фон Кауфманнинг шахсан ўзи қатнашган ва у гиламлар тўшалган тўртбурчакли майдон сахна-

сида кўзни қамаштирувчи миллий кийимлар кийиб ўйнаган уч нафар раққосга ўз қўли билан совғалар улашган. Мустамлакачилар бу каби ҳаракатлари орқали ҳам маҳаллий халқ орасида ўз обрўсини оширишга интилган. Бироқ бу анжуманларда миллий мустақиллик, ҳуррият тўғрисида ҳам гап-сўзлар бўлиб тургани учун мустамлакачилар халқ байрам-сайиллари ўтказилишини тақиқлаб қўйишган. Ҳатто, дорбозлар ҳам дор тикиб, ўйин кўрсатиш учун мишаблардан рухсат оладиган бўлган («Гулистон» журнали. № 6, 1998, 13-бет).

XX асрда ўзбек байрамлари мураккаб бир даврни бошидан кечирди. Бу тарихни учга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи давр — миллий уйғониш даври, иккинчиси — шўролар даври, учинчиси — мустақиллик даври. Бу даврларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга.

МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ БАЙРАМЛАРИ

XX аср бошида янги ғоялар учун кураш кучайди. XIX аср охирида бошланган ғоявий-сиёсий кураш XX аср бошида авжига чиқди. Бу жараёнда сиёсий оқимлар вужудга келди. Миллий маданият, чунончи, урф-одатлар ва байрамларни «қайта англаш», уларни ислоҳ қилиш ғояси маҳаллий аҳолининг илғор фикрли зиёлилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Дин арбоблари ислом анъаналари ва қадриятларини бошқа маданият таъсиридан сақлаш учун Европа маданиятига қарши курашга интилдilar. Уларнинг тарафдорлари соф исломий одатларни сақлаб қолиш, янги анъаналарни халқ ҳаётига яқинлаштирмасликка ҳаракат қилдилар.

Нигилистик кайфиятдаги рус истилочилари аср бошида «пролеткульт» оқимига бирлашиб, миллий маданиятни тағ-томири билан қўприб ташлаб, мутлақо янги маданият барпо этиш ғоясини илгари сурдилар. «Пролеткультчи»лар деб ном олган бу нигилистлар халқ одатларини мутлақо йўқ қилиб, бутунлай янги анъаналар яратишни тарғиб қилдилар.

Социал-демократик йўналишдаги сиёсий оқим ўзларини халқ анъаналарининг ижобий жиҳатларини сақлаб қолиш тарафдори қилиб кўрсатсалар-да, аслида янги пролетар маданиятни ҳаётга жорий қилиш учун курашдилар. Бунинг натижасида Россияда ўтказилаётган сиёсий тadbирлар Ўрта Осиё шаҳарларига ҳам кела бошлади.

Социал-демократлар 1904 йил Тошкентда илк «Маёвка» уюштиришди. Мазкур тadbир бу ерда биринчи марта ўтказилиши эди. Петербургдаги 1905 йил «Қонли якшанба» воқеасидан кейин социал-демократлар Тошкент ва бошқа шаҳарларда биринчи май байрами намойишларини чоризмга қарши улкан сиёсий тadbир сифатида ўтказишга интилишди. Бу билан улар Россиядаги сиёсий ҳаракатларни Ўрта Осиё шаҳарларига ҳам кўчиришга ҳаракат қилишди.

Маҳаллий зиёлилар ичидан етишиб чиққан жадидлар, яъни янгилик тарафдорлари эса эски, қотиб қолган ўқишнинг ўқитиш усулларини ислоҳ қилиш, маҳаллий халқ турмуш тарзига

замонанинг илғор янгиликларини олиб киришга ҳаракат қилдилар. *Жадид*лар деб ном олган бу миллий маърифатпарвар зиёлилар мавжуд одатларни қайтадан идрок қилиш, ундаги энг яхши анъаналарни ривожлантириш, замон талабига жавоб бермайдиган, эскирган русумларни бекор қилиш, даврнинг илғор янгиликларини ҳаётга жорий этишга интилдилар.

Бу оқимларнинг ҳар бири келажақда халқ ҳаёти, сиёсати, иқтисоди, маданияти, шу жумладан одат-байрамлари қандай бўлишини белгилашга уриндилар. Бироқ халқ ҳаёти, маданияти ва байрамлари тақдирини бирор бир ғоявий-сиёсий оқим вакиллариининг истагига кўра ҳал қилиб бўлмас эди. Чунки миллий байрам-маросимлар аввало ҳаёт тараққиётига, халқнинг эҳтиёжига боғлиқ ҳодисадир.

Миллий маданият равнақини белгилашда жадидлар муҳим ўрин тутдилар. Фурқат, Бехбудий, Сўфизода, Авлоний, Чўлпон, Фитрат, Ҳамза каби илғор маърифатпарвар зиёлилар турмушни ўзгартириш, унга замонанинг янгиликларини олиб кириш, мактаб, маориф ишига эътиборни ошириш учун фаол курашдилар. Жумладан, улар газеталарда ўзларининг миллий одат, анъана, маросим ва байрамлар ҳақидаги қарашларини тарғиб қила бошлашди. Масалан, Исҳоқхон Ибрат: «...*Ҳали ҳам биз ўз динимизга ҳаракат қилмай, ақча топсак, ҳою-ҳавас, овлоқ тўйларга ўн минг сўм беҳуда исроф қиламиз*», — деб маҳаллий аҳоли дунёқарашидаги камчиликларни кескин қоралайди. Исрофгарчилик энг катта кулфатларга сабаб бўлаётганини таъкидлайди. Кишиларни ўзларининг ортиқча пулларини беҳуда ҳою-ҳавасларга сарфламай, ўғил-қизларини ўқитишга ишлатишга чақиради.

Чўлпон «Садои Фарғона» газетасида: «... *илгари вақтларда бундоғ беҳуда исрофлик тўйлар ҳам бўлмас...*»лигини таъкидлаб, *ийғилган бисотни миллат равнақига сарфлаш кераклигини айтади.*

«Нажот» газетасида Туркистон мусулмонларининг съезди қарори асосида «Шўрои Исломия» ташкилотининг тўй ва маъракаларни тартибга солиш тўғрисидаги қарори эълон қилинган. Унда куйидагилар баён этилган:

Биринчи: жаноза куни имом ва уламоларга йиртиш ва чопонлар улашмоқ, қариндош-уруғларга қора кийимлардек нимарсалар бермоқ, югучи ва отунларга ижро хизматларидан зиёда ҳар хил кийимлар бермоқ, отунлар келуб товуш чиқаруб ўкумоқ, садр қилмоқ, хотунларга улашуладургон етти гул, қовоқ оши, қор ёғди, лайлак келди, қовун-узум, йигирма, қирқ, ҳайит, фотиҳа ва йил ошидек халққа ош бериладургон ирофлар, қозоқлар орасидаги йил оши пойгалар ва аҳли касабалар тара-

фидин арвоқ пири бирлан бериладургон ош ва зиёфатларни йўқ қилинди ва булар жаноза куни давлатлик кишилар уламо ва имомларга пул билан ҳайрат қилмоқлари ҳам. Мазкур маърака кунларида маҳалладин уч-тўрт кишини чақируб, ҳатми Қуръон қилдурмоқлари мумкиндур.

Иккинчи: қиз тўйларида совчигарчилик, фатир, кичик тўй, қозон қайтариш, катта тўй, базм исрофлари ва юз кўрар ҳайитларда мол ёйиб келин кўрмоқ, қиз оши бермоқ ва никоҳ кунларида илончилар ўйнатмоқ, ёр-ёр айтмоқ, хотунларнинг ҳар бирига алоҳида нон ва ошлар тортмоқ, тўққиз-тўққиз, сандуқларда чируб кетадургон гул кўрфа (кўрпа) ва фок (пок) кўрпалардек фойдасиз моллар, кўчалардин сиёча кўтариб ёки ароба ва тўйларга галла ва бошқа хил нарсалар ортуб, тўй юбормоқ, қиз олардаги қалин олмоқ ва шунга ўхшаш исрофот ва бидъатлар билкуллия мамнуъдир. Булар ўрнига келин ва куёв тарафлари кийим ва зарур уй асбоблари тўғрисида пул ила битишсунлар, ҳам никоҳ куни куёв ўз ошноларини ва маҳалла кишилари бирлан бекарнай, фақат сурнай бирлан боруб, никоҳ қилурлар ва келин тараф ўз қариндошлари бирлан келинни олиб борурлар. Фақат куёв ила борадургон кишиларнинг йигирма-қирқ кишидан ошмаслиги, келин ила борадургон хотунларининг ўн-йигирмадан ошмаслиги лозимдур. Чорлари ҳам бир мартабагина бўлиб, куёв ила бирга борадургон кишилардин келин ила борадургон хотунлар ҳам ўн кишидан ортиқ бўлмасун. Чорларида таом фақат емоқ учунгина бўлиб тугуб олуб кетмоқлари ва яна бешик тўйи, чиллагаразонлар бутунлай йўқолуб битсунлар.

Учинчи: ўғил тўйида атрофдаги маҳаллалардан одамлар чақириб, ош бермоқ, улоқ бермоқ, хотун ош бермоқ, хатна қилинадургон болаларган... кўча ба кўча саргардон қилуб оқча йиғмоқ ва шуларга ўхшаган исрофлар билкуллия мамнуъдир. Фақат давлатлик кишилар уламо ва имомларни чақируб кичикроқ бир мавлуд мажлиси ясаб ва фақир кишилар маҳалладан уч-тўрт кишинигина чақириб, ўғилларини хатна қилдирурлар.

Мавлуд мажлисини ҳам кўп катта қилиб юбормасдан, мумкин қадар иқтисодни риоя қилсалар (тежаб сарф қилсалар), ҳам тўйга атаган пул ва галлаларини маҳаллаларидаги оч ва яланғоч, беуй ва бечораларга, мактаб ва мадраса ва жамияти хайрияларга берсалар (Т. Қозоқов, К. Воҳидова. Асримиз бошидаги маросимлар — // «Фан ва турмуш». 2000, № 3, 26—27-бетлар).

XX аср бошидаги байрамлар ҳақида сўз борганда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг бу борадаги фаолиятига тўхталиш лозим. Чунки байрамлар масаласига Ҳамзанинг турли жанрлардаги асарларида кенг тўхталинган. Унинг «Рамазон» шеъри, «Қурбон байрами куни» номли мақоласи, «Бугун — 8 март» пьесасида бевосита тўй, маросимларга муносабат билдирилади. Шунингдек, унинг амалий фаолиятида ҳам байрамларни уюштириш муҳим ўрин эгаллаган.

Ҳамзанинг байрамларга оид фаолиятида тўрт хил йўналиш мавжудлиги кўзга ташланади.

Ҳамза аввало фаол жамоатчи арбоб сифатида ҳаёт тараққиётига ғов бўлаётган эскилик сарқитларига қарши кураш олиб борган. Унинг 1914 йил ёзилган шеърларида ва «Қурбон байрами куни» мақоласида диний байрамлар бойлар ва дин пешволари учун бойлик орттириш, камбағаллар учун эса янада қашшоқлашиш куни бўлаётгани аччиқ алам билан айтилган. Ҳамза кишилар дунёқарашида қолақлик, жаҳолат кучайиб кетганидан афсусланиб қуйидагиларни ёзади: «... боғларга чиқиб карта ўйнамоқ, гўдакларимиз эса тухум, нилдироқ ўйнамоқ, уламо ва ағниё ва косибларимиз эса бари қорин тўйдирмоқ, бировларни надомат ва ғийбат қилмоқ, хуллас, сар фисқу номашруъ ишларга саргардон ва оғушталикдан иборатдир».

Иккинчидан, Ҳамза халқнинг энг яхши анъаналарни ривожлантиришга ва байрам кунларини қуйидагича ўтказишга чақиради: «... байрам қилув, бир-бирига меҳмон бўлиб бормоқ; меҳмонхоналарда, дарсхоналарда бешлаб-ўнлаб мажлис қилмоқ... уламолар авомга, ағниё фуқарога ёрдам қилмоқ... мактаблар очмоқ, кўҳна мадрасаларни тузатмоқ, кўр, шол ёхуд кар ва заифлик мажбурияти ила олжиз қолган тул хотин, бева, бечора, етимларни тарбия қилмоқ йўлларини изламоқ, хусусан, ўқув усулларини замонга мувофиқ таҳсил қилмоқ, ахтармоқ... мамлакатимиздаги камчиликларни фикрлашмоқ, сўнгга ўн минглаб халқимизни бағрига тўплаб турган жомеларимизда ваъзларимиз орқали юқоридаги заруриятдан халқимизни огоҳ қилмоқ... энг муҳим бурчимиздир» (Л. Қаюмов. Ҳамза. — Т.: 1976. — 17-бет).

Ҳамза халқ байрамларини жуда эъзозлаган. Уларни ташкил қилишда (жумладан, Хоразмда «Қовун сайли», Наманганда «Гул байрами», кўпгина жойларда «Наврўз байрами») фаол қатнашган.

Учинчидан, Ҳамза Ўзбекистон ҳудудида байрамларни фаол уюштирувчи — ташаббускорлардан бири бўлган. Маълумки, Ҳамза ташкил қилган театр труппаси ўз фаолиятини айнан байрам куни бошлаган.

Ҳамзанинг ижтимоий-сиёсий фаолиятида хотин-қизлар озодлиги алоҳида ўрин эгаллайди. У хотин-қизлар кунига «Оилавий кечалар»ни ташкил қилиб, суҳбатлар ўтказган. Аёллар иштирокида концертлар қўйган. Шундай тадбирлар учун «Масъул ходим», «Бугун — 8 Март» каби пьесалар ёзган.

Тўртинчидан, Ҳамза ижодкор сифатида ўша даврда муҳим ўрин тутиши лозим бўлган янги байрамларни уюштиришга ҳаракат қилган. 1911 йилда Тошкент зиёлилари биринчи марта «Шарқ кечалари» тадбирини ўтказишган. Бу тадбир XX аср бошида Шарқ мамлакатларида жуда катта шуҳрат қозонган. Ҳамза «Шарқ кечалари»ни халқ сайиллари, оммавий инсценировкалар, концертлар, агитспектакллар билан бойитилиши ва унинг оммавий театрлаштирилган байрамга айлантирилишига муносиб ҳисса қўшган.

Ҳамза «Шарқ кечалари»ни 1919 йилнинг апрелида Тошкентда Ўлка сайёр драма труппасининг гастрол вақтида «Турон» театрида ташкил қилган. Кеча дастури 5 қисмдан иборат бўлиб, ундан турли шарқ миллий куйлари, қўшиқлари, «Ишчи», «Қармоқ», «Кайф учди» каби кичик инсценировкалар жой олган. Уларда Ҳамза турмушда учрайдиган салбий ҳодисаларни кулгили тарзда гавдалантиради. Қиморбоз, банги каби салбий «тип»ларнинг хатти-ҳаракатини ҳаётий воқеалар орқали намойиш этади. Уларнинг ўрнига театр труппаси актёрларидан чиқарди. Кеча бошланишидан олдин Ҳамза қиморбоз, банги қиёфасидаги актёрларни сайил майдонининг белгиланган жойига ўтқазиб қўяр, улар эса ўз «касблари»ни намойиш қилишни бошлар эдилар. Воқеа энг қизиган пайтда Ҳамза саҳнага чиқиб, йиғилган халқ олдида оташин нутқ сўзлар эди.

У «Шарқ кечалари»га атаб «Кузғунлар»ни ёзган. Асар мазмуни агитсуд йўналишида бўлсада, унда судья, айбловчи ва ҳимоячи йўқ. Намойиш этилаётган воқеалар тўғрисида ҳукм чиқариш томошабинларнинг ўзларига ҳавола қилинган. Инсценировкада тўрт ижобий вакил: Ишчи, Деҳқон, Хунарманд, Қоровул ва «Кузғунлар» (хон, мурид, қўрбоши, мингбоши, аскар, жаллод, миршаб, қаландар, фолбин, кинначи, гўрков, ўғри, судхўр, қўшмачи ва ҳоказо — жами 45 та) қатнашадилар. Инсценировка 16 эпизоддан иборат бўлиб, ҳар бир эпизодда барча қатнашчилар бир мартадан саҳнага чиқишади. Воқеалар жараёнида «кузғунлар»нинг янгидан салбий жиҳатлари очилади. Ҳамза «Шарқ кечалари»ни Тошкент, Андижон, Бухоро, Хоразмда катта байрам сифатида уюштирган.

ШҮРОЛАР ТУЗУМИ ДАВРИДАГИ БАЙРАМЛАР

Шўролар ҳокимиятни эгаллаб олгач, аҳолини ўз томонига оғдириш мақсадида сиёсий, диний эътиқод эркинлиги ва миллий анъаналарни ривожлантириш ҳақида ваъдалар берди. Жумладан, уларнинг илк ҳужжатларидан бири — «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» номли (1917 йил, 20 ноябрь) мурожаатида шундай дейилади: «Бундан буён сизларнинг эътиқодингиз ва урф-одатларингиз, миллий ва маданий муассасаларингиз озод ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий ҳаётингизни эркин ва монесиз тарзда қуриш. Бунинг учун ҳуқуқларингиз бор». Улар ҳатто, миллий эътиқод ва анъаналарни ҳимоя қилиш кафолатини ҳам беришди: «Билингки, сизларнинг ҳуқуқларингизни, Россиядаги барча халқларнинг ҳуқуқлари каби, инқилоб ва унинг органлари, ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари советлари бор кучи билан муҳофаза қилади». Бироқ шўролар ўз мавқеини мустаҳкамлаб олганидан сўнг барча ваъдаларини унутди. Аксинча, берган ваъдаларига тескари ишлар қила бошлади. Жумладан, барча миллий байрамларни тақиқлади. Уларнинг биттасини ҳам давлат байрами тизимига киритмади. Халқнинг асрлар давомида мавжуд бўлган миллий анъанавий байрамлари ўрнига шўроча байрамларни жорий қилишга фаол киришди. Масалан, Октябрь тўнтаруви нишонладиган инқилоб куни (7—8 ноябрь), Чикаго фожиаси муносабати билан пролетариат курашини нишонловчи кун (1 май), хотин-қизларни сиёсий-ижтимоий фаолиikka чорловчи кун (8 март) каби ўз манфаатига хизмат қилувчи тарихий воқеаларни байрам сифатида нишонлаш анъанасини жорий этди. Бу байрамларда улар ўзларининг коммунистик ғояларини тарғиб қилишни кучайтирдилар. Шўроларнинг сўзи билан иши бир-бирига мувофиқ эмаслигини англаган халқ уларнинг тадбирларига бефарқ қарай бошлаган. Шунда улар аҳолини тадбирларга жалб қилишнинг антиқа йўлларини қўллаган. Жумладан, одамларни клубга ошга таклиф қилишган. Улар ош еяётган вақтда халққа янги тузум афзалликларини намойиш этувчи коммунистик агитация характеридаги томоша кўрсатган. Бундай томошалардан мақсад одамларни шўроларга ишонтириш бўлган. Шўролар оммага таъсир қилиш мақсадида янада қизиқарли, таъсирчан шаклларни излаб топишга интилган. Жумладан, оммавий инсценировка, митинг-концерт, агитсуд, жонли газета, театрлашган намойиш кабилардан кенг фойдаланилган.

XX асрнинг 20-йилларида ўлкамизда байрам кунлари ташкил қилинадиган оммавий инсценировкаларнинг 2 хил усули қўлланилган. Биринчиси, Ефим Вольнийнинг агитспектакла-

рини очик майдонда ўтказишга асосланилган («Икки дунё» асари). Иккинчиси, анъанавий халқ театри санъати, қизиқчиларнинг томошалари асосида ташкил қилинган. Пролетарлар инсценировкаларида умумий муаммолар мавзу қилиб олинган бўлса, миллий томоша-инсценировкаларда ўзбек ишчи ва деҳқонлари ҳаётига оид масалаларга эътибор қаратилган.

20-йилларда коммунистлар томонидан очик майдонда ўтказиладиган байрамлар кўпинча театрлаштирилган митинг-концертлар шаклида ҳам ташкил қилинган. Бу ташвиқот-тарғиботнинг энг оммавий тури ҳисобланиб, унинг бадиий-образли сюжети нотиклар нутқи ва унга илова шаклида қўшиқлар, шеърлар, драматик лавҳалар ва ҳоказолар билан янада кучайтирилган.

20-йилларда оммавий байрамларнинг яна бир тури — театрлаштирилган агитсудлар кенг тарқалган. Бу агитсудлар асосан 2 қисмдан ташкил топган:

1. «Эски дунё» ва «янги дунё» вакилларининг шаҳар кўчаларидаги намойиши.

2. Очик майдонларда «Эски дунё» устидан уюштирилувчи театрлаштирилган суд.

Бу агиттомошалар «адвокат» ва «прокурор», «ҳимоячи» ва «қораловчи» мунозараси ва «бош судья» ҳукми асосида гуноҳдорни жазолаш маросими билан тугаган.

Бу даврда очик майдонларда ўтказилган байрамларнинг яна бир йирик тури — театрлаштирилган карнавал намойишларидир. Улар асосан диний байрамлар кунинда динга қарши тарғибот сифатида ташкил этилган. Бундай янги шакллар қизиқарли, томошага бой ва таъсирчан бўлган. Уларни деярли бутун шаҳар аҳолиси томоша қилган.

Эрта тонгда бошланиб, ярим тунда тугайдиган театрлаштирилган байрам — томошалар қуйидаги композицион қисмлардан иборат бўлган:

1. Муқаддима: шаҳарнинг ҳар бир туманида митинг ва митинг-концертлар.

2. Воқеалар ривож: шаҳарнинг марказига қараб йўл олган бир неча карнаваллаштирилган намойиш.

3. Воқеалар авжи: шаҳарнинг марказий майдонида ташкил этилган театрлаштирилган агитсуд.

4. Хотима: шаҳар марказида халқ сайиллари, ўйинлари ҳамда майдонларда концертлар ва спектакллар намойиш қилинган.

20-йилларда шўролар ўзларининг барча тадбирларини байрамона тарзда ташкил қилишга ҳаракат қилишган. Улар бу тадбирларга ўз ғояларини томошалар воситасида сингдиришни мақсад қилишган.

Шўроларнинг ижтимоий-сиёсий байрамлари.

Октябрь тўнтарувидан сўнг шўролар ўз мақсадларига хизмат қилувчи, йил мобайнида ўтказиладиган байрамлар тизимини яратишди. Улар: Янги йил байрами (1 январь), Хотин-қизлар байрами (8 март), Чикаго фожиаси муносабати билан пролетариат курашини нишонловчи кун (1 май), иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалаба куни (9 май), октябрь тўнтаришига бағишланган Инқилоб куни (7—8 ноябрь). Бу ижтимоий-инқилобий байрамлар Совет Иттифоқининг барча жойларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам нишонланиши шарт бўлган.

Шўроларнинг энг асосий байрами иккита (1 май ва инқилоб куни) эди.

1 Май байрами тарихи Чикагода бўлиб ўтган намойишдан бошланади. Бу тadbир шўро сиёсатдонларига ишчи-деҳқонларни мулкдорларга қарши курашга даъват қилиш ваҳидан зарур бўлган. Россияда бу тadbир 1890 йилларда нишонланган. Ўлкамизнинг катта шаҳарларида 1 Май байрами 1905 йилдан бошлаб ўтказилган. Уни нишонлашни рус инқилобчилари бошлашган. Бу байрам Туркистондаги сиёсий аҳволдан келиб чиқиб: иш ташлаш, намойиш, митинг каби шаклларда ўтказилган. Полициячилар инқилобчиларни таъқиб қилишни кучайтирган пайтда 1 Майни нишонлаш яширин тарзда шаҳар чеккасида маёвқалар шаклида уюштирилган.

Маёвқаларга ишчилар табиат кўйида дам олишга чиққандай бўлиб боришган. Аслида эса улар сиёсий мажлислар ўтказишган. Мажлисларда ишчилар ҳаракатини қай тарзда бошқариш кераклиги ҳақида маслаҳат қилишган.

Биринчи май қайси шаклда ўтказилмасин, у оммавий инқилобий ҳаракатнинг ўсишига жиддий таъсир кўрсатган. Бу ҳаракат инқилобий-сиёсий, революцион тўнтаришни амалга оширишнинг энг муҳим, кучли омилларидан бири бўлган.

1917 йил Россияда Октябрь тўнтаруви амалга оширилганидан сўнг, 1 май байрами шўроларнинг асосий байрамларидан бирига айланган. У инқилобдан кейин шўролар давлатининг ички ва ташқи душманларига қарши курашиш, маданий инқилобни амалга ошириш, социализм барпо этиш шиорлари остида уюштирилди.

Шўролар мамлакатада бу байрам икки кун нишонланиб, у намойиш, сайил, тантана ва томошалар шаклида ўтказиларди. Корхоналар, муассасалар, ўқув юртларида байрам арафасида тантанали мажлис ва тематик концерт бўларди.

1917 йил Октябрдаги тўнтариш куни шўроларнинг энг асосий байрами саналарди. Бу байрам нишонланган дастлабки йилларда омма-

вий инсценировкаларга катта аҳамият берилган. Мазкур инсценировкаларда тарихий воқеалар бадиий-оммавий шаклда театрлаштирилиб, бўрттириб намойиш этилган.

Шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги Октябрь байрамларида намойиш этилган томошаларда қуйидаги схемадаги эпизодлар кўрсатилган: «Капитализм зулми»; «9 январь» («Қонли якшанба»); «Махфий кураш» («Подполье»); «Кўзғолон»; «Февраль революцияси»; «Октябрь, 1917 йил» ва «Ғалаба» (Финал).

Бу байрамни нишонлаш ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этувчи коммунистик тарбия воситасига айлантирилди. Жумладан, бу даврда 7 ноябрь куни эрталаб Тошкентдаги энг катта майдонда ҳарбий парад ва меҳнатқашлар намойишлари бошланарди. Шаҳар марказидаги бу жой ўша пайтларда «Ленин майдони» деб аталарди. Мустақилликка эришилгандан кейин бу ер «Мустақиллик майдони» деб юритила бошланди. Шўро тузуми даврида барча шаҳар ва йирик аҳоли пунктларининг марказий майдонларида ҳам 7 ноябрь куни халқ намойишлари, сайиллари бўлиб ўтиши анъанага айланган эди. Бу намойишларда шўролар давлатининг ҳарбий куч-қудрати, ишлаб чиқариш соҳаларидаги ютуқларини намойиш қилишга аҳамият бериларди.

Байрам 8 ноябрь куни ҳам давом этиб, кўпгина маданият муассасаларида коммунистик мазмун ва шаклга эга бўлган «Ленин йўлидан», «Инқилоб тантанаси», «Октябрь куёши» номли тематик кечалар ўтказилиб, инқилоб ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, илғор коммунистларга фахрий ёрлиқлар топшириш тантаналари, партия ва комсомол сафига қабул қилиш маросимлари уюштириларди. Байрам арафасида ва нишонланаётган кунларда санъат муассасаларида байрам концертлари, инқилобий мавзуга оид спектакллар, бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этиларди. Бу тadbирларнинг барчасидан мақсад аҳолини коммунистик руҳда тарбиялаш, халқ оммасини шўролар давлати гоёлари асосида бирлаштириш эди.

Шўроларнинг бу икки бош байрамнинг асосий шакли — намойиш эди. Давлат ва маҳаллий раҳбарлар Ленин ҳайкали пойдевори устидаги минбарда туришарди. Халқ эса майдон бўйлаб уларнинг олдида намойиш қилиб ўтарди. Бу намойишларга ишчи-хизматчилар, талабалар мажбурий тарзда жалб этиларди. Намойиш иштирокчилари раҳбарлар турган минбар ёнидан ўтаётганида овоз кучайтирувчи техник воситалардан: «Ура! Ура! Яшасин коммунистик партия! Бор бўлсин совет халқи! Партия ва халқ бирдир!..» каби шиорлар янграб турар эди.

Шўролар байрамларида янги пролетар мада-

ният шакллари тарғиб қилинар эди. Шулардан бири миллий заминга эга бўлмаган карнавал эди. 80-йилларда шундай воқеа бўлиб ўтади: Байрам куни Тошкентнинг ўша вақтдаги Комсомол кўли рақс майдонида духовой-эстрада ансамбли хорижий куй-кўшиқларни ижро этиб туради. Маҳаллий йигитлар улардан ўзбек куйини ижро этишни илтимос қилишади. Шунда оркестр аъзолари битта ҳам миллий куйни билмагани маълум бўлади. Ёшлар яна миллий куйни илтимос қилишганда, улар миллий куйлар оркестрда ижро қилишга арзимади, деб ҳақорат қилишади. Бу шўро даврида ўтказилган байрамларда маҳаллий миллий маданият топталганидан далолат беради. Бу ҳам ўз-ўзидан ижтимоий зиддиятларнинг келиб чиқишига асос солган.

XX аср 80-йиллар ўрталарига келиб, коммунизм ғояси инқирозга учраб, шўроларнинг тарғибот-ташвиқот шакллари ҳам эскираётганлиги сезилди. Шунда улар ўтказиладиган байрам тадбирларига миллий байрамларга хос унсурлар: карнай-сурнай овозлари, масхарабоз-қизиқчиларнинг чиқишлари, миллий рақслар, халқ ўйинлари кабиларни кўшишга ҳаракат қилишди. Лекин замини чирий бошлаган шўролар байрамлари миллий анъаналарга пойдевор бўла олмади.

Шўролар байрамлари уларнинг давлати туғаланиши биланоқ ўз мавқеини йўқотди.

Шўролар давридаги миллий байрамларнинг аянчли аҳволи. Шўролар оммага ўз ғояларини сингдириш учун фақат ўз мақсадига хизмат қиладиган воситаларга таянишар эди. Халқнинг миллий анъаналари шўроларнинг мақсадига хизмат қилмаганлиги учун, уларга қарши расмий ва норасмий кураш олиб боришар эди. Халқ урф-одатлари ва байрамларининг ижобий ёки салбий жиҳатлари уларни қизиқтирмасди. Шўролар ўз мамлакатига барча халқларни ягона совет халқига айлантириш мақсадида миллий кадриятларга қарши кураш олиб борди. Халқ анъаналарини тақиқлаш сиёсатини узлуксиз тарзда кучайтириб борди. Натижада, халқларнинг миллий анъаналари ўз «томирлари»дан узилиб, тараққий эта олмади.

Шўролар эгаллаб олган ҳокимиятнинг дастлабки йилларидан бошлаб, халқларнинг миллий ва диний байрамлари тақиқланди. Айниқса, Наврўзнинг тақдири оғир бўлди. Аввалига шўро сиёсатдонлари Наврўзни коммунистик мафкурага хизмат қилдириш учун ҳаракат қилишди. Шу мақсадда илк баҳор пайтларида шаҳарлардаги майдонларда сиёсий томошалар ташкил этилди. Бу сиёсий томошаларни уюштиришга маҳаллий зиёлилар мажбурий тарзда жалб этилди. 30-йиллар бошида «эскилик сарқитлари»га нисбатан қарши кураш давлат сиёсатига айланди. Шўролар қадимий миллий

маънавий, маданий мерос, урф-одатлар, маросимлар, байрамларни тафтиш қила бошлашди. Аммо маҳаллий миллат кишилари чекка жойларда яширин тарзда анъанавий байрам, маросимларни ўтказаверишди.

30—50-йилларнинг шахсга сиғиниш даврларида анъанавий халқ одатлари ва байрамларини ҳимоя қилмоқчи бўлган зиёлилар (Чўлпон, Фитрат, Сўфизода ва бошқалар) «шўро давлати сиёсатига қарши ёт унсур» ёки «миллатчи» деб айбланган. Ҳатто диний мазмунга эга бўлмаган халқ маросимларида қатнашган кишиларга нисбатан турли жазо чоралари ҳам кўрила бошланган. Шўро сиёсатдонлари қатагон йилларида Наврўз байрами ўрнига «Колхоз тўйи» деган байрамни жорий этишди.

Коммунистик маданият тарафдорлари, яъни «эскилик сарқити»га қарши курашувчи фаоллар халқни ўз миллий, анъанавий байрамларини нишонлашига йўл бермас эди. Миллий байрамларга, жумладан, Наврўзга «эскилик сарқити» деб қаралиб, унга диний байрам тамгаси босилди. Шўро сиёсатдонлари Наврўзни ёқлаган кишиларни «халқ душмани» деб айблашди ва уларни қатагон қилишди. Аммо миллий ва диний байрамлар яширинча ўтказиларди. Одамлар гўё дала сайлига чиқишгандек бўлиб, у ерда Наврўзни нишонлашган. Бундан хабар топган шўро фаоллари уларни турли тарзда таъқиб этишган. Шўро даврида Наврўзни нишонлаётганларни қўлга олиш компаниялари уюштирилган. Наврўз байрами ташкилотчилари, иштирокчилар давлатга қарши фитна уюштириладиётганликда айбланиб, ҳибсга олинган.

60-йиллар бошларида шўро мамлакатига ҳам миллий масалада бир оз «илиқлик» пайдо бўлиб, миллий байрам, маросимларни ўтказишда сал жонланиш рўй берди. Матбуотда халқ урф-одатлари, байрамлари ҳақида мақолалар ҳам пайдо бўлди. Илғор фикрли зиёлилар маданият соҳаси айрим раҳбарлари ташаббуси билан жойларда Наврўз байрамини ўтказиш ҳаракати бошланди. Аммо Наврўз давлат байрами сифатида тан олинмади. Кўпгина зиёлилар, айрим раҳбарлар Наврўзнинг чинакам дунёвий, чинакам халқчил байрам эканини сезсалар-да, ўтмишдаги қатагонларни эслаб, бу анъанани қўллаб-қувватлашдан чўчидилар («Гулистон» журнали. 1998 йил, 6-сон, 13-бет). 60-йиллар ўрталарида маълум халқ байрамларига бирмунча эътибор берилди бошланган бўлса ҳам кишиларда шўро сиёсатидан кўрқиб кайфияти кучли эди. Шунинг учун миллий анъанавий байрамлар, диний маросимлар ими-жимида, яширин тарзда ўтказилган.

70-йилларга келиб, шўролар халқ байрамларига қарши норасмий кураш бошлади. Маҳаллий ҳокимият вакилларида жойларда миллий

байрамлар ўтказилишига йўл қўйилмасин, уларнинг ўрнига янги совет байрамлари ўтказилишини уюштириш зарурлиги ҳақида партия органлари томонидан очиқ ва ёпиқ буйруқлар бўлар эди. Чунки шўро сиёсатдонлари миллий уйғониш бошланишидан қаттиқ кўрқинарди.

80-йиллар ўртасида шўролар давлати инқирози бошланганида улар охириги кучларини тўплаб, ўз мафкурасини сақлаб қолиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилишди. Миллий байрамлар, жумладан Наврўз Ўзбекистонда халқ байрами сифатида кенг нишонланишида тўсиқлар пайдо бўлди. 1985—1987 йилларда оммавий ахборот воситалари (радио, телевидение, газета, журналларга Наврўз байрами ҳақида бир оғиз ҳам гапирмаслик тўғрисида фармойишлар берилди. Наврўз ўтказиладиган сайилгоҳ майдонларга бориладиган йўллар совет милицияси ходимлари томонидан тўсилди. Дорбозларнинг дорлари йиқитилди. Айрим коммунистик раҳбарлар Наврўз байрамини нишонлаётганларнинг сумалак қайнатилаётган қозонларини ағдариб ташлашди. Бу кишиларнинг нафратини кўзгатиш ва қаттиқ тортишувларни вужудга келтирди. Ёзувчилар, олимлар ва маданият ходимлари Наврўз қадимдан давом этиб келаётган ҳақиқий халқ байрами эканлиги, унинг мазмуни табиат қонунлари билан боғлиқлиги ва Наврўзни энг яхши анъаналар асосида тараққий эттириш лозимлиги ҳақида жиддий мулоҳазалар айтилди.

Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги айрим раҳбарлари халқ маросимлари, жумладан, «Наврўз»ни ҳам байрам сифатида нишонлашни расман тақиқлаб қўйишди. 1986 йил Ўзбекистон телевидениеси дастуридан Наврўз байрамига бағишланган кўрсатувлар олиб ташланди. Унинг ўрнига «Ассалом, баҳор» номли концерт кўрса-

тилди. Наврўз байрами ўтказилишини бу каби тақиқ, таъқиб этишлар кишиларнинг ҳаққоний норозилигини уйғотди. Шунда шўро сиёсатдонлари «Наврўз» ўрнига «Навбаҳор» номли янги байрам ўтказилишини таклиф этишди. Бу янги байрам тадбирлари сифатида илгари Наврўз таркибида бўлган ҳашар, кўчатлар ўтказиш, хотирлаш маросими, қабристонларни обод қилиш ва бошқа эски маросимларга ҳам янгича тус беришга уринишлар бўлди. Республиканинг ўша пайтдаги раҳбарлари Наврўз байрами ўтказилишини фақат икки йил — 1986—1988 йиллардагина тўхтата олдилар, холос. Шунда ҳам улар Наврўзнинг республика миқёсида расмий тарзда нишонланиши, оммавий ахборот воситаларида бу байрам ҳақида маълумотлар беришни тўхтата олдилар. Бироқ миллий онги уйғониб қолган зиёлилар, илғор ёзувчи, олимлар Наврўз байрами тақиқланишига қарши чиқишди. Наврўзни сақлаб қолиш — миллий-маданий анъаналарни сақлаб қолиш ҳаракатига айланди. Илмий анжуманлар, ёзувчилар йиғинларида Наврўзни ҳимоя қилувчилар сафи кенгайди. Маҳаллаларнинг илғор фикрли миллатпарвар раҳбарлари Наврўзни нишонлаш юқори идоралар томонидан тақиқланишига тескари тарзда бу байрамни жойларда ўтказаверишган. Тураржой, кўча-кўйларни тозалаш, янги кийимлар кийиш, бир-бирини қутлаш, далаларга, қирларга чиқиб сайр қилиш, сумалак пишириш, зиёфат, ўйин-кулги уюштирилиб, Наврўзни нишонлаш тўхтамаган. Бундай ҳаракатлар натижасида миллий анъаналар ва байрамларни ҳаётга қайтариш жиддий даражага кўтарилган. Анъаналар учун кураш миллат равнақи учун курашга, миллат равнақи учун кураш эса мустақилликка эришиш йўлидаги курашга айланди.

МУСТАҚИЛЛИК ҲАМДА УНИНГ ДАСТЛАБКИ ДАВРИДАГИ БАЙРАМЛАР

Мустақилликнинг дастлабки даврларида халқ байрамларини тиклаш борасида улкан ишлар амалга оширилиб, бунга кенг жамоатчилик эътибори жалб этилди. Натижада, «Халқ байрамларини тиклаш муаммолари» бўйича ишчи гуруҳи тузилди. Бу гуруҳ фаол зиёлилардан таркиб топган эди. Мазкур гуруҳ ҳар йили 21 мартдан 21 апрелгача бўлган муддат «Инсонийликни ва табиатни эъзозлаш ойлиги» сифатида белгиланиб, бу вақтда «Наврўз», «Хотира куни», «Биринчи пушта», «Биринчи экин», «Дон, майса ва сув куни», болалар учун «Бойчечак» байрами, «Лола сайли» ва бошқа байрам маросимларини ўтказишни тавсия қилди. Бу эса хайрли ишларга дебоча бўлди.

90-йилларга келиб халқ байрамлари кунда «Катта томошалар» кўрсатилиб, масхарабозлар,

қизиқчилар, қўғирчоқбозлар, дорбозлар, полвонлар иштирокида азалий халқ томошалари намойиш этила бошлади. Бу пайтда халқ байрамларида аскиябозликлар, мушоиралар, халқ ўйинлари ўтказилиши анъанага айланди. Байрамлар халқимизга хос энг яхши урф-одатлар ва анъаналарни намойиш этадиган муҳим тарбия воситаси эканлиги, шўролар даврида халқ маросимлари, анъаналари ҳам йўқола борганлиги ва бу инсонпарварлик анъаналарини тиклаш зарурлиги ўша даврда оммавий ахборот воситаларида жиддий таъкидлана бошланди.

Шўролар даврида миллий байрамларнинг бирортаси ҳам расмий байрам сифатида йиллик календар (тақвим)да кўрсатилмаган эди. Мустақиллик арафасида ҳам миллий байрамларни тиклаш ҳақида гап кўп эдию, аммо уларни ни-

шонлаш ҳақида расмий ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас эди. И. А. Каримов Республика раҳбари бўлганидан кейингина шундай ҳужжат пайдо бўлди. 1989 йил 28 февралда унинг ташаббуси билан Ўзбекистонда Наврӯз байрамини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1990 йилда эса 21 март ва умумхалқ «Наврӯз» байрами дам олиш куни деб эълон қилинди. Ушбу воқеани мамлакатимизнинг бутун аҳолиси чуқур мамнуният, кўтаринки руҳ билан кутиб олди.

Республикамиз раҳбари И. А. Каримов 1990 йил бошида халқ вакиллари, депутатлар, зиёлилар билан бўлган кенгашда шундай деган эди: *«Миллий анъаналар халқнинг энг нозик, энг ҳурматталаб фазилатларидир. Афсуски, четдан келган баъзи бир одамлар ана шу нарса билан ҳисоблашмаган пайтлар бўлди. Ҳатто, ўзимиздан чиққан айрим раҳбарлар «Наврӯз» байрамига, миллий кийим-кечакка қарши чиқди. Шу даражага бориб етдикки, қариндошини кўмиш маросимида қатнашишга ҳам эскилик сарқити деб қаралди, бундай одамларга, айниқса, раҳбарларга нисбатан тазйиқ ўтказилди. Диндорлар билан мулоқотда бўлиш, улар билан бамаслаҳат иш юритиш масалаларини қўяверинг. Хуллас, бўлганича бўлди. Шунинг учун бугун бу ишларни қаттиқ қоралашимизни, халқ анъаналарига, унинг меросига, одамларнинг диний эътиқодларига қатъий ҳурмат ва эътибор билан қараш кераклигини яна бир бор ўқдириб ўтмоқчиман»* («Тошкент ҳақиқати» газетаси. 1990 йил, 27-февраль).

Мустақиллик арафаси ва унинг дастлабки йилларида халқ маросими ва байрамларини тиклаш жараёни бошланди. Тарихий манбалар асосида қадимий урф-одатларни, халқимизнинг байрамларни ўтказишга доир мавжуд тажрибаларини ўрганишга киришилди. Миллий-анъанавий байрамлардан қайси бирларини тиклаш, уларни қандай ташкил қилиш ҳақидаги кишиларнинг фикрлари ўрганилиб, улар асосида байрамларга доир илмий-амалий қўлланмалар яратилди. Аждодларимизнинг асрлар давомида асраб-авайлаб, эъозлаб авлоддан-авлодга ўтказиб келган яхши анъаналари яна сайқал топиб, бойиб, ривожлантирилишига аҳамият берилди. Халқимизнинг қадимий *Наврӯз, Қовун сайли, Узум сайли, Ҳосил байра-*

ми каби байрам маросимлари оммавий нишонлана бошланди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллий анъаналарни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон раҳбарияти энг аввало, халқимизнинг эҳтиёжи, орзу-истакларидан келиб чиқиб, азалий байрамларни тиклашга катта эътибор бера бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов фармонлари асосида халқимизнинг тарихий мероси бўлган *Наврӯз* билан бир қаторда, диний байрамлар — *Рўза ҳайити* ва *Қурбон ҳайити* ҳам расман тикланди.

Истиқлолни шарафлайдиган байрамлар: *Мустақиллик куни, Конституция куни, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, Хотира ва қадрлаш куни* кабилар жорий этилди. Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинган кун (21 октябрь) *Тил байрами* сифатида нишонланадиган бўлди. Ўзбекистон тақвимида қадимий шаҳарлар куни, жумладан *Самарқанд куни* (18 октябрь) ҳам пайдо бўлмоқда.

Умуминсоний қадриятларни тарғиб қилувчи «Янги йил байрами», «Хотин-қизлар байрами» кабилар истиқлолга эришилгандан кейин ҳам расмий байрам сифатида нишонланаверди.

Жаҳон илми-фани, маданияти равнақиға муносиб ҳисса қўшган Заҳириддин Бобур (1993), Баҳоуддин Нақшбандий (1993), Абдухолиқ Ғиждувоний (1993), Мирзо Улуғбек (1994), Феруз (1995), Нажмиддин Кубро (1995), Амир Темур (1996), Имом ал Бухорий ва Аҳмад Фарғоний (1998), Жалолиддин Мангуберди (1999), Марғиноний (2000), Мотурудий (2000), Камолиддин Беҳзод (2000) каби улуг аждодларимизнинг таваллуди, Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллиги (1997), «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллиги (1999), «Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллиги (2001), Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги (2002)ни нишонлаш умумхалқ байрами сифатида ўтказилди.

Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган Тошкент кинофестивали, «Шарқ тароналари» (Самарқанд), «Театр фестивали», «Симфоник мусиқа фестивали» каби халқаро анжуманлар ҳам халқимизнинг маданият байрамларига айланиб кетмоқда.

Х У Л О С А

XIX аср охири — XX аср бошларида Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олди. Истилочилар ўз сиёсати билан бирга, бу ерга ўз маданиятини ҳам олиб киришга интилди. Шўролар ҳокимиятни эгаллаганидан кейин ўз ғоясига мос коммунистик маданият яратиб, шўроча

байрамларни ҳаётга жорий қила бошлади. Халқнинг анъанавий байрамлари расмий давлат байрамлари қаторига киритилмай, тақиқланди. Мустақилликка эришилганидан кейингина ўзбек халқининг миллий анъанавий байрамлари яна тиклана бошлади.

Октябрь тўнтарувидан сўнг шўролар ўзларининг коммунистик ғояларига хизмат қилувчи ва барча жойларда нишонланиши шарт бўлган ижтимоий-инқилобий байрамлар тизимини: Янги йил байрами (1 январь), хотин-қизлар байрами (8 март), Чикаго фожиаси муносабати билан пролетариат курашини нишонловчи кун (1 май), иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалаба куни 9 (май), октябрь тўнтаруви нишонланадиган инқилоб куни (7—8 ноябрь) кабиларни жорий этди. Бу байрамлардан мақсад кишиларни коммунистик ғояларга ишонтириш эди.

Шўро ҳокимияти даврида барча миллат кишиларини ягона совет халқига айлантириш мақсадида миллий онг, халқ анъаналари, маънавий қадриятларга қарши норасмий кураш олиб борилди. Натижада, ўзбек халқ анъанавий маданияти ҳам ўз «томирлари»дан узилиб қолди. Халқ анъаналарини тақиқлаш «тўлқинлари» вақт-вақти билан кучайиб турарди. Унинг биринчи «тўлқини» октябрь тўнтаруви натижасида шўролар ҳокимиятга чиққанидан сўнг — 20-йилларда; иккинчиси қатағон даври — 30-йиллар ўрталарида; учинчиси II жаҳон урушидан сўнг, 50-йилларда; тўртинчиси «совуқ уруш» даври — 70-йилларда; бешинчиси Мустақиллик арафаси — 80-йиллар охирида содир бўлди.

Мустақиллик даврида миллий анъаналарни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, халқимизнинг тарихий мероси бўлган анъаналар (*Наврўз, Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайити*) расман тикланди, истиқлолнинг янги байрамлари (*Мустақиллик куни, Конституция куни, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, Хотира ва қадрлаш куни* кабилар) жорий этилди, умуминсоний қадриятларни тарғиб қилувчи байрамлар (*Янги йил байрами, Хотин-қизлар байрами* кабилар) сақлаб қолинди, жаҳон мадания-

тига муносиб ҳисса қўшган аждодларимиз таваллудларини нишонлаш ҳам халқимизнинг энг мўътабар анъаналарига айланди, халқаро анжуманлар (*Тошкент халқаро кўرғазмаси, Тошкент кинофестивали, Шарқ тароналари, Театр фестивали, Мусиқий симфоник фестиваль* кабилар) ҳам халқимизнинг байрамларига айланиб кетмоқда.

XX асрда рўй берган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиёт байрамлар ҳолатига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Янги соҳаларнинг пайдо бўлиши натижасида меҳнат, табиат, маданият, спорт, оилавий-шахсий байрамлар юзага келди. *Табиат байрами (Она ер саховати), Қишлоқ байрамлари, Кўча байрамлари, Маҳалла байрамлари, Қариялар байрами, Палов ва оби нон байрамлари, Табассум сайли, Дўстлик карнавали* каби ўлкамиз табиати, халқимиз миллий хусусиятларига мос келадиган янги байрам тadbирлари ўтказилиши анъанага айланди. Шунингдек, ўзбек халқи ижтимоий-маданий ҳаётининг жадал ўзгариши натижасида — *Касб байрамлари, Илк маош, Авлодлар учрашуви, Тантанали нафақага кузатиш* каби меҳнат маросимлари ўтказиладиган бўлди. Ота-оналарга фарзанди туғилгани тўғрисидаги гувоҳномани топшириш, вояга етган ёшларга паспорт топшириш, ёш йигитларни армия хизматиغا кузатиш, армия хизматидан қайтганларни кутиб олиш, қария ота-оналарнинг олтин ва кумуш тўйлари республикамиз аҳолиси турмуш тарзига замонавий янгилик сифатида кириб келди.

Хуллас, XX асрда анъанавий ўзбек халқ байрамлари шўролар даврида кўплаб таъқиб, тазйиқларни бошидан кечирди. Уларнинг барчасига бардош бериб, қийинчиликларни енгиб ўтди.

Мустақиллик туфайли ўзбек байрамлари тарихида янги саҳифа очилди.

III қисм

АНЪАНАВИЙ ХАЛҚ БАЙРАМЛАРИ



АНЪАНАВИЙ ХАЛҚ БАЙРАМЛАРИ

Китобнинг биринчи қисмида байрамларнинг энг қадимги даврдан ҳозирги давргача бўлган тараққиёт тарихини хронологик нуқтаи назардан ўргандик. Унда ўзбек халқининг қадимий анъана, одат, маросим ва байрамларини даврларга бўлиб ўргандик.

Китобнинг иккинчи қисмида эса бир йил давомида ўтказиладиган анъанавий ўзбек халқ байрамларига (этнология, этномаданият нуқтаи назаридан) тўхталамиз. Хусусан, кейинги асрларда (айниқса XIX—XX аср бошида) ўзбек халқи ҳаётида ўз ўрнини топган, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб келаётган анъанавий байрамларга кўпроқ эътибор берамиз. Бу куйидагича асосланади:

1. XX асргача ўзбек халқи ҳаётида табиат, жамият қонуниятлари асосида вужудга келган мустақкам байрам-маросимлар тизими ва байрамларни ташкил қилиш борасида кучли тажриба шаклланган эди. Уларни ҳар томонлама ўрганиш ва тарғиб қилишга катта эҳтиёж бор.

2. Бу даврдан сўнг, яъни шўролар даврида миллий байрамлар тақиқлана бошланган. Шўролар давригача бўлган анъанавий байрамларни ўрганиш халқимизнинг қадимий, миллий урф-

одатларининг моҳияти, шакллари, тизимини тушунишга ва тиклашга ёрдам беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, анъанавий байрамларни ўрганишда биз уларнинг фақатгина тарихий шакллариغا мурожаат қилиб қолмасдан, балки шўролар даврида тақиқланишига, мустақиллик шароитида тикланишига, ҳозирги даврдаги аҳволига ва баъзи муаммоларига ҳам тўхталамиз.

Анъанавий ўзбек халқи байрамларининг қамрови кенг, кўп ва ранг-барангки, уларни тасниф қилмасдан, турларга ажратмасдан ўрганиш қийин. Шу сабабли биз уларни шартли равишда 3 га бўлиб ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Биринчи гуруҳ — табиат ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган мавсумий байрамлар.

Иккинчи гуруҳ — инсон камолоти, оила ҳаёти билан боғлиқ бўлган оилавий маросим ва тантаналар.

Учинчи гуруҳ — жамият маънавияти, эътиқодлари билан боғлиқ диний байрамлар.

Шундан келиб чиқиб биз ўзбек халқи байрамларини юқоридаги гуруҳларга бўлиб ўрганамиз.

VII б о б . МАВСУМИЙ ХАЛҚ БАЙРАМЛАРИ

Дунёдаги барча халқларнинг, жумладан, Ўрта Осиё халқларининг ҳам анъана ва байрамлари табиат, иқлим, маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда, кишиларнинг кундалик ҳаёти, меҳнати, маданияти асосида шаклланиб борган. Деярли барча халқларда табиат, меҳнат мавсуми ва ҳар фаслга мос, яъни эрта баҳорда — меҳнат мавсумига киришдан олдин, ёзда — ҳосилни йиғиштиришдан олдин, кузда — ҳосил тўплангандан сўнг ва қишда иш тўхтаган пайтда уюштирилладиган мавсумий маросим ва байрамлари мавжуд бўлган ва улар замонга мос тарзда ўзгариб борган. Улар адабиётларда мавсумий («календарь») байрамлар деб ном олган.

Ўзбек халқининг ҳам йил давомида ўтказилладиган асосий мавсумий одатлари, маросим ва байрамлари мавжуд. Улар неча минг йиллар давомида вужудга келган. Бу мавсумий байрам ва маросимлардаги барча одатлар ҳамма жойда ҳам бир хил тарзда ўтказилмаган бўлиши мумкин ва бу табиий ҳолдир.

Ушбу қисмда мавсумий байрамларга махсус ва кераклича тўхталишга интилдик. Жумладан, баҳорги — *Сумалак, Гул сайиллари, Сув сайли, кузги — Қовун сайли, Узум сайли, Анор сайли, Анжир сайли, Ҳосил тўйи*, қишки — *Биринчи қор (қор хат), Ялдо кечаси, Гап-гаштак* каби мавсумий одатлар ҳақида сўз юритилади.

Куйида табиий йил давомида ташкил қилинадиган анъанавий мавсумий одат — тадбирларга тўхталамиз.

Бойчечак сайли — эрта кўкламда адирларда, тоғ ва далаларда қор эриши билан бойчечак униб чиққанда ўтказилладиган ўзига хос болалар байрами. Болалар бойчечак очилиши билан уни теришган, сўнг уйма-уй кириб, қариялардан суюнчи ва дуо олишган.

Баҳорги чилла («Илик узилди») — узоқ қиш давомида одам танасидаги дармондорилар камайиши натижасида вужуднинг бўшашиб, камқувват бўлиб қолиши даври. Кишилар ўз қувватларини тиклаш учун янги ўсиб чиққан фойдали ўсимликлардан таом тайёрлаб истеъмол қилишлари ва табиатдан руҳий-маънавий қувват олишлари лозим бўлади.

Наврўз — табиат уйғониши, баҳор келиши, кун ва тун тенглиги, дала ишлари бошланиши каби ҳодисалар нишонланадиган байрам. Тарихда бу байрам йил боши — янги йил байрами сифатида ҳам машҳур бўлган. Байрамда баҳор келиши, янги меҳнат мавсумига бағишланган сайиллар ўтказилиб, томошалар, ўйинлар уюштирилади, махсус таомлар пиширилади.

Сумалак сайли — баҳорий таом пиширишга бағишланган тадбир. У асосан икки қисмдан иборат: 1) сумалак тайёрлаш ва қозонга солиб пишириш чоғида қилинадиган ўйин-кулги; 2) сумалакхўрлик қилиш, яъни сумалакни одамларга улашиш ва сумалак сайлини уюштириш.

Ялпиз (фидина) териш — бу ўсимликни ариқ бўйларидан, сойлар қирғоғидан теришиб, дам олишган. Ундан ҳар хил таомлар тайёрлашган (сомса, чучвара...). Бу маросим 3 қисмдан: ялпиз териш, дам олиш, таом тайёрлашдан иборат бўлган.

Кўк майсалар териш одатлари. Эрта баҳорда майсалар ўсиши билан болалар уни теришган. Исмалоқ, Отқулоқ териш — баҳор фаслида кишилар отқулоқ номли ўсимликни теришиб, ундан сомса, чучвара каби таомлар тайёрлашиб, баҳам кўришган, суҳбатлашишган. Улардан тайёрланган пишириқларни қарияларга, касалларга элтиб, улар ҳолидан хабар олиш савоб иш ҳисобланган.

Қўш оши (Оқ ош) — эрта баҳорда далага қўш олиб чиқишдан олдин тайёрланадиган таом. У буғдой, жўхори, арпа каби донли бошоқлардан янчиб тайёрланади. Кўни-қўшниларга ҳам тарқатилади.

Экин сайли ёки Чигит қадаш маросими — янги меҳнат мавсуми бошланиши муносабати билан, яъни уруғ қадашнинг биринчи кунига бағишланган тантанали маросим. Далага илк уруғни кекса деҳқон бобо экади. Сўнг бошқалар ишга киришади.

Чучмома сайли — баҳорда болалар далаларга чиқишиб, чучмома теришган. Улар бошқа гуллардан ҳам теришиб, табиат қўйнида ўйин-кулги қилишиб, дам олишган.

Толбаргак ва Гулбанд тақиш — қизлар одати.

Баҳор фаслида қизлар далага сайилга чиқиб, тол барги ва гул бандлари теришиб, бош ва сочларига толбаргак ёки гулчамбар қилиб тақшишган. Қизлар толбарг, гулбанд териш ва ундан турли шаклдаги чамбарлар ясаш давомида ўйин-кулги қилишган, мусобақалар уюштиришган ва завқланиб дам олишган.

Ровоч (Чукри) териш одати. Одамлар ровоч ўсган ерга тўпланишиб, уни териш бўйича мусобақалашиб, дам олишган, ҳар хил таомлар (чукри) дан баҳам кўришган, суҳбатлашиб, ровоч териш жараёнида ўйин-кулги уюштирилади. Терилган ровочларни қишлоқ қариялари, касаллар, бева-бечораларга берилади. Кейин оилаларда ровоч ейиш маросими ўтказилади.

Дарвишона — қишлоқда 2—3 киши уйма-уй киришиб, озиқ-овқат, пул йиғиб чиқишиб, тўпланган эҳсонлар эвазига ис чиқарилган. Махсус таомлар пиширилиб, уларни барча кишилар табиат кўйида баҳам кўришган, суҳбат қилишиб, дам олишган.

Жун олиш — мавсумий одати. Яйловларда, адирларда, яъни чорва моллари боқиладиган жойларда кўйларнинг жунини қирқиш маросими. Чорвадорлар кўйларнинг жунини олишгандан сўнг ўйин-кулги қилиб, ширвозлардан қовурдоқлар тайёрлаб, базм қилишган. Бу жараёнда суҳбатлашиб, шу йил учун яхши ниятлар қилишган.

Лола сайли — қир-адирларда, лолалар қийғос очилган пайтларда уюштирилган. Лолазорларга жамоа бўлиб келган кишилар далада сайр қилишган, лола теришган, мусобақа ва ўйин-кулгилар ташкил қилишган, лаззатли таомлар тайёрлаб, ейишган ва мароқли дам олишган.

Қизил гул сайли — далаларда лолақизгалдоқлар очилган пайтда уюштирилган. Сайил қатнашчилари дала кезиб, ашула, рақс, аския ижро этишган, дорбозлар чиқишларини томоша қилишган. Гул базми («Гул ўйин») уюштирилган. Гуллар теришиб, бир-бирларига тақдим этишган.

Сумбула сайли — баҳорда тоғ ёнбағирларида гуллар, жумладан, сумбула очилган пайтда жамоа бўлиб уюштирилади. Сумбула териш жараёнида ўйин-кулги қилишиб, дам олишган. Ўйин-мусобақалар уюштиришган, миллий таомлар тайёрлаб, дам олишган.

Ток оши 2 пайтда: 1) ток очиш ва 2) ток барги чиққанида қилинган.

Кузда ерга кўмилган ток новдалари баҳорда очилганидан сўнг кишилар яхши ниятлар билан тўпланишиб, ош қилишган. Йиғилганлар дастурхон бошида бошланадиган янги мавсум учун яхши тилаклар қилишган, махсус таомдан сўнг ўйин-кулги қилишган.

Ток барг чиқаргандан сўнг ундан махсус таом — ток оши тайёрлашган. Ош улашиш

давомида дуо ўқилган, ўйин-кулги қилинган ва дам олинган.

Тут сайли — тутзорларга боришиб, аввал унинг пишган меваларидан териб ейишган, сўнг соя-салқин жойларда турли мусобақалар уюштиришган, ўйин-кулги ва томошалар бўлган. Кишилар табиат кўйида дам олишган. Тутдан шинни, тут майиз ва бошқалар тайёрлашган.

Биринчи гулни «кўзга суртиш» одати. — Мева дарахтининг биринчи гулини кўрган қариялар янги йилга эсон-омон етиб келганига шукроналар қилиб, кўзларига шу гулларни суртишган: омонлик-сомонлик қилишган, янаги йилга соғ-саломат етишни орзу қилишган.

Беҳи гули сайли — бу маросим баҳорда беҳи қийғос гуллаган пайтда уюштирилади. Бунда бирор бир миллий таом тайёрланиб, дўстлар билан баҳам кўришган, суҳбатлашиб, дам олишган.

Ёзги чилла — энг узоқ кун ва қисқа тун содир бўлганида, ёзнинг энг иссиқ кунлари бошланганида 40 кун давом этадиган муддат. Бу вақтда кишиларнинг сувга эҳтиёжи кучаяди ва улар кўпгина тadbирларни сув бўйида уюштиришга ҳаракат қилишади.

Сув сайли — Ўрта Осиё иқлими шароитида сувга бўлган табиий эҳтиёж асосида шаклланган. Сайил жараёнида кишилар сувни эъзозлаш, унинг қадрини англаш билан бирга, сув ҳавзаси ёнида дам олишган ва чўмилишган.

Гилос сайли — дала-боғларда гилос пишганда деҳқонлар қариндошларини чақириб ҳашар ва зиёфат уюштиришган, қариялар дуосини олишган. Айни пишиқчилик пайтида бозорларда гилос савдоси, томоша, сайил, танловлар ўтказилган.

Ўрик сайли — ўрик пишганда қариялардан дуо олиб, кўни-кўшнилари чақирилиб, ҳашар қилинган. Ўрик териб бўлинганидан сўнг сайил уюштириб, дам олишган.

Олма сайли — деҳқонлар олма териш ҳашарига кўшнилари чақириб, боғларда олма териш тadbiri ўз-ўзидан ўйин-кулги қилиб, дам олиш тadbiri айланиб кетган.

Узум сайли — боғ-роғларда ўтказилган. Боғ-бонлар энг яхши узум навлари етиштириш бўйича мусобақалашиб, ўйин-кулги қилишиб, дам олишган. Узум савдолари ҳам ташкил қилинган.

Қовун сайли — қовун сайли боғ-роғларда, полизларда, бозорларда ўтказилган. Узига хос кўрғазмалар қилиниб, голибларни мукофотлаб, томоша ва сайиллар уюштирилган.

Анжир сайли — анжирзорларда ҳашар ва бозорларда савдо шаклида ўтган. Бу сайил давомида турли томоша ва ўйинлар ташкил қилинган.

Қум сайли — шифобахш қумлар кўп жой (масалан, Бувайда, Хоразм)да уюштирилган. Ун-

дан асосий мақсад қумга тушиш орқали касалликларга шифо топиш бўлган. Шунингдек, бу тадбир давомида дам олинган, ўйин-кулги қилинган, махсус таомлар пиширилиб, зиёфатлар уюштирилган.

Маҳалла байрами — қишлоқ ёки шаҳарлардаги маҳаллалар гузаридида аҳолининг сайил, томоша, кўргазмаларда қатнашиши, таомлар пишириб, дам олиши кабилардан иборат.

Меҳржон — кузги кун-тун тенглиги кунидида куз байрами сифатида ўтказилган.

Боғ сайли, Ҳазоррезги — кузнинг охирида боғларда дарахт барглари сарғайиб тушаётган вақтда, дов-дарахтлар охириги меваларини истеъмол қилиш ва бу йилги мавсум билан хайрлашиш мақсадида уюштирилган.

Биринчи қор — илк қор ёққан куниди уюштириладиган тадбир. Бунда «Қор хат» ёзиб, яқинларни зиёфатга тушириш одати ҳам бўлган. «Қор ёғди» — баъзи жойларда, хусусан, Тошкентда биринчи қордан сўнг марҳумлар мазорини зиёрат қилиш ва ундан сўнг ис чиқариш тарзида ўтказилади.

Қишки чилла — қишки энг узоқ тун ва энг қисқа кун содир бўлганидан кейин, 25 декабрдан бошланади. У қишнинг авжи энг совуқ вақтига тўғри келади ва 5 февралгача — 40 кун давом этади. Бу пайтда кишилар дам олишган, меҳмонга боришган, гап-гаштаклар, китобхонлик қилишган, илм, ҳунар ўрганишган. Бу сана энг узоқ тунга тўғри келгани учун Шарқда севишганлар «муҳаббат кечаси»ни ўтказишган.

Гап-гаштак — қишда бўш вақтларда улфатлар орасида навбатма-навбат ўтказиладиган зиёфат ва маданий дам олиш тадбири.

Қиш захрини ҳайдаш — қадимда қиш совуқларини тезроқ кетказиш мақсадида оловлар ёқиб ўтказилган маросим. Унинг қолдиқлари — олов ёқиш ёки кулни олиб бориб, далага сеппиш одатлари айрим жойларда ҳозир ҳам сақланиб қолган.

Албатта, ҳар бир ҳудудда халқимизга хос умум анъаналар билан бир қаторда, маҳаллий муҳитга мос тадбирлар ҳам бўлган. Масалан, Фориш тумани (хусусан, Саримсоқ ва Ухум қишлоқлари)да қуйидаги анъанавий тадбирлар ўтказилиб келинган:

Баҳорда:

— Олахучак йиғиш ва уни тузлаб ейиш одати.

— Қоқу (мойчечак) териш ва уни эзиб, туз сеппиб ейиш одати.

— Ялпиз (филина, пулина) териш ва ундан турли пишириқлар (сомса, пичаклар) пишириш одати.

— Азор пиёз (саримсоқ) териш ва уни овқатга қўшиб ейиш одати.

— Паварда (ёвон пиёз) териш ва уни овқатга қўшиб ейиш одати.

— Риши бўз (эчки соқол) териш ва уни туз билан ейиш одати.

— Чукри (ровоч) йиғиш, уни ейиш ва тузлаб қўйиш одати.

— Тоторон (рок) териш ва уни буғлаб ейиш (илдизи ва учи ейилган).

— Роба (коврак) териш ва уни арчиб ейиш одати.

— Лола (тоғ лола) ва лолақизғалдоқ сайли.

— Жоба (газанда) териш, овқатга қўшиб ейиш одати.

— Зира йиғиш, уни сақлаб қўйиш ва таомларга қўшиб ейиш одати.

Ёзда:

— Тут сайлига чиқиш, уни териш, ейиш ва ундан турли ширинликлар тайёрлаш одати.

— Гилос сайлига чиқиш, уни териш, ейиш ва ундан турли мураббо, шиннилар тайёрлаш одати.

— Олма сайлига чиқиш, уни териш, қуришиб, қоқи қилиш одати.

Кузда:

— Дўлана сайлига чиқиш, уни териш, мурабболар қилиш ва ейиш одати.

— Бодом (ёвон ачиқ) сайлига чиқиш, уни териш, йиғиш ва сақлаб қўйиш одати.

— Наъматак сайлига чиқиш, уни териш ва ундан турли шифобахш ичимликлар тайёрлаш одати.

Қишда:

— Гап-гаштак уюштириш.

— Турли ўйинлар (Пир этди, Гирда — гирда, Аралай — ёнғоқ ўйин, Қурч (тош ўйин), Гача — тўй ўйини, Ганга — топишмоқ ўйин) ўйлаш.

— Овга чиқиш — турли ҳайвонлар (тўнғиз) ва паррандалар (каклик)ни овлаш маросими.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, кўпгина мавсумий одатларнинг бир қисми соф маънавий дам олиш мақсадида уюштирилган. Тоғ сайли, гул сайли, сув сайли каби табиий-маданий ва ҳордиқий (дам олиш) шундай одатларнинг сирасига киради. Бироқ мавсумий одатларнинг иккинчи қисми асосан амалий фойда олиш (масалан, ялпиз йиғиш, тут териш, ов қилиш) мақсадида қилинган. Тўғри, улар амалий фойда олиш билан бирга, кишиларнинг маданий, маънавий дам олишига имкон берган. Албатта, ялпиз сайлидан мақсад, аввало, ялпиз териш, ундан сомса ёки чучваралар тайёрлашдир. Аммо қизларнинг ялпиз териш учун йиғилиши, уларнинг сўхбатлашиб, сирлашиши ялпиз териш жараёнидаги айтишувлар, ҳазил-мутойибалар, латифалар айтилиши, қўшиқ айтиб, рақсга тушилиши ўзига хос маданий-ҳордиқий тадбир вазифасини ўтаган. Демак, мавсумий маросим, одатлар ҳам амалий-моддий фойда олиш, ҳам маънавий эҳтиёжларни қондириш, дам олиш мақсадида уюштирилган.

Шундай қилиб, табиий, ижтимоий, касбий эҳтиёжлар асосида вужудга келган мавсумий байрамлар дам олиш, эстетик завқ олиш, маъ-

навий-руҳий қувват олиш, амалий фойда топиш мақсадида уюштирилган ва улар халқ турмушининг кўрки, безагига айланган.

БАҲОР ТАНТАНАЛАРИ

Ўзбек халқида баҳор фаслида ўтказиладиган байрамона тадбирлар бошқа фаслларга қараганда бирмунча кўп. Бунинг сабабини турлича изоҳлаш мумкин. Маълумки, баҳорда нафақат табиат, балки инсоннинг ўзи ҳам ўзгаради. Инсон баҳор каби нозиклашиб, у нафисликка, гўзалликка, янгилликка чанқоқ бўлиб қолади. Бу вақтда киши ҳар бир ҳодисадан янгиллик ва гўзаллик қидириб қолади. Одамлар табиатида рўй берган ана шу ҳолат табиат билан боғлиқ бўлган ҳар бир ҳодисани поэтик маънога эга бўлган тадбир, маросимга айлантириб юборади. Шу сабабли, бойчечак чиқиши, ялпиз униши, лолалар очилиши, толларнинг гуллаши, қушларнинг сайраши кабилар (шоирларда шеърий туйғуларни кўзгатиб юборганидек) кишиларни фаоллаштириб юборади. Натижада, баҳор фаслининг муҳим ҳодисаларининг деярли ҳар бирига атаб

маросим, байрамлар уюштирилади. Баҳорий одат ва байрамлар аввало янги меҳнат мавсуми бошланишидан дарак берувчи тадбир сифатида кишилар ҳаётида муҳим ўрин тутган. Шу боисдан баҳор кириб келишини кутиб олиш байрамлари қадимдан барча халқларда мавжуд бўлган. Айтиш мумкинки, баҳор байрамлари инсоният вужудга келиши билан пайдо бўлган. Улар одамларнинг дунё бўйлаб тарқалиши натижасида барча ҳудудларга ёйилган ва кейинчалик турли халқларда турли ном ва шаклларда уюштирилган. Кўпгина халқларда қишни кузатиш ва баҳорни кутиб олиш анъаналари энг йирик байрамларга айланган. Масалан, японларда — «Риссон», хитойларда «Чунь-цзе», славян халқларида «Масленница», Марказий ва Ўрта Осиё халқларида эса, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, «Наврўз» ёки «Иил боши» деб ном олган.



Анъанавий байрам. Наврўз.

НАВРЎЗНИНГ ЯНГИЛАНИШИ

Табиатда тун ва куннинг тенг бўлиши, баҳорнинг кириб келиши, далаларда иш бошланишидан дарак берувчи, халқ томонидан кенг нишонланувчи Наврўз байрами ўтган даврларда муайян тақиқларга дуч келса-да, у халқ истаги билан қайта тикланди ва 1990 йилдан бошлаб, мамлакатимизнинг расмий байрамига айлантирилди.

Авваллари Наврўз табиат уйғониши, янги қишлоқ хўжалик мавсумини шоду-хуррамлик билан кутиб олиш тантана бўлган бўлса, у 90-йиллардан бошлаб янгиланган Наврўз сифатида табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштирувчи, табиат гўзалликлари ва бойликларини сақлаш, кўпайтиришга даъват этувчи, атроф-муҳитни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, инсон меҳнатини улуғлаш каби улуғвор ишларни амалга оширишга чақирувчи талбирга айланди.

Замонавий моҳият касб этган янгича Наврўз моҳиятини яхшироқ тушуниш учун аввало, унинг 90-йилларда республикамизнинг турли ҳудудларидаги тикланиш тажрибалари билан танишиш лозим. Чунки бу байрам турли жойларда маҳаллий шароит ва мавжуд имкониятлар асосида ранг-баранг усул, шаклларда янгилана бошланди.

Фарғонада Наврўз арафасида ҳамма жойда ҳовлилар, уйлар, кўчалар тозаланиб, безатилади. Кечки пайт эса, кишилар бир-бирлариникига меҳмонга бориб, кексалар зиёрат қилинади, ота-оналар, устозлар ва табаррук кишилардан хабар олинади, ўзаро аразлашган, гинакудурат қилганлар яраштирилади ва ҳоказо. Фарғона вилоятининг кўпгина қишлоқларида ҳам Наврўз байрамини ташкил қилиш жуда яхши йўлга қўйилиб, у икки кун давомида ўтказилади. Одатда, байрам «Баҳорхоним»нинг ўз дугоналари билан безатилган очик машинада аҳоли яшайдиган кўчаларни карнай-сурнай садолари жўрлигида айланиши билан бошланади. «Баҳорхоним» қишлоқ ёки маҳалланинг марказий майдонларида тўхтаб, ўлкага баҳор кириб келгани билан аҳолини табриклайди, ҳаммани Наврўз байрами тантаналари бўладиган жойга таклиф қилади. Шундан сўнг жойларда ўйин-кулгилар уюштирилади.

Байрамнинг иккинчи қисми маданият ва истирожат боғида «Баҳорхоним» ва унинг дугоналарини тантанали кутиб олиш билан бошланади. Кейин «Баҳорхоним» ва меҳмонлар махсус безатилган минбарга кўтарилишади. «Баҳорхоним» байрам қатнашчиларига шодлик, дўстлик ва ободончиликка оид ўз шартларини айтади. Сўнг олдиндан белгиланган жойда «Баҳорхоним» биринчи бўлиб ниҳолни экади. Байрамнинг бошқа қатнашчилари ҳам дарахт ўтқозишади.

Наврўзнинг учинчи қисмида баҳор кириб келиши, янги ҳосил йили бошланишига бағишланган тематик дастур (оммавий томоша ёки театрлаштирилган концерт) намойиш қилинади. Бунинг учун саҳна байрамга мос безатилади ва унинг атрофига стол-стуллар қўйилади. Дастурхонлар ялпиз, кўк пиёз, кўкатли сомсалар ва патириллар, мева шарбатлари, лаззатли анъанавий таом бўлган сумалак билан безатилади. Байрамнинг театрлаштирилган дастуридан баҳорга бағишланган мушоиралар, кўшиқ ва рақслар, аския ва интермедиялар, илғор ишчилар, фахрийлар ва ёшларнинг табрик нутқлари ҳам ўрин олади.

Наврўз байрамининг кейинги қисми оммавий сайиллар, халқ ўйинлари, спорт мусобақаларига (кураш, отчопар ўйинлар, шахматшашка кабиларга) улашиб кетади.

Кувала Наврўз ҳар йили анъанавий тарзда, махсус сценарий асосида ташкил қилинади. Бадиий ҳаваскорлик жамоалари концертлар беришади. Томошалар, халқ ўйинлари, спорт мусобақалари ўтказилиб, ушбу байрам ҳақиқий халқ сайлига айланиб кетади.

Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида ҳам Наврўз «Баҳорхоним» ва дугоналарнинг маҳалла кўчаларини айланиши, аҳолини табриклаши билан бошланиб, жойларда ўйин-кулги уюштириши ҳамда дарахтлар ўтқозиш каби маросимлардан ташкил топади. Сўнг Наврўзга бағишланган асосий томошалар, сайиллар, мусобақалар, оммавий ўйинлар ва базм уюштирилади.

Қашқадарё вилоятида Наврўз байрами меҳнат илғорларига мукофотлар, Наврўз арафасида туғилган чақалоқларнинг ота-оналарига гувоҳномалар, вояга етган ёшларга паспорт топшириш каби турли маросимларга боғлаб ўтказилган. Бундай маросимлар Наврўз байрами мазмунини янада бойитиб, унинг гоаявий-эстетик таъсирчанлигини оширади.

Наврўз байрами Қашқадарё вилоятининг Арабхона қишлоғида ҳам катта тантана билан ўзгача тартибда нишонланади. Бу ердаги урф-одатлар, анъаналар ўзининг қизиқарлилиги билан кишини ром қилади.

Наврўздан икки кун олдин кечқурун карнай-сурнайлар, ногора-танбурлар чалиниб, жарчилар тепалик устидан туриб эълон қилдилар. 20 март куни эса эрталаб соат 7⁰⁰ дан бошлаб бутун арабхоналиклар турли-туман таомлар пишириб гилам-кўрпача, дастурхон, чойнак-пиёлалари билан баланд тепалик устига чиқишади. Янги келин олган қайнона ва қайноталар Наврўздан уч кун олдин ўрик туршагидан шарбат тайёрлаб қўйишади. 20-мартда тепалик устига катта дастурхон ёйиб, битта

қўй сўйиб, дастурхон безаб, барча келин томоннинг қариндош-уруғларини чақириб, уларга бир коса ўрик шарбатидан «Гумингба» сузиб беришади. Кейин қўй гўштидан тайёрланган ширин, мазали ошга таклиф этадилар. Бу одатни барча янги келин олган қайнона-қайноталар бажаришади. Ўрик шарбати беришнинг рамзий маъноси — қишда аъзойи баданларимизда қолган бодларни ҳайдаб чиқарсин деб келган меҳмонларга биринчи ўрик шарбатини беришади. Иккинчи, ошга таклиф этишнинг рамзий маъноси барча ичак-чавоғим изни ёғласин, деган маънода тоза зигир ёғидан ва қўй гўштидан қилинган ошга таклиф қилишади. Шу кунни барча Арабхона қишлоғи аҳолиси тепалик устида йиғилиб, овқатланиб, ўйин-кулги қилишади. Кимдир доира чертса, кимдир тор чалади, кимлар кўшиқ айтади, кимлар рақсга тушади. Шундай қилиб ўша кунни санъаткорлар ҳам, раққосалар ҳам халқ ичидан чиқади. Четдан санъаткорлар таклиф қилинмайди. Наврўз базми кечгача давом этади. Бу базмининг ўз қонун-қоидалари бор: одамлар тепаликка чиқмасдан 3 кун олдин уйдаги барча гилам — кўрпача, парда, қозон-товоқ, каби нарсаларни ювиб, қуритиб ҳамма жойларини тоза-озода тутиб, кийимларини ювиб, дазмоллаб кўйишади. Ҳамма одамлар тозаликка риоя қилади ва учинчи кун тепаликка чиқишади.

Шаҳрисабз Наврўз байрами дастурида Ўрта Осиёнинг буюк алимолари — Фирдавсий, Беруний, Умар Хайём, Навоий, Завқий, Муқимийларнинг Наврўз ҳақидаги фикрлари, шеърларидан кенг фойдаланилади. Наврўзнинг бундай тарзда ўтказилиши ҳам илмий, ҳам маданий, ҳам амалий аҳамиятга эга.

Форишда Наврўз байрами табиат кўйнида ўтказилади. Туман маркази аҳолиси Наврўз кунни эрталабдан байрам ўтказиладиган жойга йўл олишади. Байрамнинг очилиш қисмида туман раҳбарлари, илғор чорвадорлар, деҳқонлар сўзга чиқади. Сўнг туман маданият уйи қошидаги «Чорвадор» халқ ансамбли, «Чучмома» фольклор жамоаси, Тошпўлатовлар оилавий ансамбли, 6-хунар-техника билим юрти ҳаваскор қизлари катта байрам концертини томошабинлар эътиборига ҳавола этишади. Ундан кейин кураш, арқон тортиш, от спорти мусобақалари, халқ ўйинлари бошланади. Кўпгина оилалар байрам бўлаётган жойга турли таомлар тайёрлаб чиқишади. Тушлик вақтида улар табиат кўйнида дастурхонлар ёзиб, ёру дўстлари, қариндош-уруғлари ва таниш-билишларини зиёфатга таклиф қилишади. Байрам кечкурун гача давом этиб, сўнг туман марказидаги истироҳат боғида ниҳоясига етказилади. Бу ерда ёшлар кечалари, оммавий рақслар ва қизиқарли ўйинлар уюштирилади.

Фориш тумани қишлоқларида нишонлана-

диган Наврўз халқ миллий таомлари тайёрлаш бўйича ўзига хос кўрикка ҳам айланиб кетади. «Бирлашган» («Саримсоқ») даги мактаб ўқувчилари ота-боболари анъаналарини давом эттириб, Наврўз байрам қилинадиган жойга ўзлари тайёрлаган таомларни олиб келишади. Наврўз дастурхонида «шоҳона» таом — сумалакдан ташқари барак (кўк ўтдан қовуриб тайёрланган чучвара), бичак (кўк ўтли сомса), татиран (ўсимлик танасидан тайёрланган), қоқи (салати), юпқа (қуймоқ), куч оши, ун оши, гўжа, кесган ош, кулчатои, қатлама, филминди, ширвоз кабоби кабиларни кўриб, уларнинг бетакрор мазаларидан татиб кўриш мумкин. Наврўз байрами ҳайъати энг яхши пандаларни аниқлаб, уларни тақдирлайди.

Самарқандда Наврўз «Регистон» майдонида тантанали байрам маросими ва катта театрлаштирилган томоша сифатида ўтказилади. Шуниси диққатга сазоворки, театрлаштирилган томошада шарқ адабиёти мумтоз шоирлари — Навоий ва Жомий сиймолари кўрсатилади. Байрам томошалари уларнинг Наврўз байрами, баҳор, меҳнат ва халқлар дўстлиги ҳақидаги шеърлари билан бошланади.

Табиат кўйнида ўтказиладиган Ургут Наврўзи ўзининг анъанавий ва замонавий талбирларни чамбарчас боғлаган тантаналари, маросим, томоша ва мусобақалари билан машҳурдир. Ургут шаҳрида байрам эрта тонгданоқ бошланади. Миллий чолғу асбоблари — карнай ва сурнайларнинг овози атрофни тутиб кетади. «Наврўз байрамингиз қутлуг бўлсин!» шиори билан безатилган машина шаҳар кўчалари бўйлаб боради. Одамлар бир-бирларини байрам билан табриклайдилар. Минглаб кишилар Аллаёрон тоғи томон йўл оладилар. Тоғ ёнбағрида афсонавий манзара намён бўлади. Ургутликлар бу ерни «Тўпхона» деб атайдилар. Чунки халқ бу ерда тўпланади. Бу ерда, одатда, Наврўз байрамига 50 мингга яқин киши тўпланади. Байрам томошаларига шаҳар аҳолиси, теvarак-атрофдаги қишлоқ кишилари, қўшни туман ва ҳатто вилоятлардан меҳмонлар келишади.

Қадрдон дўстлар, қариндош-уруғларнинг бир-бирлари билан учрашиб, суҳбат қуришлари учун бу ердаги гўзал табиат Наврўз байрамига жуда қулай имконият яратиб беради. Ҳамма ёқдан табрик хитоблари, явнок кулги эшитилади. «Келин салом» маросими бошланиб, байрамона кийинган келинчаклар меҳмонлар ҳурматини бажо келтириб, ибо билан таъзим қилдилар. Дастлаб, келинчаклар ўзлари туғилиб, вояга етган заминга эгилиб, қуллуқ қилдилар. Кейинги таъзим — тоғлар ва оби ҳаёт манбаи бўлган дарёларга, учинчиси келинчакни қутлагани келган ёр-биродарлар шаънига аталади. Шундан кейин, ҳар бир келинчак кўлини

кўксига кўйганича, меҳмонларга бир пиёладан чой узатади.

Ургут Наврўзида кулолчилик, каштачилик, зардўзлик, темирчилик, сандиқсозлик каби-лар бўйича маҳаллий амалий санъат усталари ўз маҳоратларини намойиш қиладилар. Наврўз байрами бошланишидан аввал болалар бойче-чакларни кексаларга тақдим этишади.

Карнай-сурнай садолари янграйди. Бу Наврўз байрамининг тантанали очилиш маросимини билдиради. «Тўпхона»нинг марказига ўрнатилган минбарга маҳаллий ҳокимият вакиллари, меҳнат фахрийлари, меҳмонлар кўтарилишади. Ҳамма деҳқонларни қутлаб, уларга бу йил ҳам мўл ҳосил етиштиришларини тилаб истак билдиришади. Анъанага кўра, байрамнинг расмий очилиш маросимидан кейин мушоира бошланиб, шоирлар шеърлар ўқишади. Сўнг Ургутнинг машҳур «Бешқарсақ» фольклор жамоаси ҳамда ҳаваскор жамоалар ўз санъатларини намойиш этадилар. Кун бўйи мусиқа, шўх кўшиқ тинмайди. Масхарабозлар, дорбозлар ва полвонларнинг санъати йиғилганларда катта қизиқиш уйғотади. Паҳлавон йигитлар миллий кураш бўйича бир-бирлари билан куч синашадилар. Чавандозлар шу ернинг ўзида кўпқари (улоқ) ўтказадилар.

Ўзбек миллий байрамлари дастурхонини турли таомлар: палов, шўрва, кабоб, бўғирсоқлар безайди. Ўша кун иштирокчилар йилда бир марта — баҳор ойида тайёрланадиган таом — сумалакни татиб кўришади. Наврўзга одамлар ҳам турли баҳор таомларини — ўт бичак, кўк сомса, қатлама, пиёз патир, бугдой қулча кабиларни тайёрлаб келишади. Ургут Наврўзининг яна бир ажойиблиги шундаки, унинг очилиш маросимини кўриш мумкин, аммо байрамнинг ёпилишини сезиш амри маҳол. Чунки Ургутдаги байрам тантаналари Аллаёрон тоғидан аста-секин водийга тушиб, кўчалар ва уйларда узоқ давом этади. Наврўз кишилар қалбида бир йилга татийдиган ёрқин таассурот, тетиклик қолдиради. Наврўз байрамидан кейин кишилар яшарган, куч-қувватга тўлган ҳолда ишга киришадилар.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистоннинг турли туманларида ўтказилган Наврўз байрами тантаналарида турли анъаналар, ўзига хос хусусиятлар борлиги сезилади. Аммо барча жойда аynи шу байрамга хос умумий жиҳатлар мавжудлиги ҳам аниқ билинади. Уларни умумлаштира, Наврўзни қуйидаги тартибда ўтказилгани аён бўлади:

1. Наврўз байрамининг тантанали очилиш маросими ва катта байрам томошаси.
2. Халқ сайли: кўриклар, мусобақалар, томошалар ва ҳоказо.
3. Наврўз байрами кўрик мусобақалари ғолибларини тақдирлаш маросими.



Наврўз тантаналари.

Наврўзни тиклаш жараёнида уни ташкил қилиш тажрибаси ҳам вужудга келди. Байрамга тайёргарлик кўришдан олдин ташкилий кўмита тузилади, унинг бевосита ташкилотчиси ва ҳар бир иш учун жавобгар шахслар тайинланади. Ташкилий кўмита байрамга тайёргарлик ишларини олиб бориш жараёнида қишлоқлар, шаҳар мавзелари ва кўчалари, тураржойлар, уйлар, ҳовлилар ўртасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича танлов ўтказилади.

Наврўз гўзаллик, табиат ва меҳнат байрами бўлгани учун очик ҳавода, табиат қўйнида, яъни маданият ва истироҳат боғлари, йирик майдонлар, стадионлар, отчопарлар, дам олиш зоналари, сайилгоҳларда ўтказилади.

I қисм. Баҳор сайри — Наврўз байрами ўтказиладиган аҳоли пункти байрамонга безатилади. Эрталабдан байроқлар, шиорлар ва гуллар билан безатилган бир неча очик машина кўчалар бўйлаб юра бошлайди. Биринчи машинада карнай-сурнай садолари янграб, у катта халқ байрами бошланиши ҳақида «хабар» бериб боради.

Иккинчи машинада Наврўз маликаси — «Баҳорхоним», байрамнинг рамзий қаҳрамонлари: «Наврўзбобо» (ёки «Бободехқон»), «Момоер», «Пахтаой», «Ҳосилжон» ва байрам руҳига

мос либослар кийган ёш йигит-қизлар аҳолини байрам билан олқишлаб борадилар. Уларнинг кўчалардан бу тарзда тантанали ўтиши ўлкага баҳор келгани ва янги ҳосил мавсуми бошланишидан дарак беради.

Учинчи машинада эса меҳнат илғорлари, фахрийлар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари қатнашчилари, байрамона кийинган йигит-қизлар барчани баҳор билан қутлаб ўтадилар. Кичик аҳоли пунктларида байрам сайри машиналарсиз, пиёда ўзига хос намойиш шаклида ўтади.

II қисм. Байрамнинг асосий тадбири ўтказиладиган жой ғоявий-рамзий ва эстетик жиҳатдан нафис безатилади. Тўрда «Баҳорхоним»га мўлжалланган (энди очилаётган «ғунча»ни эслатиб турадиган) катта рамзий «тахт» ясагилиб, унинг икки ёнига табиат ва боғлар гўзалликларини акс эттирувчи бадиий-рамзий тасвирлар, чиройли гуллар ўрнатилади.

Тадбир ўтказиладиган жойда эрталабдан радио карнайлардан табиат гўзаллигини, баҳор фаслини, меҳнатни мадҳ этувчи шеърлар, куй ва қўшиқлар таралиб туради. Тантана бошланишидан олдин эса ўзбек одатига мувофиқ карнай-сурнай садолари барчани анжуман бўладиган жойга чорлаб, байрам кайфиятини яратиб туради.

Наврўз байрамнинг асосий маросим-тадбири маҳаллий шароит имкониятлари, байрамни ўтказиш жойи, аҳолининг қизиқиши, халқ талантларининг қобилияти ва ҳоказолар асосида турлича ўтказилади. Байрамни ташкилий кўми-та раиси очиб, даврага «Баҳорхоним» таклиф этилади. Ташкилий кўми-та раиси «Баҳор фасли» куйи садолари остида «Баҳорхоним»га «Байрам маликаси тожини» кийдиради ва уни давра тўридаги «тахт»га ўтказишади (бу баҳор фасли ўз ҳукмини бошлади деганидир). Сўнг байрам мушоираси ўтказилиб, унда аввал шарқ ва ўзбек мумтоз шоирларининг Наврўзга, баҳорга бағишланган шеърлари янграйди. Кейин маҳаллий шоирлар ўзларининг табиат, баҳор байрамлари, меҳнат тўғрисидаги шеърларини ўқишади. Мушоира куй-қўшиқларга уланиб кетади. «Баҳорхоним» даврага «Наврўз бобо» («Бободехқон») ва «Момоер»ни таклиф этади. Улар барчани байрам билан табриклаб, яхши тилаклар билдиришади. «Наврўз табассуми» эпизодида Насриддин Афанди ва қизиқчилар латифа айтиб, аския қилишади. Кейин «Баҳорхоним» инсон умри ҳақида сўзлаб, чақалоқларга исм қўяди, янги келин-куёвларни қутлайди ва олтин тўйларини ўтказаяётган қарияларни шарафлайди. Сўнг «Баҳорхоним» ўз истакларини қуйидагича билдиради: «Наврўз байрами янги баҳорни кутиб олиш билан бирга табиат гўзалликларини эъозлаш, сақлаш, бойитиш, ўлкани гулзорларга айлан-тириш, янги меҳнат мавсумини бошлашни ни-

шонлаш байрамга айланмоқда. Наврўз байра-мидаги анъаналарини қўллаб, қувватламоқ ва ривожлантирмоқ керак.

Биринчи истагим: *бугунги байрамда барча ўз ижоди ва қобилиятини намойиш қилсин! Табиатсеварлар ўзларининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ноёб ва гўзал турларини сақлаш ва кўпайтиришдаги фаолиятини барчага кўрсатсин. Баҳор сайлида халқ бадиий ижоди, халқ амалий безак санъатида, халқ пазандачилик бобида ва баҳор таомлари тайёрлашда ким нимага қодир бўлса, ўшани намойиш қилсин. Хуллас, ҳар бир одам байрамда томошабин эмас, балки фаол қатнашчига айлансин!*

Иккинчи истагим: *Наврўз байрамида бошланган шодлик, хурсандчилик йил бўйи давом этсин! Байрам кунда одамлар аввалги гинакудуратларини унуттишсин! Ҳамма бир-бири билан дўст, биродар бўлсин! Узаро ёрдам ва меҳру оқибат ҳамшиша барқарор бўлсин!*

Учинчи истагим: *бугунги байрамдан сўнг, янги ҳосил мавсуми бошланади. Пахтакору-ғаллакор, боғбону-пиллакор, сабзавоткору-чорвадор — барча-барчанинг ишига ривож берсин! Ҳамманинг кучига-куч қўшилиб, ишлари унумли бўлсин! Кўчаларимиз, боғларимиз обод, кўркам бўлсин. Ҳар бир киши биттадан дарахт кўчати ўтқазсин! Барча табиат гўзалликлари, бойликлар, энг ноёб ва гўзал турларини асраб-авайласин! Дунёда тинчлик, осойишталик барқарор бўлиши учун ҳар бир киши ўз ҳиссасини қўшсин!*

«Наврўзи ажам» куйи янграйди. Баҳорхоним ва байрам бошқарувчилари барчани халқ сайлига таклиф этади.

III қисм. Халқ сайлида ҳар ким ўзига ёққан томоша, кўрик, мусобақа, қизиқарли ўйинларда қатнашиши мумкин ва улар учун махсус жойлар тайёрланган бўлади. Бир жойда байрам кўргазмалари, кўрик-конкурслари; 2-жойда — дор ўйини, полвонлар мусобақалари; 3-жойда — аскиячи, қизиқчилар чиқиши, театр томошалари; 4-жойда — бадиий ҳаваскорлик жамоалари, фольклор-этнографик ансамбллар концертлари; 5-жойда — спорт мусобақалари (кураш, пойга, чавандозлик) кабиларни уюштириш мумкин. Наврўз сайлининг барча тадбирлари табиат, баҳор, меҳнат, муҳаббат, дўстлик мавзуларига бағишланиши лозимдир.

Наврўз тадбирлари ичида дарахт кўчати ўтказиш маросимига алоҳида эътибор берилади. Халқ сайлининг таркибий қисми сифатида ўткир зеҳнлилар мусобақаси, «баҳор либослари» — мода намойиши, «кўклам таомлари» (кўк ош, кўк чучвара, кўк сомса, ялпиз, исма-лоқ, қоқи каби доривор ўсимликлардан тайёрланган салатлар) тайёрлаш борасида кўрик танловлар ўтказилади.

Тошкент шаҳар сайилгоҳида «Баҳор» байра-мида ўзбек пазандачилик, нонвойлик, қандо-

латчилик усталари санъати бўйича кўриклар ўтказилади. Шунингдек, мева ва қовун-тарвузларини баҳоргача сақлаган деҳқонларнинг меҳнати натижалари намойиш қилинади. Албатта, лаззатли, тўйимли ва севимли анъанавий таом — сумалак Наврўз байрамининг ўзига хос кўрки сифатида намойиш этилади. Сумалакни тайёрлаш учун 2—3 кун олдин иш бошланиб, сумалак пиширувчилар кўриги ўтказилади.

Баҳор сайлида кун бўйи умумий овқатланиш, савдо, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари хизматда бўлади. Радиокарнайдан байрам қандай ўтказилаётганлиги, содир бўлаётган воқеалар ҳақида репортажлар бериб борилади. Баҳор байрамининг кечки дастурида қизиқарли ўйинлар, рақс кечалари, театрлаштирилган карнавал касб тадбирлар бўлади.

IV қисм. Наврўз байрами танловлари голибларини тақдирлаш маросими. Тантана охирида

«Баҳорхоним», «Момоер», «Наврўз бобо», «Ҳосилжон», «Пахтаой», «Бободехқон», Насриддин ва ҳайъат аъзолари Наврўз байрами тадбирларига яқун ясашади. Унда ташкилий кўмита раиси байрамни уюштириш жараёни ҳақида қисқача ҳисобот беради. Танлов ҳайъати тураржойлардаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш танлови голибларига «энг озода ҳовли», «энг озода кўча», «энг тоза маҳалла» каби мукофотлар топширади. Барча голибларга «Баҳорхоним» дипломлар, фахрий ёрликлар ва эсдалик совғалари беради. Голибларга бағишланган куй ва қўшиқлар ижро этилади.

Шундай қилиб, XX аср 90-йилларида Наврўзнинг тикланиши умумхалқ байрамига айланади ва ҳар йили кенг нишонлана бошланди (Бу ҳақда китобнинг «Замонавий байрамлар» қисмида фикр юритилади).

СУМАЛАК САЙЛИ

Сумалак халқимизнинг ардоқли шодиёнаси — Наврўзнинг кўркидир. Сумалак — Наврўзнинг шоҳ таоми бўлиб, у илк кўклам даракчиси, барака, ҳосилдорлик, тўкин-сочинлик, аҳиллик, тан сиҳатлик ва эзгулик тимсолидир.

Сумалак тарихи. Сумалак номли тансиқ ва шифобахш таомнинг келиб чиқиши тарихи олис аجدодларимизнинг ибтидоий йиғим-теримчиликдан деҳқончиликка ўтиш даврларига бориб тақалади. Тарихчиларнинг таъкидлашича, бундан 3000 йил илгари ҳам Ўрта Осиё аҳолиси ўртасида баҳорни кутиб олиш, қишлоқ хўжалик ишларини бошлаш арафасида энди униб чиққан кўм-кўк ўт-ўланлардан махсус таомлар тайёрлаб ейиш одати бўлган.

Табиийки, «сумалак» сўзининг маъноси ва бу фаройиб неъматни тайёрлаш удумининг тарихий асослари кўпчиликни қизиқтиради.

Буюк тилшунос Маҳмуд Қошғарий ўзининг «Девону луғотит турк» асарига ёзишича, «сума» ивтилган бугдой номи. У қуришиб туйилади, сўнг ундан угра оши ва нон пиширилади. Шарбат қилиш учун ундирилган арпага ҳам «сума» дейилади. Демак, «сума» — ивтилган бугдой ёки арпа маъносини англатувчи қадимги туркий сўздир. Шу боисдан сумалак пишириш удуми Ўрта Осиёда яшаган туркий қавмлари орасида қадимдан кенг расм бўлган, деб хулоса чиқариш мумкин.

Маълум бўлишича, дастлаб сумалакни бугдойдан эмас, балки... арпа майсасидан қилишган экан. Маҳмуд Қошғарий «шарбат қилиш учун ундирилган арпа учун ҳам» «сума» сўзи қўлланилишини алоҳида таъкидлаган бўлса, Беруний ёзиб қолдирган афсонада одамлар «Ба-

ракатга эришиш учун тос ёки бошқа идишларга арпа эккан»лиги маълум қилинган.

Сумалак Муҳаммад пайғамбар яшаган даврда ҳам маълум бўлган. Беруний берган маълумотларга қараганда Муҳаммад пайғамбарга сумалак келтириб беришганда, у бу нима эканлигини сўрайди. «Бу сумалак» дейишади. Пайғамбаримиз сумалак нима эканлигини сўрайди. Унга «сумалак Наврўз таоми» деб тушунтиришади. Шунда пайғамбар сумалакни татиб кўриб, «Ҳар кун наврўз бўлсин!» дейди.

Айрим тарихчилар «сумалак» форсча «Самони» — бугдой майсаси сўзидан келиб чиққан, деб ҳам таъкидлашади. Шунингдек, «сумалак» «си малак» сўзидан олинган деган тахминлар ҳам бор. «Си малак — ўттиз пари, ўттиз фаришта» дегани. Сумалак пишаётганда, қозон бошида ўттиз малак ўтирар эмиш. Улар ёрдамида сумалак пишар экан. Тонг маҳали, ҳамма чарчаб, ухлаб қолганида, фаришталар сумалакка туз соладилар ва у ширин бўлади (Йўлдош Муқим ўғли Оташ. Наврўз нақли. — Т.: Ўзбекистон, 1992. — 10-бет).

М. Ҳасанов ёзма тарихий манбаларга, жумладан, Муҳаммад Хусайн Бурҳоннинг «Бурҳони қотий» луғатига таяниб, сумалакни «саману» сўзи билан боғлаб, қуйидагиларни ёзади: «саману — ҳолвайтарга ўхшаган нарса, кўклаган бугдой ўсимталарининг ширасидан тайёрланади».

Хусайн ал-Оқилий (XVIII аср охири) форс тилида ёзган «Даволат хазинаси» китобида сумалак ҳақида шундай ёзади: «Саману — «найда»нинг форсча номидир. Уни «саману бавво» ёки «самани бўё» дейишади. Кўпгина мамлакатларда севимли, машҳурдир. У ширин ва

лаззатли таомдир (О. Бўриев. Наврўз тарихидан лавҳалар. — Т.: Ўзбекистон, 1990. — 50—51-бетлар).

Умар Хайём қаламига мансуб «Наврўзнома»нинг арпага бағишланган бобида айтилишича, қадимги Эрон шоҳлари арпа майсасини яхшилик аломати сифатида эъзозлаганлар. Чунки арпа бошқа экинлардан барвақтроқ етилади. Ҳатто, «арпа қирқ кунда омбордан омборга ўтади» деган нақл ҳам мавжуд экан. Эронликлар ой тўтилган тунда экилган арпа донидан руҳий хасталик шифо топади, тўлин ой нур таратиб турган кеча экилган арпа дони билан отлар боқилса, улар семириб кетади, арпа майсасини қайнатиб ичган одам дармонсизлик дардидан фориғ бўлади, деб ишонишар экан. Деҳқонлар эса эрта баҳорданоқ арпа майсаси ҳолатига қараб, куз қандай келишини тахмин қилишаркан.

Умар Хайём арпа майсасининг хосияти ҳақида қуйидаги афсонани ҳам келтиради: *Кунлардан бир кун Хурмуз арпа экилган дала ёнидан ўтиб қолибди. Илк баҳор чоғи, арпа майсалари анча бўй тортиб қолган экан. Деҳқон арпасини суғормоқчи бўлиб, ариқ даханасини даласига тўғрилаб қўйган экан, арпаоя сувга тўлиб, уватидан ошиб, йўлга тошиб кетаётган экан. Буни кўрган Хурмуз арпаоядан оқиб чиқаётган сувдан бир кўза тўлдириб олишни буюрибди. Мулозимлар унинг айтганини бажо келтиришибди ва Хурмуздан сўрашибди:*

Арпа ичидан тошиб келаётган сувдан олишингизнинг боиси недур?

Шунда Хурмуз: *«Арпа табаррук дон, унинг майсаси эса баракат рамзидир. Кимда ким эрта баҳорда арпа майсалари орасидан оқиб ўтган сувдан ичса, чарчоғи ёзилади, ошқозон дардларидан фориғ бўлади, келаси йил арпа пишиғигача тетик ва бардам бўлиб юради!»* — деб жавоб берибди.

Демак, сумалак пишириш удуми кузда рамзий маънода «уйкуга кетган» ўсимликлар дунёсининг эрта кўкламда қайта уйғониши ҳақидаги қадимий халқ қарашлари асосида келиб чиққан.

Нақл қилишларича, тонгга яқин сумалакни қовлаётганларни уйку элтиб, улар пинакка кетган пайтда осмону фалақдан учиб келган малойикалар қозонга туз ташлаб кетармиш. Сумалакка туз солинмаслиги ва унинг қуёш чиққан пайтда сузилиши қадимги удумлар билан боғлиқдир.

Сумалак ҳақида ривоятлар. Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асаридаги бир афсонада сумалак пишириш тарихи баён қилинган: *«Наврўз тонгида Бушанж (Хуросондаги шаҳар) тоғида бир ғойлам гиёҳ тутган индамас бир киши кўринади. У бир соатча пайдо бўлиб, келгуси йил шу вақтгача ғойиб бўлади»,* дейдилар. *Задавайх айтишича,*

бу ҳодисага сабаб қуёшнинг жанубий томондан, яъни афохтардан чиқиши бўлган. Чунки лаънати Иблис баракатни кеткизаверганидан кейин, одамлар овқат ва ичимликдан бош кўтармаганлар, аммо тўймаганлар. У шамолни ҳам эсишдан тўхтатган. Натижада дарахтлар қуриб, дунё ҳалок бўлишига яқинлашган. Шунда худонинг амри ва йўл кўрсатиши билан Жамшид Иблис ва унинг ёрдамчилари турган жойни мўлжаллаб, жанубий томонга борган ва то баракатсизликни кеткузгунча бир қанча вақт ўша ерда қолган. Одамлар яна мўътадил (ҳолатга), баракат ва фаровонликка қайтиб, балодан қутилганлар. Шу вақт Жамшид дунёга қайтиб, шу куни қуёшдек чарақлаган ва ундан нур таралиб турган, чунки у қуёш сингари нурли экан. Одамлар иккита қуёш чарақлаб турганидан ажабланганлар. Ҳамма қуриган чўплар кўкарган ва одамлар «Рўзи нав», яъни «янги кун» деганлар. Ҳар ким баракатга эришмоқ учун идишларга арпа эккан. Кейин подшолар саройининг саҳни атрофида 7 тахта экиш расм бўлиб қолган. Буларнинг униб чиқишига қараб, шу йил ғалла дони тўқ ёки пуч бўлиши тахмин қилинар экан».

Айтишларича, 7 хил дондан 7 хил таом тайёрлаш одати пайдо бўлган эмиш. Арпа ёки бугдой ундирилиб, улардан тайёрланган таомдан сумалак вужудга келган экан.

Сумалакнинг келиб чиқиши ҳақида диний афсоналар ҳам мавжуд. Бир куни Биби Фотиманинг болалари оч қолишибди. Овқат пишириб берай десалар, уйларида қозонга солгулик ҳеч вақо йўқ экан. Ушанда қиш тугаб, энди кўклам кўкатлари ер бағирлаб бош кўтарган вақт экан. Биби Фотима ҳовлисининг бир четига кузда бир ҳовуч дон сепган эканлар. Қарасалар ўша кўкариб, майсалар униб қолган экан.

Дарров шу майсаларни ўриб келиб, майдалаб қозонга солиб, супрадан қоқиштириб олинган бир сиқим унни ҳам қўшиб, яхшилаб аралаштириб, устидан сув қуйиб, қозон тагига ўт қалабдилар. Бироз қозонни қовлаб ўтиргандан кейин ўғилларига қўшилиб Биби Фотима ҳам ухлаб қолибдилар.

Эрталаб уйғониб қарасалар, қозонни ўттизта фаришта қовлаб турган эмиш. Шунинг учун бу таомнинг номи сумалак бўлиб қолган экан.

Шундан сўнг бу таом «Биби Фотиманинг оши» деб аталаркан. Биби Фотима сумалакка бош-қош бўлиб турар, агар тонг отар маҳали сумалакка у беш бармоғини урмаса, қиёмига етиб пишмайди, деб ирим қилинган экан.

Халқ ривоятларининг баъзилари ўзининг ҳақиқатга яқинлиги билан диққатни тартади. Мана шулардан бири:

Ривоят қилишларича, қадим замонларда бир кишининг кўп фарзанди бўлган экан. Шу вақт бугдойлар энди ниш чиқарган маҳал экан. Уйда

ҳеч вақо қолмаганидан, ота бирор емиш топиб келмоқ учун бозорга кетибди. Кун оғиб, пешин бўлса ҳам отадан дарак бўлмабди.

Кеч кира бошлабди. Болалар очиққанидан йиғлай бошлашибди. Тадбиркор аёл Биби Фотима очиққан болаларини чалғитиш учун бир «ҳийла» ўйлаб топибди. Укаттакон қозонни сувга тўлғазиб, бир ҳовуч ювилган тошчалар ва бир сиқим бугдой кўкатиини тозалаб солиб, ўчоққа ўт ёқиб, қозонни қайната бошлабди. Тун ярмидан оғса ҳам отадан хабар йўқмиш. Болалар ўчоқ ва қозон атрофида ўтириб, умид билан таом пишишини кута-кута, бирин-кетин уйқуга кета бошлашибди.

Қозонни қовлайвериш толиққан Биби Фотима ҳам уйқуга кетибди. Болалар эрталаб уйғониб яна «овқат» сўрай бошлашибди.

Биби Фотима қозон қопқоғини очиб қарабди-ю ҳанг-манг бўлиб қолибди. Қараса қозон ичида аталага ўхшаш қуноқ нарса пайдо бўлган эмиш. Сумалак шу тариқа, кучли эҳтиёж орқали пайдо бўлган эмиш.

Сирдарёлик Гулсум момо Махти қизи сумалакнинг пайдо бўлиши ҳақида қуйидагиларни баён қилади:

«Бир деҳқон баҳор келиши билан уруғликка олиб қўйган донини сувга ивитиш қўйибди. Бирдан ҳаво бузилиб, ёмғир ёға бошлабди. Бугдой ивитилган идишда ниш уриб, ўса бошлабди. Обҳаво ҳадеганда очилавермабди. Шунда деҳқон «Ивитиш қўйилган дон барибир нишлаб кетибди, увол бўлмасин, бирон нарса пишира қолайлик», дебди. Бу пайтда бугдой майсаси анча бўй чўзиб қолган экан. Деҳқон уни қиймалабди-да, кампирига бериб:

— Бундан болаларга бир нима пишириб бера қол, барибир нишлаб кетди, энди экиб бўлмайди, увол бўлмасин, — дебди.

* * *

Сумалакнинг пайдо бўлиши узоқ тарихга ва чуқур маънога эга. Шу сабабли, уни тайёрлаш жараёни ҳам диққатга сазовордир. Сумалакнинг пайдо бўлиши тўғрисида қайғули афсоналар яратилган бўлса-да, у ҳозирги кунда хурсандчилик маросими шаклида уюштирилади.

Сумалак сайли (базми) асосан икки қисмдан: сумалак тайёрлаш ва сумалакхўрликдан иборат бўлади.

Сумалакни тайёрлаш жараёни аёлларнинг ўзига хос маросим — тадбирига айланиб кетади. Сумалак аёлларнинг бир жамоа бўлиб ҳаракат қилиши натижасида тайёрланади. Улар сумалак тайёрлаш, уни пишириш пайтида бир-бирлари билан суҳбат қилишган, ҳикоялар, эртақлар, ривоятлар ва латифалар айтишган. Сумалак пиш-гач уни тайёрлашда қатнашганлар ва бошқалар сумалак ейиш учун таклиф этилган. Сумалак сайли иштирокчилари чилдирма (доира) чалиб, рақсга тушишган, қўшиқлар айтиб хурсандчи-

Кампир бугдой майсасини қозонга солиб, узоқ вақт қайнатибди, охири чарчаб қолганидан қозон қопқоғини беркитиб, ухлагани ётибди. Кампир азонда қозон қопқоғини очса, ажойиб хушбўй хид димоғига урилибди. Қозон ичидаги нарсани та-тиб кўрса, жуда мазали экан. Бу таом ҳаммага ёқиб қолибди».

Яна бир афсона урушдан кейинги воқеага боғлиқ: Ёв ҳужум қилиб келади. Ота ўз рафиқаси ва болаларини бекитиб, душман билан жанг қилади ва ҳалок бўлади. Душман қишлоқ аҳолисини қириб ташлайди ва хонадонлардаги озиқ-овқатларни олиб кетади. Яшириниб омон қолган болалар очликдан йиғлай бошлади. Оналари уларнинг қорнини тўйдириш чорасини излайди. У даладан озиқ излаб, чарчаб толиқиб, охири кўк майса устига ўтиради. Шунда кўзи энди ниш уриб чиққан бугдойга тушади ва ундан таом тайёрлаш фикри тугилади. Майса бўлган бугдойни қозонга солиб, узоқ қайнатади. Чарчаб ухлаб қолади. Эрталаб қараса қозонда хушбўй, ширин таом турган бўлади. Она у ёрдамида болаларини ўлимдан сақлаб қолади.

Сумалак ҳақида бу каби афсоналар кўп. Бироқ уларни умумлаштирсак, қуйидаги мазмун пайдо бўлади: болаларни очликдан қутқазиб мақсадида чора излаган она қўкатдан таом пиширишга интилади. Унга фаришталар ёрдамга келади. Тонг билан бирга таомга илоҳий таъм ҳам қиради. Натижада, бу таом болаларни ўлимдан сақлаб қолади.

Афсоналар оналарнинг орзу-истаклари, ни-ятлари пок эканлигини, улар ўз фарзандларини вояга етказиш учун ҳар қандай ишни қилишга тайёр эканликларини билдиради.

лик қилишган. Сайил ҳазил-мутойиба, ўйин-кулги билан ўтган. Шунингдек, сумалак тайёрланаётган қозон атрофида ўйнаб юрган ёш болаларнинг дўпписи ёки қўйлаги ёқасига майса гуллар тақишиб, келгуси сумалакча соғ-саломат юринглар, келгусида эл-юрт учун хизмат қилувчи йигит-қизлар бўлиб етишинглар, деб рамзий ниятлар қилишган.

Сумалак тайёрлаш натижасида кишилар ҳам моддий, ҳам маънавий озиқ олишган. Сумалак пишаётганда момолар, қиз-жувонлар тўпланиб, ўйин-кулги қилишган, байт-ғазаллар айтишиб, қўнгилларини хушнуд этишган. Фольклоршунос Т. Қиличев Хоразм воҳасида сумалак сайли билан алоқадор «Ашшадарози» ўйини, М. Жўраев, Қорақўлда «Сумалак бевити» одати мавжудлигини аниқлашга эришишди.

Момоларнинг айтишича, сумалак учун ундирилган бугдой майсаси келида туйилган ва шарбати олинган. Ўша шарбатдан озгинаси бир

кўзачага солиниб, қиз-жувонлар даврасига қўйилган. Сумалак сайлига келган қиз-жувонлар ўзларининг зирак, узук ёки бошқа белгили нарсаларини шу кўзачага ташлашган. Сўнгра уч яшар бола кўзачага қўлини тиқиб, ҳалиги нарсаларни битта-битта чиқариб, эгаларига берган. Кимнинг нишони чиқса, чечан момолар ўша қиз, келинчакка атаб тўрт қатор қўшиқ айтишган. Бу удумни «Сумалакнинг бевити» дейишган («Бевит» сўзи «хузур-ҳаловат», «обод жой», «эзгулик», «яхшилиқ» маъноларини англатади).

«Сумалак бевити»да сайил иштирокчилари шаънига яхши тилак билдириб, қўшиқ айтилган. Сумалак сайлида айтиладиган бундай қўшиқлар жуда кўп.

Халқимизнинг сумалак пишириш билан боғлиқ бу каби қизиқарли удумлари кўп. Сумалак учун ундирилган буғдой майсасини табаррук билиш анъанаси ҳозир ҳам сақланиб қолган. Сумалак пишираётганда фарзанд кутаётган ёки бефарзанд аёлларга буғдой майсаси берилади. Улар майсани зираги ёки қулоқларига тақиб қўядилар. Бу билан келаётган янги йилда фарзандли бўлишни орзу қиладилар. Суннат қилинмаган болалар тезроқ улгайиб, вояга етсин деган ният билан уларнинг чопонларига майса тақиб қўйилади. Сумалак таги олмасин, деб қозонга солинадиган тош ёки ёнғоқлар сонининг турличалигида ҳам халқимизнинг қадимий анъаналари кўзга ташланади: ургутликлар сумалак қайнаётган қозонга еттита ёнғоқ ва ўн учта тош ташлайдилар. Чунки Шарқ халқлари азалдан ўн уч ададига амал қилганлар.

Қизиғи шундаки, сумалак тайёрлаш 2 кунга чўзилгани учун бу жараёнда хизмат қиладиган аёллар овқатланиши учун бир неча хил таомлар тайёрланган. Уй бекалар кўк чучвара, кўк сомса, қатлама, чалпак сингари тансиқ таомлар тайёрлашган. Сумалак тайёрлаш чоғида кишилар хурсандчилик қилишган.

Хуллас, Сумалак сайли маънавий ҳаётда муҳим ўрин тутиб, у қадимдан кишиларда бирдамлик, аҳиллик ҳиссини тарбиялаб келган. Чунки сумалак тайёрланадиган жойга барча кишилар бир ҳовучдан дон олиб келишган, биргаликда таом пиширишган, бир қозонда тайёрланган овқатдан баҳам кўришган.

Сумалак — шифобахш таом. Сумалакнинг инсон саломатлигига фойдаси ҳам кўп. Улардан бири қуйидагича: *Бир йигитнинг отаси оғир касал бўлибди. Уни даволаш учун табиб чақиришибди. Табиб касални кўрганидан сўнг: «Ҳар кунни бир, ҳафтада бир, ойица бир, йилига бир», — дебди. Уғил табибга бу сўзларингизнинг маъноси-*

ни тушунмадим дебди. Шунда табиб: «Ҳар кунни оғир ишдан кейин бир дам олиш, ҳафтасига бир марта ҳаммомга тушиш, ойига бир зиёратга бориш ёки сайилга чиқиш, йилда бир марта кўкдан тайёрланган таом — сумалакка тўйиш керак. Шунда одам касал бўлмайди. Отангиз буларга эътибор бермагани учун касал бўлган. Энди унга сумалак пишириб беринглар, зора тузалиб кетса», дебди. Уйдагилар сумалак пишириб, касалга едиришибди. Қария тузалиб кетибди.

Сумалак янги табиий озиқларга эҳтиёж қучайган «илик узилди» вақтида тайёрланган. Табиат ўзгариши, кунлар исиши даврида инсон организмда камқувватлик, беҳоллик, ҳатто, бош айланиши, кўз тиниши ҳоллари рўй беради. Авлодларимиз бунинг ҳам иложини топишган. Улар дармон дориларга бой кўкатлар солинган таомлар ейишган. Жумладан, кўкат — ўсимликдан сумалак пишириш одатини яратилган. Яъни буғдой ундириб, уни келида тўйиб шираси олинган; ёғ, ун қўшиб, оқсилга бой тансиқ таом тайёрлашган. Шу тарзда одамлар «илик узилди» мавсумидан осон чиқишган, янги иқлим шароитга тез мослашишган, моддий ва маънавий қувват олишган.

Сумалак ҳам суюқ, ҳам қуюқ, ҳам каллори-яли, ҳам парҳез таомдир. Табибларнинг айтишича, сумалак таркибида қонга жуда тез сўриладиган монохарид моддаси бор. Сумалак таркибидаги оқсил ҳам аъзойи баданимиздаги миллиардларча ҳужайралар учун энг яхши озуқадир. Сумалакда соғу-бемор учун бирдай зарур бўлган «С» дармондориси бор. Бундан ташқари унда «токоферол» моддаси мавжуд. Бу нимранг ёғсимон модда женшен таркибида учрайдиган «Е» дармондорисининг айнан ўзгинасидир.

Сумалак гипертония касалига энг яхши даводир. У қон таркибини яхшилади. Томирлар торайган бўлса, қонни суюлтиради. Ошқозон ва ичак йўллари фаолиятини кучайтиради. Иссиғи кўтарилган, қон босими ошган киши сумалак билан (2 кун) парҳез қилса, дарҳол ўзида яхши ўзгаришни ҳис қилади.

Шундай қилиб, сумалак илоҳий-мўъжизавий таом бўлиб, у кишининг овқатланишга бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга, унинг маънавий-руҳий ҳолатини ҳам яхшилади. Сумалак муҳим ижтимоий-маънавий аҳамиятга ҳам эгадир. Ҳамманинг сумалак тайёрлаш учун бир қозон атрофида аҳил бўлиб жам бўлиши ва бу таомни бирга баҳам кўриши кишилар ўртасида бирдамлик, аҳиллик, меҳрибонлик каби инсоний фазилатларини тарбиялаган.

ГУЛ САЙИЛЛАРИ

Гул — табиатнинг энг гўзал мўъжизаси. Гулни кишилар «гўзаллик маликаси» дейишади.

Гул дунёнинг барча халқлари учун гўзаллик, дўстлик, муҳаббат рамзи ҳисобланади.

Шунинг учун бўлса керак, инсон ҳаётдаги байрамларнинг ҳеч бири гулсиз ўтмайди. Табиат мўъжизаси бўлмиш гулга бағишланган махсус байрамлар, сайиллар ҳам кам эмас. Бундай гул байрамлари деярли барча халқларда қадимдан мавжуд бўлган. Жумладан, Ҳиндистон, Япония, Греция, Франция, Болгария, Туркия каби дунёнинг турли мамлакатларида гул байрамлари ҳанузгача энг катта халқ байрами сифатида нишонланиб келинмоқда. Гул байрамлари ўтмишда Ўрта Осиё халқларининг, чунончи қадимий хоразмликлар, сўғдлар, бақтрияликлар ҳаётида ҳам энг катта тантаналардан бири бўлган. Афсуски даврнинг турли ижтимоий-сиёсий ўзгаришлари таъсирида халқимиз ўзининг кўпгина бой анъаналари қатори гул байрамларини ҳам унутиб қўйди.

Аждодларимиз минг йилликлар мобайнида байрам қилиб келган *Гул сайиллари* ҳақида фикр юритиш ва уларни тиклаш зарур.

Ўзбекистондаги баҳор фаслига бағишланган турли маросим ва байрамлар орасида табиатнинг мўъжизаси — гулга бағишланган сайиллар алоҳида ўрин тутади. Чунки борлиқ ўзгача чирой касб этган пайтда кишининг сўлим жойларга бориб, табиатдан завқлангиси, баҳра олгиси келади. Табиат уйғониши билан тоғ ёнбағирларида, қир-адирларда турли гуллар очилади, табиат ўзининг гўзаллигини намоён қилади. Шу сабабли, қадимдан қир-адирларда гуллар қийғос очилган чоғда турли сайиллар ўтказилган. Тарихий манбаларга қараганда, Хоразм ва Бухорода *Қизил гул сайли*, Фарғона водийси ва Тошкент атрофларида *Лола сайли*, баъзи тоғли туманларда, жумладан Чуст ва Денов туманида *Сумбула сайли*, яна бир жойларда «Бойчечак» сайли каби байрамлар уюштирилган.

Байрамлар тадқиқотчиси Л. А. Тульцева берган маълумотларга қараганда, Нурота қир-адирларида гуллар очилган маҳалда *Қизил гул сайли*, Фарғона водийсида *Лола сайли*, Самарқандда мевали дарахтлар, жумладан, беҳи гуллаганда *Беҳи гули сайли* (*Сайли гули беҳи*), Зарафшон водийсида *Бойчечак гулигардони*, Бухорода гуллар очилиб, булбуллар сайраган вақтда — *Гулгардони булбулхон* (*Булбул кўшиғи*) каби байрам-сайиллар уюштирилган¹.

Табиат билан боғлиқ бундай сайиллар Ўзбекистоннинг барча жойларида турли гулларга бағишланиб, ўзига хос шакл ва анъаналар би-

лан ўтказилган. Шулардан баъзилари ҳақида махсус тўхталиб ўтамиз.

Бойчечак байрами. Бойчечак илк баҳор даракчисидир. Шунинг учун ҳам Шарқ халқлари бу гулнинг очилишини кўклам нишонаси деб билишган.

Илк баҳорда туғилган қизларга «Гулбаҳор», «Гуллола», «Баҳорой» деб исм қўйишган. Бундан ташқари, «Бойчечак» мавсум кўшиғи ҳам кенг тарқалган. Бу кўшиқ қадимий урф-одатлар билан боғланган. Эрта баҳорда болалар тўда-тўда бўлишиб, қир-адирлардан бойчечак қидиришган. Ким биринчи бўлиб бойчечакни топса, уни бахтли ҳисоблашган. Болалар топиб олган бойчечакларини бекитиб олиб, ҳовлима-ҳовли юриб кўшиқ айтишган. Бойчечак кўшиғини эшитган одамлар шундай кунга етиб келганига шукр қилиб, қувонишган. Айниқса, беморлар бу кўшиқни жон-дилидан севишган. Улар баҳор келганини билиб, ўзларини енгил ҳис қилишган.

Бойчечак катта кўшиқ бўлиб, турли мавзуларга аталган байтлардан таркиб топган. Бу кўшиқни ҳамма ҳам айта бермаган. Ҳар бир қишлоқда «Бойчечак» кўшиғини ижро этадиган алоҳида кишилар бўлган. Улар бу кўшиқни «ёр-ёр», «ўлан» усулида айтишган.

Болалар бойчечакларни аввал қарияларга беришга интилишган. Чунки улар бойчечакни гоёт қадрлашган. Бу гул уларга қишдан эсон-омон чиққанлиги, яна баҳор келиб, янги ҳаёт бошланганидан далолат берган. Шунинг учун ҳам қариялар бойчечакни кўзларига суртиб, «Омонлик-сомонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, янаги шу кунларга эсон-омон етайлик» деб яхши ниятлар қилишган. Бу борада бир ривоят келтирамиз:

Нозима мактабга яқин қолганда йўлнинг чап томонидаги қабристон тарафга қаради. Қабрлардан бирининг устида очилиб турган бойчечак ўйноқи шабада таъсирида оҳиста тебранарди. Қизча унга бир зум маҳлиё бўлиб тикилиб қолди. Сўнг беихтиёр қабр томон юрди. Бойчечакнинг бандидан ушлаб, узиб олди-да, ҳозир кимдир келиб, уни қўлидан олиб қўядигандек ҳадиксираб қабрдан узоқлашди. Йўл бўйига чиққач, хотиржамланиб, қўлидаги бойчечакка тикилди.

Қизалоқ аввалига уни мактабга олиб бориб, дугоналарига кўрсатиб, мақтанмоқчи бўлди. Ахир бувиси бир гал «бу оддий гул эмас, баҳор даракчиси» деган эди-да.

Кампир узоқдан неварасининг қайтиб келганлигини кўриб, таажжубланди. Сўнг ўзича «Уқитувчиси бетоб бўлиб қолган бўлса, жавоб бериб юборгандир» деб ўйлади. Шундай бўлса-да, невараси ҳансираб олдида келиб тўхташи билан ташвишланиб сўради:

¹ Тульцева Л. А. Современные праздники и обряды народов. — М.: «Наука», 1985. с. 107—108.

— Ҳа, болам, нега дарров қайтиб келдинг?
Бирор нарсангни унутиб, уйда қолдирибсанми?

Нозима индамади. Бувисининг хавотирли чеҳрасига бир зум жилмайганича қараб турди-да, сўнг орқасига яшириб турган гулни аста унга узатди. Кампир бойчечакни авайлаб қўлига олди. Кўзларида севинч нурлари порлади, юзларида табассум жилваланди. Бойчечакни кўзларига суртarkan, энтикиб шивирлади:

— Баҳор... Баҳор келибди...— кампир кўзларини юмиб олди. Бир фурсатдан сўнг ўзича гапирган бўлди.— Яратганга шукр, яна бир баҳорни кўришга насиб этди, эгам...

Кампирнинг юрагини сархуш туйғулар қамраб олди. У бойчечакни қайта-қайта ҳидлаб «эсон-омонлик» қилар экан, ёнгинасида жилмайиб турган неварасидан сўради:

— Қайдан олдинг буни, Нозижон?

— Ҳув ана у ердан,— қизалоқ узоқдан юқори қисми зўрға кўзга ташланиб турган, қабристон ўртасига ўрнатилган ёдгорликни қўли билан кўрсатаркан,— тепача устида турган экан...— деди.

Кампир неварасига тикилганича жимиб қолди. У қизалоқдан бошқача жавоб кутган эди. Неварасининг сўзи эса уни маъюслашиб қўйди. Нима ҳам десин? Ёш бола бўлса, ҳали ақли кўп нарсага ожизлик қилади.

— Қизалоғим,— у неварасини ўзига тортиб, бағрига босаркан, чуқур хўрсинди,— биламан, сен бу гулни мени хўрсанд қилиш учун олиб келгансан. Мабодо, ранжишимни билганинда бу ишни зинҳор қилмасдинг. Биласанми, ўша ерда буванг, опоқ даданг ва бошқа бир қанча қишлоқдошларнинг хоки бор. Муқаддас жой ҳисобланади. Одамлар у ерларга уйидан ниҳол элтиб экишади, қабрлар атрофида гулзорлар барпо этишади. Сен бўлсанг, табиатнинг марҳумларга кўрсатган марҳаматини узиб келибсан. Шунинг учун бу ишинг мени ранжитди, болам.

Нозима бувисининг нима сабабдан маъюслашиб қолганлигини тушунгандай бўлди. У бир зум ўйланиб турди-да, аста ичкари ҳовлига кириб кетди. Кампир неварасининг ҳовлига кириб кетганини ҳам сезмай қолди.

* * *

Яқин даврларгача сақланиб келган болаларнинг бойчечак байрами ҳақида М. Асқаров ва Б. Сайрамов қуйидагиларни эслаб ёзишади: «Болалик пайтларимизда, эрта баҳорда, ҳали сўнгги қорлар эримай, қирларга бойчечак излаб кетардик. Улар худди турна кўзларига ўхшаб қор эриган хушманзара жойларда порлаб чиқса, етти дона юлиб, қишлоққа қайтардик. Овулда бизни бувиларимиз, амма-холаларимиз кутиб олишиб, юзларимиздан чўлп-чўлп ўпишар эди. Бойчечакларни эса қош-кўзларига уч мартадан сийпаб «Омонлик-сомонлик, йил бўйи кўрмайлик ёмонлик», — дейишарди. Бойчечак кўтарган болалар кўча бўйлаб югуришиб ҳовлилар дарбозалари олдида тўхташиб «Бойчечак-бойчечак, кутиб олинг Ой чеча!» (шевага хос сўз бўлиб, «чеча» янга, келиноийи демакдир) деб қичқиришарди. Уйдан бирорта жувон чиқиб, болаларга мева-чева совға қилар эди. Болалар эса «Гул келтирдик эшигингизга, кўчқордай ўғил берсин бешигингизга» деб яна югуриб кетишарди. Бу болалар учун ҳам, фарзанд тилагувчи жувон учун ҳам байрам эди.

Бойчечак байрами турли жойларда ўзига хос тарзда нишонланади. Масалан, Ургут туманидаги Баландқишлоқ деган жойда бойчечак байрами алоҳида тайёргарлик кўрилиб нишонланади. Январь ойининг охирилари, февралнинг бошларида кунлар исиб, қорлар аста-секин эрий бошлагач, кунгай ерларда бойчечаклар кўкариб, гулларини кўз-кўз қила бошлаши билан қишлоқ йигитлари бойчечакнинг пиёзини қовлаб олиб, уни лойи билан авайлаб сақлай-

дилар. Байрам куни (кўпинча якшанба куни) олдиндан белгиланади. Ўша куни 15 ёш ва ундан катта ёшдаги ўспиринлар миллий кийимлар кийишиб, бойчечак қўшиғини айтишиб, қишлоқ кўчалари бўйлаб айланадилар.

Улар бирор хонадон эшиги олдида келишганида ҳаммалари бирдан:

— Бойчечак — бойчечак, бойчечак — дея келганларини билдирадилар. Шундан сўнг, жўрабоши ширин овозда:

— Қаттиқ ердан қалтираб чиққан Бойчечак, —

Юмшоқ ердан юмалаб чиққан Бойчечак, — деб қўшиқни бошлаб беради. Қолганлар эса бир овоздан «Бойчечак, бойчечак», деб жўр бўладилар.

*Бошловчи: Бойчечак баҳор келса очилади,
Яхшиларнинг бошига сочилади.*

Бирга: Бойчечак, бойчечак!!!

*Бошловчи: Бойчечакни авайлаб кўзга суртса,
Юзга кирган кампир ҳам ёшаради.*

Бирга: бойчечак, бойчечак!!!

*Ариқчадан ҳатлаган, қўйнинг изи,
Машраби белбоғ тикар уйнинг қизи.
Бойчечак! Бойчечак!!!
Машраби белбоғингиз белимизда,
Алқаб-алқаб кетайлик йўлимизга.
Бойчечак! Бойчечак!!!*

Шундан сўнг, хонадон кексаси баҳор элчилари қошига келади. Ўсмирлар салом берадилар. Хонадон эгаси алик олиб, бойчечакни талаб

қилади. Болалар унга бойчечакни беришиб, бойчечак байрами билан табриклашади.

Хонадон эгаси бойчечакни олиб, қош-кўзига суртиб, дейди:

— Омонлик-сомонлик. Ҳеч кўрмайлик ёмонлик!

Улар бутун қишлоқни шу тариқа айланиб чиқадилар. Ҳамма хонадон эгалари уларга суюнчи беради. Бу суюнчиларни тўплаб, унинг ҳисобидан катта бир қўй олиб сўйишади. Шу кунни қишлоқ аҳли учун катта дошқозонда ош дамланади.

Ош биринчи навбатда қишлоқ кексаларига, байрамга келолмаган беморларга, азадор хонадонларга улашилади, уларнинг дуоси олинади. Ўша кунни қишлоқда байрам бўлиб, болалар варрак учиришади, кураш бўлади, чиллак ўйини бошланади. Байрам кечгача давом этади.

Лола сайли. Этнограф-фольклористлар берган маълумотларга қараганда, Фарғона водийсининг тоғ ёнбағирларида уюштирилган «Лола сайли» байрамини халқ томонидан сайланган «Лолачилар» бошқарган.

«Лолачи» ўз дўстлари билан лола сайлини қачон ва қаерда ўтказилишини аниқлаб, халққа хабар берган. Сайил ўтказилишидан олдин «Лолачи» ўз дўстлари билан махсус дарахт ёки дарахтнинг чиройли шохини кесиб олиб, лолалар билан безатган. Кейин уни қишлоқ кўчаларидан олиб ўтган. Буни кўрган одамлар кўчага чиқиб, кўнгилга туғиб қўйган орзу-истакларини айтиб, дарахт шохига турли мато парчалари, дастурмоллар боғлашади. Сўнг «Лолачи»га эргашиб, ўйин-кулги қилишиб, кўшиқлар айтишиб, лолалар томон йўл олишган. Белгиланган жойга келишгандан сўнг «Гул дарахти» байрам ўтказиладиган майдон марказига ўрнатилган ва оқсоқолларнинг дуоси билан байрам бошланган (Пещерева Е. М. Праздник тюльпана (лола) в сел. Исфара Кокандского уезда // Сборник Бартольд В. В. — Т.: 1927; 374—380-б).

Қизил гул сайли. Гул сайли бошланишидан олдин «лолачилар» бирор дарахтнинг шохларига сунъий гулларни осиб, уни кўчалардан кўтариб ўтиб, карнай-сурнай садолари билан одамларни байрамга чорлашади. Одамлар эса нима ният қилиб юрган бўлишса, ўша ниятини айтишиб, «лолачилар» кўтариб юрган дарахт шохига бирорта кичкина латта бўлагини боғлашади. «Лолачилар» байрам жойини 2—3 кун олдин бориб белгилаб келишган бўлади. Байрам ўша жойда, оқсоқолларнинг дуоси билан бошланади.

Байрамлар ҳафталаб, ойлаб давом этади. Сайил бошланганидан кейин кўк сомса, кўк чучвара ва бошқа таомлар пиширилиб, байрам қатнашчиларига тортиқ қилинган. Бир томонда улоқ чопиш, кураш, волейбол, спорт ўйинлари ўтказилган. Бошқа томонда дорбозлик,

масхарабозлик, аскиячилик, хўроз ва кўчқор уриштиришлар бўлади. Кўшиқ ва рақслар сайилни қизитади. Байрамнинг кўрки ҳисобланган гул кўрғазмаси ташкил қилинади. Унда гулчилар гулларни ўстириш, парваришлаш тўғрисида маслаҳатлар берадилар.

Бу байрам йигит-қизларга кувонч олиб келади. Улар қир-адирларга чиқишиб, бир-бирларига қизил гул тақдим қилишади.

Қабристонга бориб марҳумларнинг руҳини шод этиш учун қабрлар атрофи тозаланади, гуллар экилади, сўнг қарияларнинг хонадонларига бориб, уларни гул сайли билан қутлашади, ёрдам беришади.

Қадимдан Бухорода гул сайиллари ўзига хос қизиқарли шаклларда уюштирилган. «Сайли гули сурх» байрамини ўтказиш анъанага айланиб қолган. Бу байрам тарихи неча минг йилларга бориб тақалади. «Сайли гули сурх» гуллар қийғос очилганида, апрелнинг бошидан то май ўрталаригача давом этган. Сайилгоҳларда кишилар ашулалар айтишиб, рақсга тушишган. Агтор ва савдогарлар савдо билан шуғулланишган.

Сайил кунлари аёллар доира чалиб, ашула айтиб, қишлоқ айланишган, янги келин тушган хонадонларга «келин кўрди»га боришган.

Нима учун шу пайтгача бу байрам ўтказилмай келинган? деган савол туғилиши мумкин. Бу аввало Бухоро шўролар томонидан босиб олинганидан кейин халқ орасидаги зиёлилар, бойлар, ўртаҳол фуқаролар таъқиб қилиниб, халқимизнинг қадимий урф-одатлари, байрамлари оёқости этилганлиги билан боғлиқдир. Очлик, ночорлик ҳукм сурган даврларда — яъни инқилобдан сўнг бу байрам ўтказилмади. Вардонзеллик кекса ўқитувчи Қўлдошевнинг таъкидлашича, бу сайил охири маротаба 1929 йилда Вардонзеда ўтказилган.

Иккинчидан эса, гуллар ўсадиган сайилгоҳлар, далалар, қир-адирлар ўзлаштирилиб, пахтазорларга айлантирилди...

Тошкентда қизил гул сайли ўтказилишини Мўминжон ака бу тарзда эслайди: *«Тошкент кишиларининг ҳам кўнгил очиб, ўйнаб келадиган Иброҳим ота деган ерлари бор эди. Иброҳим ота мазори шаҳардан уч-тўрт чақирим узоқдаги бир жойда бўлиб, унинг атрофидаги боғларда қизил ва оқ гуллар очилиб ётарди. «Гул мавсуми» ҳафталарида шаҳар одамлари чоршанба ва пайшанбадан бошлаб чиқиб, жума кунни қайтиб келишарди. Ҳар йилги таомилга кўра, бу йилги кўкламда ҳам кишилар шаҳарнинг ҳар томонидан кўрна, кўрпача, ёстиқ, чойнак-пиёла, гўшт-ёғ ва мевачевалар олиб, ҳар ким ўз улфат ва жўраси билан араваларни тўлдириб, дўтор, танбур, ғижжак каби созлар билан ашула айтишиб, ўша ерга жўнамоқдалар. Булар орасида муллаваччаларнинг ҳам тудалари бўлиб, кўчалар қий-чув тўполон*

эди. Мен ҳам Мираъзам деган қизиққина кал ўртоғим билан чопонни елкага ташлаб ўша ёққа яёв жўнадим. Иброҳим ота деган жой кўчалари обод, боғ-боғчалари ва кўча рўйидаги чойхоналар сайилга чиққан одамлар билан лиқ тўла эди. Баъзи жўралар созларини чалиб, ашула айтишмоқда, баъзилари ит пайров, эшак пайров, касб пайров-аския қилиб хоҳолаб кулишмоқда.

Баъзи четроқ майдонларда қиморбозлар тўрт ошиқ ўйнаб, бор пулларини тикиб, бой бермоқда. Шу асно улар устига миршаб, қоровуллар бостириб келиб, юзбошига олиб борамиз, деб дўқ қилиб, қиморбозлардан бир неча чўтал ўмариб кетмоқда.

Турнақатор чойхона ва ошхоналарда палов, манти, сомса ва бошқа анвойи овқатлар пишиб, буғи чиқиб турибди; бир томондан ҳолвафурушлар бақирчишиб, кунжут ва мағиз ҳолва, пашмак, «отнон» сотмоқдалар. Нонвойлар саватга уйилган нонларини кўтариб юриб, «қайноқ нон» деб бақирмоқдалар. Икки-уч жойда «игна пиридоқчилар» ҳийла-макр билан ёш-яланглар пулини ютиб олмақдалар. Улар йигитларга бир-икки сафар озроқ пул ютиб олишга йўл қўяди, қизишиб кетганларидан сўнг бор пулларини қоқиб оладилар.

Бир чеккада оғзи қулоғига етиб, ивтилган туршак суви сотувчилар, нўхатишўракчилар ёш болалар пулини алдаб олмақдалар.

Ярим кечагача сайил қилиб, ўлгудек чарчаганимиздан кейин, жаҳр, зикр-самовни кўрмоқ баҳонасида Иброҳим ота мазори ёнидаги масжидга кирдик. Мақсадимиз хонақоҳнинг бир бурчагида жунжикиб ўтириб, кўз илинтириб олиш эди.

Тонг отгач, чойхонага чиқиб, иссиқ нонлар билан чой ичдик. Кун бир оз ёйилганидан кейин яна сайил бошланди, биз ҳам кечагача кўп томоша қилдик. Кеч кириб, соялар узайгач, сайилга борганлар ўз тўдалари ва жўралари билан аравага тушиб, отлик ва пиёда кўчани тўлдириб, ашулалар айтиб, чанг-тўзон ичида шаҳарга қайта бошлади. Ёш-яланг қўлларида даста-даста қизил гул, атиргул кўтариб кетмоқда, баъзилари икки-уч дона қизил гулни чаккаларига қистирган. Мен ҳам шеригим «кал» билан чаккамизга гул қистириб, чопонларимизни елкага юмалоқ қилиб ташлаб, ашулани баралла қўйиб, пиёда жўнаб қолдик.

Хоразмда «Қизил гул» байрами ёшлик, севги, шодлик, баҳор байрами сифатида эрта тонгда йигит-қизларнинг янги очилган қизил гуллардан гулдаста тайёрлаши билан бошланган.

«Қизил гул» байрами уч кун давом этган. Биринчи кун қизлар бир-бирларининг уйларига кириб, оналарини ва ёш қизчаларни байрам билан муборакбод қилганлар, қўшиқ айтиб, ўйинга тушганлар, «Кўбиз» куйини ижро қилиш бўйича мусобақа уюштирганлар («Қизил гул» байрамида барча қизлар кўбиз чалиб,

қўшиқ айтиб, ўйинга тушган). Йигитчалар ҳам навбатма-навбат ўз жўраларининг уйларига бирма-бир кириб, оталарини байрам билан табриклашган, мусиқа чалиб ўйнашган ва қўшиқ айтиб бутун кеча давомида хурсандчилик қилишган.

Байрамнинг иккинчи кун масжид ёки қабристон яқинидаги сўлим ва хушманзара жойларда халқ сайиллари ташкил қилинган. Сайил олдидан майдонда турли мева-чева ва ширинликлар сотилган. Сайилда карнай, сурнай, доира овози янграган, хонандалар қўшиқ айтиб, раққосалар ўйинга тушган. Чавандозлар пойгаси, полвонлар кураши, бахшилар айтишуви, дорбоз ва масхарабозларнинг томошалари авжига чиққан. Сайилда йигитлар қизларга қизил гул, олма, анор, бўялган тухумлар отиши ўзига хос ўйинлардан бири бўлган. Шунингдек, ёш йигитлар ёқтириб қолган қизларига ёш болалар орқали ҳар хил ширинликлар, ҳолва, майиз бериб юборишган. Ўз навбатида, қизлар ҳам у йигитни манзур кўрса, «жавоб» ширинликларини йўллашган. Сайил тамом бўлиши билан қизлар ёш келинлар бошчилигида сафсаф бўлиб, яқин жойлардаги қабрларни зиёрат қилиш учун жўнашган. Байрамнинг учинчи кун қизлар дугоналаридан бирининг ҳовлисида «сичқон ўйини», саринжоқ-арғимчоқ ўйини уюштиришган. Ёш йигитлар ҳам шу ўйин ташкил қилинган жойга келиб арғимчоқ учаётган қизлар билан олма отиш ўйинини бошлаганлар.

Байрам бошланган кундан то байрам охиригача бўлган даврда йигит ва қизлар тахия (дўппи)сига қизил гул ғунчасидан қадаб қўйиши одат бўлган.

Қизил гул сайли — ҳунармандларнинг ҳам севимли байрами бўлган. У анъаналаримиз ичида ўзига хос байрамларимиздан бири бўлиб, одатда Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда Наврўз кунларидан сўнг бошланиб деярли бир ой давом этади.

У Баҳоуддин Нақшбандий ҳазратларининг мақбараси атрофида ўтказилган. Баҳоуддин ҳазратлари зиёратига бухороликлар оила-оила бўлиб келишган. Шохи ва адрасдўзлар, кулол ва гиламдўзлар, қандолатпаз ва холвапазлар бу ерда ўз санъатлари маҳсулини намойиш этганлар. Умуман, барча бухоролик ҳунарманд ва косиблар шу кунларда ўз пиру устозларига таъзим қилиш ва шу оролгоҳ яқинида кўнгилхушлик қилиб янги меҳнат мавсумига куч-ғайрат тўплаш учун бу ерга талпинишган.

50-йилларнинг охириларида Баҳоуддин зиёрати ва «Қизил гул» сайли тақиқлаб қўйилди. Ҳатто қизил гул сайли ҳам диний маросим деб эълон қилиниб, халқ турмушидан суғуриб ташланган эди. Оралдан йиллар ўтганига қарамай қариялар, ўрта ёшдаги минглаб бухороликлар-

нинг юрагида бу байрам шукуҳи ҳамон яшаб келмоқда.

Ўзбекистон «Билим» жамияти атиги 500 нусхада тарғиботчиларга ёрдам тарзида 1991 йили чоп этилган «Қизил гул» сайли китобчасини варақлар эканмиз, ўша сайилда айтилган шўх лапарлар, ҳузурбахш кўшиқлар қулоқларимиз остида жаранглайди. Уларнинг айримларини эшитиб кўрамиз:

*Шохи атлас кийибсиз,
Туморларни илибсиз.
Баҳоуддин бормоқни
Юракларга тугибсиз.*

*Ҳавоси Ҳаким Луқмон
Керак элга соябон.
Баҳоуддин юртига
Узилмай келар меҳмон.*

*Келдилар тоғлар оша,
Бўлди ажиб томоша.
Бухорода гул сайли
Ўз номига яраша.*

*Қавмларга айтингиз:
«Эгри йўлдан
қайтингиз».
Мамлакатда сайилдир
Тугамасин байтингиз.*

*Етимга беринг ошлар,
Эгилмасин ёш бошлар.
Сағирнинг ҳам
сайлидир
Тўқилмасин кўз ёшлар.*

*Туз ташламанг шиннига
Куйиб қўйинг чиннига
Баҳоуддин Боғида
Улашинг оға-инига.*

(Ушбу маълумотлар бухоролик ўқитувчи Гулсара Қаюмовадан ёзиб олинган).

Сунбула сайли. *Сунбула сайли* номли байрам ҳам баҳорда қир-адирларда, тоғ ёнбағирларида турли гуллар, жумладан, сунбулалар очилган пайтда ўтказилиб келинган. Бир томони тоғ, иккинчи томони сув (кўл, дарё, сой), учинчи томони дарахтзор ўрмондан иборат жой дам олиш, табиат чиройидан баҳраманд бўлиш учун энг қулай ер ҳисобланади. Ўзбекистонда бундай жойлар кам эмас. Масалан, Чуст туманидаги Тошкўрғон қишлоғи ана шундай табиий гўзалликлар бирлашган жой. Баланд тоғлар, оппоқ қорлардан ҳосил бўлган «Ғова» сойи ва унинг атрофидаги ёввойи мевали дарахтлар, турли қушлар ва ҳайвонлар яшайдиган ўрмонзор айнан сайил қилиш учун жуда қулайдир.

Қадимда *Сунбула сайли* миллий эътиқодларга мувофиқ ҳолда авжи баҳор чоғида ўтказилган. Бу байрам ҳозир ҳам ўтказиб турилади. Байрам ўтказиладиган сайилгоҳга автобуслар қатнайди, савдо ярмаркалари ўтказилади, миллий таомлар тайёрланади. Хоҳлаганлар тоққа чиқиши, саёҳат қилиши, сўлим жойларда давралар қуриб, дам олиши, санъат шайдолари, бадий ҳаваскорлик жамоалари, масхарабозларнинг чиқишларини томоша қилиши, спорт мухлислари эса мусобақаларда қатнашишлари мумкин.

Наманган вилояти Чуст туманига қарашли Тошкўрғон, Машҳад қишлоқларида ҳам ҳар йили май ойи бошида *Сунбула сайли* ўткази-

лади. Мазкур халқ байрамида атроф, қишлоқлардан кўплаб одамлар, ёш-қари йиғилиб, ўйин-кулги билан хордиқ чиқаради. Кўшиқлар куйланиб, рақсларга тушилади. Дастурхонларга кўк сомса, патирилар, кўк пиёз солиб тайёрланган шифобахш таомлар тортилади. Сайилга келганлар ариқлар бўйидан сумбул телади. Бир-бирига тақдим этади. Савдо расталари қад ростлаб, сайл қатнашчиларининг қувончига-қувонч улашади. Чуст педагогика ва тиббиёт билим юрти талабалари айниқса бу байрамда фаол иштирок этадилар. Кейинги пайтларда туман ҳокимлиги, маънавият ва маърифат маркази филойилари, маданият бўлими санъаткорлари байрамнинг асосий ташкилотчиларига айланиб, байрамни янада мазмундор бўлишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Сумбула сайлига республикамизнинг таниқли санъаткорлари, шоир ва адиблари ҳам тақлиф этилиб, улар билан бўлиб ўтган учрашув ва дийдорлашув туман ёшларига олам-олам қувонч улашмоқда. Оммавий сайилда болалар қир-адирларга чиқиб, гулчечаклар териб, кекса отахон ва онахонларга тақдим этадилар. Кексалар уларни дуо қилади, «Сумбула» — баҳор, омонлик, меҳр-оқибат, ишқ-муҳаббат байрамидир.

Этнография ва тарихга оид адабиётларда хотин-қизлар ҳам гул сайилларида бемалол, эркин қатнашгани таъкидланади. Паркентда ўтказиладиган лола сайлига эса асосан, қизлар боришган. Далаларда қизгалдоқлар қийғос очилган маҳалда, теварак-атрофдаги қишлоқ қизлари баланд тепаликка йиғилишиб, сўнгра лолазорга сайилга чиқишган. Сайил давомида қизлар доира чалиб ашула айтишган, рақсга тушишган, ўйин-кулги қилишган ҳамда қизгалдоқларни териб, турли кўкат ва гуллардан гулчамбарлар ясашган, уларни сочларига тақишган, уйларига гулдасталар билан қайтишган.

Қабрларни зиёрат қилиш қадимдан гул сайилларининг таркиби бўлиб келган. Бунинг сабаби қуйидаги омиллар билан боғлиқ бўлган:

Биринчидан, гул сайиллари гуллар кўп очиладиган жойларда ўтказилган. Қабристонлар атрофи худди шундай жойларнинг бири бўлган. Чунки бу жойлар ҳайдалмаган, экин экилмаган. Лолақизгалдоқлар эса ана шундай ҳайдалмайдиган майдонларда яхши унган ва у ерлар гул сайлига мос жой бўлган.

Иккинчидан, вафот этганларни хотирлаш кўпгина Шарқ байрамларида хос бўлган. Қизгалдоқлар қийғос очиладиган қабристон атрофларида гул байрамларини ўтказиб, табиат гўзаллигидан завқланиш ва шунингдек, марҳумларни, ўтганларни ёдга олиш учун яхши имконият яратган.

Учинчидан, баҳор гулларидаги қизил ранг кўпинча инсон қони билан таққосланган. Халқда

шундай тушунча борки, гўё қизил гуллар ўз рангларини вафот этган кишиларнинг қонларидан олади. Қариялар сўзлаб берадиган афсоналарга кўра, вафот этганларнинг қонини ер ўзига олади, гуллар эса ана шу қизил рангни ўзига олиб, уларга иккинчи ҳаёт бахш этади ва ерни гўзал либос — баҳор гуллари билан безайди.

Қизил гулларнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги бу каби тасаввурлар ерни, она табиат вужудга келтирадиган барча нарсаларни янада севиш, ардоқлашга даъват қилади. Гул сайиллари халқ ижоди равнақига ҳам катта таъсир кўрсатган. Чунки гул сайлидан йигит-қизлар шеър ўқиб, бир-бирларига гул тақдим этиб ўйнайдиган «Гул базми» ўйини, гул ва ёр гўзаллигини бир-бирига қиёсловчи «Гулёр» номли кўшиқлар туркуми, гул очилаётганини ифодаловчи «Гулрақс» («Гул ўйин»), аскиячилар ўртасида «Гулмисиз, райҳонмисиз?..» номли пайров қабилар жой олган. Кейинчалик улар такомиллашиб, алоҳида ҳолда ривожланган. Гул сайиллари арафасида ёки ўша пайтда туғилган болаларга, айниқса, қизларга «гул» номини кўшиб (ёки «гул» номи билан) ном қўйишган.

Маълумки, гўзал баҳор фаслида икки йирик байрам — Наврўз ва Гул сайиллари ўтказилган. Баъзи манбаларда бу икки байрам бир-биридан ажратилмай ягона байрам сифатида талқин этилса, бошқаларида улар алоҳида байрамлар экани таъкидланади. Нега шундай? Албатта, бунга аниқлик киритмоқ керак. Бизнингча, «Йил боши» — «Наврўз» ёзга кўчирилган даврларда гул сайли баҳор фаслининг энг катта байрамига айланган. Шунда у Наврўзга хос одатларни ҳам ўзида мужассамлаштирган. Наврўз яна баҳорга кўчирилганида, у табиат жонланиши, баҳор келишини қайд этадиган байрамга айланган. У «йил боши» бўлгани учун ҳам аниқ кунлари (ҳозирги 21—22 мартда) нишонланадиган бўлган. Гул сайиллари (лола, қизил гул байрамлари)нинг қачон ўтказилиши табиатга, об-ҳавога боғлиқ бўлиб, улар гуллар қийғос очилганида, кўпинча апрел бошидан то май ўрталаригача ўтказилган.

Наврўз бир ойгача нишонланадиган жойларда эса бу икки байрам бир-бирига қўшилиб кетган. Бундай жойларда баҳор тантаналари «Наврўз» байрами билан бошланиб гул сайиллари билан якунланган. Кенг майдонларда лолazorлари бўлган жойларда эса гул сайиллари янада тантаналироқ ўтказилган. Умуман, бу баҳор байрамлари бир-бирини тўлдириб, бойитган.

Далалар, қир-адирлар, тоғ ёнбағирларида гуллар (бойчечак, лола, сунбула, бинафша) очилиши муносабати билан қадимда ўтказилиб келинган турли гул сайиллари — *Бойчечак сайли*, *Лола сайли*, *«Қизил гул (қизғалдоқ) сайли*, *Сунбула сайли*, *Бинафша сайли* каби сайиллар халқи-

мизнинг бебаҳо тарихий-маънавий бойлигидир. Афсуски, кейинги ўн йиллар мобайнида турли сабабларга кўра, (халқ байрамлари тақиқланганлиги, сайилгоҳлар, табиий гулзорлар бузилиб кетганлиги, экинзорларга айлантириб юборилганлиги, табиий дала гуллари йўқолиб кетганлиги туфайли) гул сайиллари йўқолиб кетди. Улар фақатгина айрим тоғли қишлоқлардагина жуда содда ҳолда сақланиб қолган.

Албатта, табиий гулзорларсиз, лолazorсиз гул сайилларини тиклаш, уюштириш мушкул иш. Шундай экан, энг аввало мавжуд лолazorларнинг йўқолиб кетишига йўл қўймаслик керак (Афсуски, ҳозирги пайтда ҳам улар йўқ қилинмоқда.). Шунингдек, имконияти бор жойларда илгариги гулзорлар, табиий сайилгоҳларни тиклаш ва бу ерларни махсус кўриқхоналарга айлантирмоқ лозим (Бу табиий гуллар навларини сақлаб қолишга ҳам имкон беради). Гул кўриқхоналарининг бир четида гул байрамларини ўтказиш учун алоҳида сайилгоҳлар ажратиб қўйилса айни муддао бўлар эди.

Шундай қилинса, ҳам табиий гулзор, лолazorлар сақлаб қолинади, ҳам гул сайилларини яна ҳаётга қайтариш имкони бўлади. Албатта, бу гул сайилларидан мақсад табиий сайилгоҳларда дам олиш, сайр қилишгина бўлиб қолмаслиги керак. Бу сайиллар табиат гўзаллиги, дала гуллари, чечаклари ва ўсимликларини эъзозлаш, сақлаш ва кўпайтириш тадбирига ҳам айланиши лозим.

Гул сайиллари табиий сайилгоҳлардагина эмас, балки замонавий тарзда шаҳар маданият боғларида ташкил қилинса ҳам бўлади. Намангандаги маданият боғида 30 йилдан бери «Гул байрами» ўтказилиб келинаётгани диққатга сазовордир. Бу байрам Европадаги байрамлар таъсирида 50-йилларда пайдо бўлган бўлса-да, у эндиликда наманганликларнинг энг катта ва сеvimли байрамига айланиб қолган. Бу замонавий байрам республикамизнинг бошқа шаҳарларида ҳам уюштирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шундай қилиб, гулга бағишланган байрамларни икки хил услубда ҳаётга қайтариш ва тараққий эттириш мумкин: биринчидан, табиий гулзор — сайилгоҳларда дала гуллари очилиши муносабати билан ўтказиладиган анъанавий *Лола сайли*, *Сунбула сайли*, *Қизил гул сайли* қабиларни тиклаш лозим. Иккинчидан, маданият ва истироҳат боғларида (Наманган шаҳри боғи тажрибаси асосида) маданият гулларни кўпайтириш, тарғиб қилиш мақсадида ташкил қилинадиган гул байрамларини барча жойларда ўтказиш зарур.

Табиатнинг энг ажойиб мўъжизаси, «гўзаллик маликаси» — гулга бағишланган байрам ва сайиллар кишиларни табиат ва инсон гўзаллигини эъзозлаш, ардоқлаш руҳида тарбиялайди.

ЎЗ ТАДБИРЛАРИ

Ўз фаслида бошқа фаслларга қараганда байрам ва маросимлар камроқ бўлади. Ёзнинг иссиқ пайтларида одамлар салқин жойларга бориб, дам олишга интилади. Бироқ деҳқонлар учун ўз фасли айна ишлайдиган вақтга тўғри келади. Бошқалар эса кўпинча бу вақтда таътилга чиқиб, дам олишади.

Одатда, 23—25-июль кунлари табиатда жиддий ўзгаришлар бўлади. Шу кунларда қуёш тикка келиб (Қуёшнинг Ерга энг яқин бўлган вақти), йилнинг энг қисқа тунни ва энг узун кунни содир бўлади. Саратон бошланиб, «ёзги чилла» киради. Табиатдаги бу ўзгаришлар одамларга ҳам таъсир қилади. Ҳамманинг сувга эҳтиёжи кучаяди. Ёздаги тадбирлар табиатдаги ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқдир. Бу

фаслда тоғ сайли, боғ сайли, сув сайли каби тадбирлар ўтказилади.

Ёзда қадимдан салқин жойларда, дарахтлар соясида, сой ва ариқ бўйларида кам ҳаракат қилинадиган ўйинлар ўйналган. Сувда чўмилиш вақтида «Сувда қувлашиш» («Қувлашма-чоқ»), «Тез сузиш», «Сув остида ўзиш» каби ўйинлар ўйналган.

Ўз охири, куз бошида пишиқчилик бошланганида данак, ёнғоқ ўйинлари, аргимчоқ учишлар ўйналган.

Ёзда иссиқ ҳарорат пасайиб, кечалари салқин бўлганида болалар «Оқ суяк» ўйинини ўйнашган. «Оқ суяк» ўйини нафақат кечқурун, балки қоронғи тунда ҳам ўйналган.

СУВ САЙЛИ

Дунё яралишининг ўзи бир мўъжиза. Уни ташкил этган тўрт унсур эса ғоят табарруқдир. Улар билан дунё абалдийдир. Агар улар бўлмаса, ҳаёт ҳам, ўсимлик ҳам, жонзот ҳам, инсоният ҳам бўлмас эди. Булар: **қуёш**, **ер**, **ҳаво** ва **сув**.

Кўҳна тарихдан шу нарса маълумки, одамзод қадимдан олам, коинот, табиатдаги энг муҳим нарсаларни аниқлашга ва уларнинг қадрига етишга интилган. Аждодларимиз ана шу тўрт нарса асосида табиатда сифат ўзгаришлари, масалан, фасллар алмашиши, иссиқ-совуқ бўлишини билиб, қуёшни «бобо», ерни «момо», ҳаво ва сувни «ҳаёт чашмаси» деб, уларга сифинишган.

Аждодларимиз оламнинг тўрт унсуридан йилнинг тўрт фасли пайдо бўлади, ҳар бир унсурдан эса фаслнинг энг улуғ кунлари яратилган деб тушунишган. Масалан, қишнинг энг узоқ тунни ўтиб, кундуз узая бошлаган кунда — қуёш (олов), баҳордаги кун-тун тенглигидан сўнг, табиатнинг уйғониш вақтида — ер (замин), ёзнинг қисқа туню, узоқ кунни содир бўлган палласида — сув, кузги тун-кун тенглигига — ҳаво яратилган деб билишган. Натижала, оламдаги вақтнинг муайян пайтида тўрт жисм: қуёш, ер, ҳаво, сувни улуғлайдиган ана шу 4 кун аждодларимизнинг улуғ саналарига айланган.

Мазкур «тўртлик»нинг ҳар бирининг ҳаётда ўз ўрни бўлган. Улар ичида ёзнинг энг муҳим кунни ва у билан боғлиқ бўлган сув унсурига диққатни жалб қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Қуёшнинг тикка келиши ва саратон буржиги кириши натижасида йилнинг узоқ кунни ва қисқа тунни вужудга келади, ҳаво қизийди, ҳарорат юқори даражага кўтарилади, табиатда ҳам,

одамларда ҳам сувга эҳтиёж кучаяди. Табиатдаги бу палла «ёзги чилла боши» дейилган.

Сувнинг табиатдаги ўрни беқиёсдир. Сув Ер сайёраси юзасининг 2/3 қисмини эгаллаган. Қуруқликдаги ҳаётни сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. «Сув бор жойда — ҳаёт бор», — дейди халқимиз. Дарҳақиқат, дунёда ҳеч бир тирик жонзот сувсиз ҳаёт кечира олмайди. Агар одам очликка 40 кунгача чидаса, сувсизликка 3 кун чидаши мумкин. Ўсимликлар таркибининг 90—93 фоизи сув бўлса, инсон танасининг ярмидан кўпи (65 фоизи) сувдан ташкил топган. Одам ҳар кунни 4—6 литр сув истеъмол қилади.

Иссиқ иқлим шароитида яшаб келган аждодларимиз «Сув — ҳаёт» эканлигини яхши тушуниб, сувни эъзозлаб, муқаддас билиб, унга бағишлаб кўпгина маросим ва байрамлар ўтказиб келган.

Сувга бағишланган қадимги қадриятлар. Қадимги аждодларимиз дунё асосини икки қарама-қарши куч: яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва қоронғулик, иссиқлик ва совуқлик, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги кураш ташкил қилади деб билишган. Одамлар зардуштийлик динига эътиқод қилган даврларда дунёдаги барча ижобий ҳодисалар яхшилик худоси Ахурамазда (Хурмуз) ва ҳамма салбий нарсалар ёмонлик худоси Ахураман иродасига боғлиқ деб тушунишган. Улар ҳаётдаги барча воқеа-ҳодиса, нарсаларнинг ўз эгаси (тангриси) бор деб ишонишган. Чунончи, Митра — йигит қиёфасидаги қуёш ва ёруғлик тангриси, Анахита — гўзал қиз сиймосидаги унумдорлик, ҳосилдорлик, фаровонлик тангриси, Хумо — гўзал қуш қиёфасидаги бахт ва бойлик

тангриси, Хубби — мард йигит қиёфасидаги сув тангриси деб, уларга ҳам сифинишган.

Мазкур тангрилар орасида Анахита — ер, сув ва ҳосилдорлик маъбудаси сифатида ҳам талқин қилинган. Қадимий манбаларда Анахита — гўзал, бақувват, хушқомат, белига камарини маҳкам боғлаган, олтин зийнатли, кўп бурмали мурсақ кийган бир гўзал қиз сифатида таърифланган (*Бу ҳақда қаранг: Н. М. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. — Т.: «Ўқитувчи», 1965. — 47-бет*).

Қадимда одамлар қурғоқчилик офати одамларнинг гуноҳлари натижасида вужудга келади, деб ҳисоблашган. Анахитадан айбларни кечириш, сув, мўл-қўлчилик, унумдорлик ато этишни илтижо қилишган. Унга атаб мадҳиялар айтишган, ҳайкаллар, қасрлар қуришган, қурбонликлар келтиришган.

Лалмикор ерларда деҳқончилик билан шуғулланган ажлодларимиз қурғоқчилик, очарчиликдан қутқазувчи, ёмғир худоси, ер усти (дарё) суви тангриси борлигига ҳам ишонишган. Уларга сифиниб, турли маросимлар ўтказишган.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»даги маълумотларга қараганда, Тиштрийя — Сириус «юлдузи» осмон сувлари ва ёмғир худоси ҳисобланган. Тиштрийянинг марҳамати билангина осмон ўз сувларини қақраб ётган яйловларга, буғдойзорларга тўқади. Натижада ғалла мўл бўлади, чорва озуқа билан таъминланади, кишилар фаровон, тўқ ҳаёт кечиради.

«Авесто»да келтирилган афсоналардан бирида ҳикоя қилинишича, Тиштрийя ҳар ўн кун ичида уч марта ўз қиёфасини ўзгартириб турган, яъни дастлаб ўн беш ёшли гўзал йигит, кейин олти шоҳли буқа, сўнгги ўн кунда эса олтин эгарли, олтин қулоқли от қиёфасида Ворукаша денгизига келади. Унга ёли ва думининг туклари тўкилган қора рангдаги қирчанғи от қиёфасидаги дев — Апауша қарама-қарши чиқади. Улар ўртасида уч кечаю-уч кундуз шафқатсиз жанг бўлиб, Апауша Тиштрийяни Ворукаша денгизидан қува бошлайди. Шунда Тиштрийя Хурмидзига мурожаат қилиб, ундан ёрдам сўрайди. Хурмидзи унга ўнта от, ўнта туя, ўнта тоғ, ўнта денгиз ҳадея этади. Бунинг натижасида Тиштрийя кучга тўлади ва Апауша билан яна жанг бошланади. Бу гал Тиштрийя дев Апауша устидан ғалаба қозониб, уни Ворукаша денгизидан минг қадам нарига қувиб юборади. Мана шундан кейин Тиштрийя сувли булутларни бандиликдан озод қилади ва қақраб ётган ерларга ёмғир ёғдира бошлайди.

Тиштрийянинг бундай халоскорлик фаолиятдан ҳамма хурсанд бўлади. Унинг дев билан бўлган омонсиз жангда ғолиб чиққанлигини шарафлашади, унга сифинишади. «Авесто»да

осмон сувлар халоскори ва ҳомийси қуйидагича улуғланган: «Биз ўзида мавжуд сувларнинг уругини мужассам этган ёрқинроқ, порлоқ юлдуз Тиштрийяни шарафлаймиз! Биз катта ва кичик ҳайвонлар, одамлар сифинадиган ярқинроқ, порлоқ юлдуз Тиштрийяни шарафлаймиз!.. Биз оқар ва оқмас булоқ, дарё, қор ва ёмғир сувлари қўмсайдиган ярқинроқ, порлоқ юлдуз Тиштрийяни шарафлаймиз!..» (*Кўчирма олинди: У. Жуманазаров. Тарих, афсона ва дин. — Т.: «Ўзбекистон», 1990. — 20—21-бетлар*).

Тарихий манбалар ва афсоналарда осмон (ёмғир) сувлар тангриси Тиштрийя ва ер устидаги денгиз, дарё сувлари тангриси Хубби кўп тилга олинади.

Жуда қадим замонларда Жамшид замонасидан ҳам бурунги даврларда Амударёда Хубби деган бир йигит бўлган экан. У бир қўли билан балиқ овлаб, иккинчи қўли билан уни қуёшга тутиб турса бир зумда балиқ пишар экан. Хубби шу хилда балиқ еб, дарёни кўриқлаб Амударёда етти юз йил яшабди, сувга бирор ёмон руҳ, ҳаттоки чивин ҳам яқин йўллашга ботина олмабди. Халқ ундан мамнун бўлиб, шоду хуррам яшайверибди. Жамшид замонасига келганда, Хубби ғойиб бўлибди. Кишилар уни «Осмон сувларининг ҳукмрони бўлган қиз ўғирлаб кетган» деб фараз қилишибди. У биринчи бўлиб қайиқ ясабди. Кишиларни қайиқда сузиш ва душманга қарши сувда жанг қилишга ўргатибди. Бироқ кунлардан бир куни Хуббининг онаси ҳам ғойиб бўлибди. Лекин кишилар Хубби ва унинг онасини унутмабдилар. Улар ҳар йили қайиқларда Хуббининг онаси қиёфасини тасвирлаб махсус маросимлар ўтказадиган бўлишибди. Бу маросимлар вақт ўтиши билан халқ сайилларида анъанавий томоша шаклида ҳам кўрсатиладиган бўлибди. Бу мазмундаги томошалар XIX аср охиригача ҳам сақланиб қолган экан. Чунончи, ўтган асрнинг 80-йилларида рус армияси офицерининг хотини А. Карцева Хоразмда театрлашган сайилда Хуббининг онаси образи гавдалантирилганининг гувоҳи бўлган. У бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: *Сайилда одам кўп, жуда гавжум, иккита қайиқ ишланиб, тепасига қамишдан соябон ясалган ва қоғоз ёпиштирилиб, бўялган. Қайиқ ичида фонарчалар осилиб, соябон тагида бир аёл ўтирарди. Бир неча киши қайиқларни кўтариб, томоша майдонига олиб келади. Бу қайиқ тунда жуда чиройли манзара беради. Ҳамма ашула айтади, уйнайди. Қайиқ «сузади». Томоша тонг отгунгача давом этади. Қайиқда ўтирган аёл Хубби онасининг образи бўлиб, бу сайил ўша қадимий Хубби маросимларининг кўринишларидан эди* (Бу ҳақда қаранг: М.Раҳмонов. Ўзбек театри тарихи. — Т.: «Фан» 1968. — 25-бет).

Ажлодларимиз сувни табиат, ўсимлик, ҳай-

вон ва одамларга ҳаёт бахш этувчи муқаддас куч деб қарашган. Улар сув кишиларни ифлослик, харомлик, нопокликлардан ҳалос қиладиган илоҳий унсур деб билишган. Сувни ифлослантирганлар, уни исроф қилганлар жазоланган, ҳатто ўлдирилган. «Сув келтирган — азиз» дейишган. Уларни энг буюк қахрамон даражасига кўтаришган. Сувни улуғлайдиган махсус маросим ва турли байрамлар ўтказиб келишган. Беруний ўзининг «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида сувга бағишланган одатлар, ҳайитлар ҳақида кўп тўхталган. Бундай одатлар баҳор-ёз байрамларида ҳам ўтказилиб, одамлар бу йил сув ва ҳосил мўл бўлсин деб, бир-бирларига сув сепишган.

Тарихдан маълумки, сосонийлар даврида Наврўз баҳордан ёзга кўчирилган. Ёзги Наврўзда сувга бағишланган одатлар, маросимлар алоҳида ўрин тутган. Беруний қадимги ёзги «Наврўз» одатларидан бири ҳақида куйидагиларни ёзган: «Одамлар шу куни тонг пайтида ўрниларидан туриб, канал ва ҳовузларга борадилар. Кўпинча оқиб турган сувларга рўпара туриб, баракали бўлиш, офатларни даф этиш учун устларидан сув қуядилар» (*Беруний. Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар. — Т.: 1-том, 1967. — 257-бет*).

Шуни таъкидлаш керакки «Наврўз» куни одамларнинг бир-бирига сув сепиши кўпгина

жойларда, жумладан, Фориш қишлоқларида яқин йилларгача сақланиб қолган эди.

Сувга бағишланган қадимий одатлардан яна бири ҳатто йирик байрам даражасига ҳам кўтарилган. У ёзнинг иссиқ кунларидан бирида одамларнинг дарё ва сув ҳавзаларига бориб чўмилиши вақтида ўтказилган. Беруний хоразмликлар Исфандарможи ойининг 1-кунида «Вахшангом» деб аталувчи ҳайит ўтказиши ва у Вахш, Жайхун сувига бағишланиши тўғрисида маълумот берган (*Уша асар, 282-бет*).

Бундан шуни тушуниш мумкинки, ўша куни одамлар Жайхун дарёсига бориб чўмилишган. Шунингдек, Беруний эронликларнинг ҳайити ҳам хоразмликлар оdatига ўхшаш эканлиги ҳақида тўхталиб: «Омал аҳолиси шу куни Хазар (Каспий) денгизига бориб, кун бўйи сувда ўйнашиб шўнғишадилар», дейди.

Хуллас, ёзда Ўрта Осиёнинг иссиқ иқлим шароитида сувга эҳтиёж кучли бўлганлиги учун бу ерда сувга бағишланган турли одат, байрамлар ўтказилиши табиийдир.

Тарихий манбалар кўрсатадики, қадимий аждодларимиз ҳаётида ёзга бағишланган тадбирлар орасида куёшнинг тикка келиши, йилнинг энг узоқ куни ва қисқа туни содир бўлиши билан ҳаво қизиби, сувга эҳтиёж кучайган бир пайтда нишонланадиган *Сув байрами (Анган)*, *Оби ҳаёт*, *Сув сайли* кабилар) алоҳида ўрин тутган.

* * *

Маълумки, ислом динида сувга покловчи, тозаловчи муқаддас нарса деб қаралади. Аҳмад Ҳодий Мақсудийнинг «Ибодати исломийя» китобида «Дини ислом пок диндир, бас пок бўлмоққа саъй қилингиз, пок бўлмагон киши жаннатга кирмас» деб қайд қилган. Сув эса мусулмон кишини поклантирувчи асосий восита деб тушунилган. Муқаддас «Қуръон» китобида ва пайғамбаримиз ҳадисларида покла ниш, таҳорат ва ғусул ислом динининг асоси дейилган. Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, Ислом маросимларининг барчасида сув покланиш воситасидир.

Имом ал Бухорий жамлаган ҳадислар тўпламидаги Муҳаммад пайғамбаримизнинг сув ва суюқликлар истеъмол қилганига оид ибратли воқеалар, насиҳатлар баён қилинади. Жумладан, узум ва мева сувлари, шарбатларнинг ҳалоллиги, мусалласларнинг ҳаромлиги, сут, чучук сувдан лаззатланиш, ичимлик сувини сақлаш қоидалари, турли идишларда сув ичиш удумлари, табаррук сув ҳақида кўп ибратли маслаҳатлар берилган.

Иссиқ иқлимли ўлкаларда пайдо бўлган ислом динида осмон суви — ёмғир, қор ҳам жуда

эъозланиб, унда худодан ёмғир тилашга оид қатор маросимлар бўлган. Ибн Исмоил ал Бухорий ҳадис тўпламидаги «Икки ҳайит ҳақида китоб»нинг 34—64 боблари пайғамбаримизнинг худодан ёмғир сўраб, илтижо қилганликларига бағишланган.

Ал Бухорий ҳадисларида айтилишича, бир киши келиб: «Ё Расулulloҳ, чорва қирилиб кетди, кўчалар ҳувуллаб қолди, Оллоҳдан сўрасангиз, бизга ёмғир берсин!», дейди. Шунда Расулulloҳ... қўлларини кўтариб: «Илоҳи ёмғир бергин бизга!.. деб уч бор дуо қиладилар... Осмонда бир парча ҳам булут йўқ эрди... Ногоҳон тоғ ортидан қалқондек, қалқондек булут кўришиб, секин-аста катталашиб, бутун осмонни қоплаб олди. Кейин ёмғир ёғди... Ёмғир келаси жумагача тинмай ёғди...» (*Ал-Бухорий. Ҳадис Т.: 1992. 4-китоб, 276-бет*).

Муҳаммад пайғамбар, одатда, худодан ёмғир сўраганда номозгоҳга бориб, қиблага қараб, ридолари (елкага ёпиладиган либос)ни таналарига яхшилаб ўраб, қўлларини баланд кўтариб дуо ўқиб, илтижо қилар (ёки икки рақъат номоз ўқир) эканлар.

Марказий Осиёда ҳам ёмғир чақириб одат-

лари қадимдан мавжуд бўлган. Чунки бу ҳудудда ҳам сунъий сув иншоотлари яратилгунга қадар чорвачилик ва деҳқончилик кўпроқ осмон суви билан боғлиқ бўлган. Керакли вақтда ёмғир ёғмаса қурғоқчилик, очарчилик, фожеа бошланган. Қадимий аждодларимизнинг ёмғир ёғишини тилаб қилган илтижолари, орзу-нияти, хоҳиши, уларнинг оддий ҳаракатларидан тортиб, махсус уюштирилган йирик маросимларигача ўз аксини топган. Шунинг учун бўлса керак, энг кўҳна одатлар ичида осмон суви — ёмғирга бағишланган маросимлар алоҳида ўрин тутган. Аждодларимиз қадимда яда тоши ёрдамида ва *Суст хотинга* илтижо қилиш йўли билан ёмғир чақаришган. Ёмғир чақариш маросимларнинг бирида яна жада тошидан фойдаланилгани ҳақида кўплаб маълумотлар учратамиз (Яда тоши ёрдамида ёмғир чақариш ҳақида Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк», Ибн ал-Фақиҳнинг «Китоби ахбор» номли асарларида маълумотлар бор).

Афсоналарга қараганда, Нуҳ пайғамбар Оллоҳ таолодан турк элига ҳукмдор этиб тайинлаган ўғли Ёфасга ёмғир, қор ёғдирадиган бир сўз (дуони) ўргатишни сўрайди. Ёфас дуо эсдан чиқмаслиги учун уни тошга ёзиб, керакли вақтда ёмғир чақира оладиган бўлади. XI асрда яшаган буюк олим Маҳмуд Қошғарий ўзининг «Девону луғотит турк» асарида яғмолар шаҳрида ёнғинни ўчириш учун яда тоши ёрдамида махсус иш қилишгани натижасида ёзда қор ёғдирилганлиги ҳақида ёзади. Фольклоршунос Б. Саримсоқов фикрича, яда тошининг об-ҳавога таъсири ҳақидаги тасавурлар асримизнинг биринчи чорақларигача этиб келган. Ҳозир эса унутилган. Ёмғир чақаришга доир иккинчи маросим — *Суст хотин* маросими эса, ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Марказий Осиёда сув қадри ҳақида гап кетганда сардобаларга тўхталмасликнинг иложи йўқ. Чунки сардобалар Марказий Осиёда сувни сақлаш, эъозлаш мақсадида қурилади. Қадимда аждодларимиз қуйидаги одатга амал қилишар экан. Карвон сардобага этиб келганида, йўловчилар, аввал ўша ерда ўсаётган дарахтга сув қуйишар экан. Кейин ўзлари миниб келган от, туяларга сув бериб, сўнг ўзлари сув ичишар экан. Сардоба сувни қадрлашга ўргатувчи ўзига хос «мактаб» вазифасини ҳам бажарган. Сувга оид энг яхши анъаналар сардобалар билан боғлиқ тарзда вужудга келган. Сардобалар сув сақланадиган иншоотгина бўлибгина қолмай, атрофидаги ўсимликлар, ҳайвонлар, аҳоли ҳамда йўловчи ва сайёҳлар учун ҳаёт чашмаси ҳам бўлган. Шу билан бирга у дам олиб, мулоқотда бўлиш, фикр алмашиш маскани ҳам бўлган.

Ўзбек халқининг энг катта маънавий бойликларидан бири унинг сувга бағишланган одаларидир. Уларда жуда чуқур фалсафа мужас-

самлашган. Халқимизнинг сув билан боғлиқ урф-одатларидан айримлари хусусида тўхталамиз. Масалан:

— Инсон дунёга келганида ҳам, оламдан ўтганида ҳам сув билан покланади.

— Одам ҳар бир янги кунини сув билан ювиниб бошлайди. Ювинмагунча ҳеч кимга қараш ҳам, ҳеч иш қилиш ҳам мумкин эмас.

— Туш сувга айтилади. Сув ёмонликни оқизиб кетар экан.

— Эрталаб аёллар, келинлар ўз ишларини ҳовлига сув сепиш билан бошлайдилар.

— Янги оила қураётган келин-куёвларга ширин сув берилади (Ҳаётингиз ширин бўлсин деган маънода). Никоҳ маросимида ҳам улар олдига сув қуйилади. Бу «ҳаётларингиз оқ ва тиниқ бўлсин» деган маънони билдиради.

— Сув ичишни кичик ёшдаги киши бошлаб беради.

— Рўза ҳам сув билан очилади.

— Одамга ҳаяжонланганида ҳам, хурсанд бўлганида ҳам, қўрққанида ҳам сув берилади.

Хуллас, халқимизда сувга бағишланган одалар, иримлар, маросимлар, ўйинлар гоят кўп. Сувсиз ҳаёт бўлмаганидек, аждодларимиз турмушини ҳам сувга бағишланган одаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сув билан боғлиқ хилма-хил одалар узоқ тарихий жараёнда ўзбек халқи ҳаётига сингиб, унинг турмушининг таркибий қисмига айлана борган.

XX аср охиригача ҳам сувга оид ўзбек одаларининг айримлари сақланган, баъзилари ўзгарган, кўплари эса минг афсуски, унутилган.

Сувга оид маросим ва байрамлар. Ҳаёт чашмаси — сувга бағишланган азалий қадриятлар ичида ёз чилласи бошида ўтказилган «Сув байрами» сақланиб қолганмикан? Ана шу савол турли жойлардаги халқ анъаналарини ўрганиш жараёнида бизнинг диққат марказимизда бўлди.

Республикамизнинг турли минтақаларида узоқ изланишлар натижасида сувга оид турли диққатга сазовор қадриятлар, халқ маросимлари ва ўзига хос байрам-сайилларни (баъзиларининг қолдиқларини) топишга муяссар бўлдик. Қуйида халқимизнинг сувга бағишланган тарихий қадриятларининг энг йирик шакллари, диққатга сазовор маросим ва байрамларига тўхталамиз.

Осмон — ёмғир сувларига бағишланган I-маросим — *Суст хотин* ҳақида кўпчилик ҳозир ҳам муайян тасаввурга эга. Мазкур маросим ва унинг қолдиқларини Хоразм, Бойсун, Фориш, Зомин каби жойларда учратиш мумкин. Маълумки, бу маросим лалмикор жойларда баҳор-ёз ойлари ёмғир ёғмай, экинзорлар қовжираб, қурғоқчилик бошланганида, «ёмғир чақариш» мақсадида ташкил қилинган. Оқсоқолларнинг кўрсатмасига биноан қишлоқ аёллари катта

қўғирчоқ ясаб, унга қари кампирнинг қўйлагини кийдиришган. Сўнгра махсус қўшиқлар айтишиб, қўғирчоқни далалардан, кўчалардан олиб ўтиб, хонадонларга киришган. Маросим қатнашчилари *Суст хотин* қўшиғини айтиб, ҳовлиларга киришганида уй эгалари уларни хурсандчилик билан қаршилаб қўғирчоқ устидан сув сепиб, хайр-эҳсон қилишган. Маросим охирида қурбонлик қилинган, «Ис чиқаришган», зиёфат уюштирилган. Бу маросим турли жойларда ўзига хос шаклда ўтказилиб, унинг бир неча кўриниши бўлган (*Қаранг: Б. Саримсоқов. Ўзбек маросимлари фольклори. — Т.: «Фан», 1986. — 65—71-бетлар*). *Суст хотин* маросими матбуот, радио, ойнаи жаҳонда ҳамда қатор фольклор-этнографик жамоалар фаолиятида ёритилган.

Сувга бағишланган навбатдаги маросим — булоқ ва сойлар билан боғлиқ. Нурота тоғ тизмаларидаги булоқлар суви билан кун кечирадиган аҳоли булоқ «ҳаёт чашмаси» деб, унга жиддий муносабатда бўлишган. Чунки ёзда булоқ ва сойлар қуриб қолса, қурғоқчилик ва очарчилик бошланган.

Эрта баҳорда қишлоқ аҳолиси оқсоқоллар бошчилигида экинларга сув берадиган чашма бошига бориб, ҳашар қилиб, булоқ «кўзи» ва сойларни тозалашган. Сув мўл бўлиши, унинг камайиб қолмаслигини сўраб, худога илтижо қилиб, дуолар ўқишган, қўй сўйиб, қурбонликлар қилишган. Баъзилар сув ёғдек оқиб туриши учун унга озгина ёғ ҳам қуйишган. Булоқ суварини бу тарзда илоҳийлаштиришнинг ҳозиргача сақланган айрим кўринишларини Шоҳимардонда ўтказиладиган «Кўли Куббон», Наманганда ўтказиладиган «Пешқирон», Бойсунда ўтказиладиган «Биби сешанба» удумларида, Ургутда сув чашмалари ва бошқа жойларда ўтказиладиган тадбирларда учратиш мумкин.

Сувга қурбонлик келтириш билан боғлиқ қадимги ажодларимиз одати республикамизнинг бошқа жойларида ҳам сақланиб қолган. Чунончи Қашқадарё вилояти Чирокчи туманидаги Кумдарё атрофида яшовчи аҳоли ҳар йили баҳор (апрель-май ойлари)да дарё суви кўпайишидан олдин сув бўйига чиқишиб, қўй сўйишиб, сувга ҳам озгина қон оқизишиб, қурбонлик қилишади. Бу ерликларнинг қадимги ажодларидан ўтиб келаётган тушунчалари бўйича сув офат келтиришдан (масалан, тошқин бўлишидан) олдин «қонсирар» эмиш. Бу пайт қурбонлик қилинмаса, сув одамларга офатларни олиб келар эмиш. Масалан, баҳорда сув кўпайиб, экинзорларни босиб кетар ёки ёзда сув камайиб, қурғоқчилик бўлар экан.

Мазкур политеистик эътиқодларни турлича таҳлил қилиш мумкин бўлса-да, қумдарёлик-

ларнинг сувга бўлган илоҳий муносабатларини сувни қадрлашга бағишланган ҳаётий тадбир сифатида ижобий баҳолаш мумкин.

Сув билан боғлиқ бўлган яна бир тадбир ёзнинг иссиқ кунларида сайил шаклида ташкил қилинар экан. Бу маданий тадбир баҳор охири — ёзнинг бошида кунлар исиб, сой, дарё, анхорлар сувга тўлганида ўтказилар экан. Тоғли ҳудудлар қишлоқларидаги қариялар билан суҳбатлашиш жараёнида анъанавий *Сув сайли* ҳақида қимматли маълумотлар тўпладик.

Тоғларда қорлар эриб, сойлар сувга тўлганида қишлоқ йигитлари қозон-товоқ олиб, қўйни етаклашиб, сув бўйига отланишган. Айтишларича, сув бўйида йигитларнинг ҳаммаси дастлаб бир ҳовуч сув ичишган. Кейин ҳар бирлари ўзлари билан олиб келган рўмолча (даст-рўмол) билан артинишиб, дилларидаги орзуларини айтишиб, рўмолчаларини сувга оқизиб юборишган. Сўнг қўй сўйиб, қурбонлик қилиб, овқат тайёрлашган, ашула ва дoston айтишган, қизиқчилик қилишиб, ўйин-кулги бошланган. Кўннинг энг қизиган вақтида улар мириқиб чўмилишган. Бу маросим Денов туманида қадимдан ўтказилиб келинганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Маълумки, ёзда ўтказиладиган бу анъанавий тадбир кейинги пайтда дам олиш, замонавий «маёвка», кичик сайил шаклига кирган. Бироқ қадимий маросимларнинг кўпи содда, жўн эканлиги ва уларнинг асосида амалий фойда олиб турилишини назарда тутсақ, бу тадбир генезисини қуйидагича тахмин қилиш мумкин: ёзда сув камайиши натижасида чашмалар, сойлар, тоғ дарёлари, каналлар ўзанини тозалаш керак бўлган. Шу муносабат билан кўпгина жойларда ҳашарлар ўтказилган, сув бутунлай қуриб қолмаслиги учун қурбонликлар қилинган. Бу тадбирда асосан қишлоқ йигитлари иштирок этган. Ҳашар тугаганидан сўнг, сув бўйида (қурбонликка келтирилган қўй гўштидан) шўрва ва бошқа таомлар тайёрланиб, зиёфат уюштирилган. Сув кўп бўлган йилларда йигитларнинг ҳашар қилишига эҳтиёж бўлмаган. Бундай пайтларда йигитлар ҳашар эмас, сайилга чиқадиган бўлишган. Кейинги ўн йилликларда тоғларда ҳам сув иншоотлари қурилиб, қувурлар ўтказилиб, сув келтирилиши натижасида сой, чашма, дарёлар ўзанини тозалаш керак бўлмай қолганда, ҳашар ўрнига ўзига хос сайил вужудга келган. Тарихий манбаларда ўтмишда қизлар учун ҳам сув сайли ўтказилгани ҳақида қизиқарли маълумотлар мавжуд. Шарқ миниатюраларида қиз-аёлларнинг ҳовуз ва дарёларга гуруҳ бўлиб бориб чўмилаётганликлари акс эттирилган. Кекса момолар қизларнинг сув сайли ўта махфий бўлганлигини айтишади.

Бухорода қизга келин либосини кийдириш-

дан олдин у ҳаммомга олиб бориб ювинтирилиб, ўзига хос одат ва иримлар билан чўмилиш маросими уюштирилган. Тоғли ҳудудлардаги айрим жойларда қиз турмушга чиқишидан олдин (дугона, янга ва «қўриқчи»лари билан бирга) муқаддас сойга бориб, чўмилиб, у ерда покланиб келиш маросими ўтказилган.

Сув билан боғлиқ маросимлардан яна бири сув ҳавзаларида чўмилиш бўлиб, у республикамизнинг кўпгина ҳудудларида махсус тадбир сифатида ўтказиб келинган. Китоб тумани «Севаз» қишлоғи ёнидан оқадиган «Оқ дарё»да қадимдан анъанавий чўмилиш тадбири уюштирилиб келинган. У ёзнинг энг иссиқ чилла вақтлари (тахминан июнь охири — июль бошлари) қаторига уч чоршанба куни ўтказилган. Бу тадбирнинг бир неча номи бор экан. Жумладан ёзда «Оқ дарё» суви оқ рангда бўлгани ва чўмилувчилар оқ-пок бўлишини ҳисобга олиб «Оқ сув» (тожикча «Оби сафет»); ўша вақтда сув оқ-лойқа бўлгани учун «лойқа сув» («Оби лойқа»); сув кўпайиб, ўйноқлаб, айналиб оққани учун «Тескари сув» («Оби чаппа») каби номлар билан аталган.

Сув сайли ўтказиладиган кунлар тахминан бир ой олдин қишлоқ оқсоқоллари, фаоллари томонидан белгиланиб, унга тайёргарлик кўрила бошланган. «Оқ сув» тадбирлари бўладиган куни «Оқ дарёга» 5—10 минг киши йиғилган. Бу маросимга қўшни туманлар ҳамда Самарқанд, Бухоро вилоятларидан ҳам одамлар келишар экан. Одатда, одамлар покланиш, тозаланиш учун чўмилишади. Бироқ, бу дарёга келганлар олдиндан тоза бўлиб, покланиб, таҳорат қилиб, тоза кийимлар кийиб, байрамона кайфиятда, саломат бўлиб кетишига ихлос қилиб келишади. Энг қизиғи шундаки, чўмилиш манзилига одамлар сешанбадан чоршанбагача ўтар кечаси етиб келиб, қуёш чиқиш арафасида (соат 3—5 ларда) сувга тушишар экан. Ўша куни «Оқ дарё»га бораолмайдиган қариялар, касаллар учун сешанба куни дарёдан сув олиб боришиб, эртаси тонгда уларни чўмилтиришар экан. Сувда чўмилишнинг ўз қоида-анъаналари мавжуд.

Биринчидан, эркаклар ва аёллар бошқа-бошқа жойларда чўмилишади. Эркаклар очикроқ жойда, аёллар эса четроқ, пана жойда сувга тушишади.

Иккинчидан, сувга уч марта тушиб, чўмилиш керак экан. Илк бор (ўрганиш учун) дарёга тез тушиб чиқиш, кейинги гал енгил ювиниш, охирги маротаба сув тагидан тош олиб, у билан яшилаб ювиниш ва кейин чўмилиш керак экан (Дарвоқе, ёзги чилла вақтида бу ердаги тошлар совунга ўхшаб пўстлоқ билан қопланиб қолар, у билан бадан ишқаласа кўпиклар пайдо бўлади. Бу тош кўпиғи ҳам тозалаш, ҳам даволаш хусусиятига эга экан).

Учинчидан, одамлар қуёш чиққунга қалар чўмилишиб бўлиши лозим экан. Лекин кўпчилик қуёшни сувда кутиб олишар, у чиққан вақтда яхши ниятлар қилишар экан. Бу одат қадимий *политеистик* (табиат унсурларига сизгиниш) ва *митраизм* (қуёшпарастлик) қолдиқлари бўлиши керак.

Тўртинчидан, қуёш уфқдан осмонга кўтарилиши билан соғ-саломат бўлишни ният қилган одамлар дарё атрофида қурбонлик қилишар экан. Ҳар ким ўз имконияти ва хоҳишига қараб «қон чиқарар», хўроз, эчки ёки қўй сўйишар экан.

Бешинчидан, дарё бўйида «ис чиқариб», овқатлар тайёрлашар экан, муллаларни таклиф этиб, дуолар ўқитишар, қироатлар қилишар экан. Хуллас, ҳозир ҳам «Оқ дарё»нинг «оқ суви»да ажодларимиздан мерос сифатида ўзига хос тиббий-руҳий, соғломлаштириш сайил-тадбирини ўтказиб келишмоқда.

Китоб туманида сақланиб қолган сувга оид маросим-тадбирнинг қадимдан сақланиб қолган маънавий ёдгорликларидек ўзига хос жиҳатлари бор. Нима учун сув байрами бошқа жойларга қараганда айнан «Оқ дарё»да яхши сақланиб қолган? У нега айнан ёзнинг энг иссиқ (чилла) пайтида қаторасига уч чоршанба куни ўтказилади? Нима учун одамлар тонг отаётган субҳидам вақтида уч марта сувга тушиб чўмилишган? Бу каби саволлар пайдо бўлиши бу ҳодисанинг ўзига хос жиҳатлари борлигини билдиради.

Ҳар бир одат замирида амалий ёки маънавий фойда ётади. Мазкур анъананинг сақланиб қолишига сабаб шуки, аввало унга аҳолининг эҳтиёжи бўлган. Бу тадбир кишилар саломатлигини мустаҳкамлайдиган табиий ва самарали «шифоҳона» вазифасини бажарган. «Нима учун «Оқ сув» маросими айнан ёзнинг энг иссиқ паллаларида ўтказилади», деган саволга бу пайт чўмилишга қулай, деб осонгина жавоб бериш мумкин. Аммо бу жумбоқ сирини тоғ қояларидаги қорлардан излашга тўғри келади. Қарияларнинг айтишича, жумладан 1891 йил Варганзада туғилган Муҳаммад Эшонқул бобонинг таъкидлашича, баланд тоғлар тепасидаги қорларда «қор қурт»лар бўлар экан. Яъни ёзнинг энг иссиқ вақтларида қорлар «қурт»лар экан. Кунлар исиб, қор эриши авжига чиққанида, қуртлар катта бўлиб, қор тепасига чиқиб қолиб «иссиқлик» таъсирида ёрилар экан. Улардан ажралган шилимшиқ модда эриган қор сувига қўшилиб, тошдан тошга урилиб, «пишиб» оппоқ рангга кириб, сойлар орқали дарёларга оқиб келар экан. Бу сув ана шу тарзда ёз чилласида жуда кучли шифобахш, барча дардга даво воситага айланар экан.

«Оқ сув»нинг шифобахш хусусиятларини билиш мақсадида олимларга ҳам мурожаат қил-

дик. Республика сув муаммолари институти директори, машҳур олим Эрназар ака Маҳмудов фикри бўйича, ёзнинг иссиқ кунларида тоғ қояларидан тошдан-тошга урилиб оқаётган сувлар, ўз йўлидаги кимёвий элементлар (масалан, кумуш моддалари)ни ўз таркибига қўшиб, сойларга олиб тушади. Бу эса сувга шифобахшлик хусусиятини янада кучайтиради.

Нима учун чоршанба кунлари чўмилишган? деган саволга маҳаллий жой анъаналаридан жавоб изласак бўлади. Кўпгина жойларда ўтмишда жума дам олиш ва бозор куни, чоршанба ўзига хос маънавият куни ҳисобланган. Шу куни кишилар ота-оналари, устозлари, қариялар, ожизлар, касалларни зиёрат қилишган, муҳтожларга ёрдам беришган, хайрия ишлари амалга оширилган, мархумлар хотирланган, худойи, ис чиқариш тadbирлари уюштирилган, ёш йигит-қизлар унаштирилган, улар бир-бирларига совғалар юборишган, эр-хотинлар висол оқшомларини ўтказишган. Пайшанбадаги бу каби маънавий-руҳий тadbирлар, энг аввал поклик ва тозалликни тақозо қилгани учун чоршанба — озодагарчилик куни деб қабул қилинган. Бу кун ҳаммаёқ тартибга солинган, касалларни даволашга эътибор берилган, одамлар ҳаммомларга боришган. Шундай қилиб, чоршанба жисмоний ва руҳий покланиш кунига айланган. Айнан шу сабабли ҳам қадимдан «Оқ дарё»да чоршанба кунлари саломатлик ва руҳий покланиш тadbирини ўтказиш оdatга айланган.

Хўш, энди, нима учун кундузи эмас, эрта саҳарда чўмилиш лозим бўлган? Маълумки кундузи сув ва ҳаво ҳарорати ўртасидаги фарқ катталашади. Кундузи чўмилмоқчи бўлганлар 30—40 даража ҳаводан 10—15 даража ҳароратли тоғ сувига тушганида, ўрта ҳисобда 20—25 даражали тўсиқни енгиб ўтиши лозим бўлади. Кечаси эса ҳаво совиб, сув билан унинг ҳарорати деярли тенг бўлиб қолади (сувга тушган одамга, ҳатто, сув ҳам исиганга ўхшаб қолади). Демак, сувдан шифо топаман деган одамга кечаси ёки эрта тонг энг қулай пайтга айланади.

Хуллас, «Оқ дарё»даги сувга чўмилиш тadbирининг сири кўп бўлганидек, унинг одамлар саломатлиги учун ҳам фойдаси катта эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бу дарё суви азалдан одамлар саломатлигини мустаҳкамлаб келган. Унга ихлос қилиб келган касаллар шифо топиб кетган. Табиатнинг ўзи инъом этган мўъжизавий неъматлардан қайси вақтда, қандай фойдаланишни билган одам албатта шифо топади. «Энг буюк табиб — табиат» деб бекорга айтишмаган.

Сув қадрияти ва байрамини тиклаш муаммолари. XX аср ўрталарида азалий оdatлар эътибордан четда қолиб, улар ўрнига умумсовет ёки

европача тadbирларни ҳаётга жорий этиш кучайганини сувга оид қадриятлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Масалан, сувни ниҳоятда қадрлайдиган аждоқларимиз анъаналарини асраб-авайламаслик туфайли сувни бекорга исроф қилиш иллатлари кўпайди. Азалдан сувга тупурмайдиган халқимиз ҳаётида сувга ахлат, чиқинди ташлашдек салбий қусурлар пайдо бўлди. Агар қадимий Марказий Осиё халқлари кўз тушмайдиган чекка жойларда чўмилишган бўлса, кейинги ўн йилликлар ичида европаликлар таъсирида кишиларимиз очиқчасига (ярим яланғоч) чўмиладиган бўлишди. Масалан, Тошкентдаги Миллий боғ, Ёшлар кўли, Ғалаба боғи, Роҳат-Бахт дам олиш зоналари, Анҳор бўйлари, Моржлар клуби ва шаҳардан ташқаридаги Тошкент денгизи, Чорбоғ, Оқтош кўли, Чирчиқ дарёси каби жойларда чўмилиш кишилар учун дам олиш тadbирларидан бирига айланди. Мазкур йилларда ҳатто, ўзига хос (европача) сув байрамлари — чўмилиш мавсумининг очилиши ва ёпилишига бағишланган оммавий-маданий тadbирлар ўтказиладиган бўлди. Бундан ташқари, сув ҳавзаси бор дам олиш масканларида, санаторийларда ҳамда Тошкентнинг «Моржлар клуби», Европада машҳур бўлган «Нептун байрами» уюштирила бошланди. Бу тadbирларни турлича талқин қилиш мумкин. Уларни муайян маънода янги ҳодиса деса ҳам бўлади. Бироқ бу даврда халқимизнинг сувга бағишланган азалий шарқона маросим байрамларини тақиқлашга ҳаракат қилинди. Масалан, 1985—87 йилларда Китобда *Оқ сув* маросими одамлар кўйилмади. Оқ дарёга келганларни совет милицияси ходимлари йўлдан қайтариб юборишди. Бу тadbир «эскилик сарқити» деб қораланди.

Мустақиллик шарофати билан 90-йиллар бошларида Ўзбекистонда аждоқларимизнинг қадимий байрамларидан бўлган баҳордаги кунтун тенглиги вақтида нишонланадиган Наврўз, кузги кун-тун тенглигида ўтказиладиган Меҳржон кабилар қайта тиклана бошланди. Бироқ табиат ўзгариши ва кишилар эҳтиёжи билан бевосита боғлиқ бир қанча оdatлар, чунончи ёзнинг энг узун куни ва энг қисқа туни содир бўлиб, «ёзги чилла» бошланганида, ҳаво ҳарорати юқори даражага кўтарилиб, табиатда ва одамлар орасида сувга эҳтиёж кучайганида қадимдан сувга бағишлаб ўтказиб келинган *Ангом* (Вахшангом, Ангом ҳайит, Сув сайли) номли байрам эътибордан четда қолмоқда. *Ангом* халқимизнинг уч минг йиллик тарихий жараёнидаги сувга оид қадриятлари орасида энг йирик ва диққатга сазовор тadbирдир. Қолаверса, табиатда Наврўздан кейинги муҳим ҳодиса — ёзда қуёшнинг тик тушиши ҳолатини қайд қиладиган ўзига хос тантанадир.

1994 йил бу байрамни тиклаш учун ҳаракат бўлди. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Тошкент давлат маданият институти Ўзбекистон телевидениеси билан ҳамкорликда Тошкент Роҳат-Бахт дам олиш оромгоҳи кўлида илк бор бу қадимий байрамни нишонлади. *Сув байрами*да томошабинларнинг сув билан кутиб олиниши, қадимий «Сув маъбудалари»нинг чиқишлари, сувга бағишланган шеър, мақол, ҳажвия, рақс, кўшиқларнинг янграши, фольклор-этнографик дасталар ижросида сувга бағишланган маросимлар (жумладан, *Суст хотин* намойиши, кўлга гулчамбарлар оқизилиши, «Сув париси»нинг кутиб олиниши ва охирида уни кузатиб кўйилиши кабилар) тadbирга ўзига хос файз берди. Ушбу байрамни ташкил қилишда мазкур сатрлар муаллифи билан бирга Тамара Тошбоева (Ўзбекистон телевидениеси), Аҳмад Жалилов («Роҳат-Бахт»даги дам олиш маскани директори) ҳамда Ориф Шаҳобиддинов бошчилигидаги «Меҳржон» оилавий театр студияси, Тошкент шаҳрининг қатор фольклор-этнографик дасталари қадимий *Сув сайли*га қайта жон беришда фаол қатнашишди. Азалий *Сув байрами*ни тиклашда ЎзФА академиги Эркин Юсуповнинг маслаҳатлари жуда ҳам кўл келди. Бу тadbир бошидан охиригача тасвирга олиниб, 16 июлда «Анъана ва замон» номли 45 дақиқалик теледастурда кўрсатилди. Бу тadbир республика жамоатчилиги томонидан илиқ кутиб олинди. 1995 йил 23 июлда *Сув сайли*нинг Республика пойтахти миллий боғидаги «Ёшлар кўли»да уюштирилиши ва Ўзбекистон телевидениеси орқали кўрсатилиши ҳам бу қадимий анъанани тиклаш йўлидаги яна бир қадам бўлди. Бу тadbирларни ўтказиш жараёнида ташкилотчиларнинг режалари тўлиқ амалга ошмай қол-

ган бўлса-да, улар илк тажрибалар сифатида диққатга сазовордир. Бу тadbирлар келгусида ўтказиладиган *Сув байрам*лари учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ўйлаймизки, *Сув байрами* халқ байрамлари ичида ўзининг муносиб ўрнини топади. Чунки бу байрамга нафақат тарихий, балки катта замонавий эҳтиёж ҳам бор. Чунки бу байрам Ўрта Осиёда сув танқислиги содир бўлаётган, Орол денгизи қуриётган, сувнинг қадри тобора ортиб бораётган бир даврда ўз-ўзидан сувни эъозлаш тadbирларига айланиб кетади. Бу қадимий сув байрами сув хўжалиги ва мелиорация ходимларининг касб-кор (профессионал) байрамига ҳам айланиб кетиши мумкин. *Сув байрами* кунда сув хўжалиги ходимлари, мироблар, сувчилар эъозланса, тақдирланса, айни муддао бўлади. *Сув сайли* сув ҳавзалари, турли дам олиш, соғломлаштириш масканларида чўмилиш тadbирларига ҳам айланиб кетади, деган умиддамиз.

Умуман, *Сув сайли* ёз фаслидаги табиат ва меҳнат байрамларидан биридир.

Сув байрами жуда катта маънавий-тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Бу байрам ёрдамида ҳаёт манбаи бўлмиш сувни қадрлаш, эъозлаш, тежаш, табиатни ҳимоя қилиш билан боғлиқ экологик тарбия ишларини олиб бориш мумкин. Хуллас, миллий қадриятларимиз тикланаётган ҳозирги пайтда ўтмишдан йўл кўйилган хатолардан тўғри хулоса чиқариб, аждодларимиз одатларига нисбатан адолатни тиклаб, инсон ҳаёти учун энг муҳим, муқаддас нарса бўлган сувга бағишлаб байрамлар ўтказсак, бу албатта яхши иш бўлади. Чунки сувсиз ҳаёт бўлмаганидек, *Сув байрам*исиз халқ анъаналари кемтик бўлиб қолади.

ТУТ САЙЛИ

Ўрта Осиё халқлари тутни ниҳоятда эъозлаб, қадрлаб, уни муқаддас неъмат ҳисоблашган. Тут дарахти ўсган ҳовли файзли, баракали ва омадли саналган. Қадимги аждодларимиз тут дарахтига ҳам сифинишган. Чунки тутнинг танаси ҳам, барги, мевалари, томири ҳам шифобахш хусусиятга эга эканлигини билишган. Тут дарахтининг сояси эса аждодларимиз учун салқин, дам олиш учун ҳузурбахш, қулай жой ҳисобланган¹.

Тутнинг ватани Шарқий Хитой ҳисобланса-

да, у қадим даврлардаёқ Ўрта Осиё, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон, Покистон, Эрон, кейинчалик Кавказ орти ҳудудларида ҳам кенг тарқалган.

Тутнинг жаҳон бўйлаб кенг тарқалишига бу ўсимликнинг шифобахш меваси, баргларининг пилла қуртлари учун озуқа эканлигидир. Тут меваси ширин ва тўйимли бўлиши баробарида жуда шифобахшдир. Шарқда, жумладан, Хитой ва Японияда уни яшартирувчи ва умр узайтирувчи дори, деб эъозлашган.

¹ Тут — тутуллар оиласига мансуб ўсимликлардан бўлиб, унинг бўйи 25 метргача бориши мумкин. Гуллари бир жинсли, оталик ва оналик гуллари айрим-айрим жойлашган. Май ойида гуллаб, май-июнда пишади. Тутнинг меваси сершира, майда данакли мевалардан ташкил топган—тўпмева. Тут жой танламай ўсадиган дарахтлардан бири бўлиб, у жуда тез ўсади ва осон кўпаяди.

Мевалар ичида биринчи пишадиган тут — тўқчилик рамзи, пишиқчилик боши ҳисобланади. «Оғзинг тутга етдими — ҳаётинг озиқли бўлади», «Тутга етдинг — тўққа етдинг», «Тутлик — тўқлик», деган доно халқимиз. Шунинг учун бўлса керак, халқимиз тут пишишини сабрсизлик билан кутган. Унинг пишадиган даврига махсус тайёргарлик кўришган, тутга бағишлаб турли тадбирлар, маърака, маросим ва сайиллар ўтказишган. Бу ҳолатлар эса хурсандчилик кайфиятини вужудга келтирган.

Тут дарахти ва мевасини қадрлашга бағишланган энг катта тадбир — т у т с а й л и деб аталган. «Тут сайли» ҳамма жойда ўтказиладиган умумхалқ байрами эмас. У асосан катта тутзорлар бор ҳудудларда ўтказиладиган ноёб ва антиқа тадбирдир. Бу сайилни ўтказишнинг барча жойда бирдай амал қилинадиган қатъий анъаналари мавжуд эмас. Кишиларнинг ўз боғи, ҳовлисидаги тутни териб ейиши оддий одат бўлса, теvarак-атрофидаги тутзорларга оммавий чиқиш — «Тут сайли», яъни катта байрам ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб, шартли равишда «Тут сайли» икки хил тарзда ўтказилади дейиш мумкин:

1. *Кичик оилавий тут сайли.* У қуйидагича ўтган:

Ҳовлида ёки шахсий боғда тут пишганида ота-оналар кўрсатмасига кўра болалар дарахтга чиқиб, тут меваларини пастга тўшалган чодирлар устига қоқишган. Териб олинганидан сўнг бир товоқ тут меваси маҳалладаги қарияларга олиб чиқиб берилган. Қўшниларга ҳам тут тарқатилган. Қолган меваларни оила аъзолари жам бўлиб ейишган, қуритиб майиз қилишган, ширинликлар тайёрлашган.

2. *Катта оммавий тут сайли.*

Ўлкамизда тут экиладиган майдон жуда кўп. Юртимизнинг кўпгина жойларида тут экиш қадимдан одатга айланган. Хусусан, тоғ атрофи ва сой бўйларига тут ўтказиш азалдан мавжуд бўлган. Катта-катта тутзорлар мавжуд бўлган жойларда эса тут сайиллари уюштирилган. Катта оммавий тут сайли қуйидагича ўтган:

— Тут меваси пиша бошлаганида қишлоқ аҳолиси олдиндан келишиб, тут йиғиш ва сайил қилиш вақтини белгилашган.

— Тут мевасини теришга ва сайл қилишга алоҳида тайёргарлик кўрилган. Баъзи жойларда тут эккан аждоқлар ёдига бағишланиб, ис чикарилиб, қурбонликлар ҳам қилинган.

— Тут сайли ўтказилиши махсус эълон қилинган. Қишлоқдаги ёш-қари (ҳар бири ўзига керакли асбоб-анжомларни олиб) тутзор

томон йўл олишган. Аёллар бир тўда бўлиб, эркаклардан кейинроқ юришган. Бу ўзига хос байрамона намойишни вужудга келтирган.

Тут сайли ўтадиган жойда ёш болалар тут сайлини акс эттирадиган ўйинларини бошлашган, ёш йигит ва қизлар оқ чодирлар ёзиб, тут қоқишга киришишган (Чодир — катта бўз мато бўлиб, уни йигитлар тут тагида ушлаб туришган). Ўспиринларнинг бири тут устига чиқиб, махсус «тут тўқмоғи» билан шохларни уриб, пишган тутни чодир устига тўқа бошлаган. Ўрта ёшдаги кишилар тут мевасини қуритиш учун махсус чигларни тайёрлашган. Аёллар эса шинни пишириш учун ўчоқлар тайёрлашган. Қариялар эса дастурхон атрофида ўтиришган.

Ёшлар тутнинг илк терилган тоза йирик меваларини саралаб олиб, махсус тут товоқда қариялар олдига кетириб қўйишган. Улар энг сара оқ тут меваларини татиб кўриб, дуои фотиҳа қилишган.

— Чодирга йиғилган «иккинчи навли» тутларни ўрта ёшлилар чиг устига тўқиб, т у т м а й и з тайёрлашга киришишган.

«Учинчи нав», яъни эзилган мевалардан аёллар шинни тайёрлашган. Шинни тайёрлаш ҳам худди сумалакка ўхшаб махсус маросим шаклида ўтган.

Тут меваларини қоқиш, териш чоғида ўйинкулги ҳам қилинган. Йигитлар дам олиш баҳонасида турли ўйинлар ўйнашган. Шинни қайнаётган вақтда аёллар ҳам қўшиқ айтиб, рақс тушишган. Ўрта ёшлилар ва қариялар тутга оид суҳбатлар қилишган. Давраларда тут билан боглик афсона, ривоятлар айтилган.

Тут сайлида албатта, тут мевасидан тайёрланган ширинликлар ейилган. Шунингдек, қўй, қўзи ёки улоқ сўйилиб, гўштидан қовурдоқлар пиширилган. Зиёфатдан сўнг ўйин, томоша, мусобақалар уюштирилган. Оқсоқолларнинг айтишларича, қадимда тут сайли вақтида «Бош уриштириш», «Тўқмоқ уруш», «Олишиш» каби мусобақалар ўтказилган.

Тутзорлар кўп бўлган жойларда тут мевасини қоқиш, майиз тайёрлаш, шиннини пишириш эртаси куни ҳам давом этган.

«Тут сайли» ўзига хос халқ тадбири бўлган. Бу тадбирни ўтказиш давомида одамлар керакли озуқа ҳозирлашган (тут меваси терилган, қуритилган, ундан ширинликлар тайёрланган), шунингдек, ўйин-кулги қилишиб, дам олишган, томошалар ва мусобақалар уюштиришган. Хуллас, тут сайли кишиларга моддий ва маънавий фойда келтирган.

Афсуски, XX аср ўрталарига келиб, кўпгина одатларимиз қатори, тут сайли ҳам эътибордан четда қолди, унутилди. Буларнинг сабаблари турлича:

Биринчидан, тутлар кўп ўсадиган тоғли қишлоқлар аҳолиси чўлларга кўчирилди. Иккинчидан, кўп мева берадиган тутлар кесиб ташланди. Учинчидан, шўролар давридаги миллий

одатларга қарши кураш компанияси тут сайлини халқ ҳаётидан сиқиб чиқара бошлади. Бунга ипак қурти боқиш ишлари ҳам сабаб бўлди. Тутлар меваси ғўра ҳолида новдалари кесиб ташланар эди.

Мустақиллик туфайли қадриятларимиз тикланиши натижасида тут сайли ҳам қайта тиклана бошланди.

Тут сайли катта тутзорлар мавжуд бўлган ҳудудлар аҳолисининг генофондига ҳам сингиб кетган одат саналади. Масалан, форишликлар ҳаётини «Тут сайли»сиз тасаввур қилиб бўлмайди.

XX аср 40-йилларида Мирзачўлга кўчирилган форишликлар, ҳар баҳорда тут ейишга ўрганиб қолгани сабабли, тут пишган пайтда 100—200 км дан ўз тутзорларига келишган. Улар тут териб ейшар ва меваларини қуришиб, майиз қилиб, чўлда юрган ота-оналарига олиб боришар эди. Чўлдагилар тут меваларини юз-қўзларига «суртиб» ейишган.

20—30 йил ўтгач чўлларда ҳам тутзорлар пайдо бўлганидан сўнг, форишликларнинг Бо-

ботоққа «тут сайли»га бориши камайган. Мирзачўлда ҳам тутзорлар пайдо бўлгач, маҳаллий аҳоли ўртасида қадимги «тут ейиш» одати яна қайта бошланган¹. Бироқ пилла етиштиришнинг авжга чиқиши кўпгина тутзорларнинг кесилиб кетишига сабаб бўлди. Мевали тутзорлар ўрнига, мевасиз тутзорлар вужудга келтирилди. Бунинг оқибатида «тут ейди» барҳам топиб, бу қадимий анъана йўқола борди.

Ҳозир ҳам Мирзачўлда яшаётган форишликларнинг ҳовлисида ёки боғида тутлар бор. Бу улар ҳали ҳам аجدодлари сингари тутни муқаддас деб билишидан далолат беради. Умуман, пиллага мўлжалланган тутзорлар билан бирга, мева берадиган тутзорларни ҳам кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга.

ҚУМ САЙЛИ

Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналар ичида кам учрайдиганларидан бири «қум сайли»дир. Бу ўзига хос анъанани республикамизнинг шифобахш қумлари мавжуд бўлган жойлар, жумладан, Фарғона вилоятининг Бувайда туманида (сайил сифатида) ва Хоразмнинг баъзи жойларида учратиш мумкин. Хусусан, Бувайда тумани Бастонбува қишлоғида қум сайли қадимдан мавжуд бўлиб, анъанага айланиб кетган ва у кишиларнинг шифо топиши ва ишдан сўнг мазмунли дам олиш учун гоё фойдалидир.

Сайил ўтказиладиган жойда қум барханлари жойлашган. Бу майдонга кирверишда одамларнинг дам олиб ҳордиқ чиқаришлари учун манзарали дарахтлар бўйи чўзиб туради. Хуллас, у ерда мириқиб ҳордиқ чиқариш учун ўзига хос шароит ва имкониятлар борлиги бу сайилнинг ўзига хос тадбир сифатида ўтишини таъминлайди. Қум сайли пахта терими бошланишидан олдин уюштирилади ва пахтакорларга масъулиятли ишга киришишдан олдин мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун қулай имкониятлар яратиб беради. Шу сабабли, бу ерга фақат Бувайда меҳнаткашлари келибгина қолмай, балки Фарғона водийсининг кўпгина жойлари: Наманган,

Андижон, Кўқон ва Ўшдан ҳам одамлар ташриф буюришади. Сайил бўладиган жойга эрталаб одамлар билан тўла машиналар аста кела бошлайди. Сайилчилар мазкур хўжаликларнинг уйларида меҳмон бўлишади. Уй эгалари ҳам ўз навбатида меҳмонлар учун керакли қулайликлар яратишади. Бу сайил қатнашчиларининг бир-бирлари билан яқиндан мулоқотда бўлишлари, фикр алмашишлари ҳамда дунёқарашларини бойитишда муҳим роль ўйнайди. Сайилчилар асосан уйларида бўлиб, хоҳлаган вақтда

¹ Мирзачўлга келган тоғликлар чўлда ҳам тут сайли қилишга имконият излашган. «Эсимда, авлодлари баҳорда тут ейишга ўрганиб қолган отам тутсиз тура олмас эди, деб эслайди, чўлга келган форишликлардан бири. У киши «Запорожец» машинасини миниб, қаерда тут бор экан деб излаб чиқар эди. Машинага болаларни ҳам ўтқазиб оларди. Онам орқамиздан «қасққа?» деб қолганда, отам ҳаяжон ва хурсандчилик билан «тут сайли!»га деб машинани олға ҳайдарди. Узоқ йўл босиб, ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайдиган жойлардан бўлса ҳам, тутзорни топар эди. Биз югуриб бориб, тутларга чиқар эдик, меваларини қоқар эдик. Отам эса пастга «ейма» ёзар эди. Тут меваларини еб, қолганларини идишларга солиб, уйга олиб келардик. Сўнг қариндош-уруғларни чақирардик. Улар миннатдорчилик билдирар эди». Бундан кўриниб турибдики, тут сайли форишликларнинг наслий хотира ва руҳиятига сингиб кетган.

қумга тушиб, сайр қилишиб, томошалар кўришади ва дам олишни давом эттиришаверади. Сайил ўтказиладиган асосий жой одамлар билан гавжум бўлади ва чошгоҳдан бошланиб оқшом тугагунга қадар қизгин давом этади. Сайилгоҳда ҳар хил ўйинлар намойиш этилади. Дорбозлар, масхарабозлар, полвонларнинг чиқишлари ва томошалар кўрсатилади.

Булардан ташқари, мавжуд кўчма дўконлар ва ошхоналар ўзларининг лаззатли таомлари билан дам олувчилар хизматида бўлади.

Қум сайли фақат хурсандчилик келтирадиган, маънавий озиқ берадиган дам олиш шакли бўлибгина қолмасдан, балки табиат ином этган шифобахш қумлар ёрдамида даво оладиган ва соғлиқни тиклайдиган саломатлик байрами ҳамдир.

Маҳаллий халқ бу қумларни «Ширқум», яъни яланғоч қум деб атайти. У майда тош зарраларидан таркиб топган бўлиб, лой бўлгучи тупроқдан холи бўлади. Бу қумлар саратон вақтида темирдек қизиб кетади, яланғ оёқ босилса, оёқни куйдиради.

Саратон ўтиб, қум иссиғи роҳатбахш ва шифобахш ҳолга келганда одамлар «Хумга туша-

ди», яъни оёқ ва белларни иссиқ қумга кўмади. Бу очиқ ҳаммомлар оёқ оғриғи, бел оғриғи ва ички органлар шамоллашини даволашга хизмат қилади.

Одатда қумга уч кун тушилади. Кекса момолар ёш келин-куёвларни қумга биргаликда тушишга ундайдилар. Шундай қилса, ўғил фарзанд кўради, деб уқтирадилар.

Хуллас, «қум сайли» — бу дам олиш ва саломатлик байрами бўлиб, табиат инъом этган қумлар ёрдамида шифо топиш билан биргаликда кишиларнинг ўзаро мулоқотда бўлишлари, ўйин-кулги қилишлари ва мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун яхши қулайликлар яратиб беради.

Ўзбекистонда бундай саломатлик байрамлари мароқли ўтадиган жойлар оз эмас. Чунончи, кўпгина қумлоқларга кишиларнинг ўзлари бориб даволанишади.

Бу жойларда ҳам Бувайда туманидаги тадбирлардан ижодий фойдаланилса, қум сайли байрамлари республикамизда кенг тарқалган ва кишиларнинг ўз соғлиқларини яхшилашлари ҳамда маданий дам олишларида муҳим восита бўлур эди.

КУЗ БАЙРАМЛАРИ

Қишлоқ хўжалик ишлари билан машғул бўлган барча касб эгалари — пахтакору галлакор, соҳибкору пиллакорлар ҳаётида ҳосилни йиғиштириб олиш муносабати билан ўтказиладиган маросим ва байрамлар азал-азалдан алоҳида ўрин тутган. Деҳқонлар қишлоқ хўжалик ишларининг тугалланишини қадим замонлардан буён тўй, сайил ва байрам сифатида нишонлаб келишган.

Ёз охири, куз боши — **бахмал мавсуми** байрам ва маросимларга жуда бой бўлган. Халқимизда бу мавсум пишиқчилик, тўқчилик даври дейилган. Ёз охири ва куз бошида боғ сай-

ли, қовун сайли, олма сайли, узум сайли, анор сайли, меҳржон байрами, хазонрезги сайри, хирмон (ҳосил) тўйи каби кўплаб байрам-маросим тадбирлари ўтказилган.

Халқ ўйинларидан данак, ёнғоқ ўйинлари, аргимчок учиш кабилар севилиб ўйналган. Кеч куз — қиш бошида ёнғарчилик бошланиб, ер юмшаганда қозиқ, ошиқ, тош ўйинлар одат тусига кирган. «Улоқ» ҳам кеч кузда деҳқончилик ишлари тугаганидан сўнг авжига чиққан. Меҳржон энг қадимги куз байрамларидан бири бўлган.

«МЕҲРЖОН»

Абу Райҳон Беруний «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарида «Меҳржон» сўзини «куёш» ва «жон севгиси» деган маънолар билан боғлаб талқин қилади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки энг қадимги даврларда кўпгина ибтидоий халқлар қатори ўрта осиеликлар ҳам куёшга сиғинишган. Бу ҳақда «тарих отаси» деб танилган юнон олими Геродот (милоддан олдинги 490—425-йилларда яшаган), ўрта осиеликлар «Худолардан фақат куёшни эъзозлайдилар, унга отларни қурбонлик қиладилар», дейди (История Узбекистана в источниках. Т.: «Фан», 1984, 55-бет.)

Зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»нинг 10-бобида Митра (Куёш тангриси) га бағишланган мадҳия мажуд. Мадҳиядаги сўзлардан маълум бўлишича, зардуштийлар куёш ва унинг тангриси — «Митра»ни илоҳий куч сифатида улуғлашган. Уларнинг куёшга сажда қилишининг ўзига хос сабаблари бор. Аввало бордию, куёш бирон сабаб билан бирдан ғойиб бўлиб қолса ёки сўниб қолса, Ер шари ўз ўқидан чиқиб кетиб, 168 даража совуқ бўлиб, борлиқ зимистонга айланиб, ҳаёт тўхтаган бўларди. Буни ўша қадим даврлардаёқ аждодларимиз чуқур англашган. Улар куёшни бор-

лиқдаги энг буюк куч, ҳаёт чашмаси, ёруғлик ва иссиқлик бунёдкори деб билишган.

Кўпгина қадимий халқларда қуёшга сифиниш полисистик (кўп худолик) қарашларнинг муҳим ва таркибий қисмига айланиб кетган. Туркий қавмлардан бири хун (гун)лар орасида ҳам кўп худолик мавжуд бўлиб, улар қуёш худоси билан бирга ой, осмон, ер, юлдузлар тангриларига ҳам сифинишган. «Хунлар оёғи саҳарлаб қуёшга сажда қилишган, тунда ойга сифинишган, муҳим ишларни ой ва юлдузларга қараб ҳал қилишган, ой тўлганида душманларга ҳужум қилишган, ой тугилганида чекинишган. Кўк тангриси билан ер тангриси ҳаётни яратган, қуёш тангриси билан ой тангриси томонидан ҳукмронлик тахти ато қилинган деб ҳисоблашган» (К. Маҳмудов. Туркий қавмлар тақдирини. — «Фан ва турмуш» журналы, 1990, 11-сон, 22—23-бетлар).

Шунинг учун ҳам, улар қуёшни «бобо» («Қуёш бобо») — «бизни яратган илоҳий куч», деб унга сифинишган, мадҳиялар ўқишган, орзу-умидлари рўёбга чиқиши учун ундан нажот сўрашган, унинг номи билан оғт ичишган, ўз ишларини бошлашган. Қуёш номини кишилар ва муқаддас жойларга қўйишган. Масалан, қадимий хоразм тилида қуёшни «Хвара» деб аташган. Аждодларимиз бу ўлкага «Хворазем» (кейинчалик «Хоразм») номини беришган. Кўплаб байрамлар номига ҳам «хвара» сўзини қўшишиб, уларни «Бобохвара», «Амехвара» деб аташган. Тарихий манбаларда қуёшга бағишлаб махсус байрамлар ўтказилгани ҳам қайд қилинади. Чунончи, Беруний Озармоҳ ойининг биринчи куни «одамлар қуёшга сифинишарди...» деб ёзади. Қиш чиқиши ва баҳор келиши пайтида содир бўлган бу ҳодиса ҳам, қадимда қуёш байрами ўтказилганидан далолат беради. Қуёшга бағишланган байрамлар ҳозир ҳам баъзи халқларда сақланиб қолган. Чунончи шимолда яшайдиган таймирликлар ҳозир ҳам «Қуёш байрами» ўтказишади. Бу байрам уларнинг энг катта тантанали байрами ҳисобланади.

Тарихий манбаларни таҳлил қилиб, шундай тахминлар қилиш мумкин: биринчидан, баҳорда байрамлар кўпайиб кетганлиги сабабли, кузги байрамлардан бирининг мавқеи оширилиб, у катта тантананага айлантирилган бўлиши мумкин; иккинчидан, II—III асрларда (соснийлар сулоласи даврида) байрамлар ўтказилаётган муддатлар ўзгартирилган пайтда қуёш байрамларидан бири кузги кун-тун тенглигига кўчирилган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Албатта, қуёшпарастлик даврларида шундай байрамлар ўзига хос номлар билан аталган бўлиши керак. Бироқ милоддан олдинги (I-минг йилликлар бошида) бундай кузги байрамлар турли жойларда, масалан, Эронда ва

бошқа жойларда «Меҳржон» (ёки «Меҳргон»), кўҳна Хоразмда — «Чири-руж», Сўғда эса «Ним-сарда» номи билан машҳур бўлган. Бу байрам ҳақида Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарининг изоҳлар қисмида қуйидагилар ёзилган: «Меҳргон эронликларнинг кузги байрами, меҳр ойининг 16-куни, кузги кеча-кундуз тенглигида келади» (Фирдавсий. Шоҳнома. Т., 1975, 721-бетда).

«Меҳржон» ўша замонларда энг йирик байрам бўлиши баробарида, у бошқа байрамлар билан ҳам бевосита боғлиқ бўлган. Хусусан, «Наврўз» ва «Меҳржон» зардуштийлар йилномасида бир-бирига файз бериб, икки дурдек чақнаб турган. Шунинг учун бўлса керак, Беруний «Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, «Наврўз» ва «Меҳржон» — замоннинг икки кўзидир», дейди.

Маълумки, барча муҳим ҳодисаларнинг яхши ниятлар билан бошланиб, муваффақиятли якунланиши кишиларга байрам қайфиятини бағишлайди. Кишилар табиат уйғониши, дала-ларда иш бошланишини «Наврўз» («Йил боши») сифатида тантана қилишган. Ўсимликлар дунёсининг ўсишдан тўхтаб, «уйқуга кетиши» ва меҳнат мавсуми якунланишини «Меҳржон» («Йил ярми») деб нишонлашган. Бу байрамлар кимлардир томонидан шунчаки ўйлаб топилмаган. Улар коинот, табиат қонуниятлари, Қуёш ва Ер ўртасидаги муносабатлар асосида вужудга келган. Жумладан, «Наврўз» баҳорги кун-тун тенглигини қайд қилса, «Меҳржон» куздаги ўша ҳолатни таъкидлаган. «Меҳржон» байрами, бир томондан, коинот ва ерга жон ато этиб турган қуёшни қадрлашга даъват қилган, иккинчидан барчани қиш ғамини ейишга ундаган.

Аждодларимизнинг асосий байрамларидан бири бўлиб келган — «Меҳржон» кейинги минг йил ичида алоҳида байрам сифатида кенг нишонланмай қўйилган бўлса-да, у бутунлай йўқолиб кетмади. «Меҳржон» куз ва ҳосил байрамларига бўлиниб кетди.

Эндиликда кўпгина қадимий байрамлар каби «Меҳржон»ни ҳам тиклаш ғояси ўртага ташлана бошлади. Бу муаммо оммавий ахборот воситаларида кўтарилди. Жумладан, Ўзбекистон телевидениесида (1988—1989 йиллар), «Шарқ юлдузи» журналы саҳифаларида бу байрамни тиклаш борасида сўз юритилди (қаранг: «Шарқ юлдузи», 1990 йил, 3-сон. У. Қорабоев. Умиримизнинг қувноқ онлари). Бу қадимий анъана дастлаб Тожикистонда қайта тикланди. Душанбедаги энг катта ўйингоҳ (стадион)да «Меҳргон» номли катта оммавий томоша ўтказилиши Ўрта Осиё байрамлари тарихида улкан воқеа бўлди. Бир йилдан сўнг қадимий «Меҳржон» Ўзбекистонда ҳам ўтказилди. «Меҳржон» Тошкент шаҳар Марказий болалар истироҳат боғи-

да «Узум сайли» асосида ўтказилди. Байрам ташкилотчилари (Б. Аминов, У. Тоҳиров, Ш. Отабоев ва бошқалар) бу тadbирни катта «боғ сайли»га айлантириб юборишди. Шундан кейин «Меҳржон» республикамиз бўйлаб кенг «қанот» ёзди: 1990 йилда Тошкентнинг «Тоҳиев» ва «Мевазор» маҳаллаларида, Самарқанднинг «Регистон» майдонида, Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманида, Қашқадарёнинг Яккабоғ шаҳрида «Меҳржон» байрами зўр шодиёна сифатида нишонланади.

Ҳозиргача «Меҳржон» байрами хусусида биронта ҳам махсус илмий-методик манба ёки адабий сценарий яратилмаган. «Меҳржон» байрами куйидаги режа асосида ўтказилиши мумкин:

I қисм — Муқаддима. Арафада ёки байрам куни эрталаб карнай-сурнай садолари остида шаҳар, қишлоқ кўчалари бўйлаб «Куёш бобо», «Ер», «Ой», «Сайёралар», «Кеча ва Кундуз», «Куз» бошчилигидаги йил фасллари, «Бободехқон», «Ҳосилжон» каби рамзий қахрамонлар марказий майдон (ёки боғ) томон театрлаштирилган намоёиш шаклида «юриш» қилишади. Улар аҳоли тўпланган жойларда тўхтаб, ўйин-кулги қилишлари мумкин. Асосий майдон марказида тантанали учрашув бўлади. Улар барчани байрам билан табриклашади ва аҳолини тантананага (жарчилар ёрдамида) таклиф қилишади.

II қисм — «Бош тантана». «Меҳржон» байрами ўтказиладиган пайтда кун-тун тенг бўлгани сабабли, байрамнинг бош тadbирини «Кеча ва Кундуз» рамзидаги бошқарувчилар олиб боришади.

Биринчи лавҳа — «Куёш бобо даврасида» деб номланиб, у «Салом куёш!», «Сайёралар сайри», «Юлдузлар сўзлашганда», «Куёшга Ернинг дарди», «Ўзга сайёраликлар, бормисиз?» каби кўринишлардан ташкил топади. Уларда абадий ҳаёт, коинот, биосфера, куёш, сайёралар, ер, ҳаво ва экология муаммолари ҳақидаги фалсафий мавзулар бadiий акс эттирилади.

Иккинчи лавҳа — «Саховатли куз» деб номланиб, унда «Фасллар базми», «Куз — мезбон», «Куз дастурхони», «Бободехқон амри» каби кўринишлар бўлади. Уларда табиат, ўсимликлар, деҳқончилик, ҳосилдорлик каби мавзулар бadiий томоша шаклида ифода этилади.

Учинчи лавҳа — «Инсон меҳри» деб номланиб, ундаги «Куёш меҳри», «Инсон меҳри», «Алломалар меҳр ҳақида», «Бобо-момолар меҳ-

ри», «Меҳри дарё инсонлар» каби кўринишларда муҳаббат, раҳм-шафқат, мурувват, саховат, гамхўрлик, раҳмдиллик кабилар таъсирчан бadiий воситалар (шеър, куй-кўшиқ, монолог, кулги-ҳикоя кабилар) орқали ёритилади.

Бош тadbир абадиёт, маънавий қадриятлар, инсонийлик ҳақидаги бadiий чиқиш ва оммавий кўшиқ билан якунланади. Байрам тadbирининг кейинги қисми ҳаммабop қизиқарли ўйин-рақслар, мушакбозлик билан бошланиб кетади. Барча «Меҳржон»га бағишланган сайил, томоша, кўрик, ўйин, мусобақаларга таклиф этилади.

III қисм — «Меҳржон сайли». Байрамнинг рамзий қахрамонлари — «Куёш бобо», «Момо ер», «Кузжон», «Бобо деҳқон», «Кеча ва Кундуз»лар шаҳарнинг турли жойлари (маданият боғи, клуб, майдон, хиёбон, чойхона, қаҳвахона, дам олиш зонаси каби масканлар)да бўладиган тadbирларда меҳмон бўлишади. Аскиячилар ва бахшилар баҳси, фольклор-этнографик дасталарининг чиқишлари, дорбоз, масхарабозлар томошалари, халқ ўйинлари ва замонавий мусобақалар уюштирилади.

«Меҳржон» куз байрами бўлгани учун унда куз неъматларидан ташкил топган ранг-баранг кўргазма—савдолар, шарқ бозорлари (ярмаркалар), табиатсеварлар ижодий кўриклари алоҳида ўрин тутиши лозим. Шу сабабли, бир жойда «Узум сайли» («Узум бозори»), «Анжир сайли» («Анжир бозори»), «Олма сайли», «Анор сайли» кабилар. Иккинчи жойда — «Куз таомлари» номли овқатланиш расталари, учинчи жойда — «Байрам чойхоналари» қатори ва бошқа кўрик-кўргазмалар ишлаб турса, байрам янада файзли бўлади.

IV қисм — «Оилавий Меҳржон». Кеч бўлгач, байрам хонадонларга кўчади. Ҳар бир оила ўз эҳтиёжи, имкониятидан келиб чиқиб байрам оқшомини ўтказиши мумкин.

Юқорида тавсия этилаётган «ташкилий режа» қайта тикланган «Меҳржон» байрамини ўтказиш учун бир тавсиядир. Бу байрам ҳар бир жойда ўзига хос тарзда ўтказилиши мумкин.

«Меҳржон» оламга нур, ҳарорат ва ҳаёт бериб турган «Куёш бобо» га бўлган миннатдорчилигимизни акс эттиради. У коинот, табиатни чуқурроқ тушунишга ундайди, «Меҳржон» она-ерни ардоқлаш, деҳқон меҳнатини эъзозлашга даъват этадиган, раҳм-шафқат, саховат, меҳр-мурувватни улуглайдиган халқ байрами бўлиб қолди.

ҚОВУН САЙЛИ

Полиз маҳсулотлари пишганда ҳосилни йиғиштириб олиш муносабати билан ўтказиладиган байрамлар орасида *Қовун сайли* алоҳида ўрин тутган.

Қовун сайли ўрта асрларда катта тантаналар билан ўтказилган. Шўролар даврида *Қовун сайли* бошқа миллий анъана сифатида тақиқланган

бўлса-да, у баъзи пайтларда ўтказилган. Жумладан, 1924 ва 1927-йилларда *Қовун сайли* нишонланган. 30—50-йилларда эса бу байрам ўтказилмай қўйди. XX асрнинг иккинчи ярмида Тошкент шаҳрида ва республикамизнинг бошқа жойларида *Қовун сайлини* ўтказиш борасида муайян ишлар амалга оширилган.



Қовун сайли.

Мустақиллик даврида бу байрам мунтазам равишда ўтказиладиган бўлди. Эндиликда замонавий *Қовун сайли* Ўзбекистондаги ҳосил байрамлари ичида ўзига хос ўрин тутадиган бўлди. Бу байрам полиз маҳсулотлари пишганда нишонланмоқда. *Қовун сайлининг* ўтказилиш усуллари ҳам бошқа ҳосил байрамлариникига ўхшайди. Унда ҳам қовун-тарвузларнинг энг яхши навлари намойиш этилиб, кўргазмали танловлар, кўриқлар ўтказилади. Энг яхши қовун навларини етиштирган миришкорлар махсус мукофотлар билан тақдирланади. Қовун сайлининг диққатга сазовор жиҳати унда қовун-тарвуз ва полиз экинлари маҳсулотлари ярмаркалари ташкил этилишидир.

Кейинги пайтларда *Қовун сайли* Гулистон, Тошкент маданият ва истироҳат боғларида яхши уюштирилмоқда. Чунончи Тошкент шаҳрининг Бобур, Улуғбек истироҳат боғларида ўтказилган *Қовун сайли* шаҳарликларга манзур бўлиб қолган. Улуғбек боғидаги бу тантана карнай-сурнай садолари билан бошланади. Тош-

кентликлар, Сирдарё вилояти миришкорларини, байрамга келган меҳмонларни боғ дарвозаси олдида тантанали равишда гуллар билан кутиб олдилар.

Байрамнинг асосий қаҳрамони «Бободехқон» ўзи етиштирган энг катта ва ширин қовунни сўйиб, қатнашчиларга улашиб чиқди. Бу рамзий одат байрам бошланганидан дарак беради.

Сўнгра «Бободехқон» ва бошқа қаҳрамонлар (Хўжа Насриддин, Қувноқ Хўжа, Қовунбой, Тарвузжон) биргаликда боғда сайр қилди. Марказий майдондаги очиқ саҳнада бўлган митинг-да байрам қаҳрамонлари *Қовун сайли* анъаналари, қишлоқ ва шаҳар аҳли ўртасидаги азалий дўстлик ҳамда бу йилги меҳнат мавсуми натижалари ҳақида сўзладилар. Шундан кейин, «Бободехқон» тўпланганларга икки кунлик байрам — *Қовун сайли* очилганини эълон қилди. Турли халқларнинг қўшиқ ва рақслари, аския, интермедиялардан иборат театрлаштирилган томоша кўрсатилди. Уни «Қовунбой» ва «Тар-

вузжон» олиб боришди. Байрам қатнашчилари полвонлар чиқишларини томоша қилишлари ёки рақс майдонида эстрада ансамбли жўрлигида ўйинга тушишлари мумкин. Ёзги кинотеатрда навбати билан бадий ҳаваскорлик жамоалари концерт беришди, кўғирчоқ театри спектакль кўрсатди. Кечқурун қизиқарли кинофильмлар намойиш қилинди. Турли хил таомлар, ширинликлар, ичимликлар кўйилиб, шарқона дастурхон безатилди. Байрам вақтида турли навли қовун ва тарвузлар савдо кўرғазмаси ташкил қилинди.

Сайил ташкилотчилари ёш келин-куёвларни саҳнага таклиф этиб, уларни энг ширин қовун билан меҳмон қилдилар. «Бободехқон»: «Сизлар никоҳ қайд қилингандан сўнг ҳаётингизнинг биринчи кунини энг ширин қовунни

тотиб кўриш билан бошладингиз, ҳаётингиз доимо ширин бўлсин!» деб тилак билдирди.

Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда етиштирилаётган қовунларнинг довуғи дунёга таралган. Шу сабабли, Қовун сайли фақат республикамиздагина эмас, балки Ўзбекистон полиз маҳсулотлари олиб бориладиган жойларда ҳам ташкил этилган.

Агар полиз маҳсулотлари (қовун, тарвуз)дан мўл ҳосил етиштирилаётган жойларда Қовун сайли ўтказиш анъана тусини олаётган бўлса, узум етиштирилаётган жойларда *Узум сайли* (Масалан, Ургутда), анор етиштирилаётган ҳудудларда *Анор сайли* (Масалан, Кувада), боғдорчиликка ихтисослашган, олма етиштиришда машҳур бўлган жойларда *Олма сайли* (Масалан, Наманганда) каби байрам-сайиллар ўтказиш ҳам анъанага айланган.

УЗУМ САЙЛИ

Ўзбекистон узумларининг довуғи дунёга машҳур. Ўлкамизда узум шинниси тайёрлашга оид қадимий маросим кейинги даврлар унутилган бўлсада, бироқ ХХ аср иккинчи ярмига келиб, махсус байрам — *Узум сайли* вужудга келди. Бу сайил дастлаб Ургут сингари боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган туманларда ўтказилган бўлса, кейинчалик *Узум сайли*нинг шуҳрат қозонишида Тошкент боғларида ўтказилган тадбирлар алоҳида роль ўйнади.

*Узум сайли*га боғбонлар энг яхши «аъло навли» узумларини олиб келадилар. Байрам карнай-сурнай садолари остида узум ортилган машиналар қарвонини кутиб олиш билан бошланади. *Узум сайли*да хўжаликларда етиштирилган ноз-неъматларнинг савдо кўрғазмаси ташкил қилинади. Миришкор боғбонлар мўл узум етиштириш «сирлари» юзасидан тажрибатарни сўзлаб берадилар.

Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, узумнинг 5000 га яқин нави маълум бўлиб, ҳозир мамлакатимизда унинг 2500 дан ортиқ нави, ноҳиямизда 1200 хил нави етиштирилган экан. Ўзбекистонда етиштирилаётган узум навлари ичида «Чарос», «Хўсайни», «Кишмиш», «Тоифи», «Паркент» каби навлари ўзининг ширинлиги, касалликка чалинмаслиги, доналарининг бўлиқлиги билан ажралиб туради.

Сайил ташкилотчилари узумнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида сўзлаб бериш учун мутахассисларни таклиф қиладилар. Улар соғлиқни мустаҳкамлашда, касалликни даволашда энг кўп фойдаланиладиган узум навлари ҳақида маълумот беради.

Узумдан тайёрланган маҳсулотлар савдо кўрғазмаси ҳаммани ўзига жалб этади. Савдо

кўрғазмасида узумдан тайёрланган турли ширинликлар, масалликлар, шарбатлар, мураббо ва майизлар намойиш қилинади, боғбонлар, пазандалар уларни қандай тайёрлаш ҳақида маслаҳатлар ҳам беришади. Бадий жамоаларнинг чиқишлари сайилга байрамона тус беради. Ижро этилган кўшиқ ва рақс композицияларида боғбоннинг меҳнати тараннум этилади.

Узум сайли табиатнинг ажойиб мўъжизаси — узум меваси ҳақида кўпроқ билиш ва ундан тайёрланган маҳсулотларни харид қилиш. Бу сайил боғбонлар меҳнатини тарғиб қилади. Сайил чоғида миришкор боғбонлар ўзаро тажриба алмашишади. Улар узумнинг энг яхши навларини яратиш, кўпайтириш ва сақлаш юзасидан маслаҳатлашиб олишади.

Тошкент шаҳрининг Оқлон маҳалласида узум сайли кўйидагича нишонланади. Сайлда таралаётган халқ ҳофизларининг кўшиқлари байрамларга ўзгача файз киритиб туради. Ҳовлининг ўртасига қўйилган узун стол ясатилган. Унга хилма-хил навга тегишли узум бошлари қўйилган эди. Биринчи лаганда пушти нави бўлса, иккинчисида хўсайни, учинчисида қора гўзал... Шунингдек, сайлга «Каттақўрғон», «Ғалаба» каби бир-биридан ширин узумлар ҳам олиб чиқилган. Лаганлар ёнидаги қоғозга бу узумларни етиштирган ҳар бир кишининг исми ва фамилияси ёзиб қўйилган.

Йиғилганлар турли хил узумлардан татиб кўра бошладилар. Кўпчиликка миришкор соҳибкор Туроп ака Муҳамедов, Ямин ота Ҳакимов, шунингдек ёшлардан Маҳамадали Мўминов, Қобил Расуловлар ҳовлисида етиштирилган узумлар маъқул бўлди. Уларнинг самарали меҳнатлари эвазига етиштирилган узумлар ўзининг

ширинлиги, касалликка чалинмаслиги, донларининг бўлиқлиги билан ажралиб туради.

Дастурхон атрофида ўтирган катта-кичик мул узум ҳосили етиштиришнинг «сир»лари ҳақида бир-бирларига гапириб бера бошладилар. Айримлар ҳатто ўзаро баҳслашиб ҳам кетдилар.

Мен уста соҳибкорларнинг ишларини кўрарканман кейинги йили бўладиган сайлни ҳаёлан тасаввур қиламан: бугунги сайлда отахон соҳибкорлар кўп бўлса, кейинги йили уларнинг ёнида шоғирдлари ҳам куч синашга бел боғлаб турадилар. Демак, Оқлон маҳалласида уста соҳибкорларнинг муносиб ўринбосарлари етишаверади. Эл дастурхони ноз-неъматларга тўлиқ бўлади.

Узоқ давом этган узум сайли маҳалла аҳолисини янада бир-бирига яқинлаштирди, аҳиллик ва иттифоқликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшди. Узум сайлининг асл мақсади ҳам шу эди («Тошкент оқшоми», 1988 йил, 13 сентябрь).

Шинни пишириш маросими. Қиш ғамини ёзда ейиш халқимизнинг энг қадимги одатларидан биридир. Шундай удумлардан бири сифатида қиш фаслида ейиш учун эрта кузда шинни тайёрланади. Шиннини кўпгина мевалар (жумладан, тут, қовун, узум ва бошқалар)дан тайёрлаш мумкин. Шинни пишириш махсус маросим шаклида ўтган. Шинни пишириш жараёни ўзига хос ҳашар шаклида ўтган. Уни тайёрлаш жараёнида суҳбат, ашула, ўйин-кулги, рақс кабилар уюштирилган. Бир сўз билан айтганда, шинни тайёрлаш нафақат маросим, балки ўзига хос меҳнат байрамига айланиб кетган.

Одатда, шиннини аёллар тайёрлашади. Бироқ тарихдан уни эркаклар тайёрлагани ҳам маълум. Бунга мисолни М. Муҳаммаджоновнинг «Турмуш уринишлари» китобидан топиш мумкин: «Домламизнинг боғ ишларини қилиб юриб, куз фас-

лига ҳам етиб олдим. Сентябрь ойи кириб, боғда ҳусайни узумлар қаҳрабодек ялтиради. Бошқа мевалар ҳам мазали бўлиб пишиди. Домламиз шинни қилиш пайига тушиб, бозордан бир-икки арава янтоқ олиб келиб уйдириб ташладилар. Беш-олти хил қозонлар тутун чиқмайдиган қилиб ёнма-ён қурилиб, чуқур «чорхишт» ясалди. Шинни қилинадиган узумларни ишқомлардан узиб, замбилларда ташиштириб, бир ерга йиғдирдилар. Шинни ҳашарига 10—15 муллавачча ҳам келиб эди. «Чорхишт» устига янтоқ солиниб, бир тарафига кичик тарнов қурилиб, тарнов остига катта мис тоғора қўйилди. «Чорхишт» устига узумлар солиниб тўлдирилди. Икки муллавачча ариқда оёқларини тоза ювиб келиб, «чорхишт» ичига тушиб, узумларни ишқиллатиб тепа бошлади. Тарновдан мис тоғорага ширилаб шарбат оқаверди. Бир муллавачча бу шарбатни остига янтоқ солинган тоза қопларга элиб солди. Қоплардан сизиб челақларга тушган шарбатларни бир муллавачча қатор турган хумларга олиб бориб қўйди. Бир муллавачча эса хумни ковлаб турди. Шарбат тез ва яхшироқ тинсин учун бир муллавачча хумларга оз-оз кесак ташлаб, ковлоччи ҳамроҳига кўмаклашди. Хумлардаги шарбат тиниб, тайёр бўлганидан кейин, саҳар пайтида туриб, шарбатни бир неча қозонга солиб шинни пиширилди. Икки қозон тўғралган беҳидан очор пиширилди. Шинни ва очор чўмич билан тоза хумларга солинди.

Уч-тўрт кун давом этган бу шинни пишириш маросими тўйга айланган эди. Домланинг узоқ-яқин қариндош-уруғлари, қўни-қўшнилари ҳашарчиларга деб катта баркашларда сербеҳи паловлар келтириб турдилар. Биз, муллаваччаларнинг домланикида қилган меҳнатимиз ҳам кўзимизга кўринмай, келган паловларни мазза қилиб еб олдик. Шинни пишириш маросими тугагандан кейин домламиз мадрасага келиб яна ўқиш бошладилар...» (М. Муҳаммаджонов. «Турмуш уринишлари». — Т., — 1959).

АНОР ВА АНЖИР САЙЛИ

Анор ва анжир сайиллари халқимизнинг энг кўҳна одатларидан биридир. Ҳозир улар кўпроқ Фарғона водийсида, айниқса, Кува ва Бувайдада яхши сақланиб қолган ва катта тантана билан ўтказилади.

Анор сайли. Қишлоқ хўжалик ишлари билан машғул бўлган барча касб эгалари, боғбон, сабзавоткору пиллакорлар ҳосил йиғиштириш ишлари тугаланишини катта тантана қилиб нишонлашган. Шундай анъаналардан бири *Анор сайли*дир. Бунга сабаб анор кеч кузда пишиб этилади.

Кува дунёга ўзининг пахтаси, пилласи, айниқса, анори билан машҳурдир. *Анор сайли* боғлардан анор териш билан бошланиб, бо-

зор майдонларида ҳам давом этади. Бу шифобахш мева Кувада ҳар бир хонадон ҳовлисида етиштирилади. Кувада анор етиштиришга ихтисослаштирилган «Анор» хўжалиги ҳам бор. Бу хўжаликнинг қир-адирли юзлаб гектар ерида анор, беҳи, шафтоли, ўрик, бодом, ёнғоқ, узум боғлари бор. Анорнинг ўнлаб навлари мавжуд.

Анор сайли айни куз пайтида, яъни сентябрь охири, октябрь ойида ўтказилади. «Анор» сайлида анор билан бирга кўплаб бошқа хил сабзавотлар ва мевалар ҳам намоиш этилиб, уларнинг савдоси ўтказилади. Байрам бошланишидан олдин радио карнайлар орқали ашулалар янграб туради.

Байрам туман ҳокимлиги раҳбарлигида уюштирилади. Шу куни боғ байрам либосида безатилиб, хўжаликларда етиштирилган анорлар кўргазма пештахталарига қўйилади. Анор ортган машина, тракторлар карвони карнай-сурнай садолари остида боғ дарвозасидан кириб келади. Сайилда анорнинг энг яхши навлари кўргазмаси намойиш этилади. Танлов ўтказилиб, энг яхши анор навларини етиштирган миришкорлар мукофотланади.

Бу сайлда ҳам дорбозлар, масхарабозлар, созанда ва хонданалар ўз санъатларини намойиш этадилар. Сайил ўтказилаётган жойда турли спорт ўйинлари ўтказилади, маҳаллий ўйинлар (хўроз, қўчқор уриштиришлар) бўлади, аттракционлар ишлаб туради.

Анжир сайли. Бувайда туманидаги Оққўрғон қишлоғида кўплаб анжирзор боғлар бор. Оққўрғоннинг «Чорбоғ»и кишилар учун сайр қилиш, кўнгил очиш, дам олиш жойи бўлган. «Чорбоғ» боғларининг ўртасида ҳовуз бўлиб, унда ғоз, ўрдаклар ва қашқалдоқлар сузиб юрган. Боғни кесиб ўтган кенг анҳордан ҳар томонга ариқчалар тарқалган. Баъзи ариқчаларда фавворалар ҳосил қилинган. Теварак-атрофга дарахт ва гуллар тартиб билан ўтқазилган.

Анжирзор боғлар яратиш ишига ёши улуг кишилар бош-қош бўлишган. Ҳар йили эрта баҳорда, аниқроғи 1 март куни кекса боғбонлар маслаҳат қилиш учун ширкат уюшмасига қарашли «Чорбоғ»га тўпланишган. Бу маросим «Дар нишона» деб аталади. Яъни янги ҳосил етиштириш бошланишидан нишона берувчи тadbир ҳисобланади. Уларга боғ ишларини яхши биладиган бир киши раҳбарлик қилган. У «ўнбоши» деб аталган. Боғбонлар ўнбоши раҳбарлигида қўй сўйиб, дастурхон тузаб, зиёфат қилишиб, маслаҳатлашишган. Улар ҳосилимиз мўл бўлсин, дастурхонимиз тўкин-сочин бўлсин, деб ният қилишган. Боғбонларнинг бу ўзаро кенгаши ўз-ўзидан катта тантанали тadbирга айланиб кетган. Оммавий сайил тусини олган бу тadbирга санъаткорлар, сўз усталари, дорбозлар тақлиф этилган. Бу тadbирнинг жуда кўтаринки руҳда ўтишини таъминлаган. Тadbир чоғида ёш оилалар маҳалла оқсоқоллари раҳбарлигида анжир дарахти экишган. Ким анжир экиб, боғ яратса, у жаннатга тушади, деган ақида кенг ёйилган. Бунга «Қуръонда»ги «Ваттийн» (Анжир) сураси тафсири сабаб бўлган. Кексалар анжир экиш жаннат эшигини очиш билан баробардир, дейишган, «Дарнишона» (ёки халқ тилида «Даршана») тугаганидан кейин боғбонлар кузда кўмилган анжир дарахтларини очишни бошлашган. Анжир дарахтлари уч ой — декабрь, январь, февраль ойларида ерга кўмилган ҳолатда туради. Агар кўмилмаса, уларни совуқ уриб кетади. Апрель ойида ёққан ёмғирлар анжир дарахтларидаги тупроқ қол-

диқларини ювади. Бу боғбонларга қўл келади. Кейин анжир дарахтлари шохлари остига тол, ўрик, шафтоли шохларидан қилинган айри таёқлар қўйилиб, тикланади. Анжирнинг тиклиги 45—50 градус баландликда бўлади. Дарахтлар тагига гўнг — чиринди солиб, сув берилади. Анжирлар аста-секин кўртак чиқара бошлайди. Кўнлар исиши билан анжир дарахтларининг барглари катталашиб боради. Анжирзорлар остидаги ўт-ўланлар чопилади. Май ойи ўтиб, анжирзорлар ям-яшил, кўркам тусга киради. Анжирзорларга кирган киши завқланади. Зарарли кимёвий дорилар ишлатилмаганлиги сабабли, анжирзор боғларда турли ҳашаротлар гўжғон ўйнаб, қушлар сайраб туради. Анжир дарахтларининг биринчи ҳосили июнь ойи бошларида пишиб, етилади. Биринчи ҳосил «хоки» деб аталади. Анжир асли субтропик дарахт бўлиб, совуққа чидамсиз бўлади. Кеч кузда у яна ғўра тугади. Анжир кўмилганда новдалардаги катта тугмадек келадиган анжир ғўралар ҳам хашак-тупроқ остида туради. Баҳорда у катталашиб пишади. У «Хоки анжир», яъни тупроқ остида ётиб чиққан анжир дейилади. Одатда, анжирнинг биринчи ҳосили савдога чиқариб сотилмайди. Боғбонлар биринчи ҳосилни кўни-кўшнилар, қариндошлари билан баҳам кўришади.

Июнь, июль ойлари ўтиб, 10 августга келиб анжирзорларда чорбоғларда янги новдаларда кузги ҳосил пишиб етилади. Анжирнинг бу пишган меваларини узиб тугатиб бўлмайди. Катта анжир дарахтлари жуда сермева бўлади. Анжир сайлининг ўтказилишига мўл ҳосил ҳам сабаб бўлса керак.

Анжир мевалари фарқ пишганида *Анжир сайли* бошланади. Анжир сайлига ёру биродарлар, таниш-билишлар келишади. Улар анжир дарахтларида пишган меваларни ўз қўллари билан узиб олиб еб, сайр қилишади, дам олишади.

Қишлоқ аҳли *Анжир сайлига* байрамона либосда келади. Карнай-сурнай, доира, ноғора садолари ҳаммани сайилга чорлайди. Сайилда энг яхши, ширин анжирлар кўргазмаси уюштирилади. Махсус ҳайъат аъзолари (дегустаторлар) энг мазали анжирларни аниқлашади. Уларнинг тақлифига кўра миришкор анжирчи боғбонлар тақдирланади. Фолибларга бағишлаб, куй-қўшиқлар ижро этилади. Сайилга келган кишилар анжирларни татиб кўришлари, сотиб олиб, уйларига олиб кетишлари мумкин. Сайилда томоша, ўйин, концертлар уюштирилади. Кишиларнинг сайил чоғида маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилади. Анжир дарахтларини кузда кўмиш ҳам оммавий равишда «анжир кўмиш хашари» номи остида амалга оширилади. Боғ эгаси хашарчиларни палов, шўрва, қовун-тарвузлар, сомса-патирлар билан зиёфат қилади. Хашар

кўтаринки руҳда, ҳазил-ҳузил билан ўтади. Анжирни синдирмай эгиш, арқон билан ғужанак қилиб боғлаш катта маҳорат талаб қилади. Бу ишда полвон, абжир, оғир вазнли кишилар кўп қўл келади. Ким кетмонда тупрок

отишга уста бўлса унга ҳам алоҳида ҳурмат-рағбат билдирилади. Оққўрғонда *Дарнишона*, *Анжир сайли*, *Анжир хашар* тадбирлари халқ дўстлиги, иноқлиги ва меҳр-оқибати рамзи ҳисобланади.

ҲОСИЛ ТҶЙИ

Халқимизда ҳар бир мева ёки сабзавотга бағишланган алоҳида сайиллар билан бир қаторда, уларнинг барчасига бағишлаб бир йўла ўтказиладиган байрам ҳам бўлган. У «Ҳосил байрами», «Ҳосил тўйи» ёки «Хирмон тўйи» деб аталган. Бу байрам деҳқонларнинг меҳнат мавсуми якунланиб, уларнинг бўш пайтлари кўпайган вақтда уюштирилган. «Ҳосил байрами» томо-

ша-ўйинларга жуда бой бўлганидан, катта сайилга айланиб кетган. Деҳқонлар йил бўйи қилган меҳнатларининг роҳатини ана шу байрамда ҳис қилишиб, мароқли дам олишган. «*Эрта тонгданоқ бошланадиган бу сайилнинг энг катта томошаси улоқ ўйини бўлиб, улоққа чиққан йигитларнинг «Ол-ҳа, ол, ҳайда-ҳа, қоч» деган бақирӣқ-чақирӣқлари майдони тутиб кетади.*



Ҳосил тўйи байрами.

Улоқ майдони ёқалаб сал нарига ўтсангиз, баланд дор устида югуриб юрган доворак дорбозларга кўзингиз тушади. Пастда эса масхарабоз ўзининг турли қилиқлари билан оломонни кулдираяпти. Ёнида алп қоматли полвон тош кўтараяпти. Йўл устида хўроз ва бедана уриштираётганлар атрофида одамлар гавжум. Ундан сал нарида баққоллик дўконлари ёнида ошпазлар катта қозонларда ҳар хил таомлар, сикланган кабоблар пиширишяпти. Яна бир давра-

да бел олишиб, миллий кураш тушаётган полвонларнинг ҳаяжонли қиёфаларига кўзингиз тушади. Рақибини енган полвонга шу ернинг ўзидаёқ совринлар берилади. Хуллас, «Ҳосил байрами» — «Томоша» шундай ташкил этилади» (Х. Юнусов. Томоша. Маҳалладош. — 1991 йил, 14 ноябрь).

«Ҳосил байрами» ҳамма жойда, ҳар бир туманда ўтказилган. Афсуски, халқимизнинг бундай сеvimли байрамларини ўтказиш ҳам шўро

даврида баъзан тақиқланган. Мустақиллик шарофати билан бундай удумларимиз яна тикланмоқда. Бундай тадбирлар кишиларга яхши

кайфият, руҳий қувват беради. Улар кишилар ўртасида меҳр-оқибат, иноқлик, дўстлик каби фазилатларни мустаҳкамлайди.

* * *

Ҳозирги пайтда ҳосил байрамлари ҳам анъаналарга мос тарзда қизиқарли ўтади. Куз фаслининг охири, қиш бошида деҳқонларнинг бўш вақти кўп бўлади. Ана шу пайтда «Ҳосил байрам»лари ўтказилади. Бу тадбир ўзига хос ҳисобот байрамига айланиб кетади. Деҳқонлар йил давомида қилган меҳнатлари ҳақида халққа «ҳисобот» беришади, эришган муваффақиятларини нишонлашади. Бунинг учун маданият муассасалари, сайилгоҳлар, истироҳат боғлари байрамонга безатилади, савдо ярмаркалари ташкил қилинади. Байрам тадбирларига карнай-сурнайчилар, полвонлар, дорбозлар, турли ансамбллар таклиф этилади.

«Ҳосил байрами»га турли вилоятлардан улоқчилар келишади. От спорти ўйинлари, пойга, отдан ағдариш, тош кўтариш, арқон тортиш, полвонлар кураши мусобақалари ўтказилади. Дорбозлар, масхарабозлар, ҳаваскорлик жамоалари, мақомчилар ансамбллари чиқишлари бўлади. «Ҳосил байрами»да хўроз ўйинлари, қиморбозлик ўйинлари ҳам бўлади. Бундан ташқари, ҳунармандлар тайёрлаган турли нарса — буюмларнинг кўриги, савдо ярмаркаси ҳам ташкил қилинади. «Ҳосил байрами» кўпинча икки кун давом этади.

ҚИШ БАЙРАМЛАРИ

Ер шарининг шимолий қисмида яшовчи халқларнинг аксарият байрамлари бевосита қиш фасли билан боғлиқдир. Чунончи «Масленица» — «Қишни кузатиш» («Проводы зимы») славян, жумладан рус халқининг энг катта байрамларидан бири ҳисобланади.

Ўрта Осиёда қиш фасли шимол ўлкаларига қараганда нисбатан қисқароқ кечади. Шу боисдан бу ҳудуд халқлари орасида қиш фасли билан боғлиқ маросимлар камроқ. Қиш фаслида ўлкамиз аҳолиси «Биринчи қор», «Ғап-гаштак», «Сандал ўйинлари», «Ялдо кечаси», «Қишки

чилла» («Чилла кирди», «Кичик чилла», «Чилла чиқди») каби тадбирлар ўтказилади.

Албатта, қишда ҳам ўлкамизда ўйинлар ўтказилган. «Улоқ» кеч куздан то баҳор ўрталаригача давом этган. Қор ёққанда «Қорбўрон»; ёмғир ёққанда «Ёмғир ёғалоқ»; кучли шамол эсганда «Бўрон-бўрон» каби ўйинлар ўйналган. Совуқ қишнинг узун кечаларида болалар сандал атрофида «Топишмоқ топ», «Тез айт», «Ким айтди», «Оёғингни торт» кабиларни ўйнашган.

Қишнинг биринчи байрами «Биринчи қор» илк бор қор ёққанда бошланган.

«БИРИНЧИ ҚОР»

«Ўз вақтида ёққан қорнинг қадри бўлади», дейишади. Дарҳақиқат, вақтида ёки куттириб ёққан қор ўлкамизни оқ либосга ўраб, халқимизга олам-олам қувонч олиб келади. Қор ёққан кун даладарда «қор отиш» бўлиб, ўйин-кулги қилинади. Кишилар бир-бирига саломлар беришиб, меҳмонга боришади. Қор совуқ бўлса ҳам, оқ бўлгани учун эъзозланади. Халқимизда «Биринчи қор» ёки «Қор ёғди¹» номли одат кенг тарқалган.

Қадимдан биринчи қор ёққан кун қор хат ёзиш кенг тарқалган анъана бўлган. «Биринчи

қор» ёққан кун фалон одамга қор хат ёзаман деб олдиндан ният қилинган. «Қор хат»нинг шарти шундан иборатки, қор ёққанини биринчи бўлиб кўрган одам ўзига яқин, дилига сиққан кишига (у ўртоқлардан ёки қариндошлардан бири бўлиши мумкин) мактуб ёзиб, ўзига сездирмасдан қўлига бериши (ёки чўнтагига солиб қўйиш) ва қочиши керак. Мактубни «билмай» қабул қилган киши хат муаллифини қувиб етиб, унинг қўлига тутқазса олмаса, у хатда ёзилган шартни бажариши керак бўлади. Агар хат дарров эгасига топширилса, унда хат муаллифининг ўзи мактубдаги шартларни бажаради.

Биринчи қор ёққанидан фойдаланиб, йигитлар қизларга, ошиқлар ўз маҳбубасига хат ёзишга интилишади.

*Қор ёғар — осмонда оққушлар учар,
Қор ёғар — осмондан оқ уқпар тушар*

¹ «Қор ёғди»га бағишланган икки одат бор: 1) Хурсандчилик. 2) Қайғули. Иккинчи маросим қор ёққанига қадар ўлик чиққан оилаларда ўтказилган. Тошкентда, Фарғонада ўлик чиққан оила аъзолари биринчи қор ёққан кун ис чиқариб, худойи қилишади. Кейинги пайтларда баъзи жойларда биринчи қор ёққан кун қабристонга бориб, марҳумнинг қабрини зиёрат қилиш одати ҳам пайдо бўлмоқда.

*Қор ёғар, қорхат ила ҳуллас калом,
Барча ой қизларга йўллаймиз салом.*

*Қорхат асли қордай оппоқ дил хати,
Оқ кўнгилнинг меҳри, тафти, ҳурмати.
Гоҳи пинҳон севгининг иқрори ул.
Қор ёғар, қорхат ила, ҳуллас калом,
Шоира қизларга йўллаймиз салом*

Қор хат «суюнчи» услубида ёзилади. Муаллифнинг ўзи хат ёзаётган кишини биринчи қор билан табриклайди, унга соғлик, бахт ва ишларига муваффақиятлар тилайди. Сўнг ўзининг истак, шартини баён қилади:

*Энди келсак, сўзнинг индаллосига,
Яъни, қорхатнинг асл маъносига:
Янги йилда давра тузмоқ фарз бўлур,
Ким ютилса, бир зиёфат қарз бўлур,
Қорхат элтган элчимизни тутсангиз,
Тан берурмиз, қарз бўлурмиз — ютсангиз.*

Қорхат ёзишдан мақсад «рақиб»ни зиёфатга туширишдир. Шу сабабли, қорхатда зиёфат қачон, қаерда, неча кишига берилиши лозимлиги албатта ёзилади. Баъзи ҳолларда қорхатда зиёфат эмас, балки совға олиб бериш ҳам сўралади.

Халқ оғзаки ижоди ва адабий-бадиий асарлардан «Биринчи қор» ва «Қорхат»га оид кўплаб намуналар мавжуд. Ойбекнинг «Навоий» романида қорхат ҳақида айтилган қуйидаги ўринлар бор: «Тансиқ қорни ғанимат билиб, катталар ўз дўстларига қорхат ёзиб, ўзига хос нашъазавқ бағишловчи қишки зиёфатларга юра бошлаганлар». Атоқли ўзбек шоири Ғафур Ғулومнинг Собир Абдуллага ёзган машҳур «Қорхат»и «Қорхат»нинг мумтоз намуналаридан бири ҳисобланади:

*«Азиз дўстимиз Собиржон ибни Абдуллаевга
етиб маълум бўлсинки: «Қорни ёғдирган худо-
йимнинг ўзи, хат бориб тегсин, зиёфатнинг сўзи»*

*Қўлингизда ярқираб турган бу хат — қорхат укам,
Қўлга тушдингиз, иложсиз белни боғлайсиз маҳкам.*

*Бисти панжум йиғилурмиз улфати чор, ўргилай,
Ҳарнаки топган — таянган бўлса, ночор ўргилай,*

*Ўн қадоқ гўшт, бир қази — тошкентча «норин»
дейдилар,*

Қўлга тушгач хоҳ ранжи, хоҳ оғрин дейдилар.

*Битта хуш хоним дуторчи қизгина бўлса, фаранг,
Ғоздин юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг.*

*Мен-ку ичмайман, ароқхўрнинг ароқдир меваси
Менга басдир бир яшиқ «Жигулевский» пивоси.*

*Иссиқ уйда сиз мулозим, биз таралло қилғумиз,
Мияни қўлга қоқиб бергунча ялло қилғумиз.
Ким келур эркан, десангиз: сақлабон эски удум,
Мен бўлурмен, мавлави Шайх, мулла Уйғуни фўрум,*

*Миртемир хушқайфлиги ғоят томоша бўлғуси,
Қаҳ-қаҳа авжга чиқиб, совсем хорошо бўлғуси.*

*Ёз ҳам ўтди, куз ҳам ўтди, қорга чўмди боғлар
Боғингиздан бир ғужум ҳам тотмади ўртоқлар.*

*Собиро, тан бер ўзинг ҳам, биз каби меҳмон қани,
Борми инсофинг, орамизда ушалган нон қани?*

*Анча гина-кудратингиз бор эмиш мендан, укам,
Парво қилманг, кори олам доимо бир мири кам.*

*Балки бу суҳбат орасида ечилғуси тугун...
Хулласи, манярғабу бўлсин зиёфатлар тўкин, —
деб Ғафур Ғулум.*

*Қўлга тушсам жавобгарман деб, қўлим қўйдим.
Муқобил — 1945 сана 16 ноябр рўзи — жумъа.*

Иккинчи жаҳон уруши тугаган 1945 йилнинг 16 ноябрида ёзилган бу Қорхатда кўпгина халқ анъаналари ўзининг бадиий ифодасинит топган. Шеърда «бу хат қорхат» эканлиги айтилиб, дўстига «қўлга тушдингиз.., энди бўлсин зиёфатлар тўкин» дейилган. Шунингдек, одатга кўра зиёфатга қандай таомлар ва нозу неъматлар тайёрлаш шартлиги айтилиб, унга Ғафур Ғулум билан бирга Шайхзода, Уйғун, Миртемир ҳам меҳмон бўлиб бориши маълум қилинган. Энг муҳими, «Биринчи қор» ёққан кун қилинган зиёфат туфайли гиналар, хафагарчиликлар унутилиши, унда суҳбат, ялло, қаҳ-қаҳа авжига чиқиши лозим эканлиги таъкидланган.

Қорхат доно кишиларни қиш ғамини эрта-роқ ейишга, вақтни ғанимат билишга, аҳилликка, бирдамликка чақиради. Мана шу каби жиҳатларига кўра бу одат ижтимоий ҳаётда муҳим роль ўйнайди.

Табиатдаги ўзгариш — «Биринчи қор» одамларнинг кайфиятида, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳам ижобий ўзгаришлар ясаган. Биринчи қор дўстларнинг бир-бири билан кўришиши, дардлашиши, агар улар орасида хафагарчилик бўлса — унутилиши, ярашиш учун ўзига хос сабаб бўлган.

«Биринчи қор» номли одат ҳар жиҳатдан аҳамиятли бўлгани учун ҳам халқимиз орасида кенг ёйилган.

Илк бор ёққан қор далалар, қир-адирлар, дарахтларни оппоқ либосга бурқаб, табиат-

нинг ўзига хос гўзаллигини намойиш этган. Бу қор ерни озиклантирган. Биринчи қор ёққанида кишилар қиш серқор бўлишини, баҳор яхши келишини, йил серҳосил бўлишини тилашган. Халқимизда «Қор ёғди — дон ёғди», «Ер тўйса, эл тўяди» деган мақоллар яратилган.

Ғ. Фулом 1959 йилда ёзган «Қор» шеърида қорни она табиатнинг сийнасида келган сутга, ерга озик берувчи хазинага ўхшатган. Умуман, биринчи қор кишиларда хурсандчилик, яхши кайфият уйғотган.

ЯЛДО КЕЧАСИ ВА ҚИШКИ ЧИЛЛА

21 декабрдан 22 декабрга ўтар кечаси энг қисқа кун ва энг узун тун (17 соат) содир бўлади. Қишнинг бу энг узун ва қоронғи кечаси *Ялдо кечаси* дейилади.

Элшунос олим Билол Аминов ёзишича, «Ялдо кечаларини кишилар зориқиб кутишган. Қиш кезлари ҳафта сайин гап-гаштак ейилган, даврага тўпланганлар ширин суҳбатлар қуришган, сандал атрофида жам бўлиб палов ёки норин тановул қилишган. Ялдо кечаларида гап-гаштак ўтказилган хонадон соҳиблари меҳмонларни тўкин дастурхон тузаб, кутиб олишган. Кўй сўйилиб, тандир нонлар ёпилган. Қишга асралган қовун-тарвузлар, узуму анорлар омборлардан олиб чиқилиб, дастурхонга пешма-пеш тортиб турилган.

Бу кечаларда бировни иғво қилиш, ғийбат, гина-кудуратга мутлақо йўл қўйилмаган. Аҳилу иноқ улфатлар кеча давомида бировнинг қизини турмушга бериш, ораларидаги қийналиб қолган оилаларга ёрдам қилиш, тўй ва маъракаларни ўтказиш кабилар ҳақида маслаҳатлашишган. Ялдо кечаларида кексалар алоҳида, ёшлар алоҳида ёки оила-оила бўлишиб, суҳбат қилишган.

Хотин-қизлар ҳам ўз тенгқурлари билан кўнгил очишган. Улар ғазалхонлик қилишган, баҳри-байт айтишиб, мушоиралар ўтказишган, рақс тушишган, кўшиқлар хиргойи қилишган, дутор-доира чалиб, ўйин-кулгини қизитишган.

Маҳалла чойхоналарида ҳам **Ялдо кечаси** ўтказилиб, гап-тўкма ташкил этилган. Бундай гап-тўкмаларга сайёҳлар, бошқа юртдан келган мусофирлар, олиму фозиллар, шоиру қаландарлар қатнашишган. Кишилар уларнинг суҳбатларидан дунёда рўй бераётган янгиликларни билиб олишган. Халқ ашулачилари «Гулёра — гулёра» каби кўшиқларни айтиб,

ўйинга тушишган («Халқ сўзи» газетаси, 2000, 21 декабрь).

Ялдо кечаси энг узоқ тун бўлгани учун *севишганлар кечаси* ҳам дейилган. Ялдо кечаси шарқ шеъриятида ҳам алоҳида таъкидланган. Бу кеча ошиқлар ўз ёрларига совға-саломлар, ширинликлар ҳадя этишган. Ёш келин-куёвлар бу тунни мароқ билан ўтказишга ҳаракат қилишган.

Қишки чилла. Чилла атамаси форс тожик тилидаги «чил» сўзидан олинган бўлиб, «қирқ деган маънони билдиради. Чилла инсон ҳаётидаги хатарли, энг оғир ва энг масъулиятли даврни англатувчи сўз ҳисобланади. Удум бўйича чилла 40 кундан иборат бўлиб, унинг 20 кунни кичик чилла, 40 кунни эса катта чилла дейилади.

Чилланинг: чақалоқ чилла, касаллик чилласи, илм-билим чилласи, экин чилласи, «қишқи чилла», «ёзги чилла», баъзи жойларда кўклам чилласи (илик узилди), кузги чилла каби турлари мавжуд.

Қишқи чилла энг узоқ тун ва энг қисқа кун содир бўлгандан кейин 25 декабрдан бошланади. У қишнинг авжи совуқ вақтига тўғри келади ва 5 февралгача давом этади. 25 декабрда табиатда ўзгаришлар содир бўла бошлаганлиги сезилади. Шу боисдан бу сана кўпгина халқларда байрам сифатида нишонланади. Айни шу кунни аждодларимиз Сада байрамини, римликлар Митра (қуёш) байрамини, носаро католиклари Рождество—Исо пайгамбар туғилган кунини нишонлашган.

Қишқи чилланинг ичида ўтказиладиган ўзига хос одатлар ҳам бўлган. Жумладан, 25 декабрда «чилла кирди», 15 январда «кичик чилла» ёки «чилла ўртаси», 5 февралда «чилла чиқди» деб, уларга бағишлаб муайян талбирлар ўтказилган. Чилла кирганида одамлар совуққа ру-

хий тайёргарлик кўриб, совуқдан сақланиш чораларини кўришган. Кичик чилла чиққанида эса сандал атрофида махсус иримлар қилишган. Чилла тугганида кишилар ташқарида гулханлар ёқиб, хурсандчилик қилишган, турли ўйинлар ўйнашган.

Кишнинг энг совуқ кунлари (25 декабрдан 5 февралгача)да кечқурунлари ёғли нон-патирлар ва махсус таомлар пишириш одатлари бўлган. Шундай таомлардан бири — атала. Уни тайёрлаш учун доғланган мойга қўй думбаси, гўшtidан солиб, маълум миқдордаги унни

кўшиб, уни капгир билан зарҳал рангга киргунича қориштириб, сув қуйилади. Думалоқ бўлиб қолган ун бўлаклари эзиб, шопириб турилади. Обдон қайнаб, худди сумалакдек қуюқ тортган атала қиш чилласининг совуғида жоннинг роҳати бўлади.

Қиш фаслида аталанинг инсон саломатлиги учун фойдаси катта бўлиб, у баданни совуқдан ҳимоя қилади. Аталани ошқозон осон ҳазм қилади. Халқ табиблари ҳам оёқ-қўлларнинг тез-тез совқотиб қолишидан фориг бўлиш учун қиш чилласида атала ейишни тавсия этишади.

ГАП-ГАШТАК

Гап-гаштак қадимий эркаклар йиғини, Яс-юсун маросими асосида пайдо бўлган.

Маълумки, гаштак дастлаб уруғдошлик даврида шаклланган. Муайян ҳудудда яшовчи уруғлар яйловдан-яйловга кўчиш, ўзларини ҳимоя қилиш учун кенгашиб, маслаҳат қилиш учун йиғилишган. Кенгашга уруғ бошлиқлари, обрўли кишилар таклиф этилиб, келгусида қилинадиган ишлар режаси белгиланган. Бу тадбир қадим замонларда ҳам халқимиз ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Ўрта Осиё халқлари тарихининг йирик тадқиқотчилари С. П. Толстовнинг «Кўҳна Хоразм», Н. С. Ликошиннинг «Туркистонда ярим аср», А. Л. Троицкаянинг «Ўзбек халқ театри» асарларида бу тадбирлар ёшлар учун одоб-ахлоқ мактаби вазифасини бажарганлиги, улар кишилар билимини ўстиришнинг ўзига хос воситаси бўлганлиги таъкидланган. Манбаларда мазкур тадбирлар ижрочилик ва пазандачилик санъатини намойиш қилиш жойи бўлганлиги ҳақида ҳам жуда қизиқарли маълумотлар берилган.

Элиунос олим Очил Бўриев гап-гаштаклар ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Воҳамиз шаҳар ва қишлоқларидаги ҳар бир маҳаллада гаштак ўтказиладиган алоҳида жамоа меҳмонхоналари бўлган. Бу жой гапхона, гаштакхона дейилган. Меҳмонхонани ўзига тўқ кишилар саховат учун ёки ҳар бир маҳалла ҳашар йўли билан қуришган. Меҳмонхонаси бўлмаган маҳаллаларда гаштак навбат билан хонадонларда ўтказилган. О. Бўриев (Ўғил улфат кўрганми // «Фан ва турмуш» журналы, 1993 йил, 1-сон. 10—11-бетлар)

Қадим замонларда ҳам халқимиз ўртасида махсус қишки дам олиш кечаларини ўтказиш одати мавжуд бўлган. Улар турли ном билан, масалан, Хоразмда — «гурунг», «ўтиришма», «қидиришма», «зиёфат», Фарғона водийси ва Тошкентда — «гап», Бухорода — «жўра», Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарёда —

«гаштак», «суҳбат» деб аталган. Шунингдек, жанубий вилоятларда зиёфатга 40 йигит тўплангани учун у «қирқ йигит» деб ҳам юритилган.

Одатда, гаштаклар ҳосил йиғиб-тегиб олинган, кеч куздан то баҳоргача — экин-тикин ишлари бошлангунча ўтказилган. Гаштаклар туни узун қиш ойларида кўп ўтказилган.

Ўттиз-қирқ киши мунтазам йиғилиб, гап-гаштак қилиб туришган. Гап-гаштакнинг икки шакли мавжуд бўлган: биринчиси барча иштирокчилардан пул, озиқ-овқат йиғиш орқали, иккинчиси — бир кишининг харажат қилиши орқали ташкил қилинган.

Гап-гаштакдан мақсад дўстларнинг дам олиши, ўзаро мулоқотда бўлиши ва ижодий қобилиятларини намойиш қилишидир.

Гаштакда 10—20 киши иштирок этади. Улар «жўралар», «зиёфатдошлар», «гапхўр», «гаштакхўр» ҳам дейилган. Гаштакни ташкил этишнинг ўзига хос қондаси бўлган. «Тенг-тенги билан» — деганларидек гаштакда кўпинча тенгқурлар иштирок этишади. Масалан, 17—20 ёшдагилар, 30—50 ёшдагилар, 50 ва 60 ёшдан ошган кишилар алоҳида-алоҳида гуруҳ бўлиб, гаштак уюштиришган.

Гаштакнинг кичик шакллари ҳам бўлган. Масалан, 5—6 киши томонидан ўтказиладиган кечалар «дангона» деб аталган. Шунингдек, бир неча оилалардан ташкил топган «оилавий гаштаклар» ҳам бўлган. Бундан ташқари, Тошкент, Фарғонада аёлларнинг «гаштак гапи» ўтказилган. Унда бир жойда яшайдиган турли ёшдаги аёллар навбат билан бир-бирлариникида йиғилишган. Бу тадбирлар йил бўйи давом этган.

10—15 улфатнинг ишдан бўш пайтларида маблаг йиғиб, зиёфат қилиб ўтириши «тўкма», «йиғма гаштак» ёки «ҳарифона», «халфана» дейилган.

Уйланган, рўзғорли ёру дўстлар, ҳамкасблар йиғилишиб, меҳмонхонаси, шарт-шароити бўлган



Замонавий гап-гаштак.

бир кишини ўзларига жўрабоши қилиб сайлашган. Бўлажак жўрабоши «маслаҳат оши» ташкил этган ва унда йиғинда иштирок этувчилар аниқланган.

Гап-гаштакка раис ва унинг ўринбосарлари раҳбарлик қилишган. Раисни жўрабоши ҳам дейишган. Жўрабошига барча гаштак аъзолари бўйсундишган. Гаштакка раҳбарлик қанчалик яхши олиб борилса, у шунчалик мазмунли ўтган.

Жўрабоши гаштак ўтказиладиган вақтни (ҳар ҳафтада, 15 кун ёки ойда), унга кетадиган сарф-харажатларни қатъий белгилаган ва ундан ҳеч ким четга чиқмаган. Гаштак навбати билан белгиланиб, уни «харжлама гаштак» ҳам дейилган. Навбати келган иштирокчи жой ҳозирлаши, зиёфат тайёрлаши ва гаштак ўтишини таъминлаши керак бўлган. Таомларни тайёрлаш учун жўралар орасидан 2—3 киши ошпаз қилиб белгиланган.

Гаштакда уюшма аъзолари қатъий риюя қилиши шарт бўлган «низом» қабул қилинган. Интизомга жавобгар шахс — бу ишларни назорат қилиш билан бирга, йиғилиш бўладиган жойни тартибга келтирган, таомлар менюсини тузган.

Гаштакда иштирок этувчилар тенг ҳуқуққа эга бўлишган. Бу ерда қизиқарли суҳбат, уйинкулги қилинган, ашула ижро этилган, достон, эртак, латифа, аския айтилган. Машиҳур адиб Садриддин Айний бундай тасвирлайди: «...гапдон, ҳозиржавоб ва саводсиз бўлишларига қарамай, гаштакда ҳамма шеърхон эди, баъзилар эса шеър айтардилар. Агар буларнинг орасида битта-яримта безори чиқиб қолса, унга шафқатсизлик билан жазо берардилар».

Обрўли, кайвони кишилар билан ўтган гаштакда иштирок этганлар юриши-туриши, муомала одоби, меҳнатсеварлик, инсонийлик фазилатларини ўрганишган, билмаганларини сўраб олишган. Халқимиз донишмандлар суҳбати ҳақида: «Ҳам тавозелик бўлиб, ҳам боадаб, яхшиларнинг суҳбатини қилғил талаб» деган. Бу маросим кўнгилли дам олиш, кишилар ўртасида меҳроқибатни кучайтириш, дўстликни мустаҳкамлаш воситаси сифатида ҳозиргача сақланиб келмоқда.

Жўралардан бири, узрли сабабларга кўра, кечада қатнашмаса ҳақи бериб юборилган. Мабодо кимдир узрсиз 2—3 марта келмаса, у давра иштирокчиларига навбатдан ташқари

гаштак қилиб берган. Шу шартга кўнмаса, гаштакдан чиқарилган.

Гаштак 4—5 соат давом этган. Жўралар бир қур гаштак бериб бўлишгач, агар ҳамма хоҳиш билдирса, у яна қайта бошланган. Хоҳламаган киши гаштакдан чиқиб кетиши, унга янги гапхўр қўшилиши мумкин бўлган. Гаштакда жўралар сони мавсум давомида, баъзан йиллар мобайнида ўзгармаган.

Жўралар ҳар қандай ишда (деҳқончилик, иморат қуриш, тўйда ва ҳ.к.) бир-бирларига кўмаклашишган. Шунинг учун ота-оналар воёга етган фарзандларини ўз тенгқурлари сафига киритишга интилишган. Одоб-ахлоқсиз кишиларга нисбатан «гап кўрмаган, улфат кўрмаган» иборалари ишлатилади. Машҳур мутафаккир шоир Рудакий: «Ё болангни мактабга бер, ё бўлмаса мажлисга бер» деганида у

«мажлис» деб дўстлар давраси гурунгини назарда тутган.

Ҳозир гаштакларда билимли ва тажрибали кишилардан такаллуф, ширинсуханлик, дўстона мулозиматни ўрганиб, ақл доираларини кенгайтираётган ёшлар кўп (О. Бўриев «Фан ва турмуш» журнали. 1993 йил, 1-сон. 10—11-бетлар).

Умуман, гаштак маълум бир кишиларнинг дам олиш шакли эмас. Гаштак турли муаммоларни ҳал қилишга ҳам ёрдам берувчи ижтимоий уюшмадир.

Гаштаклар яхши ҳордиқ чиқаришга ёрдам беради. Гаштакдаги мулоқот, суҳбатлар туфайли унда иштирок этганларнинг дунёқараши бойийди. Даврадагилар ўз ижодий қобилиятларини намойиш қилиш, ривожлантириш имкониятига эга бўлади (У. Қорабоев Бадиий-оммавий тадбирлар. — Т.: «Ўқитувчи», 1986. — 115—118-бетлар).

VIII б о б. ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАР

✓ Оилавий маросимлар оила пайдо бўлиши билан вужудга келган. Шу билан бирга ўзгарган, ривож топган. Тараққиёт, замон талабига жавоб бермаган одат-маросимлар унутилган. Уларнинг ўрнини эса оила эҳтиёжларини қониқтирадиган янги маросимлар эгаллаган. 1

Ўзбек халқининг оилавий маросимлари ҳам тарихий зарурият асосида вужудга келган ва замон чиғирикларидан ўтиб, муҳим маънавий қадрият сифатида равнақ топган. ✓

Шўролар даврида ҳар бир киши яхши яшай олмаса, бутун жамият ҳам яхши яшай олмаслиги унутилади. Бу даврда асосий эътибор умумдавлат ишларига қаратилди. Шахс, оила эҳтиёжлари эса диққат марказидан тушиб қолди. Жумладан, катта давлат байрамлари «соясида» оилавий-маиший байрамлари иккинчи даражали бўлиб қолди. Халқнинг асрлар мобайнида тўплаган бебаҳо бойлиги — шахс ва оила ҳаёти билан боғлиқ маросим ва байрамлар унутила борди.

✓ Ҳозирги пайтда жамиятимиз олдида шахс, оила турмуш тарзини яхшилаш ва у билан боғлиқ оилавий анъаналар, маросим ва байрамларга эътибор қаратиш муҳим муаммо бўлиб турибди. Халқимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган оилавий маросимлари шўролар даврида жиддий тўсиқларга учраган бўлса ҳам, мустақилликка эришилгандан сўнг улар қайта тиклана бошланди. Бу анъана ва маросимлар тўғрисида қатор китоблар чоп этилди¹. Бу бежиз эмас. Чунки оилавий маросимлар халқ маънавиятининг таркибий қисми, муҳим ахлоқий қадрияти, таъсирчан тарбия воситаси санала-

ди. Оилавий маросимлар жараёнида намоён бўладиган одоб-ахлоқ меҳр-оқибат каби хислатлар ёшлар маънавияти шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Халқ анъаналари қадрланадиган оилаларда тарбия топган ёшлар ибратли ахлоқи билан бошқалардан ажралиб туради. Бундай оилалардан жиноятчи, безори кишилар чиқмайди. Шу боисдан халқ анъаналари ва оилавий маросимлар ёрдамида ёшларни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. ✓

Маълумки, жамият асосини оила ва унинг аъзолари ташкил қилади. Жамиятнинг тараққиёти оила, шахс ривожланиши билан белгиланади.

✓ Маросим ва байрамлар инсон ҳаётининг узвий қисми ҳисобланади. Ҳар бир кишининг шахсий ҳаётида шундай муҳим воқеалар, босқичлар мавжудки, улар алоҳида эътиборни, хурсандчиликни тақозо этади. Бу ҳодисалар ўзига хос тантана ва байрам тарзида нишонланади. ✓

1 Фарзанднинг туғилган куни, унга исм қўйиш, боланинг илк қадам босиши, ўғил-қизнинг биринчи бор мактабга бориши, ўрта мактабни битиришни байрам қилиш, никоҳ тўйи, кумуш, олтин ва олмос тўйлари, нафақага кузатиш кабиларни тантанали тарзда нишонлаш инсон ҳаётидаги унутилмас воқеалардир. Бундан ташқари, киши ҳаётида ижтимоий характерга эга бўлган кўпгина ҳаяжонли ҳодисалар ҳам юз берадики, улар ҳам байрамона ёки тантанали кайфият яратади. Олий ва ўрта махсус ўқув юртига ўқишга кириб, талаба бўлиш, уни тугатиш, ишга кириш, 40, 50, 60, 70, 80 ёшини нишонлаш маросимлари киши ҳаётида шундай воқеалар сирасига киради.

Кишиларни умумий мақсадлар бирлаштиради. Одамларнинг қувонч ва қайғусини атрофдагиларга маълум қилиши эса улар ўртасида ҳамжиҳатлик қарор топишига сабаб бўлади. Фарзанднинг дунёга келиши ҳар бир оила учун қувонч бағишловчи ҳолатлардан биридир. Оила аъзолари чақалоқ туғилганини қариндош-уруғлари, қадрдон дўстларига хабар қилгани боришган. Улар эса бу қувончли хабар учун суюнчи беришган. Ёки телеграмма, мактуб билан

¹ И. Жабборов. Ўзбек халқи этнографияси. Т., «Ўқитувчи», 1994; Б. Саримсоқов. Ўзбек маросимлари фольклори. Т., 1996; Х. Исмоилов. Ўзбек тўйлари. Т., «Ўзбекистон, 1992; Ш. Галиев. Ўзбек болалар ўйини фольклори. Т., 1998; М. Сатторов. Ўзбек удумлари. Т., «Фан», 1993; С. Раҳмон. Тўй табриклари. Т., 1995; Г. Мардонова. Нур тўла уй. Т., Мехнат 1992; Н. Курбонова. Ўзбек маросимлари фольклори. Автореф. Т., 1994; С. Давлатов. Қашқадарё воҳаси ўзбек тўй маросимлари фольклори. Автореферат. Т., 1996; У. Қорабоев. Ўзбекистон байрамлари. Т., 1991; Қарабаев У. Узбекские семейные обряды. Т., 1995.

оилани қутлашади. Чақалоққа ота-онаси, қариндош-уруғлари чиройли исм танлашади. Хуллас, чақалоқнинг дунёга келиши энг тантанали ва қувончли оилавий байрам сифатида нишонланади. Никоҳ тўйлари, кумуш ва олтин тўйлар ва бошқа оилавий-маиший маросимлар ҳам оилавий байрамлар сирасига киради.

Оилавий маросимлар кишилик жамияти маданиятининг таркибий қисми саналади. Шу боисдан уларда умуминсоний ахлоқ меъёрлари акс этади. Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзи қарор топа борган сари шахс ва оила ҳаёти билан боғлиқ илғор анъаналар шаклланиб, тобора такомиллашиб бормоқда. Уларга доимо алоҳида эътибор бериш лозим. Статистик маълумотларга қараганда, республикаимизда ўртача бир оилага 3—5 фарзанд тўғри келади. Мамлакатимиз аҳолисининг 48 фоизи 18 гача бўлган болалар ва ўсмирлардир. Буларнинг барчаси оилавий дам олиш, анъана ва байрамларни уюштириш асосида кишиларимиз турмуш тарзини такомиллаштиришни тақозо этади.

Хуллас, оилавий анъаналарни, шахс ёки оила ҳаётидаги муҳим босқичларни, воқеа ва саналарни байрам тарзида нишонлаш муҳим ижтимоий-маданий ва тарбиявий характерга эга бўлган, халқ турмуш тарзини такомиллаштирадиган восита ҳисобланади.

Халқ анъаналари кишилар дунёқараши, уларнинг шахс сифатида шаклланишига таъсир кўрсатувчи муҳим омилдир. Шу боисдан халқ анъаналарининг таркибий қисми бўлган —

оилавий маросимлар тизими, шакли, мазмуни ва уларнинг шахс шаклланишидаги аҳамиятини илмий асосда ўрганиш лозим. Ўзбек оилаларида чақалоқ туғилгандан то вояга егиб, ўзи янги оила қургунча қуйидаги одат ва маросимлар ўтказилади:

1. Ҳомиладор аёл ва ҳали туғилмаган чақалоқни асраш билан боғлиқ одатлар.
2. Чақалоқ туғилиши билан боғлиқ одатлар (суюнчи, болани янги шароитга мослаш кабилар).
3. Чақалоқнинг соғлигини сақлаш билан боғлиқ одатлар (Чақалоқ чилла — катта ва кичик чиллалар).
4. Ном бериш одатлари (Исм қўйиш маросими).
5. Чақалоқни бешикка солиш маросими (Бешик тўйи).
6. Илк бор соч олиш маросими (Соч тўйи).
7. Тиш чиқиши билан боғлиқ одатлар («Тиш тўйи»).
8. Боланинг биринчи қадам қўйиши билан боғлиқ одатлар (Оёқ тўйи, Илк қадам).
9. Ўғил болаларни суннат қилиш одатлари («Суннат тўйи»).
10. Болаларнинг 12 ёшга тўлиши билан боғлиқ бўлган одатлар (Мучал тўйи).
11. Янги оила қуриш одатлари (Никоҳ тўйи) ва ҳоказолар.
12. Кумуш, олтин ва олмос тўйлар.
13. 50, 60, 70 ёшни нишонлаш маросимлари.

ФАРЗАНД ТУҒИЛМАСИДАН АВВАЛ АМАЛ ҚИЛИНАДИГАН ОДАТЛАР

Ўзбек халқи ҳомиладор аёлини ғоят асраб-авайлайди. Энг аввало, уларга қулай шароит яратилади, парҳез таомлар тайёрлаб берилади. Ҳомиладор аёлларнинг асабийлашиши, оғир юк кўтариши, зўриқишига асло йўл қўйилмайди. Ҳомиладор аёлга ёмон гапириш, қўполлик қилиш энг катта гуноҳ саналади.

Ҳомиладор аёл кундалик ҳаётида амал қиладиган одатлар ичида магик, анимистик, полетеистик, оташпарастлик ва кўпроқ ислом динига оид иримларни ҳам учратиш мумкин. Масалан: ҳомиладор аёлга мурдани кўриш, ахлат ташланадиган жойларда юриш, мағзава тўкилган ёки мол сўйилган ерлардан ўтиш, супурги, таёқ, арқон, сув устидан ҳатлаб ўтиш мумкин бўлмаган. Ҳомиладор аёлнинг ортиқча кўп ҳаракат қилишига йўл қўйилмаган. Шунингдек, ҳомиладор аёл ойнага кўп қарамаслиги, сочини қирқмаслиги уқдирилган. Билажак она ойнага кўп қарайверса, боласи хунук туғилар эмиш; агар у сақич чайнайверса, боласининг қулоғи оғрир эмиш; арқон устидан ҳатлаб ўтса, боласининг бўйнига кинди-

ги ўралиб қолар эмиш; совуқ оқар сувда чўмилса, сув парилари унга зиён етказар эмиш; туя гўшти еса, бола туғилиши оғирлашар эмиш ва ҳоказо¹. Ҳомиладор аёл амал қилиши керак бўлган бу қадимий ўғитларда катта маъно бор, албатта. Улар ўзига хос асосга эга эканлигини замонавий илм-фан ҳам тасдиқлайди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, авлодлар тажрибаси асосида вужудга келган аксарият одатларнинг шакли яхши сақланиб қолган-у, лекин сабаби, маъноси унутиб юборилган. Масалан, буви (момо)лар ҳомиладор аёлга: «косов устидан сакрама, агар сакрасанг, боланг ўлик туғилади», деб кўрқитишган. Дарҳақиқат, ҳомиладор аёл кескин ҳаракат қилса — сакраса, албатта, ҳомила — бола, ўлмаса ҳам унга салбий таъсир қилади. Момолар ҳодисанинг сабабини тушунтириб ўтириш ўрнига, қисқа қилиб, «ундай қилма,

¹ Н. Курбонова. Ўзбек маросимлари фольклори. Автореферат. Т., 1994.

бўлмаса, боланг ўлади» деб қўрқитиб, масалани қатъийлаштириб қўйишган. Умуман, халқимизнинг барча қадимий одатлари ҳомиладор аёл ва унинг туғилажак фарзандининг жисмоний, руҳий хавфсизлигини сақлаш, чақалоқнинг соғ-омон туғилишини таъминлашга қаратилган. Аждодларимиз бола тарбияси она қорнида бошланишини ўша олис замонлардаёқ яхши билишган. Шундай экан, ҳомиладор аёл ҳаёти билан боғлиқ халқ одатларини чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш, улардан самарали фойдаланиш — миллатнинг келгуси

бўгинининг ақлий, жисмоний, маънавий, руҳий баркамол бўлиши учун жиддий замин яратади.

Ўзбекларнинг одатларидан яна бири — эрхотиннинг фарзанд кўриш мақсадида бирга бўлишдан олдин 40 кун тайёргарлик кўришидир. Бу даврда улар махсус парҳез таомлар билан овқатланишган. Бу пайтда уларга асабийлашиш, оғирлик кўтариш, зўриқиш, қўполлик қилиш мумкин бўлмаган. Шу ўзига хос чиллада ота ва онада соғлом ҳужайралар шакланган. ↓

ЧАҚАЛОҚ ЧИЛЛА

Ўзбек халқи одатлари орасида янги инсон — чақалоқ дунёга келиши билан боғлиқ анъаналар тизими алоҳида ўрин тутаяди. Бу тизим чақалоқ туғилганида қариндош-уруғ, ёр-биродарлардан «суюнчи олиш», «киндик кесиш», болани чўмилтириш, илк бор қўйлак кийдириш, махсус парҳез таомлар пишириш, чақалоққа исм қўйиш, кичик ва катта чиллани ўтказиш, болани бешикка солиш каби махсус тадбирлардан таркиб топган. ↓

Ўтмишдаги одатларга кўра, келин-куёв, фарзанд кўрган аёл ва чақалоқ ёмон руҳ, алвасти, жин-ажина ва бошқалардан сақланиш учун чилла сақлашган. Чиллани келинчак учун фарзандсиз аёллар билан учрашиш хатарли ҳисобланган. Гўё туғмас аёлнинг қисмати келинчакка ўтиши мумкин, деб тушунилган. Бефарзанд аёл қадами тегса келинчак ҳам бола кўрмайди, деб ирим қилинган. Бу удум «Чилла тушди» деб аталган.

Ўилада бола туғилишиданоқ чилла даврига катта эътибор берилган. Чақалоқ туғилганидан сўнг йўлдоши тушганидан бошлаб, кейинги 6—8 ҳафталик муддат чилла даври ҳисобланади. Табиблар туғруқдан сўнг аёл организми тўла асл ҳолига қайтиши учун энг камида 5—6 кун, туғиш оғир кечганида эса 70 кун керак бўлишини таъкидлашади. ↵

Фарзанд кўрган аёл ва унинг чақалоғи чилла даврида махсус шароитда сақлангани учун турли инс-жинслар ва касалликлардан ҳимоя қилинган. Анъанага кўра, она ва чақалоқ 40 кунгача уйдан чиқмаслиги, болани уйга бегона одам қадам босмаслиги ва чиллани уйда чироқ ўчмаслиги керак.

Чилла даврида касофат, бахтсизлик содир бўлмаслиги учун она ва бола ёлғиз қолдирилмаган. Хонада доимо чироқ ёқиб қўйилган, бу хона эса «чиллахона» дейилган. Халқимизда баъзи тарбияси ночор кишиларга нисбатан «Чилласида чироқ кўрмаган» иборасининг айтилиши ҳам бежиз эмас. Она кечаси ташқарига ҳам икки-уч аёл ҳамроҳлигида чиққан. Она-бола

олдига бегона кишилар, фарзандсиз аёллар қўйилмаган. Ёвуз кучларни ва ёмон кўзларни ҳайдаш учун кунига уч марта исирик тутатилган. Туққан аёл ҳатто, молхонага ҳам чиқмаган. Унинг қўшниларга овқат чиқариши ва улардан олиб туриши ҳам тақиқланган. Агар бунга амал қилинмаса, чақалоқни бошига чилла яраси чиқиши мумкин, дейилган. Чилла яраси чилла суви билан ювилган.

↵ Чақалоқ туғилгач, учинчи кун махсус қўйлакча (чилла қўйлак) тикиб кийгизилган ва бу қўйлак чилла ўтмагунча ечилмаган. Китоб туманида чақалоқнинг чилла давридаги кийимини «чиллаки» дейишади. ↵

Баъзи қишлоқларда чақалоқ туғилганиданоқ унга «ит қўйлак» кийдирилган. Бу билан чақалоққа хавф солиши мумкин бўлган бало-қазо итга ёпишсин, дейилган. Чунки ит касалликка осон чалинмайдиган чидамли, тез кўпаядиган ҳайвон ҳисобланган. Агар оилада бола нобуд бўлаверса, онанинг чақалоғи қирқ кунгача чўмилтирилмаган.

Фарзанд кўрган онага чақалоқ туғилганининг иккинчи ва учинчи кунларида қовурилган тухум, ундан сўнг товуқ шўрваси ичирилган. Чақалоқ етти-тўққиз кунлик бўлганида юпқа пиширилган. Бордию қирқ кунгача чақалоққа атаб, юпқа пиширилмаса, боланинг хулқида бирон ёмон иллат бўлади, дейилган.

↵ Катта чилла — 40 кун ўтгач, бола чўмилтирилиб, унинг қўлига тақилган мунчоқ кўзмунчоқ билан алмаштирилади. Шундан сўнггина болани кўтариб ҳовлига чиқиш, уни қўни-қўшниларга кўрсатиш мумкин бўлган. Катта чилла ўтганидан сўнг аёл маҳалла ёки қишлоқдаги таниш-билишлари, қариндош-уруғиникига бориши ва ниҳоят аёл ўз ота-онасиникига бориб, ётиб қолиши жоиз деб ҳисобланган. Кексаларнинг айтишларича, 40 кунлик чилладан омон-эсон чиққан чақалоққа ташқаридан таъсир этадиган инс-жинсларнинг кучи етмайди. ↵

Келин-куёвнинг ота-онаси, қариндош-уруғлари, қўни-қўшилари, доя момо, энагалар ва

чақалоқ туғилишида ҳозир бўлган аёллар йиғилишиб, «Чилла тўйи» ўтказилган.

Замонлар ўтган сари чилла даври ва у билан боғлиқ расм-русумларнинг аксарияти унутилган. Уларнинг баъзиларигина қишлоқ аҳолиси ўртасида сақланиб қолган, холос. Ўзбекистоннинг ҳар бир худудида чилла билан боғлиқ ўзига хос қоида ва анъаналар бор. Шўролар даврида қадимги удумлар қаторида чилла даври ва унинг расм-русумлари ҳам хурофот деб қораланди. Бу расм-русумлардан ягона мақсад эса онани ва гўдакни барча ёвуз куч ва бегона кўзлардан асраш, боланинг соғлом ва чиройли, ақдан баркамол ўсишини таъминлаш, онанинг соғлом бўлиб, яна кўплаб фарзандлар туғиб авлодлар давомийлигини давом эттиришига эришиш эди.

! «**Чақалоқ чилла**» қирқ кунлик озодалик ва эҳтиёткорлик муддати саналади. Бу вақтда она ўз соғлигини тиклашга ва бола эса ёруғ дунёга мослашишга интилган. Ана шу даврда она ва болани касалликлар, «ёвуз руҳлар»дан сақлаш қатъий қоида, иримларга амал қилишни тақозо этади. ! «Чақалоқ чилла»нинг деярли ҳар бир куни ўз мазмуни ва анъаналарига эга бўлган. Айниқса, чилланинг биринчи, учинчи, бешинчи, еттинчи, тўққизинчи, йигирманчи ва қирқинчи кунлари махсус одатларга риоя қилинган. Масалан, биринчи кунда боланинг киндигини кесиб, уни тузли сувда чўмилтиришган, «чилла кўйлак» кийдиришган; учинчи кунда — болага кўз тегмасин учун билагига кўзмунчоқ тақишган, бола баданининг нозик жойларини ёғлашган; бешинчи кунда — «беш оқшом» маросими уюштириб, ун оши пиширилган; йигирманчи куни — «кичик чилла», қирқинчи куни — «катта чилла» (қирқ нон ёпиш) маросимлари ўтказилган. Чилла вақтида чақалоқ бор уйга хом гўшт, қайноқ чой, ўткир пичоқ олиб кирилмаган, хонага бефарзанд аёл киритил-

маган. Чақалоқни бегоналарга кўрсатиш ҳам мумкин бўлмаган.

! Тошкентда чилла даврида «**ақиқа**» деган маросим ўтказилади. У фарзанд 7, 14, 21, 28 кунлик бўлганида кўй сўйиб, ош дамлаб, қариндош-уруғ, кўни-кўшнилари иштирокида ташкил этилади. Ўтказиш тартиби худойи маросимига ўхшаб кетади. У икки жон (она ва бола)ни эсон-омон бўлиши ниятида, худого шукроналик рамзи сифатида уюштирилади. !

! Хуллас, «чақалоқ чилла» давомида она махсус гигиенага риоя қилган, у ўз боласини касаллик, «ёвуз куч»лардан, «ёмон кўз»лардан асраган. Энг муҳими у фарзандининг бу ёруғ дунёга мослашиши учун моддий ва маънавий замин яратган. Замонавий тиббиёт ходимлари таъкидлашича, чилла даврида касал бўлмаган чақалоқ улғайганида ҳам соғлом бўлади. !

Қиш чилласи аталаси. Қишнинг энг совуқ (25 декабрь — 4—5 февраль) кунларида кеч-қурунлари атала пиширилган. Бунинг учун яхшилаб доғ қилинган ёғга кўй думбаси, гўштидан солиб, маълум мўлжалдаги унни элаб, у зарҳал рангга киргунча капгир билан қориштирилиб, сув қуйилган. Унинг тугунчалари эзиб турилган. Сув қайнаётганида туз сепиб, шопириб турилган. Сув обдон қайнагач, қозондаги масаллиқ куюқ тортиб, худди сумалакдек бўлади.

Думба ёғи, гўшт бўлмаган тақдирда бошқа ёғларни ҳам меъёрида доғ қилиб, унни яхшилаб қовуриб, атала пишириш мумкин. Атала ошқозонда осон ҳазм бўлади. Оёқ-қўлларнинг совуқ қотиб қолишидан сақланиш учун халқ табиблари қиш чилласида тўйиб атала ейишни тавсия этишади.

Кўзи ёриган аёлларга ҳам атала берилган. Тукқан сигирларга ҳам атала пишириб, уни бироз совутиб, ичиришган. Аталани «ичнинг сувоғи, таъмири» дейишган.

ИСМ КЎЙИШ ОДАТЛАРИ

! Чақалоққа исм кўйиш инсон ҳаётидаги энг муҳим воқеа ҳисобланади. Бу одат қадимда ўзбекларнинг баъзи уруғларида оддий ҳолдек, айримларида, катта маросим, тўй сифатида ўтказилган. Умуман олганда, «От кўйиш», «Ном бериш», «Исмлаш» одат-маросими халқимиз ҳаётида азал-азалдан муҳим аҳамиятга эга бўлган. !

! Қадимдан болага исм кўйиш жуда масъулиятли иш саналган. Исм бола табиатига мос келмаса, ундан яхши инсон чиқмайди ёки у касалликка чалинаверади, дейилган. Чақалоққа исм кўйиш вазифаси ҳар кимга ҳам топшира берилмаган. Бунинг учун махсус

маросим уюштирилиб, унга энг нуфузли, доно қариялар таклиф этилган. Ана шу маросимда йиғилганлар ўзаро маслаҳатлашиб, болага исм кўйишган. ! Подшо, хон ва бошқа нуфузли амалдорлар ўз фарзандларига исм кўйиш учун олим, мунажжимлар билан маслаҳатлашишган. Ислон динига эътиқоди баланд кишилар мулла-эшон чақариб, чақалоқнинг қулоғига азон айтдириб, сўнг унга исм кўйдиришган. Хуллас, чақалоққа ҳаёлга келган ном бериб кетилавермаган. Кўплаб маълумотлар таҳлил қилиниб, кейин болага исм кўйишган. Қадимда чақалоққа исм кўйишда қуйидагиларга эътибор берилган:

1. Коинот, самовий жисмлар номи билан боғлиқ исмлар (Юлдуз, Зухра, Ойгул, Кунтуғмиш, Ержон ва ҳоказо).
2. Табиий ҳодисалар билан боғлиқ исмлар (Тоғбек, Бўронбой, Чингиз (денгиз) ва бошқалар).
3. Йил фасллари билан боғлиқ исмлар (Баҳорой, Кўклам).
4. Вақт билан боғлиқ исмлар (Жумабой, Борзорбой, Хушвақт).
5. Ҳайвонот дунёси билан боғлиқ исмлар (Бўрибой, Кўзибой, Шерхон).
6. Усимликлар билан боғлиқ номлар (Лола, Чарос, Чинора).
7. Аждодлар номи билан боғлиқ исмлар.
8. Диний маросимлар билан боғлиқ исмлар (Рўзигул, Рўзмат, Рамазон, Қурбонбой ва ҳоказо).
9. Худонинг сифатлари, пайғамбарлар номи билан боғлиқ исмлар (Муҳаммад, Худойберди, Исо, Сулаймон ва ҳоказо).

10. Меҳнат ва иш қуроллари билан боғлиқ исмлар (Ўроқбой, Болта, Тешабой каби).
11. Чақалоқ баданидаги туғма белги билан боғлиқ исмлар (Холбой, Норхол, Ортиқбой ва ҳоказо).
12. Гўзал ҳодиса-нарсалар билан боғлиқ исмлар (Жамол, Гўзал, Қундуз).
13. Орзу-ниятлар билан боғлиқ исмлар (Бахтиёр, Бахтли, Орзигул).

Халқда «исми жисмига мос» деган ибора бор. Кишилар болага кўйилган исм улғайиши жараёнида унинг одобиға таъсир қилади, дейишади. Исмнинг маъноси (масалан, Азамат) болани мард, бақувват, азамат бўлишга ундайди. Агар боланинг исми Азамат бўлса-ю, ўзи исмига хос хислатларга эга бўлмаса, унинг обрўи тушиб кетган. Ҳар бир боланинг ўз исмига мос бўлишга интилиши — ўз-ўзини тарбиялашнинг ўзига хос усули бўлган. Хуллас, кишининг исмига мос бўлишга интилиши унинг маънавий улғайишига самарали таъсир қилади. }

ТУҒИЛГАН КҮН

Оила ҳаётидаги энг қувончли воқеа фарзанд туғилиши билан боғлиқдир. Дарҳақиқат, фарзанд туғилганда — оилада байрамона кайфият вужудга келади. Оила аъзоларига қутлов табриклар ёғилади...

Фарзанд туғилган кун санаси расмийлаштирилиб, гувоҳномада қайд қилинганидан сўнг, у ота-она ва оиланинг бошқа аъзолари учун муҳим ҳисоблана бошлайди. Бола ўсиб улғайгани сари, унинг туғилган кунлари ўз оиласида, дўстлар даврасида нишонланади.

Болаларнинг туғилган кунини оилада нишонлаш кичкинтойларнинг ўзи учун ҳам катта байрам ҳисобланади. Бундай тантанага болага унинг ёшига мос келадиган совғалар, ширинликлар ва ҳар хил ўйинчоқлар берилиши сабаб бўлади. Туғилган кунга боланинг ўртоқлари, синфдошлари таклиф қилинади. Болалар учун алоҳида дастурхон ёзилиб, улар меҳмон қилинади. Шу асосда болаларнинг меҳмон кутиш ва мезбонлик қилиш малакаси шакллана боради.

Болаларнинг туғилган кунларини нишонлашда турли қизиқарли ўйинлар ташкил қилиш муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир. Бу ўйинларнинг асосий мазмуни болаларда зийраклик, юриш-туриш, нутқ маданияти каби ижобий фазилатларни ривожлантиришга йўналтирилиши лозим. Ёки баъзи оилаларда болалар концерти ташкил этилиб, унда шеър ўқиш, ашула айтиш, рақсга тушиш кабилар ҳам болалар тарбиясига самарали таъсир кўрсатади.

Киши улғайиб, халқ учун, жамият учун хиз-

мат доираси кенгая борган сари унинг туғилган кунларини нишонлаш даражаси ижтимоий тус олиб бораверади. Инсоннинг истеъдоди, меҳнати кишиларга кўп манфаат келтиргани сари унинг эл-юрт олдидаги мартабаси, ҳурмати шунчалик орта боради. Эл-юрт ҳурматиға сазовор кишиларнинг туғилган кунини нишонлаб, уларнинг меҳнатини шарафлаш жамоатчиликда кўтаринки кайфият уйғотади. Йирик сиёсий арбоблар, фан ва маданият арбоблари, донг чиқарган меҳнат илғорларининг таваллуд кунларини нишонлаш жамоатчиликни улардан ибрат олишга даъват этади.

Қадимда кишиларимиз ҳаётида туғилган кунни нишонлаш одати кенг тарқалмаган. Илгари, кўпгина шарқ халқларида, жумладан, ўзбекларда ҳам «йил боши» («Наврўз»)да кишининг умрига бир ёш қўшилди, деб ҳисобланган. Шу сабабли «Наврўз» табиатнинг янгиланиш байрами бўлиб қолмай, у барча учун ўзига хос «ёш ошди» тантанаси ҳам ҳисобланган. Ҳозирги пайтда туғилган кун билан табриклаш оилада, дўстлар орасида, иш жойида ҳам одат тусига кирди. Кўпгина корхона ва муассасаларда жамоа аъзоларининг туғилган кунлари ва айниқса, юбилейларини нишонлаш яхши анъана бўлиб қолмоқда.

Бизда ҳам бошқа халқларда бўлганидек 40, 50, 60, 70, 80... ёшни нишонлаш одати юзага келмоқда. Бироқ бу саналарни нишонлашга оид умумқабул қилинган қоидалар ҳозиргача йўқ. Бу саналарни нишонлаш оммавий одатга айланган эмас. Баъзилар туғилган кунини нишонлашга яқинларини таклиф қила-

ди. Бошқаларнинг фикрича, туғилган кунга одамларни махсус таклиф қилиш керак эмас, билганлар ўзлари келавериши керак. Туғилган кунни нишонлаш турлича тарзда ўтказилади.

С. Исмоилов 70-йилларда Тошкентда ўқиётган давридаёқ ўзининг барча дўстларини 2002 йилда нишонланадиган ярим асрлик туғилган кунига таклиф этиб қўйган ва уларни учратганида, бу таклифини дўстлари унутмаганидан хурсанд бўлиб қўяди. Ёки бошқа мисол: Бухоро театри актёри Шамси Йўлиев «60 йиллик юбилейнинг нишонланаётганида яратган образларингдан уялмаслигинг керак», деб ўзини ҳам, бошқаларни ҳам роллар устида жиддий ишлашга ундайди. Кўқонлик иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Омон Шарипов 80 ёшга тўлганида урушдан омон қолган дўстлари ва қарин-

дошларини йиғиб, ўз боғида юбилей ўтказди, даврадагиларга ҳам ўтган умр йўлларини хотирлаш учун имконият яратди.

Умуман, ҳар йили нишонланадиган туғилган кун кишилар учун ўзига хос байрамга айланиб кетади.

Туғилган кунларни нишонлаш фақатгина оилавий миқёсда ўтказиладиган байрамгина эмас, балки ҳар бир киши фаолиятининг маълум бир босқичига ўзига хос якун ясаш, уни баҳолаш, кейинги босқичдаги вазифаларни белгилаб олиш тадбири ҳамдир.

Туғилган кунни нишонлаш ўзбеклар учун янги одат. Аммо ўн икки ёш — мучал тўйини ўтказиш, шунингдек, 63 ёшга кирганда мусулмонлар орасида кенг тарқалган «пайғамбар ёш»ини нишонлаш анъанаси қадимдан мавжуд бўлган.

БЕШИК ТҶЙИ

Бешик тўйи қадим замонлардан ҳар бир оилада ўтказилиб келингани туфайли, бу маросим халқ маданий ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб қолган. Бешик тўйи ҳақида маълумот беришдан олдин бешик нима эканлиги тўғрисида тушунча бериш ўринли бўлади. Чунки «эскилик сарқитлари»га қарши кураш авж олган шўролар замонида бешик тақиқлаб келинди. Бешик айрим шўро мафкураси жонбозлари томонидан «чақалоқлар турма»сига ўхшатилиб, бешик тўйи ўтказилишига қарши қаттиқ кураш олиб борилди.

Аслида эса бешик инсоният тарихида яратилган буюк кашфиётлардан биридир. Чунки бешик боланинг 2—3 ёшгача улғайиши учун жуда фойдалидир. Биринчидан, у кичик, ихчам бўлганидан уни исталган жойга (уй, дала, айвонда) кўчириб олиб юриш мумкин. Бешик онанинг чақалоғини парваришлаши учун жуда қулай бўлиб, у турли жойда боласига қараш билан бирга, бошқа юмушларни ҳам қилаверишига имкон яратади. Иккинчидан, бешик гўдакни овутиш, эркалаш, аллалаш, ухлатиш учун ўта қулай тузилишга эга. Учунчидан, бешик болани ташқи салбий таъсирлардан ишончли ҳимоя қилади. Бешикнинг турли ёпинчиқлар билан қисман ёки бутунлай бекитилиши болани совуқдан, иссиқдан, офтобдан, шамол (елвизак)дан, шунингдек шовқиндан сақлайди. Бешикнинг ердан кўтарилгани болага зах ўтмаслигини таъминлаган.

Тўртинчидан, бола бешикка махсус қўл-оёқ тортқилари билан боғлаб қўйилади. Бу болага ортиқча ҳаракат қилмай, ўзининг қўл-оёқлари ҳаракатидан бехос чўчимаё, бирон нарсага урилмай ёки ётган жойидан ағдарилиб кетмай, осойишта ва тинч ухлашига имкон беради.

Бешинчидан, фольклорчи — олим Б. Саримсоқов айтганидек, бешикда «боланинг бутти орасига сумак, остига эса тувак қўйилиши сабабли, унинг таги ҳўлланмайди, танасининг орқа қисми яллиғланиш ва шамоллашдан сақланади» («Ўзбек халқ фольклори очерклари», Т.: «Фан», 1988, 187-бет).

Бешик олис ажлодларимиз ақл-заковати билан ихтиро этилган. Замонлар ўтиши билан у такомиллашиб, оддий, қулай ва кўп томонлама фойдали кашфиёт сифатида қўлланиб келинган.

Орзиқиб қутилган жажжи чақалоқнинг дунёга келиши қудалар, қариндош-уруғ, кўни-кўшнилар учун катта хурсандчилик келтиради. Суюнчи бериш, исм қўйиш одат-маросимлари шодлик манбаига айланади.

Чақалоқ туғилганидан кейинги муҳим тадбирлардан бири — болани бешикка солиш маросими ва бешик тўйидир. Мазкур тўй айрим жойларда кичик бир оилавий маросим шаклида ўтказилса, бошқа жойларда эса у кўпчилик иштирокида ўтказиладиган кичик байрамга айланиб кетади. Масалан, Тошкентда фарзанд туғилганига 7 ёки 9 кун тўлганида, аввалига, болани бешикка солиш маросими ўтказилади. Гўдакнинг чилласи чиққанидан кейин эса оила учун қулай кунларнинг бирида алоҳида зиёфат бериш ва бошқа тантаналардан ташкил топган бешик тўйини ўтказиш одат тусига кирган.

Бешик тўйини чақалоқнинг ота-онаси ва қудалар ўзаро келишиб, бир кунни белгилаб, махсус тайёргарлик кўрган ҳолда ўтказишади. Бешик тўйдан олдин келиннинг онаси ўз набираси учун янги чиройли бешик, хилма-хил кийим-кечак, шунингдек, қизи ва куёви, қудалари учун сарпо тайёрлайди. Қариндош-уруғ-

лар ҳам бешик тўйида чақалоққа атаб совға келтиришади. Бешик тўйи Бухорода эса қуйидаги тарзда ўтказилади: Чақалоқнинг она томонидан бобоси ва бувиси унга бошдан-оёқ уст-бош, янги бешик ва керакли ашёларни ҳозирлаб, тўй бошланган куни уларни совға сифатида жўнатади. Бу совғаларни оёғига ёғоч боғлаб, қўлида қайроқтош ушлаб олган болалар ноғорачи, карнайчи ва сурнайчиларнинг нағмаларига мос ҳолда ўйнаб олиб боришади. Уларнинг орқасидан совға-саломларни кўтарган аёллар, бешик кўтарганлар боришади. Уй эгалари меҳмонларнинг юзларига ун суртиб, кутиб олишади. Бу билан чақалоқнинг умр йўли оқ, ўзи бахтли ва фаровон бўлишига истак билдиришади» («Ўзбек фольклори очерклари», Т.: «Фан», 1988, 188-бет).

Асосий маросим келиннинг онаси келтирган бешикка чақалоқни ётқизиш учун ҳозирлик кўриш билан бошланади. Тўйга атаб келтирилган совғалар намойиш қилинади. Кайвони аёл бошчилигида болани чўмилтиришади. Баъзи жойларда чақалоқ чўмилтирилаётганида тоғорага кумуш тангалар ташланади (маълумки, кумуш сувни зараркунандалар — микроблардан холи қилади). Бола чўмилтирилганидан сўнг, бу тангалар болаларга улашилади. Чақалоққа янги кийимлар кийгизилади, бешик махсус безатилади. Сўнг кайвони аёл болани боши баробар юқори кўтаради ва барчадан: «Шундай белаимизми?» — деб биринчи марта сўрайди. Аёллар «йўқ, йўқ» — деб жавоб берадилар. Чунки бу пайт кайвони аёл болани аввал тескари, кейин ён бошига ётқизган бўлади.

Кайвони аёл учинчи марта, болани тўғри ётқизиб сўраганида, улар «Ҳа, ҳа», — деб жавоб берадилар. Бу маросим-ўйин болалар иштирокида ўтса ҳам, у ёш она учун ўзига хос дарс вазифасини бажаради. Бунда она боланинг боши қайси томонга қўйилишини аниқ билиб олади. Албатта, бешикнинг бола боши қўйиладиган томони қиблага қаратилган бўлади. Бола белангидан кейин кайвони аёл 4 ёки 6 жуфт қошиқни бешик тагидан ўтказиб, бир неча бор айлантиради. Бу рамзий ҳаракатларни турлича изоҳлаш мумкин. Агар қошиқ овқат билан боғлиқлигини ҳисобга олсак, бу бола насибаси доимо тўкин

бўлсин деган маънони билдиради. Шунингдек, бир неча жуфт қошиқларнинг айлантирилиши бу бешик оиладаги келгуси фарзандлар учун яшаш, тўқчилик рамзи бўлсин, деган ниятдир. Сўнг бешикнинг барча ёпингичлари бир дақиқа устига ёпилади.

Одат бўйича энди она бешикка солинган боласини эмизиши керак. Бироқ ундан олдин кайвони аёл онага бир жуфт патир ёки нонни тишлатади. Бунинг маъноси бола тўқ бўлиши учун она тўқ бўлиши керак (она тўқ бўлса, она сути тўйимли бўлади, она сути тўйимли бўлса, бола тўқ бўлади) деган фикрни англайди. Она тишлаган нон олиб қўйилади ёки маросим қатнашчиларига улашилади. Сўнг кайвони аёл исирикни тутатиб, она ва бешик атрофида айлантиради. Бу билан уйдаги ҳаво тозаланади. Кайвони аёл чақалоққа алла айтишни бошлаб беради ва онага ҳар доим алла айтишни таъкидлаб ўтади. Шу билан бирга фойдали маслаҳатлар беради.

Маросим якунида барчага ош тортилади. Ош ейилгач, ёши улуғ аёл томонидан фарзанд, она, оилага яхши ниятлар айтилиб, фотиҳа ўқилади.

Бешик тўйида шу маросим билан бевосита боғлиқ қўшиқлар ҳам ижро этилади. Қудалар бешик тўйига келганида, болани бешикка солаётганда, она чақалоқни эмизаётганида, бешик атрофида исирик айлантираётганида, гўдак белангидан сўнг махсус қўшиқлар айтилганки, улар бешик тўйининг бадий-рамзий беага ҳисобланган.

Баъзи жойларда чақалоқни бешикка солиш бешик тўйига айланиб кетади. Чақалоқнинг чилласи чиққанидан сўнг (одатда, жума кунларнинг бирида) бешик тўй ўтказилади.

Боланинг илк тиши чиқиши ҳам оилада қувончли воқеага айланади. Боланинг ота-онаси, қариндошлари буни катта хурсандчилик билан нишонлашган: буғдой қовурмоч тайёрлашиб, болаларга тарқатишган, кампирларни чақаришиб, (тишга ўхшаш) гуручдан таомлар билан сийлашган.

Ўзбекларда соч-тўй — боланинг сочини илк бор олиш ҳам маълум тартиб асосида амалга оширилган. Боланинг сочини илк бор унинг бувиси ёки бобоси олган ва яхши тилаклар билдириб, дуолар ўқиган.

БИРИНЧИ ҚАДАМ БАЙРАМИ

Ўзбек халқининг фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор бериши боланинг илк бор мустақил қадам қўйишига бағишланган маросимда ҳам ўз аксини топган. Аждодларимиз бу маросимда «боланинг бели бақувват бўлсин деб, белига белбоғ боғлашган»; «тўқлик бўлсин, бола очарчиликни билмасин!» деб мазали кулчалар-

ни кичкинтойларга тарқатишган; «сувдек се-роб бўлсин!» деб, маросим ўтказилаётган вақтда боланинг қадам босган ерларига сув сепишган; «боланинг ҳаёти ширин бўлсин!» деб, маросим қаҳрамонининг бошидан ширинликлар сочишган; «чиройли бўлсин!» деб юра бошлаган боланинг йўлларига гуллар сочишган; «бой

бўлсин!» деб боланинг бошидан пуллар сочишган; «касалга чалинмасин!» деб исириқ тутатишган, «кўз тегмасин» деб, кўзмунчоқлар тақишган, «кинна кирмасин» деб дуолар ўқишган ва ҳоказо.

Биринчи қадам маросимига ушбу оиланинг энг яқин қариндошлари, қўни-қўшнилар ва албатта болалар таклиф қилинган. Болалар аввалига маросимни томоша қилишган, талбир қаҳрамони тотган нон ва ширинликлардан ейишган, сув-шарбатлар ичишган¹.

Илк қадамга бағишланган маросимда ота-она ўз жигарбандининг Она-ер кўксига илк бор мустақил қадам қўйишини нишонлаш билан бир қаторда, ўз фарзандининг илк қадами қутлуғ бўлиши, боласи яшаётган, у борадиган жойлар фаровон бўлишини орзу қилишган.

Боланинг биринчи қадам қўйишини маросим сифатида нишонлашнинг ўзига хос рамзий маъноси ҳам бор. Биринчи қадам боланинг шунчаки оддий ҳаракати бўлиб қолмай, келажакда қилинадиган кўплаб ишларнинг дебочаси деб ҳам қаралган...

Маросимнинг муҳим шарты шундан иборатки, бола биринчи қадамини иштирокчилар олдига, жамоа ўртасида қўйиши лозим бўлган. Шу сабабли ҳам, баъзи жойларда, жумладан, Қорақалпоғистонда бола ҳеч ким йўқлигида қадам ташламаслиги учун унинг оёғини чиройли ип билан боғлаб қўйишган. Маросим ўтказиладиган кунда бу ип тантанали равишда ечилган ёки қайчиланган, сўнг бола илк қадамини қўйган.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида «биринчи қадам» маросими турлича ўтказиб келинган. Айрим жойларда бу талбир фақат аёллар ва болалар иштирок этадиган кичик оилавий маросим сифатида уюштирилган, унда эркалар қатнашмаган. Тоғли қишлоқларда эса *Биринчи қадам* катта анжуманга айланиб кетган.

Ҳозирги пайтда 1 июнь — «Халқаро болалар куни» қизиқарли тарзда уюштирилмоқда.

Биринчи қадам маросими маданият уйлари, болалар боғчалари ва оилалар билан ҳамкорликда кенг доирада ўтказилса, янада қизиқарли бўлади. Байрам ўтказиладиган жой махсус безатилади. Очиқ саҳнанинг тўрт томонидаги алвонларга: «Биринчи қадаминг муборак бўлсин — болакай!» — деб ёзиб қўйилади. Саҳнадан томошабинлар ўтирадиган жойгача поёндоз — «оқ йўл» солинади. Давра — «очиқ саҳна» байроқчалар, ранг-баранг шарлар, гуллар билан безатилади. Бошқарувчининг кириш сўзи ва болаларнинг шеърый композицияси билан байрам очилади.

¹ Маданий-оммавий тadbирлар методикаси (Туркум тавсиялар). II қисм: «Биринчи қадам» — ўзбек халқ анъанавий болалар байрамини уюштириш. Тошкент, 1986, 3—6-бетлар.

Кейин даврага 2 ёш йигит чиқади. Доира усуллари орқали маросимнинг асосий қисмида даврага кекса онахон чиқади.

Карнай-сурнай наволари билан болалар арвачасида байрам қаҳрамони — илк бор қадам қўювчи болаларни олиб келишади ва уларни давра ўртасидаги стулчаларга ўтқазишади. Тантанали вазиятда онахон давра бўйлаб тортилган қизил лентачани қирқади. Шу вақт даврага 6—8 ёшлардаги қиз ва ўғил бола чиқиб, шеър ўқишади:

*Укажоним, қўзичоғим,
Кела қолинг, овунчоғим.
Туриш керак, юриш керак,
Атак-чечак, атак-чечак!
Қани-қани, қадам ташланг!
Қўлимиздан маҳкам ушланг!*

Сўнгра қизча ва бола давра қаҳрамонларидан биттасининг қўлидан ушлаб уни, илк қадам ташлашга чақиради. Барча қарсак чалади — бола ҳаётида илк бор қадам қўяди.

Сўнг ўзбек анъанасига кўра миллий кийимдаги қизлар нон, кулча ва ширинликлар солинган саватларни олиб чиқишади. Онахон саватдаги нонни олиб, байрам қаҳрамонларига тишлатади. Бу удумдан сўнг, саватчадаги нон ва ширинликлар томошабинларга улашилади. Бошқарувчи бу байрамнинг моҳиятини чуқур баён этади: «Бу гўдак бугун ҳаётга илк бор қадам қўйди. Вақтлар ўтиши билан етти ёшга тўлганида мактабга иккинчи қадамини қўяди. Кейинчалик олий ёки ўрта махсус ўқув юртида бирор соҳанинг мутахассиси бўлиб халққа хизмат қилади. Шу йўлда унинг бугун қўйган биринчи қадами қутлуғ бўлсин! Бу эса фақат унинг ўзига эмас, балки бизга — ҳаммамизга, унинг бугунги ва эртанги ўртоқларига, боғча



Биринчи қадам.

тарбиячиларига, мактаб жамоасига ва ота-онасига боғлиқ. Шундай экан, келинг, биз уларга ҳар доим биринчи қадам учун тўғри йўлни кўрсатайлик!»

Азим Суюн шеъри янграйди:

*Мана илк қадам кўйдинг,
Жоним, жажжи — болажон,
Йулларинг бўлсин ойдин,
Нурли бўлсин ҳар қачон!*

СУННАТ ТҶЙИ

Ўғил болалар ҳаётидаги энг муҳим маросимлардан бири суннат тўйидир.

Суннат тўйи (у турли жойларда турлича «хатна тўйи» «чупрон тўйи», «чулбуррон», «қўлни ҳалоллаш», «ўғил тўйи» каби номлар билан юритилади. Бу тўй ўғил бола ҳаётидаги энг муҳим ҳодиса ҳисобланади. Суннат ислом пайдо бўлишидан ҳам илгари мавжуд бўлган. Суннат қилиш қадимий замонларда ўғил болаларнинг болалиқдан ўспиринликка ўтиш даврида ўтказиладиган — и н и ц и а ц и я (жисмоний ва руҳий синов) маросимларининг бир қисми сифатида шаклланган ва кейинчалик алоҳида тадбирга айланган. Суннат иссиқ иқлимли ҳудудларда яшовчи халқлар ўртасида гигиена (озодагарчилик)га риоя қилиш усули сифатида тараққий этган.

Ўзбек тўйлари тадқиқотчиси Ҳаёт Исмоилов суннат тўйлари билан боғлиқ одатларни махсус ўрганиб, уларнинг ўтказилиши тартибини аниқлаган: У ўз тадқиқотларида ўзбек суннат тўйларида: 1. Маслаҳат оши — кенгаш тўйи. 2. Тандир қуриш; 3. Нонвой тушди. 4. Сўқим сўйди. 5. Нон еди. 6. «Хатми Куръон» ўқитиш (кичик тўй). 7. Катта тўй. Шунингдек, тадқиқотчи, «Йигит йиғиш», «Нашира айтиш», «Полвон товоқ», «Мусофир товоқ», «Дангана» каби халқ одатлари; «Пойга», «Кўчқор уриштириш», «Кураш», «Қулоқ чўзма», «Ўпка уриш», «Олтин қовоқ» каби халқ ўйинлари; «Ёр-ёр айтиш», «Чипрон», «Танга соз» каби санъат намуналари мавжудлиги тўғрисида маълумот беради¹.

Ўзбек анъанавий суннат тўйлари уч қисмдан ташкил топган бўлади: «I қисм тўйга тайёргарлик кўриш одатлари: «маслаҳат оши», «жар-тўйга айтиш», «тандир солди», «қозон қурди», «сабзи тўғраш» каби тадбирлар тўй бошланишига маънавий-руҳий замин тайёрлайди. Тўйнинг II қисмини асосий (бош) тадбирлар ташкил этади. Унда «Меҳмон кутиш» («Қўноқ олиш»), зиёфат-базм бериш, томоша, ўйин ва

Боғча болалари ва тарбиячилар, мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари, ота-оналар табрик сўзларини изҳор қилишади. Мазкур маросим якунида «Биринчи қадам — тўғри йўлга бошласин» деган сўз ёзилган рамзий медаллар байрам қаҳрамонлари бўйнига тақилади.

Тантана ниҳоясида барча қатнашчиларга бағишланган концерт дастури, болалар учун ҳар хил ўйинлар, мусобақалар ташкил этилади.

мусобақалар уюштирилади. Бой кишилар ўтказадиган суннат тўйи бир неча кун давом этиши ҳам мумкин. Унда катта томошалар (масхарабозлар, дорбозлар, полвонлар, кўғирчоқбозлар санъатлари) намойиш қилинган. Йирик мусобақа: улоқ, кураш, пойга ўтказилган. Хатна тўйларида «Ким чаққон», «Ким зўр», «Маст бола», «Оқ суяк» каби болалар ўйинлари уюштирилган.

Илгари чорвадорлар орасида кенг тарқалган «Той минди» одати ҳозир бошқа жойларда ўтказиладиган суннат тўйларида ҳам кўриниб қолмоқда. «Той минди» одати шундайки, тўй куни она томонидан бувиси махсус безатилган тойчага «тўй болани» миндириб, уни кўчалар бўйлаб, карнай-сурнай садолари остида сайр эттиради. Сайр тўйхона эшиги олдида катта оммавий рақсга тушиш билан якунланади. Тўй куни ўтказиладиган одатлардан яна бири — «Бола қочди» одати ҳам диққатни тортади: катта болалар «тўй бола»ни бирон жойга (масалан, тоғасиникига) бекитиб қўйишади. Сўнг «хабарчи йигит» бола бекитилиб қўйилганлиги ҳақида хабар беради ва тўй эгасидан «совға» талаб қилади. Хабарчи олган «совға»сидан қаноатланганидан сўнг барча йигитлар «тўй бола» билан бирга машғаллар ёқиб, тўйхонага келишди ва бу ерда гулханлар ёқиб, ўйин-қулги қилишади.

Суннат тўйининг учинчи (якуний) қисми — бу тўйдан кейинги тадбир бўлиб, тўйда хизмат қилганларни тақдирлаш, уларга алоҳида зиёфат бериш, совғалар инъом этиш, шунингдек, «тўй бола»нинг ҳолидан хабар олиш кабилардан иборат бўлади.

Суннат тўйи битта оиланинг байрами эмас. У қариндош-уруғ, қўни-қўшни, ёру-дўстларнинг ҳам «дийдорига тўйиш» тадбири ҳамдир. Суннат тўйи «тўй бола»нинг ҳаётида маросим ҳисобланади.

Суннат тўйининг тарихи энг қадимий замонларга бориб тақалади. Ўғил болани суннат (хатна) қилиш одати олис ўтмиш замонларда иссиқ иқлимли ўлкаларда гигиена (озодагарчилик)га риоя қилиш тадбири сифатида ву-жудга келган.

¹ Ҳ. Исмоилов. Ўзбек тўйлари. — Т., 1992, 39—79-бетлар.

Хатна қилиш одати қадимий Миср, Индонезия, Австралия, Африка халқларида ҳам қузатилган. Масрада хатна қилдириш одати жуда қадим замонларда пайдо бўлганлигини у ердан топилган Америкадаги ҳинду қабилаларига мансуб мўмиёланган жасад ҳам аниқ кўрсатади. Кўҳна бир ибодатхона деворидаги расмдан эса мазкур маросимнинг қай тарзда амалга оширилганлигини билиб олиш мумкин. Хатна қилинаётган одам тик турибди. Орқасида эса бир аёл унинг билақларидан ушлаб олган. Уста ўтирган ҳолда ўғил бола олатининг учидаги кертмагини кесмоқда. Ён томонда навбатда турган бола чизилган. У даврда фақат коҳин, уруғ-қабила бошлиқларигина хатна қилиш ҳуқуқига эга бўлган («Фан ва турмуш», 1989 йил, 8-сон, 20-бет). Суннат қадимий Бобилда яшаган сомиий халқлар ўртасида ҳам кенг тарқалган. Улардан бу одат яҳудийлар, араблар, христианларга ўтган деган тахминлар бор. Хатна пайдо бўлиши ҳақида «Инжил»да шундай фикрлар бор: «Оламнинг пайдо бўлиши даврида Иброҳим пайғамбарга худодан ваҳий келган. Унга маънавий покланиш рамзи сифатида хатна қилдириш буюрилган экан. 100 ёшли Иброҳим ўзини, уч ёшли ўғли Исмоилни, шунингдек, қул ва хизматкорларини хатна қилдирган». Хатна қилиш маросими иудаизм ва ислом динларининг ҳам таркибий қисмига айланади. Нақл қилишларича, бу одат араб мамлакатларида бошқача йўсинда пайдо бўлган. Исломи дини пайдо бўлаётган дастлабки пайтларда бўлган жанглардан бирида аскарлар 40 кун қуршовда қолиб кетишади. Жазирама иссиқ, чанг, сув танқислиги уларнинг олат кертмагининг торайишига ва яллиғланишига олиб келади. Ана шунда лашкарбоши фармонига биноан барча аскарлар хатна қилинади. Жангда галабага эришилганидан сўнг хатна қилдириш мусулмончиликда маросим тусини олади.

Ҳозирги пайтда хатна қилиш одати дунёнинг барча халқлари орасида кенг тарқалган. Хатна Ўрта Осиёда қадимдан мавжуд бўлган деган тахминлар бўлса-да, бироқ у араблар истилоси (VIII асрдан сўнг кенг тарқалган. Турли халқларда хатна қилиш турли ёшларда (8 кунликдан то ўспиринлик давригача ўтказилади) бўлган. Ўрта Осиёда хатна ўғил болалик гўдак ёшидан болалик ёки ўсмирлик ёшига ўтаётган пайтда катта тўй қилиш орқали нишонланган. Кейинги даврларда эса хатна боланинг тоқ ёшларида, чунончи 3, 5, 7 ёшида ўтказиладиган бўлган.

Ўзбекларда хатна маҳаллий одатлар билан чатишиб, ўзига хос хусусиятлар билан бойиб, тўй-байрам даражасига кўтарилган. Бу одат ўзбек диёрининг турли жойларида ўзига хос номлар, яъни «ўғил тўйи», «суннат», «қўл ҳалоллаш» кабилар билан аталади.

Шўро даврида узоқ йиллар давомида «суннат тўйи» ҳам диний одат ва «эскилик сарқити» сифатида расман тақиқланиб келинди. Шундай бўлса-да, халқимизда суннат қилишнинг янги шакллари қўллашга интилишлар бўлган. Йирик давлат арбоби Нуриддин Муҳиддинов бу хусусда шундай дейди:

«Ўлканинг янги раҳбарлари — Туркистон КП МК биринчи котиби Назир Тўрақулов ва ХКСнинг раиси Абдулла Раҳимбоев 1923 йилда Тошкентдаги болалар колониясида катта болаларнинг қўлини ҳалоллаш байрамини ўтказишди. Бу ерга кўпгина бошқа раҳбар ходимлар ҳам таклиф этилганди. Болаларни тўшақларга ётқизишди, комиссарлар ва бошқа раҳбарлар уларнинг оёқ-қўллари ушлаб туришди. Врач ва ҳамширалар эса миллий мусиқа асбоблари — карнай-сурнай, доира садолари остида болаларни чучул-ҳасса қилишди...» («Ҳақиқат ўлмайди», «Ёш ленинчи», 1990 й., 23-август).

Албатта, у вақтлар бундай ҳаракатлар дарров марказдаги раҳбарлар танқидига учраган. Бундай тадбирларнинг ташаббускорлари таъқиб қилинган. Ҳатто ўғлини суннат қилганларга «эскилик сарқитини тарғиб қилувчи миллатчи» деган тамга босилган. 30-йилларда суннат кўпроқ пинҳона ўтказилган. Айримлар хатнани бекитиб ёки тор даврада, бошқалар гўё ўғлининг туғилган кунини нишонлаётгандек ўтказган. Ана шу даврларда «ниқобланган» суннат тўйлари базмини янгича стол атрофида ўтказиш одати ҳам шаклланиб борган.

50—70-йилларда хатна расмий доираларда реакцион олат деб қабул қилинган бўлса-да, бу хусусда норасмий тортишувлар яқин йилларгача давом этди. Фақат 1988 йилдан бошлаб хатнанинг фойдали эканлиги тан олинди, Ўзбекистон ССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруғига асосан вилоят ва туман шифохоналари жарроҳлик ва урология бўлимлари ходимларига хатна қилишга расмий рухсат берилди. Шундан сўнг хатна қилиш ва суннат тўйи очиқчасига расмий ўтказиладиган бўлди. Ҳозирги пайтда хатна тўйлари Ўзбекистоннинг турли жойларида ўзига хос тарзда ўтказилса-да, улар ўртасида қатор умумий жиҳатлар мавжуд. Тўйга тайёргарлик кўриш даври бўлиб, бунда бевосита тўй ўтгунга қадар бўлган «маслаҳат оши», «тандир солди», «сабзи тўғраш» каби тайёргарлик ишлари ва маросимлари ўтказилади. Иккинчи қисм тўй кунини ўтказиладиган тадбирлар — меҳмон кутиш, зиёфат бериш (ош тортиш), томоша, ўйин, мусобақалар уюштиришдан иборат бўлади.

Қадим замонларда бойлар ўтказадиган суннат тўйлари бир неча кун давом этган ва уларда катта томошалар (масхарабоз, дорбоз, полвон, кўғирчоқбозлар санъати) намойиш қилинган, йирик мусобақа — улоқ, кураш, пойғалар

ўтказилган. Шунингдек, хатна тўйларининг ўзига хос ўйинлари «Ким чаққон?», «Ким зўр?», «Маст бола» кабилар болалар томонидан севиб ўйналган.

Ҳозирги пайтда ўтказилаётган хатна тўйларининг асосий шакли катта ёшчилар қатнашадиган давра-базм бўлиб қолмоқда. Хатна тўйлари барча ҳудудларда деярли бир хил тарзда ўтказилади: давра базмида тўйга ташриф буюрганлар турли таомлар, ноз-неъматлар, ичимликлар истеъмол қилишади. Таб-

рик сўзларини тинглашади, санъаткорларнинг куй-қўшиқларини тинглашади, рақсга тушишади. Ҳозирги тўйларда болаларбоп томоша-ўйинларни уюштириш эътибордан четда қолмоқда.

Хатна тўйининг учинчи қисми — тўйдан кейин ўтказиладиган талбирдир. Уларга: тўйда хизмат қилганларга алоҳида зиёфат бериш, совғалар инъом этиш, шунингдек «тўй қаҳрамони»нинг ҳолидан хабар олиш кабилар киради.

МУЧАЛ ЁШИ

Халқимизнинг узоқ асрлар давомида шакланган аксарият анъаналари ижтимоий ҳаётда содир бўлган муҳим ўзгаришларни алоҳида маросим (ёки тўй) сифатида нишонлаш асосида пайдо бўлган. Жумладан, ўғил-қизларнинг болаликдан ўсмирликка ўтиш — мучал ёшини нишонлаш ота-оналар учун катта қувонч бахш этган. Шунинг учун ҳам мучал ёшини нишонлаш анъанавий маросимга айланган. Мучал ёшини нишонлаш умрининг бир даврдан иккинчисига ўтиш — болаликдан ўсмирликка ўтиш тантанаси сифатида байрам қилинган. Чунки бу даврдан сўнг бола вужудида жиддий табиий ўзгаришлар содир бўла бошлайди. У жисман ва маънавий улғаяди.

Коинот, табиат муайян ритм асосида ҳаракат қилади. Бу ҳаракат кун, ой, фасл, йил алмашинувлари билан бевосита боғлиқ. Ана шу ҳаракат туфайли бутун борлиқ ўзгариб туради.

Инсон ҳаётига ҳам кун, ой, фасл, йил ўз таъсирини кўрсатади. Инсоннинг вужудида ҳам ўн икки йил ичида жиддий ўзгариш содир бўлади. Бу мучал йили деб юритилади. Бу мучал ўн икки йилдан иборат бўлади.

Бир мучалнинг 5 ёки 10 йил эмас, балки айнан 12 йил қилиб белгиланишининг инсон организмида 12 йилда биофизиологик ва руҳий ўзгаришлар содир бўлиши билан боғлиқдир.

12 йил ичида ёш бола организмида жиддий ўзгариш ва ривожланиш содир бўлади. Сўнг унинг учун янги бир давр бошланади. 13 ёшдан сўнг ўғил болалар организмида эркаклик унсурлари, қизларда эса аёлларга хос хусусиятлар фаол ривожлана бошлайди.

Иккинчи мучал даври тугаганида, яъни киши 24 ёшдан ошганидан сўнг ҳам унинг жисмида муайян биофизиологик жараёнлар яқунланади: тана юқорига қараб ўсишдан тўхтайтиди.

Умуман, 12 йиллик давр инсон ҳаётидаги муайян бир жараёндан иккинчисига ўтиш босқичидир. Бу пайтда «мучал ёши» ёки «Мучал тўйи»ни нишонлашади.

Қадимда, мучал ёши ўн икки йиллик бир

муддат тугаб, кейинги бошланиш даврида (яъни, 12—13, 24—25, 36—37... ёшда Наврўз байрами кунларида нишонланган. Айниқса, биринчи мучал алмашиши — ўн икки ёшдан ўн уч ёшгача ўтиш (бошқа мучал ёшларига қараганда) катта тантана билан нишонланган.

Мучал ёшига бағишланган маросим оилادا икки қудда иштирокида карнай-сурнай наволари, тўй болага махсус оқ либослар кийдириш, унинг бўйи баробар оқ мато ўлчаш, турли совғалар инъом этиш, «оқ» таом ва ширинликлар улашиш, исириқ тутатиш, дуолар ўқиш каби анъаналар асосида ўтказилган.

Ўрта Осиёда қадимдан оқ ранг тозалик ва поклик рамзи ҳисобланган. Шу боисдан «Мучал ёши»ни ўтказишда ҳам оқ либос тайёрлашга, оқ рангли нарсалар совға қилишга, оқ рангдаги таом ва ширинликлар билан дастурхон безатишга алоҳида эътибор берилган.

Ота-оналар мучал тўйи маросимида қўни-қўшни, қариндош-уруғларга зиёфат беришган. Зиёфатлар турли жойларда турлича ўтказилган. Баъзи жойларда барча учун умумий дастурхон ёзилса, айрим жойларда олдин болалар, сўнг катталар ва охирида қариндош ва қўшнилар учун дастурхон тузаб, зиёфат берилган.

Бухорода дастурхони ёзилган уйнинг қоқ ўртасига зағома тарози (паллани тарози) остирилган (зағомалар тагига чарм қопланган бўлиб, улар тарозига палла вазифасини ўтаган). «Мучали нишонланаётган бола шу зағома, яъни палланинг бирига солиниб, тарозининг иккинчи палласига каллақанд солинган. Каллақанд солинган палла бола турган палладан оғир келгач, болани дастурхон тўрига ўтқизганлар. Унинг вазни бараварлигидаги каллақанд эса дастурхон атрофидаги тарози тенг тақсимланиб, кулча устига қўйиб улашилган. Йиғилганлар хурсандчилик қилишган ва шу билан маросим тугаган (О. Сафаров. Ўзбек болалар поэтик фольклори. Т. 1985, 102—103-беглар).

Мучални нишонлаш маросими болалар

даврасида ҳам давом этган. Ўн иккига тўлган барча ўғил-қизлар оқ либос кийишиб, бир жойга тўпланишган. Мучал ёшига тўлган ўғил-қизлар бир-бирини қутлашган. Сўнгра улар кўчаларда бирга сайр қилишган. Қадимда мучал ёшига бағишланган сайил Наврўз байрами тадбирларига қўшиб ўтказилган. «Оқ либос»ли ёшлар Наврўз ўтказилаётган жойга кириб келишганида барча уларни қутлашган. Кичик ёшли болалар уларга баҳор гуллари тақдим этишган. Қариялар уларни дуо қилишган. Мучал ёшидагилар баҳор байрамининг рамзий қаҳрамонларига айланишган.

Мучал тўйининг якунида 7—8 мучал ёшини яшаган (тахминан, 70 дан ошган) қариялардан бири ўсмирларни дуо қилган. Масалан, «Муножот» фольклор-этнографик ансамбли аъзоси кайвони қария Умри опа бир мучал

тўйида қуйидагича дуо ўқиган: Оллоҳ берсин тилақларингни, тўй деб келганларнинг боши тўйдан чиқмасин,... еганларинг ош бўлсин, ... қизлар чиройли келин бўлсин, бошимиз тўй-томошадан чиқмасин. Юртимизда тинчлик, сиҳат-саломатлик бўлсин... Ҳамманинг уйи — тўйхона бўлсин (Қаранг: С. Йўлдошева. Мучал тўйи. Т., 1994, 35—36-бетлар).

Мустақилликка эришилиб, миллий қадр-ятлар тиклана бошланганидан сўнг «Мучал ёши» оила аъзолари, дўстлар даврасидагина эмас, мактабларда ҳам уюштириладиган бўлди. Кейинги йилларда мучал ёши республикамизнинг кўпгина мактабларида ота-оналар иштирокида Наврўз арафасида тантанали тарзда ўтказилмоқда. Бу каби янги тадбирлар кўпгина мактабларнинг анъанавий байрамларига айланиб бормоқда.

ЎЗБЕК ТҶЙЛАРИ

Тўй — ҳаётнинг катта шодиёнаси, оила бахт-саодати ва фаровон турмуш рамзи, инсон умрининг гултожи, ҳаётнинг энг бахтли, энг қувончли дамларидир. Дунёдаги барча халқларда тўй ўтказиш удуми мавжуд. «Тўй» ўзига хос ибрат олиш тантанасидир. Зеро, тўй маросимида баҳамжиҳатлик, аҳиллик, иноқлик, иззат-икром, меҳр-оқибат, меҳмоннавозлик каби фазилатлар ўз ифодасини топади. Инсон зотини қадрлаш, ҳурматлаш ва улуғлашда тўйлар ана шундай беқийс қимматга эга («Тошкент оқшоми», 1985, 10 сентябрь).

Ўзбек халқимизда қадимдан «Бешик тўйи», «Суннат тўйи», «Никоҳ тўйи» ва «Пайгамбар ёши тўйи» кабилар бўлганлиги маълум. Ҳозирги пайтда айниқса никоҳ тўйларининг янгича, замонавий шакллари қарор топмоқда. Кейинги пайтларда ўзбек халқи ҳаётига янгилик сифатида кириб келган кумуш, олтин ва олмос тўйлар, юбилей тўйларини ўтказиш ҳам оммалашиб бормоқда.

Тўй бир кишининг шахсий хусусий иши бўлмай, у кенг жамоатчилик ташаббуси ва иштироки билан ўтадиган тантанадир. Шунинг учун тўйларни замон талаби даражасига кўтариш доимо муҳим муаммо ҳисобланади. Чунки ҳозирги пайтда тўйларни ташкил қилиш борасида кўпгина муаммолар мавжуд. Ҳозир тўйларнинг моддий томонига кўп эътибор берилади. Аммо тўйларнинг маънавий-бадий савияси

замон талабидан анча орқада қолмоқда. Тўғри, маҳалла, қишлоқ кенгашлари қошида ташкил этилган тўй комиссиялари ушбу халқ тадбирларини замон талаблари даражасида ўтказишга интилмоқда. Лекин баъзи жойлардаги комиссиялар тўйларнинг моддий ва маиший томонлари билангина машғул бўлиб қолмоқдалар, холос. Комиссия таркибига тўйнинг бадий қисмини ташкиллаштиришга ёрдам берувчи клуб ходимлари ва ижодкорларни ҳам қўшиш зарур. Тўйнинг бадий дастурини тузиш, оммавий рақс, қўшиқларни бошқариб бориш кабиларга ёрдам бериш уларнинг асосий вазифаси қилиб белгиланиши керак. Комиссия ўзининг махсус иш режасига эга бўлиши, тўйлар махсус сценарий асосида ўтказилиши лозим. Сценарийда тўйнинг барча иқричкирлари (столга нима қўйилишидан бошлаб, кимга сўз берилиши ва ким қайси қўшиқни ва бошқа бадий номерларни ижро этишигача) ўз ифодасини топмоғи керак. Чунки маълум режага мувофиқ ўтказилмаган тўй тартибсиз, файзсиз бўлади. Маданият ходимлари ёрдамида тузилган сценарий тўй комиссиясининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, тасдиқланиши муҳим аҳамиятга эга.

Тўйларни ўзига хос байрам тарзида ташкил этиш, уларни ҳар томонлама тартибга солиш, ихчамлаштириш, айниқса, бадий жиҳатдан бойитиш ҳозирги давр талабидир.

НИКОҲ ТҶЙЛАРИ

Никоҳ тўйи ҳар бир кишининг ҳаётида янги саҳифа очадиган, муҳим бурилиш ясайдиган энг муҳим воқеанинг тантанали нишонланишидир. У ҳар бир йигит ва қиз ҳаётидаги энг унутилмас воқеадир. Никоҳ тўйи оилавий маросимлар ичида энг йириги бўлиб, уни ташкил қилиш ва ўтказиш жараёни узоқ муддатни ўз ичига олади. Никоҳ тўйи билан боғлиқ одатлар, ирим, удум, расм-русмлар ҳам жуда кўпдир. Ўзбекистоннинг турли шаҳар қишлоқларида ўтказиладиган никоҳ тўйларининг умумий жиҳатлари бўлганидек, ҳар бир ҳудуддаги тўйларнинг ўзига хос томонлари ҳам мавжуддир. Ўзбек никоҳ тўйлари уч босқичли жараёни ўз ичига олади:

Биринчи босқич — келин танлаш, унга совчи юбориш, нон синдириш, фотиҳа қилиш каби маросимлардан ташкил топади.

Иккинчи босқич — келинни куёвнинг уйига олиб келиш, никоҳлаш, тўй-томоша, базм каби тадбирларни ўз ичига олади. Фольклоршунос

Б. Саримсоқов таъкидлаганидек, бу босқич моҳият жиҳатидан маросимнинг энг олий нуқтаси ҳисобланади.

Учинчи босқич — никоҳ тўйидан сўнг ўтадиган — «юз очди», «келин салом», «куёв чақирди» кабилардан иборат (Б. Саримсоқов. Маросим фольклори. Ўзбек фольклори очерклари. — Т., «Фан», 1988, 194-бет.).

Хоразм, Бухоро, Фарғона водийси, Қашқадарё, Сурхондарё воҳаси, Тошкентда ўтказиладиган никоҳ тўйларида ўзига хос одатлар, удумлар мавжуд. Фарғона ва Қашқадарё тўйлари қиёсланса, улар ўртасида ўхшаш ва ўзига хос жиҳатлар борлиги аниқ билинади. Масалан, Қашқадарё тўйларининг биринчи босқичида: «қўлини сўраш», «ковуш йиртар», «оғиз боғланди», «эшик очди», «бешик кертти», «қулоқ тишлар», «кулча синдириш», «фотиҳа тўйи», «пайшанбалик», «ҳайитлик» («байрамлик»), «қопқайтарди», «қуда қувди», «сават қайтди», «тўққиз бичар», «ҳордиқ», «ўтин пули», «тутун пули», «овул пули», «кўрпа бичди», «кўрпа ювиш»,



Бухороча тўй.

«пахта пули», «сарпо бичар», «қўл солишиш», «қуш оши» («буғдой оши»), «куёв ҳашар», «сут пули», «борлиқ», «келин кесиш», «тўққиз жўна-тиш» каби удумлар мавжуд (С. Давлетов. Қашқа-дарё воҳаси ўзбек тўй маросимлари фольклори. Автореферат. Т., 1996, 19-бет.).

Фарғона никоҳ тўйлари одатлари ҳам шаклан ранг-барангдир: «қиз кўрди», «бош боғланди», «эшик сурилди», «ковуш йиртди», «рўмол таш-лаш», «оғиз мойланди», «нон синдирилди», «бўлди-бўлди», «ўғри товоқ», «уй кўрди», «пай-шанбалик», «ҳайитлик», «ширин сув», «фотиҳа тўйи», «идиш қайтди», «қуда қувди», «тўққиз жўна-тиш», «тўққиз уй», «тўққиз товоқ» ва ҳоказо.

Тўйнинг асосий қисмида бажариладиган одатлар ҳам ранг-барангдир. Унга: «наввой туш-ди», «сурпа осди», «тўйхат», «қиз базми», «қиз мажлиси», «қиз пули» («сут пули»), «юк олиб келиш» («юк пули»), «хатми Қуръон», «йўл тўсиш», «олов айлантириш», «12 қадам», «кам-пир ўлди», «тўшак солди», «ойна кўрсатар», «чироқ кўрсатар», «тун ёпди», «бола солиш», «соч силатар», «чироқ-чироқдан айлансин», «ойна-ойнадан айлансин», «ўнг оёқ босди», «чап оёқ босди» кабилар киради. Улар кўпчи-лик иштирокида шоду-хуррамлик, тўкин-со-чинлик, томоша-мусобақа ва ўйинларга бой-лиги билан ажралиб туради. Бу тадбирлар ўзаро уйғунлашиб, тўйнинг ўзигини ва кульминаци-ясини (олий босқичини) ташкил қилади.

Тўйдан кейинги одатлар тўйнинг хотима (фи-нал) қисми саналади. Улар: «юз очди», «келин салом», «сеп ташлар», «ёғ қўйиш» «келин чил-

ла» («чиллани бўлиш»), «келин кўрди», «қиз чақирди», «куёв салом», «қуда чақариқ» каби-лардан иборат бўлиб, энг яқин кишилар иш-тирокида ўтади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, никоҳ тўйларида ўзбек халқининг энг яхши маъна-вий фазилатлари намоён бўлади: бу тўйга барча олдиндан руҳий тайёрланади, ҳамма энг яхши либосларини кияди, барча хурсанд-чилик кайфиятида бўлади, ҳамма бир-бири-га одоб, тавозе билан муомала қилади. Бу тўй қатнашчилари ўртасида ҳамжихатлик ва аҳиллик вужудга келишига замин яратади. Ёшлар тўй тадбирлари жараёнида катталар-дан ибрат олишади, аждождардан қолган энг яхши анъаналарни ўрганишади. Никоҳ тўй — икки ёшнинг янги ҳаёт қуриши билан боғ-лиқ тадбир бўлиши баробарида, ўзига хос муҳим ижтимоий аҳамиятга эга маросим ҳам ҳисобланади.

Никоҳ тўйи — оила қурган йигит ва қиз олдида жамиятнинг янги, кичик ячейкасини тузиш, авлодни давом эттириш, жамиятга хизмат қилиш каби ижтимоий вазифаларни ҳам юклайди. Шунинг учун ҳам катта ижти-моий аҳамиятга эга бўлган никоҳ тўйларини ўтказиш жараёнида асосий диққатни зиёфат-бозликка эмас, балки тўй қатнашчиларининг маънавий озиқ олишига, ёшлар онгига хал-қимизга хос энг яхши фазилатларни синг-дириш, янги оиланинг мустаҳкам ғоявий-маънавий пойдеворини яратишга қаратмоқ лозим.

* * *

Ҳозирги пайтда никоҳ тўйларида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Бугунги никоҳ тўйла-ри аввалги замонларда бўлганидек, ота-она-ларнинг ўзаро келишувига биноан эмас, бал-ки йигит-қизнинг розилиги, ўзаро муҳаббати асосида ўтказилади. Келин-куёвнинг қайси та-бақага мансублигидан қатъи назар, уларнинг тенг ҳуқуқлиги таъминланади. Балоғатга етма-ган ёшларни никоҳдан ўтказиш бутунлай йўқолди. Булардан ташқари, «қалин» «сут пули» каби ортиқча харажат талаб қиладиган қадим-ий удумлар деярли барҳам топди, ортиқча харажатлар бутунлай йўқ қилинмасда, улар-нинг ўрнини янги оила учун зарур бўлган жи-ҳозларни олиб бериш анъанаси эгаллади.

Ўзбек никоҳ тўйлари ҳозирги пайтда асосан учта маросимдан иборат бўлмоқда:


1. «Нон синдириш» маросими — келин ва куёвнинг ота-онаси, қариндошларининг никоҳ тўйини ўтказиш режасини тузиб олишлари учун зарур бўлган мулоқот-кенгаш вазифасини ўтай-ди.



2. Келин ва куёвнинг ФХДЁ (фуқаролар ҳола-


тининг далолатнома ёзиш бюроси рўйхатидан ўтиши. Бу анъана оиланинг ҳуқуқ ва мажбури-ятларини қонунлаштириш вазифасини бажар-ди.



3. Тўй маросими («Бахт кечаси») ёш йигит-қиз оила қурганлигини тантанали нишонлаш учун хизмат қилади.

Ҳозирги пайтда «Тўй базми», «Бахт кечаси», «Муҳаббат кечаси» ёки «Висол кечаси» деб юри-тиладиган никоҳ тўйларининг замонавий анъа-налари вужудга келмоқда. Эндиликда тўй тад-бири ўтказиладиган жойни безаш, тўрда сер-жило гиламлар осиб, унга келин-куёвнинг ис-мини ёзиш ва никоҳ рамзи — бирлашган икки халқа тасвирини тушириш, тўй дастурхонини турли ноз-неъмат ва мевалар билан безаш, ке-лин-куёвларни «Тўйлар муборак» қўшиғи би-лан тантанали кутиб олиш, маҳалла қўмитаси раисининг тўйни очиши, тўй иштирокчилари-нинг икки ёшга дил сўзлари ва истакларини баён қилиши, куй-қўшиқлар ижро этилиши базм иштирокчиларининг ўйин-рақсга тушиши, келин-куёвни «Биринчи висол оқшоми»га ку-














طرح افراطی است و در این نوع نوشتن زهدت است که در این وقت با مردم عوام نیست
 آنرا استبدادی را در نوشتن که در این وقت است و در این وقت با مردم عوام نیست
 زمین آسمان است و در این وقت که در این وقت است و در این وقت با مردم عوام نیست





خود شاهان ایران را از آن بهیچ کس نمی توانستند نادیده پیش می آمد و در این وقت
 بیوزده است که در این وقت است و در این وقت با مردم عوام نیست
 سابقین سینه ساق و سر میان در این وقت است و در این وقت با مردم عوام نیست
 او که در این وقت است و در این وقت با مردم عوام نیست

































































+



+



затиш, ниҳоят, хонадон бошлиғи ёки маҳалла оқсоқолларидан бирининг тантана якунида тилак билдириши кабилар замонавий ўзбек тўйларининг асосий элементларига айланган.

Ҳозирги пайтда оилавий маросимлар, жумладан, турли тўй тадбирлари таъсирчанлигини янада ошириш учун: турар жойларда халқ маросимлари кенгашини тузиш; анъанавий халқ одатларининг энг яхши жиҳатларини кенг тарғиб қилиш; кам даромадли оилаларнинг тўйларини маҳаллий раҳбарлар ёрдамида уюштириш; оилавий маросимлар таркибидан кўп харажат талаб қиладиган талбирларни; никоҳ тўйи маросимларини ихчамлаштириб, барча талбирларни бир кунда ўтказиш; маросим либослари бўйича кўрик-танлов ўтказиш; маросимларни ихчам, файзли ва юқори маданий-бадий савияда уюштириш; яқин қариндошлар (масалан, ака-укаларнинг)нинг бир-бири билан қуда-анда бўлишининг салбий оқибатини тушунтириш;

КУМУШ, ОЛТИН ВА ОЛМОС ТҶЙЛАР

Ҳаётимиз фаровонлашиб боргани сари тўй ва бошқа тантаналарнинг янги кўринишлари ҳам пайдо бўлмоқда. Ўзбек халқи ҳаётида ҳам эр-хотиннинг 25 йил, 50 йил ва 75 йил биргаликда оилавий ҳаёт кечирганига бағишланган кумуш, олтин ва олмос тўйини ўтказиш билан боғлиқ янги тантанали тадбирлар вужудга келди. Бундай янги тўйлар ўзбек халқининг қалбига яқинлиги, «узукка қўйилган кўздек» мос келиши бежиз эмас. Халқимизнинг ёши катталарни, айниқса, қарияларни ҳурмат қилиш, қадрлаш каби қадимий анъаналари ҳамда ўзбек оилаларининг мустақкамлиги ана шундай юбилей тўйларини ўтказиш учун асос бўлди.

Кумуш, олтин ва олмос тўйлар республикамизнинг баъзи маданият муассасаларида, клубларида, маҳаллаларда ФХДЁ ходимлари иштирокида уюштирилмоқда. Бу тўйлар жойларда мазмун жиҳатдан ҳам, ташкилий жиҳатдан ҳам турлича уюштирилмоқда. Эндиликда бу борадаги илғор тажрибаларни умумлаштириш, уларни халқимиз орасида кенг ёйиш лозим.

Одатдагидек, бу тўйлар ўтказиладиган жойлар ҳам шинам қилиб безатилади. Давра тўридаги гиламга «Олтин (Кумуш, Олмос)» тўйларингиз муборак бўлсин!» деган қутлов сўзлари ёзилади. Шунингдек, барчанинг диққатини тортадиган жойларга оила, эр-хотин, фарзанд ва бахтли турмуш ҳақидаги доно фикрлар, оиланинг (ўғил-қизлари, нева-чевараларнинг) расмларидан тузилган фотостенд, юбилярларнинг таржимаи ҳоли осиб қўйилади. Тўйга маҳалла фаоллари, юбилярлар меҳнат қилган корхона раҳбарлари, «Бахт уйи» ходими, барча

диний одатлар орасида пайшанбалик, якшанбалик, уч, етти, йигирма, қирқ каби шариатда бўлмаган удумларни ихчамлаштириб, уларни оила доирасида ўтказиш лозим.

Оилавий маросимларнинг маданий, маънавий, ахлоқий, тарбиявий жиҳатларига алоҳида эътибор бериш зарур.

Оилавий маросимлар этно педагогика ва халқ донишмандлиги билан уйғунлашиб кетган. Улар асрлар давомида ёш авлод маънавиятини шакллантиришда муҳим омил бўлган.

Оилавий маросимларни ўтказиш жараёнида намоен бўладиган инсонпарварлик, меҳрибонлик, меҳмондўстлик, олижаноблик, иноқлик каби фазилатлар ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этади. Бу тадбирлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқ одатлари, фольклор жанрлари (ўлан, лапар, ёр-ёрлар, маросим қўшиқлари), рақслар, ўйин-мусобақалар, дуолардан фойдаланиш — ёшларнинг маънавий камол топиб улғайишида катта аҳамиятга эга.

фарзандлар, қариндошлар ва ёру-дўстлар таклиф қилинади. Худди никоҳ тўйидек, «келин-куёв» тантанали қарсақлар ва «Тўйлар муборак» қўшиғи билан даврага кириб келишади. Тўйни қишлоқ кенгаши раиси, маҳалла қўмитаси раиси ёки УЖФБ (Уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси) бошлиқлари олиб боради. Қисқача кириш сўзидан сўнг, табрик сўзи «келин-куёв»нинг ишхонасидан келган раҳбарларга берилади. Улар юбилярларни самимий табрик-лаб, жамоа номидан эсдалик совғасини топширишади. Табриклар орасида албатта, қўшиқ, шеър, рақслар ижро этилади. Ниҳоят, тўйнинг кульминацияси — тантанали рўйхатдан ўтиш эпизоди содир бўлади. Унда ФХДЁ ходими юбиляр «келин-куёв»ни қарсақлар остида рўйхатга олади ва уларга рамзий юбилей гувоҳномасини топширади. Тўйнинг кейинги жараёнида юбилярларнинг дўст-биродарлари, фарзандлари, нева-чеваралари шеър ва қўшиқлар айтиб, тантана сабабчилари ва меҳмонларни хурсанд қилишади. Уларга гуллар ҳамда ҳар хил эсдалик совғалари беришади. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу юбилей тўйларини, айниқса олмос тўйини нишонлаш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Шунинг учун олтин тўй кумуш тўйга нисбатан тантаналироқ, олмос тўй олтин тўйга қараганда янада юксакроқ даражада ташкил қилиниши керак.

Тошкент шаҳар «Саноат» маҳалласида истиқомат қиладиган «Қаҳрамон она» Ёқутхон Усмонхўжаева билан Насриддин Шарофиддиновга «кумуш тўй» ва «олтин тўй», сўнгра «олмос (бриллиант) тўй» шодиёналарини кўриш насиб

этди. Улар ўн фарзанднинг ота-онаси бўлиш, элликка яқин набира, ўтгиздан ортиқ чевара кўриш бахтига мушарраф бўлдилар. Табаррук отахон-онахоннинг фарзандлари, невара-чеваралари орасида ишчи, шифокор, санъаткор, ўқитувчи каби ўнлаб касб эгалари бор.

«Олмос тўй» сабабчиларини кўплаб дўст-биродарлари табриклашди. Фарзанд, невара ва чевараларнинг қутлов сўзлари ва куй-қўшиқлари «Олмос тўй» дастурига жило ва файз киритди. Тошкент шаҳар, «Илғор» маҳалласида Нейматжон ва Худиста Аминоваларнинг «олтин тўйи»да юбилярларга: «фарзандларингизнинг «олтин тўйида», невараларнинг «кумуш тўйида», эвараларнинг никоҳ тўйида қатнашиш Сизга ҳам насиб этсин. Бу саналар фарзандларингиз айтишича ўзингизнинг «ёқут тўйин»гиз билан барабар келаркан. У тўйда қатнашиш ҳаммамизга насиб этсин!» — деган истак билдирилиши энг яхши маънавий «совға» бўлди.

ҚАРИЯЛАР БАЙРАМЛАРИ

2002 йил республикамизда Президентимиз томонидан — «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинди. Бу бежиз эмас, албатта. Қарияларни қадрлаш шарқ халқларида, жумладан аждодаларимизнинг энг муҳим анъаналаридан бири бўлган. Бекорга халқимизда «қариси бор уйнинг париси бор», «Қари билганни пари билмайди», «Қариллик — баракалик» деган мақоллар пайдо бўлмаган. Афсуски кейинги аср ичида қарияларни эъзозлаш масаласи бироз эътибордан четда қола бошлаган эди. «Қарияларни қадрлаш йили»ни жорий этилиши ўйлаёмизки азалий қарияларни ҳурматлаш одатларимизни янада тиклаш ва ривожлантиришга кўмак беради.

Афсуски, бир кун келиб ҳамма ҳам қарийди. Қариялар эса ҳурматталаб бўлишади. Қарияларни қадрлашдан буюкроқ нарса йўқ. Қариллик қачондан бошланади? Балки у нафақага чиққандан сўнг бошланар. Нафақага чиқиш маросими эса қарияларга бўлган ҳурмат эътиборнинг бошланиши бўлиши мумкин. Шу сабабли бу маросимни ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ишчи ва хизматчи ёки деҳқон, боғбон, чорвадорларнинг нафақага чиқиши жамоаларда муҳим воқеа сифатида нишонланиши катта тарбиявий аҳамиятга эга. Чунки нафақага чиқувчи киши кўп йиллар меҳнат қилиб, жамоанинг умумий ишига ўз ҳиссасини қўшган бўлади. Узоқ йиллар шуғулланган иши билан хайрлашади. Унга ва жамоа аъзоларига бу дақиқалар жуда ҳаяжонлидир. Бу воқеани эсла қоладиган байрам тарзида тантанали ўтказиш

Хуллас, азалдан мустақкам анъаналарга эга бўлган ўзбек оилалари ҳаётига 60-йиллардан бошлаб олтин, кумуш ва олмос тўйлари кириб келди. 80-йиллар охирида эса «оила байрами» деган яна янги тўй шакли пайдо бўлди. Эндигина никоҳдан ўтган ёш келин-куёвлар ҳам, кумуш, олтин ва бриллиант тўй эгалари ҳам биргаликда шарафланади. Бундай тўйлар *Болтиқ-бўйи* халқлари ўртасида ҳам кенг тарқалган. Ушбу тўйлар эндиликда ўлкамизнинг турли шаҳар-қишлоқларида ҳам ўтказиладиган бўлди. Улар оилаларни мустақкамлашга хизмат қилади.

Кейинги пайтларда ҳаётимизда «Эгизаклар байрами» деган янги оила байрами ҳам вужудга келди. «Эгизаклар байрами»да бобо ва момолар ўз неваралари билан давра тўрида ўтиришади. Иштирокчилар уларни қутлашади. Бу тўйда турли танловлар ҳам уюштирилади. Оилавий байрамлар оилани мустақкамлайди, унинг аъзолари ҳаётини тотув, мазмунли қилишга хизмат қилади.

нафақага кузатилаётган одамнинг кўнглини кўтаради. Унинг йиллар давомида қилган меҳнатига эътиборни билдиради. Ушбу маросим республикамизнинг баъзи қорхона ва ташкилотларида, маданият муассасаларида яхши анъана тарзида нишонланиб келинади. Бу маросим тадбирини ўтказишнинг умумий жараёни қуйидаги босқичлардан иборат бўлади. Аввало тадбир ўтадиган жой (қорхона ёки муассасанинг мажлислар зали, клуб, маданият уйи) меҳнат ҳақидаги мақоллар ва ҳикматли сўзлар билан безатилади. Шунингдек, нафақа чиқувчи кишининг ҳаёти ва меҳнатига бағишланган кўргазма ташкил қилинади. Кўргазма экспонатларида фахрийларнинг меҳнат самаралари, улар ишлаган жамоа қандай кўрсаткичларга эришганлиги ва қанча шогирд тайёрлаб етиштирганлиги ҳақидаги маълумотлар акс этади.

Залда қорхона раҳбарлари, ишчи-ходимлар, нафақага чиқаётган кишининг шогирдлари, оила аъзолари, дўстлари ўтиришади.

Тантанали кеча фахрийнинг ёшлигини эслаувчи қўшиқ билан бошланиши мумкин. Саҳна марказида «меҳнат дафтарчаси» акс эттирилади. Бу эса байрам кечасининг асосий рамзий белгисидир. Бошқарувчи меҳнат дафтарчасини варақлаб, нафақа чиқаётган кишининг босиб ўтган меҳнат йўли билан йиғилганларни таништиради. Меҳнат дафтарчасига ташаккурномалар ёзилган бўлса, кадрлар бўлимининг бошлиғи уларни ўқиб эшиттиради.

Нафақага чиқувчининг меҳнат йўли ва ютуқлари ҳақида сўз борганда, улар ҳужжатлар, фотосуратлар, кинокадрлар орқали мусиқа

оҳанглари ва шеърлар жўрлигида намоиш қилинади. Сўнг бошқарувчи юбилярнинг оила-си ҳақида сўз юритади. Йиғилганларни юби-лярнинг турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан таништиради.

Нафақага чиқувчи кишининг биринчи шо-гирдлари, ҳамкасблари ўзларининг дил сўзла-рини айтишади. Жамоанинг эсдалик совғаси хотира сифатида фахрийнинг шаънига билди-рилган табрикномага қўшиб топширилади. Бу нафақа дафтарчасининг тантанали тарзда ўз эга-сига топширилиш маросимининг кульминация-сидир. Ижтимоий таъминот бўлими ходими на-фақа дафтарчасини топширар экан, унинг тўла-нишининг қонун-қоидалари, қулайликлари ҳақида қисқа гапиреди. Нафақахўр ўзининг жа-воб сўзида барчага миннатдорчилик изҳор қилиб, ўзини доимо шу жамоа билан биргаман, деб ҳис қилишини, ўз тажрибалари ва масла-ҳатлари билан ёшларга ёрдам беришга ҳамиша тайёрлигини алоҳида таъкидлайди.

Кечада жамоа раҳбари ёки кадрлар бўлими бошлиғи фахрийга «жамоанинг фахрий аъзо-си» номли рамзий ҳужжатни тантанали топ-ширади.

Маросим ёшларга меҳнат эстафетасини топ-шириш кўриниши билан яқунланади.

Маросим ниҳоясида йиғилганлар фахрий-нинг саҳнадаги «меҳнат дафтарчаси» макети ёнида эсдалик учун суратга тушишади.

Кишиларнинг турмуш шароити яхшиланиб боргани сари байрам тадбирлари ҳам кўпайиб боради. Уларнинг янги-янги шакллари пайдо бўлади. Ҳозирги пайтда ўлкамизнинг шаҳар-қишлоқларида «Қариялар байрами», «Умри боқийлар байрами» каби янги тадбирларни ўтказиш анъанаси пайдо бўлмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳрида «Боғи эрам» маданият ва истироҳат боғида «Умри чинор-лар байрами» ва Сирдарё вилоят Фориш туманида «Қариялар байрами» ўтказилди. «Умри чинорлар байрами» ва «Қариялар байрами» халқимиз учун узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилган нуронийларни маънавий раббатлантиради. Кекса авлод анъаналари ва ҳаётий тажрибалари ёшлар томонидан давом эттирилишига замин яратади.

Инсон ҳаёти серқирра ва сержило экан, у билан боғлиқ маросим ва байрамлар ҳам хил-ма-хил бўлиб бораверади. Келажакда ҳам за-мон тақозоси асосида уларнинг янгидан-янги шакллари пайдо бўлаверади. Бу узлуксиз ва туганмас жараён дир.



Қариялар қалбида байрам.

Ўзбек оилавий маросимларини таҳлил қилиш натижасида қуйидагиларга диққатимизни жалб этишимиз лозим:

1. Асрлар оша шаклланган ўзбек халқи оилавий маросимларининг асосий моҳияти — инсон ва оила ҳаётидаги энг муҳим, йирик ҳодисаларни нишонлаш бўлиб, уларни ташкил қилиш жараёнида аҳиллик, иноқлик, имон-эътиқодлилиқ, иззат-икром, меҳр-оқибат, одоб-ахлоқ, меҳмоннавозлик, биродарлик каби инсоний фазилатлар намоён бўлади.

2. Ўзбек оилаларида чақалоқ туғилгандан то у улғайиб янги оила қургунга қадар содир бўладиган муҳим воқеаларни қайд қиладиган (бола билан бирга ривож топиб борадиган) маросимлар тизими вужудга келган. Мазкур тизимга кирган «Чақалоқнинг дунёга келиши», «Исм бериш», «Чақалоқ чилла», «Бешик тўй», «Соч тўй», «Тиш тўй», «Биринчи қадам», «Суннат», «Мучал ёш», «Никоҳ тўй» кабилар инсон ривожланиши ва камол топиши учун ўзига хос маънавий «зина» сифатида хизмат қилади.

3. Оилавий маросимларда намоён бўладиган меҳрибонлик, меҳмондўстлик, олижаноблик каби фазилатлар ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этади. Оилавий тадбирлар туфайли авлоддан-авлодга ўтган ранг-баранг халқ одатлари, фольклор жанрлари (ўлан, лапар, ёр-ёр, маросим кўшиқлари), рақслар, ўйин-мусобақалар, қутловлар, дуолар ёшларни маънавий баркамол инсон сифатида тарбиялаш ишларида катта аҳамиятга эга.

4. Мустақиллик шароитида оилавий анъаналарнинг тикланиши — шўролар даврида

юз берган хатоларни тузатишда катта ўрин тутмоқда. Халқ анъаналари қайта жонланиши билан бир қаторда оила ҳаётига кейинги даврларда кириб келган — туғилган кунни нишонлаш, боланинг ўқув юртида таҳсил кўриши жараёнида уюштириладиган маросимлар ҳамда кексаларни қадрлаш тадбирлари (кумуш, олтин, олмос тўйлар), юбилей тантаналари кабиларни ҳам диқат-эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. Ёшлар тарбиясида улардан ҳам самарали фойдаланиш — давр талабидир.

5. Оилавий маросимлар муайян шахс ҳаётидаги хусусий тадбир бўлибгина қолмай, балки (унда кўни-кўшни қариндош-уруғ, ҳамкасблар, маҳалла (қишлоқ)дошлар қатнашгани учун) муҳим ижтимоий-маданий аҳамиятга эга бўлган ҳодисадир. Шу сабабли, уларни мазмунли қилиб, бир томондан — халқ анъаналаридан самарали фойдаланиб, иккинчи томондан — замон талаби даражасида нафақат моддий асосига, балки маънавий-бадий савиясига кўпроқ эътибор бериб уюштириш лозим бўлмоқда.

6. Оилавий маросимлар тарихий жараёнда халқ педагогикаси ва донишмандлиги билан уйғунлашиб кетиб, асрлар давомида ёшларни тарбиялашдаги асосий шакллардан бири бўлиб келган. Шу сабабли, ҳозирги даврда ҳам халқ анъаналарини қадрлаган, турли маросимларни ўтказишда маънавий-эстетик жиҳатларига алоҳида эътибор берган оилаларда вояга етган ёшлар одоб-ахлоқли бўлиб вояга этади.

IX 6 o 6. ДИНИЙ БАЙРАМЛАР

Дунёдаги барча динлар ўзига хос байрамларга эга. Ҳар бир диннинг кенг тармоқ отиб, ривожланиб боришида байрамларнинг аҳамияти беқиёс.

Дунёдаги уч йирик диннинг бири бўлган исломнинг икки асосий ҳайити «Ийд ал-кабир» (катта ийд, яъни Курбон ҳайити) ва «Ийд ал-фитр» (Рўза ҳайити) мусулмон дунёсида кўп асрлардан буён нишонланиб келинмоқда («Ҳайит» — арабча «ийд», яъни байрам демақдир).

Иккала ҳайит ҳам Муҳаммад алайҳис-саломнинг Маккаи мукаррамадан Мадинаи мунавварага ҳижрат қилиб келган даврида, яъни ҳижрий сананинг биринчи йилларидаёқ жорий қилинган. Имом Насафий ҳадисида айтиладики «Расулulloҳ Мадинага ҳижрат қилиб келганларида мадиналиклар қадимдан бир йилда икки кунни байрам қилар эдилар. Ул зот Оллоҳнинг амри билан шу икки кунни улардан яхшироғига, яъни Рамазон ва Курбон ҳайитларига алмаштирадилар» (А. Мансуров Ҳайит қачон бошланган? «Фан ва турмуш», 1990, 4-сон, 28—29-бетлар). Исломи байрамларининг вужудга келишига мадиналикларнинг қадимий байрамлари асос бўлган.

Манбаларда Муҳаммад алайҳис-саломнинг ҳайитларда қатнашганлиги хусусида анчагина маълумотлар мавжуд. Чунончи, Имом Бухорий ва Муслим ривоятларига кўра, Биби Ойшаи Сиддиқа (Расулulloҳнинг жуфти ҳалоллари) ҳикоя қиладиларки: «Мен ҳайит кунлари Расулulloҳ билан бирга ҳабашлар ўйинини томоша қилар эдим. Роса мириқиб томоша қилганимиздан кейин, қайтар эдик». Яна Ойшаи Сиддиқа айтадилар: «Бир ҳайит куни икки жория қизнинг ашулаларига кулоқ солиб ўтирган эдим, бехос отам Абу Бакр Сиддиқ келиб қолдилар. Бизни бу ҳолда кўриб, уч марта «Бу шайтон наволарику!» деб койий бошладилар. Шунда ногоҳ Расулulloҳ:... «Эй Абу Бакр, уларни ўз ҳолига кўйинг, зеро, ҳар бир халқнинг ўз байрами бўлади. Бугун — бизнинг байрамимиздир, — дедилар».

Исломи ҳайитлари мазкур диний маросимларга асосланган бўлиб мусулмончиликни қабул қилган халқларнинг урф-одати, анъаналари, ҳаётий тажрибалари билан боғланиб кетган.

Шунинг учун ҳам кўпгина мусулмон халқлари бу ҳайитларни ҳам диний, ҳам ўзларининг миллий байрамлари деб қабул қилишган. Турли мусулмон халқлари (араб, туркий ва эроний халқлар)да бу ҳайитларни нишонлаш борасида муайян фарқли жиҳатлар мавжуд бўлса-да, бироқ ислом дини байрамларига хос умумий маросим, одатлар сақланиб қолган. Исломи ҳайитларининг бош маросими тонг саҳарда намозгоҳлар, масжидларда ўқиладиган «ҳайит намозидир».

Мусулмонлар ҳайит намозига тоза, чиройли кийимлар кийиб, хушбўй атир-упаларни сепиб яхши кайфият ва эзгу ниятлар билан чиқишади. Аввал, «Бомдод намози» ўқилади. Сўнг имом хатиблар кишиларни эзгуликка даъват этувчи таъсирли ва мазмунли маъруза қилишади. Ундан кейин эса асосий «ҳайит намози» ўқилади.

Намоз ўқиш маросими тугагандан кейин ҳамма бир-бири билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, бир-бирларини ҳайит билан қутлайдилар. Ҳайит намозидан чиққанлар яхши кайфиятда уйга боришади, оила аъзоларига, фарзандларига «ҳайитликлар» совға қилишади. Бу улуг айёмда устозлар зиёрат қилинади, марҳумлар эсланиб, дуои фотиҳа қилинади, қариндошлардан ҳол-аҳвол сўралади, кексалар ва беморлардан хабар олинади.

Ҳайит кунлари одамлар орасида гина ва кудуратлар унутилади. Ҳайит арафасида барча хонадонларда ош ёки бошқа байрамона таомлар пиширилиб, кўшниларга, яқинларга улашилади, дастурхонлар безатилади, меҳмонлар кутилади. Ҳайит кунлари камбағал, бева-бечора, етим-есирларга, гадоларга ҳайитлик, хайрия ва садақалар бериш савоб ҳисобланади.

Ҳайит кунларида Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятининг баъзи жойларида «**келин кўриш**» ёки «**келин салом**» деб номланган маросим ўтказилади. Никоҳ тўйидан кейин ҳам ҳайит байрами бўлмаган ёш келинчаклар ҳайит кунлари дастурхон безатиб, меҳмон кутутишади. Бу маросим қуйидагича ўтказилади. Ёлғон арафа ёки чин арафа куни келиннинг ота-онаси қизи келин бўлиб тушган хонадонга йўқлов юборишади. Бу билан улар қудаларини, куёв ва қизларини муборак айём билан қутлашади.

Ўз навбатида куёв хонадонидоғилар ҳам ўзлари пиширган ширинликлардан бериб юборишади.

Чин арафа куни кечқурун келиннинг уйига яқин қариндош аёллар ва қизлар йиғилишади. Тошкентда ҳайит кунларида янги келинчак тушган хонадонларда дастурхон юксак маҳорат даражасида безатилади. Ҳайит куни эрта тонг турган келинчак ювиниб-тараниб, энг чиройли либосини кияди, бошига нафис, ҳарир мато ёпиб, хонадон аъзоларига бирма-бир таъзим билан салом беради ва дастурхонга таклиф этади.

Шундан сўнг «келин кўриш» маросими бошланиб кетади. Қариндош-уруғлар, кўни-кўшнилари, таниш-билишлар бирин-кетин «келин кўргани» кела бошлашади. Келинчак уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида салом беради. Меҳмонлар бу саломга жавобан «Кўп яшанг», «Бахтли бўлинг», «Узоқ умр кўринг» — деб айтишади. Бу маросим иштирокчилари хотин-қизлар ҳисобланади, яъни «келин кўргани» фақат аёллар ва қизлар ташриф буюришади. Келувчиларнинг сони кўп бўлганлиги сабабли меҳмонлар кўп ўтиришмайди, яхши ниятлар айтиб фотиҳа қилишгач, янги келиннинг қўлидан бир пиёладан чой ичишиб, ўрниларидан кўзғалишади. Турмушга чиқмаган қизлар бу маросимдан уй ичгани қандай безатиш, қандай ширинликлар пишириш, келинчакнинг ўзини қандай тутиши, қандай кийиниши, муомаласини ўрганадилар. Аёллар эса келинчак билан яқиндан танишадилар, келинлик дамларини ёдга оладилар, келинчак ўз либосини тез-тез алмаштириб туради. Бунинг замирида мақтаниш эмас, балки келинчакнинг дидига қўйиладиган баҳо ётади. Охириги пайтларда бу маросимда ҳам ким ўзарга тарзида ошириб-тошириб йўқловлар юбориш тобора русумга айланиб бормоқда. Бу маросимдан кўзланган мақсад бойликни кўз-кўз қилиш

эмас, балки қизларимизни турмушга тайёрлаш, келинларимизни пазандаликка, уй тутишга, меҳмон кутишга ўргатишдир.

Мазкур ҳайит-байрамларининг шунга ўхшаш ижобий жиҳатлари кўп. Энг муҳими, улар одамларнинг руҳини кўтаришга таъсир кўрсатиб келган.

Шўролар даврида диний одат ва байрамлар тақиқланиб келинди. Мустақиллик туфайлигина жамиятимизда рўй берган мафкуравий ўзгаришлар натижасида элимизда диний байрамлар, жумладан, Рўза ва Қурбон ҳайитлари яна эркин ўтказиладиган бўлди. 1992 йил 27 мартда Ўзбекистон Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Фармонда жумладан, шундай дейилади: «Мустақил Ўзбекистон Республикаси мусулмонларининг истак ва хоҳишларини инобатга олиб ҳамда фуқаролар ўртасида меҳр-оқибатни барқарорлаштириш мақсадида диний байрам Рўза ҳайитининг биринчи куни дам олиш куни деб тайинлансин». 1992 йилдан бошлаб ҳар йили мамлакатимизда «Рўза ҳайити» умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. «Ўзбекистон Республикасида байрам кунлари» тўғрисидаги (1992 йил 3 июль) Ўзбекистон Қонуни асосида «Рўза ҳайити» билан бирга «Қурбон ҳайити»нинг биринчи куни дам олиш куни деб эълон қилинди.

Давлат раҳбари И. Каримовнинг Рамазон табриги оммавий ахборот воситаларида янграши ва Ўзбекистон телевидениесида Рўза намозининг кўрсатилиши, Қурбон ҳайити арафасида 4000 кишининг махсус самолётда Маккага ҳаж сафарига бориши каби тадбирлар Ўрта Осиё ислом дини тарихида муҳим воқеа бўлиб, амалда виждон эркинлигининг рўёбга чиқаётганлигидан далолат беради.

РЎЗА ҲАЙИТИ

Рамазон—ҳижрий йил ҳисобининг 9-ойи бўлиб, ислом ақидалари бўйича бу ойда Оллоҳ Муҳаммад алайҳис-саломга Қуръонни ваҳий қилган экан. Шунинг учун ҳам ислом дунёсида рамазон муқаддас ҳисобланиб, бу ойда мусулмонлар рўза тутишади. Рамазон якунида эса исломнинг катта байрамларидан бири — Рўза ҳайити бошланади. Бу ҳайит рамазон ойи сўнгида рўза тутиш тамом бўлганидан сўнг 10-шаввал ойининг дастлабки 3-куни ичида нишонланади.

Бу ҳайит рўза тутиш одати билан боғлиқ. Қуръоннинг «Бақара» сурасидаги 183—187-оятларида рўза тутиш ҳақида бундай дейилади: «Эй, мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиш фарз қилинади. Энди сизлардан бирор

киши хаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саногини бошқа кунларда тутати... Оллоҳ сизларга енгилликни истади, сизларга оғир бўлишини истамайди... Ва то тонгдан оқ ил қора ипдан ажраладиган пайтгача еб-ичаверинглар. Сўнгра кечгача рўзани бенуқсон қилиб тутинглар» (Қуръон. Иккинчи жуъз. «Шарқ юлдузи», 1990, 4-сон. 156—157-бетлар).

Қуръон ва ҳадисларда рўза тутиб, тақводор бўлишга алоҳида эътибор берилади. Тақво — кундуз кунлари ейиш ва ичишдан ўзини тийиш билан бирга, барча ёмон иллатлар (масалан, ёлгон сўзлаш, бировнинг кўнглини оғритиш, пора бериш ва пора олиш, ноҳақ зуғум қилиш, шаҳвоний ишларга берилиш каби)дан ҳам сақланишдир. Имом Бухорий ҳадисида ёзилган ривоятлар бўйича Муҳаммад алайҳис-салом

шундай деган эканлар: «Албатта, рўза бир сақловчи нарсадир. Сизлардан кимки рўзадор бўлса, фақш сўзларни сўзламасин, жоҳил кишиларнинг ишини қилмасин. Агар бир киши у билан уришса ёки сўкишса «мен рўзадорман, мен рўзадорман», — деб айтсун».

Дин тарихига оид манбаларда қайд қилинишича, мусулмонлар биринчи марта Муҳаммад пайғамбар бошчилигида рўза тутишган экан. Шунга таъкидлаш керакки, Муҳаммад пайғамбардан олдинги пайғамбарлар ва уларнинг умматлари ҳам рўза тутишган. Айтишларича, Довуд пайғамбар йилнинг олти ойи мобайнида рўза тутган. Муҳаммад пайғамбар ҳар душанба ва пайшанба кунлари рўза тутишликни одат қилган. Бундан ташқари, у ҳар ойнанинг боши, ўртаси ва охирида рўза тутган дейишади.

Тарових намози. Рамазон ойида хуфтон номозидан кейин тарових намози ўқилади. Тарових намози 20 ракаъатдир. Икки ракаъатда бир салом ёки тўрт ракаъатда бир салом бериш билан ўқилади. Жамоат билан ёки танҳо ҳолда ҳам ўқиса бўлади. Лекин жамоа билан ўқиш савоблироқ.

Рамазон кунлари ифторликдан кейин эркаклар масжидларга бориб жамоа билан тарових намозини ўқишади. Тарових намозидан олдин масжид имоми йиғилганларга панд-насиҳат қилади. Тўпланганлар билан имом ўртасида ислом дини ҳақида савол-жавоб бўлиб ўтади. Аёллар эса ўз уйларида танҳо ёки бирор хонадонда биргалашиб тарових намозини ўқишади. Бу ўзига хос диний маросим ҳисобланади. Аёллар Куръони Каримдан, Ҳадиси Шарифдан сура ва оятлар ўқишади, кейин биргаликда тарових намозини ўқишади. Рамазон ойи тугагунга қадар ҳар кеча йигирма ракаъат тарових намози ўқишлик суннатдир.

Рўза тугагач, арабча «Ийд ал-Фитр» — «оғиз очиш байрами» номи билан биринчи ҳайит ўтказилган. Шундан бошлаб, бу кунни байрам қилиш барча мусулмон халқлари орасида анъанага айланган.

Дейдиларки, рўза тутиш кишининг иродаси ва саломатлигини мустаҳкамлайди, ўзини тута билишликка ўргатади. Киши рўза тутиши туфайли оч-яланғочлар, етим-есирлар аҳволини ҳис этади ва уларга нисбатан кўнглида меҳр-шафқат туйғуси кучаяди.

«Рамазон айтиш» маросими. Рамазон ойида 30 кун мобайнида ифторликдан (оғиз очилгандан) кейин болалар тўда-тўда бўлиб рамазон айтишади. Рамазон айтиш жуда қадим замонлардан бор бўлиб, ўзига хос маросим тарзига кўтарилган. Оғиз очилгандан сўнг болалар тўпланишиб, ораларидан бир болани сардор қилиб сайлашади ва маҳалладаги барча хонадонлар эшиги ёнига келиб, рамазон айтишади. Рамазончилар ўз қўшиқларида рамазон айти-

лаётган хонадонга бахт-саодат, фарзанд, бойлик, тинчлик тилайдилар.

*Рамазон айтиб келдим, эшигингизга
Кўчқордек ўғил берсин бешигингизга*

*Эшигингиз устида ой кўрдим
Ҳаммадан сизни бой кўрдим
Рамазон айтган билан тўяманми-я
Бурунгининг одатини қўяманми-я*

Хонадон соҳиблари қутлуғ рамазон кунларида эшиклари ёнида туриб эзгу тилаклар билдираётган болажонларни ҳеч қачон қуруқ қайтаришмайди. Ўз имкониятларидан келиб чиқиб қанд-қурс, турли ширинликлар билан сийлашади. Бу ширинликларни болаларнинг сардори бир халтачага йиғиб боради.

Маҳалладаги барча уйларга рамазон айтиб бўлишгач болалар бирор жойда тўпланишиб, ширинликларни тенг бўлиб олишади.

Охири пайтларда рамазон айтиш маросимида ҳам салбий ҳолатлар кўзга ташланмоқда. Баъзи рамазончилар ўз қўшиқларида хонадон соҳибларидан ширинликлар ўрнига пул беришни сўрамоқдалар:

*Ўчоқда кул, кармонда пул,
Чиқара қолинг, ўн сўм пул
Оқ тамаки, кўк тамаки
Чиқара қолинг, жон амаки.*

Ачинарли томони шунда-ки, бунга жавобан хонадон соҳиблари ҳам, индамай пул олиб чиқиб беришади. Ночорроқ оиладаги бола пулни ота-онасига элтиб берар, лекин қолган болалар-чи. Ахир рамазон айтаётган болаларнинг ҳаммаси ҳам ночор оила фарзандлари эмас-ку. Шундай экан бу пулларни улар қаерга ва қандай сарфлашаётгани қоронғу. Ота-оналар бу борада фарзандларини назоратга олсалар, рамазончиларга эса қадимги урф-одатларимиздан келиб чиқиб, турли ширинликлар ҳадя этсалар, нур устига аъло нур бўлур эди.

Рамазон ҳайитида ҳамма учун байрам қувончини улашиш мақсадида ўзига тўқ оилалар камбағалларга, бева-бечораларга фитр-садақа беришлари керак.

Фитр-садақадани беришдан мақсад аввал камбағалларга ёрдам, сўнгра ўз бошидан садақа, ундан кейин рўза кунлари билиб-билмай қилган гуноҳлари учун кафолатдир. Фитр садақасининг миқдори киши бошига 2,5 кг ғалла ёки шу миқдордаги қийматга эга бўлган пул билан белгиланади. Фитр-садақаси уни беришга қодир бўлган барча мусулмонлар оила аъзолари томонидан берилади.

Ифторлик. Рамазон ойида «ифторлик» қилиш одат тусига кириб қолган маросимлардан ҳисобланади.

Ифторлик маросимини ўтказмоқчи бўлган хо-

надон соҳиби рамазон ойида бирор кунни белгилайди ва ўзи истаган кишиларни таклиф этади. Қурби етган жонлик сўяди, етмагани йўқ.

Мезбон дастурхон ёзиб, куни билан рўзадор юрган одамлар қорнини тўйдиради. Ифторликка бирор домла ёки имом таклиф этилиб, рўза, рамазон кунлари ҳақида суҳбатлар бўлади. Аёллар иштирокидаги ифторликка отин таклиф этилади. Ифторлик ўтказишнинг туб мо-

ҳияти камбағаллар, бева-бечоралар, етим-есирлар қорнини тўйдиришдан иборат.

Ҳозирги пайтда оч-наҳорлар бир четда қолиб, ўзига тўқ кишиларни ифторликка таклиф этиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Ҳайитлик бериш хурсандчилик, меҳр-оқибат, иззат-ҳурмат белгисидир. Кишилар ҳайитда оналарига, оила аъзоларига, фарзандларига кийим-кечаклар инъом этишади.

ҚУРБОН ҲАЙИТИ

«Қурбонлик» — «яқинлик», «Худога яқинлашиш» деган маънони билдиради. Шунингдек, қурбонлик Худонинг раҳм-шафқатига сазовор бўлиш, унга миннатдорчилик билдиришни ифодаловчи маросимдир.

Қурбонлик одати қадимдан кўпгина қабилалар, халқлар ва деярли барча динларда мавжуд бўлган. У турлича тарзда (масалан: одам ёки унинг танасининг бир қисми, шунингдек, ҳайвонларни қурбон қилиш ва бошқалар) амалга оширилган. Қадимда баъзи халқлар (жумладан, сомиий, араб, яҳудийлар) ўз қулларини ва фарзандларини (ўғил ва қизларини) ҳам қурбон қилишган.

Қурбонлик маросими муқаддас диний китоб-

ларда, хусусан, «Инжил» ва «Қуръон»да ўз ифодасини топган. «Қуръон»нинг «кавсар» сурасида Муҳаммад алайҳис-саломнинг бобоси — Абдул Муталлиб Зам-зам булоғининг суви камайиб қолганида, сувни кўпайтиришини Худодан тилаб, ўз ўғилларидан бирини қурбонликка атагани ҳақида ривоят бор. «Инжил»даги ривоятда Иброҳим (Авраам) ўзининг чин эътиқодини исботлаш учун тўнғич ўғли Исҳоқ (Исаак)ни қурбон қилишга қарор қилганида, Худо уни тўхта-тиб, боланинг ўрнига қўчқорни сўйишга буюрган (Инжил. Борлиқ китоби, 22-боб, 1—13-бандлар). «Қуръон»да келтирилган ривоятда эса Иброҳим ўзининг иккинчи ўғли Исмоилни қурбон қилмоқчи бўлади.

* * *

Бу борада Қуръони Каримнинг 37-«Вас-софот» сурасида куйидагиларни учратамиз:

102. Бас, қачонки у (отаси) билан бирга юрадиган бўлгач, (Иброҳим): «Эй, ўғилчам, мен тушимда сени (қурбонлик учун) сўяётганимни кўрмоқдаман. Энди сен ўзинг нима раъй (фикр) қилишингни бир (ўйлаб) кўргин», — деган эди, у айтди: «Эй, отажон, сенга (тушингда Аллоҳ томонидан) буюрилган ишни қилгин. Иншоаллоҳ, мени сабр қилувчилардан топурсан».

103. Бас, қачонки, иккиси ҳам (Аллоҳнинг амрига) бўйин суниб, (Исмоилни қурбонликка) пешонаси билан (ерга) ётқизган эдики,

104. биз унга нидо қилдик: «Эй Иброҳим!

105. Дарҳақиқат, сен тушни тасдиқ этдинг. Албатта, Биз эзгу иш қилувчиларни мана шундай мукофотлаймиз».

106. Албатта, бу (қурбонликка буюришим) айни синовдир.

107. Биз (Исмоилнинг) ўрнига катта бир (қўчқор) сўйишни эваз қилиб бердик. («Қуръони Карим», Тошкент: «Тошкент ислом университети», 2001 йил, 449—450-бетлар). Даврлар ўтиши билан одамни қурбон қилиш одати ўрнига ҳайвонни қурбон қилиш маросими вужудга келган.

Ислом дини тараққий этган сари қурбон ҳайити мусулмонлар бирлашадиган, ҳамдард бўладиган кунга ҳам айлана борган. Шунингдек, у мусулмонларга фарз бўлган бешинчи

рукун — ҳажни адо этадиган, яъни Исломнинг муқаддас марказларини зиёрат этадиган асосий кунга ҳам айланган.

Қурбон ҳайити муносабати билан 1990 йил Ўзбекистон Президенти Фармони асосида илк бор мамлакатимиздан 500 кишининг Саудия Арабистонидаги Макка ва Мадинага бориб, ҳаж қилиш шарафига муяссар бўлиши улкан воқеа бўлди. 23 июндан то 11 июлгача, яъни 18 кун давом этган бу сафарда Саудия Арабистони подшоси Фаҳд ибн Абдулазиз ўрта Осиёлик мусулмонларга алоҳида мурувват кўрсатиб, уларни ўз ҳисобидан ётоқ, уч маҳал овқат ва улов билан таъминлади. Жидда, Макка ва айниқса, Мадинадаги муқаддас жойларни, яъни қабрларни, масжиди Кубо ва масжиди Қибла тайинни ҳамда Ухуд тоғи ёнбағрида бўлган тарихий жанг жойини зиёрат қилиш ҳамюртларимиз қалбида катта таассурот қолдирди. Шунингдек, ватандошларимиз муқаддас жойларда ҳаж урф-одат ва маросимларини бажариб, қурбонликлар қилишди. Ислом одатига кўра, ҳажга борган, яъни муқаддас Каъбани зиёрат қилган кишилар Ватанига ҳожи фахрий унвонига эга бўлиб қайтишади.

Ҳаж қилишга бориш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Кўпчилик ўз юртида имкониятига қараб, қурбонлик қилиш билан бирга, ислом байрамларининг асосий маросимини, яъни эрта тонгдаги намозини бажо этиш билан кифояланади.

Кейинги вақтларда Қурбон ҳайити кўпроқ мотам маросими, яъни марҳумлар ўтган фотиҳали хонадонларга бориш, қабристонларни зиёрат қилиш кунига айланиб қолмоқда. Бу юмушлар бошқа кунларда ёки ҳайит арафасида бажарилса ҳам бўлаверади. Қурбон ҳайити — бу хурсандчилик кунини. Қурбон ҳайити байрами, энг аввало, тирикларнинг бир-бирини йўқлайдиган кунидир. Шу боисдан бу кунни ота-оналар, қариялар, етим-есирлар йўқланиб, уларга қўлдан кел-

ганча мурувватлар кўрсатилади, совға-салом («ҳайитлик», «бозорлик»)лар берилади.

Қурбон ҳайити барча кишилар учун хурсандчилик ва иноқлик кунини бўлиши лозим. Шунинг учун бу кун одамлар, миллатлар ўртасидаги низолар, келишмовчиликлар унутилиб, гина-кудуратлар кечириладиган санага айланмоғи лозим. Бу кунда одамлар ўртасидаги меҳроқибат, иззат-хурмат, қадр-қиммат, инсонийлик каби хислатлар улуғланмоғи зарур.

БОШҚА ДИНИЙ МАРОСИМЛАР

Лайлат ул-қадр. Лайлат ул-қадр кечаси ҳақида Қуръони Каримнинг «Қадр» сураси (97-сура) ҳикоя қилади. Унинг мазмуни: «*Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман).*

1. *Албатта, Биз уни (Қуръонни) Қадр кечасида нозил қилдик.*

2. *(Эй Муҳаммад) Қадр кечаси нима эканини сизга ким ҳам эслатур?!*

3. *Қадр кечаси минг ойдан ҳам яхшироқдир!*

4. *У кечада фаришталар ва Рух (Жаброил) Парвардигор изни билан (йил давомида қилинадиган) барча ишлар режаси билан (осмондан Ерга) тушарлар.*

5. *У кеча тонг отқунча фаришталарнинг мўминларга берадиган саломларидан иборатдир.*

«Қадр» сўзининг турлича маънолари бор. Жумладан қадр-қиммат, ўлчов, миқдор. Бу ерда уларнинг ҳар бири тўғри келаверади. Зеро бу кечанинг қадр-қиммати минг ойдан улуғлиги ва бу кечада бир йиллик ишлар ўлчаниб, режалаштирилиши бунга далолат бўла олади. 3-оят. Бу улуғ кеча Рамазон ойининг 27-кечаси эканига далолат қиладиган ҳадис ва ривоятлар кўп (Таржима ва изоҳлар Абдулазиз Мансур қаламига мансуб. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. Т. 2001.).

Пайғамбаримизнинг кўрсатмаларига биноан, мусулмонлар Лайлат ул-қадр кечасини Рамазон ойининг 26 дан 27 кунига ўтар кечасида кутиб олишади. Бу кечада осмон фаришталари Жаброил алайҳиссалом билан бирга Ер юзига тушиб, мўмин-мусулмонларга салом айтиб, дуоларига «омин» деб турадилар.

Дин аҳли орасида тарқалган ривоятларга қараганда: «Аллоҳ таоло қадр тунини уйғоқ ўтказган ҳар бир мусулмонга истаган тилагини беради, ... Жумладан, Қадр кечасида уйғоқ бўлишдан мақсад, тилаклар шу туннинг фақат бир лаҳзасида ҳал бўлиши ва ҳатто, бир пасгина мизғиган киши ҳам ўша онни ўтказиб юбориши мумкинлиги таъкидланади» (О. Бўриев. Муродбахш кунлар. — Тошкент: «Фан», 1992, 15—16-бетлар).

Кўпчилик таровеҳ намозидан кейин масжидда қолиб, олимлардан масала-маъвица эшитиб, қадр кечасини бедор ўтказишади. Кўпчилик оила аъзолари билан биргаликда яхши тилак-

ларни кўнгилга туғиб, Қуръон ўқиб, тоат-ибодат билан ўтказишади.

Ўзбекистонда Нақшбандий тариқатига мансуб аҳли динлар Рамазон ойини ўзига хос удумлар билан ўтказадилар. Рамазоннинг дастлабки кунлари Туркистонда Хожа Аҳмад Яссавий ватанида ҳатми қуръон бошланади. Уч-тўрт кунда қорилар томонидан навбат билан қуръон қирот қилиниб, ҳатм қилинади. Наҳорлик ва ифторлик ош тортилади. Сўнг Тошкентга келиниб, бу ердаги хонадонларда ҳам ҳатми қуръон қилинади. Рамазон ойининг 26, 27, 28-кунлари Нақшбандий пири хонадонига барча муридлар тўпланиб, лайлат ул-қадр ҳам пирнинг хонақоҳида кутиб олинади. Ишқи илоҳий байтлар ўқилади. Аҳли тариқатлар бутун дунё халқларига тинчлик тилаб дуо қиладилар. Қалблар мумдек эриб, кўз ёшлар тўкилади. Лайлат ул-қадр (кечаси) меҳр-оқибат, илоҳий поклик кечаси сифатида инсонлар маънавий ҳаётидан мустаҳкам ўрин олган.

Меърож. Мусулмонлар учун хайрли ойлardan бири Ражаб ойида яна бир муродбахш кун бўлиб, аниқроғи тун бўлиб, у «меърож туни» номи билан машҳурдир. Бу тунни мусулмонлар тоат-ибодатда ўтказадилар. «Меърож» арабча — «учиш», «кўтарилиш», «тунги саёҳат ва осмонга кўтарилиш» демакдир.

«Ушбу тунда Муҳаммад пайғамбар Аллоҳнинг инояти билан Маккадан Қуддуси шарифга ва у ердан коинотга парвоз қилган, Аллоҳ билан мулоқотда бўлган ва ислом шариати учун бир қатор кўрсатмалар олиб қайтган. Унинг аниқ вақти, одатда, 621 йил 27-ражаб, деб белгиланган. Жумладан, Меърож тунида Аллоҳ мусулмонларга 5 вақт номоз ўқишини шарт қилиб қўйганлиги, жаннат ва дўзахнинг мавжудлиги, гуноҳкорларнинг дўзахда қийноққа олиниши кабиларни маълум қилган» (О. Бўриев. Муродбахш кунлар. — Тошкент: «Фан», 1992, 10-бет).

Ҳар йили Ражаб ойининг 27-кунида Меърож ёки Ражаб байрамида марҳумларни ёд этиш, ис чиқариш, мазкур ойда рўза тутиш савоб ишлардан бўлиб, Муҳаммад алайҳиссаломнинг туғилган кунларида — мавлуд ўқилганида эслаб ўтилади.

Мавлуд. Мавлуд, мавлуд ан-набий (арабча —

туғилиш) Муҳаммад пайғамбарнинг туғилган кунин билан боғлиқ бўлган диний байрам бўлиб, у Робиал-аввал ойининг 12-кунини нишонланади. Мусулмонлар бу кунда пайғамбар шаънига мадҳиялар, шеърлар ўқиш учун тўпланадилар. Мавлудда асосан Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаёти ва ундаги энг муҳим воқеалар ҳақидаги ривоятлар тингланади.

«Пайғамбар мавлуди Ўрта Осиё мусулмонларида ўзига хос хайрия маросимидир. Ҳар бир мусулмон ўз моддий имкониятидан келиб чиқиб, мавлуд ўтказиши мумкин. Мавлуд қилувчи киши ўзи истаган миқдорда одам чорлаб зиёфат беради. Унда Муҳаммад алайҳиссалом шаънига мадҳиялар ўқилади, уй эгаси хайр-эхсонлар қилади. Бу удум кўпроқ Робиал-аввал ойида нишонланади. Лекин ундан кейин ҳам, умуман, йил давомида қилинадиган ҳудойиларда ҳам мавлудхонлик бўлади (асосан аёллар даврасида). Бундай ҳолларда «мавлуд» сўзи кўпроқ рамзий маъно касб этиб, хайру ҳудойи қилишдан мақсад, марҳум ота-она ёки бошқа яқинларни эслаш, улар ҳақида дуо-фотиҳалар ўқишдир. Бу кўпгина халқларда мавжуд бўлган ажодлар руҳига сифиниш каби қадимий удумнинг исломда давом этаётган кўринишидир» (О. Бўриев. Муродбахш кунлар. — Тошкент: «Фан», 1992, 9—10-бетлар).

Ашуро. Ашуро ҳижрий йил ҳисобидаги биринчи ой, яъни муҳаррамнинг яна бир ном билан (Ўрта Осиёда ашир оёи) аталишидир. Бу ҳақда Абу Райҳон Беруний «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» асарига шундай изоҳ беради: «Ошуро яҳудийча сўз, бунинг арабийлаштирилгани «ашур» ёки яҳудийларнинг рўзаси бўлган тишрий ойининг «ўнинчиси»дир (Муҳаррам ойининг) ўнинчи кунини «ошуро» деб аталади (арабча «ашара» — ўн). Ошуронинг ўнинчи кунини рўза тутмоқлик яҳудийлар учун шарт бўлган ва уни «покланиш кунини», деб билишган» (О. Бўриев. Муродбахш кунлар. Тошкент: «Фан», 1992, 4-бет).

Мусулмонлар дастлабки вақтларда Ашур (Муҳаррам) ойининг аввалги 10-кунини шодхуррамлик билан ўтказар эдилар. Муҳаммад алайҳиссалом ҳам 10-кунда рўза тутган. Бироқ кейинчалик шиъа мазҳабидагилар бу кунни аза маросимига айлантиришган. Шиъа мазҳаби тарафдорлари Алини Муҳаммад пайғамбарнинг бирдан-бир қонуний вориси деб тан оладилар. Ҳозир ҳам шиъа мазҳаби Эронда ҳукмрон эътиқод шакли ҳисобланади. Бу мазҳаб Ироқ, Афғонистон, Хиндистон, Покистон, Озарбайжон ва Тожикистонда, Ливанда ва бошқа давлатларда ҳам ёйилган (У. Жўраев, Й. Саидхонов. Дунё динлари тарихи. — Т.: «Шарқ», 1998. 140—142-бетлар). Муҳаммад пайғамбар вафотларидан кейин ҳоки-

миятни Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али бошқардилар (уларни халифалар — ўринбосарлар, яъни чаҳорёрлар деб ҳам аташади). Пайғамбаримизнинг куёвлари Али 661 йил ҳокимият, тахт учун курашда ўлдирилганидан сўнг (араблар ўртасида яқка ҳукмронлик учун курашда) «шиъа» мазҳаби тарафдорлари шакллана бошлади. Бу кунларда одамлар мотам либослари кийиб, қора байроқлар кўтариб кўча ва ҳиёбонларда мотам намойишлари ўтказадилар, ўзларини худди талвасага тушгандай ҳар томонга отадилар, кўксиларига уриб «Шоҳ Ҳусайн, воҳ Ҳусайн» деб фиғон кўтарадилар, кийим-бошларини йиртадилар, хуллас, улар энг яқин кишилари ўлганидан ҳам кўпроқ қайғурадилар (О. Бўриев. Муродбахш кунлар. — Т.: «Фан», 1992, 5-бет).

Жума кунини. Жума мусулмонларнинг муқаддас кунидир. Жума кунини ҳафта кунлари ичида энг фазилатлиси ҳисобланади. Пайғамбар алайҳиссалом бундай деганлар: «Кўёш чиқиб турган кунларнинг энг яхшиси жума кунидир. Ўша кунини Одам яратилган, жаннатга киритилган, жаннатдан чиқарилган. Қиёмат ҳам жума кунини қойим бўлади». Одатдаги, тўрт ракаатли пешин намозининг фарзи икки ракаатли жума намози мусулмонларга жамоат билан ўқишга фарз қилинди. Жума кунини иккинчи азондан бошлаб, намоз ўқиб бўлгунча савдо-соғиқ ҳаром қилинган.

Жума (арабча «жамъ» — йиғилиш), тўла аталиши «явм — алжумъа» (йиғилиш кунини) — исломда ҳафтанинг охириги кунини. Ушбу кунда жума намозини ўқиш солим, зарурат юзасидан банд бўлмаган мусулмонлар учун шартдир. Намозга боришдан аввал соч ва соқолларни тартибга келтириш, ювиниб (чўмилиб) баданни тоза қилиш, озода кийимлар кийиш одат ҳисобланади.


Жума кунини мусулмонлар катта масжид (жомеъ масжид)ларда йиғилиб, пешин намози пайтида биргалашиб, жума намозини ўқийдилар. Жума намозидида масжиднинг домла, имоми мусулмончилик қоидалари, уларнинг кундалик ҳаётидаги аҳамияти бобида ваъз айтади: юрт фаровонлиги, эл осойишталигини тилга олиб, давлат бошлиғига инсофу адолат тилаб, дуо қилади, Куръони Каримдан оятлар ва пайғамбар ҳадисларидан келтиради. Бу «хутба» дейилади.

Жума кунини йиғилиб, намоз ўқиш Муҳаммад пайғамбар томонидан Мадина жорий этилган ҳозирги пайтда аксари мусулмон мамлакатларида жума кунини расмий дам олиш кунидир (О. Бўриев. Муродбахш кунлар. Т.: «Фан», 1992, 35—36-бетлар).

Диний ҳайит ва маросимлар кишилар ўртасида қадр-қиммат, меҳр-шафқат, мурувват, оқибат каби инсоний қадриятларнинг тикланишида муҳим ўрин тутди.

IV ҚИСМ

ЗАМОНАВИЙ БАЙРАМЛАР



Мустақиллик даври байрамлари

Мустақиллик — ўзбек маданияти тарихида янги даврни бошлаб берди. Истиқлол туфайли шўролар даврида тақиқланган миллий маънавиятимиз қайта тикланди. «Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди», — деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов. Республикада миллий қадриятларни тиклаш борасида кенг кўламда жиддий тадбирларнинг амалга оширилиши — жамиятимиз маънавияти «биноси»нинг қад ростлашига муҳим омил бўлмоқда.

Мустақилликка эришгандан сўнг, Ўзбекистон раҳбарияти энг аввало халқимиз эҳтиёжи, орзу-истакларини ҳисобга олиб, азалий байрамларни тиклашга ва истиқлол даври байрамларини халқимизнинг қадимий анъаналарига монанд ҳолда шакллантиришга катта эътибор бера бошлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Фармонлари асосида «Наврўз», «Рамазон ҳайити», «Қурбон ҳайити» расман тикланиб, мамлакатимизда кенг нишонлана бошлади.

Расмий давлат байрамлари билан бирга, «Гул» байрамлари, «Ҳосил байрамлари» кабиларни маънавиятимиз жавоҳирлари сифатида кўрсатишга интилиш бўлмоқда. Чунки ҳар бир байрам орқали халқ дарди, орзу-истаклари, тажрибалари авлоддан-авлодга қадрият сифатида ўтади.

Янги давр, янги мазмун ва янги шакл, анъаналарнинг пайдо бўлиши мустақил ҳаётнинг қувончли дақиқаларини тантана қилишга имкон берадиган янги тадбир-байрамлар яратишни тақозо этади. Жумладан, истиқлолни шарафлайдиган «Мустақиллик байрами» ҳаётимизнинг бош қонунини тарғиб этадиган «Конституция» кунни расмий байрам сифатида нишонланадиган бўлди. Эндиликда келажак авлодни тарбиялашда алоҳида роль ўйнаётган шарафли касб эгалари меҳнатини улуғлайди-

ган «Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини», ўтган аждодлар ёдини эсга олишга бағишланган «Хотирлаш ва қадрлаш кунини» мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Мустақиллик туфайли, жаҳон маданияти раўнақига муносиб ҳисса қўшган аждодларимиз таваллудларини нишонлаш ҳам анъанага айланиб бормоқда. Истиқлол йилларида Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1993), Баҳоуддин Нақшбандий (1993), Абдуҳолиқ Фиждувоний (1994), Мирзо Улуғбек (1994), Нажмиддин Кубро (1994), Феруз (1995), Амир Темур (1996), Имом ал Бухорий (1998), Аҳмад Фарғоний (1998), Жалолиддин Мангуберди (1999), ал-Марғиноний (2000) ва Мотурудий (2000) каби буюк аждодларимиз таваллудининг йирик саналари ЮНЕСКО билан ҳамкорликда нишонланди.

Жаҳон маданиятида буюк меъморий обидалари билан муносиб ўрин тутган қадимий шаҳарларимизга бағишланган халқаро тадбирларнинг тантанали байрам сифатида нишонланиши ҳам халқимизни ғоят қувонтирди.

Қадимий тарихий обидаларнинг кенг кўламда таъмирланиши, Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарларда, Қува, Челак туманларида янги меъморий ёдгорликларнинг бунёд этилиши, Бухоро, Хива, Термиз каби қадимий шаҳарларнинг 2500 йиллик тантаналари юртдошларимизни ҳам, мамлакатимизга келган меҳмонларни ҳам қойил қолдирди.

Истиқлол туфайли халқимизнинг маънавий қадриятлари жаҳон миқёсида эътироф этила бошланди. Ўзбек мусиқаси, театри, киноси, тасвирий санъати ҳозирги кунда ҳам жаҳон жамоатчилигини қизиқтирмоқда. Халқ ижодиётининг буюк намунаси — «Алпомиш» достони яратилганлигининг минг йиллик тантанаси, тарихий меросимиз «Авесто»нинг яратилганлигини 2700 йиллигига оид тантаналар аждодларимизнинг бебаҳо меросига қизиқшимизни янада оширади. Шунингдек, Ватанимизда «Тошкент кино фестиваллари», «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали, «Му-

сикий — симфоник фестиваль», «Наврӯз» ва «Шарқ ва Ғарб» халқаро театр фестиваллари, тасвирий санъат бўйича халқаро кўргазмалар, халқ ижодиётининг турли жанрларига бағишланган кўрик-танловлар ўтказиш анъанага айланмоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида янгича маданий тадбирлар кучайди, мусиқа санъатини ривожлантиришда алоҳида ўрин эгаллай бошлаган «Ўзбекистон — Ватаним мамани!» номли республика кўрик танлови, йилнинг энг яхши ижодкорини аниқлашга хизмат қилувчи «Офарин» танлови, ёш истеъодларни рағбатлантирувчи «Ниҳол» танлови каби анжуманлар янада шуҳрат топди. Халқ ижодининг алла, ялла, лапар, аския, катта ашула, дорбозлик, кўғирчоқбозлик каби кўплаб жанрлари ҳамда этнографик фольклор жамоалари, ашула ва рақс жамоаларининг танловлари раванқига кенг йўл очиб бермоқда.

* * *

Оилавий маросимлар соҳасида ҳам истиқлол даврида ижобий ўзгаришлар содир бўла бошлади.

Маълумки, маросимлар ўзбек халқ анъаналарининг асосий қисмини ташкил этади. Оилавий маросимларнинг аксарияти болалар ҳаётидаги муҳим воқеаларга бағишланганлиги учун ҳам улар ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутди.

Ўзбек халқи тўйни гоят севадиган халқ. Ўзбеклар умр бўйи тўй қиламан, эл дуосини оламан, бошқаларни қувончимга шерик қиламан деган мақсадда яшайди. Шунинг учун тўй ўзбек миллати ҳаётида муқаддас ҳодиса ҳисобланади. Бироқ шўро даврида ўзбек оилавий маросимларининг баъзилари тақиқланди, айримлари эса яъни таъкиклаш мумкин бўлмаганлари (масалан, «никоҳ тўйи») шўро мафкурасига мос тарзда ўзгартирила бошланди.

Мустақиллик туфайлигина оилавий маросимларнинг асосий тадбирлари, чунончи, «исм қўйиш», «чилла», «соч тўйи», «тиш тўйи», «бешик тўйи», «суннат тўйи», «мучал ёши», «никоҳ тўйи» каби анъаналарни тиклаш учун йўл очилди. 1998 йилнинг «Оила йили», 1999 йилнинг «Аёллар йили», 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили», 2001 йилнинг «Оналар ва болалар йили», 2002 йилнинг «Қарияларни қадрлаш» йиллари деб эълон қилиниши оилавий анъаналарга эътибор бериш ва ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратди.

Оилавий қадриятларнинг ялпи тикланиш жараёни миллий-маънавий ўзликни англаш жараёнидаги муҳим босқич бўлди. Аммо ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида оилавий маросимларни ўтказишда айрим ножоиз ҳодисалар ҳам кўзга ташланмоқда.

Мамлакатимизда янги спорт байрамлари, жумладан мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», лицей, коллеж ўқувчиларининг «Баркамол авлод», олий ўқув юрти талабаларининг «Универсиада»лари кенг шуҳрат қозонмоқда.

Шўролар даврида тақиқланган миллий анъана ва байрамларнинг тикланиши халқимиз миллий ўзлигининг улуғланишига хизмат қилмоқда.

Ўзбек маданиятига бағишланган халқаро анжуманлар халқимизнинг бадиий меросини ва замонавий ютуқларини ватанимизда ва хорижда тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда байрамлар ўтказиш борасида ибратли ишлар қилинмоқда. Йирик байрамлар («Мустақиллик», «Наврӯз») ни ташкил қилиш борасидаги тажрибаларимиздан қўшни мамлакатларда ҳам фойдаланилаётганлиги айниқса қувонарли ҳолдир.

Сўнгги пайтларда ўзбек одатларининг ижобий томонларига кўпроқ диққат жалб этилиб, бу соҳада пайдо бўлаётган салбий ҳодисалар эътибордан четда қола бошлаган эди. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов бундай салбий иллатларнинг олдини олиш мақсадида (1998 йил 28 октябрь) махсус Фармон чиқарди. Унда, кейинги вақтларда тўй-ҳашамлар, марака ва маросимларни ўтказишда кўп жойларда шуҳратпарастлик, дабдабозлик, исрофгарчиликка, йўл қўйиш, эл-юрт одалари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳолаҳволини инобатга олмаслик каби ҳолатлар рўй бераётгани, манманликка берилиб кетган мансабдорларнинг номақбул хатти-ҳаракатлари маҳаллаларда норозиликларга сабаб бўлаётгани, шуҳратпарастлар, оддий одамларнинг нафсониятига тегаётгани таъкидланди.

Мазкур Фармон, ўзбек тўйларида вужудга келган муаммоларга диққатимизни жалб этди. Баъзи раҳбарлар, бизнесменлар тўйларини, жумладан, «ўтганларнинг хотирасига бағишланган маъракаларни ҳам дабдаба билан ўтказиши ота-боболаримиздан қолган миллий расм-русумларимизга путур етказиши, муқаддас анъаналаримизни обрўсизлантиришга олиб келиши таъкидланди». Кўпгина иқтисодий бақувват оилалар дабдаба билан исрофгарчиликка йўл қўйиб ўтказса, кам даромадли оилалар болаларининг ризқини қийиб, қарзга ботиб тўй қилишмоқда. Кўпинча маросимлар, масалан, «Бешик тўйи», «Суннат тўйи», оила, қўни-қўшни ва қариндошлар ўртасида ўтказилиши ўрнига, ўша жойдагиларнинг катта байрамига айлантириб юборилмоқда.

«Никоҳ тўйи»га оид «нон синдириш», «маслаҳат оши», «қуда чақирди», «қиз базми», «юз очди», «келин кўрди», «келин чорлар», «қуёв чақирди» каби одатлар алоҳида-алоҳида тadbирга айланиб кетмоқда. Улар ортиқча дабдабасиз, катта ҳаракатсиз, ихчам шаклда, оила аъзолари, яқин қариндошлар иштирокида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Жойларда катта тўйга айланиб кетаётган «Туғилган кун»лар, «Бешик тўйи», «Суннат тўйи», «Пайғамбар ёши» каби маросимлар ҳам кичик, ихчам, оилавий тadbир сифатида яқин қариндош ва қўни-қўшнилар иштирокида нишонланиши ўринлидир. Тўй эгалари «Кийим кўрди», «Сарпо ёзди», «Тугун қайтди», «Эшик очди» каби ортиқча маросимлардан воз кечиши керак бўлмоқда. Жойларда мол олиш, мол бериш, уй жиҳози,

мебель, сарпо, совға ва бошқаларга устувор аҳамият берилиб, тўйларнинг маданий, ахлоқий жиҳатлари эътибордан четда қолмоқда. Шу боис тўй базмларини ҳам мазмунли, файзли, юқори бадиий савияда ўтказишга жиддий эътибор бериш кун тартибига қўйилди. Жойларда шаҳар, туман, хўжалик раҳбарлари ёш келин-қуёвларга моддий ва маънавий ёрдам бериши кераклиги жамоатчилик томонидан ўртага қўйилмоқда. Уларни ҳал қилиш учун туман, шаҳар, маҳаллаларда нуфузли ва обрўли кишилардан ташкил топган оилавий маросимлар кенгашлари (тўй комиссиялари) ташкил этила бошланди. Бу кенгашлар ўз фаолиятини маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда ташкил этишда масъул жамоатчилик марказлари ҳисобланади.

* * *

Халқ байрамларининг миллий анъаналари таркибий қисми сифатида тикланиши — ўзбек маданияти тараққиётида муҳим воқеа бўлди.

Анъанавий халқ байрамларининг муҳим жиҳати шундаки, улар тарихий тараққиётнинг энг яхши жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради. Ҳар бир даврнинг ўз тарихи, ўз байрамлари бўлади ва замонлар ўзгариши билан улар турлича баҳоланади. Масалан, шўролар ўзгача бўлган аксарият азалий байрамларни инкор этиб, улар ўрнига шўро мафкурасига мос байрамларни мажбурий тарзда халққа синдиришга уриниб келди. Шунинг учун, шўро байрамлари худди ўзи каби инқирозга учради.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг асосий давлат байрамлари шаклланди. Мустақиллик туфайли мамлакатимизда халқаро анжуманлар, йирик санага бағишланган тadbирлар ўтказиш тажрибалари вужудга келди. Бироқ ҳали бу борада бажариладиган ишлар кам эмас. Аввало азалий байрамларни тиклаш баробарида, уларга хос ижобий одат ва анъаналарни ижодий бо-

йитиш керак. Иккинчидан, тарихда муҳим ўрин тутган, бироқ шўролар даврида тақиқланган халқ байрами ва маросимларини ўтказишни амалиётга жорий этиш керак¹. Учинчидан, мустақиллик даврида пайдо бўлган янги байрамларни ҳам тарихий-маънавий қадриятлар билан бойитиш зарур.

Хуллас, асрлар оша шаклланиб, авлоддан-авлодга маънавий мерос сифатида ўтиб келган урф-одатлар, маросимлар ва байрамларни қадрламасдан туриб, миллий тикланиш жараёнини амалга ошириш қийин. Шу боисдан бу борада жиддий илмий ва амалий ишларни амалга ошириш лозим. Жумладан, республика, вилоят, туман, шаҳарлар даражасида:

1. Халқ анъаналарини ўрганиш илмий маркази (лабораторияси)ни ташкил қилиш ижобий самара бериши мумкин.

2. Миллий анъаналарни сақлаш, тиклаш ва ривожлантириш кенгашларини тузиш мақсадга мувофиқдир. Бу жамоалар миллий анъаналар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

¹ Маълумки, қадимда бизда коинот ва табиат билан боғлиқ муҳим байрамлар тизими бўлган. Улардан фақат «Наврўз» тикланди. Кузги кун-тун тенглигини қайд қиладиган, «Меҳржон»ни тиклаш бўйича саъй-ҳаракатлар бўлмоқда. Бироқ ҳали у амалга ошган эмас. Шунингдек, ёзнинг энг узок куни ва қисқа туни (ёзги чилла бошида) нишонланган «Ангом» ва қишнинг энг узок туни — қишки чилла бошида нишонланган «Сада»ни тиклашни ҳам ўйлаб кўриш керак.

Шунингдек, қадимда кенг тарқалган маҳаллий аҳамиятга эга бўлган байрамларга ҳам эътибор бериш зарур. «Гул байрамлари», («Бойчечак», «Лола сайли», «Қизил гул» сайли), «Туг сайли», «Сув сайли», «Анор сайли», «Узум сайли», «Биринчи қор», «Курултой» каби минтақавий-худудий байрамларни маънавиятимиз жавоҳирлари сифатида сақлаш керак. Чунки ҳар бир байрамда халқ дарди, орзу-истаклари, тажрибалари, маънавияти акс этади. Шу боисдан ҳам барча байрамларни қадрлаш лозим.

Х 6 0 6. УМУМХАЛҚ БАЙРАМЛАРИ

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ

Ўзбекларнинг азал-азалдан тўйлари кўп бўлган. Тўйлар — орзу-умидлар ушалиши айёми сифатида ҳозир ҳам давом этмоқда. XXI асрнинг сўнгги 10 йиллиги бошида ўзбек тўйлари қаторига яна бир шодиёна — республикамизнинг мустақиллик байрами куни қўшилди. 1991 йилдан бошлаб 1 сентябрь куни энг азиз, энг улуг миллий байрам куни бўлиб қолади. 1 сентябрь мустақиллик куни

сифатида мамлакатимиз миқёсида ҳар йили катта шодиёна билан нишонланмоқда.

Мустақиллик ўзбек халқига ўз қадр-қимматини, бўй-бастини, маданияти ва анъаналарини, дину эътиқодини, тили ва маънавиятини қайта тиклаб олишга, миллий гурур ва Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтиришга тўлатқис асос яратди. Мустақиллик байрами ўзбек халқининг энг муҳим анъанасига айланмоқда.

* * *

Дунёнинг барча халқлари мустақиллик кунини ўзларининг энг асосий байрами деб ҳисоблашади. Масалан, АҚШ, Финландия, Греция, Бангладеш, Сенегал, Исроил, Хорватия, Филиппин, Вьетнам, Кипр каби жуда кўплаб мамлакатларда мустақиллик куни давлатнинг энг асосий байрами саналади.

Баъзи давлатларда республика мустақиллиги билан боғлиқ бир неча сана нишонланади. Масалан, Қоғозистонда 25 октябрь — Республика куни, 16 декабрь — мустақиллик куни сифатида байрам қилинади. Жанубий Африка Республикаси, Македония каби давлатларда миллий байрам республика куни деб аталади. Туркменистон эса 12 декабрь Нейтралитет куни деган ном остида мустақиллик байрамини нишонлайди. Қирғизистон 31 августда, Тожикистон эса 9 сентябрда мустақиллик кунини байрам қилади. 2001 йилда Украина, Грузия республикалари ҳам ўз мустақиллигининг ўн йиллигини нишонладилар. Озарбойжонда 28 май Озарбойжон республикаси тикланиш куни (1918 йил) сифатида байрам қилинса, 18 октябрь, Мустақиллик куни ҳисобланади. Арманистонда 28 май Мустақиллик куни, 21 сентябрда Арманистон Республикаси Мустақиллиги тўғрисида референдум йиллиги нишонланади. Беларус Республикаси 3 июлни Мустақиллик куни деб белгиланган бўлса, шундай байрам Молдовада 27 августда ўтказилади.

Кўпгина мамлакатларнинг мустақиллик байрамлари ўзига хос номлар билан аталади.

Австралияда Австралия куни, Янги Зеландияда Вайтанг куни, Болгарияда Усмон империясидан озод бўлган кун, Марокашда Тахт куни, Сурия Араб Республикасида Эвакуация куни, Аргентинада Май инқилоби йиллиги, Францияда Бастилия олинган кун, Сингапур республикасида миллий кун, Германияда Германия бирлиги куни (1990 йил), Австралияда миллий байрам деб аталади. Албатта, бу кунлар мазкур мамлакатларнинг тарихи билан боғлиқ (Ш. Жабборов. Миллий байрам: уни дунёда ким қандай нишонлайди? // Халқ сўзи. 2000 й, 21-август.).

1991 йил 1 сентябрда илк бор мустақиллик байрами Ўзбекистонда нишонланди.

Бу байрамнинг нишонланиши ҳақида «Халқ сўзи» газетаси куйидагиларни ёзган эди: «Кўп миллионли Ўзбекистон халқи жумҳурият Олий Кенгашининг сессиясида таъсис этилган янги байрам — Мустақиллик кунини биринчи марта нишонлади. Жумҳурият парламенти қабул қилган Қонунга мувофиқ Ўзбекистон мустақил республика бўлиб қолди, байрамнинг белгиланиши ана шу шонли воқеа билан уйғунлашиб кетди. Энди 1 сентябрь байрам сифатида нишонланади ва дам олиш куни деб ҳисобланади. Шу куни Ўзбекистон пойтахтининг бош майдонида тантаналар уюштирилди. Бу ерда

одатдаги дам олиш кунларидагидек одамлар сайр қилиб юришди, айна вақтда мусиқа садолари, ранг-баранг байроқлар бу куннинг тантанаворлигини билдириб турди. Кечқурун эса бадий ҳаваскорлик жамоалари шаҳарликларга ўз маҳоратларини намойиш этишди. Шаҳарнинг бошқа майдонларида, оромгоҳлари, хиёбонлари ва боғларида ҳам артистлар, ижодий гуруҳларнинг чиқишлари бўлди. Халқ сайиллари ўтказилди.

Халқлар дўстлиги орденли Тошкент дорилфунунининг марказий майдонида митинг бўлди. Сўзга чиққан кишилар тўпланганларни Мустақиллик куни билан табрикладилар, энг эзгу тилаklarини изҳор қилдилар. Мустақиллик куни Ўзбекистоннинг барча вилоятларида кенг нишонланди («Халқ сўзи». 1991 йил, 3 сентябрь).

Энди эса истиқлол йиллари бу байрам қандай нишонланиб келинаётганлигига бир-бир ўхталиб ўтайлик.

1992 йил. Мустақиллигимизнинг бир йиллик байрами халқимиз хотирасида яхши кунлардан бири сифатида сақланиб қолди. Тошкент Мустақиллик майдони. Майдон узра турфа байроқлар шамол эпкинисида силкинади. Энг баландда эса республикамиз байроғи ҳилпираб, ҳар бир юракка шукуҳ бахш этади. Ўзбекистоннинг миллий рамзлари туширилган улкан шарлар ҳавода муаллақ қотган. Майдондаги бош саҳна бир лаҳзадан сўнг томошалар бошланишидан дарак бериб турибди. Майдоннинг энг тўрида, баланд шоҳсупада улкан ер шари. Унда Ўзбекистон худуди рамзи ярқираб кўринади. Қарайсану, муштдек юрагинга уммондек севинч, фахр, ғурур жо бўлади. Минглаб ҳамшаҳарларимиз бу ерга эркимизнинг бир ёшини байрам қилиш учун йиғилган.

Майдоннинг икки томонида ўрнатилган «Ўзбекистон: Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик» деган шиор билан безатилган ҳаво шарлари кўкка ўрлади. Карнай-сурнай ва ноғоралар садоси тўй бошланишидан хабар бериб, атрофга таралди. Ҳавони ўнлаб карнай-сурнай, ноғораю-сурнайларнинг садолари титратиб юборди.

*«Эй муаззам, озод юрт, истиқлолнинг муборак!
Оламга кўз-кўз этарлик бахту иқболнинг муборак!»...*

деб бошланган шеърлар янграйди.

Бош саҳнага оналаримиз чиқиб келишади. Улар гўё буюк Зебинисо, Нодири, Увайсий, Тўмарислар қиёфасида худди асрлар қаъридан чиқиб келишаётгандек. Улардан сўнг намоён бўлган ҳазрат Навоий ва Бобур ўз лутфлари ила барчанинг дилини сарафроз этади.

Байрам томошаларида халқимиз тарихини, бугуни ва келажагини ёритишга алоҳида ўрин

берилди. Дарҳақиқат, Мустақил давлат тузиш асрлар давомида халқимиз фарзандларининг тинимсиз олиб борган машаққатли курашлари натижаси бўлди. Майдон бўйлаб ўтган «Буюк ипак йўли» карвонлари бизнинг ҳаёлимизни истиқлол томон олиб кетди. Бу тарихий йўлларда аждодаларимиз босқинчиларга қарши курашдилар, эрк учун жон фидо қилдилар. Тўмарис, Широқ, Спитаменнинг ёвларга қарши курашлари, Алпомишнинг иккига бўлинган уруғини бирлаштириш учун қилган қаҳрамонлик ҳаракатлари, Амир Темур ва Бобурнинг улуғ давлатчилик брасидаги ишлари бунга мисол бўла олади. Истиқлол сари одимлаб келаётган Мулло Солиҳбек, Азизбеклар. Улар Мунаввар Қори, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носирлар. Аждодалар жабҳалардан, жанггоҳлардан тўғри ҳузуримизга кириб келаётгандек. Ҳа, улар тўккан қон звазига истиқлолимиз шафақлари нурланди.

Истиқлол, Тинчлик, Тотувлик — энг аввалло болалар учун! Театрлаштирилган оммавий томошаларни шўх ва қувноқ куйлар остида юртимизнинг келажаги бўлган к и ч к и н т о й лар рақс ва қўшиқлар билан бошлаб бердилар. Майдон узра шўх қўшиқлар садоланди. Саҳнада юзлаб болажонлар худди лолалардек сочилиб кетишди, уларнинг бахтиёр чеҳралари ҳар қандай байрамга чирой бағишлайди, албатта.

Майдонга жаҳон ва олимпиада ўйинларида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиб, совриндор бўлган ўнлаб спортчилар кириб келдилар. Спорт — тинчлик, фаровонлик белгиси. Агар тинчлик бўлмаса, спорт мусобақаси юракка сифармида? Бу намоийш инсоннинг кўнглида ана шундай ҳисни пайдо қилади. Беихтиёр ўз юртингдан етишиб чиққан чемпионларни кўриб ғурурланасан, киши.

Шундан сўнг майдонни яқиндагина ташкил этилган миллий гвардиячилар вакиллари эгаллаб, ўз ҳарбий маҳоратларини кўрсатдилар.

Бадий жамоа аъзолари ўз дастурларини намоийш қилдилар («Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1992 йил, 4 сентябрь).

Байрам тантаналари республикамизнинг барча шаҳарларида эрта бошланиб, оқшомгача давом этди.

Тошкент шаҳрининг деярли ҳамма ерида оммавий халқ сайиллари бўлиб ўтди. Майдонларда, кўчаларда, хиёбон ва истироҳат боғларида хушчақчақлик ҳукм сурди. Тошкент вилоятида ҳам бу байрам ўзгача шукуҳ билан нишонланди.

2001 йил — мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида юртдошларимизга: «Бу байрамни илк бор нишонланганлигини қандай эслайсиз?» — деган саволга улар қуйидаги жавобларни беришди:

Эгамқул Тоҳиров (Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани): — 1992 йилда Ўзбекистон мустақиллиги-

нинг бир йиллиги байрам қилинганда, аввалига ажбландим. Ҳар ҳолда «бу эллик ёки олтмиш йиллик сана эмас-ку, бир йиллиги ҳам шунчалик бўладими?» — деган фикр ҳаёлимдан ўтди. Кейин кўзимизни каттароқ очиб қарасак, дунёда мустақиллик байрамидан кўра буюк шодиёна йўқ экан. Ишончим комилки, истиқлолни мустаҳкамлашда ҳар йили орзиқиб кутадиган энг улуг, энг азиз байрамимизнинг ўрни алоҳида бўлади.

Носир Сатторов (Сайхунобод тумани): — *Ўз мамлакатинг, ўзинг мансуб бўлган миллатдан ғурурланиш кераклигини бизга шу байрамлар ўргатди. Бунда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг тарихий хизматлари беқиёсдир. Мана, бу йил ўнинчи бор байрам қиламиз.*

Тошбой Омонов (Денов тумани): — *Уни кўнчилик эслай олса керак. Чунки байрам оқшоми ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан янгича тартибда ўтганди. Байрамларимиз илгари бундай ўтказилмагани учунми, уни илк бор телевизордан ажиб бир ҳайрат билан томоша қилганман.*

Абдулҳамид Абдуғаниев (Хўжаобод тумани): — *Ҳа, биз илк бор халқимиз қувончининг ифодаси бир майдонга жам бўлганидан шодлангандик. 1992 йилда ўтказилган тантана маънавий ҳаётимиздаги туб бурилишга сарчасима бўлганди («Халқ сўзи». 2001 йил 1 сентябрь).*

Қарши шаҳрида мустақиллик куни арафасида «Дўстлик сайли» бўлиб ўтди. Унда шу воҳада яшаб, меҳнат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари иштирок этди. Ҳар бир миллатнинг шоиру оқинлари чиқишлари уюштирилди. Бадий буюмлар, ўймакорлик санъати, кулолчилик бўйича кўргазмалар очилди. Санъаткорлар, ёш ижрочиларнинг чиқишлари рақс байрамга файз киритди.

Савдо ходимлари «дўстлик сайли» тантаналарига алоҳида руҳ киритдилар. Хиёбон ва кўчаларда, истироҳат боғларида савдо уюштирилди, ошхоналар ташкил этилди.

Наманганда 50 мингдан ортиқ киши марказий ўйингоҳга келиб, эрк ва озодлик неъматини нақадар тотли эканлигини янада чуқурроқ ҳис этдилар. Бу ерда санъат ва спорт байрами тантанаси гоят кўнгилли ўтди.

Фарғона аҳолиси Мустақиллик тонгини қарнай-сурнай садолари остида қарши олди. Маҳалла-кўй, кўча ва хиёбонларда кишилар бир-бирларини байрам билан қутлаб, тантана шарафига тузилган дастурхон атрофига йиғилди-

лар. Вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида истиқлол шарафига элга наҳорги ош тортилди.

Фарғона шаҳри яқин йиллар ичида бундай тантана, анжуманни кўрмаган десак, муболаға бўлмайди. Эрталабданоқ кўча ва хиёбонлар, майдон ва боғлар одамлар билан тўлди. Аҳмад Фарғоний номи берилган маданият ва истироҳат боғи тантаналарнинг маркази бўлди. Бу ерда Аҳмад Фарғоний шарафига ўрнатилган бюст тантанали равишда очилди.

Кўқон ҳам истиқлол байрамидан гўё ёшариб кетгандай. Шаҳар манзараларида кўҳна ўтмиш билан эркинликка эш бугунги кун порлоқ бир тарзда уйғунлашиб кетган эди.

Марғилонда эса Мустақиллик байрами гуллар ва қушлар байрами билан уйғунлашиб кетди. Шаҳарнинг 4 та даҳасида алоҳида-алоҳида театрлаштирилган байрам тантаналари бўлиб ўтди. Кечқурун эса «Спартак» стадионида вилоят санъаткорлари, бадий ҳаваскорлар, спортчилар, ҳарбий қисмларнинг хизматчилари 3 соат давомида театрлаштирилган томошаларини намойиш этдилар.

Сурхондарёда ҳам Мустақиллик байрами куни Термиз ҳақиқий маънода мамлакат дарвозасига айланди. Байрамда чет эл фирмалари билан бевосита ҳамкорликда ишлаётган ўнлаб кўшма корхоналар ўз фаолияти натижаларини кўрсатишди.

Шу куни истиқлол шарафига ташкил этилган савдо расталарида чорвачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозордагидан анча арзон нархларда сотилди. Бадий ҳаваскорлик жамоалари эртадан кечгача томоша кўрсатдилар. Совринларнинг энг зўри абжир чавандозларга ва кучли полвонларга насиб этди.

Вилоятда байрам арафасидаги энг катта янгилик шу бўлдики, Термиз шаҳрининг қоқ ўртасидаги майдонда Термизий ҳайкали қад тиклади, ҳақиқат қарор топди.

Самарқанд узра эрта тонгданоқ қарнай-сурнай овозлари кенг таралди. Мустақиллик кунига бағишланган тантаналар эрта тонгдан кечгача давом этди. Байрам арафасида бир қанча корхоналар, катта завод ва фабрикалар филиаллари, янги мактаб бинолари ва бошқа объектлар ишга туширилди. Вилоят ва шаҳар ҳокимлиги раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ана шу кун арафасида корхоналарда, қариялар ва болалар уяларида бўлишиб, совға-саломлар топширдилар.

* * *

Бухоро шаҳридаги «Бухоро» меҳмонхонаси томларида чалинган қарнай-сурнай садолари ҳаммани мустақилликка бағишланган сайиллар бошланганидан огоҳ қилди.

Шаҳарнинг бош майдони — Мустақиллик

шоҳқўчасида тожик, турк, қримтатар, рус, корейс ва яҳудий миллий-маданий марказлари ўз халқининг бетакрор санъати, урф-одати, шунингдек миллий таомларини намойиш этди.

Регистон майдони, Лабиҳовуз ён-атрофи,

Арк ҳовлиси, истироҳат боғларида ҳаваскор ва фольклор дасталарининг чиқишлари, Садриддин Айний номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театри, вилоят филармонияси артистлари томошалари барчани ўзига ром этди. Шаҳардаги ўйингоҳда байрам томошалари узоқ давом этди.

Хоразм диёрида байрам тантаналари ҳамма ердагидан ҳам барвақт бошланди. Меҳнат жамоалари ва қишлоқларда элга ош берилди, ёрдамга муҳтожларга совға-саломлар улашилди, илғорлар рағбатлантирилди, куй-қўшиқлар авж олди. Урганчининг марказий майдонида 13 катта дастурни ўз ичига олган байрам томошалари намойиш этилди. Шунингдек, шаҳарнинг муборак қадамжолари: ал Хоразмий ва Аваз Ўтар ҳайкали олдидаги хиёбонларда, азим Шовот канали соҳилидаги сайилгоҳда, маданият ва истироҳат боғида, «Олимпия» спорт соғломлаштириш комплексидан ҳам тантаналар давом этди. Тантаналар муносабати билан турли даҳа ва майдонларда қишлоқ ҳўжалик нознеъматлари савдо кўرғазмаси, ранг-баранг халқ истеъмоли буюмлари савдоси уюштирилди.

Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган тантана Москвада Большая Полянкада иш бошлаган республикамиз элчи-хонасида ҳам бўлиб ўтди. Бу ерга республикамиз вакиллари мустақиллик байрами билан қутлаш учун хорижий мамлакатларнинг элчилари ташриф буюрдилар. Улар шарафига ноушта-зиёфат уюштирилди.

Мустақилликнинг бир йиллик байрами халқимизнинг асрлар бўйи орзиқиб кутган тинчлик, ҳамкорлик ва эрк байрами бўлиб, тарихга кирди.

1993 йил. Бу йилги тантаналар «Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик» шиори остида ўтди. Бу шиор байрамга теран мазмун, халқнинг энг юксак маданий қадриятлари, унинг энг яхши анъаналари ва урф-одатлари, ватанпарварлик ва миллий гурурнинг тикланиш руҳини бахш этди.

Тошкентнинг Мустақиллик майдони гоёя улуғвор ва чиройли тус олган, ранг-баранг алвон байроқлар, хилма-хил тусдаги чироқ нурлари билан қоришиб, байрамона кайфият уйғотди. Тантанали байрам барча қалбларга оламолам севинч, сурур бахш этди.

Бош майдон узра Ўзбекистон мадҳияси янграб, аста-секин давлат байроғи кўтарилди. Шу ҳаяжонли дақиқаларда тантанада иштирок этаётган ҳар бир одам ўзининг келажаги буюк давлат фарзанди эканлигидан фахрланади!

Мустақил Ўзбекистоннинг тенгдошлари республикамиз мустақиллиги эълон қилинган жунда туғилган болаларга бағишланган қўшиқ янграйди. Истиклол тенгдоши — фарзандини бағрига босган она мағрур қадамлар билан саҳна-

га чиқиб келди. У республикадаги барча оналар номидан ўз фарзандларининг бахт-саодати учун ташаккур ва миннатдорчилик изҳор этди. Ватанимизнинг мустақиллиги болалар тинчлиги ва осойишталигининг, мусаффо осмон остида ўсиб-улғайиб, ўқиши ва меҳнат қилишининг гаровидир.

Тошкентдаги болалар боғчалари ва мактаб бадиий жамоалари ижро этган қўшиқ-рақс гулдастаси республика ёшлигининг рамзи бўлиб янграйди. Майдон узра болаларнинг қўнғироқдек овози жаранглайди. Байрам дастурининг бу қисми ўйин-кулгилар билан ўтди. От ўйини бошланди, болалар севган эртақ қаҳрамонлари жонланди.

Катта томошанинг навбатдаги қисми ватан ҳимоячиларининг чиқишларига бағишланди. Намойишлар хиёбони бўйлаб армиямиз вакиллари ўта бошлайди. Армия сафида хизмат қилаётган аскарлар эса юриш машқлари ва ҳарбий маҳоратларини намойиш этдилар. Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги оркестри байрам маршини ижро этди. Сўнг ҳарбий қасамд сўзлари мағрур ва тантанавор янгради. Ёш аскарлар Ватанга, халққа, Президентга садоқатли бўлишга қасам ичдилар.

Байрамнинг навбатдаги қисми «Тўйлар муборак!» деб номланиб, миллий тўй маросимлари катта театр томошаларига уйғунлашиб кетди. Келин-куёвларнинг юзида қувонч ва бахт балқиб турибди. Меҳмонлар ҳам уларга қўшилиб, рақсга тушиб, байрам тантаналарига миллий жозиба бағишладилар.

«Халқимизнинг умумбашарий қадриятларга содиқлиги — мустақил Ўзбекистон кучқудратининг манбаидир. Халқимиз адолат, тенглик, яхши қўшничилик ва инсонпарварликнинг нодир куртакларини асрлар оша авайлаб, асраб келди», деган эди Республика Президенти Ислам Каримов. Бу сўзлар ёрқин ва чиройли байрамнинг асосий мавзусига вобаста бўлди. «Беш қитъа» вокал-хореография композицияси «Ўзбекистон дарвозаси бутун дунё учун очиқ» деган мавзуга бағишланган. Унга Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Хитой ҳамда бошқа мамлакатлар халқларининг рақслари киритилган. Бу рақсларни Тошкент, Нукус ва Самарқанддаги опера ва балет театрлари артистлари, хореография билим юрти ўқувчилари ижро этдилар.

Ўтмишсиз келажак бўлмайди, дейдилар. Байрам дастуридан ўрин олган адабий-тарихий чиқишлар сиз билан бизни бир зум ўтмишга ҳам қайтарди. Шарқнинг буюк алломалари — Амир Темур, Баҳоуддин Нақшбандий, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа аллома, маърифатпарварлар майдонга чиқиб келишди.

Майдонни ёритиб турган чироқлар ўчди. Саҳнани машғалалар ёритди. Уларни дубулға кий-

ган «ўрта аср жангчилари» кўтариб бормоқда. Мозий қаҳрамонлари ва мутафаккирлари бизга — ўз авлодларига мурожаат қилиб, халқ асрлар мобайнида эришган ютуқларни авайлаб-асрашга ва ривожлантиришга даъват этаётгандек бўлди.

Қорақалпоғистон ва республика вилоятларининг вакиллари ҳам томошабинларни байрам билан қутладилар. Улар ўзига хос урф-одатлари, маросимлари ва анъаналарини намойиш этдилар. Артистлар санъати, маҳорати томошабинларга бир неча дақиқада Самарқанд ва Бухоронинг, Хоразм ва Фарғона водийсининг қадимий маданиятини яққол ҳис этиш имконини берди. «Меҳржон» дастасининг дастури бу гўзал томошанинг мантиқий интиҳосига айланди.

Марказий Осиёдаги қардош республикаларнинг машҳур артистлари иштирокидаги томошалар байрам тантаналарига ўзгача тароват бахш этди. Саҳнага Туркменистон, Тожикистон, Қозғистон ва бошқа мамлакатлардан келган таниқли эстрада ижрочилари чиқиб, ўз маҳоратларини, санъатларини мезбонларга ва хорижлик меҳмонларга ҳада этдилар. Улкан байрам томошасида етти мингдан ортиқ артист ва ҳаваскор иштирок этди.

Мустақиллик байрами шодиёналарига Тошкентдаги барча хорижий ҳамда ҳамдўстлик давлатларининг элчилари, ваколатхоналарнинг масъул ходимлари ва журналистлари таклиф этилди.

Байрам тантаналари сайиллари шаҳардаги барча хиёбон, маданият ва истироҳат боғлари, маҳалларда бўлиб ўтди.

Шу кунни 4 ярим мингдан ортиқ клуб муассасалари ва 115 та маданият ва истироҳат боғларида ҳам турли-туман тадбирлар ўтказилди. Уларда халқимиз эътиборини қозониб келаётган энг яхши бадиий ҳаваскорлик жамоалари, бахши-шоирлар, бадиий сўз усталари ҳамда 1993 йилда ўтказилган «Марҳабо, талантлар», «Анор», «Рақс—93», «Алла», «Қизилчи—93» кўрик-танловлари ғолиблари иштирок этишди.

Байрам тантаналари Марказий Осиё ва хорижий давлатлар телевидениеси ва радиоси орқали намойиш этилди, эшиттирилди ҳамда шу асосда ҳужжатли фильмлар яратилди.

1994 йил. Мустақиллик майдонига ўрнатилган олтин тусли муаззам ер куррасидаги Ўзбекистон харитаси ва давлатимиз Герби хилма-хил чироқлар нурида жозибали товланади. Ҳар ёқда байроқлар ва алвонлар ҳилпираб, дилларга шодиёна руҳ бағишлайди.

«Биз учун мустақиллик — Оллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эғалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун

муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ватан қолдиришдир», деб таъкидлади республикамиз Президенти И. Каримов байрамнинг очилиш маросимида сўзлаган табрик нутқида.

Майдон узра Ўзбекистон мадҳияси янграйди. Самода давлатимиз байроғи ҳилпирайди. Тантанада иштирок этаётган ҳар бир одам буюк давлат — Ўзбекистон фуқароси эканидан чексиз фахр ҳиссини туяди.

Байрам чақирқиқлари садоси янграгач, «Яйра, Ўзбекистон» деб номланган янги вокал-симфоник асар билан байрамнинг «Муқаддима» қисми бошланди.

Улуғвор кўшиқдан сўнг, майдонни азиз болажонларнинг қувноқ қийқириғи эгаллади. «Соғлом авлод» учун деб номланган театрлаштирилган томоша бошланди. Саҳнада ёшларимиз ўқиши, меҳнати, дам олиши саҳналари бадиий умумлашмаларда акс этиб, ўзининг самимийлиги ва қувноқлиги билан дилларни ром этди. Катталар қалби беғубор ёшлик қаршисида тўлқинланиб кетди.

Байрам дастурининг кейинги қисми «Тарих саҳифалари» деб номланган бўлиб, яқин ўтмиш яна бир бор ёдга олинди. Улар орқали бугунги тинч, осуда меҳнат чироғи билан яратилган кунларимиз қадрига етиш, уни асраб-авайлаш зарурлиги ифода этилди.

Ушбу саҳна этиюларини Ўзбекистоннинг барча гўшаларидан келган энг етук санъаткорлар, машҳур бадиий жамоалар намойиш этдилар.

«Ўзбекистон — халқлар дўстлиги давраси» деб аталган томошалар туркумида мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, осудалик, унда яшаб турган юздан ортиқ миллат вакиллари-нинг ягона мақсад йўлида бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилаётгани натижаси эканлиги ифода этилди. Томошаларни миллий маданий марказларнинг энг етук ҳаваскорлик жамоалари намойиш этдилар.

«Ўзбекистон санъати турфа ранг» деб аталган томошалар туркумида аввалги томошада илгари сурилган фикрлар янада ривожлантирилиб, аниқликлар киритилди. Республикамининг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистондан келган ёш авлод вакиллари ўзларининг бетакрор санъатлари билан ажодлар удумига содиқликларини, улуғвор анъаналарни давом эттиришга қодир эканликларини кўрсатдилар.

«Ўзбекистон эстрада юлдузлари» сарлавҳаси остида намойиш этилган томошалар туркумида ёш эстрада санъаткорларининг мустақилликни тараннум этувчи, халқ маънавиятини юксалтиришга йўналтирилган янги кўшиқлари ижро этилди. Шу билан бирга мумтоз кўшиқларимизнинг янги овозлар ижросидаги талқинлари дилларга фахр-ифтихор улашди. Байрам биринчи сентябрь кунни ҳам да-

вом этди. Тошкентликлар ва меҳмонлар учун дошқозонларда паловлар дамланиб, дастурхонлар ёзилди. Халқ амалий санъати кўргазмаси, миллий спорт ўйинлари мусобақалари уюштирилди. «Шодлик», «Зарафшон», «Лазги», шунингдек, уйғур халқ ансамбли каби машхур санъат жамоалари, дунёга машхур хонанда ва раққосалар кечга қадар халқ хизматида бўлдилар. Анҳор бўйи хиёбони, Халқлар дўстлиги майдони, Ўзбекистон миллий боғи, Алишер Навоий ёдгорлиги майдони, Хадра майдони, Алишер Навоий театри майдони, Амир Темур хиёбони ва Сайилгоҳ кўчаси, «Туркистон» саройининг ёзги биноси байрам қатнашчиларининг сайри, ўйин-кулгиси, савдо расталаридаги тўкин-сочинлик мустақилликнинг уч йиллик байрами шуқуҳига шуқуҳ қўшди.

Маълумки, 1994 йил ЮНЕСКО томонидан Оила йили, деб эълон қилинган. Азалдан бола-жон ўзбек хонадониди ўсаётган фарзандлар рўшнолик, меҳр, иззат кўриб вояга етмоқда. Шу ўринда, Президентимизнинг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги байрам арафасида чиққан Фармонини эсга олиш кифоядир. Байрам дастурида ушбу муқаддас мавзунини тарғиб ва ташвиқ қилишга доир чиқишлар намойиш этилди.

Кечада кўп миллатли юртимизнинг турли тилдаги куй ва қўшиқлари янгради, рақслари намойиш этилди.

*Ўзбек дийридан учар садолар,
Уларни жаҳонга ёр саболар,*

Катта саҳнага вилоятлар санъат намояндалари кириб келди. Куй қўшиққа уланди.

Юртимизнинг таниқли эстрада юлдузлари иштирокидаги томошалар байрам тантаналарига ўзгача тароват бағишлади. Саҳнага Ўзбекистон, Марказий Осиё давлатларида, ҳатто, жаҳонга донғи кетган машхур ўзбек эстрада ижрочилари чиқдилар. Байрам аҳли «Ялла» гуруҳи, Юлдуз Усмонова, Насиба Абдуллаева, Кумуш Раззоқова ва бошқаларнинг маҳоратини, санъатини олқишлади.

«Ҳар бир одам байрамда иштирок этар экан, унинг юрагини шундай буюк юртнинг фарзандиман, мамлакатнинг ватанпарвариман, шу азиз ва мўътабар ватан учун жонимни ҳам фидо қилишга тайёрман, деган туйғу қамраб олиши керак. Токи бизга унча ҳайрихоҳ бўлмаганлар ҳам байрамни кўриб, Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканини ҳис этсин», — деган эди мамлакатимиз раҳбари. Мустақиллик байрами республика телевидениеси томонидан кенг ёрилди. Матбуот саҳифаларида қутлуғ сана таасуротлари мангуликка муҳрланди.

1995 йил. Тошкент. Мустақиллик майдони.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов байрам қатнашчиларига ва бутун ўзбек халқига қарата табрик нутқи сўзлади.

Майдон узра Ўзбекистон мадҳияси янгради. Давлатимиз байроғи кўтарилди.

Биз мустақиллик туфайли буюк ажлодларимиз қолдириб кетган бебаҳо илм-фан, маънавият ва маърифат хазиналаридан бемалол фойдаланиш имкониятларига эга бўлдик. Исмоил ал-Бухорий, Ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбандий, Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Нодирабегим ва бошқа буюк алломалар таваллудлари ўтказилди. 1993 йили Президентимиз Фармони билан жаҳонгир Амир Темур хиёбони бунёд этилиб, соҳибқиронга маҳобатли ёдгорлик ўрнатилди. Мустақиллик байрамида бу воқеалар ўзига хос сарҳисоб сифатида кўрсатиб берилди.

Саҳнани халқаро мусобақаларда голиб чиққан юртимиз спортчилари ва ёш физкультурачилар эгаллади.

Ўзбекистоннинг БМТ ва бошқа турли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланмоқда. Худди шу йил июль ойидан бошлаб, мамлакатимиз пойтахтида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг минтақавий бюроси фаолият юрита бошлади.

Ўзбекистоннинг жаҳон билан дўстона муносабатларига бағишланган бадиий лавҳада беш қитъа халқларининг санъати намойиш этилди. Уз навбатида, хорижий куй ва рақслар миллий қўшиқлар билан бирин-кетин ижро этилди. Томошабинлар ҳофизу раққосаларнинг санъатини қизғин олқишлади.

Саҳнага офтоб рангли коптокчалар ва шамсиялар кўтарган ширин-шакар кичкинтойлар чиқиб, шўх куй-қўшиқлар ижро этишди.

Томошагоҳ узра мақом наволари таралди. Мумтоз мусиқа ва ғазалнинг уйғун оҳанги ҳаёлигизни олис мозийларга етаклади...

Шу йилнинг ўзида ўндан ортиқ ёш созанда Франция, Англия, АҚШ, Германия сингари давлатларда ўтказилган нуфузли танловларда иштирок этди ва уларнинг кўпчилиги совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлди. Шуллардан бири — ижрочилик маҳорати билан жаҳон мусиқа шинавандаларини мафтун этган ёш скрипкачи, Буюк Британияда ўтган халқаро танлов голиби Даниил Холиқов мустақиллик байрами арафасида Президент стипендиясига муносиб деб топилди. Бош майдондаги байрам кечасида Д. Холиқов ва юртимизнинг бошқа таниқли санъат усталари жаҳон мумтоз куйлари ва рақсларидан намуналар ижро этди.

*Кўргонимиз битта она-Туркистондир,
Бўстонимиз битта она-Туркистондир.*

Навбатдаги бадий лавҳа Марказий Осиё мамлакатлари — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон давлатларининг дўстлигига бағишланди. Туркистон халқларининг куй ва рақслари руҳни тўлқинлантирди. Қардош тилларда ижро этилган кўшиқлар эса қадим Турон элатлари дўстлиги ва биродарлигини тараннум этди... («Халқ сўзи», 1995 йил 1 сентябрь, чоршанба).

Байрам дастурининг муқаддима қисмида опера ва балет театри солистлари, бирлашган хор ва миллий оркестр «Ватан ягонадир» деб аталган янги кўшиқларни ижро этди.

«Истиқлол тўйинг муборак, Ўзбекистон!» номли вокал-хореографик сюитада машҳур ҳофизлар ўз санъатларини намойиш этдилар.

«Баҳор», «Лазги», «Шодлик», «Зарафшон», «Тановар» ансамбллари, Муқимий театри, «Чин-Чун» корейс жамоаси, Уйғур ашула ва рақс ансамблидан иборат тўрт юзга яқин санъат усталари истиқбол тўйининг файзли ва мазмундор ўтишига ўз ҳиссасини қўшдилар.

Виолятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан пойтахтга ташириб буюрган санъаткорлар, ҳаваскорлик жамоалари ўз воҳаю водийсининг турфа хил куй-кўшиқларини олиб келиб, байрамни гуллатдилар. Уларнинг чиқишлари телевидение орқали ўз ҳудудларига ҳам ҳавола этилди.

Ўзбекистонлик санъаткорлар фақат миллий куй-кўшиқларнигина эмас, балки жаҳон классик санъати намуналарини ҳам маҳорат билан ижро этишга қодир эканликларини байрам дастури орқали намойиш этдилар. Бу «Жаҳон классикаси — ўзбек санъаткорлари ижросида» деб номланган лавҳаларда ўз ифодасини топди.

«Туркистон умумий уйимиз» деб номланган туркум томошаларда Марказий Осиёнинг барча республикалари куй-кўшиқларидан намуналар ижро этилди. «Ўзбекистон оламга очиқ» мусиқали лавҳасида халқаро дўстлик, ҳамкорлик мавзусини тараннум этувчи беш қитъа халқлари санъатидан тузилган ажиб гулдаста томошабинларга тақдим этилди.

«Ўзбекистон эстрада юлдузлари» номли дастурда эса эстрада санъати намояндаларининг байрам учун махсус тайёрлаб келган кўшиқлари ижро этилди. Биринчи сентябрь куни Республикамиз пойтахти, виолят ва туман марказларида байрам столлари ташкил этилди. Аҳолига савдо-сотик уюштирилди. Ёз ньематлари бозорлар ва жамоат жойларига файз баҳшида этди.

1996 йил. Шу йили Мустақиллигимизнинг 5 йиллиги нишонланди. Йиллар кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Мана, байрам дастурининг таклифномасида (1991—1996) Мустақиллигимиз 5 йиллиги моҳияти қисқа ва лўнда сатрларда баён этилганки, ундаги сўзларда ҳам байрам

шукуҳи очиқ кўзга ташланиб туради. Унда ёзилади:

«Истиқлол! Олтин кузнинг бошланиш куни бизга эрк, бахт, хурлик кучоғини очди. Истиқлол шукуҳи ила ўзлигимизни инсоний гурур билан англадик, ўзгаларга ҳам ёрдам қўлини чўздик. Иродамиз ақлимизни пешлади. Руҳиятимиз покланди, эътиқодимиз мустаҳкамланди. Маънавиятимиз булоқлари жўш урди, қайнади. Тафаккуримизда изланиш, идрокимизда бунёдкорлик руҳи устивор бўлди. Бахтлар водийсида эрк, хуррият, меҳнат нашидалари янгради.

Журъат ва жасорат давримиз эҳтиёжига, ишбилармонлик, изланиш, фидойилик асосий фазилатимизга, элим, юртим деб ёниб яшаш замондошларимизнинг асосий шиорига айланди.

Истиқлолнинг қўш қаноти бор. Бири — моддий, иккинчиси маънавий. Иқтисод ва маънавиятнинг уйғунлиги юртга тинчлик, осойишталик ва бунёдкорлик руҳини олиб кирди. Дунё қалқиб турган қалтис бир замонда биз бошқаларга намуна бўладиган янги тарих яратга олдик. Жаҳон бизни таниди. Ўзбекистон жаҳон иқтисодий ҳамжамиятининг узвий таркибий қисмига айланди.

Ирмоқлар қўшилиб дарёга айланганидек, бу юрт бирин-кетин оламни ҳайратга солмоқда. Қисқа фурсатда қўлга киритилган ютуқларимизни кўрган-билганлар бизларга ҳавас кўзи билан қарай бошлашди.

*Беш йиллик ишларни қилсак сарҳисоб,
Қалбимиз гурурга тўлар беҳисоб.*

Байрам онлари барчамизнинг эркимиз, хоҳиш-иродамиз, мақсад ва маслагимиз бир эканлиги яна бир карра намоён бўлади. Ватан, истиқлол, дўстлик ва ҳамжиҳатлик, бунёдкорликни тараннум этувчи кўшиқларни тинглаганда бутун вужудимиз ҳаётга муҳаббат ҳисси билан лиммо-лим тўлди.

Байрам дастурининг муқаддимасида «Жоним — Ўзбекистон» кўшиғи ижро этилди. Санъатнинг ажиб меҳриғиёси дилларга жон бағишлади.

Даврага навбатдаги «Истиқлол фарзандлари» деб номланган болажонлар гуруҳи чиқди. Зеро, халқимиз — болажон, ўзи емай, боласига едиради, боласининг қувонгани унинг қувонгани. Ушбу гоё болалар ижро этган ранг-баранг кўшиқларда, бадий лавҳаларда, рақсларда ва байрамонга ҳайқирриқларда ўз ифодасини топди.

Дастурнинг «Ўзбекистон — ягона, аҳил оила» намойишида халқлар дўстлиги, ўзбекнинг меҳмондўст ва бағрикенглиги ифода этилган, театрлаштирилган томошаларида ўз ифодасини топди.

«Туркистон — умумий уйимиз» шиори ости-

да тузилган қўшиқлар гулдастасида Марказий Осиё халқларининг куй-қўшиқлари янграб, ота-боболарнинг биродарлик анъаналари бугун ҳам давом этаётгани тараннум этилди.

«Спорт — ёшлик, мардлик мактаби» деб номланган фаслда мамлакат таянчи, фахри ва гурури, келажак бўлган ёшларга эътибор қандай улуғвор ишларда ўз ифодасини намоён этаётгани кўрсатилди. Беш йил давомида қилинган бу борадаги ишлар фахр билан санаб ўтилди. Спорт усталари номи тилга олинди, улар байрам билан қутланди.

«Ватан посбонлари — тинчлик таянчи» фасли Ўзбекистон аскарлари ҳаётига бағишланди. Куролли кучларимизнинг тинчлик посбони бўлиб хизмат қилаётгани рамзий лавҳаларда намоён этилди.

«Ўзбекистон — Ватаним маним» деб номланган фаслда республикамиз вилоятларидан таклиф этилган санъаткорлар, меҳнат ва ишлаб чиқариш илгорлари турли театрлаштирилган томошаларда иштирок этиб, ҳар бир вилоятнинг ўзига хос томонларини очиб берди.

«Куч — адолатдадир» деб номланган фаслда театрлаштирилган адабий-бадий композиция намоён этилди. Ўтмиш сабоқларидан тўғри хулоса чиқариш келажак учун буюк йўл-йўриқ эканлиги, ўзбек халқининг бахт-саодати адолатда эканлиги тараннум этилди.

Ўзбекистон мустақиллик туфайли жаҳон ҳамжамиятига кирди. Унинг иқтисодиёт ва маънавият соҳасидаги ютуқлари чет эл оммаси назарига тушди, дўстлик ришталари боғланди. «Ўзбекистон жаҳон майдонида» (Буюк ипак йўлининг тикланиши) деб ном олган фаслда ушбу ғоя адабий-тарихий лавҳалар орқали намоён этилди.

«Эстрада юлдузлари порлайди» фаслида Ўзбекистон оммавий эстрада санъати ёрқин юлдузларига навбат берилди. Машҳур эстрада қўшиқчилари, раққосалар, хореографик гуруҳлар дўстлик, бахт ва муҳаббат нашидасини куйладилар.

Томошаларда республикамизнинг етакчи театрлари, барча вилоятлардан келган санъаткорлар, санъат соҳаси билан боғлиқ барча олий ўқув юрти талабалари, Тошкент шаҳар ўқув юрларининг талабалари, ўқувчилари, мушофаа вазирлигига қарашли бадий жамоалар иштирок этди. Уларнинг меҳнати туфайли мустақиллик байрами бугун халқимиз руҳиятига олам-олам қувонч бағишлади.

Уша ҳаяжонли дамларни «Халқ сўзи» газетаси шундай сатрлар билан тарих саҳифасига муҳрлаб қўйди:

«Ўзбекистон Давлат маҳфияси» янгради ва байрам тантаналари бошланди.

Майдонга юзларида бахт нури балқиб турган болалар кириб келди...

Мустақиллик шарофати билан биз не-не буюк зотларнинг ворислари эканлигини англадик. Ватанимиз, унинг битмас-туганмас бойликлари ўзимизники бўлди. Бу эса юрагимиздаги ватанга муҳаббат туйғуларини янада оширди. Ҳадиси шарифда айтилган «Ватанни севмоқ иймондандур» деган сўзларнинг асл маъносини англаб етдик.

Майдонда буюк қадриятларимизни, ватанимизни улуғловчи қўшиқлар таралади.

Кўлаб жаҳон миқёсидаги мусобақаларда Ўзбекистон вакиллари юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, ватанимиз довруғини дунёга таратди. Футболчиларимизнинг ХХII Осиё ўйинларидаги муваффақияти, Лина Черязова, Артур Григорян каби юртимиз вакилларининг оламшумул ютуқлари шулар жумласидандир. Уларнинг ғалабаси шарафига юртимиз байроғи кўтарилгани, давлатимиз маҳфияси янграгани ҳар бир ватандошимизнинг кўксини тоғ қилди.

Шу йил Американинг Атланта шаҳрида ўтказилган Олимпия ўйинларида Ўзбекистон вакиллари илк бор мустақил жамоа сифатида иштирок этди. Курашчи А. Богдасаров, боксчи К. Тўлаганов каби ватандошларимиз илк Олимпиада медалларига сазовор бўлдилар.

Майдонга олимпиадачиларимиз кириб келишди. Байрам қатнашчилари уларни қизғин олқишлади. Шунингдек, майдонга миллий армиямиз аскарлари — мавжуд қўшин турларининг вакиллари кириб келди. Улар шахдам одимлари, моҳирона ҳаракатлари билан мустақиллигимиз посбонлари эканликларини намоён этдилар.

Байрамда республикамиз вилоятларидан келган санъаткорлар ўз маҳоратларини намоён этдилар («Халқ сўзи», 1996 йил 1 сентябрь, якшанба, № 179).

1997 йил — «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинган сабабли, бу шиор байрамнинг бош мавзусига асос бўлди.

Президент Ислам Каримов табрик нутқи сўзлади. Маросим қатнашчиларини, улар сиймосида бугун Ўзбекистон халқини муборак байрам билан қутлади.

Саҳнага келажакимиз соҳиблари — шўх-шодон болалар кириб келдилар. Улар ижро этган қўшиқ ва рақсларда қувноқ болалик тараннум этилди. Мустақиллик йилларида ташкил топган «Соғлом авлод учун», «Улуғбек», «Умид», «Камолот» жамғармалари ёшларимизнинг замонавий билимларни эгаллашига, иқтидорли болаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, уларнинг чет элларда таҳсил олишига кўмаклашиб келмоқда.

Саҳнага кириб келган Ватан посбонлари ўз ҳарбий-жанговар маҳоратларини мунтазам ошириб бораётганларини қўшиқ ва лавҳалар воси-

тасида ифода этдилар. Чунки халқимизнинг осойишта меҳнат қилиши учун шарт-шароит яратиб, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш, Ватанни турли ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш ҳар қандай мустақил давлатнинг муқаддас бурчидир.

1998 йил «Оила йили» деб эълон қилинди. Чунки давлатимиз мустақиллиги ҳар бир оиланинг бахтли бўлишига боғлиқдир.

Оилаларнинг, ҳар бир фуқаронинг турмуш шароитини янада яхшилашга қаратилган давлат дастури худди шу йили қабул қилинди ва амалга оширила бошланди.

Озод, адолатли, маънавиятли, эркин бозор иқтисоди, демократия қонун-қоидалари ҳамда шароитларида ҳаракат қилувчи жамият барпо қилиш, ўз кадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, имони бутун, ҳаётида аниқ мақсади бўлган инсонларни тарбиялаб етиштириш каби долзарб масалалар давлат сиёсатининг диққат марказида бўлди.

Ватанимиз зиёдилари байрамнинг мазмундор, тарбиявий аҳамияти катта бўлиши учун бутун куч ва имкониятларини ишга солдилар.

Байрам тантаналарида «Сабъаи сайёр», «Оила — мамлакат таянчи», «Етуклик йўлларида», «Баҳодирлар юрти бу», «Ўзбекистон гулдастаси», «Санъатим — саодатим» каби мавзулар орқали мустақил, обод Ватанимизнинг саодатли бугуни ва порлоқ келажagini мадҳ этувчи асарлар ижро этилди.

Жумладан, «Сабъаи сайёр» композицияси Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» асари асосида тайёрланган саҳна томошаси бўлиб, унда етти иқлим, етти қаср тасвири ва етти малика рақси кўрсатилди. Бу билан ўзбек давлатчилигининг 3000 минг йиллик тарихига саёҳат қилинди ва Хоразм давлати сиймоси кўз-кўз қилинди.

«Оила — мамлакат таянчи» лавҳасида шўх болажонлар ўз санъатларини намойиш этишди.

«Етуклик йўлларида» деб номланган қисмда кўплаб спорт турлари: миллий кураш, бокс, теннис ва бошқаларни ақс эттирувчи томошавий саҳналар кўрсатилди. Ўзбекистоннинг машҳур спортчилари, чемпионлар номлари майдонда ўқиб эшиттирилди.

Байрам якунида халқимизнинг фидокорона меҳнати натижалари, Ватан равнақи, эл-юрт ободлиги йўлидаги тинимсиз интилишлари ранг-баранг воситалар ёрдамида ёритиб берилди.

1999 йил «Аёллар йили» деб эълон қилинганлиги сабабли, мазкур байрамда аёлларни эъозлаш, уларга амалий имтиёзлар яратиб бериш каби масалалар атрофлича ёритиб берилди.

Мустақилликни қадрлаш, ватанни эъозлаш, халқ фаровонлиги учун кураш, аҳолининг тур-

муш даражасини кўтариш, аёлларга қулайликлар яратиш, болаларни маънавий, жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаш каби масалалар байрамда ўз аксини топди.

Жумладан, байрамда «Бизлар — ватан келажакимиз», «Истиқлол лочинлари», «Асраймиз кўзимиз қорачиғидай...», «Дилда ватан шухрати», «Жаҳон билан бўйланур санъат», «Бу бўстон саҳнида...», «Кўшигимнинг авжисан, ватан» каби мавзуларда куй, кўшиқ, рақс, театрлаштирилган томошалар ижро этилди.

Байрам тантаналари таассуротлари матбуотда кенг ёритилди. Жумладан, «Халқ сўзи» газетаси «Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон» шиори остида куйидагиларни ёзди:

Мамлакатимиз пойтахти Тошкентда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллиги байрами тантаналари кенг нишонланди:

31 август куни Ўзбекистоннинг Бош майдони — Мустақиллик майдони байрамона безатилган. Бу ерга республика ҳукумати аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари вакиллари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган элчихоналар раҳбарлари, «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг меҳмонлари ва қатнашчилари тўпланди. Улар Ўзбекистон Республикаси Президентини олқишлар билан кутиб олдилар.

Байрам тантанасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари бутун мамлакатимиз аҳлини улуғ ва муқаддас байрам билан қизгин табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси ижро этилди. Улкан саҳнада энг улуғ, энг азиз байрамга бағишланган театрлаштирилган томоша бошланди... Эрк ва озодлик ҳавосидан нафас олиб улғаяётган фарзандларимиз ўзининг мурғак қалбида туғилган орзулар ҳақида куйлашди.

Саҳнада Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, Усмон Носир сиймолари пайдо бўлди. Ҳур Ватан учун жонини қурбон айлаган, мустабил тузум даврида қатагонга учраб, номлари унутилаётган халқ қаҳрамонлари иши ва номи истиқлолдан сўнг юртимизга қайтди. Уларнинг мислсиз жасорати, ўтмиш ва келажакдан сабоқ берувчи мероси халқимиз қалбидан мангу жой олди. Республикамиз ҳукуматининг мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қарори Ўзбекистон Куролли Кучларида халқимизнинг асл фарзандлари, она-Ватан эркининг посбонларини руҳлантиришда хизмат қилади. Уларнинг саҳна бўйлаб шахдам қадамлар билан ўтишлари, юзларидаги

ишонч ва мардоналикни кўриб, бу йигитлар Ватанни ҳимоя қилишдек шарафли ва масъулиятли вазифага сўнги нафасларигача содиқ қолишларига амин бўласиз.

Мамлакатимизда турли миллат ва элат вакилларининг эмин-эркин яшаши ҳам мустақиллик неъматидир. Хур Ватанимизда уларнинг миллий-маданий меросини ва тилини сақлаш, ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган. Байрам томошасига уларнинг кўшиқ ва рақслари ўзгача шукуҳ бахш этди («Халқ сўзи». 1999 йил, 1 сентябрь).

2000 йил Мустақилликнинг 9 йиллигига бағишланган байрам одатга кўра, Республика-миз Президенти И. Каримов табриги ва Ўзбекистон Давлат Мадҳияси билан бошланди.

Байрамнинг ҳар бир лавҳаси, жумладан, «Жаҳонда ягона Ўзбекистоним», «Авлодлар камоли — миллат қувончи», «Дунёни забт этар ўзбек спорти», «Сўнмас юлдузлар», «Ватанни асрамоқ — аҳдимдир», «Ўзбекистон дея аталур», «Санъат тили сарҳад билмас», «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» фасллари мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқларни куй, кўшиқ, рақс каби воситалар орқали бидийий-образли ифода этди.

2000 йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилингани учун тадбирда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, ёшларни ҳар томонлама чиниқтириш каби масалаларга алоҳида эътибор берилди.

Байрам дастури таклифномасида шундай сатрларни ўқиймиз: «Муҳтарам ҳамшаҳарлар ва шаҳримиз меҳмонлари! Ўзбекистон демократияга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этиш учун, тили ва динидан қатъи назар, бу ерда яшаётган барча халқларга ва миллатларга тенг шароитлар яратиб бериш учун собитқадамлик билан илгарилаб бормоқда...

Бироқ тинчлик йўли олис ва машаққатли йўлдир. Халқимизнинг бу муваффақиятларини кўра олмайдиган ғаламис, ёвуз ниятли кучлар ҳам йўқ эмас. Улар бизнинг тинч ҳаётимизга раҳна солиш, ўзларининг дин ниқоби остидаги манфур ниятларини амалга ошириш учун зўр бериб ҳаракат қилишмоқда. Мамлакатимизнинг жанубий худудларида рўй бераётган ошқора босқинчилик ҳаракатлари замирида ҳам ана шундай жирканч ва ғайриинсоний ғоялар ётибди. Аммо огоҳ халқимизнинг бу воқеаларга муносабати, Ватан ўғлонларининг фидоийлиги бу ёвузликларнинг ҳеч қачон амалга ошмаслигини исботлаб турибди. Аслида ҳаёт турли ғоялар курашидан, баҳсу мунозаралардан иборат. Тараққиётнинг маъно-мазмуни фалсафаси ҳам шунда. Аммо ҳамма гап ҳар қандай таҳдид ёки таҳлика олдида ваҳимага тушмасдан, ана шу кураш ва синовларга доимо тайёр туришда, огоҳ ва сергак бўлишда».

Мустақиллик байрамига халқимиз маънавиёт соҳасида ҳам катта ишларни амалга ошириб кириб келди. 2000 йилда Имом Абу Мансур ал-Мотурудий ва Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудларининг кенг нишонланиши маданий ҳаётимиздаги энг муҳим воқеалардан бири бўлиб тарихдан жой олди.

Мустақиллик байрами дастури 8 фаслдан иборат бўлиб, Муқаддима «Жаҳонда ягона Ўзбекистоним» (Анор Назаров мусиқаси, Жуманиёз Жабборов сўзи) кўшиғи ижроси билан бошланди. Кўпгина ижодий жамоалар раққосалари бу тантанавор кўшиқ мусиқасига рақсга тушиб, байрам шукуҳига шукуҳ кўшидилар.

«Авлодлар камоли — миллат қувончи» номили фаслда болаларнинг бирин-кетин тўрт кўшиғи рақслар мутаносиблигида ижро этилди. «Дунёни забт этар ўзбек спорти» фаслида спорт машқлари спорт байрами кўринишида намойиш этилди.

«Сўнмас юлдузлар» фаслида «Бозургоний», «Сегоҳ», «Ифори сегоҳ», «Ифори Ироқ» кўшиқлари ижро этилиб, кўшиқ фониди мазийнинг кўпгина воқеалари эсга олинди ва уларнинг сўнмас юлдуз бўлиб, бизгача етиб келгани ифода қилинди. Ҳарбий ватанпарварлик мавзусида ҳам байрам чиқишлари кўп бўлди. Бу соҳада ҳам янги-янги кўшиқлар мустақиллик байрами шарофати билан дунёга келди.

«Ўзбекистон дея аталур» фаслида барча вилоятлардан келган энг сара санъаткорларга куйлаш, рақс тушиш ва эзгу сўзларини айтиш имкони берилди.

Айниқса, Хоразм, Сурхондарё, Андижон вилояти санъаткорлари маҳорати байрам қатнашчиларининг қалбига ўт ёқди.

Дастурнинг «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» деб номланган фаслида жуда кўп ёш истеъдодларнинг йил давомида халқ синовидан ўтган кўшиқлари ижро этилди.

Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонованин «Ватан ишончи яхши», «Ўзбекистон» номили икки кўшиғи дастур финалида мустақиллик байрамининг гултожи сифатида кишилар қалбида қолди. Байрам дастурининг телевидение орқали намойиш этилиши ҳар бир хонадонга байрам руҳи, шодлиги ва қувончини олиб кирди.

2001 йил. Одатга кўра, Истиқлол байрами 31 август куни оқшом мамлакатимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонидан бошланади ва бутун мамлакат бўйлаб давом этади.

2001 йилги мустақиллик байрамининг аввалги йиллардаги тантаналардан фарқи шунда эдики, бу гал истиқлолнинг 10 йиллиги нишонланмоқда эди.

Бу йил ҳам Мустақиллик майдони халқимиз қалбида туғён ураётган шодлик ва бекиёс қувончининг тимсолига айланган. Улкан май-

дон бу йил ҳам мингларча иштирокчи ва меҳмонларга тўла. Бинолар, улкан саҳна, амфитеатр жуда чиройли безатилган. Қирмизи шафақ томондан эсган ўйноқи шабболада байроқлар ҳилпирайди, шиорлар кўзни қамаштиради. Гулдаста кўтарган қизалоқлар, қўлида шар тутган, икки лунжини тўлдириб ширинлик еяётган болажонлар, бири-биридан сулув, лобар қизлар, ўктам йигитлар, нуроний отахону онахонлар — мустақиллик ижодкори бўлган ватандошларимиз майдонни тўлдирган.

Хукумат аъзолари, Олий Мажлис депутатлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар, турли фирма ва компаниялар ваколатхоналарининг вакиллари, энг улуғ ва энг азиз байрамимизга таъриф буюрган бошқа хорижлик меҳмонлар, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар амфитеатр саҳнидан жой олди.

Байрам бошланаётганидан огоҳ қилувчи чорлов садолари ҳавони титратганида, кўнгил ҳаяжондан ҳаприқади.

Минбарга мамлакатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов тақлиф этилди. Юртбошимиз мустақиллигимизнинг ўн йиллиги муносабати билан бутун Ўзбекистон халқини муборакбод этди.

Майдон узра Ўзбекистон Давлат мадҳияси янгради. Мадаҳияга барча иштирокчилар, меҳмонлар, ота-онасининг қўлидан тутиб келган болажонларимиз ҳам жўр бўлади.

Осмонни ранго-ранг мушаклар чароғон этди. Улкан саҳна гул билан ўралган. Унинг марказида ер куррасининг акси, икки томонида Хумо қушининг тасвири. Ер куррасининг орқасида Ўзбекистон манзаралари — пурвиқор тоғлар, олтин водийлар, тарихий обидаларимиз акс этиб турибди. Томошабинларнинг қалбида ҳайрат ва ҳаяжон жўш уради. Зеро, озодлик энг гўзал манзил, энг буюк келажакдир. У ҳақда ўйлаш, хаёл суриш, қўшиқ айтиш ҳам мароқли.

Байрамнинг навбатдаги қисми миллий давлатчилигимизнинг тарихий ёдгорлиги — «Авесто»га бағишланди.

Саҳнада Зардушт атрофини оқ либосли отахонлар ўрайди. Улар инсонийлик қоидаларидан сабоқ беради. Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашни акс эттирувчи ғоят ҳаяжонли рақс ижро этиладики, беихтиёр ўша жангда ўзингиз ҳам иштирок этаётгандек бўласиз. Оқ либосли эзгулик маликалари қора кийимдаги ёвузлик тимсолларини маҳв этадилар. Кўз ўнгимизда ҳурлик ва эзгулик тантана қилади («Ўзбекистон овози». 2001 йил, 1 сентябрь. Н. Шакаров, З. Эгамбердиева, Қ. Норқобил).

Тантаналарнинг кейинги қисми «Тарихингдир минг асрлар...» деб номланади. Бу саҳна

Термизнинг 2500 йиллик тўйига бағишланади. Унда Термизни улуғловчи саҳна кўринишлари Сурхондарёнинг дилни қитиқловчи оҳанглари воситасида намойиш этилади. Улкан саҳнани тўлдириб рақс тушаётган йигит-қизлар ҳаракатидаги чаққонлик ҳаммани сеҳрлайди.

«Аждодлар руҳи бизга ёр» номли лавҳада ҳазрат Алишер Навоий, ислом оламининг устунларидан бўлган ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ал-Мотурудий, Баҳоуддин Нақшбандий, Ал-Марғиноний каби улуғларимиз, Ал-Беруний, Ал-Фарғоний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзо сингари алломаю мутафаккир боболаримиз сиймоси гавдаланди.

«Мен Ватан истадим — мустақил, озод» деб номланган қисмда қўлида қилич билан Ватанни ҳимоя этган Тўмарис она, халқимизга озодлик учун доим курашиш зарурлигини эслатиб турадиган жасур Жалолоддин Мангуберди, миллат қудратини, шаъну шавкатини дунёга таратган буюк бобомиз Амир Темур сиймолари томошабинларни бобо тарих сабоқларидан яна бир бор огоҳ этади. Бу байрам лавҳасида озодлик тимсолига айланган момомиз Тўмариснинг халққа қилган мурожаати тантана иштирокчиларининг кўнглини ларзага солди. Халқимизга озодлик учун доимо курашиш лозимлигини эслатиб турадиган жасур Жалолоддин Мангуберди, миллат қадриятини, шаъну шавкатини жаҳонга таратган буюк бобомиз Амир Темур сиймолари томошабинларни тарих сабоқларидан огоҳ этди («Ўзбекистон овози», 2001 йил, 1 сентябрь. Н. Шакаров, З. Эгамбердиева, Қ. Норқобил).

«Ўз уйингни ўзинг асра» номли тантананинг бу қисмида ватан озодлигининг қалқони бўлган ҳарбийлар маҳорати намойиш этилди. Бир неча хил кўшин турларининг вакиллари бўлган ҳарбийлар жанговар ноғоралар садоси остида шахдам қадам ташлаб, Ватанни улуғлайдиган қўшиқларни жўр бўлиб куйлаб, майдонга кирди. Уларни тинглай туриб, абжир йигитларнинг турли ҳарбий машқларидан намуналар томоша қила туриб, ҳамманинг дилида ифтихор, Ватан сарҳадлари ишончли қўлларда эканига ишонч ҳисси ошгани, шубҳасиз («Қишлоқ ҳаёти», 2001 йил 1 сентябрь. М. Намоз, А. Бобоев).

«Ўзбекистон келажиги — бахтли болалар!» номли қисмда саҳнани болажонларнинг қувноқ куй-қўшиқлари тўлдирди. Бағримизнинг бутлиги, эртанги кунимизнинг тўқислиги фарзандларимиз билан. Уларнинг овози лоқайд кўнгиларни, карахт қалбларни ҳам уйғотишга қодир бўлган энг янғроқ ва ёқимли овоздир. Ўғил-қизларимизнинг маҳоратини айни дақиқаларда дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатлари тўғридан-тўғри томоша қилаётганлигини ўйлаб, ғурурланиб кетасан киши. Ово-

зинг ҳамиша дунёни уйғотсин, болажон, дегинг келади («Ўзбекистон овози», 2001 йил 1 сентябрь. Н. Шакаров, З. Эгамбердиева, Қ. Норқобил).

Бу лавҳада она-ватан келажаги бўлган болаларнинг чиқишлари ҳам томошабинларда тотли таассурот қолдирди. Истиқлол тенгдошлари бўлган ўғил-қизларимизнинг бурро тили, мустақил Ватанни тараннум этаётган жарангдор овози кишини беихтиёр истиқболда ҳаётимиз қандай бўлиши ҳақидаги хаёлларга чулғайди. Биз фарзандларимизга ўзимиздан озод Ватан қолдириямиз, фаровон турмуш учун шарт-шароит, муҳит яратиш йўлида меҳнат қилмоқдамиз. Улар эса Ватанимизнинг қудрати, шуҳрати янада юксакроқ бўлиши учун она-юртга биздан-да муносиброқ бўлади.

«Эркин ва озод ватанда яшаймиз» номли лавҳада мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар, мафтункор рақслар миллий маданиятимизнинг нақадар бой ва ранг-баранг эканлигини яна бир бор оламга намойиш этди. Ҳамманинг дилида битта ўй — Ватан! Ҳамманинг тилида битта сўз — Истиқлол!

* * *

Янги асрнинг илк йилида — Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги тантаналаридаги вилоятларимиз жамоаларининг бадиий чиқишлари ҳам тамомила янгича ва бетакрор бўлди. Улар ўз номларига намойишкорона ҳамду санолар бағишлаб эмас, балки миллий либослари, ўзига

«Мен нечун севаман Ўзбекистонни?!» номли лавҳада мамлакатимиз эстрада юлдузлари ижросидаги дастур дилларга завқ бағишлади. Шуниси қувончлики, замонавий эстрада санъатимиз миллий қадриятларимизга вобаста, қадимий оҳангларимиз йўлидан ривожланиб бормоқда. Ҳукуматимизнинг маданият ва санъатга, хусусан, миллий эстрада ривожига эътибори, соҳа вакилларига ғамхўрлиги юртни мадҳ этувчи гўзал асарлар пайдо бўлишига имкон яратмоқда. Байрам концерти дастурининг қарийб ярми шундай замонавий куй-қўшиқлар билан тўлдирилган. Охириги композицияни барча санъаткорлар жўр бўлиб қуйлашганда эса сахна ва амфитеатр бир вужудга айланиб кетгандек бўлди. Катта тантана ана шундай юқори парда, ажойиб оҳангларда якунига етди.

Байрам томошаси улкан мушакбозлик билан ниҳояланди.

Миллий байрамларимиз тантаналарини эликдан ортиқ мамлакат кишилари бевосита телевизор орқали томоша қилиш имконига эга бўлди. Шунингдек, Интернет тармоғи орқали у дунёнинг телетўлқин етиб бормаган олис бурчакларига ҳам кириб борди («Қишлоқ ҳаёти», 2001 йил, 1 сентябрь).

хос жиҳатлари билангина бир-бирларидан ажралиб турдилар. Саҳнада куёшли Ўзбекистонимиз яхлит бир миллат, яхлит бир халқ сифатида бўй кўрсатди (Н. Шакаров, З. Эгамбердиева, Қ. Норқобил. «Ўзбекистон овози», 2001 йил, 1 сентябрь).

НАВРЎЗ БАЙРАМИ

«Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, шу билан бирга бизнинг бир неча минг йиллик қиёфамизнинг, урф-одатларимизнинг мангулик ифодаси тасдиғидир»

Ислом Каримов

Ўзбекистон мустақил бўлганидан сўнг Наврўз республикаимизнинг асосий байрамларидан бирига айланди ва ҳар йили катта тантаналар билан нишонланмоқда. Наврўзга тайёргарлик ишлари 2—3 ой аввал бошланади. Республика, вилоят, шаҳар, туман, корхоналар даражасида байрамни ташкил қилиш кенгашлари иш бошлайди. Наврўзга тайёргарлик кўриш режалари ва уни юқори савияда ўтказиш тадбирлари белгиланади. Байрам олди-дан шаҳарлар, қишлоқлар, маҳаллалар, ишхоналар тартибга келтирилади. Умумхалқ ҳашарлари ўтказилади. Наврўз арафасида хайрия ишлари: муҳтожларга ёрдам бериш ва қарияларни зиёрат қилиш, касаллар ҳолидан

хабар олиш ишлари амалга оширилади. Наврўз арафасида ва байрам куни сумалак, ҳалим, кўк сомса каби таомлар пиширилади. Қизлар Наврўз куни киядиган либосларини тайёрлашга киришадилар. Санъаткорлар Наврўзга бағишланган куй-қўшиқ, рақс томошаларини тайёрлай бошлайдилар. Наврўз куни барча жойларда катта томошалар, тантаналар ва халқ сайиллари бўлиб ўтади. Тошкент шаҳрининг «Миллий боғи»да ҳар йили Наврўзга бағишланган республикадаги энг йирик театрлашган томошалар бўлиб ўтади.

Бу тадбирларда санъаткорлар баҳорни кутиб олиш, табиатнинг янгиланиши, инсоний дилларнинг покланишига ва далаларда янги меҳ-

нат мавсуми бошланишига бағишланган куй, кўшиқлар ижро этадилар. Наврўзга бағишланган асосий томошалардан сўнг, шаҳарнинг Мустақиллик майдонида, Халқлар дўстлиги саройида, Алишер Навоий театри, Сайилгоҳ кўчасида, Хадра майдонида ва бошқа жойларда катта халқ сайиллари бўлиб ўтади. Сайилда ҳар ким ўзига ёққан томошалар, танловлар, мусобақалар, концерт ва ўйинларда қатнашиши мумкин. Халқ сайли кечгача давом этади.

Наврўз 1991 йил байрамнинг Тошкентнинг бош майдонида ўтказилган асосий томошасида (сценарий муаллифлари У. Қорабоев, Б. Аминов, Б. Норбоевлар, бош режиссёр Б. Ҳамидов) коинот ва табиат қонунлари асосида қуёшнинг ҳамал буржиги кириши, баҳорги кун билан тун тенглиги, табиатнинг жонланиши, далаларда янги меҳнат бошланишига оид ғоялар ўз аксини топти. Шунингдек байрамда дўстлик, турли миллатларни бирлаштириш, она ватанимиз тарихидан лавҳалар ҳикоя қилиш ғояси кўзда тутилди.

Наврўз томошасининг бошида майдонга Гул, Наврўз, Баҳорой, Деҳқон бобо каби сиймолар кириб келиши қатнашчиларга навбаҳор гўзаллигини ҳис қилишга имкон яратди.

Майдоннинг турли томонларига Тошкентнинг 12 дарвозаси ва қадимги шаҳар рамзи яратилди. Наврўз шаҳрига Ипак йўли бўйлаб турли томонлардан карвонлар кириб келди. Дилларга шуқуҳ бахш этувчи катта томоша бошланди. «Наврўз сюитаси», «Халқлар дўстлиги» томошалари байрамонга кайфият бахш этди.

Байрамда Сурхондарёнинг «Бойсун», Андижоннинг «Сумалак», Самарқанднинг «Бешқарсақ», Бухоронинг «Нозанин» ансамбллари халқ анъаналари, ўйин ва томошаларини жонлантирди. «Бойсун» ансамблининг сув ва деҳқончилик билан боғлиқ қадимий «Суст хотин» номли театрлаштирилган томошаси, ёмғир чақриш одати ифодаланган «Яда тоши рақси», далага кўш чиқариш, биринчи уруғ қадаш каби деярли унут бўлаётган маросимлар тикланиб, бадийий шаклда тақдим этилди (Ўзбекистон санъати. Т. 2001. — 190-бет).

Катта наврўз сайли шаҳарнинг бош майдонида, Халқлар дўстлиги, Алишер Навоий номли театр майдонида, Хадра майдонида эрталабдан кечгача давом этди. Кечқурунги мушакбозлик Наврўз осмонини чарогон этди.

1992 йил. Гулларга бурканган Халқлар Дўстлиги майдони узра Наврўз қуёши чарақлайди. Майдон узра Ўзбекистон байроғи ҳилпирайди, карнай-сурнай, ноғораю чилдирмаларнинг садоси оламни тутади. Минглаб шарлар осмон томон интилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримовнинг Наврўз байрамига аталган табрик нутқи янграйди. Кейин майдон ўртаси-

да оппоқ либосдаги оқлиқ кунларга етган «Она Табиат», ўз дугоналари билан сабзаворий либос кийган «Гулбаҳор», ўз жўралари билан «Наврўзбек» ташриф буюрди. Халқимизда Наврўз севишганлар тўйларига уланиб кетган. Айнан шу анъанани давом эттириб Наврўз куни тўй қилган ошиқлар Тошкент шаҳрида кам эмас экан. Улар Наврўз байрамига тақлиф қилинган. Байрам қаҳрамонлари «Она Табиат», «Наврўзбек» ва «Гулбаҳор» ёш келин-куёвларни қутлашади, бахт тилашади. Байрам эса тобора жўшқин тус олиб, куйларга рақслар, рақсларга кўшиқлар уланиб кетди.

«Шаҳримиз маҳаллаларининг миллий қадриятларимизни намойиш этиб майдонни тўлдириб ўтиши, байрамга айниқса ўзгача шуқуҳ бахш этди. Чавандозларнинг, карвонларнинг майдонга ташрифи эса худди Буюк ипак йўлининг байрамга туташ бўлганини эслатди.

Олам тўла гул эди гўё. Раққосалар — гул, одамлар — гул, дарахтларда гул, ҳар қадамда гул. Мабодо тепадан қараганимизда Халқлар дўстлиги майдони фавворалари кўкка сапчиган, Ўзбекистон миллий боғи бир бутун гулзор қиёфасини олган:

*Гулларни оламга ифор деб сочди
Хуш келибсан элга баҳор, деб сочди
Қанчалар фарахбахш наҳор деб сочди
Бинафшалар билан йўғрилган кўшиқ.*

Наврўз гина-адоватлар унут бўладиган кундир. Ҳамма бир-бирига меҳр кўлини чўзадиган, бу кўллар дўстлик, биродарлик учун маҳкам бирилашадиган кундир. Миллий боғимиздаги байрам дастурхонлари атрофида сумалак тотган турли миллатга мансуб масрур чехраларни кўриб бир қувнайсиз, бир ёнда озарбайжон, бир ёнда корейс, бир ёнда уйғур биродарларимизнинг санъати намойиш этилмай.

Наврўзнинг қуёш нурлари шаҳримизнинг барча майдонларига етиб борди. У ерларда ҳам ҳар бир туман меҳнаткашларининг байрами бўлиб ўтдию гўё Халқлар Дўстлиги майдони улкан бир денгизу ўн бир майдондаги шодликлар унга қуйиладиган ирмоқлар эди. Бутун шаҳар ушбу кун тўйхона бўлди» (Темур Убайдулло. Бинафшалар билан йўғрилган кўшиқ. Тошкент оқшоми. 1992 йил, 23-март).

Халқлар Дўстлиги саройининг ён томонида халқ ўйинлари мусобақалари авжига чиқди. Бу ерда турли азалий ўйинлар, миллий спорт турлари, қизиқарли мусобақалар, тортишувлар, дорбоз, полвон, масхарабозларнинг томошалари, «миллий маросимлар» намойишлари уюштирилди.

Марказий саҳнада эса турли театрлаштирилган томошалар кўрсатилди.

Оҳиста чўккан тун шаҳар узра миллионлаб чироқларни ёқди. Худди денгиз тўлқинларидек

гувиллаётган майдонлар узра қўшиқлар парвоз этаверди. Қўшиқлар рақсларга уланаверди.

Байрам тантаналари республикамизнинг барча шаҳарларида эрта бошланиб, оқшомгача давом этди.

1993 йил. Бу йилги байрамда дунёдаги барча эзгу ният, яхши хислат, фазилат Наврўзга ҳамоҳанг бўлиб уйғунлашиб кетганлигини сезса бўлади. Ватанимиз пойтахти Тошкентнинг Халқлар дўстлиги майдонида қадимги анъаналарга кўра нуроний оқсоқол Наврўз тантаналарига оқ фотиҳа тилади. Бунинг рамзий маъноси, ҳикмати бор, албатта. Ўзбек одатлари бўйича барча тантаналар оқ соқолли қарияларнинг оқ фотиҳаси билан бошланган. Бу йилги байрамнинг асосий ғояларидан бири халқлар ўртасидаги дўстликни тараннум этиш. Зотан, қуёш зиёси билан йўғрилган Ўзбекистон заминида юздан ортиқ миллат вакиллари елкама-елка туриб, истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлидан порлоқ истиқбол сари ладил одимламоқда. Халқлар дўстлиги майдонидаги тантаналарда юртимиз меҳнат аҳли тинчлик ва тотувликни нечоқли ардоқлаётгани, азалий анъаналари, урф-одатларини янги мазмун билан бойитиб, асраб-авайлаб келаётгани яна бир бор намоён бўлди.

Халқлар дўстлиги, Фурқат кўчалари билан Ўзбекистон шоҳкўчаси кесишган жойдаги улкан майдон беназир кўрки ва салобати билан кишини ҳайратга солади. Бугун у байрамона безатилган. Турфа рангли байроқлар, санъаткор қизлар кийган сержило миллий либослар билан уйғунлашиб, мисли чаманзорга айланган. Айниқса Хадра томондан назар ташласангиз, майдон тўрида қад ростлаган бино бағрини очиб, меҳмонларни чорлаётгандек туюлади.

Кошона пойида, мармар зинапоялардан тушаверишда чорпоялар ўрнатилган. Бу ерда баҳмал кўрпачалар ёзилиб, неча-неча наврўзларни қаршилаган отахонлар савлат тўкиб ўтирибди.

Борлиқни карнай-сурнай наволари, чилдирмалар жаранги тутиб, курраи замин тимсоли бўлмиш шар осмону фалакка кўтарилди. Унга она Ватанимиз харитаси, миллий тамғамиз ҳамда байроғимиз тасвири туширилган.

Карнайлар наъраси, доиралар садоси аста-секин узоқлашади. Ранг-баранг байроқ туган туғдорлар орасидан ҳарир либос кийган «Баҳор» қизлари чиқиб келади. Улкан майдон узра Муҳаммадjon Мирзаевнинг машҳур «Баҳор» вальси янграйди.

Республикамизнинг машҳур санъаткорлари ҳамда пойтахтимиз туманларида фаолият кўрсатаётган бадиий ҳаваскорлик жамоалари тайёрлаган «Наврўз гуллари» вокал-рақс композицияси, барча вилоятлардан келган фольклор-этнографик гуруҳлар намоёиш этган халқ қўшиқ ва рақслари, сумалак пишириш, ке-

линсалом каби удумларимиз акс этган томошалар йиғилганларда унутилмас таассурот қолдирди. Шу лаҳзаларда майдонга назар ташласангиз, ўзингизни фасли баҳор оғушида, раққосу-раққосалар, хонандаю-созандалар даврасида — халқ ижодиётининг битмас-туганмас чашмаси қошида тургандек ҳис этасиз.

Халқлар дўстлиги майдонининг ҳар икки томониغا Тошкент шаҳри туманлари ташкил этган савдо расталар ўрнатилган. Тахтасупалар бадиий ҳаваскорлар ихтиёрига бериб қўйилган. Байрамнинг асосий тантаналари сарой пойидаги сахнада кечсада, бу ердаги жамоалар ҳам байрам руҳини янада бойитишга хизмат қилмоқда...

Хўжа Насриддин бошчилигидаги масхарабозлар жар солиб, халқни сайилга чорлайди...

Ўзбекистон миллий боғидаги сайхонликда чодирлар тикилган. Совут-қалқон таққан лашкар ҳазил-мутойиба қилиб ҳордиқ чиқармоқда. Отлар қантариб қўйилган. Катта қозонда ош дамланган, чой қайнаб турибди. Жангу жадал, юриш тўхтатилган. Зотан, бугун — Наврўз. Бу тарихий кўринишда XIV—XVI асрлардаги воқеаларни жонлантиришга ҳаракат қилинган.

Фавворалар отилиб турган боғнинг кўркам гўшалари Тошкентда фаолият кўрсатаётган қозоқ, туркман, тожик, уйғур, корейс, татар маданий марказлари ихтиёрига бериб қўйилган. Турли миллат вакиллари бу ерда ўз анъаналари, урф-одатлари, пазандалик маҳорати ва санъатини намоёиш этмоқдалар...

«Ўзбекистон пойтахтининг Мустақиллик марказий майдонида Наврўз куни эрта тонгдан оқ болаларнинг шўх кулгиси янгради. Кичкинтойлар ва ота-оналарнинг очиқ чехралари майдоннинг байрам безагига ҳамоҳанг эди. Мустақиллик обидасининг икки тарафига жойлаштирилган рангдор расм ва шиорлар, савдо расталарининг ложувард гумбазлари, пайдар-пай отилиб турган фавворалар байрам кайфиятига монанд. Тошкент томошабоғлари майдонда ўз бўлимларини очишган. Майдоннинг қоқ ўртасида от ўйини ва аргимчоқлар ўрнатилган, турли ўйин-кулги қурилмалари болаларнинг шодлигига шодлик қўшади...» (Ўзбекистон овози» газетаси, 1993 йил, 23 март).

1994 йил. Бу йилги Наврўз тантаналарининг асосий қисми Алишер Навоий ёдгорлиги майдонида, бир томони Ўзбекистон миллий боғи, бир томони «Халқлар дўстлиги» саройи ва майдони билан тутшиб кетган улкан сахналарда намоёиш этилди. Меҳмонларга аталиб дастурхонлар ёзилди. Одамлар хурсанд. Овоз кучайтиргичлардан нафис куйлар, баҳорий руҳдаги шеърлар янграб турибди. Байрам шодиёналари болалар ижросидаги қўшиқ ва рақслар билан бошланди. Сўнг энг етук санъаткорлар билан Тошкент шаҳри туманларидан келган ҳавас-

корлар ижросида «Деҳқон байрами» сюитаси ижро этилди.

Қорақалпоғистон ва 12 вилоят вакиллари-нинг фольклор гуруҳларининг чиқишлари ўзига хос бўлди. «Алёр, Наврўз» деб номланган рақсли, театрлаштирилган кўшиқ икки соатлик байрам дастурига яқун ясади. Байрам тантаналарининг давоми пойтахтимизнинг турли гўшаларида давом эттирилди¹.

Байрам Ўзбекистон санъаткорлари ва маданият арбоблари учун ижодий синов ва маҳорат мактаби бўлди. Улар ўзларининг халқ руҳияти, қизиқишлари ва орзу-истакларини қанчалар билишларини намойиш этидилар.

1995 йил. Ўзбекистон миллий боғи ва Халқлар дўстлиги саройига туташиб кетган Алишер Навоий ёдгорлиги майдони бугун ҳар қачонгидан ўзгача манзара кашф этган. Салобат тўкиб турган буюк Навоий ҳайкали, ярим доира шаклида қурилган уч минг нафардан зиёд томошабин ўтирадиган муваққат жой, унинг атрофида қад кўтарган 6 мовий гумбаз, товусдек товланувчи матодан ясалган безаклар, ўртадаги улкан сахна ва бу ердан Навоий ёдгорлиги пойгача чўзилган намойишгоҳ, шабадада ҳилпираб турган ранг-баранг байроқчаларни кўриб бутун вужудингиз байрам шукуҳига тўлади...

Шодиёналар аввалида республика Президентини Ислоҳ Каримов Ўзбекистон халқини гўзал баҳор айёми — Наврўзи олам билан муборакбод этиб, табрик нутқи сўзлади.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида Наврўз тарихи, унинг бугунги кунда нафақат ўзбек халқи, балки республикамызда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари томонидан ҳам бирдек умумхалқ байрами сифатида нишонланаётгани хусусида гапирди. Дарҳақиқат, бу айём ўлкамиз истиқлоли туфайли янгича мазмун касб этган ҳолда, халқлар дўстлиги, биродарлик, қон-қардошлик байрамига айланди.

Сўнг Наврўзга бағишланган томошалар бошланди. Ранг-баранг либослардаги йигит-қизлар сафи карнай-сурнай ва ногора садолари остида ҳазрат Навоий пойгоҳидан томошагоҳ сари йўл олди.

Кейин сахнада «Муқаддима» ва 4 қисмдан иборат «Коинот», «Сув», «Қуёш», «Ер» деб номланган театрлаштирилган томошалар бошланди. Пойтахтнинг машҳур санъат усталари, иқтидорли ижрочи ёшлари тайёрлаган ажойиб томошаларда оламнинг яратилиши, сув тириклик рамзи, қуёш тафтининг шарофати, ер — она замин ҳақидаги қадимий афсоналар жонланди. Гуллар тебраниши янглиғ рақслар, дилрабо кўшиқлар, меҳнат, эзгулик ҳақидаги шеърлар қалбларни тўлқинлантирди (Ўзбекистон овози. 1995 йил, 22 март).

Олам бунёд бўлишида муҳим ўрин тутган тўрт унсурдан бири — сувга эътиқод бизга

бобомеросдир. У покликка, ҳалолликка бўлган интилишлардан пайдо бўлган. Истиқлол халқимизга моддий ва маънавий бойликларни тиклаш ва қадрлаш имконини берди. Қадим аждодларимиз — сўғлардек кийинган қизлар елкаларида сопол кўзачалар билан сахна айланади, сувни улуғлаб, кўшиқ айтади. Ёғоч тулпор кийган болалар рақсга тушади, қизчалар бир-бирларига ёруғлик ва эзгулик рамзи бўлган сувни сачратиб ўйнайдилар.

Куй кўшиққа, кўшиқ рақсга, рақс олқишга уланади. Томошагоҳ узра қуёш тимсолидаги ҳаво шари юксалади. Қуёш — инсониятнинг, ернинг мураббийси. Қуёш рамзи бўлган раққос етти сайёра — қизлар қуршовида сахнага чиқди. Қуёшга сизинган кўҳна аждодларимиз ёдга тушади. Куй, ғазал ва рақсларда ҳақиқат, озодлик, ҳаёт, абадият рамзи бўлган офтоб мадҳ этилади.

Сахнадаги томошанинг навбатдаги қисми инсоният ватани — она-ернинг яратилишига бағишланди. Мустақил Ўзбекистон ер харитасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллагани рақс ва кўшиқларда ифода этилди.

Сахнага ер сайёрасининг рамзи — табиатнинг турфа ранглари акс этиб турган либосдаги қиз кириб келади ва чарх уриб рақсга тушади. Турли халқлар ва элатлар санъати намойиш қилинади. Турли хил миллий либослар кийган йигит-қизлар Ўзбекистондаги барқарор муҳит, миллатлараро тотувлик, халқлар дўстлигини куй ва мақомларда улуғлайдилар. Қозок, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, корейс, украин, рус ва бошқа халқлар миллий санъатидан кўрсатилган лавҳаларда Наврўз умумхалқ байрами сифатида тараннум этилади.

Ниҳоят, майдонга Наврўзой ташриф буюради. Бойчечаклар, лолалар ранго-ранглиги кўзни қувонтиради. Майдон четида юксак тоғ ва адирлар, қизғалдоқзорлар манзараси пайдо бўлади. Чархпалак етти хил рангда товланиб айланади. Уруғлик солинган қопларни орқалаб норғул йигитлар кириб келади.

Турфа хил байроқлар, ранг-баранг гуллар ва сержило либослар ўзаро уйғунлашиб, бу беназир маскан бамисоли жаннатий гулзорга айланган. Қизиқчиларнинг ичак узди аскиялари, масхарабозлар кўрсатаётган томошалар сайил аҳлини хушнуд этди. Майдоннинг бир неча жойида тикланган дорларда дорбозлар муаллақ туриб томоша кўрсатди. Унданда юксакда — булутларга ёндош жойларда рангин варрақлар парвоз қилади... («Халқ сўзи». 1995 йил, 22 март). Бу олқишлар Наврўз тантаналари бадиий раҳбари ва бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев, бош рассом — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Георгий Брим, сценарий муаллифи Хуршид Даврон, театрлаштирилган сахналар бош режис-

сери, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Наби Абдурахмонов, балетмейстерлар — Юлдуз Исмадова, Дилафрўз Жабборова, Қодир Мўминов ва бошқа кўплаб таниқли санъаткорлар, ташкилотчиларга ҳам тегишли эди, албатта. Ўзбек давлат филармониясининг «Шодлик», «Зарафшон», «Лазги» халқ ашула ва рақс ансамбллари, Ўзбекистон халқ артистлари Фуломжон Ёкубов, Ортиқ Отажонов, Аҳмаджон Шукуров ва бошқа таниқли санъаткорларимиз меъёрига етказиб ижро этган лавҳаларни томошабинлар узоқ эслаб юрсалар керак...

Хуллас, 1995 йилги томоша ҳаётнинг яратилиши Наврўз билан боғланади. Жумладан, Наврўз Коинот, Куёш, Ер, Сув яратилган кун сифатида тақдим этилди. Томошанинг ҳар бир қисмида Ер, Сув, Етти сайёра, Баҳорой, Деҳқонбобо сингари рамзий образлар ҳақида фалсафий-бадиий фикрлар ўз аксини топди (Ўзбекистон санъати. Т. 2001. — 190—191-бетлар).

Наврўз тантаналари пойтахтимизнинг Мустақиллик, Халқлар Дўстлиги майдонларида, Амир Темур ва сайилгоҳ хиёбонларида, Мирзо Улуғбек, Хадра, Алишер Навоий театри майдонларида, истироҳат боғларида кенг нишонланди.

1996 йил. Элимизга яна Наврўз келди!

Ҳаётбахш ерларда яшаш ва яшариш фаслининг илк чечаклари униб чиқаётган Ватанимиз остонасида халқимизнинг азалий ва орзули байрами Наврўзи олам яна эшик қоқиб келди.

Бугун диёримизнинг ҳамма бурчакларида Наврўзни муносиб кутиб олишга тайёргарлик ниҳоясига етди. Пойтахтимизнинг асосий байрамлар маскани — Мустақиллик майдони, Сайилгоҳ, Халқлар Дўстлиги, Алишер Навоий номидаги театр, Улуғбек, Хадра майдонлари байрамга ҳар жиҳатдан тахт қилиб кўйилди.

Наврўз инъом этган хуш кайфият, байрамона руҳ бугун озод Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида, жумладан, Пойтахтнинг Алишер Навоий номидаги миллий боғда ҳукмрон.

Мамлакат Президенти Ислоҳ Каримов Ўзбекистон халқини гўзал баҳор айёми — Наврўз билан муборакбод этиб, табрик нутқи сўзлади.

Майдон узра байрам садоси янгради. Карнай-сурнайларнинг дилларни қитиқловчи овози атрофни тутди. Наврўз тантаналари бошланиб кетди. Ранг-баранг байроқлар кўтарган йигит-қизлар томошагоҳ сарҳадига тизилдилар.

Байрам муқаддимаси «Наврўз келур» деб аталиб, унда бу байрамнинг келиб чиқиши, халқ орасида сақланиб қолган ривоятлар асосида театрлашган томоша ҳавола этилди.

Биринчи қисм — «Сумалак афсонаси» номли вокал-хореографик саҳнада сумалакнинг келиб чиқишига оид гўзал афсона билан бошланди.

«Бободехқон — барака рамзи» деб номланган иккинчи қисмда меҳнат мавсумининг бошланиши, деҳқоннинг ризқ уруғини сепиш манзаралари акс эттирилди.

«Наврўз ва Аямажуз» номли учинчи қисмда қувноқ ва қайғули тарзда ёруғлик ва қоронғулик, эзгулик ва ёвузлик, иссиқлик ва совуқлик ўртасидаги доимий рақобатчилик бадий образда акс эттирилди.

«Амир Темур Наврўз сайлида» номли тўртинчи қисмда саҳнага соҳибқирон Амир Темур ташриф буюрди. Бу бежиз эмас. Чунки 1996 йил — Амир Темур йили. Соҳибқироннинг 660 йиллик айёми яқинлашаётгани ҳам Наврўз тантаналарига ўзгача файз бахш этмоқда. У музаффар юришлардан сўнг ҳар галгидек Наврўз сайлида иштирок этишни ихтиёр этган. Гўё у асрлардан кечиб ўтиб, бугунги авлодни шодиёна айём билан қутлаётгандай. «Аразлар унутилсин, тантаналар бошлансин» — Темурнинг бу амридан сўнг карнай-сурнай садолари атрофни тутди. Куч адолатда эканини таъкидлаган улуғ Амир элларни тинч-тотув яшашга, омонликка даъват этди («Ўзбекистон овози» газетаси, 1996 йил, 22 март).

«Наврўз сайли — Турон карнавали» номли бешинчи қисмда республикамизнинг турли вилоятлари намояндалари ўз санъатларини намойиш этдилар. Улар Тошкенту Фарғонанинг, Андижону Сурхондарёнинг, Жиззаху Навоийнинг, Намангану Хоразмнинг, Бухорою Қашқадарёнинг, Самарқанду Сирдарё, қондош Қорақалпоқнинг Наврўз анъаналарини тарғиб этдилар.

Тошкент шаҳар туманлари байрам карнавалига ўзига хос туҳфа тайёрлашди. Ҳар бир туман туркий халқлар тақвимидаги бир ҳайвон ёки паррандага оид саҳна кўринишлари билан байрамга кириб келдилар. Жумладан, Юнусобод тумани «Товуқ» йили мучали бўйича ўз билим ва топқирликларини намойиш этишди.

Ана от аравада хўроз ва товукнинг катта рамзий макетлари ўтмоқда, орқадаги аравада катта «тухум». «Тухум»нинг тенг қисми синдирилган, унда «жўжа» чиқиб, барчани байрам билан қутлаб, қичкириб қўяди. Театрлаштирилган «Парранда ҳаққа» саҳна ўйинини ҳаваскор артистлар юморга бой қилиб ижро этишди.

«Қушлар байрами» ҳақиқий табиат, кўнгил очиш байрами сифатида саҳнага олиб чиқилди. Шаҳарнинг турли гўшаларидан таклиф этилган қуш боқувчилар ўзларининг тўти, конорейка, товус, каптарлари билан байрам қатнашчиларига завқ улашдилар. Хўроз уриштириш ўйинлари айниқса, табиийлиги билан ажралиб турди.

Томошаларда Республикамиз театрлари жамоалари, Ўзбек Давлат филармониясининг таниқли ансамбллари, Ўзбек Давлат цирки, Ўзбе-

кистон телерадиокомпанияси қошидаги бадий жамоалар, М. Уйғур номидаги Тошкент давлат маданият институти, Тошкент маданият техникуми, Республика хореография билим юрти жамоалари қатнашдилар.

Алишер Навоий номидаги боғ мемориалида ўтган асосий байрам дастурини Йўлдош Муқимов сценарийси асосида санъат арбоби Рустам Ҳамидов бош режиссёр сифатида тайёрлади.

1997 йил. Наврўз! Кўкламга интиқ дилларнинг оламга сифмаган қувончи. Илк бор назарга тушган бойчечакни кўнгил кўзларига суркаб яна бир баҳорга етказгани учун Яратганга шукрона айтаётган момоларнинг юзларидан балқиб турган нур.

Наврўз дарахтлар шохларидан бўртиб-бўртиб чиқаётган хонадон куртакларнинг, пастда елларга елпиниб турган хушхўл майсаларга салом! Сочларига толбаргак таққан қизалоқларнинг изларига тўкилиб қолаётган кулгу...

Наврўз! Наврўз ҳаммамизни яратишга, меҳнат қилишга, ерга уруғ қадашга чорловчи кўкламнинг жарангидир. Меҳнат қилган одам эса ўзи ҳам эккан ниҳоли билан бирга ўсиб боради. Кўнгилдан гуллаб, қалбида офтоби балқиб бо-раётган одам ифодан, ҳасаддан йироқ бўлади. Меҳнат кўнгил эҳтиёжига айланган жойда замин гўзал, одам гўзал... («Тошкент ҳақиқати», 1997 йил, 21 март).

Наврўз баҳор, ободончилик, меҳр ва муруват байрами бўлгани учун унга бутун республикамизда пухта тайёргарлик кўрилади. Кенг миқёсда ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

«Наврўзнама» деб аталган бу йилги байрамда Ўзбекистон қуёш ўлкаси экани, унда меҳнаткаш инсон ва янгилашниш улуғланиб келингани тараннум этилди. Томоша мазмунида образли — рамзий шаклда Қуёш, Инсон, Ниҳол, Мучаллар тимсолларидан фойдаланилган. Айниқса, томошадаги 12 мучалга бағишланган вокал хореографик композиция мазмунга мос гўзал шаклга эга бўлган.

Майдонда улкан шарлардан ясалган 12 мучал пайдо бўлади. «Мучал» деб номланган вакил рамзи хореографик композицияда ҳар бир буржнинг ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи қўшиқ ва рақсларни ижро этади. Бу йил тақвимга кўра сигир — яъни, қут-барака йилдир. Сигир тилидан айтилган

*Ерга дон сочган мўл — бўлди,
Элга сут бердим — кўл бўлди,*

деган сўзлардан ҳам ана шу теран маъно зохир...

Мўътабар она байрам қатнашчиларини, барча юртдошларимизни қутлайди, дуои фотиҳа қилади. Она тилаги, дуоси, албатта ижобат бўлади, дейдилар.

Туронзамин халқлари қадим-қадимдан Туркистонни умумий уйимиз, деб биладилар. Мустақиллик йилларида ана шу тарихий дўстликни янада мустаҳкамлаш, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш йўлида кўп саъй-ҳаракат қилинди. Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатлари ўртасида ягона иқтисодий макон барпо этилди. Байрамда ушбу мавзу ҳам тараннум этилди.

Қуёш юксалиб, тобора мўл-кўл нур сочади. Шунда юракда Ўзбекистон аталмиш муқаддас юртимиздан яратганнинг назари, меҳр-саховати ҳеч қачон дариг бўлмасин, бошимиз узра қуёш абадий нур сочсин, меҳнаткаш халқимиз бунданда ёруғ, фаровон кунларга эришаверсин, деган тилак уйғонади.

Шу кунни азим Тошкентнинг барча майдонларида, маҳалларида, хиёбону мавзеларида байрам шодиёналари давом этди. Ўйин-кулги, мусиқа садолари тинмади. Дошқозонда сумалак, ҳалим қайнади. Наврўз неъматлари шаҳар меҳмонларига тарқатилди. Саховатпеша халқимизнинг бағри кенглиги, кўнгил очиклиги яна бир қарра намоён бўлди... («Халқ сўзи», 1997 йил, 22 март)*.

1998 йил. Наврўз нафақат инсон ва табиатнинг, балки миллий ва қадимий урф-одатларимизнинг ҳам янгилашниш давридир.

Кўпкари, кураш каби спорт турлари, чиллак, хўроз уриштириш, арқон тортиш ва бошқа бир неча ўйинларимиз ҳам шу кундан бошлаб қайта «жонланади». Улоқ чопиш, курашда голиб бўлишнинг ҳам ўзгача гашти бор. Улкан мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида — маҳалла-ю овул, қишлоқ ва шаҳарларида, қиру адирларида бугун ўзгача шуқуҳ, ўзгача кайфият. Ана шундай шуқуҳли ва янгилашниш байрамини ота-боболаримиздан бизга ажойиб мерос бўлиб қолган ажойиб миллий ўйинларсиз тасаввур этиб бўлмайди... («Ўзбекистон овози», 1998 йил, 22 март)*.

Бу йилги байрам дастури «Табиатнинг тўрт фасли», «Бола бахти — оила бахти», «Ўзбекистон — алплар, алпомишлар юрти», «Ўзбекистоннинг ранг-баранг гулдастаси», «Халқ ижодиёти — санъат сарчашмаси» деб номланган бўлимлардан иборат бўлди.

Ҳар фаслнинг ўз хислати, ўз фазилати бор. Оқ либосга бурканган раққосалар қишнинг изғиринларини эслатса-да, юрагингизда илиқлик уйғотади. Чунки оқ ранг ҳаминиша поклик рамзи бўлиб келган. Табиатда оқдан сўнг кўклик — баҳор бошланади.

Баҳор байрами бошида Президентимиз барчани Наврўз билан қутлаб, 1998 йил — Оила

* Бу театрлаштирилган томоша сценарийси муаллифи — Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, бош режиссёр — Ўзбекистон халқ артисти Рустам Ҳамидовнинг сидқидилдан қилган ижодий меҳнатлари самарасидир.

йилига диққатимизни қаратди. Чунки ҳалоллик, ростгўйлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, ор-номус, шарму ҳаё оилада шаклланади. Оила Шарқда азал-азалдан муқаддас даргоҳ ҳисобланади. Юртбошимиз бу ҳақда «Оила ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насларга бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи...» эканлигини таъкидлади.

Саҳнага болалар, нуруний отахон ва онахонлар кириб келди. Чақалоқнинг йигиси эшитилди. Наврўз ва чақалоқ. Янги кун ва янги инсон. Она замин яшараяпти. Ҳаёт янгитдан бошланяпти. Бу йил Йўлбарс йили. Саҳнада йўлбарс пайдо бўлади. У ҳамиша паҳлавонлик ва мардлик тимсоли бўлиб келган. Йўлбарс йилида дарёлар сувга тўлади, ҳосил мўл бўлади, дейишади. Йилнинг серёғин келиши, қорнинг ҳар йилгидан анча кўп ёғиши бу гапларнинг тўғри эканлигини исботламоқда.

От чопса гумбулар тоғнинг дараси. Майдонда карнай садолари янграйди. Саҳнага галаба билан қайтган Алпомиш ва унинг аял йигитлари кириб келади. Уларни Ойбарчин ўзи каби гўзал ва доно қизлар даврасида кутиб олади. Турли спорт ўйинлари, полвонларнинг чиқишлари кўрсатилади. Балки Наврўз бундан минг йиллар бурун Алпомиш туғилиб вояга етган Боботоғ этақларида худди бугунгидек байрам қилингандир. Балки Алпомиш билан Ойбарчин Наврўз мусобақаларида от чоптириб, кураш тушиб, эл оғзига тушгандир.

Бу йил буюк ватандошларимиз Имом ал Бухорий ва Аҳмад Фарғоний таваллудлари халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Шу куни Наврўз тантаналари пойтахтимизнинг Мустақиллик, Халқлар дўстлиги, Мирзо Улуғбек, Хадра, Алишер Навоий номли театр олди майдонларида, Амир Темур хиёбонида, Сайилгоҳ кўчасида, истироҳат боғларида ҳам нишонланди («Халқ сўзи». 1998 йил, 22 март).

2000 йил. Баҳор ва уйғониш, янгиланиш ҳамда эзгулик, меҳр-муҳаббат, қадр-оқибат, хайру-саховат рамзи — Наврўзи олам қутлуғ қадами билан юртимизга кириб келди.

Кўҳна тарихимиз, қадим маданиятимиз, миллий ўзлигимизнинг мужассам тимсоли, инсон руҳини ва қалбини янгилайдиган, покиза орзу-ҳавасларни уйғотадиган, биз ҳамиша мунтазир бўлиб кутадиган мана шу фазилатли айём билан барчангизни чин дилдан муборакбод этамиз!

Наврўз айёмида одамзод ҳаёт абадийлигини, умрининг мазмун-моҳияти, савоб ва эзгу ишларининг қадр-қимматини айниқса, теран аниқлайди.

Офтоб ерни қиздириб кўклам шабадалари эсганда, дарахтлар куртак очганда одамнинг

юрагида мудраб ётган саховат, шафқат, меҳр-оқибат туйғулари уйғонади.

Бева-бечора, муҳтож одамлар ва оилаларга кўмак бериш, уларнинг аҳволидан хабардор бўлиш, ҳаёт ҳузур-ҳаловатларидан уларни баҳраманд қилиш, меҳр-мурувват кўрсатиш каби эзгу интилишларимиз, уйимиз, маҳалламиз ва юртимизни обод этиш айна Наврўз кунларида намоеън бўлиши халқимиз табиатига мос.

Янги меҳнат мавсуми бошланадиган бу ажиб дамларда ризқ-рўзимиз бунёдкори — бободоҳқон яхши ниятлар билан даласига уруғ сочади.

Наврўзи олам кунларида халқимиз ўзининг табиатга яқинлигини, қадрдонлигини янада чуқур ҳис этади, ям-яшил яйловлар, тоғлар бағрида сайил-томошалар ўтказиб, шу кунларга етказгани учун Оллоҳга шукроналар айтади.

Баҳорнинг сумалак, ҳалим каби тансиқ неъматлари тортилган Наврўз дастурхони атрофида ҳамиша қариндош-уруғлар, ёру-биродарлар, узоқ-яқиндан келган азиз меҳмонларнинг очиқ кўнгил, ёруғ юз билан жамулжам бўлиши — бизнинг азалий одатимиз.

Бугунги улуғ айёмнинг асрлар давомида элимиз учун энг азиз ва ардоқли байрам бўлиб келаётганининг албатта ўз сабаблари бор.

Наврўзи олам ўз моҳияти, ўз руҳи, ўз нафаси билан халқимизнинг олижаноб қалбини, унинг асл табиатини ифода этади.

Шунинг учун ҳам ҳеч қандай куч Наврўзни на зўрлик, на алдов билан халқимиз хотирасидан, маънавий ҳаётимиздан ўчира олди.

Наврўз руҳи халқимизнинг бутун дунё билан ҳамжихатликда тинч-тотув яшаш, ҳар қандай зўравонликни рад этиб, эзгу мақсадларни қўллаб-қувватлашга бўлган олижаноб интилишларида, умуминсоний қадриятларга бағоят уйғун эканида яққол намоеън бўлди.

Бугунги эркин ва озод ҳаётимизда Наврўз янгича маъно касб этаётгани, юртимизда яшаётган юздан ортиқ миллат ва элатларнинг ҳам қутлуғ байрамига айланиб, уларнинг ижодкорлик намуналари билан бойиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир.

Бунинг яна бир тасдиғи — ҳазрат Навоий номи билан аталган мана шу гўзал боғимизда, сайил майдонида ўтказилаётган бугунги тантана ва томошалардир.

Асрларни боғлаб турувчи 2000 йил Наврўзи Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов табриги билан бошланди. «Карнай чақирувчи» байрам муқаддимаси — «Ватан Наврўзи», «Йил фасллари», «Кўш тили» лавҳаларига бадиий «кўприк» бўлди.

Кўк бағрига ранго-ранг шарлар учирилди. Саҳна устида кабутарлар парвози чарх урди. Узоқ ўтмишдан «хикоятлар сўйловчи» най садоси, булбул «чаҳ-чаҳи»дан қалблар жунбушга келди, «Ватан» кўшиғи янгради.

«Наврўз ҳикматларидан...» лавҳасида «Ўзбек бола», «Тонг гунча», «Доира», «Тантана», «Турналар» куй, кўшиқ ва рақслари ўз аксини топди.

Жажжи болажонларнинг шўх-шўх куй-кўшиқлари садоси остида олам мисли ўз беғуборлигини, болалигини намоеън этди. Айниқса, уларнинг «юртим осмонидан кетманг турналар» — дея митти қўлларини силкитганини кўрган ҳар бир инсон қалбида ҳам ўша кезде «Тарк этманг Ватаним!» — деган хитоб янграгандек эди. Аслида бу — «Соғлом авлод йили»нинг соғлом авлодлари даъвати эди. Фидокор газетаси, 2000 йил, 23 март).

«Наврўз сайли»да «Самодан садо», «Уйғон, она заминим», «Ер ўғлони», «Эшик олди беш терак», «Сумалак», «Келин салом», «Дўппи тикдим», «Қилпиллама», «Бозорбойнинг хотини», «Тўёна», «Наврўз» бадиий лавҳалари акс эттирилди.

«Ҳар гўшаси муқаддас диёр» номли қисмда барча вилоятлар ва Қорақалпоқ Наврўзларидан бадиий-рақсли кўринишлар кўрсатилди.

«Кўклам навалари» эстрада блокада Ўзбекистон ёш эстрада юлдузлари ўз санъатини намойиш этишди.

2001 йил. 2001 йил томошаси ўзининг рамзий беага билан ажралиб туради. Тадқиқотчилар Д. Раҳматуллаева, Б. Шодиевлар бу байрамнинг поэтик нафосати ҳақида қуйидагиларни ёзадилар: Миллий боғдаги асосий саҳна, унинг атрофи, Алишер Навоий ёдгорлиги зиналари, зина ва асосий саҳна ўртасидаги кўприклар, шунингдек майдон устидаги фазо ҳам қамраб олинган. Ҳамма ёқда бир-бири билан ҳам мазмунан, ҳам бадиий жиҳатдан боғланган байрам манзаралари намоеън бўлади: декорация ва либослар, ниқоблар, ҳаракатланувчи қуришлар, байроқлар, пуфлаб шиширилган қиёфалар, табиий ва ясама гуллар ажиб бир манзара яратади («Ўзбекистон санъати». Т. 2001., 191—192-бетлар).

Наврўз муқаддимасида майдонга «Наврўзи олам келди», «Карнай чақирuvi» ёрдамида «Баҳор уйғониши» содир бўлди. Жумладан, «байрамга чорловчи мусикий оҳангларга табиатнинг уйғониши, борлиқнинг ёшариши, қушларнинг чуғур-чуғури, жилғаларнинг шилдираши уйғунлашиб кетади. Кўкка учирилган ранг-баранг шарлар ажиб камалак ҳосил қилади, фурсат ўтмай, рангин камалак алвон бутутга айланиб кетади. Навоий ҳайкали гумбази қуёш мисол атрофга заррин нурларини таратади, бутун майдон гулларга бурканади, улар устида рангин капалаклар қанотларини ҳилпиратиб учади» (Ўзбекистон санъати. Т. 2001, 191—192-бетлар).

2001 йил республикамизда «Она ва бола йили» деб эълон қилингани боис театрлашган

томоша «Она ва бола» суҳбати билан бошланди. Отларни елдек учуриб кириб келган «Жарчилар чиқиши», уларнинг «байрамга чорлови ва шаҳарнинг қадимий рамзий дарвозасидан кириб келган бадиий жамоалар, дорбозлар, қўғирчоқбозлар, чавандозлар, масхарабозлар, полвонлар, кўйингчи, барча қадимий ва замонавий касб эгалари ўз маҳоратларини намойиш этадиган саҳнавий кўриниш ўзига хос мутаносиблик ва шиддатли ҳаракат билан ўз ўрнини келгуси саҳнавий кўринишга бўшатиб беради. Саҳнадаги воқеаларнинг шиддатли ҳаракати, мазмунан ва моҳиятан бир-бирини тўлдириши томошага яхлитлик бағишлайди» (Ўзбекистон санъати. Т. 2001, 191—192-бетлар).

Бу йил ватанимизда «Авесто»нинг 2700 йиллиги нишонлангани учун қадим тарихимизнинг илк даврлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Авесто» ҳақидаги саҳна кўринишлари, шунингдек, Наврўз билан боғлиқ қатор яратувчилик удумлари «Деҳқонлар рақси», «Ҳаёт завқи» томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Алишер Навоий «Наврўз куйчиси» сифатида ҳам тарихда машҳур бўлган. Шунинг учун байрамда шоирнинг бу борадаги ижодидан «Ҳар кунинг ўлсун Наврўз», «Сараҳбори Бузрук», «Ҳазрат Навоий», «Арзи ҳол», «Кўшчинор», «Уфори мустағзоди Наво», «Барҳаёт Навоий» каби лавҳалар бадиий томошавий шаклда ифодаланди.

Наврўзни ҳаммадан кўп болалар севса керак. Шунинг учун болалар Наврўзи ҳақида «Умид чечаклари», «Соғлом авлод», «Онажон ва болажон», «Лайлак», «Гулгунчалар», «Келди Наврўзи олам», «Жажжи гўзал», «Юрт ишқида ёнаман», «Лола» мавзулари куй ва кўшиқ, рақсларда ўз аксини топди.

«Ўзбекистон — алплар диёри» қисмида «Алпомиш авлодлари» ҳақида халқ термалари янгради.

«Ҳар гўшаси муқаддас диёр» номли қисмда ҳар бир вилоятнинг ўзига хос хусусиятлари, удумлари, ўзига хос санъати намоеън бўлди. Тошкент вилоятининг «Ўзбекистон гуллари», «Тошкентим», «Вензеля», «Айлонаман»; Фарғонанинг «Чақалоқни қутлаш», «Аския пайровлари», «Келин бойланди», «Дўққи-дўққи»; Андижоннинг «Жононим менинг», «Омон ёр», «Бу Андижон элидур»; Наманганнинг «Ёр айланай», «Ҳо-ҳо ялли»; Сирдарёнинг «Сардобага Наврўз келди»; Самарқанднинг «Келин салом», «Наврўзим», «Кутлов»; Жиззахнинг «Жиззахим», «Наврўз сайли»; Бухоронинг «Бухоро тўлқини», «Доира рақси; Сурхондарёнинг «Баҳши ва қиз айтишуви», «Бойчечак»; Қорақалпоғистоннинг «Ҳайдар тўйи»; Қашқадарёнинг «Наврўз келди, чиқчо-чиқ»; Хоразмнинг «Олма пишганда галинг» каби ранг-баранг,

сержило куй, қўшиқ, рақслари барчани мафтун этди.

Агар Тошкент вилояти чиқишлари халқлар ўртасидаги дўстлик, байналминалликнинг ёрқин тимсоли сифатида намоён бўлса, фаргоналикларнинг аскияси, сурхондарёликларнинг халқ термалари, қорақалпоқларнинг халқ қўшиқлари, қашқадарёликларнинг халқ термалари, хоразмликларнинг машҳур халқ қўшиқларининг ҳар бирида воҳаларнинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлди. (Ўзбекистон санъати. Т. 2001. — 191—192-бетлар).

«Кўкдам наволари» қисмида таниқли артистлар ва ёш хонандалар Наврўз қўшиқларини кенг оммага намоёиш этишди. Бу йилги Наврўз ҳам «Хуш келибсан, Баҳор» номли анъанавий қўшиқ билан яқунланди. Байрамни тайёрлаш ва ўтказишда республика ижодий-ташкилий гуруҳининг раҳбари Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи Баҳодир Абдурахимовнинг хизмати катта бўлди.

2002 йил. Кўз очиб юмгунча йил айланиб, яна Наврўзи оламни қаршиладик. 2002 йил Наврўзи ўзбек халқи учун бахт ва тинчлик айёми сифатида тарихга кирди.

Мустақиллик муждаси бўлиб, ҳаётимизга кириб келган Наврўз ўн иккинчи бор ўлкамизда умумхалқ байрами сифатида нишонланди.

Она-Ўзбекистонимиз пойтахти Тошкент, айниқса, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи Наврўз байрами шодиёналари бошланадиган муқаддас гўша сифатида яна меҳмонларни ўз бағрига олди. Бу ерга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, хорижлик меҳмонлар ташриф буюришди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов юртимиз фуқароларини умрбоқий байрам—Наврўзи олам билан қутлаб, нутқ сўзлади: «Яхшиликка интилиш, бизга ато этилган умрнинг ҳар лаҳзасини эзгуликка бахшида этишимиз, мухтож бўлиб яшаётган одамларга меҳрибонлик, саҳоват, мурувват кўрсатишимиз, шу билан бирга савоб ишни ҳар кун ва савоб ишни ҳар ким қилиши керак» деган шиоримизни мана шу кунларда янада кўпроқ амалий ишлар билан исботлашимиз лозим.

Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган янги ҳаёт, эркин ва фаровон турмуш барпо этиш йўлида кейинги ўн йил давомида қанчадан-қанча довонлардан ўтдик. Мен мана шу хосиятли айёмда бир ҳақиқатни ҳаммамиз чуқур англаб олиш имизни истардим, яъни инсон, оила ва жамият, авлод ва миллат тақдири, бугунги ва эртанги бахту саодати, ёруғ ва буюк келажаги барчамизнинг қўлимизда» — дер экан юртбошимиз бу

олижаноб мақсадларга етиш учун бирдамлик ва аҳиллик доимо бизларга сув ва ҳаводек зарур эканлигини эслатиб ўтдилар.

Президентимизнинг оқ фотиҳаси билан байрам шодиёналари бошланиб, карнай-сурнай, доираю ногора садолари оламни тутди.

Қорақалпоқ қардошлар ва вилоятларнинг энг сара санъаткорлари бирин-кетин ўз санъатларини намоёиш этиб, байрам қатнашчиларини хушнуд қилдилар.

Бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутоийба қўшиқлар, халқ термалари, аския пайровлари, дорбоз ва масҳарабозлар, полвонлар санъати, театр томошалари миллий урф-одатларимиз, қадимий удумларимиз Наврўз билан ғоят чамбарчас боғланганлигини намоён этди.

«Наврўз» умумхалқ байрами томошаси дастури муқаддима ҳамда олти фаслдан иборат бўлиб, адабиёт, санъат, маданият арбобларининг теран билими, топқирлиги ва маънавий салоҳиятининг ёрқин намоёиши деса бўлади.

«Наврўз сайли» фаслида халқимизнинг қадимий урф-одаглари асосида байрамнинг нишонланиши кўрсатилган бўлса, «Ҳаёт чечаклари» фаслида болалар ва ўсмирларнинг баҳор ва бахт ҳақидаги қўшиқ ва рақсларига кенг ўрин берилган.

Дастурнинг «Шаҳрисабз яшил диёрим» фасли Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига бағишланди. Хуршид Даврон сўзи Мустафо Бафоев муסיқаси билан ижро этилган «Оқсарой» қўшиғи, Қашқадарё вилояти йиғма бадийий жамоалари ижро этган Халқ термаларидан Амир Темур тугилган юрт шуқуҳи намоён бўлди.

«Санъатим намоён айлар диёрим» фаслида республикамизнинг барча вилоятлари ўз санъатларини намоён этиш имконига эга бўлдилар.

Дастурнинг «Куйла, ўйна, ҳур Ўзбекистоним» деб номланган фасли эстрада санъатимизнинг энг сара вакиллари ижодидан таркиб топган бўлиб, томошабинлар Фаррух Зокиров, Юлдуз Усмонова, Насиба Абдуллаева, Руслан Шарипов, Рашид Холиқов, Маҳмуд Номозов, Нилуфар Раҳматова, Иззатилла Иброҳимов ҳамда «Фаёд», «Аъло», «Ситора», «Анор» гуруҳларининг жонбахшида қўшиқларидан баҳраманд бўлиб, раққосаларнинг гўзал хиромларидан завқ олдилар.

Наврўз тантаналари Тошкентнинг серфайз майдонларию, дилтортар боғларида, сайилгоҳларида кечга қадар давом этди.

Ўзбекистонимизда бу йилги Наврўз ҳам тинчлик-омонлик, осмонимиз мусаффолиги тўкин-сочинлик, халқимиз тантилигининг яна бир ёрқин тимсоли бўлди. Зеро тинчлик барқарор бўлган юртдагина Наврўз ҳақиқий байрамга, эл ҳаётининг, орзу умидларию ниятларининг чин намоёишига айланади.

Марказий Осиё халқларининг энг катта байрами бўлган Наврўзнинг тарихи, анъаналари ва ҳозирги кўринишларига мурожаат қилар эканмиз, унинг ижобий томонлари ва маънавий аҳамиятига алоҳида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Аввало, шунга айтиш керакки, байрам — ҳаётнинг йирик ҳодиса, воқеа, саналарини нишонлаш учун имкониятлар яратилган кун ҳисобланади. Шу боисдан бўлса керак, Беруний байрамларни ҳаётдаги «энг муҳим кунлар» деса, Маҳмуд Қошғарий байрамларни «шодлик ва хурсандчилик куни» деб таърифлайди. Дарҳақиқат, байрам шундай руҳий-эмоционал кайфиятни вужудга келтирадиган табирдирки, унда ҳамма (бошқа кунларга қараганда) хурсанд, шод ва бахтиёр бўлади. Бу ҳолат Наврўз байрамида ҳам кўзга яққол ташланади.

Иккинчидан, байрамлар ҳаётнинг давоми ҳисобланса-да, бироқ у вақтнинг бир маромдаги ҳолатини бузиб, унга муайян меъёр бахш этади. Шу сабабли, қадимдан байрамлар (маълум вақтда такрорланиб тургани учун) ўзига хос вақт ўлчови ҳисобланган. Чунончи, Наврўз йил бошини нишонлаш вақти келганда, одамлар яна бир йил ўтганлигини чуқурроқ ҳис қилганлар. Шундай экан, байрамлар вақтни чуқур ҳис қилиш, эъзозлаш, қадрига етишга шароит яратган.

Учинчидан, халқ байрамлари, жумладан, Наврўз ҳаётнинг энг яхши томонларини акс эттирадиган кўзгу бўлиб келган. Чунончи, кишилар Наврўз байрами куни энг яхши одатларни намойиш қилиб, гўзал либос ва кийимлар кийишган, лаззатли таомлар тайёрлашган, ўзларидаги қобилият, ижодий ҳаваскорликни намойиш этганлар ҳамда кўтаринки кайфиятда бўлганлар. Дейдиларки, Наврўз куни ёмонлар — яхши, хасислар — сахий, хунуқлар—гўзал, гўзаллар янада гўзал бўлиб кетишар экан.

Тўртинчидан, Наврўз озодлик ва эркинлик куни ҳисобланган. Чунки бу кун меҳнат қилиш айб ҳисобланган, одамлар кундалик иш, вазифа, бурч, ташвишларидан озод бўлганлар. Байрам кунлари барча қийинчиликлар, дарду аламлар унутилган, кишилар ўзларини шоду хурсанд бўлишга шайлаганлар. Бу куни одобсиз-

лик, ўғрилик, зўравонлик, фисқу фасод каби ярамас одатлар унутилган.

Бешинчидан, Наврўз куни тенглик ҳукм сурган. Ҳамма бир қозондан овқат еб, бир хил томоша кўрган, бир хил сайлгоҳларга чиқиб, сайр қилишган.

Олтинчидан, Наврўз куни — тинчлик куни ҳисобланган, урушлар тўхтатилган. Халқ одатларига кўра, бу куни хафачиликлар унутилган, ўзаро аразлашганлар ярашган, танишлар дўстлашган, ҳамжиҳатлик, дўстлик руҳи барқарор бўлган.

Еттинчидан, Наврўз кунларида вужудга келган руҳий кўтаринкилик кишиларни эртанги кунга яхши умидлар боғлашга, порлоқ келажакка ишонч билан қарашга, ҳаётни янада гўзал қилишга ундаган. Бу байрам арафасида кишилар бир-бирларини табриклашган, ютуқлари билан қутлашган, ишларига муваффақиятлар, омад ва бахт тилашган.

Мустақиллик шароитида шўролар даврида тақиқланган Наврўз тикланиб, ривож топди. У мустақиллик гоёлари билан сўғорилиб, янада мазмунан бойиди. Мустақиллик Наврўзи халқимиз учун:

- табиат билан бирга руҳий покланиш омили;
- аҳоли ўртасида меҳр-мурувват, дўстлик, аҳиллик, биродарликни мустаҳкамлаш омили;
- турли миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, тотувликни ривожлантириш омили;
- табиий бойликларни сақлаш, ривожлантиришга чорлаш омили;
- атроф-муҳит (маҳалла, қишлоқ, шаҳар кўчалари, маъмурий бинолар, боғлар)ни тартибга солиш, ободонлаштириш омили бўлиб қолди.

Тарихий анъаналар асосида Наврўз байрамини уюштириш бўйича бой тажриба вужудга келди. Наврўзнинг асосий йирик шакли — театрлашган мусиқали-хореографик томоша халқ сайли бўлди. Наврўз халқимиз учун покланиш, уйғониш, янгиланиш ва маънавий камол топиш байрами бўлиб қолмоқда. Қадимий Наврўз ўзининг буюк моҳиятини сақлаб, янги мустақиллик гоёси билан бойиб, аҳиллик, тотувлик, халқларнинг бирдамлиги ва дўстлиги байрамига ҳам айланди.

КОНСТИТУЦИЯ КУНИ

Ер юзидаги барча кишилар азал-азалдан эркин, озод ўз ҳуқуқларига эга бўлган ҳолда яшашга интилади. XX асрга келиб, инсон эркинликлари ва ҳуқуқлари долзарб масалага айланди. 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси кишилик жамияти тарихида муҳим ҳодиса бўлди. Ин-

соннинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари билан боғлиқ умум эътироф этилган бундай қоидаларга демократик жамият барпо этиш йўлида интилаётган дунёдаги ҳар бир давлат ҳурмат билан қарайди. Дунёдаги барча халқлар ўз конституцияларида инсон ҳуқуқларини акс эттиришга ҳаракат қиладилар. Ўзбекистон Конс-

титуцияси ҳам Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг деярли барча қоидаларини ўзида акс эттирган. Шунинг учун Ўзбекистон Конституциясини инсон ҳуқуқлари бўйича ўзига хос ўзбек декларацияси дейиш мумкин.

Конституция¹ барча давлатнинг Асосий Қонунидир. Бу асосий қонунда ҳар бир давлатнинг номидан тортиб, унинг фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари, давлат органлари, уларнинг тизими ва ҳоказолари тўғрисидаги умумий маълумотлар ўз аксини топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мустақил юртнинг биринчи Конституцияси ҳисобланади. Унга қадар амал қилинган конституциялар тўғрисида бундай деб бўлмайди. Чунончи Шўро ҳукмронлиги даврида мамлакатимизда 10 га яқин конституция жорий қилинган эди. Улар: Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг 1918 ва 1920 йиллардаги, Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикасининг 1920—1921 йиллардаги, Ўзбекистон ССРнинг 1927, 1937, 1979 йилги Конституцияларидир. Мазкур Конституцияларнинг барчасида пролетариат диктатурасини ўрнатиш, давлат органларини тузишга синфий ёндашиш ва коммунизм қуриш асосий мақсад қилиб қўйилган эди. Улар асосан, марказда тайёрланиб, сўнгра мустамлака қилиб олинган ўлкаларга олиб келинган конституциялар эди. Мазкур Конституцияларда қонун ва мавжуд ҳаёт воқелиги бир-биридан жиддий фарқ қиларди.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси энг илғор мезонлар асосида ишлаб чиқилганлигини жаҳон тан олмақда. Конституция яратилишида учта асосий манбага: биринчидан, миллий ҳуқуқий меросимизга, иккинчидан, умуминсоний ҳуқуқий қадриятларга, учинчидан, хорижий мамлакатларнинг тарихий ва замонавий конституциялари тажрибасига таянилган.

Конституцияда энг аввало, ўзбек миллатининг тарихий анъаналари, ҳуқуқий тафаккури ўз аксини топган. Қадимий «Авесто», сўғд ҳужжатлари, Низомулмулкнинг «Сийёсатнома», Бурҳониддин Марғинонийнинг «ал-Ҳидоя»си, Амир Темурнинг «Темур тузуклари» каби тарихий манбалар мамлакатимиз конституциясини яратишда замин бўлган.

Бизнинг Конституциямиз Ўзбекистоннинг мустақиллик қомуси ҳисобланади. Чунки у давлатимиз мустақиллигини ҳуқуқий кафолатлайдиган ҳужжат бўлиб, унинг биринчи боби мамлакатимизнинг давлат суверенитетини эътироф этишдан бошланади. Иккинчидан, асосий қонунимиз — миллий конституция. Чунки унда

миллий ғоя, миллий истиқлол мафкураси акс этган. Учунчидан, Конституциямиз миллий давлатимизнинг — ҳуқуқий асоси яратилди. Мустақилликдан сўнг янги давлат органлари тизими Конституция асосида тузилди. Давлат ҳокимиятининг уч соҳаси: қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятлари тубдан шакллантирилди. Демак, Конституциямиз янги миллий ўзбек давлатчилигимизнинг асосидир («Моҳият» газетаси 2001 йил, 8 декабрь).

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қадриятларнинг устунлик мавқеи «шахс — жамият — давлат» тартибида белгиланган бўлиб эркин, онгли, мустақил шахс — фуқаролик жамиятининг таркибий қисми; фуқаролик жамияти — мустақил уюшган халқ ҳокимиятининг чинакам манбаи ва ифодаловчиси; суверен, демократик, ҳуқуқий давлат — шахс ва жамият манфаатлари ҳамда ҳуқуқлари ҳимоячисидир» («Халқ сўзи», 2000 йил, 8 декабрь).

«Биз қонун устуворлигига эришгандагина ўзимиз учун мақсад қилиб қўйган адолатли, эркин жамият, фарован ҳаёт барпо этишимиз мумкин. Шундай экан, жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор.

«...Мен Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўргатишни, мактабларда дарслик тариқасида ўқитишни, олий ўқув юртларида махсус бир дарс сифатида ўргатишни бугун барча мутасадди раҳбар ва ташкилотларимизга топшириқ тариқасида айтмоқчиман», — деган эди Президент И. Каримов («Халқ сўзи». 2000 йил 8 декабрь).

Ўзбекистонда Конституция кунини байрам қилишни ташкил этиш бўйича ўзига хос анъаналар пайдо бўлмоқда.

Байрам арафасида барча муассасаларда Конституцияга бағишланган анжуманлар бўлиб ўтади. Уларга ҳуқуқшунос олимлар, суд, прокуратура, ички ишлар ходимлари, ҳуқуқшунослар таклиф этилади. «Асосий қонун», «Ўзбекистон Конституцияси — Мустақиллик кўзгуси», «Ҳақиқат қомуси», «Конституция ва давлат», «Конституция менинг тақдиримда», «Мустақил давлатнинг биринчи Конституцияси», «Конституция — янги миллий ўзбек давлатчилиги асоси», «Конституция ва инсон эркинлиги», «Конституция ва ёшлар ҳаёти» каби мавзуларда суҳбатлар, савол-жавоблар, адабий мусиқали тадбирлар бўлиб ўтади. Кўпгина ташкилотларда, ўқув юртларида ош бериш маросими ўтказилади. Маросимда эл-юрт манфаати йўлида фидойилик билан хизмат қилган ходимларга мукофотлар берилади.

Президентимиз И. Каримовнинг Фармонларига мувофиқ, мустақиллик байрами арафаси-

¹ «Конституция» лотинча сўз бўлиб. «ўрнатаман» деган маънони англатади.

да фидокорона меҳнати, сарҳадларимиз дахл-сизлигини сақлаш, ишлаб чиқариш ва маънавийтни юксалтириш борасида эришган муваффақиятлари учун турли соҳа ходимлари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланади.

Конституция байрами арафасида эса Президентимиз Оқсарой қароргоҳида уларга ана шу мукофотларни тантанали топширади.

Анъанага кўра, 7 декабрь — мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун арафасида пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида ўтказиладиган тантанали маросимга мамлакатимизнинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари йиғилишади. Анжуманда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлайди. Келгуси йил қайси мавзуга бағишланишини эълон қилади. Конституция арафасида 1999 йил «Аёллар йили», 2000 йил «Соғлом авлод йили», 2001 йил «Оналар ва болалар йили», 2002 йил — «Қариялар йили» деб эълон қилинган. Тантанали маросим санъат усталарининг катта концерт дастурлари билан яқунланади.

Конституция қабул қилинган кун — 8 декабрь дам олиш кунини деб белгиланган бўлиб, у умумхалқ байрами сифатида нишонланади. Маданият, санъат ва дам олиш муассасалари, сайилгоҳларда аҳолининг байрамона дам олиши учун кўплаб тадбирлар уюштирилади. Тошкент шаҳрининг Мустақиллик майдони, Миллий боғ, Улуғбек боғи, Хадра майдони сайилгоҳ ҳиёбонларида катта сайиллар бўлиб ўтади.

Давлат рамзлари. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг рамзларга эътибор кучайди. Давлат Конституцияси билан бирга, унинг байроғи, герби ва мадҳияси ҳам шу мамлакат фуқаролари учун муқаддас ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида ҳам давлат байроғи қабул қилинган кун — 1991 йил 18 ноябрь, давлат герби тасдиқланган кун — 1992 йил 2 июль ва давлат мадҳияси қабул қилинган кун — 1991 йил 10 декабрь бўлиб, юртимизда ҳар йили шу кунлари давлат рамзларига бағишланган махсус тадбирлар ўтказилади. Мазкур тадбирлар ичида байроқ байрами алоҳида ўрин тутаяди ва бу байрам йил сайин тобора кенг нишонланмоқда.

Байроқ байрами. Ҳеч бир байрамни байроқларсиз тасаввур қилиб бўлмайдди. Байроқ барча байрамларнинг ғоявий-рамзий беағи саналади. Байрам кунлари шаҳар, туман, маҳалла ва кишлоқлар маркази, маъмурий бинолар пештоқи, таълим ва маданият муассасалари, кўчалар, истироҳат боғлари ва гавжум жойлар ҳар

бир давлатнинг миллий байроғи билан безатилади. Бу мамлакатнинг асосий рамзига буюк ҳурмат белгиси саналади.

Кейинги пайтларда мамлакатимизда ҳам давлатнинг бу муқаддас рамзига бағишланган махсус тадбирлар, байрамлар пайдо бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи 1991 йил 18 ноябрда Олий Кенгашнинг навбатдан ташқариги VII сессиясида тасдиқланган.

Ватаннинг энг биринчи тимсоли байроқдир. Қадим-қадимдан Ватаннинг бу тимсоли муқаддас саналган. Дунё давлатлари тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг рамзларида ўша мамлакат халқларининг орзу-истаклари акс этгани аён бўлади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, икки ой ўтиб, унинг давлат байроғи қабул қилинди. Байроғимиздаги 12 та юлдуз коинотдаги ўн иккита буржнинг рамзидир. Маълумки, қуёш 12 та буржни бир йилда бир марта тўлиқ айланиб ўтади. Бу жараён доимий давом этади. Зангори, оқ ва яшил ранглар абадийлик ва тириклик рамзидир.

Ҳар йили 18 ноябрда республикамизнинг кўпгина муассасаларида, жамоат ташкилотларида, ўқув юртларида Ўзбекистон байроғига бағишланган турли тадбирлар, суҳбатлар ўтказиш одат тусига кирмоқда.

Шу кунини ўқув муассасаларида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»-ги Қонун тарғиб қилинади. Қонуннинг 5-моддасида давлат байроғи доимий суратда кўтарилиши лозим бўлган ташкилот, корхона ва идоралар ўз аксини топган. Қайси маросим ва тадбирлар кунини байроқ кўтарилиши лозимлиги аниқ кўрсатилган. Қонуннинг мазкур моддасига биноан давлат байроғи 45 даража бурчак ҳосил қилган тарзда кўтарилиб, ердан камида 2,5 метр баландликда бўлиши керак.

Байроқ кунини миллий байроқлар тарихи, мустақил Ўзбекистон давлат байроғининг рамзий белгилари ҳақида суҳбатлар олиб борилади, давлат рамзлари ҳақида куй ва қўшиқлар янграйди.

Давлат мадҳияси кунини. Энг улуғ ва энг азиз байрамларимиз, мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим тарихий воқеалар, халқаро анжуманлар, учрашувлар ва бошқа йирик тадбирлар шуқуҳли тарона — Мадҳия садолари остида бошланади. Жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаётган, мамлакатимизга келлаётган таниқли давлат ва ҳукумат раҳбарлари, машҳур сиёсат арбоблари мадҳиямиз садолари остида кутиб олинади ва кузатиб қўйилади. Жаҳон миқёсидаги ареналарда спортчиларимиз эришяётган оламшумул ғалабалар шарафига, ҳарбий қисмларда аскарларимиз Ватанга садоқат ҳақида қасамёд қабул қилаётган унутилмас дақиқаларда Ўзбекистон мад-

ҳияси ижро этилади. Байроғимиз қўтарилаётган ҳаяжонли дамларга ҳам ватанимиз мадҳияси оҳанглари алоҳида тантанаворлик бахш этади.

Ўқувчи ва талабаларнинг кундалик дарс машғулоти ҳам Ўзбекистон Қаҳрамони, машҳур шоир Абдулла Орипов шеърига машҳур композитор Мутал Бурхонов басталаган мусиқа жўрлигида — Ўзбекистон Мадрҳияси

ижроси билан бошланиши яхши одатга айланган.

Ватанимиз мадрҳияси юртдошларимиз қалбида она-Ватанга муҳаббат туйғуларини улғайтиради, ёш авлодни шу жонажон юртга чексиз меҳр-муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Давлат герби байрами ҳам мамлакатимизда анъанага айланмоқда.

ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ

Ўрта Осиё халқлари, кўпгина шарқ мамлакатларидагидек, ҳозирги кунда икки янги йилни, яъни боболар одати бўйича анъанавий «йил боши» — «Наврўз»ни ва Европанинг ҳамма мамлакатларида расмий қабул 1 январни янги йилнинг кириб келиши деб байрам қиладилар.

Янги йил бутун дунёда, жумладан Ўзбекистонда ҳам қизиқарли ва мазмунли байрамга айланмоқда. Бу байрам турли халқларда турли вақтда нишонланишидан қатъий назар, мунтазам равишда ўтказилиб туриладиган, муайян астрономик ритмда ернинг қуёш атрофида бир марта тўлиқ айланиши, тўрт фасллик табиат йилининг яна такрорланиши кабилар билан боғлиқ. Бир йилда ер қуёш атрофида 940 миллион км йўлни босиб ўтади (Бу секундига 40 км демакдир). Ер қуёш атрофини 365 кун 5 соат 48 дақиқа, 46 сонияда айланиб чиқади. Демак, коинот ва табиат қонуниятларига кўра ерни қуёш атрофида бир марта тўлиқ айланиб чиқишини нишонлайдиган сана бу — янги йил байрамидир.

Янги йилнинг қисқача тарихи, мелоддан 4 минг йил илгари Мисрда мукамал қуёш календари (тақвими) жорий этилган. Бу тақвим бўйича Сирус юлдузининг чиқиши, Нил дарёсининг тошиши, ёзги кун-тун тенглиги вақтида Янги йил бошланган.

Рим императори Юлий Цезарь мелоддан олдинги 46-йилда Мисрликлар тажрибаси асосида янги Юлиан календарини яратган. Бу календарга қуёшнинг «туғилиши», куннинг узая бошлаши, қуёшнинг қиш буржидан чиқиб янги буржга кириши асос қилиб олинган. Бироқ, рим консуллари жойларга бориб, 1 январдан иш бошлаши кераклиги учун бу сана янги йил боши деб қабул қилинган.

1582 йилда рим папаси Григорий календарини ислоҳ қилади. Чунки Юлиан календариди ҳар 128 йилда 1 кеча-кундуз йиғилиб, бу 10 кунни ташкил этадиган бўлган эди. Григорий календарни 10 кун олдинга суради. Шундан кейин турли мамлакатлар аста-секин Григорян календарига ўта бошлашади. Ҳозирги даврда у дунё бўйича умумқабул қилинган календарь ҳисобланади.

Дунёда янги йилнинг киришини 1 январь

деб қабул қилинган бўлсада, бироқ уни кутиб олиш турли мамлакатларда ҳар хил вақтга тўғри келади. Масалан, Эфиопияда янги йил сентябрнинг ўрталарида, Бирмада эса, апрель ойида байрам қилинади. Индонезиянинг баъзи оролларида янги йил байрами 10 кун давом этади ва ҳар йили турли ойларда нишонланади. Ҳатто баъзи бир мамлакатларнинг ўзида Янги йил турли ойларда нишонланади. Масалан, Ҳиндистоннинг Жанубида Янги йил март ойида, Шимолда — апрель ойида, Фарбада — октябрь ойида, Керала штатида эса гоҳ июль, гоҳ августда кутилади. Кўпгина шарқ халқларида юқорида айтилганидек, баҳорнинг кириб келиш вақти — «Наврўз» 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси байрам қилинган, у ҳозир ҳам йил боши ҳисобланади.

Янги йилни нишонлаш турли мамлакатларда қадимдан турлича одатлар билан ўтади.

Италияда янги йил кирар кун деразадан барча эски нарсаларни улоқтиришар экан.

Кун чиқар мамлакат — Японияда эса, янги йил кунни ярим тунда қўнғироқдан 108 марта зарб берилади. 100 ва 8 рақами Японияда бахтли ҳисобланади. Қўнғироқнинг сўнгги зарбидан кейин ҳамма ётиб ухлайди. Унинг барча шаҳар ва қишлоқларидаги аҳолиси 1 январь кунни тонг отишини кўриш учун кўчаларга чиқади. Янги йил қуёш чиқиши билан кутиб олинади. Қуёшнинг биринчи нурлари ерга етганда японлар бир-бирларини Янги йил билан табриклаб, ўзаро совға алмашади. Кечгача кўчалар одамлар билан гавжум бўлиб, қўшиқлар, турли ўйинлар ва бошқа томошалар уюштирилади. Кечки пайт японлар уй-уйларига қайтадилар ва ўз оилалари даврасида байрамни давом эттирадилар. Байрам бутун январь ойи давом этади. Янги йил японлар учун фақат байрам бўлибгина қолмай, балки туғилган кун ҳам ҳисобланади. Янги йил арафасида идишларга тоза сув тўлдирилади. Бамбук ва қарағай новдалари осиб кўйилади, гуручли шўрва, сельд балиғидан тайёрланган таомлар тортилади.

Кубада ярим тунга яқин кўзалар сувга тўлдирилади. Соат миллари 12 ни кўрсатгач, сув ерга тўкиб ташланади. Бу эски йил бахт олиб келганлигини ҳамда Янги йил ҳам сувдай тиниқ

ва тоза бўлиши лозимлигини маъносини англатади. Ҳар бир кубалик 12 донадан узум ейиши шарт, бу йил бўйи бахтиёр бўлайлик, деган маънони англатади.

Шотландияда Янги йил куни истаган киши хоҳлаган хонадонга меҳмонга кириши мумкин. Фақат бир шарт бор, у ҳам бўлса, — меҳмоннинг қўлида бир бўлак кўмир бўлиши керак. Меҳмон уйга киргач, кўмирни оловга ташлайди, шу билан у, бу хонадонда узоқ вақт олов ўчмаслигининг тарафдори эканини билдиради.

Корея қишлоқларида Янги йил киргандан сўнг кўчаларда оммавий сайил бошланиб, қизлар ўртасида баландликка сакраш бўйича мусобақа ўтказилади.

Руминияда Янги йил дастурхонига варақилар пишириб қўйилади. Одатга кўра, унинг ичига танга, узук, митти чинни, қўғирчоқ ва қалампирга ўхшаш нарса солинади. Уни еган одам ўзининг «бахт» ва «иқбол»ини синайди. Варақидан гаримдори чиқиши шўр пешоналик ҳисобланар экан.

Венгрияда Янги йил дастурхонига парранда гўшти қўйилмайди, чунки парранда учади, оилада шу куни парранда гўшти ейиш барақани, бахтни учирай эмиш.

Гвинеяда Янги йилнинг биринчи кунини кўчаларда филларни етаклаб юриш одати бор.

Кенияда Янги йилда сувда чўмиладилар, қайиқда сайр этиб, хурсандчилик қиладилар.

Суданда Янги йил куни одамлар бир-бирларига ёнғоқ ҳаёя этадилар, бу — йил давомида бахт сизга ҳамроҳ бўлсин, деганидир.

Хитойда эса, Янги йилни қадимдан «Ой календари» бўйича январь охири, февраль бошида нишонлашади. Шу куни эски удумларга асосан кишилар бир-бирига пул солинган қизил конверт совға қиладилар. Янги йилда «Йўлбарс» маросим рақси жуда тантанали ва узоқ давом этади.

Вьетнамда Янги йил тунда кутилади. Кеч тушиши билан вьетнамликлар боғ ва кўчаларда гулханлар ёқиб, бир нечта оила ушбу гулхан атрофида йиғилади, ҳамда турли таомлар пиширишади.

Бирмада Янги йил йилнинг энг иссиқ пайтида кириб келади. Шунинг учун бу байрам Бирмада Сув «фестивали» номини олган. Сув фестивалида хоҳ кичик, хоҳ катта киши бўлсин, ҳамма бир-бирига сув сепеди. Бу одат бахт тилаш рамзий маъносини билдиради.

Ирландияда Янги йил кириб келиши олди-дан кечга яқин барча хонадонлар эшиги очилади ва истаган киши исталган уйга меҳмон бўлиб кириши мумкин. Шу кеча соат 11:30 да улар ўз шаҳарларининг марказий хиёбонларига йиғилиб, қўшиқлар айтадилар, ўйнайдилар ва сайр қиладилар.

Мўғулистонда Янги йил чорвадорлик байрами билан бирга кириб келади. Улар байрамда қўй гўшти пиширишади, чучвара тайёрлашади, уларнинг эътиқодича ким кўп овқат еса, узоқ умр кўради. Байрамда чаққонлик ва ботирлик мусобақалари ўтказилади.

Болгарияда эса, одамлар байрам дастурхонлари атрофида йиғилганларида уч дақиқа чирок ўчириб қўйилади. Бу дақиқаларда барча Янги йил ниятларини «кўнгилга тугади».

Қадимдан кўпгина халқлар (кўпроқ шарқда) Янги йилни эрта баҳорда ёки кузда кутиб олишган. Славянларда ва бошқа христиан халқларда қишни кузатиш ва баҳорни кутиш вақтида мартда «Масленица» Янги йил байрами нишонланган. Христиан дини тарқалиши билан эса у «Византия системаси» бўйича кузда, 1 сентябрда нишонланганидан бўлган. Россияда янги йилни 1 январда байрам сифатида нишонлаш илк бор Пётр I томонидан 1699 йилда жорий этилган. Пётр I Янги йилни «Лотин одати бўйича» кутиш ҳақида Махсус фармон бериб, унда 1 январь кирар кечаси гулханлар ёқиш, уйни яшил ўсимликлар (арча) билан безаш ҳақида, кишилар янги йил билан бир-бирини табриклашларига даъват этган. Шундай қилиб, Россияда 1700 йилдан бошлаб 1 январь Янги йил байрами сифатида нишонлана бошланган.

Шўролар даврида ҳам Янги йил кутиб олинган бўлса-да, 1947 йилдан буён 1 январь — Янги йил байрами — дам олиш куни деб эълон қилинган.

Ўрта Осиёда бу байрам XIX аср охирида бу ердаги Европаликлар томонидан нишонлана бошланган бўлса ҳам, бу янги байрам — Янги йил ўзбек ҳаётига ҳам XX асрда сингиб кетди. Ҳозир эса, 1 январь — Янги йил ўзбек халқининг ҳам энг севимли ва қувноқ байрамига айланган.

Ўзбекистонда Янги йил байрами қиш чилласи ва *Ялдо кечаси* билан боғлиқ халқ анъаналарининг давомига айланиб кетди.

Маълумки, 21 декабрдан 22 декабрга ўтар кечаси энг узун тун (17 соат) содир бўлади. Қишнинг бу энг узун ва қоронғи кечасини *Ялдо кечаси* дейишган.

Элшунос олим Билол Аминов ёзган маълумотларга қараганда: *Ялдо кечаларини* халқимиз ҳатто зориқиб кутишган. Қиш кезлари ҳафта сайин гап-гаштак ейилган ..., даврага тўпланганлар ширингуфторлик билан суҳбат қурганлар, сандал атрофида жам бўлиб палов ёки норин тановул қилишган. «Ялдо кеча»ларида гап-гаштак ўйнаган хонадон соҳиби меҳмонларни тўкин дастурхон тузаб кутиб олган. Қўй сўйилиб, тандир нонлар ёпилган. Қишга асралган қовун-тарвузлар, узуму-анорлар омборлардан олиб чиқилиб дастурхонга пешма-пеш тортиб турилган.

Бу кечаларда бировни иғво қилиш, гина қилишга мутлақо йўл қўйилмаган. Ахилу-иноқ давра улфатлари кеча давомида бировнинг қизини турмушга бериш, қийналиб қолган оила бўлса ёрдам қилиш, тўй ва маъракаларни қандай ўтказиш каби муаммоларни ҳал этишган.

Ялдо кечаларида кексалар алоҳида, ёшлар алоҳида, оила, бола-чақаликлар алоҳида ўз давраларида тенг танишлари билан гурунг қурганлар.

Хотин-қизлар ҳам ўз тенгқурлари билан кўнгили очишган, ғазалхонлик, баҳри-байт, мушоиралар қилишган, рақс тушиб, кўшиқлар хиргойи қилишган, дутор-доира чалиб, ўйинкулгини қизитганлар.

Маҳалла чойхоналарида ҳам *Ялдо кечаси* ўтказилиб, гап-тўкма ташкил этишган. Бундай гап-тўкмаларга сайёҳлар, ўзга юртлик мусофирлар, олиму-фозиллар, шоиру-қаландарлар қатнашганларки, улардан одамлар кундалик ҳаётдан, сиёсат ва маърифатдан янгиликлар тинглаб, маънавий-маърифий озиқ олганлар. Овози ширали шикаста халқ ашулалар «Гулёра-хон — гулёра» каби кўшиқларни айтиб, ўйинга тушганлар («Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил, 21 декабрь).

Ялдо кечаси энг узоқ тундан ташкил топгани учун уни *севишганлар кечаси* деб ҳам қабул қилишган. Ялдо кечаси шарқ поэзиясида ўзининг муносиб аксини топган. У хусусда шарқнинг атоқли шоирлари Ғузулий, Навоий, Бобур ва бошқалар шеърлар битишган. Бу кеча ошиқлар ўз ёрларига совға-салом, ширинликлар ва бошқа нарсалар ҳадя этишган. Ёш келин-куёвлар тунни мароқ билан ўтказишга ҳаракат қилишган.

Янги йил қишки чилла вақтида нишонланади. Халқимизни қишки чиллага оид одатлари: гап-гаштаклар, меҳмоннавозликлар, қишки сайрлар, олов ўйинлари, китобхонликлар, эртақхонликлар, достонхонликлар уюштирилган. Олимлар ва шоирлар бу вақтда фаол ижод билан шуғулланишган.

Янги йил байрамнинг ижтимоий моҳияти шу билан изоҳланадики, унда кишилар ўтган йилга яқун ясашади ва кириб келаётган янги йилга яхши умидлар боғлаб, янги режалар тузишади.

Янги йил арафасида барча меҳнат жамоаларида тантанали мажлислар ва қизиқарли арча байрамлари уюштирилади. Тантанали маросимларда ўтган меҳнат йилида эришилган муваффақиятлар таъкидланади, йил бўйи ишда намунали фаолият кўрсатганлар тақдирланади, уларга пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар топширилади, шу билан бирга, камчиликлар таҳлил қилинади, уларнинг сабаби аниқланади, янги йил учун мажбуриятлар олинади.



Янги йил байрами.

Янги йил арча байрамни қувноқ ашулалар, дилрабо куйлар, шўх ўйинлар, оммавий рақслар бадий-маънавий жиҳатдан безайди. Арча базми байрами — бу ўзига хос ҳақиқий карнавал ҳамдир. Унга кўпчилик турли образларни гавдалантирувчи ниқоблар ва либосларда ташриф буюришади. Албатта, арча байрамнинг анъанавий қаҳрамони бўлиб қолган Қорбобо, қорқиз шодиёнаннинг бошқарувчиларига айланишади. Арча карнавали мазмунининг янада қизиқарли ўтишида Насриддин Афанди, Качал полвон, Ялмоғиз кампир, Бўри, Куён, Тулки, Айиқполвон, Фолбин, Авлиё ҳамда тарихий ва адабий афсонавий шахслар образидagi қаҳрамонларнинг иштирок этиши муҳим ўрин тутди.

Одатда, театрлаштирилган арча байрамни қуйидаги тартибда ўтказилиши диққатга сазовордир.

Ўзбекистон шароитида ташкил қилинадиган кўпгина арча байрамлари Насриддин Афанди ва унинг ёрдамчилари — қизиқчилар Хўжа Али ва Али Хўжанинг тантана бўлаётган жойга ҳазил-мутойиба билан кириб келишидан бошланади. Улар йиғилганларни Янги йил билан табриклашади, маҳаллий ҳаётдан олинган қизиқарли кулги-ҳикоя ва интермедиялар ижро этишади.

Янги йилга бағишланган базмнинг асосий анъанавий қисмида арча атрофига Қорбобо ва Қорқиз таклиф қилинади. Улар ёрдамида арча «ёқилади» ёритилади. Қорбобо ва Қорқизнинг арча атрофида бажарадиган асосий ҳаракатлари орасида топишмоқлар, қизиқарли воқеалар ва латифалар айтишлари, арча базми қатнашчиларига ёки конкурс-викторина голибларига совғалар топшириш маросимлари алоҳида ўрин тутди. Шунингдек, эртақ ва афсоналар қаҳрамонлари иштирокида қизиқарли ўйин, рақс, ашулаларга бой саргузаштли театрлаштирилган томоша кўрсатиш анъанага айланган. Тантана характери эртақка ўхшаб кетса ҳам, кўпин-

ча унинг мазмунига маҳаллий жой, мазкур жамоа ҳаётида учрайдиган воқеалар асос қилиб олинади.

Арча байрамнинг кейинги қисми бал-маскарадга айланиб кетади. Қорбобо бал-маскарад қатнашчиларини бирма-бир таништиради ва уларнинг ҳар бири билан номер (монолог, шеър, ашула, рақс) ижро этади. Сўнг оммавий рақс ва ўйинлар авжига чиқади. Бал-маскарад якунида Қорбобо ва унинг ёрдамчилари «Энг яхши либос ва ниқоб эгасига», «Энг яхши ижро учун» деган (олдиндан жорий этилган) рамзий нишонларни ғолибларга тантанали тарзда топширади ва уларга байрам мукофотларини тақдим этади.

Янги йил арафасида, қиш чилласи кириши билан республикамиз шаҳарлари кўркига кўрк кўшилади. Ўзбекистон шаҳарларининг марказий ва катта майдонларида баланд арчалар ясадиблиб, унинг атрофида 10—15 кунлар чамасида кубноқ томошалар кўрсатилади. Тошкентдаги марказий Мустақиллик майдонида ҳар йили Ўрта Осиёдаги энг баланд 20—25 метрли арча безатилади. Унинг атрофидаги қизиқарли томошалар, шўх ўйинлар, кубноқ конкурслар ва дилрабо концертлар пойтахт меҳнаткашлари ва меҳмонларини хушнуд этиб, кайфиятга кайфият кўшмоқда.

Республикамизда энг катта аудиторияга эга бўлган бу арча байрамида Қорбобо, Қорқиз, доктор Войжоним, чол ибн Ҳаттоб, Хўжа Насриддин ва Ялмоғиз кампир, Шайтонлар, Аждаҳо, Одамхўр, ўлмас Кошчей иштирокида театрлаштирилган томоша анъанага айланган.

Байрам арафасида: шаҳарнинг бош «Мустақиллик майдони»да ва бошқа йирик майдонларида (Театр майдони, Сайилгоҳ хиёбони, Хадра майдони каби жойларида), туманларнинг катта майдонларида, маданият ва истироҳат муассасалари («Туркистон» саройи, Санъат саройида, Алишер Навоий, Маннон Уйғур, Муқимий, Ёш томошабинлар театрларида), истироҳат боғларида (Миллий боғ, Боғи Эрам, Фурқат, Улуғбек), йирик ресторан ва кафеларда арчалар ўрнатиблиб, махсус безатилади. Агар олдинги даврларда янги йил базмлари кўпроқ Европача (аниқроғи шимоли-ғарбий) анъаналар билан безатилса, кейинги даврларда шарқона қиш фазилатлари билан безашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ишлаб чиқариш корхона, ташкилотларида Янги йилнинг охириги кунлари жамоаларнинг янги йил базм-йиғилишлари бўлиб ўтади.

Янги йил арафасида мактаб ва олий ўқув юртлиридаги қишқи таътил ўқув жамоаларидаги Янги йил тадбирлари билан бошланади. Шаҳар бозор майдонларида «Мева ва сабзавотлар ярмаркалари» (савдо-сотиқ) бошланади.

Янги йил арафасида маданият ва санъат муассасаларига жиддий масъулият юкланиб, асосан улар арча байрамини уюштиришга киришади. Республикамиздаги деярли барча театрлар, концерт ташкилотлари ва спорт муассасалари Янги йил кириши арафасида болалар ва ўсмирлар учун махсус, катта театрлашган томошалар тайёрлаб, уни то 10 январгача намойиш қилишади. Профессional ва бадий ҳаваскорлик жамоалари байрам арафасида халқ олдида ўзларининг йиллик ижодий фаолиятига бағишланган ҳисоботлари асосида дастур-концерт ва спектаклларини намойиш қилишади.

Янги йилни қизиқарли ва мазмунли кутиб олишни таъминлашда, айниқса, клуб муассасалари ҳамда маданият ва истироҳат боғларининг хизмати катта. Уларнинг қизиқарли ва ранг-баранг томошалари — янги йил дастурлари 20 декабрда бошланиб, мактаб ўқувчилар таътиллари билан бирга (10—12 январь) ниҳоясига этади.

Масалан, Тошкент шаҳар истироҳат боғларида янги йилга бағишлаб ўтказиладиган қизиқарли, ранг-баранг оммавий тадбирлар диққатга сазовордир. Истироҳат боғларида 20 декабрдан то 10 январгача куйидаги дастурларни, яъни: «Қиш гўзаллиги» номли адабий-музиқий кеча, «Сеҳрли қиш эртаклари» номли болалар учун театрлаштирилган томошалар, «Янги йил эшик қоқмоқда» номли тематик кеча, «Янги йил бал—концерти», «Янги йил карнавал — базми», «Огонёк» номли эски йил билан хайрлашишга, янги йилни кутиб олишга бағишланган катта байрам тантаналари, «Янги йил, янги бахт билан!» номли катта байрам томошалари, эртаклар асосида тайёрланган «Янги йил мўъжизалари» номли томоша, «Арча чироқлари чорламоқда», «Қувноқ масканлар» номли бал—маскарад, «Янги йил ҳазиллари» кулги кечаси, «Ҳар соҳадан бир шингил», «Янги йил калейдоскопи» номли кўп мавзули дастур, «Янги йил дўстлик давраси» номли кеча, «Тинчлик йили бўлсин янги йил!» номли бадий композицияларни омма эътиборига ҳавола этади.

Янги йил арафасида барча кишиларнинг «хузурли ташвишлари» бошланади. Улар бир-бирларини оғзаки ёки очиқ хатлар, телеграммалар орқали табриклашади. Одамлар махсус ташкил қилинган «Янги йил ярмаркалари» ва «бозорлари»дан керакли нарсаларни харид қилиб, байрам дастурхонини безашади. Кўпчилик учун ўз уйини арча ва ўйинчоқлар билан безатиш олам-олам қувонч бахш этади.

Ўзбекистонда Янги йил киришини уйда, оила аъзолари, қариндош, ёру дўстлар даврасида кутиб олишади. Байрам дастурхони атрофида энг гўзал ва орзу-истаклар ифода этила-

ди. Ширин суҳбатлар, ўйин-кулгилар авжига чиқади. Телевидение орқали «Янги йил базми» ва байрам дастурларини томоша қилишди. Янги йилга саноқли дақиқалар қолганда радио ва телевидение орқали Республика Президентининг табриги янграйди. Эски йилнинг охириги дақиқаларида барча учун энг қувончли вақт — соат миллари «ўн икки» зангини урганда Янги йил бошланади. Ҳамма бир-бирини табрик-

лайди, истаганлар янги йил қадаҳларини кўтаришади.

Янги йилнинг биринчи куни — 1 январь дам олиш кунинда меҳмондорчилик, ўйин-кулги давом этади. Шундай қилиб, ҳозирги кунда халқаро қўламда нишонланадиган Янги йил қизиқарли ва қувноқ байрам сифатида ўзбек халқи анъаналари ва ижтимоий-маданий ҳаётининг таркибий қисмига айланган.

ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИ

Хотин-қизлар байрамининг тарихи узоқ ва қизиқарлидир. Аксарият кишилар бу байрам XX асрда вужудга келган деб ўйлашади. Аммо... қадимий тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, хотин-қизлар байрами Ўрта Осиёда қадимдан оналик уруғи ҳукмдорлиги (матриархат) даврида ҳам бўлган экан. Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида ҳам узоқ ўтмишда аёллар байрами мавжуд бўлганлиги ҳақида қизиқарли маълумотларни қайд этган.

Маълум бўлишича, баҳор арафасидаги ой — «исфандармўз» деб номланиб, бу ой аёллар ойи ҳисобланган. Шу ойнинг бешинчи куни эса аёлларнинг энг катта байрами ҳисобланган. Беруний «Ўтмиш замонларда бу ой ва бу кун хотинлар ҳаётига хос бўлиб, эрлар уларга эҳсон қилар эдилар», — деб ёзади. Исфандармўз сўзининг маъноси «ақл» ва «мулоҳаза» демакдир. «Исфандармўз» — гўзал соҳиба, номусли, яхши ишлар қилувчи ва эрига муҳаббатли хотинга вакил қилинган фариштаннинг номи ҳамдир.

* * *

Қадимда Ўрта Осиё халқлари орасида аёллар байрами («Исфандармўз») нишонланган. Бироқ у Ўрта асрларга келиб кўпгина қадимий байрамлар каби йўқолиб кетган. XX аср бошида Европада вужудга келган халқаро хотин-қизлар кунини, бизга яна ўша қадимий байрамининг қайтарди, — десак муболаға бўлмайди.

Дунё хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий тенглиги, эркинлиги учун кураш кунини жорий қилиш ташаббуси илк бор 1910 йил Копенгагенда бўлиб ўтган II Халқаро аёллар конференциясида Клара Цеткин томонидан ўртага ташланди. Бу ташаббус 1911 йил Австрия, Дания, Германия, Нидерландия, Швецария илғор аёллари томонидан қўллаб-қувватланди. 1914 йилга келиб, Россия, АҚШ, Германия, Австрия, Франция каби мамлакатларда 23 феврал (8 март)да хотин-қизлар байрами ўтказила бошланди.

Ўрта Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонга янги шаклдаги хотин-қизлар байрами 1917—1918 йилларда кириб келди. Илк бор Тошкент, Кўқон, Скобелев (Фарғона) ва бошқа жойларда хотин-қизлар байрами нишонланди.

20—30-йиллар охирида хотин-қизлар байрами «Хужум» компанияси билан боғланиб кетди.

Маълумки, Ўрта Осиёда хотин-қизларни озодликка чиқариш, патриархал — феодал иллатларга қарши курашиш ишларини янада кучайтириш учун 1927 йил 8 март куни «Хужум»

компанияси бошланди. Бу билан халқаро хотин-қизлар кунини — «8 март» Шарқ хотин-қизларининг озодлик учун кураши ижтимоий тадбирига ҳам айлантирилди.

Бу даврда ўтказилган хотин-қизлар байрамлари ўзига хос композициядан ташкил топган.

1. Оммавий митинг: унда партия ва давлат раҳбарлари, фаол аёллар сўзга чиқиб, хотин-қизларни озодлик ва ижтимоий ҳаётга фаол аралашшига даъват қилишган.

2. «Гулханда паранжи ёқиш маросими»: Унда фаол хотин-қизлар паранжиларини гулханга улоқтириб, бошқа хотин-қизларни ҳам шундай қилишга ундашган. Паранжини оловда ёндириш маросими аянчли ўтмиш билан хайрлашиш ва янги ҳаётга қадам қўйиш деган рамзий маънони билдирган.

3. Хотин-қизларнинг янги ҳаётга қадам қўйишини тараннум этувчи бадиий дастур, тематик концертлар ёки эскилик сарқитларини фойдаланувчи спектакллар намойиш қилинган.

«Хужум» аслида жанговар ҳаракат ҳисобланади. Ҳарбий соҳага хос усул билан хотин-қизларни озодликка чиқариш қийин эди. Чунки ўша йилларда «хужум» сўзига мос кескин усуллар — зўрлик ёки қўрқитиш йўли билан хотин-қизларга паранжи ташлаштирилган, ҳатто, бу ишга тўсқинлик қилганлар отиб ташланган эдилар. Ўша даврларда паранжи ташлаган хотин-қизлар эрлари жоҳил диндорлар қар-

шилигига учраган. Янги ҳукумат ҳам ҳужум компанияси орқали хотин-қизларга анча зулм етказган. Хуллас, Ўрта Осиёда шўро ҳукумати амалга оширган «Ҳужум» компанияси қўрқитиш, зўрликка асосланган эди. Аслида паранжи ташлатишни иқтисодий турмуш даражаси ва маданиятини кўтариш, ҳаётни фаровон қилиш,

оилавий одат ва марсимларни ривожлантириш йўли билан амалга ошириш лозим эди.

Шўролар ҳукумати хотин-қизлар байрамидан ўз мақсадида фойдаланишга интилди. Шундай бўлишига қарамай 8 март байрами ўзбек хотин-қизларининг сиёсий, ижтимоий-маданий фаоллашувида муҳим роль ўйнади.

* * *

XX асрдан XXI асрга, иккинчи минг йилликдан учинчи минг йилликка ўтиш йиллари Ўзбекистонда аёлларга бағишланди. Чунки 1999 йил — «Аёллар йили», 2000 йил — «Соғлом авлод йили», 2001 йил — «Оналар ва болалар йили», 2002 йил — «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинди.

Жамиятдаги тотувлик тинчлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат, аввало, аёллар маънавиятига, уларнинг меҳнати ва шижоатига боғлиқдир. Ҳаётимизнинг барча соҳаларида, ишлаб чиқариш, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият тармоқларида, фарзандлар тарбиясида хотин-қизларнинг ўрни беқиёсдир.

Аёллар — гўзаллик манбаи, назокат соҳибаси, меҳр эгаси, муҳаббат тимсолидир. Уларнинг латофати ва қалб саховати бутун жамиятга доимо куч-ғайрат ва шижоат бахш этиб келади. Аёлларни фақат байрам кунларидагина эмас, балки ҳар куни асраб-авайлаш, оғирини енгил қилиш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш юрт ўғлонларининг бурчидир.

Мустақиллик даврида хотин-қизлар байрами ўзига хос тадбирлар ва анъаналар билан ўтмоқда. Байрам арафасида (7 март куни) пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиши анъанага айланди. Бунда мамлакатимизнинг фаол хотин-қизлари, фахрий онахонлар, жамоат ташкилотлари вақиллари, меҳмонлар иштирок этади.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги ўқиб эшиттирилади. Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўз сўзида аёлларимизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этаётгани, уларнинг миллатимиз ва жамиятимиз равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатлари эса ҳукуратимиз томонидан қизгин қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидлайди, уларни байрам билан қутлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш

тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ 2000 йилдан бошлаб, хотин-қизлар байрами тантаналарида ижодкорлиги, зукколиги, ташаббускорлиги, намунали хулқи билан ноёб истеъдодли намоён этаётган ҳамда адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим соҳасида сезиларли ютуқларга эришаётган бир гуруҳ иқтидорли қизларга Зулфия номидаги Давлат мукофоти тантанали равишда топширилади.

Йиғилишнинг иккинчи қисмида аёлларимизга бағишланган байрам концерти бўлиб ўтади.

Янги аср, янги минг йилликдаги биринчи Халқаро хотин-қизлар байрами «Оналар ва болалар йили»га бағишланган Давлат дастури ҳаётга изчил татбиқ қилинаётган шароитда кенг нишонланди.

Республика Бадий Академиясининг кўرғазмалар залида «Кўли гулдир ўзбек аёлнинг» деб номланган кўрғазма иш бошлади. Мамлакатимиз Мустақиллигининг 10 йиллиги ва «Оналар ва болалар йили»га бағишланган ушбу тадбирда республикамизда ижод қилаётган ранг-тасвирчи ва ҳунарманд хотин-қизларнинг асарлари намойиш этилди.

Байрам кунлари маданият муассасалари ҳамда барча ишлаб чиқариш корхоналарида, ўқув муассасаларида, жамоа хўжаликларида махсус тадбирлар ташкил қилинади. Илғор тадбиркор аёллар билан учрашувлар ўтказилади. Баъзи клубларда «Қизлар давраси» каби қизиқарли ва мазмунли тадбирлар уюштирилади. Меҳнат жамоаларида ҳам аёлларга бағишланган тадбирлар бўлиб ўтади. Бунда хотин-қизлар байрам билан қутланиб, уларга мукофотлар, совғалар берилади. Баъзи ташкилотлар бу байрам тадбирларини маданият ва санъат муассасалари, кафе-ресторанларда ҳам ўтказишади.

Маданият даргоҳларида эса хотин-қизларга бағишланган махсус анжуманлар жумладан, «Гўзаллар кўриги», «Гулдан гўзалдир аёлнинг қалби», «Балли қизлар», «Муқаддас аёл», «Аёл гўзаллиги — олам гўзаллиги», «Соғлом она — соғлом бола», «Меҳри дарё оналар» каби оммавий томошалар, тадбирлар, кўрик-танловлар, кўрғазмалар бўлиб ўтади.

ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Жамиятнинг бугуни ва келажги, унинг маданий-маърифий ва маънавий салоҳияти таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Таълим-тарбия тизимидаги ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқувчи ва мураббийларга боғлиқ.

Шу сабабли мамлакатимизда ўқитувчилар меҳнатини қадрлашга, уларга ҳар жиҳатдан ғамхўрлик кўрсатишга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, мамлакатимизда таълим тизимини жаҳон андозалари асосида ислоҳ қилиш, янги илм масканлари қуриш, уларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Ўқитувчилик азал-азалдан эътиборли касб ҳисобланади. Мамлакатимизда республика Президентининг (1996 йил 9 январдаги) Фармони билан 1 октябрь «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» деб белгиланган.

Мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийларнинг обрў-эътиборини янада ошириш, ёшларимизнинг биздан кўра билимли, кучли ва албатта бахтли бўлишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Байрам кунлари ўқитувчилар қутлуғ айём билан муборакбод этилади. Оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов табриги берилади.

Мамлакатимизда ўқитувчи-мураббийлар байрами қуйидагича ўтади. Аввало байрам арафасида республикамизнинг энг илғор ўқитувчи-мураббийлари давлат мукофотлари билан тақ-

дирланади. Барча ўқув юртларида ўқитувчиларга бағишланган тадбирлар бўлиб ўтади, улар учун дастурхонлар ёзилади, шогирдлар устозларига ўз тилаklarини изҳор этишади. Тадбирларда ўқитувчиларга бағишланган куй ва кўшиқлар янграйди. Собик ўқувчилар устозларини байрам билан табриклаш учун мактабга келадилар.

Қорақалпоғистонда янги келин-куёвлар байрам куни устозлари олдига келиб, улардан дуои-фотиҳа олишади.

Ўқитувчи ва мураббийлар куни ўқув юртларидагина эмас, балки маҳаллаларда ҳам байрам қилиниши анъанага айланиб бормоқда. Пойтахтнинг Юнусобод тумани «Бодомзор» маҳалласи фаоллари шу ҳудудда истиқомат қилувчи юздан ортиқ ўқитувчи ва мураббийларни, фахрий муаллимларни чойхонага — байрам дастурхонига таклиф этдилар. Ушбу тадбирда таълим фидойиларига юксак эътиром кўрсатилди. Устозлар ҳам бу эътибордан бошлари кўкка етиб, барчага миннатдорчилик билдирдилар («Маърифат». 2001 йил, 3 октябрь).

Навоий шаҳридаги «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят маданият бўлими билан биргаликда «Устозга таъзим» концерт дастури намойиш этиб, ўқитувчи ва мураббийларни касб байрамлари билан муборакбод этдилар.

1 октябрь — умумхалқ дам олиш куни. Шу сабабли бу сана устозларини зиёрат қилиш куни ҳамдир.

* * *

Мазкур байрам ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини шарафлаш маросимидир. Шу куни ўқув юртларида ўқитувчилар, корхоналарда эса мураббийлар ва устозлар меҳнати улуғланади.

Мураббийлар ҳам худди ўқитувчилар сингари катта маҳорат ва ҳаёт тажрибасига эга бўлган устоз-педагоглардир. Мураббийлар ёшларни бевосита иш жараёнида меҳнатни севиш ва унинг сирларини ўргатиш орқали тарбиялайдиган кишилардир.

Бу байрам ёш ишчини меҳнат жамоасига олиб кирган ва унга ҳамиша намуна бўлган, ғамхўрлик қилган кишини улуғлаш тадбири саналади. Моҳир мураббийлар қўл остида кўплаб ишлаб чиқариш усталари, илғор мутахассислар, меҳнат қаҳрамонлари, тадбиркорлар етишиб чиқади. Тошкент трактор заводи маданият саройида ҳар йили «Мураббийлар куни», «Меҳнат бунёдкорлари» номли тантанали кеча ўтказиш анъанага айланган. «Мураббийлар куни»ни

нишонлаш арафасида маданият саройида мураббийлар фаолияти билан яқиндан таништирадиган турли кўргазмалар ташкил қилинади. Уларнинг бири «Ёшлар елкасида — оталар қўли» деб номланади. Устоз-мураббийларга бағишланган кечада «Меҳнат эстафетаси», «Устозлар хизмати», «Мураббийлар шарафи» кўргазмалари намойиш этилади. Кеча қаҳрамонлари — меҳнатда улкан ютуқларга эришган ёш ишчиларнинг устозлари саҳнага тантанали равишда таклиф қилинади. Корхона раҳбари муносиб шогирд етиштирган устозларга «Корхонанинг энг яхши мураббийси» деган нишон ҳамда фахрий ёрлиқ, мукофот ва совгалар топширади. Ёш ишчилар ҳам мураббийларига ўзларининг фотосуратларини, рамзий совгаларни топширадилар. Кеча охирида ёшлар мураббийларига ташаккур билдиришади. Кечада устозларга бағишланган кўшиқ ва рақслар ижро этилади.

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Хотира ва қадрлаш ажлодларимизнинг энг қадимий одатларидан биридир. Тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, марҳумларни хотирлаш Амударё ва Сирдарё ўртасида яшаб ўтган ажлодларимизнинг энг қадимий анъаналаридан бири бўлган. Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарига: «Х-ш-в-м ойининг охирида сўғд аҳолиси ўтган ажлодларни эслаш, улар хотираси учун йиғилиши, юзларини тимдалаши, ўлганлар қабрига овқат ва ичимликлар қўйиши» ҳақида ёзади. Албатта, ҳозирги «Хотира куни» олис ўтмиш замонлардаги хотирлаш маросимига асло ўхшамайди. Хотирлаш энг зарур эҳтиёж заминиди вужудга келган анъаналардан биридир.

Уруш фахрийлари, қатнашчилари ва ҳалок бўлганлар оилаларининг кўпдан-кўп истаклари, аҳоли хоҳиш-иродаси ва жамоат ташкилотларининг қўллаб-қувватлашини эътиборга олиб, иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар ҳамда Ўзбекистон озодлиги ва мустақиллиги учун ўз ҳаётини курашда қурбон қилганлар хотирасини абадийлаштиришга катта аҳамият бериб, бугун ҳам сафларимизда туриб, Ватанамиз қудратини оширишга, ёшларни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшаётган барча кишиларга лозим иззат-ҳурматни бажо келтириб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 2 мартдаги Фармони билан 9 май «Хотира ва қадрлаш куни» деб эълон қилинди. Мазкур Фармон билан Тошкент ҳокимиятининг Тошкент шаҳри марказида Хотира майдонини барпо этиш тўғрисидаги тақлифи маъқулланди ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, барча вилоятлар ҳокимликларига Нукус шаҳрида ва барча вилоятлар марказларида шундай ёдгорликлар барпо этиш бўйича зарур тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш тавсия этилди (Ўзбекистон Республикаси. 2-жилд. Т. 2001. 122-бет).

«Хотира ва қадрлаш куни» барча байрамлар ва касб-кор кунларидан фарқ қилади. У аввало шодиёна, хурсандчилик тадбири эмас. Бу тадбир марҳумлар ва ўтганларни эслаш, хотирлаш маросимидир.

Хотирлаш — халқ манфаати учун курашган эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган кишиларни эслашдир. «Марҳумларни ёд этиш», «Тирикларни шод этиш» — бу анъананинг асосий маъносини белгилайди.

Мустақиллик халқимизга миллий онг ва тарихий хотирани тиклаш имкониятларини берди.

XX аср охирида ўлкамиз ўтмишида содир бўлган хатоларни тузатишга интилиш бошланди, ноҳақ айбланганлар оқланди, халқ ҳаёти

фаровонлиги учун курашганларнинг хотираси тикланди. 1999 йил 9 майда пойтахт марказида «Хотира хиёбони» ва 2000 йил 12 майда Юнусобод туманида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи очилди. Мустамлакачилик даврида халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган шаҳидларнинг порлоқ хотираси ана шу ёдгорликларда ўз абадиятини топди.

Мустамлакачилик даврида ноҳақ айбланиб, турли жазо ва тазйиқларга маҳкум этилган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш юзасидан амалий ишлар олиб бориш учун Республикамиз Президенти томонидан Жамоатчилик комиссияси тузилди.

XX асрнинг 90-йилларига қадар давом этган мустамлакачилик даврида 400 дан ортиқ кўзғолонлар бўлган. Бу кўзғолонларнинг юзлаб қатнашчилари дорга осилган, отилган, Сибирга сургун қилинган.

1937—1939-йилларда Ўзбекистонда 41 мингдан ортиқ киши қамоққа олинган. Шулардан 61 минг 799 киши НКВД «учлик»лари томонидан турли муддатга азоб-укубат лагерларига юборилган, 6 минг 920 киши эса қатл этилган. Умуман, 1939—1953 йилларда Ўзбекистонда қамоққа олинган 61 минг 799 кишидан 56 минг 112 таси турли муддатга озодликдан маҳрум этилган, 7 минг 100 киши эса қатл қилинган. 1937 йилгача Ўзбекистонда 450000 киши устидан «дело»лар тайёрланган.

Хотира ва қадрлаш куни халқ озодлиги йўлида шаҳид кетган ватандошларимиз хотирасини ёд этиш нафақат тарихий ҳақиқатни тиклаш, уларнинг пок номларини оқлаш, балки уларнинг ибратли ҳаёти ва кураши мисолида ёш авлодда истиқлол қадриятларига ҳурмат ва садоқат туйғусини тарбиялаш, ватанпарвар ва халқсевар ота-боболарнинг олижаноб анъаналарини улар онги ва шуурига сингдириш буюк келажагимиз меъморларини вояга етказиш ишига ҳам хизмат қилажак — дейди «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси Наим Каримов.

Инсон маънавий ҳаётида асосий ўрин тутган «Хотира ва қадрлаш куни» ўтмиш билан бугун ва келажак ўртасидаги доимий боғлиқликнинг воситаси бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга «Хотира ва қадрлаш куни» Ватан ва халқ озодлиги учун жон берган, фаровонлик йўлида ҳалол меҳнат қилган, жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган кишиларнинг порлоқ хотирасини асраб-авайлаш, кекса авлодга иззат-ҳурмат кўрсатиш, илғор анъаналарни давом эттиришга даъват қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Хотира ва қадрлаш куни»ни уюштириш халқимиз то-

монидан кенг қўлаб-қувватланди. Уни ташкил этиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Улар асосида «Хотира ва қадрлаш куни»ни ўтказишга оид илк тажрибалар вужудга келди.

Республикамизнинг барча жойларида «Хотира ва қадрлаш куни»ни ўтказишга тайёргарлик ишларини самарали уюштириш учун олдиндан Ташкилий қўмита тузилди, умумий режа ишлаб чиқилди, баъзи жойларда хотира ҳафталиги эълон қилинди.

Хотира ҳафталиги давомида аҳолига «Хотира ва қадрлаш куни»нинг моҳияти ва мақсади тушунтирилди, ўтган аждодлар ҳаёти, фаолияти ҳақида материаллар, эсдаликлар тўплаш ишлари амалга оширилди. Марҳумларнинг оилаларидан хабар олинди ва уларга ёрдам берилди, тadbир ўтказиладиган жойларда, қабристонларда ҳашар ва шанбаликлар уюштирилиб, ободончилик ишлари амалга оширилди. Шунингдек, маданият муассасаларида истиқлол учун кураш тарихига бағишланган кечалар, ўқув муассасаларида фахрийлар билан учрашувлар ва бошқа тadbирлар ўтказилди.

Хуллас, Ташкилий қўмита томонидан маҳаллий шароит ва имкониятлардан келиб чиқилган ҳолда, махсус режа бўйича ҳар томонлама пухта тайёрланган тadbирларнинг амалга оширилиши «Хотира ва қадрлаш куни»нинг мазмунли ўтишида муҳим ўрин тутди.

Жойларда митинг-маросимлар ўтказилиши «Хотира ва қадрлаш куни»нинг асосий тadbiri ҳисобланади. Митинг маросимларда Ватан озодлиги учун курашганлар хотираси ёдга олинади.

«Хотира ва қадрлаш куни»га бағишланган тadbирлар асосан, хотира хиёбонлари, уй-музейлар, кўчалар, майдонлар, қабристонларда ташкил қилинади. Митинг-маросимлар маҳаллий шароитни ҳисобга олиб турлича уюштирилади:

Маросим уюштириладиган жой олдиндан махсус безатилган. Tadbir бошланишидан олдин мунгли мусиқа янгради. Tadbir бошланиши арафасида радиокарнайлардан соат овози эшитилиб турди. Tadbirни ташкилий қўмита раиси очди. Нотиқлар авлодлар узвийлиги ва доимийлигини мустаҳкамлаш ҳақида гапиришди. Ватан озодлиги учун курашда ҳалок бўлган ёки юрт равнақи учун ҳалол меҳнат қилиб вафот этиб кетганлар руҳи улуғланди, уларнинг порлоқ хотирасини авайлаш ва асрашга чақиришди.

Сўнгра турли авлод вакиллари қисқа нутқ сўзлашди.

Мунгли куй янграши билан минбарга мунис она оҳиста чиқиб келди. У аста ёдгорлик ёнига бориб, тиз чўкли, қўлларидаги гулни ёдгорлик пойига қўйди ва ўрнидан туриб, олдинга чиқди. Шу вақт радио карнайдан ўтган аждодлар

порлоқ хотирасини эъозлашга, уларнинг илғор анъаналарини давом эттиришга оид даъват-чақириқ сўзлари янгради. Даъватдан сўнг байроқлар бир оз эгилди, фахрий қоровул саф тортди, барча бош эгди.

Радиода ҳалок бўлган ва вафот этганлар хотирасига бир дақиқа сукунат эълон қилинди.

Бир дақиқа сукунатдан сўнг ҳалок бўлган ва вафот этганлар хотирасини шарафлаб, ўқ отилиб, салют берилди ва тантанали мотам куйи янгради. Маросим сўнггида иштирокчилар ёдгорлик ёнига гулчамбарлар ва гуллар қўйишди...

Жойларда хотира кунига бағишланган митинг ва маросим тугагач, қабристонлар зиёрат қилинади. Маросим қатнашчилари вафот этган ота-оналари, яқинларининг қабри атрофини тозалашади. Зиёратга келганлар қабристон атрофига турли кўчатлар ўтказишади. Марҳумлар хотирасига «Қуръон» тиловат қилинади.

Қабристонни зиёрат қилиш — «Хотира ва қадрлаш куни»нинг моҳиятига мос руҳий кайфият яратувчи жараён саналади.

«Хотира ва қадрлаш куни»нинг яқунловчи тadbiri — «Хотира соати» эса кечки пайт хонадонларда ўтказилади.

Хотира соатини уюштириш учун махсус тайёргарлик кўриш, катта дастурхон ёзиб зиёфат ташкил қилиш шарт эмас. Чунки уй эгалари марҳумни хотирлаш ўрнига, меҳмонларга хизмат қилиш билан банд бўлиб қолишади.

Хотира ва қадрлаш кунини уюштиришга жуда масъулият билан ёндашиш керак. Ундаги тadbирлар кишилар қалбида чуқур из қолдириши лозим. Акс ҳолда келгуси йил бу муҳим тadbирга аҳолининг қизиқиши пасаяди ва унинг анъанага айланиши секинлашади.

Хотира ва қадрлаш кунини уюштиришдан асосий мақсад — Ватан озодлиги учун қурбон бўлган ва ҳалол меҳнат қилиб, вафот этганлар хотирасини ёдга олиш, абадийлаштириш, улар бошлаган эзгу ишларни давом эттиришдир.

Қатағон қурбонларини ёд этиш куни. Аждодларимиз азал-азалдан тўй, байрам қилишдан олдин ўтган аждодларимиз хотирасини ёдга олишган, марҳумлар шаънига дуолар ўқиб, исчиқаришган, элга ош тортишган.

Ўзбекистон Президентини томонидан қатағон қурбонларини ёд этиш кунининг жорий этилиши — тарихий анъаналарни янги замонавий шаклда тиклашнинг энг ибратли намунаси бўлди.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан Тошкентнинг Юнусобод туманида бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуига 31 август тонгида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган юзлаб ватандошларимиз йиғилди.

Ўзбекистон Президентининг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, ҳозир «Шаҳидлар

хотираси» мажмуини янада ободонлаштириш, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини ташкил қилиш ҳамда махсус радиолаштирилган тизим жорий этиш борасидаги тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хусусан, кўплаб қатағон қурбонларининг номлари аниқ-

ланиб, уларга тааллуқли буюмлар, шунингдек, фаолиятига доир материаллар, қизиқарли ахборотлар, суратлар ва бошқа ҳужжатлар йиғилмоқда. Улар, табиийки, ноҳақ жабрланиб, шаҳид кетган ота-боболаримизнинг фожиали қисматини ёдга солиб туради.

ХОТИРЛАШ ТАДБИРЛАРИДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР

«Хотираси бўлмаган, тарихини унутган, ўз аждодларининг қадрига етмайдиган миллатнинг истиқболи йўқ» (И. Каримов).

«Келажакка ишониб яшаган ва унинг порлоқ бўлиши учун жон фидо қилган ҳар бир одамни тошдан ўйиб ишлаган ҳайкалга қиёс қилса бўлади» (Ю. Фучик).

«Ҳаёт — барҳаёт бўлиш учун курашишдир» (М. М. Пришвин).

«Яшашдан мақсад ўлгандан кейин ҳам барҳаёт бўлиб қолишдан иборат» (М. Жалил).

«Ўзидан мангу хотира қолдирадиган инсонлар учун туғилиш чинакам бахтдир» (Перикл).

«Ҳаёт қисқа, лекин шухрат мангу бўлиши мумкин» (Цицерон).

«Барҳаёт бўлиб қолишнинг бирдан-бир имконияти ўзидан кейин ўлмайдиган бир нарса қолдиришдир» (У. Фолкнер).

«Ҳеч ким ўлимга чап беролмайди, лекин одамлар ўзларининг буюк ишлари билан ўзларига шундай ҳайкал қурадиларки, бу ҳайкал қуёш тургунча туради» (Г. Фабриус).

«Инсон жисман ўлса-да, руҳан йўқ бўлмайди, у ўз хулқ-атвори, қилган ишлари ва ижоди билан теварак-атрофдагилар ҳамда жамоат орасига сингиб кетади, тирик қолганлар онгида яшашда давом этаверади» (Н. Я. Марр).

«Киши умри охирлаб қолган пайтда маъносиз тортиб, олисдан имлаб чақирувчи ёрқин манзилларни кўриш мента ҳам насиб қилармикин, дея ўз-ўзига савол беради. Шунда у ўз ортидан бардам-бақувват ёшлар келатганини, кексалик билан ёшлик ҳақиқатни кашф этиш йўлидаги узлуксиз меҳнатда қоришиб кетаганини ўйлаб, тасалли топади» (Н. Е. Жуковский).

«Шундай марҳумлар борки, улар тириклардан кўра барҳаётроқдир, лекин шундай тириклар ҳам борки, улар марҳумлардан кўра марҳумроқдир» (Р. Роллан).

«Марҳумлар ҳар хил бўлади. Уларнинг айримлари ўтган минг йилликлар қаърида туриб ҳам бугунги порлоқ кунимиз йўналишини белгилаб беради» (М. М. Пришвин).

«Ўзидан кейин лоақал биттагина янги, порлоқ фикр қолдирган, инсониятга нафи тегадиган атиги биттагина жасорат кўрсатган одам бўлса, демак, у дунёдан бефарзанд ўтмаяпти» (А. А. Бестужев-Арлинский).

«Умри боқийлик, тўла маънода бўлмаса ҳам, шубҳасиз, авлодларда намоён бўлади» (Л. Н. Толстой).

«Умр қисқа, лекин инсон ўз фарзандлари тимсолида қайта яшай бошлайди (А. Франс).

XI б о б. МАДАНИЙ ВА МАЪРИФИЙ БАЙРАМЛАР

ХАЛҚАРО МАДАНИЙ БАЙРАМЛАР

Ватанимизда бўлиб ўтаётган халқаро маданий байрамлар алоҳида эътиборга лойиқдир. Чунки улар ёрдамида ўзбек маданияти жаҳонга юз тутмоқда. Мустақиллик йилларида уюштирилаётган «Тошкент кино фестивали», «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали, «Мусиқий симфоник фестиваль», «Наврўз», ва «Шарқ ва

Фарб» халқаро театр фестиваллари, Тошкент Халқаро Бадиий кўрғазмаси, тасвирий санъат бўйича халқаро кўрғазмалар, халқ ижодиётининг турли жанрларига бағишланган кўриктанлов фестиваллари дунёнинг турли мамлакатларидан келган меҳмонларда катта таассурот қолдирмоқда.

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ

Самарқанднинг юраги ҳисобланган кўҳна Регистон майдонида бўлиб ўтадиган анъанавий «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг обрўи тобора ошмоқда. Юртбошимиз И. Каримов ташаббуси билан асос солинган, ҳар икки йилда бир марта ўтказилаётган анъанавий мазкур фестиваль ўзбек мумтоз мусиқа маданиятини жаҳонга янада кенгроқ танитиш, айна пайтда дунё мусиқа маданияти янгиликларини юртимизда намойиш этишда катта хизмат кўрсатмоқда.

ЮНЕСКО бу анжуманни ўз раҳнамолигига олди. Ўтган давр ичида фестиваль халқаро ҳамжамиятда катта обрў, нуфузга эга бўлди. Фестиваль халқлар ўртасида маданий хилма-хилликни тарғиб этиш воситасига айланди.

1997 йилги «Шарқ тароналари» фестивали. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисидаги (1997 йил, 11 март) Қарорига асосан ташкилий кўмита таркиби, фестиваль Низоми, сарф-харажатлар сметаси тасдиқланди. Ташкилий кўмита:

- фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тadbирлари режасини ишлаб чиқди;
 - фестиваль бош дирекцияси тузилмаси (ишчи гуруҳи) ва штатлар жалвалини аниқлади;
 - фестиваль дастурини тасдиқлади.
- Машхур фирма ва компаниялар фестивални

ўтказиш учун сарф бўладиган харажатларнинг бир қисмини қоплаш истагини билдирдилар.

Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси, «Ўзбектуризм», Тошкент ва Самарқанд шаҳри ҳокимликлари билан бирга фестиваль қатнашчиларини кутиб олиш ва уларни меҳмонхоналарга жойлаштириш тартиблари ишлаб чиқилди.

Фестиваль ўтадиган асосий жой — Самарқанднинг Регистон майдони бўлиб, унга кўшимча тўртта саҳна барпо этилди.

Илк фестивалда 29 мамлакат ва 2 халқаро мусиқа кенгашидан 237 нафар фахрий меҳмонлар, ҳайъат аъзолари, конференция иштирокчилари ҳамда ижрочи ва хонандалар қатнашиш истаklarини билдиришди. Фестиваль қатнашчилари танлов дастурини Регистон майдонида намойиш қиладилар. Шу билан бирга Самарқанднинг бошқа концерт заллари ҳамда истироҳат боғларида ҳам байрам тантаналари давом этди. Ушбу концерт саҳналарида республикамиз санъаткорлари билан биргаликда хорижий санъаткорларнинг чиқишлари меҳмонлар ва мезбонларга хуш кайфият бағишлади.

Ўзбекистон бўйича профессионал жамоалар ҳамда вилоятлардан келган бадий ҳаваскорлик жамоалари, жами бўлиб 205 киши фестиваль муносабати билан театрлаштирилган концерт тadbирларида қатнашдилар. Булардан ташқари 40 кишидан иборат техник гуруҳлар ре-

жиссёрлар, рассомлар Самарқандда фаолият кўрсатдилар.

«Маҳаллий саноат» вазирлиги томонидан 42 мамлакатнинг 180 рангдан иборат байроқлари, «Ўзбекенгилсаноат» ассоциацияси томонидан турли кийим-кечак, эмблема ва буюмлар тайёрланди. Умуман олганда фестиваль ўтишида қатнашган ҳомий ташкилотлар сони 20 дан ошиб кетди.

Фестиваль ғолибларига бериладиган «Шарқ булбули» бош соврини ҳамда бошқа нишонларни тайёрлашда Ўзбекистон Бадиий Академияси, Маданият ишлари вазирлиги, «Фотон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Оникс» ҳиссадорлик бирлашмаси, «Қимматбаҳо металллар ва тошлар» қўмитаси ҳамда «Эйти — Рейз» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхоналари ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар.

«Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивали учун қуйидаги мукофотлар жорий этилди:

Гран-при (Бош соврин) — «Шарқ булбули»: Энг яхши миллий қўшиқ ижроси учун. Бош мукофот рамзи қимматбаҳо металл, тош ва биллурдан ясалган. У ўймакор устун устида ғолиблик ва мусиқа тимсоллари оғушида сайраётган булбулни акс эттиради.

Биринчи соврин (иккита) — «Тилла булбул»: Миллий кадриятларни юксак бадиий савияда улғулагани ва Шарқона анъаналар ёрқин ифодаси учун.

Иккинчи соврин (иккита) — «Кумуш булбул»: Миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлиги ва энг яхши театрлаштирилган мусиқий дастур учун.

Учинчи соврин (учта) — «Булбул»: «Энг яхши халқ ижодиёти намунаси ижроси учун»; «Энг яхши мумтоз мусиқий асар ижроси учун»; «Энг яхши замонавий миллий мусиқий асар ижроси учун».

«Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивали доирасида «Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» мавзуида илмий-амалий конференция бўлди. Икки кун давом этган анжуманда турли мамлакатлардан келган 19 олимнинг қизиқарли маърузалари тингланди.

1999 йилги «Шарқ тароналари» фестивали. Мустақиллик байрами арафасида Самарқанд «Шарқ тароналари» 2 Халқаро мусиқа фестивалининг қатнашчилари ва меҳмонларини яна кутиб олди. Ушбу халқаро анжуманни юқори савияда ташкил этиш учун катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Қарийб 4000 томошабинни сиздира оладиган амфитеатр ҳам олдиндан тайёр бўлди. Фестиваль давом этган 5 кун мобайнида хорижий меҳмонлар ҳам, ўзбек санъаткорлари ҳам мусиқа анжумани аҳамиятини, унинг жаҳон халқлари ўртасидаги алоқаларини кучайтиришдаги ролини тез-тез тилга олиб, мусиқа тинчлик элчиси эканлигини бирдай

эътироф этди. Дунёнинг 35 мамлакатидан келган санъаткорлар «Энг яхши миллий қўшиқ учун» танловида иштирок этишди. Уларнинг чиқишини Токио университети профессори Харума Кошиба бошлиқ халқаро жюри ҳайъати баҳолаб берди. Жюри АҚШ, Франция, Ҳиндистон, Корея республикаси, Германия, Швейцария ҳамда ЮНЕСКО ташкилоти вакилларидан иборат бўлиб, унинг таркибида мамлакатимиздан таниқли бастакор фестиваль мадҳиясининг ижодкори Дилором Омонуллаева ҳам қатнашди. Шарқдан ташриф буюрган санъаткор ўз халқининг анъанавий мусиқасини ижро этиши табиий бир ҳол сифатида қабул қилинади. Фарблик санъаткорнинг саҳнага чиқиб ўзбекча ашула айтиши кўпчиликнинг диққатини тортди. Австриялик хонанда Олт-Сахинер Гулай хоним ўзбекча, туркча, уйғурча, тожикча қўшиқлар ижро этганда, томошабинлар унга олқишлар ёғдирди. Танловда юртимиз шарафини Ўзбекистон халқ хофиси Ўлмас Саиджонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Насиба Сатторова, Раҳматжон Курбонов, моҳир созанда Абдуҳошим Исмоиловлар ҳимоя қилишди. Фестиваль доирасида «Шарқ халқлари мусиқа чолғулари» мавзусида халқаро илмий-ижодий конференция бўлиб ўтди. Конференция ишида дунёнинг 14 та мамлакатидан ташриф буюрган 20 га яқин олимлар иштирок этишди. Улар ичида ўзининг асарлари билан донг таратган мусиқашунослар Жон Дюринг (Франция), Филип Скайлер (АҚШ), Лоран Обер (Швейцария) бор эди.

Илмий анжуманда ватандошларимиздан: санъатшунослик фанлари доктори Оқилхон Иброҳимов «Миллий чолғулар: тарих ва тақдир» мавзусида ва ёш олимлар танлови ғолиби Дилором Кароматова «Туркий луғатларда чолғу атамалари» мавзусида мазмунли маърузалар қилишди.

Фестивалда ўзбекистонлик Насиба Сатторова энг олий мукофот — Гран-прига сазовор бўлди. Биринчи даражали мукофот Юн Конг Сон (Корея) ва Муҳаммад Омон (Саудия Арабистони)га насиб этди. Ҳиндистонлик Нарула Хонум ва «Лошари» гуруҳи (Грузия) иккинчи даражали мукофотни олишга мушарраф бўлдилар. Устад Али Ҳамидхон ва Устад Фатех Алихон (Покистон) ҳамда Олим Бобоев (Тожикистон) учинчи даражали мукофот билан тақдирланди. Шунингдек, «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали қатнашчиларига бир қатор махсус мукофотлар тақдим этилди. Хусусан, ЮНЕСКОнинг махсус мукофоти ўзбекистонлик таниқли санъаткорлар Ўлмас Саиджонов ва Абдуҳошим Исмоиловга, жюрининг махсус мукофоти Язмурод Чопонов (Туркманистон) ва Елена Кулик (Украина)га берилди. ЮНЕСКО ҳамда «Сони» фирмаси мукофотини фестиваль режиссёри Ба-

ҳодир Йўлдошев олишга муяссар бўлди. Анжуман ниҳоясида Республика бош вазир ўринбосари, «Шарқ тароналари» иккинчи Халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш ташкилий кўмитаси раиси Ҳамидулла Кароматов ва халқаро танлов ҳайъати раиси, Токио университети профессори Харума Кашиба хоним фестиваль иштирокчиларини табриклар, голибларга махсус совринлар топширди. Булар ҳаммаси ёш мустақил Ўзбекистонимиз маданиятининг ривожланишида катта роль ўйнади.

2001 йилги «Шарқ тароналари» фестивали. Ушбу фестиваль «Ҳосил байрами» сифатида ўтказилди. Саҳнанинг икки атрофи Самарқанднинг саховатли заминиде етиштирилган нознеъматлар билан безатилди.

Саҳна олдида қурилган 2 тандирда машҳур Самарқанд нонлари ёпилиб, меҳмонларга улашилди.

Тайёргарлик ишларида Самарқанддаги бадийий жамоалар, фольклор дасталари, дорбозлар вакилларидан 600 нафар санъаткор қатнашди. Тошкент шаҳридан келган «Баҳор», «Сарвиноз», «Фантазия», Андижоннинг «Сумалак» дасталари ва яна бир қанча санъаткорлар фестиваль саҳна кўринишларини бойитишди. Фестивалда миллий мусиқа асбоблари, этник либосларга катта аҳамият берилди.

Фестиваль доирасида миллий-мусиқий асбоблар кўргазмаси, ўзбек мақоми бўйича илмий-амалий анжуманлар, учрашувлар бўлиб ўтди.

Регистондан бошланадиган фестиваль садолари шаҳардаги «Мўъжиза» амфитеатри, «Ёшлик» истироҳат боғи, Марказий маданият ва истироҳат боғининг биринчи эстрада саҳнаси — Шоирлар боғига кўчди. Самарқанд ва Тойлоқ туманларида ҳам тароналарнинг янграши — фестиваль доирасининг янада кенгайётганлигидан далолат берди («Халқ сўзи», 2001 йил, 24 август).

Фестивалнинг биринчи даражали совринига озарбайжонлик Олим Қосимов ва ўзбекистонлик мумтоз кўшиқ ижрочилари Соҳибжон Ниёзов, Набижон Иброҳимов; иккинчи даражали совринга ҳиндистонлик Матхуши хоним ва Грузиянинг «Лашари» гуруҳи; учинчи совринга туркиялик санъаткор Нахиди Тўғуз ва Юнонистоннинг халқ чолғу асбоблари музейи қошидаги мусиқа гуруҳи сазовор бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган фестиваллар тажрибасини инobatга олган анжуман ташкилотчилари бу галги мусиқа байрамининг бетакрор ва ниҳоятда гўзал ўтиши учун катта саъй-ҳаракат қилганлари ҳамманинг чуқур эътирофига сазовор бўлди. Регистон майдонидаги асосий саҳна атрофи халқимизнинг анъанавий турмуш тарзи манзаралари билан, она заминимиз саховатини, меҳнаткаш, қўли

гул замондошларимиз ижодини намойиш этувчи нознеъматлар билан бойитилгани таниқли санъаткор, фестивалнинг бош режиссёри Баҳодир Йўлдошевнинг ижодий изланишлари маҳсули сифатида барчани қойил қолдирганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Фестивалнинг ёпилиш маросимида уюштирилган голибларнинг галаконцерти томошабинлар қарсақлари билан олқишланди. Тантана сўнггида узоқ давом этган мушакбозлик Самарқанд осмонидаги сон-саноксиз юлдузларга янада нур бағишлади, дилларни шод айлаб, қалбларни ҳаяжонга тўлдирди.

Фестиваль байроғи туширилди. Фестиваль қатнашчилари яна икки йилдан сўнг айни шу қадимий ва латофатли шаҳарда яна учрашишни ният қилишиб, дўстона хайрлашдилар.

Жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири, турли маданиятлар туташган бу фусункор шаҳарда ўтаётган «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали халқаро миқёсда эътибор қозониб, нафақат Шарқ балки Фарб дунёсидаги кўплаб санъат намояндаларини ҳам ўзига жалб этаётгани мазкур анжуманнинг қисқа муддат ичида ажойиб анъана ва катта нуфузга эга бўлиб бораётганидан далолат беради.

Бу фестивал жаҳон аҳлининг ўзаро маданий мулоқотга бўлган ҳаётий эҳтиёжини, ҳар бир халқ, ҳар бир миллат руҳида азалдан яшаб келаётган яхшилик, гўзаллик ва нафосатга интилиш ҳиссини рўёбга чиқаришда беқиёс восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали қисқа давр ичида дунё миқёсида ўтказиладиган маданий тадбирлар орасида ўзининг муносиб ўрнини топди. Туркиянинг «ТРТ» халқаро телеканали орқали намойиш этилган «Шарқ тароналари» учинчи халқаро Фестивалининг тантанали очилиш маросими Ўзбекистоннинг Париждаги элчихонасида Франция маданият намояндалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари эътиборига тақдим этилди.

Унда, жумладан, «Темурийлар санъати ва тарихи» ассоциацияси, мамлакат радиосининг «France Culture» дастури, «Canal France International» телеканали вакиллари, Францияда яшаб келаётган ватандошларимиз, «Умид жамғармаси» йўлланмаси билан мазкур мамлакатда таҳсил олаётган талабалар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Тўпланганлар Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг фестиваль иштирокчиларига йўлланган табригини тинглаб, Регистон саҳнаси узра намойиш этилган гўзал ва ранг-баранг мусиқий чиқишларни мароқ билан томоша қилдилар.

Дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган санъат аҳли ижросидаги куй-кўшиқлар, элимиз дурдонаси — миллий санъатимиз

намоёндаларининг чиқишлари меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир ниҳоясида Франциядаги «Темурийлар санъати ва тарихи» ассоциациясининг раиси Люсьен Керен ўзининг қуйидаги фикрларини билдирди:

«Шарқ тароналари» жуда гўзал ва ўхшаши йўқ анжумандир. Мен кўп фестивалларнинг гувоҳи бўлганман. Бироқ Самарқандда ўтадиган

фестиваль ўзгача. Бу мусиқа анжумани турли-туман маданиятларни мужассамлаштирадиган бетакрор халқаро маданий тадбирдир.

Шунингдек, «France Culture» дастури вакили П. Гетчел, «Canal France International» телеканали ходими С. Рошто ва бошқалар ҳам мазкур мусиқа фестивалининг ўзига хослиги ҳамда унинг дунё маданий ҳаётидаги беқиёс аҳамияти ҳақидаги фикрларини изҳор этишди.

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО БАДИИЙ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб Халқаро бадиий кўргазма очилди. Кўргазма мамлакатимиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Мазкур тадбирнинг МДХ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда ўтказилаётгани ҳам катта аҳамиятга эга. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик, тинч ва эркин ижодий муҳит Ўзбекистонда бу каби йирик халқаро тадбирларни ўтказиш имконияти нечоғлик катта эканига ишорадир.

Ушбу тадбир Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга асосан, Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ўтказилди. Кўргазмада ўзбекистонлик ўттизга яқин рангтасвир усталари билан бирга дунёнинг 20 мамлакатада рассомчиликнинг турли йўналишларида ижод қилаётган 40 дан ортиқ таниқли мўйқалам усталари ўз асарлари билан қатнашишди. Халқаро анжуманда санъат танқидчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, АҚШ, Франция, Япония, Корея, Миср, Швейцария, Германия, Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Эстония, Грузия, Қирғизистон ва бошқа мамлакатлар рассомлари иштирок этишди.

Халқаро кўргазма кунлари доирасида ижодий учрашувлар, кўргазма мунозараси бўлиб ўтди. Ўзбекистонлик рассомлар устахоналарига ташрифлар уюштирилди.

Шунингдек, санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида кўплаб хорижлик санъатшунослар, олимлар ва танқидчилар иштирокида Тошкент Халқаро кўргазмаси доирасида «Замонавий бадиий жараён — долзарб муаммолар ва йўналишлар» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Биеннале дастурида кўргазма иштирокчиларини Ўзбекистон тарихи ва маданияти билан кенг таништириш мақсадида бир қатор тадбирлар, жумладан музей ва театрларга, шу-

нингдек Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкиллаштирилди.

Биеннале XXI Шарқ ва Ғарб санъати уйғунлигидаги янги ғояларнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб, ҳудуддаги анъанавий бадиий алоқаларнинг янада юксалиши ва рассомларнинг янгича интеграцион ва инновацион лойиҳаларини намойиш этишда асосий восита вазифасини бажарди.

Биеннале ўз кўламида замонавий Ўзбекистон маданиятини кенг ва ўзига хос тарзда намойиш этиб, унинг умуминсоний қадриятларни шаклланишидаги чуқур тарихий илдизи ва маконини белгилаб берди.

Кўргазма тадбирларининг оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилиши дунёга мустақил Ўзбекистон санъати билан Халқаро бадиий жамоатчиликни яқиндан таништиради.

Биеннале шартларига мувофиқ, иштирокчилар томонидан рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, шунингдек, янги хусусиятга эга бўлган лойиҳалар, яъни инсталляция, перформанс, инвайромент ва бошқа шу сингари бадиий асарлар тақдим этилди.

Ғолибларни тақдирлаш учун Гран-при, биринчи ва иккинчи ўрин учун мукофотлар, дипломлар тайёрланди.

Кўргазманинг «Санъат — бунёдкорлик ва инсонпарварлик тимсоли» деб аталишида ҳам ўзига хос маъно бор ва у танланган шиорга жуда мос. Мустақилликка 10 йил тўлди. Юртимизда тинчлик ва барқарорлик мустаҳкам, халқимиз бунёдкорлик билан банд. Санъаткорларимиз, жумладан рассомларимиз ҳам эркин ва баракали ижод қилишмоқда. Халқимизнинг маънавий бойликларини, ютуқларини ўз рангларида қуйлашмоқда.

Халқаро кўргазмани ташкил этишдан кўзланган мақсад ўзбек миллий тасвирий санъатининг юксак намуналарини жаҳон миқёсида кенг тарғиб қилиш, санъатсевар халқимизни, ёш иқтидор эгаларини дунё тасвирий санъатининг илғор йўналишлари билан яқиндан таништириш, Ўзбекистон Бадиий академияси, тасвирий санъат намоёндаларининг халқаро алоқаларини кенгайтиришдан иборатдир. Шунинг

учун кўргазмага қўйилган анъанавий рангта-
вир, замонавий (концептуал, авангард), гра-
фика, ҳайкалтарошлик каби турли йўналиш-
ларда яратилган асарлар бор.

Бу тадбирга «Совпластитал», «Пахта-банк»,
«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг», Ташқи
иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзолмос-
олтин», «Ўзнефтмаҳсулот» каби йирик компа-
ниялар, шунингдек, «Зарафшон — Ньюмонт»,
«Бритиш Америкен Тобако-Ўзбекистон», «Ол-
тин чигит» қўшма корхоналари ҳомийлик
қилишди.

Япониялик машҳур сайёҳ-рассом Нобуки
Мураока Ўзбекистонга қизиқиши туфайли мам-
лакатимиз ҳақида катта мақола ёзиб, чоп эт-
тирди. Бу гал Нобуки Мураока кўргазмада ўз
асарлари билан иштирок этиб, тадбир давоми-
да ўзининг 300 гравюра асари савдосини таш-

кил қилди ва тўпланган маблағни моддий ёрдам
сифатида Ўзбекистондаги ногирон рассомлар-
га топширди. Бу ҳам кўргазманинг «Санъат —
бунёдкорлик ва инсонпарварлик тимсоли» де-
ган шиорига жуда ҳамоҳангдир (С. Раҳимов.
«Халқ сўзи», 2001 йил).

Халқаро ҳайъат ишлари ташкилотчилари уму-
ий овоз олиш йўли билан сараланган ғолиб-
ликка номзодларни муҳокама этишди.

Яқуний қисмда Гран-при ва ғолибларга со-
вринлар топшириш Тантанали маросими бўлиб
ўтди.

«Туркистон» концерт залида «BIENNALE
Тошкент — 2001» Халқаро кўргазмасининг тан-
танали ёпилиш маросими ва галаконцерт таш-
киллаштирилди¹.

Умуман бу анжуманга мамлакатимизда ҳам,
хорижий давлатларда ҳам қизиқиш катта бўлди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯПОНИЯ КУНЛАРИ

Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари
катта муваффақият билан ўтди. Ўзбекистон —
Япония марказида болалар суратлари кўргаз-
маси очилди. Рус драма театрида Окинава орол-
ларидан келган анъанавий рақс ансамбли ҳамда
«Сямисэн» ансамблларининг концертлари
бўлиб ўтди. Япония ҳақида туркум маърузалар
юштирилди.

Япония фильмлари фестивали доирасида
тошкентлик ва самарқандлик кино мухлисла-
ри учун «Мен яхшироқ куйлайман», «Чой ус-
тасининг ўлими», «Кимура оиласи», «Экспрес-
галлактика — 999» каби фильмлар намойиш
этилди.

Тошкентлик опера мухлислари Алишер На-
войий номидаги Ўзбек давлат Катта академик те-
атрида Япония опера усталарининг «Юдзуру»

(«Қоронгулик қаъридаги турна») асарини икки
кун мобайнида мириқиб томоша қилдилар. Япон
операсининг таниқли намоёндалари ижролари
пойтахт томошабинларига манзур бўлди.

Япония маданияти кунлари доирасида Ба-
дий академиянинг Марказий кўргазмалар за-
лида «Анъанавий япон кулолчилигининг янги
авлоди» кўргазмаси ҳамда «Япония: келажак-
ка ўтган анъаналар» фотокўргазмаси очилди.

Ушбу кўргазмаларда замонавий япон кулол-
рассомларнинг етмишдан ортиқ ноёб санъат
асарлари намойиш этилди.

Турсунали Қўзиёвнинг «Япония: келажакка
ўтган анъаналар» фотокўргазмасида эса япон
халқининг маданий анъаналарини қадрлаш,
уларни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга ет-
казишга доир турмуш тарзи акс эттирилган.

ХАЛҚАРО АНЖУМАНЛАРНИНГ БАЙРАМОНА ШАКЛЛАРИ

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, муста-
қиллик йилларида ватанимизда ўтказилган ҳар
бир халқаро анжуман юқори савияда, ҳақиқий
байрам шаклида ўтказилмоқда. Ҳатто, хори-
жий давлатларнинг Ўзбекистонда ўз саноат маҳ-
сулотларини намойиш қиладиган ҳар бир ан-
жумани ҳам халқаро байрам тусини олмақда.
Жумладан, 1991 йил сентябрда Тошкентда Ҳин-
дистоннинг савдо кўргазмаси ўтказилди. Кўргаз-
мада ушбу мамлакатнинг 65 та фирма ва ком-
пания маҳсулоти намойиш қилинди. 1992 йил
апрелида Самарқандда «Интер азия — 92» Хал-
қаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Афғонистон,
Корея, Хитой, Япония, МДҲ республикаларининг
30 га яқин давлат, қўшма ва хусусий
корхона ҳамда фирмалари ўз маҳсулотини на-

мойиш қилди. 1992 йил 3—9 декабрда Тошкент-
да Туркиянинг Ўзбекистонда биринчи экспорт
товарлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазма-
да Туркиянинг юздан ортиқ давлат ва хусу-
сий фирмалари маҳсулоти намуналари на-
мойиш қилинди. 1994 йил март ойида Тошкент-
да Ўзбекистонда биринчи энг янги техника ва
технология «Инновация—94» Халқаро кўргаз-
маси, 25—29 майда Тошкентда Халқаро мода-
лар кўргазмаси, 27—30 сентябрда Тошкентда

¹ Бу кўргазма эмблемасидаги «BIENNALE» деган
сўзнинг маъноси ҳам италянчадан ўтирганда 2 йилда бир
ўтказиладиган тадбир, деганидир. Санъат юксак даражада
тараққий этган шаҳарларда шундай халқаро кўргазмалар
ўтказиш анъанага айланган. Масалан, Венецияда 49-бор
халқаро бадий кўргазма ўтказилади. Парижда эса бу тад-
бир 16-мартга ташкил этиляпти.

«Табобат—94» Халқаро кўргазмаси, 24—28 октябрда Тошкентда «Тошкент—94» деган табобат ускунаси ва фармацевтика маҳсулоти кўргазмаси, ўша кунлари яна «Пахта, ипак, жун—94» деган Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма ўтказилди. 1996 йил 1—4 апрелда Тошкентда «Соғлиқни сақлаш — 96» деган Иккинчи халқаро кўргазма бўлиб ўтди. 8—11 апрелда «Соғлиқни сақлаш—97» Учинчи Тошкент халқаро кўргазмаси ўтказилиб, унда жаҳоннинг юз-

дан ортиқ фирмаларининг табобат техникаси, фармацевтика соҳасидаги ютуқлари, косметика аппаратлари ва воситалари намойиш қилинди. 6—9 апрелда Тошкентда Тўртинчи «Соғлиқни сақлаш—98» халқаро кўргазмаси, 11—13 ноябрда Қаршида «Халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш бўйича кичик ускуна ҳамда кичик технологиялар» Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

* * *

Ўз навбатида, Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ўз маҳсулотларини чет мамлакатлардаги кўргазма ва ярмаркаларда намойиш қилиши ҳам байрамона тарзда ўтмоқда. Масалан, 1993 йил 6 августда Жанубий Кореянинг Тэчжон шаҳрида Ўзбекистоннинг «Экспо—93» кўргазмаси кумуш медал билан тақдирланди. 1997 йил май ойида Новосибирскда бўлиб ўтган еттинчи «Автосиб—97» Халқаро кўргазмасида «ЎЗДЭУавто» ҳиссалдорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Тико», «Дамас» автомобиллари юқори баҳоланиб, кўргазма ташкилий қўмитасининг катта олтин медали ва дипломи топширилди. Шу йилнинг июнь ойида Париж яқинида жойлашган Лек Буржедаги авиасалонда эса ўзбек самолётсозлари янги—ИЛ-76 МФ ва ИЛ-114 Т самолётларини намойиш қилдилар. 1998 йил июль ойида бўлиб ўтган «Петербург ароқ ва

винолар ярмаркаси—98» деб аталган Халқаро кўргазмада Ховренко номидаги «Самарқанд винкомбинати» АООТининг маҳсулоти бешта мукофотга сазовор бўлди. Мазкур комбинатнинг «Ўзбекистон» маркали ширин виноси ва «Самарқанд» бальзами олтин медал, «Гуландоз» маркали виноси ва «Шер-Дор» коньяги кумуш медал, «Самарқанд» коньяги бронза медал билан тақдирланди. 1998 йил сентябрь ойида Мисрнинг Қоҳира шаҳрида бўлиб ўтган «Сахро—98» Халқаро кўргазмасида, 1999 йил февраль ойида Берлинда бўлиб ўтган «Яшил ҳафта—99» Халқаро кўргазмасида дунёнинг 57 мамлакати қаторида Ўзбекистон ҳам қатнашди. Унинг экспозициясида республика деҳқончилик мажмуаси ва озиқ-овқат саноатининг кенг экспорт имкониятлари намойиш этилди (Ўзбекистон Республикаси. 2-жилд. Т. 2001, 145—151-бетлар).

БУЮК СИЙМОЛАР ТАВАЛЛУДЛАРИ

Жаҳон маданиятига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган аждодларимиз таваллудларини нишонлаш ҳам мустақиллик туфайли улуғвор анъаналарга айланмоқда. Жумладан, истиқлол йилларида: 1991 йил Алишер Навоий, 1993 йил Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Баҳоуддин Нақшбандий, 1994 йил Абдулҳолиқ Фиждувоний, Мирзо Улуғбек, 1995 йил Феруз, Наж-

миддин Кубро, 1996 йил Амир Темур, 1998 йил Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, 1999 йил Жалолиддин Мангуберди, 2000 йил Марғиновий, Камолиддин Беҳзод ва Мотурудий каби буюк аждодларимиз таваллудларининг йирик саналарини ЮНЕСКО тасарруфида нишонлаш халқимиз қалбида фахрланиш туйғуларини юксалтирмоқда.

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИ

Мустақиллик даври улуғ бобокалонимиз, буюк давлат арбоби ва енгилмас саркарда Амир Темурнинг қайта туғилиш даври бўлди. У бобокалонимиз васиятларининг рўёбга чиқаётгани билан алоҳида қимматлидир. Амир Темурга муносабат, унинг тарихий хизматини муносиб баҳолаш ва иззатини ўрнига қўйишда шахсан Президент И. Каримовнинг ўзи ташаббускор бўлди. Барча талбирларнинг боришини кузатиб мадад бериб турди. Соҳибқирон кунларини дунёвий воқеага айлантиришга бутун имкониятини ишга солди (Ўзбекистон-

нинг янги тарихи. Тошкент «Шарқ» 2000, 402-бет).

1996 йил декабрда Президент И. Каримов «1996 йилни Амир Темур йили» деб аташ тўғрисида Фармон қабул қилди. «Темур тузуклари» бир неча тилларда чоп этилди. Ўша давр тарихий-маданий ёдгорликлари тикланиб, ёзма адабиётлар муомалага киритилди.

Муқаддас қадамжо — Амир Темур мақбараси таъмирланди. Жуда қисқа фурсатда, бобокалонимизнинг дунёвий шаъни ва шавкатига мос келадиган Темурийлар музейи қурилди.

1996 йилнинг 22—24 апрель кунлари ЮНЕСКО доирасида Парижда ўтказилган халқаро тадбирлар жаҳон маданий ҳаётида муҳим ва ёрқин воқеа сифатида баҳоланди. Туркия, Эрон ва Қирғизистонда Конрад Аденауэр ва Халқаро Амир Темур жамғармаси ҳамкорлигида илмий анжуманлар ўтказилди.

Амир Темур ҳазратлари 660 йиллик тўйининг 1996 йил 21—24 апрель кунлари Франция пойтахти жаҳон маданияти сарвари бўлган Париж шаҳрида ЮНЕСКО ташаббуси ва раҳбарлигида нишонланиши, унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг иштирок этиши ва катта нутқ сўзлаши улкан воқеага айланди (393-бет).

ЮНЕСКО қароргоҳида «Темурийлар даври-

да фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» мавзуида халқаро конференция ва кўргазма уюштирилди. Ўзбек санъати усталари Париждаги «Одсон» театри ва ЮНЕСКО қароргоҳида катта концерт дастурларини намойиш этишди. Париж ва ЮНЕСКО доирасида бутун дунё уни беқиёс завқу шавқ, олқишлар билан кутиб олди.

Амир Темур шахсиятининг бугунги кундаги мазмуни ва беқиёс моҳияти шундаки, Соҳибқирон сиймоси бугунги авлодда ўз ўтмиши билан фахрланиш, маънавий илдизларини топиб олиш, эркинлик қадриятини тушунишга ва келажакка ишонч билан қарашга даъват этади (Ўзбекистоннинг янги тарихи. Т. 2000, 389—394-бетлар).

* * *

Тошкентда Амир Темур тантаналари. 1996 йилнинг 18 октябрь куни мамлакатимиз пойтахти қадимий Тошкентнинг қоқ марказида тонгсаҳарда Қуръон тиловати олис-олисларга таралди. Бу ерда Шарқ миллий меъморчилигининг ноёб ва мўъжизавий намунаси сифатида бунёд этилган — Темурийлар тарихи давлат музейининг тантанали очилиш маросими бошланди. Минг-минглаб кишилар — тошкентликлар, мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган меҳмонлар, хорижий элчихоналар ва ваколатхоналарнинг вакиллари ҳозир бўлишди. Уламои киромларнинг фотиҳаси билан қўйлар сўйилиб, қурбонлик қилинди.

Миллий удумларимизга кўра Қуръони Каримдан оятлар ўқилди, Соҳибқирон руҳига дуои фотиҳалар қилинди. Бир неча минг кишилик

дастурхонга ош тортилди. Мумтоз кўшиқлар ижро этилди.

Қуёш эндигина уйғонаётган, тонг ёришиб шаҳарлардаги энг баланд биноларнинг пештоқлари зарга ўралаётган бир пайтда, карнай-сурнай садолари бутун шаҳар аҳлини байрамга чорлаб, музей очилишига бағишланган тантанали митинг бошланишидан дарак берди. Митингда Президент Ислон Каримов йиғилганлар олдида катта нутқ сўзлади.

Байрам тантаналари музей саҳнига уланиб кетган Амир Темур ҳиббонида давом этди. Президентимиз ҳиббондаги Соҳибқирон ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Давлат ва ҳукумат раҳбарлари, фан, маданият, адабиёт ва санъат намоёндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, нуроний отахон ва онахонлар, жамоатчилик вакиллари ҳам маросимда иштирок этишди.

* * *

Шаҳрисабзда Амир Темур байрами. Қашқадарё воҳасида, хусусан Шаҳрисабз — қадимий Кеш шаҳрида соҳибқирон таваллудига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Бу мўътабар тупроқ бобокалонимизга бешик бўлган, уни вояга етказган ота макон. Бу заминнинг юртбошимиз ўз кутлов сўзида айтиб ўтганидек, миллатимиз тарихида, шу заминда яшаётган эл-улуснинг бошини қовуштиришда ўрни беқиёсдир. Бобокалонимизнинг Туркистон диёрини босқинчилардан озод қилиш йўлидаги жасур ҳаракатлари айнан шу юртдан бошланган.

Қадимий Оқсарой ҳовлисида уланиб кетган улкан майдон байрамона безатилган. Унинг марказида Амир Темурнинг улуғвор ҳайкали ўрнатилган. Шаҳар аҳлининг миллий маданиятимиз анъаналарини тиклаш борасидаги хизматлари муносиб баҳоланади.

Ватанимиз мадҳиясининг тантанавор оҳанг-

лари остида Ислон Каримов рамзий лентани қирқиб, Соҳибқирон ҳайкалининг очди. Президент ҳайкал пойига гулчамбар қўйди. Майдонда йиғилган жамоат олдида Шаҳрисабз шаҳри байроғига «Амир Темур» орденини қалаб қўйди ва катта нутқ сўзлади (Ўзбекистоннинг янги тарихи. Т. 2000, 399-бет).

Самарқандда Амир Темур таваллуди тантаналари. Улуғ аждодимиз руҳини хотирлаш темурийлар давлатининг пойтахти Самарқандда алоҳида шуқуҳ ва жозиба касб этди.

Жаҳон сайқалига айланган бу кўҳна ва табаррук шаҳар Соҳибқирон тақдири, унинг безовта беором кунлари, буюк орзулари, армонизтиробларига гувоҳ бўлган муқаддас маскандир. Айни пайтда Самарқанд миллатни миллат, давлатни давлат қилган Амир Темур даҳлик қудратининг рамзи, унинг беқиёс ифода-сидир.

Соҳибқирон юбилейига тайёргарлик жараёнида самарқандликлар ўнлаб тарихий обидаларни, осори атиқаларни таъмирладилар, уларни қайта тикладилар, мумтоз бобомиз номи билан боғлиқ қадамжоларни обод этдилар. Янги иншоотлар қурилди, боғлар барпо қилинди. Шаҳар марказидаги кўркем Амир Темур майдони Самарқанд сайқалига сайқал қўшди.

Давлатимиз раҳбари ана шу майдонда қад кўтарган Соҳибқироннинг ҳайкалини тантанали равишда очди. Йиғилганлар кўз ўнгида ҳамisha музаффар ва ғолиб Амир Темурнинг салобат ва улуғворлик билан тахтда ўтирган сиймоси гавдаланди.

Қалбларни ларзага келтирадиган ҳаяжонли вазиятда Ўзбекистон давлат мадҳияси янгради (Ўзбекистоннинг янги тарихи. Т., 2000, 398-бет).

Тантаналар пайтида Президентимиз Самарқанд шаҳрига «Амир Темур» орденини топширди. У шаҳар аҳлини мукофот билан қутлаб, Соҳибқирон таваллуди байрами кунларида шаҳарга биринчи рақамли орден топширилиши рамзий маънога эга тарихий воқеа эканлигини таъкидлаб ушбу унутилмас кун—18 октябрни «Самарқанд куни» деб эълон этишни таклиф қилди. Йиғилганлар бу таклифни мамнуният билан қарши олдилар.

«Қачонки, биз Амир Темур ҳазратларини ёд этар эканмиз, Соҳибқирон салтанатининг пойтахтини ҳам эҳтиром билан тилга оламиз.

Чунки, Амир Темур ва Самарқанд тушунчаларини бир-бирдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Самарқанднинг мовий гумбазлари, осмонлар миноралари, улардаги бетакрор ранглар, олам-олам мазмунга эга нақшу нигорлар бизни ерга қараб эмас, бошимизни баланд кўтариб, қадр-қимматимизни билиб яшашга ундайди», — деди Президент фахр билан.

Соҳибқирон юбилейига бағишланган театрлашган томоша ўзининг тарихийлиги, фалсафий кўлами, сахна безакларининг ҳашамдорлиги билан диққатга сазовор бўлди. Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланиб Самарқанднинг Регистон майдонида ўтказилган театрлашган томоша (1996 йил 25 октябрь) дастури ўзининг тарихий-фалсафий кўламига кўра анча чуқур мазмунга эга бўлди. Театрлашган томошага (сценарий муаллифи Хуршид Даврон, бош режиссёр Б. Йўлдошев) инсон ҳаёти моҳияти — Ватанни, она юртимизни, аждоқларимизни улуғлаш, истиқлол ғоясини шарафлаш каби ғоялар сингдирилган бўлиб, у «Амир Темурнинг таваллуд топиши», «Соҳибқирон — давлат асосчиси», «Куч — алолатдадир», «Халоскор», «Улуғ меъмор», «Амир Темурнинг боғлари», «Элим деб — юртим деб ёниб яшайлик» деган қисмларда Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ўз аксини топган (Ўзбекистон санъати. Т., 2001. 193—194-бетлар).

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 800 ЙИЛЛИГИ

Бугун миллий озодлик учун курашимиз тарихидан сўз кетар экан, биринчилар қаторида буюк Хоразм ўғлонларидан Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди каби миллий қаҳрамонларимизнинг номларини зикр этамиз.

Нажмиддин Кубро Ватанимизни Чингизхон босқинчиларидан озод қилиш учун жанг қилиб, кўлида озодлик байроғини маҳкам тутиб, жон таслим этгани тарихий манбалардан маълум.

Хоразмшоҳлар сулоласининг энг машҳур вакили Жалолиддин ҳам 11 йил давомида мўғулларнинг ғарбий ўлкаларга бостириб киришларига тўсиқ бўлиб турди. Фаним олдида бош эгмади, тиз чўкмади. Ватан дея ҳалок бўлди.

Мустақиллигимиз шарофати билан унинг шон-шарафларга тўлиқ ҳаёти қадр ва эъзоз топди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги мамлакатимизда 1999 йил 5 ноябрь куни катта тантаналар билан театрлашган томоша орқали намойиш этилди.

Бу театрлашган томоша (бадий раҳбар, бош режиссёр ва сценарий муаллифи Р. Ҳамидов)

Урганч шаҳрида барпо этилган, Шовот каналининг икки қирғоғини туташтириб турган ёдгорлик мажмуа марказида Жалолиддинга қўйилган ҳайкал пойидаги очиқ сахнада намойиш этилди. Буюк ватандошимизнинг ҳаёти ва қаҳрамонликлари бадий воситалар ёрдамида жонлантирилди.

Томоша Жалолиддиннинг болалигини ифодаловчи халқ ўйинлари ва болалар кўшиқлари билан бошланиб, шаҳзодалик даври куй ва рақсларда гавдаланса, Хоразмшоҳ, Нажмиддин Кубро, амир ва беклар билан суҳбатларида унинг юрт тақдири хусусидаги ўй-фикрлари ифодаланди. Саркарданин эл-юрт озодлиги йўлида, истилочиларга қарши олиб борган курашлари, жангу жадаллари, мислсиз жасоратлари ҳам ўзига хос сахнавий ечимларда тақдим этилган.

Шундай қилиб, қисқа вақт оралиғида Ўзбекистонда байрамларни нишонлашда ўзига хос тажриба тўпланиб, унда қатор хусусиятлар шаклланди. Байрам томошаларида бугунги кунда шаклланган энг асосий хусусиятлардан бири уйғунликдир. Томошаларда санъат, спорт, эт-

нография, фольклор, бадий сўз ижрочилиги, меҳнат ва ижтимоий ҳаёт лавҳалари бири бири билан ягона ва ички ғоялар, мавзулар асосида таркибий, уйғун бириктирилади ва бундан бадий яхлитлик юзага келади. Шунингдек, театрлашган томошаларда тарихий

ва замонавий воқеликни поэтик-фалсафий умумлашмалар, рамзий образлар, ёрқин ва бўрттирма воситаларда акс эттириш шаклланиди, (*Ўзбекистон санъати. Т. 2001., 194–195-бетлар*).

АҲМАД ФАРҒОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1200 ЙИЛЛИГИ

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1998 йил мамлакатимизда буюк бобокалонларимизнинг таваллуд тўйлари нишонланиши аждодларга эҳтиром, ўтмиш меросга янгича ёндашув, миллий онг, миллий гурур ва ўзлигининг уйғонишидан, қадриятлар тикланаётганлигидан далолатдир.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 24 октябрь куни эрта тонгда юбилей очилиши бўлиб ўтди ва унга ташриф буюрган хорижий меҳмонлар, республикамиз ва жамоат ташкилотлари вакиллари Фарғона шаҳрига егиб келдилар. Юбилей тадбирлари вилоят театр биносидан ўтказилган «Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросининг жаҳон фани тараққиётида тутган ўрни» мавзуидаги халқаро анжуман билан бошланди. Унинг ялпи мажлисида Аҳмад ал-Фарғонийнинг дунё фани тараққиётидаги ўрни, ал-Фарғоний ва мусулмон астрономиясининг шаклланиши мавзуларига бағишланган маърузалар тингланди. Қирққа яқин хорижий мамлакатдан ташриф буюрган олимлар аллома илмий кашфиётлари Шарқ уйғонишининг ибтидоси бўлганлигини, унинг мероси Беруний ва Улуғбек каби даҳолар етишиб чиқиши учун пойдевор бўлганини таъкидладилар.

Шундан сўнг Президент И. Каримов ва юбилей қатнашчилари Кувага ташриф буюрдилар. Буюк бобокалонимиз руҳига Қуръон тиловат қилиниб, эл-юртга хотира оши тортилди.

Фарғона шаҳридаги аллома номи билан аталувчи оромгоҳда Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бобокалонимизнинг боғ тўрида қад ростлаган улуғвор ҳайкали аллома ўз юртига қайтганлигини, қўлидаги «Осмон юлдузлари харитаси» эса унинг фаолияти илмни юксак фалакка кўтарганлигини, ватандошларимизнинг улуғ алломага ҳурматини ифода этади.

Давлатимиз раҳбари шундай сўзлар айтган эди: «Бугун озод юртимизда Аҳмад ал-Фарғоний каби зотлар ёқиб кетган илм машъали янгитдан порлай бошлади. Биз ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбиясини, уларнинг замонавий илғор билимларга эга бўлган ҳолда улуғ бобокалонларимиз меросига муносиб бўлишларини давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши, деб биламиз».

Шу куни кечкурун Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган театрлашган томоша бошланди (унга бағишланган шеърлар ўқилди).

Атрофни сон-саноксиз чироқлар нурафшон этди, майдон узра най навоси янгради. Шу дам чақалоқ йигиси оламини тутди. Гўдакка улуғ орзулар билан Аҳмад деб исм қўйишди, «алла» куйланди. Раққосалар «Фарғона тонг отгунча» кўшиғига хиром айладилар.

Саҳнага хат саводи чиққан ёш Аҳмад кириб келди. Устози ўсмир Птоломейнинг «Алмажус»ини мутолаа қилиб бўлганини эшитгач, унинг зеҳнига тасанно айтди...

Имом ал-Фарғонийнинг мероси инсониятнинг янги илм чўққиларига кўтарилишига сабабчи бўлди, бутун маърифий дунё олимлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Унинг «Астрономия асослари» номли шоҳ асари 12-асрдаёқ лотин ва иврит тилларига таржима этилган эди. Европада китоб нашр этиш бошланган XV асрда эса бу асар Италия, Германия Франция, Голландия, сўнг АҚШда қайта-қайта чоп этилган. 16-асрдаёқ Ойдаги кратерлардан бирига унинг номи берилган эди («Селенография», Ян Гевелий 1647 йили).

Аҳмад ал-Фарғонийнинг Ернинг шарсимон шаклга эгаллиги борасидаги қарашларини ордан 800 йил ўтиб амалда исботлаган машҳур сайёҳ Христофор Колумб, Ер меридианининг бир даражаси миқдори ҳақидаги ал-Фарғоний ҳисобларининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилдим, деган дастхат қолдирган («Халқ сўзи» 25 октябрь, 1998 йил).

Самарқандда хадис илмининг султони Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллик тўйи тантаналари бўлиб ўтди. Қадим Самарқандга жаҳоннинг 40 га яқин мамлакатидан, ЮНЕСКО, «Ал-Бабтийн» жамғармаси каби нуфузли халқаро ташкилотлардан меҳмонлар ташриф буюрди.

«Афросиёб» меҳмонхонасининг мажлислар залида «Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди...

Анжуман муқаддас Қуръон тиловати билан бошланди.

Имом ал-Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахрифтхоридир. Ул табаррук зотнинг ҳаёти том маънодаги илмий ва инсоний жасорат, букилмас ирода, сўнмас эътиқод тимсолидир.

Олти буюк муҳаддиснинг иккинчиси ҳисоб-

ланган Имом Муслимнинг ал-Бухорийга қарата: «Эй, Устозларнинг устози, муҳаддислар султони, ҳадислар табиби! Пойингизни ўпишга ижозат беринг!» дея қилган хитоби аҳли исломнинг улуг бобомизга ҳурмат ва эътирофи нақадар юксаклигини кўрсатади.

Буюк ватандошимиз башариятга тенгсиз маънавий мерос қолдириб кетди. Бу мероснинг гултожи — энг ишончли ҳадислар тўплами — «Ал-Жомий ас-Саҳиҳ» ислом динида Қуръони каримдан кейин эъзозланадиган иккинчи манбадир. Мана 12 асрдирки бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунавар этиб, ҳақ ва эзгулик йўлига чорлаб келмоқда. Шу сабабли ҳам ул ҳазратнинг муборак номи абадул-абад инсоният хотирасидан ўчмагай, иншооллоҳ (Миллий Тикланиш, 27 октябрь, 1998 йил).

БУРҲОНИДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 910 ЙИЛЛИГИ

Фарғона водийсининг Марғилон шаҳри аҳолиси Ислом ҳуқуқшунослигининг улкан намояндаси, шайхулислом Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг хижрий сана бўйича 910 йиллик таваллуд тўйига ташриф буюрган меҳмонларни илиқ кутиб олди.

Меҳмонлар Риштон туманидаги Даҳбед қишлоғига Бурҳониддин ал-Марғиноний ҳазратларининг рамзий хоки қўйилган «Соҳиби Ҳидоя» зиёратгоҳига йўл олди (Араблар Марғилонни Марғинон деб аташар эди). (Бурҳониддин ал-Марғиноний Самарқандда дафн этилган).

Талбир иштирокчилари Марғилонда мусулмон оламида ҳали ҳам энг етакчи дарслик ҳисобланмиш «Ҳидоя» асарининг муаллифи шарафига қурилган мақбарани зиёрат этдилар. Қуръон тиловат қилинди. Қадимий Марғилон шаҳрида буюк ватандошимизнинг илмий ва ижодий меросига бағишлаб «Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг жаҳон фани ва маданияти тараққиётида тутган ўрни» мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Шаҳар марказида бунёд этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими олдидан элга ош тортилди. Буюк фақиҳ хотирасига Қуръон тиловат қилинди.

Юртбошимиз 1999 йил, 18 декабрда Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг таваллуд тўйини кенг нишонлаш, хотирасини тиклаш ҳақида гапирган эди.

Юртбошимиз Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг авлодларга қолдирган улкан мероси, эришган шон-шухрати замирида, аввало, унинг ибратли ҳаёти, пок эътиқоди, олижаноб инсоний фазилатлари мужассам эканини таъкидла-

ди. Шу сабабли аллома нафақат уламолар, балки оддий халқ орасида ҳам «Ҳидоят йўлининг сорбони» дея катта эътибор топган. Ўтган аждодларимиз, ота-боболаримизни эслаш, уларнинг руҳи-покларини шод этиш халқимизга хос эзгу фазилат, хайрли ва савобли ишдир.

Ислом ҳуқуқшунослигининг улкан намояндаси, шайхул ислом Бурҳониддин Марғинонийнинг номи Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотурудий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандий, Хожи Аҳрори валий сингари улуг сиймолар қаторида туради.

Ўз ҳаётини дину-диёнат поклиги, иймон-эътиқод устуворлиги, илм ва адолат тантанаси йўлида сафарбар этган бу мўътабар алломанинг Шарқ оламида «Бурҳон уд-дин вал милла», яъни «Дин ва миллат ҳужжати» деган юксак эътирофга сазовор бўлгани ҳам буни яққол исботлайди.

Бурҳониддин Марғиноний яшаган замонларда Мовароуннаҳр заминида илму-фан гуркираб ривожланган, жамият тараққиёти учун ислом ҳуқуқини тўғри англаш ва амал қилиш муҳим ижтимоий заруратга айланган эди.

Марғинонийнинг ўлмас мероси, хусусан, «Ҳидоя» — «Тўғри йўл» деб аталган китоби, саккиз асрдирки, мусулмон мамлакатларида энг нуфузли ва мукамал ҳуқуқий манба сифатида эътироф этиб келинаётганлигининг боиси ҳам ана шунда.

Ул зот Оллоҳ таоло ўзига ато этган беқиёс ақл-заковат ва илм билан тўғри йўлдан адашган оқимларга қарши кураш олиб борди («Ўзбекистон овози» 2000 йил, 18 январь).

Самарқанд. Чокардиза. Қадимий тарихчи Ёқут бундан бир неча аср муққаддам шундай деб ёзганди: «Худо ёрлақанган шаҳар — Самарқандда яшаш ва унинг заминиди дафн этилиш ниҳоятда катта шараф ҳисобланган. Кимки Самарқандда вафот қилса, гўё еттинчи осмондан вафот этгани каби ҳисобланур ва малоиклар қаторида жаннатга кирур».

IX аср охирларида, Самарқанд шаҳрининг деворларию дарвозаларидан бирини туну-кун кўриқлашадиган аскарлар қалъачаси — Чокардиза (сўғд тилида «чокар» — «навкар, аскар», «диза» — «қалъача» маъносини англатади) ёнида ўша даврнинг жаҳонга машҳур фикҳшунос олими Абу Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Саммоси ал-Мутаваъининг боғи бўлганди. Ва юқорида зикр этилган қалъача номи билан, яъни Чокардиза деб аталарди.

Боғ соҳиби оламдан ўтгач, ҳудди шу ерга дафн қилинди. 944 йилда калом илмининг султони Абу Мансур Мотурудий, 953 йилда илми ҳикмат асосчиси Имом Абул Қосим Самарқандий, 985 йилда Имом Абу Лайс Самарқандий дафн этилди. Шунингдек, ушбу муқаддас тупроқда Нажмиддин Насафий, Хайр ул-Насаж, Хожа Баҳрий Пишагорий, Хожа Дурудкаш, Мавлоно Шамсиддин, Шайх Мухтасиб, Шайх Абу Бакр Бухорий, Шайх Абдулқосим Самарқандий каби дунёга машҳур алломалару ижодкорлар, қадим ислом оламидаги 400 нафар энг таниқли муфтий — олим, Амир Темури Ҳироту Машҳаддан олиб келган сайидлар мангу макон топишган. 1141 йилда Қатвондашт (Булуғур тумани ҳудудида) қорахитой-

ликларга қарши жангда мардларча ҳалок бўлган 30000 нафар мусулмон, хуллас, ислом дунёсининг жаҳонга таниқли инсонлари, зоҳид ва обидлар кўмилган.

Бу қабристонга жуда кўп улуғлар ўз асарларида таъриф беришган. «Нақл қилибдурларким, Мадинаи мунавварадаги Бокия қабристонидан ва Маккаю мукаррамадаги Муалло қабристонидан бошқа Самарқанддаги Чокардиза қабристонидан бузургроқ қабристон йўқдир», дейилган қадимий китоблардан бири — «Қандия» асарида. Тағин бир кўҳна асар — «Самария»да эса шундай жумлалар бор: «Ислом оламидаги энг улуғ зотлар дафн этилган Чокардиза тупроғини, ҳатто, подшоҳлар ҳам кўзларига сурма каби суртар эдилар».

17 ноябрь куни Самарқанд шаҳрида муқаддас динимизни асраб-авайлашга беназир ҳисса кўшган Имом Абу Мансур ал-Мотурудий таваллудининг 1130 йиллиги бутун республика-миз жамоатчилиги вакиллари, узоқ-яқиндаги хорижий давлатлардан ташриф буюрган меҳмонлар иштирокида кенг нишонланди.

Буюк аллома таваллудига бағишланган тантана Имом ал-Мотурудий ҳазратларининг руҳи покларига бағишланган Қуръон тиловати билан бошланди.

Шу куни Самарқандда аллома юбилейига бағишлаб «Имом ал-Мотурудий ва унинг ислом фалсафасидаги ўрни» мавзуида халқаро конференция ҳам бўлиб ўтди («Ўзбекистон овози», 18 ноябрь 2000 й). Тошкент Ислом университетида Мотурудий асари араб ва ўзбек тилларида чоп этилди.

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД ТАВАЛЛУДИНИНГ 545 ЙИЛЛИГИ

Шарқ миниатюра мактабининг асосчиларидан бири Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги муносабати билан дунёнинг 190 мамлакатада турли илмий-амалий анжуман, кўргазма, маданий-маърифий талбирлар ўтказилди. Буюк санъаткорнинг бу улуғ кунига бағишлаб мемориал боғ ва музей ташкил этишга киришилди, илмий-ижодий конференциялар ўтказилди. Халқаро бадиий кўргазмалар очилди.

Ўзбекистон Бадиий Академияси буюк мусаввир юбилейининг расмий нишонини яратиш учун эълон қилинган республика танловида тошкентлик графикачи рассом Анвар Мамажонов ғолиб бўлди. Муаллиф Беҳзод қиёфасини нозик дид, маънавий бой ва юксак фазилатли инсон сифатида акс эттирган.

Ўзбекистонда буюк мусаввир юбилейининг асосий талбирлари катта тантаналар билан ўтказилди. «Туркистон» саройида ўтказилган тантанали йиғилишда хорижий мамлакатлар-

дан келган мусаввирлар, санъатшунослар, муаррихлар, дипломатия корпуслари ва жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Буюк аждодимизнинг бой бадиий мероси, рангтасвир соҳасидаги улкан кашфиётлари халқимизнинг юксак тараққиёт, олижаноб гуманистик ғоялар йўлидаги асрий орзу-интилишларини ўзида мужассам этгани билан айниқса қадрлидир.

Миниатюралар асосида чолғулар қандай ва қайси шароитда қўлланилганлигини ҳам билиб олиш мумкин. Масалан, садоланиши кучли бўлган карнайлар, ноғора ва довуллар ҳарбий юришларда, жанг майдонларида, тантанали байрамларда ва овчилик пайтида ҳам ишлатилади.

Садоланиши нисбатан майин бўлган танбур, рубоб, ғижжак, уд, чанг (арфа) каби чолғулар базм-зиёфатларда, турли йиғин мажлисларда садоланганини кўрамиз. Бу ўша давр мусиқа жанрларини аниқлашда ҳам қўл келади. Хусу-

сан, ҳарбий мусиқа, ов мусиқаси, чўпон куйлари, тўй-базм мусиқаси ва сўфийлар йиғинида ижро этилгани ҳақида хулосага келиш мумкин.

Тасвирларда кўп учрайдиган танбурнинг ҳам ўз рамзи бор. Танбурни — дилни қитиқловчи, юракни тирновчи чолғу деб ҳам изоҳлашади. Бобораҳим Машраб: «Даргоҳи азалдин хабар берувчи танбур» дейдиларки, бу билан танбур Роббимиз ҳузуридан хабар олиб келувчи ва руҳимизга озиқа берувчи, деган маънони илгаш мумкин» (О. Иброҳимов. Тингла, най не ҳикоялар қилур. // «Марказий Осиё». № 46, декабрь 2000 й.).

Бу улуг мусаввир ижоди асрлар давомида турли халқлар ўртасидаги маънавий мулоқотни ривожлантиришга хизмат қилиб келаётганининг яна бир тасдиғидир.

Темурийлар тарихи давлат музейида «Камолдин Беҳзод ва Шарқ миниатюра санъати»

мавзуида бўлиб ўтган халқаро илмий анжуманда ўзбекистонлик санъатшунос ва мусаввирлар билан бирга Буюк Британия, Корея, Туркия, Миср, Ҳиндистон каби мамлакатлардан ташриф буюрган олиму-мутахассислар ҳам иштирок этишди.

Кўргазмада Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти, А. Навоий номидаги Адабиёт музейи ҳазинасида сақланаётган қўлёзма асарлари, Ўзбекистон Миллий банки галереяси, Бадиий кўргазмалар дирекцияси, Республика расомлик коллежи, таниқли расом ва усталарнинг шахсий коллекцияларидан келтирилган миниатюралар, шунингдек, Камолдин Беҳзод ва унинг шоғирдлари томонидан ишланиб, ҳозирги кунда кўплаб хорижий давлатларнинг кутубхона ва музейларида сақланаётган санъат асарларининг фотонусхалари намойиш қилинди.

ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ВА БОШҚА ТАРИХИЙ ҚАДРИЯТЛАР ЮБИЛЕЙЛАРИ

Инсоният тарихида буюк меъморчилик обидалари билан ўзининг муносиб ўрнини топган шаҳарларга бағишланган халқаро тадбирларни нишонлаш ҳам қалбимизга қувонч олиб келмоқда.

Тарихий меъморчилик иншоотларининг кенг қўламда таъмирланиши, Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарларда ҳамда Қува, Челак туманларида тарихий-меъморий ёдгорликларнинг бунёд этилиши, Бухоро, Хива, Термиз каби қадимий шаҳарларнинг 2500 йиллигининг нишонланиши тантаналари нафақат ватандошларимиз балки ватанимизга ташриф буюрган ажнабийларни ҳам қойил қолдирмоқда.

Аждодларимизнинг маънавий қадриятлари ҳам жаҳон маданияти тараққиётида ўзининг муносиб ўрнини топган. Узбек мусиқаси театри, кинеси, тасвирий санъат каби соҳалардаги аждодларимиз мероси ҳозирги кунда ҳам жаҳонни қизиқтирмоқда. Халқ ижодиётининг буюк намунаси — «Алпомиш» достони яратилганлигининг минг йиллик тантанаси, тарихий меросимиз «Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллигига оид тантаналар аждодларимизнинг бебаҳо меросига ҳурматимизни янада оширади.

1997 йил қадимий шаҳарларимиз, ота-боболаримиз ақл-заковатининг боқий ҳайкаллари — Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги байрами нишонланди. Бунинг сабаби буюк тарихимизни англаш, қалбимизда азиз ва гўзал Ватанимиз билан фахрланиш туйғусини уйғотишдир. Зеро, дунёдаги ҳеч бир халқнинг биздаги каби кўп тарихий шаҳарлари йўқ.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг Бухоро

ро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейини ўтказиш тўғрисидаги қарори чиқиши билан тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Бу байрам дастлаб ЮНЕСКОнинг Париждаги Бош қароргоҳида бошланди.

Пойи Калон майдонида байрамнинг очилиши бўлиб ўтди. Майдон тўридаги улкан саҳна қадим шаҳар тарихидан ҳикоя қилувчи китобни эслагани.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов табрик нутқи сўзлади. Кейин ЮНЕСКОнинг расмий вакили Барри Лейн Бухоро заминидagi ҳар бир тош ўтмишдан сўзловчи дурдона эканини, бу ердан таралувчи илм-маърифат нури осмонни ёритишини лутф этди.

Ўзбекистон Давлат мадҳияси янгради. Театрлаштирилган томоша бошланиб, Бухоро ҳақида қўшиқ таралди. Бу театрлаштирилган томошада Бухоро тарихининг нури ва тунд онлари, буюк келажакка интилаётган бугуни бадиий лавҳалар орқали намойиш этилди, (сценарий муаллифлари Хуршид Даврон, Садриддин Салим Бухорий ва режиссёр Баҳодир Йўллошев).


Бухоро узоқ тарихи давомида не кунларни бошдан кечирмади. Кайхусрав, Искандар Зулқарнайн, Чингизхон ва ундан кейин рус истилчиларининг тажовузлари не-не кулфатлар келтирмади.

Имом ал-Бухорий, Ибн Сино, Нақшбандий каби бу замин фарзандлари шаҳар шухратини оламга ёйишди.

Байрамда АҚШ, Германия, Франция, Миср, Россия, Ҳиндистон каби мамлакатлар вакиллари қатнашишди (Соҳибқирон юлдузи. 1997 йил 22 октябрь).

Хива — қадимий маданият ўчоқларидан биридир. Шаҳарда асрлар мобайнида барпо этилган меъморий ёдгорликлар, улардаги ранг ва шаклларнинг уйғун ва мутаносиблиги ҳам бу ерда яшаган аждодларимизнинг теран ақлу заковатидан гувоҳлик беради. Шаҳар неча минг йиллик тарихида кўплаб босқинчилик ва вайронагарчиликларга дучор бўлди.

Мустақиллик шарофати билан Хиванинг 2500 йиллик юбилеи нишонланди. Юбилей муносабати билан кўплаб меъморий обидалар таъмирланди.



Хива шаҳрида байрам намойиши.

20 октябрда Хиванинг қутлуг байрамига келган меҳмонлар — вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатлар вакиллари байрамоңа безатилган арк майдонидан жой олдилар. Йиғилганлар нигоҳида шаҳар сеҳру синоатидан ҳайрат, қалбида ҳаяжон: гўё улар шу онларда олис мозий бағрида тургандек.

Майдонга кириб келган давлатимиз раҳбари Ислон Каримов табрик нутқи сўзлаб йиғилганларни қадимий шаҳар тўйи билан табриклади.

Ўзбекистон Давлат мадҳияси янгради. Байрам мушаққарининг ёғдуси кўҳна ва навқирон Хива осмонини мунаввар этди.

«АЛПОМИШ» ДОСТОНИ 1000 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Алпомиш» достонининг минг йиллигини байрам қилиш» тўғрисида 1998 йил, 13 январда қарор қабул қилди.

1998—2000 йиллар мобайнида ушбу қарор юзасидан қатор тадбирлар ўтказилди. 1999 йил ЮНЕСКО иштирокида туркий халқларнинг буюк мероси «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Саҳнага чиқиб келган санъаткорлар Хива шаҳрининг пайдо бўлиши ҳақидаги театрлаштирилган томошани бошлаб бердилар. Хоразм замини саховатли, у миришкор зироатчилар, Беруний, ал-Хоразмий, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий, Феруз каби алломаю шоирлар юрти. Саҳнада 1015 йил воқеалари тасвирланади. Маъмун академияси олимларининг муборак сиймолари намоён бўлади. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар вакиллари ўз кўшиқ ва рақслари билан байрам қатнашчиларини қутлаб, кўҳна Хивага эҳтиромларини изҳор этдилар (Аҳмад Хўжа. Халқимиз заковатининг боқий ҳайкаллари. Соҳибқирон юлдузи. 1997 йил 22 октябрь).

Хива шаҳрининг Арк майдонида 1997 йил 20 октябрда ўтган театрлашган томоша ўз моҳияти, тарихий фалсафий теранлиги (муаллиф О. Матчон, режиссёр Рустам Ҳамидов, бастакор Рустам Абдуллаев) билан эътиборга молик. Унда шаҳар тарихи умумлашган бадиий саҳнавий ечимларда тақдим этилган.

...Массагетлар маликаси Тўмариснинг чавандоз қизлар қуршовидаги шиддатли ва кескин ҳаракатларга бой рақсларида ватан мустақиллиги учун олиб борган кураши мужассам этилса, Хива шаҳри ҳақидаги ривоят асосидаги «Фаришталар рақси»да тарихимизнинг ўқилмаган саҳифалари қайта жонланди. Қадимги Хоразм илм маскани бўлгани, дунёга машҳур алломалар бу ерда фаолият олиб борганини кўрсатишга қаратилган «Илм куёши» бўлими айнан шу мақсадларга бўйсундирилган. Умуман, саҳна томошалари Хиванинг узоқ тарихи, унинг яратувчилик иштиёқи билан тўла бугунги куни, порлоқ истиқболи ҳақида ҳикоя қилади. Бадиий лавҳаларида Хоразм аҳлининг жўшқин ва жозибали санъати яна бир қарра намоён бўлди. Томоша сўнгида халқнинг ғайрат ва шижоат, назокат ва нафосат рамзи — «Лазги» рақси оммавий равишда ижро этилди («Ўзбекистон санъати». Т. 2001, 194-бет).

Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган тантаналар шоду хуррамлик билан кўтаринки руҳда ўтди.

«Алпомиш» достонининг бош ғояси инсонпарварлик, ватанпарварлик, мардлик ва муҳаббатга садоқат туйғулари билан суғорилган. У туркий халқларнинг, жумладан, 92 уруғ ўзбек халқининг қадимий миллий урф-одатлари, маданияти, ижоди, тинчлик учун қаҳрамонона кураши, орзу-умиди тўғрисидаги бадиий қомус ҳисобланади.

Алпомишшунослар янги тадқиқотлар ярат-

дилар. Ўзбекистонда турли илмий конференциялар ўтказилди.

Сурхондарёда Алпомиш хиёбони бунёд этилиб, халқ қахрамонининг ҳайкали қад ростлади. Достоннинг тўлиқ нашри амалга оширилди.

Муқимий номидаги мусиқали драма театрида Усмон Азим, бастакор Бахрулло Лутфуллаев, рассом Шухрат Абдумаликовларнинг «Алпомишнинг қайтиши» спектакли намойиш этилди.

1998 йил ноябрь ойида «Алпомиш» достони юбилейга бағишланган тўққиз миниатюрадан иборат почта варағи тайёрланди ва муомалага чиқарилди.

Нурота шаҳрида юбилейга бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

1999 йилда 12—13 май кунлари Термизда «Алпомиш» боқий асар деб ном олган, Урта Осиё ўлкалари ва Қозоғистон бахши ва оқинларининг биринчи халқаро кўрик фестивали

бўлиб ўтди. Август ойида эса Бойсунда «Алпомиш» юбилейини нишонлаш доирасида бахши ва рассомларнинг республика кўрик танлови бўлиб ўтди.

Термиз шаҳрида «Алпомиш» достонига бағишланган миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича биринчи Республика ўйинлари фестивали бўлиб ўтди.

«Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишланган асосий тадбир Термизда ҳам бўлиб ўтди. «Алпомиш» ёдгорлик мажмуаси очилди. Тантанали маросим ва катта театрлашган томоша бўлиб ўтди.

Радио ва телевидение орқали достон матнлари ўқитилиб, турли тадқиқотлар асосида адабий-бадиий чиқишлар уюштирилди.

«Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги мустақиллик берган буюк неъматнинг ёрқин кўриниши, халқимизнинг ўз миллий меросига бўлган меҳр-муҳаббати тимсолида кенг нишонланди.

НАВОЙДА НАВОЙ БАЙРАМИ

Маълумки, 1441 йил 9 февралда улуғ ўзбек шоири, ўзбек классик адабиётининг асосчиси, гениал мутафаккир, шеърят мулкининг султони Алишер Навоий таваллуд топди. 1991 йил, яъни Ўзбекистон Мустақилликка эришган йил Мир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги хур фикрли кишилар томонидан кенг нишонланди. Шундан сўнг ҳар йили 9 февраль — Навоий туғилган кунни республикамизда кенг нишонлаш анъана тусига кирди. 2001 йил эса шоирнинг 560 йиллиги муносабати билан Навоий байрамини нишонлаш бўйича бош тадбирлар Навоий вилоятида бўлиб ўтди.

«Бағри бутун халқ байрам қилади», деган ибора замирида олам-олам маъно ётади. Бунинг учун, аввало, халқнинг эрки ўз қўлида бўлиши керак. Ана шунда у ўз меросига ҳам эгалик қила олади, минг-минг йиллик тарихи билан бутунни мустаҳкам ришталар орқали боғлаб, келажак сари дадил қадамлар ташлайди. Халққа ўтмишидан куч-қувват, салоҳият, ақл-заковат излайди ва топади», — дейди маънавиятшунос олим С. Олимов.

Мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида Навоий шаҳрида шоир таваллудининг 560 йиллигига бағишланган катта тантаналар бўлиб ўтди. Бу байрамга навоийликлар катта тайёргарлик кўришди. Жумладан, 103 гектарлик янги ажойиб боғ барпо этилди, шоирнинг ҳайкали тикланди, унинг саҳнида муҳташам амфитеатр қурилди. Бундан буён бу ажойиб жой байрам-

лар, анжуманлар ўтказиладиган масканга айлантирилди.

Боғнинг тантанали очилиши маросимида Президентимиз И. Каримов нутқ сўзлаб, инсоннинг инсондай яшашини орзу қилганлиги ва шуни умр бўйи тарғиб этганлигини айтиб: «Биз ҳам шуни истаймиз. Бу йўлда қўлимиздан келган барча ишни қилишга тайёрмиз. Одам дунёга келиб, бахтли яшаши, яйраб-яшнаши, ўз меҳнатидан завқланиши, инсондай дам олиши, боғ-роғлардан баҳра топиши керак», дедилар.

Навоий ўз даврининг маънавий раҳнамоси эди, ҳозирги кунда ҳам халқ унинг ижодидан тарбиявий куч олишини таъкидлади. Шунингдек тадбирда А. Орипов, З. Эсонова, Ҳ. Мавлонов, Н. Пановалар Навоийнинг тарихимиз бугунимиз ва келажакимиздаги ўрни ҳақида самимий гапирдилар.

Мутафаккир қаҳрамони номи билан аталадиган «Фарҳод» маданият саройида «Алишер Навоий ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти» мавзuida бўлиб ўтган илмий анжуман Навоий мероси қирраларини ёритди.

Инсоният мавжуд экан, бу ўлмас ғоялар одамларни эзгуликка ундайверади. Кечқурун Навоий ҳайкали пойидаги амфитеатрда вилоят санъат усталарининг концерти берилди.

Шоир таваллудининг 560 йиллиги тантаналари шаҳар ва вилоятларнинг шоир номига мос равишда ривожланишига янги асос яратди.

ТЕРМИЗ ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ

Дунёда ёши минг йиллар билан ўлчанадиган шаҳарлар сони санокли. Не бахтки, ўзбек эли ёши бир неча минг йилларга тенг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз каби шаҳарлар соҳиби бўлган саодатли халқлардан бирдир.

2002 йил 2 апрель мамлакатимиз тарихидан юбилей куни сифатида муносиб ўрин олади. Негаки бу кун бобо шаҳар — Термизнинг 2500 йиллик тўйи нишонланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил, 27 декабрда эълон қилинган «Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги ҳамда ЮНЕСКО Бош конференцияси 30-сессиясининг мазкур шаҳарнинг 2500 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш ҳақидаги қарорлари қабул қилинган, унинг ижросини таъминлаш жараёнида улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Бу ишлар «Алпомиш» дostonининг 1000 йиллигини нишонлаш арафасида бошланган эзгу амалларнинг давоми бўлди.

Авлиёлар юрти Термизда Султон Саодат ёдгорлиги мажмуи бутунлай қайта тикланди. Янги темир йўл вокзали фойдаланишга топширилди. Юбилейга муносиб тўёна сифатида Археология музейи барпо этилди.

Юртимизда юбилей кунларида «Термиз шаҳрининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни» мавзуида халқаро анжуман ўтказилди.

...Шаҳар юбилейига бағишланган халқаро маросим бўлиб ўтадиган «Алпомиш» стадиони байрамона безатилган. Ундан мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларидан ташриф буюрган меҳмонлар, хорижлик олимлар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари жой олган. Президент И. А. Каримов байрам ўтадиган майдонга кириб келганда йиғилганлар давлатимиз раҳбарини давомли қарсақлар билан кутиб олди.

Маросимда Президент Ислам Каримов катта нутқ сўзлади.

«Ўзбекистон заминининг қайси ҳудудига муружаат қилмайлик — деди Юртбошимиз — минг-минг йиллар қаъридаги илк ҳаёт нишонларини, энг қадимий маданият ва санъат намуналарини ҳар қадамда топиш, шу орқали

бу ерларда қандай буюк цивилизация мавжуд бўлганлигини кўришимиз муқаррар...».

Тарихий далилларга бой мазкур маърузасида И. Каримов Термиз шаҳрининг шонли ўтмиши, мустамаккачилик йиллардаги тушкун аҳволи ва истиқлол йилларида бу ерда амалга оширилган жаҳоншумул ҳайрли ишлар тўғрисида сўзлаб берди.

Ҳаким ат-Термизий, Имом ат-Термизий, Абу Бакр Варроқ Термизий, Собир Адиб Термизий каби авлиё алломалар хоки-поки ётган табаррук заминнинг бугунги Сурхон элига бахтсаодат, узоқ умр тилади.

«Бу заминнинг ва Боботоғ, Сангардак ва Хонжизза, Бойсун ва Олтинсойнинг фусункор манзаралари ҳар қандай одами мафтун этади. Сурхон воҳасининг бағрига жо бўлган ноёб табиат бойликлари, равон йўллар, алоқа тармоқлари, мухтасар айтганда самарали ишлаш учун асос бўладиган шарт-шароитларни олайлик. Энди ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, бу воҳада шундай меҳнаткаш, мард ва олижаноб халқ бўлса, бундай халқнинг келажаги буюк бўлмаслиги мумкинми? Имоним комилки, бутун халқимиз қатори Сурхон эли ҳам ана шундай ҳаётга ниҳоятда муносиб.»

Ўз юртини жондан севган Юртбошимиз табрик нутқи сўнггида оталарча дуо қилиб шундай деди: «Мен гўзал Сурхон воҳасини, унинг кўркам боғлари, баланд тоғлари, бепоён дашту далаларини, шу заминда яшаётган азиз юртдошларимни, бутун Сурхон аҳлини яхши кўраман. Сизларга ўзимнинг энг эзгу туйғуларимни изҳор этишдан ҳамиша бахтиёрман. Мардлар, баҳодирлар ва полвонлар диёри бўлган бу табаррук тупроқдан ҳеч қачон файзу барака аримасин. Ўтмиши шарафли, келажаги буюк Термиз дунё тургунча турсин» («Халқ сўзи» 3 апрель, 2002.).

Маросимда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейн, шунингдек, сурхондарёлик юртдошларимиз вакиллари сўзга чиқдилар.

Юбилей маросими театрлашган байрам томошаси билан якунланди. Тарихий сананинг байрам маросими ҳам ўзгача бир тарихий воқеа бўлди.

«АВЕСТО» КИТОБИНИНГ 2700 ЙИЛЛИГИ

2001 йил 3 ноябрь куни кўҳна Хоразм диёрида, дунё маданиятининг ноёб дурдонаси бўлмиш «Авесто» китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ёдгорлик мажмуининг

очилиш маросими бу байрамнинг энг юқори чўққиси бўлди. Тантанали маросим Ваганимиз тарихи шонли саҳифаларга бой эканидан далолат беради.

«Авесто» китобининг 2700 йиллигига ба-

ғишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуасининг очилиш маросимида республика Президенти И. Каримов нутқ сўзлади: «Бундан 30 аср муқаддам мана шу мўътабар заминда яшаган аждодларимизнинг ақл-заковати ва қалб кўри билан яратилган, 12 минг терига тилла суви билан битилган бу ноёб тарихий ёдгорликнинг замон тўфонларидан, қанча-қанча оғир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача этиб келганининг ўзида катта маъно мужассам» — деди Республикамиз Президенти И. Каримов.

Ушбу нодир китоб айна замонда бу қадим ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда буюк давлат, буюк маданият, буюк маънавият бўлганидан ва халқимиз илдизлари, давлатчилигимиз асослари қадимги тарихга бориб тақалишидан гувоҳлик берувчи бебаҳо тарихий ҳужжат бўлиб, минг йиллар, асрлар давомида авлод-аждодларимиз учун маънавий-руҳий таянч, чексиз куч-қувват манбаи бўлиб келган.

Шунинг учун ҳам, юнон босқини бўладими, араб истилоси бўладими — бу юртга кимки қилич кўтариб келмасин, биринчи галда мана шу нодир китобни йўқ қилишга, шу йўл билан халқни ўз тарихи ва хотирасидан жудо этиб, унинг иродасини синдиришга урингани бежиз эмас.

Бу қадимий ўлкаларга юриш қилган Александр Македонский 32 китобдан иборат бўлган ушбу улкан асарнинг асл нусхасини Юнонистонга юбориб, унинг тиббиёт, астрономия, фалсафага оид бобларини алоҳида кўчиртириб олгани, қолган қисмларини эса ёндириб ташлагани ҳам шундан далолат беради.

Айтиш мумкинки, шу тариқа «Авесто»да баён этилган илмий ва ҳаётий тушунча-тасавурлар нафақат Марказий Осиё ва Юнонистон, балки бутун Ғарб илму фани ва фалсафаси ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган.

Шу маънода, бугунги маросим, бугунги тантана нафақат Ўзбекистон халқининг эмас, балки башарият мулкига айланиб кетган «Авесто» китобини минг йиллар давомида асраб-авайлаб, ўқиб-ўрганиб, унинг олижаноб ғояларига амал қилиб, уларни тарғибу ташвиқ этиб келётган барча халқларнинг ҳам байрамидир, десак, асло муболага бўлмайди.

Олиб борилган тадқиқотлар бу китоб Хоразмда яратилгани ва ягона тилда келтирилганини кўрсатади. Шу боис «Авесто»га бағишланган тадбир шу заминда ўтказилди. «Авесто»нинг 2700 йиллигига атаб Урганчда барпо қилинган мемориал боғ кишининг диққатини тортмасдан қолмайди (лойиҳа автори хоразмлик архитектор Полвонназир Абдуллаев).

Бунда «Авесто» ёдгорлик мажмуи барпо этилди ва у ўша давр руҳини уйғота олган. Мажмуа — Шовот каналининг қирғоғидаги 20 гектар майдонда бунёд этилган. Мажмуанинг асосий марказидан 18 метрлик меъморчилик композицияси ўрин олган. «Авесто» китобини акс эттирган мрамрдан ишланган ёдгорлик композициянинг марказий қисмидир.

Чархи дуннинг тўрт асосий воситаси рамзи: бири — ер, иккинчиси — сув, учинчиси — ҳаво, тўртинчиси эса — олов. Монумент «мангу тафаккур тимсоли», «абодийлик ва чексизлик», ер ва фазони эслатади. Ёдгорликнинг қоқ марказидаги «Авесто»нинг очиқ саҳифаларида эса «Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал» деб ёзилган. Бундан қарийб 3 минг йил илгари яратилган «Авесто» китобининг рамзи яхшилик ва ёмонлик, раҳмдиллик ва ёвузлик, билим ва жаҳолат ўртасидаги курашни акс эттирмоқда.

Тантанали маросимдан сўнг театрлаштирилган байрам томошалари ўтказилди. Санъаткорлар «Авесто»нинг тарихимизда тугган ўрни ҳақидаги эзгу амалларни ифодаловчи лавҳаларни намойиш этдилар.

Томошаларда ҳам кўҳна, ҳам янги Хоразмнинг руҳи уфуриб турди. Шу кунги катта томошада уч давр акс этди: ўтмиш, бугун ва келajak. Шу кун Хоразмда чошгоҳгача базми жамшид бўлди, хоразмча таомлар тортилди. Кексалар шундай кунларга етказганига шукрона айтиб, тинчлик, омонлик тилашди. Ўтмиши бой, бугуни хотиржам, осойишта ва фаровон мамлакатнинг, миллатнинг эртаси ҳам ёруғ бўлади. Бундай байрам мустаҳкам илдизларига таянган, эртанги кунига ишонган мамлакат халқи-гагина ярашади.

«Авесто» китобининг 2700 йиллиги тантаналари доирасида Хива шаҳридаги Маъмун академиясида «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни мавзуида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Мазкур илмий анжуманда «Авесто» инсоният маънавияти тараққиётидаги ўрни, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий аҳамияти ҳақида сўз борди.

Тўй арафасида «Шарқ» нашриёти таниқли шоир Асқар Маҳкам таржимасида «Авесто»нинг мукамал нашрини илк бор босмадан чиқарди.

Шодиёнага ташриф буюрган одамларнинг кайфияти, улар чехрасидаги кўтаринки руҳдан бугунги кунимизга шукроналик туйғуларини сезиш қийин эмас эди.

САНЪАТ ВА ИЖОД КЎРИК-ТАНЛОВЛАРИ

«ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ» КЎШИҚЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИ

Илк бор «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуидаги кўшиқлар кўрик-танлови 1995 йил декабрда эълон қилинди. 1996 йил март ойида эса пойтахтнинг «Баҳор» концерт залида бу кўшиқ танловининг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Унда 54 мингдан зиёд санъаткор қатнашди. 10 мингдан ортиқ кўшиқ ижро этилди. Кўрик жуда қизиқарли бўлиб, унда болалар боғчалари тарбияланувчиларидан тортиб, мамлакатдаги талабаларгача иштирок этишди.

1996 йил 24 август куни эса Тошкентдаги «Туркистон» саройида кўшиқлар кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Бу танловда мамлакатимизнинг турли миллат вакиллари (рус, қозоқ, туркман, уйғур, қирғиз, корейс ва бошқалар) фаол қатнашишди.

1996 йилнинг 26 августида кўрик-танлов ғолиблари аниқланди. 28 августда эса Тошкентда Халқлар Дўстлиги саройида танлов ғолибларининг якуний концерти бўлди.

«Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуидаги кўрик танловининг ўтказилиши Ватанни севиш ва мустақилликни улуғлаш йўлидаги муҳим

қадам бўлгани учун у мамлакат ҳаётида одат тусига кирди. Чунки 1996 йил 27 август куни «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўшиқ байрами ҳақида махсус Фармон қабул қилинди. Унда «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўшиқ кўрик танловининг халқимиз маданий-маънавий ҳаётида унутилмас воқеа бўлгани, минглаб фуқаролар томонидан зўр мамнуният ва кўтаринки руҳ билан қўллаб-қувватланганлиги» қайл қилинди ва «ҳар йили август ойининг учинчи яшанбаси, «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўшиқ байрами куни» деб эълон қилинсин деб кўрсатилди (Ўзбекистоннинг янги тарихи. Т. 2000., 428—430-бетлар).

Халқнинг кўшиққа бўлган эҳтиёжи кучли бўлгани ва республика раҳбариятининг кўшиқчилик санъати ривожига эътибори асосида бу байрам ҳар йили нишонланиб келинмоқда. Бу кўрик-танлов мамлакатимизнинг ҳамма жойларида, босқичма-босқич: ўқув юртли ва ташкилотларда, маҳалла, қишлоқ ва шаҳарларда, туман ва вилоятларда ва ниҳоят ватанимиз пойтахтида кўтаринки руҳ билан ўтказилмоқда.

«ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ!» — ВИЛОЯТЛАР КЎРИГИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Маънавият ва маърифат» кенгаши, Ўзбекистон Бадиий Академияси билан ҳамкорликда «Шу азиз Ватан — барчамизники» мавзуида республика фестивали катта тантаналар билан уюштирилди. Унда республикамизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси санъаткорлари ўзларининг санъат ва маданият соҳасида 10 йил ичида эришган ютуқларини намоён этишди. Республикамиз жамоатчилигига айниқса, Қашқадарё, Андижон, Жиззах, Хоразм, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистонликларнинг кўргазмалари манзур бўлди. Жумладан, Тошкент шаҳри фестивалида расмий очилиш маросими, фольклор жамоаларининг концерт дастурлари, шаҳар қурилиш лойиҳалари тақ-

димоти, Фанлар Академиясининг илмий ишланмалари тақдимоти, «Усто» бирлашмалари, «Мусаввир» маркази, «Хунарманд» ассоциацияси аъзолари ижодий ишларининг тақдимоти, «Карвон» галереяси ишлари тақдимоти, тошкентлик рассомлар ижодий ишлари кўп минглаб томошабинларнинг диққатини тортди. Шунингдек фестиваль экспозицияларида Тошкент шаҳрининг илғор халқ амалий санъати усталари, ҳайкалтарош ва рассомлари, шунингдек ишлаб чиқариш маҳсулотларининг намуналари тақдим этилди.

Кўргазмадаги «Тошкент кеча, бугун, эртага» экспозицияси орқали пойтахт кейинги 10 йил мобайнида йирик меъморчилик ва шаҳарсозлик марказига айланганининг гувоҳи бўлинди.

Тошкентнинг иқтисодий ривожланишига ўз

ҳиссасини қўшаётган қатор корхоналар фаолияти Инвестиция бош бошқармаси томонидан ташкиллаштирилган экспозицияларда кўрсатилди.

Мустақиллик йилларида кичик ва ўрта бизнес тузилмаларининг ривожланишига ҳам алоҳида аҳамият берилиб, бу субъектлар иқтисодиётнинг устувор йўналишлари сифатида кенг тарқалди. Ўрта ва кичик бизнес корхоналарининг ички ялпи маҳсулот ҳажмидаги улуши ҳам ошиб бормоқда. Кўрғазмада шаҳар Товар

ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси тавсияси асосида «ПГС», «Деметра», «Тальяна» ХФ, «Супрамед» ИИЧК, «Днисс» МЧЖ каби корхоналар ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

10 йил ичида илм соҳасида эришилган ютуқлар илмий текшириш институтларининг микробиология, ботаника, электроника, энергетика йўналишларидаги тадқиқотларида намоён этилди.

«ОФАРИН» МУКОФОТИ ТАҚДИМОТИ МАРОСИМИ

Санъаткор руҳлантирилиб, қўллаб-қувватлаб турилгандагина яхши ижод қилади. Уларни доимо тақдирлаб туриш керак. Шу мақсадда тузилган «Офарин» фондининг асосий мақсади мамлакатимиз ижодкор ходимларини янги руҳда ишлашга даъват қилиш, иқтидорларини қўллаб-қувватлаш, мустақиллик ғоялари асосида ватанпарварлик, тинчлик ва тотувлик, дўстлик ғояларини акс эттирувчи, ёшларга мустақиллик ва буюк келажакка ишонч туйғусини синдирувчи ижодий ишларнинг энг яхши намуналарини яратишда ёрдам беришдан иборатдир.

«Офарин» фонди ўз номига мос «Офарин» му-

кофотини таъсис этди. Бу мукофот истеъдодли ёзувчилар, журналистлар, санъаткорларнинг энг яхши асарлари учун бериб борилади. Самарали ижод қилган санъаткорларни аниқлаш учун махсус ҳайъат ишлайди ва ғолибларни аниқлайди. Ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида махсус маросим-концерт уюштирилиб, унга Республикамиз зиёлилари, адиб ва шоирлар, санъаткорлар тақлиф этилади. «Офарин» мукофоти нишони ва қимматбаҳо совғалар эгаларига тантанали суратда топширилади. Улар шайнига дил сўзлари айтилиб, қўшиқлар бағишланади. Албатта, мукофотлар ижодкорларга «қўш қанот» бўлади.

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ!» КўРҒАЗМА — БАЙРАМИ

Замонавий санъат маркази — пойтахтимизнинг янги антиқа маданият ўчоқларидан бири сифатида ўз фаолиятини катта тасвирий ва амалий санъат байрами билан бошлади. Бу маскан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган «Энг улуг, энг азиз» кўрғазма байрами билан очилди. Ўзбекистон санъатининг қатор вакиллари бу кошонада ўз асарларини намойиш этиб, элга танилганлар. Энди улар эса ижодий эстафетани ХХI аср рассомларига узатмоқдалар.

Мазкур санъат байрами икки босқичда ўтади. Биринчи босқичда сўнгги 10 йилликда яратилган 200 дан ошиқ рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик асарлари намойиш қилинди. Иккинчи босқичда эса безакли- амалий санъат усталари ўз маҳоратларини тақдим этдилар. Ушбу вернисажда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида яшаб ижод этаётган санъаткорларимиз ўз асарларини томошабинлар эътиборига ҳавола қилдилар.

Кўрғазмада Ўзбекистон Бадиий Академияси

аъзолари М. Набиев, А. Икромжонов, Р. Чориев, Р. Аҳмедов, Н. Қўзибоев, Н. Шин, Б. Бобоев, Ж. Умарбеков, Б. Жалолов, В. Бурмакин, Л. Иброҳимов, ҳайкалтарошлар А. Ҳотамов, Т. Тожихўжаев, Д. Рўзибоев, М. Бородин, график рассомлар М. Кагаров, А. Мамажонов, М. Содиқовлар, ёш рассомлар Д. Охунбобоев, А. Иванова, А. Николаев, М. Алиев, В. Нечаева, Х. Зиёхонов, Х. Иноғомова, Г. Алиматова, А. Нуршина, К. Бобоев каби кўплаб таниқли санъаткорлар ижоди барчага манзур бўлди.

Шунингдек А. Нур, В. Охунов, Г. Қодиров, Г. Бойматов, Р. Гаглоева, Ж. Усмонов, А. Исаев, Э. Исҳоқовларнинг сўнгги 10 йилликда яратган янги қизиқарли асарлари томошабинда катта қизиқиш уйғотди.

Тошкентнинг Замонавий санъат маркази томошабинларни янги Ўзбекистон санъати билан яқиндан таништира бошлади.

ЎЗБЕК ТЕАТРИ БАЙРАМЛАРИ

Мустақил мамлакатимиз театр санъати эртанги кунга ишонч билан қарамоқда ҳамда жаҳон театрлари билан ҳамкорликда унинг тенг ҳуқуқли аъзо сифатида XXI асрга дадил ижодий қадамлар билан кириб бормоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда маданият, санъат ривожига тобора эътибор кучайиб бормоқда. Санъат соҳасини ислоҳот қилиш мақсадида Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги театр-томоша ташкилотлари ўрнида «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси, «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси, «Ўзбекмузей» жамғармаси ва «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига (1998 йил, 22 май) асосан Республикадаги мавжуд 36 та театрларни бирлаштирадиган ягона тизим вужудга келди.

Ушбу фармонга биноан театрларга ва санъат аҳлига кўмаклашиш мақсадида «Артмадад» махсус жамғармаси ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда бу жамғарма ўз фаолиятини самарали давом эттирмоқда. «Наврўз-99» театр санъати, «Хумо-2000» ёшлар театрлари фестиваллари ва бошқа бир қанча тadbирларнинг молиявий томони жамғарма томонидан қопланмоқда.

Бирлашма ташкил бўлгач бир неча Республика ва Халқаро миқёсда фестиваллар, тadbирлар, ижодий ва хотира кечалари, театрларнинг ташкил топган саналари тантанали равишда ўтказилди.

Жумладан анъанавий «Наврўз-99» Республика театр санъати фестивали, Қатагон қурбонлари хотирасига бағишланган — «Андижон баҳори-99» театр санъати фестивали, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, М. Улўбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, «Камолот» ёшлар жамғармаси билан ҳамкорликда ўтган йили ва жорий йилда «Ниҳол» талаба-ёшлар театр студияларининг фестиваллари, Қарши шаҳрида 1999 йили ўтказилган «Ипак йўли-театр-саёҳат» анжумани каби тadbирлар Республикамиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Мустақиллик туфайли тарихий қадриятларни тиклаш, ўзликни англаш, маънавий бойликларга интилиш — ўзбек театрининг ҳам муҳим вазифасига айланди. Саҳнамизда улўғ Амир Темури, Мирзо Улўбек, Алишер Навоий образлари янгича талқин қилинди. Ал-Фарғоний, Ал-Бухорий, Жалолиддин Мангуберди, Феруз каби улўғ аждодларимизга бағишланган асарлар кенг шуҳрат қозонди.

Республика театрлари ҳар йили 130 дан ошиқ турли мавзу ва жанрларда спектакллар саҳналаштиради. Булар асосан тарихий афсонавий

мавзулардаги спектакллардир. 1998 йили Халқаро миқёсда кенг нишонланган буюк ватандошларимиз ҳаёти ва фаолияти ҳамда Алпомиш достонининг 1000 йиллиги муносабати билан қатор саҳна асарлари яратилди. Булар Ҳамза номидаги театрда саҳналаштирилган драматург Ҳайитмат Расулнинг «Пири коинот», Фарғона вилояти Ю. Шакаржонов номидаги мусиқали драма театрида саҳналаштирилган «Осмонга сифмаган муҳаббат», Самарқанд вилояти Ҳ. Олимжонов номидаги мусиқали драма театрида саҳналаштирилган Усмон Кўчқорнинг «Имом Бухорий», Андижон вилояти Й. Охунбобоев номидаги мусиқали драма театрида саҳналаштирилган «Алпомишнинг қайтиши», Хоразм вилояти Огаҳий номидаги мусиқали драма театрида саҳналаштирилган Эркин Самандаровнинг «Жалолиддин Мангуберди» каби асарлари Республикамиз маънавий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Шунингдек икки йил мобайнида тур йилининг энг яхши ижодкорлари аниқланиб, 27-март Халқаро театр кунини тантанали равишда мукофотланмоқдалар.

Кувонарли ҳол сифатида таъкидлаш керакки, Тошкент жаҳоннинг театр марказларидан бирига айланмоқда. Тошкентда «Шарқ ва Ғарб», «Хумо» каби йирик халқаро театр фестиваллари ўтказилиши, ўзбек режиссураси, актёрлик санъатининг йирик ютуқлари, маҳорат ўрганиш, тажриба алмашилиш мактаби вазифасини ўтади. Бу фестивалда чет эл мамлакатлари ҳам иштирок этиш хоҳишларини билдирмоқдалар.

1996 йил «Амир Темури» таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Наврўз» театр фестивалининг муваффақияти йирик халқаро аҳамиятга молик бўлган. Республикамиз аҳолисининг тенг ярмини болалар ва ёшлар ташкил этиши боис театр соҳасида ҳам ёшлар учун кўп ишлар қилинди, улар учун махсус томошалар қўйилмоқда, кўғирчоқ театрлари барча вилоятларда ишлаб турибди. «Катталар театрлари болалар учун» фестивали шундай театрларда болаларга хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш ишига хизмат қилади.

Республика рус ёш томошабинлар театри — республика ёшлар театрига айлантирилди. Андижонда болалар ва ёшлар давлат театри кенг томошабинлар эътиборини қозонди. Республика кўғирчоқ театрларининг анъанавий фестивали ташкил этилди. Халқаро «Хумо» фестивали марафони Тошкентда муваффақиятли ўтиб, Германия, Грузия, Россия ва бошқа мамлакатлар театр жамоаларининг ўзаро ижодий учрашуви масканига айланди.

Ҳаваскорлик театрлари ҳам ривожланмоқда. Талабалар ҳаваскорлик театрларининг «Ниҳол» фестивали мана икки йилдирки, катта қизиқиш билан ўтказилмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида ўзбек давлат академик драма театри янги биносининг очилиши ўзбек маданияти ҳаётида улкан воқеа бўлгани учун катта байрамга айланиб кетди.

Академик театримиз ўзбек театр санъатининг энг яхши анъаналарини ўзида мужассамлаштирган, юксак поғоналарга кўтарган, халқимизга буюк санъаткорлар етказиб берган муқаддас даргоҳдир.

Театрда жаҳон ва ўзбек драматургиясининг ўнлаб нодир намуналари сахналаштирилди. Уларнинг аксарияти ҳали-ҳали санъат ихлосмандлари томонидан мароқ билан эсланади.

Мазкур театр нафақат миллий санъатимиз, балки дунёдаги кўплаб театрларнинг машҳур режиссёр ва актёрларини, театршунос ва мутахассисларни ҳам ҳайратда қолдирган. Ўзбек театрининг номини бутун дунёга танитган бундай ижодкорлар халқимизнинг ва давлатимизнинг фахру ифтихорига айланган.

Бироқ, театр санъатининг рамзи бўлган ушбу

театр биноси жуда кўримсиз бўлиб, замонавий талабларга жавоб бера олмасди.

Шунинг учун Президентимиз Ислом Каримов отахон театр биносини бутунлай қайта қуриш ташаббусини илгари сурди ва кўп ўтмай маҳобатли, кишининг ақлини шоширадиган кошона бунёд этилди.

Театрни қуришда миллий ва замонавий меъморчиликнинг энг яхши анъаналаридан фойдаланилган.

Мустақилликнинг 10 йиллигини нишонлаш арафасида 30 август куни бу янги санъат кошонасининг очилиш маросими бўлди.

Маросим очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ушбу театрни бундан буён «Ўзбекистон Миллий академик драма театри» деб аташ тўғрисида таклиф киритди.

Ўзбекистон Миллий академик драма театри жамоаси 3 сентябрь куни ўзининг янги қурилган муҳташам биносида илк мавсумини Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драмаси билан бошлади.

ИСТИҚЛОЛ КОШОНАСИ

2002 йил Наврўз байрамидан сўнг Тошкентда Ўзбекистон Давлат Консерваториясининг янги биноси ишга туширилди.

Азим пойтахтимизда бунёд этилган консерватория биносининг очилиши нафақат санъат аҳли, балки юртимизда яшайдиган ҳар бир инсон учун чексиз гурур ва ифтихор бахш этадиган қувончли воқеа бўлди. Тошкент Давлат Консерваторияси Ўзбекистонда улкан хизмат кўрсатган зиё масканларидан бири бўлиб, минглаб мусиқа санъати намоёндаларини етказиб берган.

Яқин ўтмишда барча олий таълим масканлари каби бу ўқув даргоҳининг фаолияти ҳам ўша давр мафкураси асосида, бирёклама ташкил этилган эди. Узоқ йиллар бу ерда миллий мусиқа санъатига эътибор берилмади, мақом санъатига ҳам нописанд муносабатда бўлиб келинди. Холбуки, мумтоз мусиқа санъатимиз хазинаси бўлмиш мақом куй ва кўшиқлари жаҳон мусиқа маданиятининг энг нодир намуналаридан ҳисобланади. Консерваторияда умумжаҳон мусиқа санъатининг энг мумтоз жанрлари ривожлантирилди. У Ўрта Осиё республикалари қаторида биринчи бўлиб ташкил этилган эди. Бугунги кунда мамлакатимиз мусиқа санъати соҳасида қандай ютуқларга эришган бўлса, буларнинг барчасида олтмиш беш йиллик тарихга эга бўлган консерваториямизнинг ҳиссаси беқиёс, айниқса опера, балет, хор ва симфоник асарларни яратиш, шу билан бирга

замонавий эстрада ривожига кўрсатилган таъсирини бутун халқимиз яхши билади ва қадрлайди.

Консерватория учун юксак даражада қулайликларга эга бўлган янги биносининг қуриб, ишга туширилиши ва санъат аҳли ихтиёрига топширилиши ҳақиқий мусиқа санъатининг байрамига айланиб кетди.

Консерваториянинг очилишига бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади. Президентимиз бу олий даргоҳнинг мамлакат маданий ҳаётидаги ўрни ва мавқеини инобатга олиб, уни бундан буён «Ўзбекистон Давлат Консерваторияси» деб аташни таклиф этди. «Бу ном аввало, консерваториямиз олдида турган улкан вазифаларга, унинг мана шу ҳашаматли, муаззам биносига ҳам, обрў эътиборига ҳам ғоятда мос тушади, деб ўйлайман», — деди мухтарам йўлбошчимиз ўз нутқида.

Шу билан бирга Президентимиз Консерватория олдида турган вазифа фақат миллий мусиқани ривожлантириш билан чекланмаслигини таъкидлаб, жумладан шундай деди: «Бугун биз дунёдаги ривожланган давлатлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, юртимизда эркин ва фаровон жамият барпо этаётган эканмиз, санъатни, мусиқани ўзимизнинг маънавий ҳамроҳимизга айлантirmасдан туриб, юксак мақсадларга эришишимиз, ҳаётимизни янада маз-

мунли, янада ёруғ ва ҳар томонлама мукамал қилишимиз мумкин эмас, албатта. Бундай олижаноб мақсадларга етиш учун биз мусиқа санъатини фақат марказда эмас, балки олис шаҳар ва қишлоқларимизда ҳам ривожлантиришимиз, бу соҳа фаоллари ва филойларини доимо қўллаб-қувватлашимиз ва мана шу гўзал дар-

гоҳда улар билан тез-тез учрашиб туришимиз лозим» («Халқ сўзи». 23 март, 2002).

Консерватория янги биносининг очилишига бағишланган маросимдан сўнг санъат усталари ва ёш истеъодлар ижросида катта концерт намойиш этилди. Бу эса истиқлол консерваторияси кошонасидан янграган илк концерт бўлиб тарихга кирди.

ХАЛҚ ИЖОДИ БАЙРАМЛАРИ

Мустақиллик шароитида ўзбек халқ ижодининг тикланиш ва раванқ топиш жараёни жадал суратлар билан амалга ошириш натижасида кўплаб кўрик-танловлар, фольклор байрамлари ва фестиваллар ўтказилмоқда. Бу соҳа ишларини ривожлантиришда «Республика халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлар маркази»нинг хизмати каттадир. Халқ ижодига оид Республикаимизда қуйидаги тадбирлар ўтказилмоқда:

— Халқ ҳунармандчилиги, амалий ва тасвирий санъат, ҳаваскор ижодкорлар кўриги, савдо-кўرғазмалари амалий санъат ихлосмандларини рағбатлантириб, уларнинг илҳомига илҳом қўшиб юборди.

— «Алла» ижрочиларининг Республика кўрик-танловлари бола руҳияти ва маънавиятини шакллантиришида муҳим ўрин тутадиغان — Она шахсини эъзозлашга оид кўплаб қўшиқларнинг юзага келишига тарғиб берди.

— Фольклор жамоалари Республика семинар-кенгаши фаолияти халқ ижодиёти сарчашмаларини аниқлаш, тиклаш ва тарғиб қилишда фольклор этнографик ансамблларнинг муҳим ўрин тутушини намоён этди.

— Оилавий ансамбллар, катта ашула, лапар ижрочилари Республика кўрик-танловлари ЮНЕСКО иштирокида ўзбек халқ ижодининг барча тур ва жанрларига Халқаро даражада ҳам катта қизиқиш билан қаралаётганлигидан далолат берди.

— «Чашма» — Республика фольклор кўрик-танлови ва «Фольклор — халқ санъати дурдонаси» мавзуидаги Республика илмий-ижодий анжумани халқ ижоди битмас-туганмас ва бой маънавий «булок» эканлигини маълум қилди ва айни чоғда бу соҳадаги қатор муаммоларни давлат миқёсида ижобий ҳал этилишига туртки берди.

— Мақомчилар Республика кўрик-танловлари бу мумтоз санъат доврuginи яна кенг ёйиб, кўплаб иқтидорли истеъодларни юзага чиқарди.

— Машҳур Болабахши Қурбонназаровнинг 100 йиллик таваллуди тантаналари ва бунга бағишланган «Давр ва бахшичилик санъати» мавзуидаги илмий-амалий семинар (Хива, 1995, 13 ноябрь) ватанимизда халқ бахшилари нақадар улугланаётганлигини ҳамда бахшичилик санъати ҳозирги кунда қайси йўллар, жанрлар ва қайси ижодий мактаб-

лар доирасида раванқ топаётганлигини намоён қилди.

— Ўзбекистон телевидениеси Маланият ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда «Оилавий ансамбллар Республика кўрик-танлови» (1996 йил давомида) ватанимизда оилавий ижодни тарғиб қилишда ва оммалаштиришда муҳим омил бўлди.

— «Туркистон — умумий уйимиз!» рукнида Мар-



Санъат байрами.

казий Осиё бахши-шоирларининг кўрик-танлови (Тошкент, 1996, 21—24 май) ўз атрофида 100 дан ортиқ бахшиларни йиғиб, минтақа қўлампарида Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Қорақалпоғистон бахшиларининг ўзаро ижодий бойишига хизмат қилди.

— Дорбозлар, анъанавий цирк санъати ва қўғирчоқ театри жамоаларининг Республика кўрик-фестивали (Кўқон, 1997, 1—3 май) бу қадимий санъатта янада жиддийроқ ва ҳар тарафлама эътибор беришимиз лозимлиги масаласини кун тартибига қўйди.

— «Қадимги қўшиқлар, урф-одатлар, анъаналар, маросимларни ўрганиш ва тарғиб қилиш» бўйича уюштирилган республика илмий экспедицияси (1997 йил, июль) халқимиз тарихий-маданий меросининг кўпгина намуналарини сақлаб қолишга кўмак берди.

— «Миллий қадриятлар, анъаналар ва давр» мавзуида Республика илмий-амалий анжумани

(Шахрисабз, 1997, 22—23 июнь) бу соҳа муаммоларининг ҳал қилинишида муҳим амалий йўлларни тарғиб қилди.

— «Оилавий ансамбллар»нинг навбатдаги Республика кўрик-танлови (Жиззах, 1998, 27—30 май) халқимиз руҳиятига мос мазкур ўзига хос ижодий йўлга катта эътибор бериш зарурлигини кўрсатди.

— Қадимги қўшиқлар, урф-одатлар, анъаналар ва маросимларни ўрганиш, тарғиб қилиш мақсадида Жиззах вилоятига уюштирилган илмий-амалий экспедиция (1998 йил, 5—10 май) ҳам кўпгина ижодий анъаналарни асраш ва тарғиб қилишга кўмак берди.

— «Алпомиш» дostonининг 1000 йиллигига бағишланган бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг давомли конкурси (1998—1999 йиллар давомида) миллий маънавий ўзлигимизни англашга кўмак берадиган муҳим тадбир бўлди.

Халқ ижодини тиклаш ва равақ топтириш бўйича амалга оширилаётган бу тадбирлар мустақиллик шароитида Республикамиз миқёсида халқ маънавияти, бой ижодий анъаналарига қай даражада эътибор берилаётганига гувоҳлик беради.

Халқ ижоди соҳасида Республикамизда ўтган Халқаро нуфузли анжуманлардан бири БМТнинг 50 йиллигига бағишланган Тошкентдаги Миллий бода (1997, 24—25 октябрь) «Барҳаёт анъ-

аналар» номли халқ амалий санъати ва ҳунармандчилиги ярмаркаси бўлди. Бу ярмарка ўзбек халқ амалий санъатига халқаро даражада бўлган қизиқишни яна бир марта намоён қилди. Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Фарғона амалий санъат усталари ўзига хос анъанавий ижодлари билан барча кишиларни лол қолдирди. Ярмарка якунида халқимизнинг амалий ижод турлари барҳаёт анъаналарга айланиши учун ҳар бир ноёб касбли ва истеъдодли устозга ўзига 5 талан шогирд тайёрлашга оид ҳуқуқий ва иқтисодий имкониятлар яратиб берилди.

Ўзбекистонда халқ амалий санъати ва ҳунармандчилигини равақ топтириш учун 1997 йил, 31 мартда Республика Президентининг махсус фармони чиқди ва унга биноан Республикамиздаги бу борадаги барча ишларни мувофиқлаштирувчи махсус марказ тузилди. Бундай эътибор натижасида халқимизнинг кўплаб ижод турлари тикланмоқда. Республика халқ амалий санъати маркази раҳбари Шохалил Шоёқубовнинг таъкидлашича «агар мустақилликка халқ ҳунармандчилигининг 10 га яқин тури сақланиб қолган бўлса, мустақилликдан сўнг ҳозирги вақтга келиб, уларнинг 50га яқин турлари қайта тикланган ва яна тўлалигича тикланмоқда».

«НИҲОЛ»

(Ёш истеъодларни мукофотлаш маросими)

Ушбу маросим Республика Президенти И. Каримовнинг ташаббуси билан Республика Вазирлар маҳкамасининг «Ёш истеъодлар учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида»ги (2000 йил, 25 август) қарорига асосан ўтказилади. Ушбу қарорда ўзининг мусиқа, матн ва ижро маҳорати билан кишилар юрагига етиб бориб, эзгуликка чорловчи ва иймон-эътиқодни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаолият кўрсатиб келаётган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш кўзда тутилганди.

«Ниҳол» кўрик-танлови ёшлар ижодини ривожлантириш, уларни илҳомлантириш ва тақдирлаш учун қулай имконият яратади. Табиатдаги навниҳол каби ёшлар ўртасида пайдо бўлган истеъодларга эътибор бериш, уларни асраб парвариш этиш, қўллаб-қувватлаш лозим. Шундагина бу «ниҳол»лардан келажакда ажойиб, забардаст санъаткорлар етишиб чиқади.

Республика «Ниҳол» кўрик-танловини ўтказишдан олдин махсус ҳайъат тузилади. Улар санъатнинг мусиқа, вокал, рақс, театр, тасвирий санъат каби турларида ижод қиладиган ёш энг яхши, сара ижодкорларни аниқлашади ва уларни тақдирлашни таклиф этишади.

«Ниҳол» кўрик-танловлари фолибларини тақдирлаш маросимларида уларнинг номлари эълон қилинади. Ёшлар ижодларидан намуна кўрсатишади ва уларнинг ҳар бирини таниқли санъаткорлар қўллаб, «Ниҳол» мукофоти топширилади. Фолибларга аталган бадиий «СОВФА» тақдим этилади.

«Ниҳол» мукофоти яқка ва туркум мусиқий асарлар яратиш ва ижро этишда юксак бадиий маҳорат кўрсатган, 30 ёшгача бўлган ижодкорларга Мустақиллик байрами арафасида тантанали вазиятда топширилади. Бу тадбир ёш истеъодларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, санъатсеварларнинг ҳам байрамига айланади.

Анъаналар минг йилликлар давомида шаклланади. Улар халқнинг энг қимматли қадриятларига айланади. Ўз одатларидан айрилган миллатнинг ўзи ҳам йўқолиб боради. Афсуски, кейинги юз йиллик вақт ичида кўпгина одатларимиз таққиланиб, унутилди. Мустақиллик туфайли одатларимиз тиклана бошлади. Бош жараёнда одатларнинг тикланишида кекса ва ўрта ёшлар фаол қатнашишди. Бироқ, одатларни ёшлар ўзлаштириб олишгандагина уларнинг умри давом этади. Анъаналаримизни, ёшлар ўзлаштирадиган тадбирларни уюштириш кейинги даврдаги энг долзарб масалалардан бирига айланган эди.

Ўзбекистон миллий университетида ўтказилган Ўзбек фольклор санъати ва урф-одатлари «Хазина — 2001» студент ёшлар фестивали одатларимизни ёшлар томонидан ўзлаштиришга ёрдам берадиган энг катта анжуман бўлди. Чунки фестивалда қатнашган йигирмадан ортиқ Олий ўқув юртлари халқимизнинг бебаҳо анъаналарини ўрганиб, уларнинг бадиий-томошавий шаклини топиб тарғиб этишди. Бу билан талаба ёшлар миллий одатларнинг тикланишига ва ривож топишига ўз ҳиссаларини қўшишди.

Фестиваль томошаларини кўриб, халқимизнинг одатлари нақадар бой ва гўзал эканлигига қойил қоламиз.

Ҳар бир Олий ўқув юрти фестивал мазмуни ва шаклига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Архитектура институти Тошкент тўй одатларининг сержило эканлигини тарғиб қилди.

1-ТошМИ аёллар қадрини тарғиб қилди.

Бухоро ДУ шу қадар кўп ва бой одатларни фестивалга олиб келдики, бироқ уларни ҳаммасини кўришга вақт етмади.

Жиззах Давлат Педагогика институти анъанавий «гап-гаштак» дам олиш шакллариининг гўзаллигини намоён қилишга интилди.

Термез ДУ «Қувноқ карвонсарой» номи томошасида тарихий анъаналаримизнинг бадиий ифодасини кўрсатди.

Тошкент темир йўл муҳандислиги институти тарихий анъаналаримизга «қайтиш»да ҳозирги замон нафасини унутмасликни таъкидлади.

Жиззах Политехника олийгоҳи ажойиб халқ сайлидан намуналар кўрсатди.

Қарши ДУ «Асрлар садоси»ни қалбимизга олиб кирди.

Фарғона ДУ «Тўйлар тўйга улансин» томошасида сержило анъаналаримизни маҳорат билан тарабнам этди.

Самарқанд чет тиллар институти «Севги баҳори» анъаналарини жаҳонга ёйишга интилди.

2-тиббиёт институти «Қизил гул сайли»га ҳаммамизни таклиф этди.

Фарғона Политехника институти бизни «Шарқона бозор фазилатлари» билан таништирди.

Тошкент давлат техника Университети «Барҳаёт қадриятлар»имизга янги бадиий ифода топиб берди.

Андижон давлат университети «Андижон полькаси» ҳам муҳим анъана эканлигини яна бир марта исбот этди.

Ўзбекистон Миллий Университетининг «Мучал тўйи» ўзбек халқининг ҳар бир маросимида чуқур маъно ва кўплаб рамзий одатлар борлигини намойиш этди.

Жаҳон тиллари Университети Ўзбекистоннинг турли ҳудудлари «Келин салом»лари ранг-баранг ва ўзига хос гўзал эканлигини ифода этди.

Тошкент Маданият институти урф-одаг миллатнинг таржимаи ҳоли эканлигини бадиий рамзий тараннум этди.

Тошкент Электр техника алоқа институтидан Р. Сатторова ижро этган «Алла» кўшиги барчани ўзига ром этди.

Андижон давлат тиббиёт институтининг «Алла ҳақида»ги ривояти она алласининг чуқур маънавиятини бадиий ифодалар ёрдамида оча билди.

Тошкент вилояти давлат педагогика институти ўзбек одатлари ёрдамида «Биз ҳур ватан фарзандлари» эканлигимизни яққол намоён этди.

САНАМЛАР САРВАРИ — ГЎЗАЛЛАР КЎРИГИ

XX аср охири ва XXI аср бошида «Гўзаллар конкурси» кўриги жаҳонда кенг тарқалган тадбирлардан бири бўлди. Дунёда бу конкурсни ўтказиш бўйича муайян тизим ва ўзига хос тажриба вужудга келмоқда. Унга биноан «Гўзаллар конкурси» аввал идора-ташқилотларда, кичик аҳоли пунктларида, сўнг туман, шаҳарларда, ундан кейин мамлакатларда ва ниҳоят жаҳон бўйича ташқил қилинмоқда. Охириги «Жаҳон гўзали» конкурсларида ҳинд, турк, филиппин қизлари ғолиб чиқишмоқда. Буни жаҳонда шарқ қизларининг гўзаллигини тан олиш деб тушунса бўлади. Бироқ кон-

курсларда Европа «стандартлари» асосий мезон бўлмоқда. Бу стандартлар бўйича гўзалларнинг қадли-қомати, тани, ташқи кўриниши ва юриш-туришига алоҳида эътибор берилади. Шарқда эса гўзаллик мезонлари европаликларникидан фарқ қилади. Бунда аёлларда энг муҳими ички гўзаллик, истара, иффат, нафосат ва қизлар одоби, ахлоқи, хулқ-атвори, меҳнатсеварлиги, пазандалиги, чеवरлиги, оилапарварлиги асосий ўрин эгаллайди.

Ўзбекистонда ўтказиладиган «Гўзаллик конкурсларида» қизларнинг зукколиги, донолиги, билимдонлиги, одоби, меҳнатсеварлиги, ижодкорлиги,

пазандалиги, чеварлиги муҳим аҳамият касб этади. Гўзаллик конкурслари илгариги «Балли қизлар» танлови тажрибасига таяниб, ривожланиб, сўнгги пайтда «Санамлар сарвари» деб номланди. Ўзбекистон хотин-қизлар жамиятлари раҳбарлигида аввал корхона, ўқув юрғларида, сўнг туманлар ва шаҳарларро, ундан кейин вилоят даражасида ва ниҳоят республика даражасида ўтказилмоқда.

Кўриқда қатнашишни истаган қизлар конкурслари билан танишишади ва унга тайёргарлик кўришади. Жумладан бизнинг республикамизда ўтказилаётган «Санамлар сарвари» кўриқ танловининг шартлари қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Танишув. Санамлар шеърини шаклда ўзларини таништирадилар.

2. Зукколик ва билимдонлик беллашуви. Санам қизлар берилган саволларга жавоб берадилар, ўзла-

рининг топқирлигини ва билимдонлигини намойиш этадилар. Мусиқий танаффус.

3. Истеъод кўриги. Бунда қизлар берилган шарт бўйича (тикувчилик, пазандачилик ва ҳ.к.) ўз лаёқатларини намойиш қиладилар. Мусиқий танаффус.

4. Эркин мавзу. Қизлар ўзлари севган ижод тури ва санъат (рақс, ашула, роль ўйнаш, масал, монологлар ўқиш) бўйича ўз маҳоратларини ишга соладилар.

5. Қизиқарли ўйин. Қизлар ҳаммабоп ўйинларнинг бирида иштирок этиб, ғолиблик учун мусобақаланишади.

Ҳар бир эпизод орасида томошабинлар учун куй-қўшиқ, рақслар ижро этилиши талбирнинг бадиий-томошавий шаклини янада қизиқарли бўлишига имконият яратади.

ТИЛ ВА КИТОБ БАЙРАМЛАРИ

Тил байрами. Тил инсонларнинг ўзаро алоқа воситаси бўлиб, яратувчининг инсонга берган бебаҳо неъматидир. Миллатларни миллатлардан ажратиб турувчи асосий белгилардан бири ҳам тилдир.

Дунёда ҳар бир халқнинг ўз тили унинг бебаҳо бойлиги, ифтихори, нажоти ҳисобланади. Ҳикматли сўзлар, шеър дostonлар, кўшиқлар аввало бирор бир миллатнинг она тилида дунёга келади. Миллат бор экан, унинг тили ҳам яшайди, тили яшар экан у миллат бошқа миллатлар орасида ўз нуфузи, обрўсига эга бўлади.

Ҳар бир халққа ўз тили азиз ва ардоқли. Шўролар даврида рус тили иттифоқ тили сифатида ривожлантирилди. У жаҳон тиллари даражасига кўтарилди. Аммо совет империяси ҳудудида жойлашган бошқа халқлар ҳам ўз тилларини ривожлантириш, сақлаб қолишга интидилар. Айниқса, кўп минг асрлик тарихга эга бўлган туркий халқлар ҳам ўз она тиллари дунёдаги ҳеч бир халқнинг тилидан кам эмаслигини ёқлаб чиқдилар. Бу йўлдаги сунъий тўсиқларни писанд этмадилар. Мустақиллик арафасида оилавий ва бозор тили даражасига тушиб қолган ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш ҳақидаги таклиф ва курашлар самарасиз кетмади. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Давлат ҳужжатлари, даврий нашрлар, дарсликлар она тилимизда ёзила бошланди. Бу халқимиз руҳини кўтарди.

Шўролар даврида ҳам ўзбек тилини тиклашга, уни Давлат тилига айлантиришга интилиш кучли бўлган. Хусусан, она тилига бағишланган турли талбирлар ўтказишга ҳаракат қилинган бундай талбирлар айниқса, мустақиллик арафасида тез-тез ўтказила бошланган.

1988 йил матбуотда янги байрам — «Тил байрами» ҳақида маълумотлар пайдо бўла бошлаган. Бун-

дай байрам Россия Федерацияси, Украина, Болтиқ бўйи ва Кавказ орти республикаларида ва мамлакатимиз пойтахтида ҳам ўтказилгани ҳақида газеталарда мақолалар босилган. Бу байрамларнинг асосий мақсади — она тилини эъзозлаш, она тили билан бирга бошқа тилларни ҳам чуқурроқ ўрганишга даъват қилиш бўлган. Ўзбекистонда илк бор «Тил байрами» 1988 йил 3 декабрда Тошкентнинг талабалар шаҳарчасида ТошДУнинг ўзбек филологияси, тарих факультети, шунингдек, политехника институти ва бошқа ўқув юрғи талабалари томонидан ўтказилган. Талабаларнинг «Ўзбек тили байрами» деб номланган бу талбири кўпроқ митинг-намоийишга ўхшаб кетарди. Даврага нотиклар чиқиб, улар она тупроқ, она юрт, халқ, тил ҳақида сўзлаб, шеърлар ўқиб, уларни асрашга даъват қилишди. Йиғилганлар «Тил — халқ бойлиги», «Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилсин!», «Тилга ҳурмат — элга ҳурмат» каби ранг-баранг шиорларни кўтариб олишган эди. «Тил байрами»да хонандалар халқни, миллатни, тилни улугловчи кўшиқлар куйлашди. Ёшларга алоҳида завқ-шавқ бахш этувчи кичик кулгули сахна асарлари ижро этилди» («Ёш ленинчи», 1989, 13 январь).

21 октябрни ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун сифатида нишонлаб келмоқдамиз. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги 311-қарорига биноан «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган кундан эътиборан ҳар йили «Ўзбек тили куни»ни ўтказиш, унинг 0.4. бандида 21 октябрь барча ўқув юрғларида ҳар йили — ўзбек тили куни сифатида нишонланиши таъкидланди. Шулар асосида 21 октябрь — миллий тилимиз байрами сифатида расмий тарзда нишонланади.

Ҳар бир йилдаги байрам турли шиорлар остида

ўтказилади. «Она тилим — жону дилим», «Тилга эътибор — элга эътибор», «Тил — миллат кўзгуси» шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясида тил байрамини ўтказиш бўйича яхши тажриба тўпланган.

Тил байрамининг мазмунли ва қизиқарли ўтиши ҳар бир ўқув юрти муаллимларининг ақлзаковати, ўз касбини қанчалик чуқур эгаллаганлигига боғлиқ. Тил байрамига таниқли ёзувчи, шоирлар, тилшунос ва адабиётшунос олимлар тақлиф этилади. Улар ёшларга тил билиш барча муваффақиятларнинг гарови эканлигини, ҳар бир инсон аввало ўз она тилини, қолаверса бошқа тилларни севиб ўрганишлари зарурлигини уқтириб ўтади. Тил байрамларида тил ҳақидаги ҳикматли сўзлар, шеърлар, қўшиқлар янграйди. Шу кун радио ва телевидение орқали тил байрамини доир қизиқарли чиқишлари уюштирилади. Тил байрамини инсонни она тилига ва ўз халқига бўлган меҳр-муҳаббатини жўш урдирувчи бетакрор байрамдир. Тил байрамини шунингдек халқлар ўртасида ўзаро тотувлик ва дўстлик ришталарини мустаҳкамловчи муҳим омилдир.

«Учкудуқ кўп миллатли шаҳар, — деб ёзади «Халқ сўзи» газетаси муҳбири А. Пирматов, — бу ерда муомала маданиятида давлат тили устуворлиги яққол кўзга ташланади. Яқинда шаҳар маданият саройида «Ўзбек тилини ўрганиш орқали ўқувчиларга конституциявий билим бериш» мавзусида ўтказилган тадбир ҳам буни яна бир бор исботлади. Тадбирда ўттиздан зиёд миллат ва элат фарзандлари ҳуқуқий қомусимизни қанчалик билишларини ўзбек тилида ифодалашди. Жонли тилдаги савол-жавоблар, ўткир зехнлилар беллашуви, ҳуқуқшунослар ва тил мутахассислари томонидан юқори баҳоланди. Бу тадбир шаҳарда тил байрамига айланиб кетди. Давлат тили ўз номи билан давлатнинг рамзий белгисига айланишига ҳамма гувоҳ бўлди» («Халқ сўзи», 2001 йил, 25 октябрь).

Тошкент Давлат юридик институтида «Давлат тили тўғрисида»ги қонуннинг 12 йиллигига бағишланган «Юксак ҳуқуқий маданият — комиллик белгиси» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда она тилимизнинг ҳуқуқий билимларни ифодалашдаги имкониятлари нақадар кенглиги, гўзал ва бойлиги ҳақида сўз борди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, адабиётшунос А. Расулов, шоир ва таржимон Йўлдош Парда бўлғуси ҳуқуқшуносларга тилимизни пухта ўрганиш фазилатлари ҳақида сўзлаб бердилар. Хуллас, тил байрамининг имкониятлари битмас-туганмасдир.

Китоб байрами. Китоб — инсониятнинг барча билим ва тажрибаларини ўзида мужассамлаштирувчи воситадир. У авлодлар ўртасидаги маданий кўприқдир. У инсоният яратган ақл-тафаккур хазинасидир.

Китоб кишиларнинг билим олиши ва дунёқарашининг кенгайиши, касб сирларини эгаллаши

учун хизмат қиладиган бебаҳо қуролдир. Китоб ҳаётни гўзаллаштириш, меҳнатни енгиллаштириш ва маданий дам олиш манбаи ҳамдир.

Халқимиз азалдан китобни қадрлаб, эъзозлаган. Аждодларимиз «Кийим — устингни безайди, китоб — ақлингни», «Китоб — кўзгу, унда оламни кўрасан», «Олтин ер тагидан қавлаб олинади, билим китобдан», «Китобсиз уй — қуёшсиз кун», «Китоб — ақл чироғи», «Китоб билим беради, билим бахт келтиради» каби мақоллар яратишган. Кишиларимизнинг китобга бўлган эҳтиёжи ва юксак ҳурмати натижасида китоб байрамлари вужудга келди.

«Китоб байрами» инсоният ақли ва даҳоси яратган маънавий бойлик ва бебаҳо билимларга нисбатан ҳурматни изҳор қилиш тадбиридир.

«Китоб байрами» асосан китобни яратадиган, уни тарқатадиган нашриётлар, китоб савдоси тармоқлари, кутубхоналар, ёзувчилар уюшмаси, маданият муассасалари ҳамкорлигида (баъзан алоҳида) ташкил қилинади. Китоб байрамини уюштиришда республика, вилоят, шаҳар, туман китоб-саварлар жамияти асосий роль ўйнайди. Китоб байрамлари уларнинг фаолиятига самарали ёрдам берувчи муҳим тадбир ҳисобланади.

Мамлакатимизда «Китоб байрамлари»ни муҳим ижтимоий-маданий саналарга, атоқли фан-маданият намоёндалари таваллудларига бағишлаб ўтказиш яхши анъанага айланмоқда.

Барча йирик байрамлар каби китоб байрамини уюштириш учун ҳам олдиндан ташкилий кўмита тузилади. Байрам учун махсус тақлифномалар, афишалар, буклетлар, деворий газеталар, ёзувчи ва шоирларнинг портретлари ва бошқа тарғибот-ташвиқот материаллари тайёрланади. Байрамнинг бадиий қисмини тайёрлашга маҳаллий маданият ва клуб ходимлари ҳамда бадиий ҳаваскорлик жамоалари тақлиф қилинади. Катта майдонлар айниқса, маданият ва истироҳат боғлари китоб байрамларини уюштириш учун қолайлиқ. Республикамиз «Китоб байрамлари» китоб кўرғазмалари, китоб бозори савдоси, китоб лотореялари, ёзувчи ва шоирлар билан учрашув, адабий викторина, адабий қаҳрамонлар образлари қатнашадиган томошалар тарзида ўтказилади.

Одатда, китоб байрами митинг билан бошланади. Унда байрам ташкилий кўмитаси раиси, ёзувчилар, шоирлар, китобхон нутқ сўзлашади. Сўнг тантанали равишда китоб кўрғазмаси очилади. Байрам тадбирларида янги нашр этилган китоблар тарғиб қилинади. Айрим тадбирларга антиқа ёки ноёб китобларнинг махсус кўрғазмалари ҳам уюштирилади. Тошкент шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида уюштирилган «Китоб байрами»да темир йўллар транспорти инженерлари институти доценти Э. Мамашеров ўзининг юздан ортиқ ва қизиқарли кичик китоблар (мини китоблар) коллекциясини намоёйиш қилди.

«Китоб байрамлари»да «Маълумотлар столи» ташкил қилинади. У ерда малакали кутубхоначилар-библиографлар китобхонларни қизиқтирган мавзу бўйича қандай китоблар чоп этилгани, керакли китобларни қандай топиш мумкинлиги ҳақида маслаҳатлар беришади.

Байрамнинг асосий тадбирларидан бири китобсеварларнинг ёзувчи ва шоирлар билан учрашувидир. Ёзувчи-шоирлар китобхонларга жаҳон ва ўзбек адабиёти, ўз ижодлари ҳақида сўзлаб беришади. Янги асарларидан намуналар ўқишади. Учрашув кўпинча қизиқарли савол-жавобга айланиб кетади.

Республикада ўтказилаётган китоб байрамларининг асосий қатнашчилари ёш китобхонлар мактаб ўқувчиларидир. Шу боисдан бу байрамда болалар учун адабий қаҳрамонлар иштирокида томоша ва викториналар уюштирилади. Жумладан, Гулистон шаҳар маданият ва истироҳат боғида уюштирилган китоб байрамида болаларнинг сеvimли китоблари ва мультфильмлари қаҳрамонлари — Доктор Войжоним, Робин Гуд, Качал полвон, Чебурашка, Чипполино, Буратино ва бошқалар иштирокида ажойиб театрлаштирилган томоша кўрсатилиб, адабий ўйин-викторина ўтказилган. Фолиб-

лар адабий қаҳрамонлар қўлларидан совға-китоблар олишган эди.

Кейинги йилларда май ойида Тошкентдаги шерьият хиёбонида «Тошкент баҳори» китоб байрамини ўтказиш анъанага айланмоқда. Бу байрамда алиблар, шоирлар китобхонлар билан учрашадилар. Савдо ходимлари янги китоблар савдосини ўтказишади, нашриётлар китоблар учун олдиндан буюртмалар қабул қилади.

Давлат Матбуот қўмитаси ва китоб савдоси жамияти давлат акционерлик жамияти бошчилигида ҳар бир вилоятда Республика китоб байрамини ўтказилади. Агар бу байрам 2000 йил Қарши маданият ва истироҳат боғида ўтказилган бўлса, 2001 йил Андижон миллий боғида ташкил этилди.

Китоб байрамида республиканинг барча нашриётлари ўзларининг китоблари билан қатнашишди.

Талбирда йилнинг энг яхши китоблари муаллифлари, ёзувчи, шоир, олимлар билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Байрамда китобхонлар эътиборига концерт томошалари, ўйинлар ҳавола этилди.

Китоб байрамини кишиларнинг китоблар дунёсига қизиқишни яна ҳам оширади, китобсеварлар сафини кенгайтиради.

МАЪРИФИЙ БАЙРАМЛАР

ЎҚУВЧИЛАР БАЙРАМЛАРИ

Институтнинг шахс сифатида шаклланишида унинг ўқувчилик йиллари алоҳида аҳамиятга эга. Бу даврда бўлиб ўтадиган баъзи воқеалар кишининг умри давомида эсидан чиқмайди. Илк бор мактабга бориш ва мактабни тугатиш шундай унутилмас воқеалар ҳисобланади.

«Биринчи кўнғироқ». Боланинг мактабга илк қадам кўйиши ва унинг билим олишга киришишини билдирадиган рамзий маросимдир. Бу маросимга ота-она ва боланинг ўзи олдиндан тайёргарлик кўради. Илк бор мактабга борилган кунда ҳаяжонли ҳолат — байрам кайфияти пайдо бўлади. Шу кун мактабларда биринчи синф ўқувчилари учун «Биринчи кўнғироқ» («Салом, мактаб») байрамини уюштириш анъанага айланган. 1 сентябрь кун мамлакатимизда энг улуг байрам — Мустақиллик байрамини нишонланади. Бу кун айниқса ота-оналар, ўқитувчилар, ўқувчилар учун энг қувончли байрам ҳисобланади. Чунки 1 сентябрь мамлакатимизда «Билимлар кунини» сифатида ҳам байрам қилинади. Бу байрам қувончи ва ҳаяжони, мактабга илк бор қадам қўйувчилар кайфиятида жуда яққол сезилади. Чунки 1 синф ўқувчилари «Биринчи кўнғироқ» маросимининг асосий қаҳрамони бўлишади.

«Биринчи кўнғироқ»нинг кўтаринки руҳда ўтказилиши янги ўқув йилининг боришига катта таъсир кўрсатади. Бу маросим айниқса, мактабга илк бор қадам қўяётган ўқувчиларнинг билим олишга қизиқишини кучайтиришда муҳим роль ўйнайди. Шу боисдан «Биринчи кўнғироқ кунини» мактаб байрамони безатилиши, ватанни севишга, моҳиятни қадрлашга, меҳр-оқибатли бўлишга даъват этувчи турли шиорлар осилиши, радиокарнайлар орқали куй-кўшиқлар янграб туриши, ўқувчиларнинг тоза, озода мактаб формасидаги кийимларда мактабга келишига эътибор берилиши лозим. Мактаб директори қисқача кириш сўзи билан байрамнинг тантанали қисмини очади. Сўнгра, халқ маорифи аълочиси, кекса педагог, мактаб ўқувчиларининг чиқишлари бўлади. Ниҳоят, бошланаётган шу ўқув йилида мактабни битирувчи синфнинг аълочи ўқувчиси болаларни «Биринчи кўнғироқ» байрамини билан табриклаб, 1-синф ўқувчиларига тантанали равишда «Билим калити»ни топширади. 1-синф ўқувчиларидан бири рамзий кўнғироқни чалади. Биринчи кўнғироқнинг чалиниши рамзий маънога эга бўлиб, у 1-синф ўқувчилари ҳаётида янги давр бошланганлигини билдиради. Кўнғироқдан сўнг битирувчи синф ўқувчилари 1-синф

ўқувчиларини ўзлари ўқиган синф хонасига олиб бориб, парталарга ўтқизиб қўяди.

Мактабларда ўтказиладиган бундай маросим ўқувчилар учун ўзига хос байрам ҳисобланади. Бундай байрамлар жуда ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга. Бу байрам 1-синф ўқувчиларида мактабга меҳр, илм-фанга қизиқиш туйғусини шакллантиради.

«**Мустақиллик дарси**». Маълумки, ватанимизда 1 сентябрь «Мустақиллик куни» деб эълон қилинган. Бу куни барча ватандошларимиз байрам қилади ва дам олади. Иккинчи сентябрда эса барча ўқув юртларида янги ўқув йили бошланади. Бу куни ўқув юртларида тadbирлар мажмуаси: истиқлол тантаналари, янги ўқув йилига бағишланган тadbир ва мустақиллик дарси бўлиб ўтади.

Янги ўқув йилини бошлашга бағишланган тadbир тантанали байрам-маросим шаклида ўтказилади. Одатда, бу тadbирга шу ўқув юртини тугатган таниқли кишилар, маҳаллий ҳокимият раҳбарлари, жамоат арбоблари тақдир этилади.

Бу тadbирларда меҳнат фахрийлари, олимлар, ўқитувчи ва талабалар, ўқувчиларни янги ўқув йили бошланганлиги билан табриклайдилар.

Кейинги пайтда янги ўқув йилининг бошланишига бағишланган маросимнинг ўзига хос анъаналари вужудга келмоқда. Мазкур маросимда илм даргоҳларига илк бор қадам қўйганларни мусиқа садолари остида кутиб олиш, уларни талабалик (ўқувчилик)ка қабул қилиш ва уларга «билим калитини» топшириш, талабалик дафтарчасини топшириш, «илм машъалини ёқиш», янги ўқув йилининг байрогини тантанали кўтариш ва «биринчи кўнғироқ»ни чалиш каби тadbирлар ўтказилмоқда. Янги ўқув йили биринчи дарсини «Мустақиллик дарси» сифатида ўтказиш анъана тусини олди. Бу дарсининг ғоявий-ижтимоий аҳамияти жуда катта. Бу дарсини энг тажрибали ўқитувчилар, турли соҳаларнинг етук мутахассислари ўтказишади. «Мустақиллик дарси» ватанимиз озодлигини сақлаб қолиш учун ҳар бир киши масъул эканлигини ҳис қилишга ёрдам беради.

«Мустақиллик байрами»нинг иккинчи сентябрда ҳам давом этиши — янги ўқув йилининг биринчи кунига чуқур маъно бахш этади.

Алифбе байрами. Кейинги даврларда мактабларда «Алифбе байрами»ни ўтказиш яхши анъанага айланган. Бу байрам яқиндагина мактабга илк қадам қўйган биринчи синф ўқувчиларининг «илм калити» — алифбени ўзлаштирганликлари, уларнинг ҳарф таниб, китоб ўқишни ўрганганликларига бағишланали.

Ўқувчилар бу байрамни зўр қизиқиш билан ҳар йили кутадилар ва унга астойдил тайёргарлик кўрадилар.

Байрам қуйидагича ўтказилади: мактаб мажлислар залида юқори синф ўқувчилари, устоз, педагоглар ва ота-оналар ўтиришади. Саҳна байрамга мослаб безатилади. Саҳна тўрига «Алифбе» китоби-

нинг катта сурати осиб қўйилади. Tadbир давомида эса ўқувчилар «Алифбе» китобидан нималарни ўрганганликлари ҳақида гапирадилар. Қизиқарли савол-жавоблар, топшимоқлар ва тез айтишлар ўтказилади. Савол-жавоблар ўқувчилар билимини янада мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, ўзига хос ўйин-имтиҳон тарзида ўтади. Байрам сўнгида ўқувчиларга «Ўқиш китоби» ва «Ўзбек тили» дарсликлари топширилади. Ўқувчиларга «Алифбе»дан олган билимларини ана шу китоблар ёрдамида янада бойитиб боришлари ўқтирилади. Китоб байрамининг асосий тadbiri сифатида адабий композиция уюштирилади. Унда ҳар бир ўқувчи бир ҳарф образини яратиб, ўша ҳарф номидан чиқиш қилади. Tadbир охирида ота-оналар сўзга чиқиб, фарзандларига таълим-тарбия бераётган ўқитувчи-устозларга ташаккур билдирадилар. Tadbир якунида мактаб директори ёки илмий бўлим мудирини байрамга якун ясайди.

Анъанавий байрам тусини олиб бораётган «Алифбе» байрамининг тарбиявий аҳамияти шундан иборатки, унда ҳар бир ўқувчи ўзининг олган билими натижаларини намоён қилади. Бу байрам тadbирлари ўқувчиларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини янада оширади. «Алифбе байрами»нинг тантанали ўтказилиши ўқувчиларни руҳлантиради.

«Алифбе байрами» ҳозир фақат мактаб ўқитувчиларининг кучи билан ташкил қилинмоқда. Агар бу ишга маданият муассасалари, бошқа соҳа мутахассислари ўз ҳиссасини қўшса, у байрам янада жозибали ўтади ва унинг тарбиявий таъсири кучли бўлади.

«**Сўнги кўнғироқ**» ва «**Битирув кечаси**». Мактаб билан хайрлашиш ҳар бир ўқувчи учун ғоят ҳаяжонлидир. Ўтган йиллар давомида ўқувчилар ўқитувчи-устозларидан кўп нарсани ўргандилар, ўрта маълумот оладилар, меҳнат кўникмаларини ҳосил қилдилар, жисмонан ва маънан улғаядилар. Ўқувчиларнинг ҳаётга мустақил қадам қўйиши арафасида мактабларда бир-бирига мазмунан боғланиб кетган иккита тантана — «Сўнги кўнғироқ» ва «Битирув кечаси» тadbirlарини ўтказиш одат тусига кирмоқда.

«Сўнги кўнғироқ» барча мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларнинг байрамидир. Бироқ у кўпчилик ўқувчилар учун ўқув йили тугаганлиги, синфдан-синфга кўчишни билдирадиган тантанадир. Битирувчилар учун эса мактабда таълим ва тарбия олиш жараёнини ниҳоясига етганлигини билдирадиган тadbирдир.

Мамлакатимиз мактабларида «Сўнги кўнғироқ» байрами турлича усулларда ўтказилади. Бу тантанали тadbирда мактаб ўқувчилари катта майдонга тўпланишади. Байрамни мактаб директори кириш сўзи билан очади. Кейин устоз-ўқитувчилар, халқ депутатлари, фахрийлар, ота-оналар сўзга чиқиб, битирувчиларга оқ йўл тилашади. Биринчи синф ўқувчилари қўлларида гуллар билан битирувчиларни шеър-

лар, ашулалар айтиб табриклашади. Улар мактабни битираётган ака-опаларининг энг яхши анъаналарини давом эттиришга ваъда беришади. Сўнгра ўқувчилар томонидан тайёрланган махсус дастур намойиш қилинади. Ундаги барча чиқишлар қадрдон мактаб, устозлар ва битирувчи ўқувчиларга бағишланади.

Ниҳоят, сўнгги кўнғироқни чалиш мактабнинг энг кекса ўқитувчисига топширилади. Тантанали тарзда кўнғироқ чалинади. Ҳамма ҳаяжон билан бир-бирини табриклайди.

«Сўнгги кўнғироқ»дан сўнг битирувчи синф ўқувчилари давлат имтиҳонларини топширадилар. Шундан сўнг «Битирув кечаси» ёки «Ойдин кечалар» деб ном олган тантана ўтказилади. Байрамнинг биринчи — тантанали қисми мактабларда ўтказилади. Кечанинг асосий тантанаси — битирувчиларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат топширишидир. Сўнгра қутловлар айтилиб, кўшиқлар ижро

этилади, рақсга тушилади. Кўпгина жойларда битирувчилар байрам ниҳоясида шаҳар бўйлаб ойдин кечада тонггача сайр қилишади. Шунинг учун байрамнинг бу қисми «Ойдин кечалар» деб номланади. Республика пойтахтида ўтказиладиган мактаб ўқувчиларининг битирув кечаси «Тошкент тонги» деб ҳам юритилади. Шаҳар марказий майдонида уюштириладиган бу байрамда 16—20 минг битирувчи (баъзилар ўз ота-оналари, ўқитувчилари, ака-ука, опа-сингиллари келишади) қатнашади.

Майдоннинг турли жойларидаги «очик саҳна»ларда эрталабгача турли томошалар намойиш этилади, оммавий рақслар, қизиқарли ўйинлар, қарнавал-томошалар, турли ижодий жамоаларнинг чиқишлари уюштирилади. Тонгни чорловчи мушакбозликдан сўнг барча кўёш чиқишини кутади. Синфдошлар ҳаяжон билан биргаликда янги тонгни кутиб олишади.

ТАЛАБАЛАР ТАДБИРЛАРИ

Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус таълими тобора раванқ топмоқда. Ўқув юртларида ўтказиладиган маънавий ва маърифий тадбирлар доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Бу маассасаларда ҳам турли маданият ва спорт байрамларини, олимпиада ва фестивалларни ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўқув юртлари маданий ҳаётида янги ўқув йили бошланиши тантанаси, талабаликка қабул қилиш маросими, курсларни якунлашга бағишланган тадбирлар, ўқув даргоҳини тугатишга бағишланган шодиёна ва диплом топшириш маросими кабилар алоҳида ўрин тутаяди.

Талабаликка қабул қилиш тантаналари. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида кейинги вақтларда талабаликка қабул қилиш маросимлари алоҳида хурсандчилик билан уюштирилмоқда. Бу тадбир қуйидаги қисмлардан ташкил топмоқда.

Муқаддима: Қутлов. Табрик юқори курсларнинг фаол талабалари томонидан олиб борилади. Улар 1-курсга қабул қилинганларни табриклар, уларга гул ва рамзий совғалар тақдим этишади.

1-қисм. Таништирув. Ўқув юртига қабул қилинганлар ўзларини таништиришади. 1-курс талабалари ўзлари ҳақида, абитуриентлик даврлари, имтиҳонлар даврида эсда қолган воқеалар тўғрисида, бу ўқув юрти тўғрисидаги аввалги хаёл-тасаввурлари ҳақида ҳазил аралаш ёки бадиий томошавий тарзда ҳикоя қилишади.

2-қисм. Гувоҳнома топшириш. 1-курсга қабул қилинганларга талабалик гувоҳномаси ва ўқув юрти кўкрак нишони топшириш маросими.

Ўқув юрти раҳбари кириш имтиҳонидан энг юқори балл олган икки кишини даврага чақиради. Уларга катта қилиб ишланган рамзий талабалик гувоҳномаси, худди шундай катталиқда ишланган ўқув юрти рамзий эмблемасини тантанали тарзда топширади. Шундан сўнг ҳар бир талаба номма-ном даврага таклиф этилиб, қўлига талабалик гувоҳномаси ва гул берилиб, кўксига ўқув юрти кўкрак нишони тақиб қўйилади. Бу тадбир мусиқа садолари ва қарсақлар остида амалга оширилади.

3-қисм. Талабалар қасамёди. Талабалар талабалик гувоҳномасини қўлларида тутган ҳолда талабалик қасамёдини жўр бўлган ҳолда айтадилар. Улар она-ватанга, ўз халқига, ўз Президентига содиқлик, устозларга эҳтиром, тенгдошларга ҳурмат, кунт билан фақат «аъло» баҳоларга ўқиш тўғрисида қасамёд қиладилар.

4-қисм. Талабалар маҳорати намойиши. Ҳар бир талаба ўз қобилиятини намойиш этади: кимдир ўзи ёзган шеърини ўқиб беради, кимдир рақсга тушади, яна кимдир кўшиқ айтади ё қизиқчилик қиладди, аския айтади, интермедиялар намойиш этишади, кимдир даврага ўз қўли билан тиккан энг чиройли қўйлагини кийиб чиқади, кимдир ўзи чизган картинасини намойиш қиладди.

5-қисм. Битирувчи курс талабалари қутлови. 1-курс талабаларини қутлаш навбати битирувчи курс талабаларига берилади. Улар 1-курс талабаларига эзгу тилақлар билдиришиб, ўз рамзий совғаларини топширишади. Бу маросим ҳазил аралаш тарзда ўтиши, масалан, 1-курс талабаларига қозон, чўмич, капгир ёки катта рамзий кўнғироқли соат, ёстиқ ва шунга

ўхшаш нарсалар топширилиши мумкин. Улар орасида бевосита мутахассисликка дахлдор нарса-ашёлар ҳам бўлиши мумкин.

Хотима. Рамзий билим қалитини топшириш маросими. Ўқув юртининг ҳурмат-эътиборли кекса профессор-ўқитувчиси I-курс талабаларини қутлаб, уларга ўқув юртининг катта қилиб ишланган рамзий қалитини тантанали тарзда топширади. I-курс талабалари даврага таклиф этилади ва улар биргаликда рақсга тушишади. Кейин бошқа талабалар ҳам рақсга тушади.

Диплом топшириш маросими. Ўқув юртига кириб ўқиётган ҳар бир талаба юқори малакали мутахассис бўлиб етишишни орзу қилади. Талабанинг орзусига эришган сана унинг учун энг бахтли кун ҳисобланади. Диплом олган кун ҳар бир кишининг ёдида умрбод қолади.

Мамлакатимиз олий ўқув юртларида бакалавр ва магистрлик дипломини топшириш анжумани қуйидагича ўтказилади:

Олий ўқув юрти очиқ майдони байрамона безатилган, шоҳсупа ёнидаги баланд дастакларида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи кўтарилган бўлади.

Олий ўқув юрти раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар, бакалавр, магистрларнинг ота-оналари, вазирликлар масъул ходимлари, хорижий меҳмонлар белгиланган ўринларга жойлашади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди. Бакалаврлар, магистрлар ўнг қўлини кўксига қўйган ҳолда мадҳияга жўр бўлишади.

Ректор битирувчиларни қутлаб, тадбирни очади. Вазирлик масъул ходими, олий ўқув юрти таниқли олими, меҳмонлар, ота-оналардан бири битирувчиларни табриклайди. Сўнг ректор битирувчиларга дипломларни тантанали равишда топширади.

Дипломлар топшириб бўлинганидан сўнг суҳандон — даврани олиб борувчи битирувчилардан бирига сўз беради.

Магистр ёки бакалавр ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлишга қасамёд қилади. Қуйида

олий ўқув юртини тугатган шифокорларнинг қасамёдини келтирамиз:

Шифокор деган юксак унвон олиб, тиббиёт фаолиятига киришар эканман:

— Узимнинг бор билим ва маҳоратимни беморни даволашга ҳамда инсон соғлигини сақлашга бағишлашга;

— ёши, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир беморга куч-ғайратим ва вақтимни аямай, тиббий ёрдам кўрсатишга;

— беморнинг соғлигини шахсий манфаатларимдан юқори қўйишга, камтар ва ҳалол бўлишга, ўз билимим ва маҳоратимни доимо ошириб боришга;

— шифокор сирини сақлашга;

— кишиларга ҳамиша шифо топишларига ишонч ҳада этишга;

— Абу Али ибн Сино сингари улуғ табибларнинг шонли анъаналарини давом эттиришга тантанали қасамёд қиламан. Ушбу қасамёдга умримнинг охиригача содиқ бўлиб қоламан.

Васийлик ва кузатув Кенгаши раиси «Энг моҳир устоз», «Фаол талаба», «Фан умидлари», «Энг яхши спортчи», «Баркамол ёшлар мураббийси» танловларини яқунлайди ва голибларни тақдирлайди.

Хорижий меҳмонлар ҳам битирувчиларни табриклайди. Магистрлар ота-оналарининг чиқишлари ва тилаклари барчани қувонтиради.

Магистрларга энг ҳурматли ва эҳтиромга сазовор устоз-педагогнинг «Оқ фотиҳа» — тилак сўзлари тадбирнинг кульминациясига айланади.

Олий ўқув юртининг илк бор магистратура босқичини битирувчиларига бағишланган тантанали маросим ёпиқ деб эълон қилинади. Шундан сўнг тасмада ёзилган оммабоп ватанпарварлик қўшиғи «Ҳеч кимга бермаймиз, сени Ўзбекистон» Юлдуз Усмонова ижросида янграйди, илк бор битирувчи магистрлар олқишланади.

Х II Б О Б. СПОРТ БАЙРАМЛАРИ

Қадимдан ватанимизда байрам ва мусобақалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳодисалар бўлиб келган. Кўпинча байрам кунлари йирик мусобақалар ўтказилган ва алоҳида ўтказилган мусобақалар ҳам байрамларга айланиб кетган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон кўпгина халқаро мусобақалар ўтказиладиган жойга айланмоқда. Бундай йирик спорт тадбирлари энг аввало миллат соғлиғи мустаҳкамланаётганини, спортчиларимиз маҳорати ўсаётганини, Ўзбекистоннинг жаҳонда обрўси ортиб бораётганини намойиш қилмоқда.

Мустақил Республикамизни жаҳонга танитишда спортнинг аҳамияти катта бўлди. Ҳозирги кунда миллий ўйинлар, жумладан кураш, улоқ, халқаро спорт турлари — теннис, бокс, футбол кабилар дунё халқлари ўртасида ўзбекларнинг обрўсини оширмоқда.

Спортни янада ривожлантириш, республикамиз вакилларининг жаҳон чемпионатларида муваффақиятли иштирок этишларида 1999 йил, 27 майда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда физкультура ва спортни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг бу қарори жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш ва огоҳлантириш, аҳоли кенг қатламларини, айниқса ёшларни бадантарбия ҳамда спорт билан шуғулланишига жалб этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш мақсадларини кўзлаб қабул қилинган эди. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасида физкультура ва спортни ривожлантириш Давлат дастури концепциясини ҳамда уни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат Спорт Қўмитаси ва тегишли вазирликлар ҳамда идоралар ишлаб чиққан тадбирларни маъқуллади ва Ўзбекистон Рес-

публикаси Давлат Спорт Қўмитаси, Миллий Олимпия Қўмитаси, Халқ таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, бошқа вазирликлар ҳамда идоралар, Қорақалпоғистон республикаси вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Касаба уюшмалари Республика Кенгаши, «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» хайрия жамғармалари спортни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишни таъминлаш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқди:

— ҳар бир туманда қишлоқ спорт-соғломлаштириш клублари тузиш, улар фаолиятига спортнинг оммавий, миллий турлари ва халқ ўйинларини кенг жорий этиш;

— аҳоли барча қатламларини физкультура-соғломлаштириш ва оммавий-спорт ишига кенг жалб этишга қаратилган мунтазам оммавий спорт мусобақаларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— мамлакат ҳудудидаги барча спорт иншоотларини уларнинг идоравий рўйхат (инвентаризация) қилиш, шунингдек минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, оммавий мусобақаларни мунтазам ўтказиб туриш бўйича аниқ чоралар белгилаш;

— аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва соғлиғи даражасини аниқловчи махсус тестлар ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш. Ушбу тестларни муваффақиятли топширганлар учун уч даражали «Алпомиш» ва «Барчиной» нишонлари таъсис этиш тақлиф қилинди.

Ушбу тестларни муваффақиятли топширганлар учун Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан «Алпомиш» ва «Барчиной» нишонлари таъсис этилди, шунингдек Тошкентда боксни ривожлантириш республика маркази ҳамда Тошкент Отчопари негизида миллий спорт турларини ривожлантириш республика марказини яратиш, «спорт байрами» умумхалқ байрамини таъсис этиш назарда тутилди.

ХАЛҚ ҲЙИНЛАРИ

XX аср охири — XXI аср бошида Ҳйин маданияти борасида ҳам икки йўналиш кўзга ташланмоқда. Биринчидан, миллий Ҳйинлар тикланмоқда, иккинчидан, янги Ҳйинлар пайдо бўлмоқда.

Айтиш мумкинки, Иттифоқимизда ўтказилган халқ Ҳйинлари байрамлари ўзбек маънавий ва жисмоний маданияти тарихида янги ва ўчмас саҳифа бўлиб қолди. Илк бор Форишда ўтказилган «Халқ Ҳйинлари байрами»да ёнган «машъал» республикамизнинг кўплаб жойларидаги азалий Ҳйин-томоша анъаналарини тиклашга имконият яратди.

Агар 1990 йил «Халқ Ҳйинлари» байрами икки қишлоқ — Сайёд ва Бирлашганда ўтказилган бўлса, 1991 йил у Фориш тумани даражасида ўтказилди, 1992 ва 1993 йиллар Жиззах вилояти даражасида — бу ҳудуд барча туманларнинг фаол иштирокида уюштирилди. Ниҳоят 1994 йил Фориш тажрибаси янги поғонага кўтарилди. Бу ерда I Республика «Халқ Ҳйинлари» олимпиадаси ўтказилиб, унда Ватанимизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари қатнашди.

Олимпиадада азалий халқ Ҳйинлари «Бўрон», «Чавандоз», «Олиб қочар», «Чунка шувоқ», «Елка кураш», «Қирқ тош», «Минди», «Тортишмачоқ» каби турлари бўйича мусобақалар ўтказилиб, ғолиблар тақдирланди.

Фориш туманининг «Қизил қир» сайилгоҳида ўтган I Республика «Халқ Ҳйинлари» Олимпиадаси дастурида: очилиш маросими, тикланган халқ Ҳйинларининг намойиши, кўрғазмали чиқишлар, кўрик танловлар, Республика вилоятлари ғолибларининг мусобақалари, ғолибларни тақдирлаш ва ҳоказо тадбирлар ўз аксини топди.

1996 йил эса II Республика «Халқ Ҳйинлари» олимпиадаси ҳам Форишда бўлиб ўтди. Анжуманлар 6 майда қадимий ва навқирон Жиззах шаҳрида бошланиб, 7 май куни гўзал ва азалий анъаналарга бой Фориш туманида авжга чиқди. Тоғли Форишнинг табиат томонидан яратилган «Қизил қир» сайилгоҳида Республикакамизнинг турли бурчакларидан келган вилоят беллашувларининг ғолиблари аждодларимизнинг қадимий ва файзли Ҳйинлари бўйича мусобақаларда қатнашдилар. Бу анжуман халқимизнинг тарихий меросини узилган томирларини тиклаш ва унга жон беришга хизмат қилди. Миллатимизнинг маънавий ва жисмоний қадриятларини тиклашга хизмат қилдиган бу йирик анжуман маданиятимиз тарихида янги яна бир саҳифа бўлиб, у халқимизнинг руҳий, ақлий, жисмоний баркамол бўлишига йўл очади.

Ҳар икки йилда ўтадиган халқ Ҳйинлари анжумани 1998 йил «Алпомиш» дostonи яратилганининг I минг йиллигига бағишланиб, Термиз шаҳрига кўчирилди. Бу фестиваль «Алпомиш Ҳйинлари» деб номланди. У аждодларимиз тарихида муҳим ўрин тутган Алпомишдек халқ қаҳрамонларини шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлган «ёй отиш», «камондан отиш», «нишонга уриш», «олишиш», «кураш» каби Ҳйин-мусобақалардан ташкил топди.



Халқ Ҳйинлари.

Хуллас, «Алпомиш»га бағишланган Республика фестивалининг уюштирилиши Алпомиш давридаги дostonларга кўчган халқ Ҳйинларининг тикланишида муҳим воқеа бўлди.

1999 йил — «Аёллар йили»га бағишланиб Жиззахда, 2001 йил Шаҳрисабзда «Тўмарис» қизлар Ҳйинлари фестивали ўтказилиши диққатга сазовор бўлди. Агар Тўмарис жанг майдонида — ғолиб бўлган бўлса, бизнинг қизларимиз спорт майдонларида ғолиб бўлишга интилишди. «Тўмарис» фестивали — ўзбек хотин-қизларини спорт соҳасидаги «уйқу»дан уйғотди, десак хато қилмаган бўламиз. Бу фестиваль халқимиз орасида Тўмарисдек мард,

жасур, кучли, гўзал қизлар борлигидан далолат беради.

Фарғона вилоятида 2000 йил бўлиб ўтган «Алпомиш ўйинлари» — II фестивали халқ ўйинларининг яна бир поғонага кўтарилганидан далолат берди. Фестиваль таркибига кирган («Кураш», «Кўл кураши», «Тёпа кураш», «Минди», «Ёйдан отиш» каби) мусобақалар бўйича спортчиларнинг тажрибаси ортганлиги ва бу ўйинларга ишқибозларнинг қизиқиши ошганлиги ҳам маълум бўлди. Фестиваль доирасида ўтган илмий-амалий анжуман эса халқ ўйинлари соҳасидаги ютуқлар билан бу борада қатор муаммолар мавжудлигига ҳам диққатни жалб қилди. Жумладан, халқ ўйинлари бўйича илмий-услубий манбалар, ўқув кўлланмалари ва дарсликлар яратилиши лозимлиги, миллий ўйинларнинг муайян туркум ва турлари бўйича алоҳида туман, вилоят, республика мусобақалари (масалан от ўйинлари)ни ўтказиш шаркорлиги, аҳолига халқ ўйинлари билан шуғулланиш учун қулай шароитлар яратиш зарурлиги, айниқса бу ўйинлар билан ёшлар шуғулланишига эътибор бериш муҳимлиги ҳамда миллий ўйинлар бўйича Халқаро фестиваль ўтказиш вақти келганлиги қайд қилинди.

Хуллас, минг йилликлар давомида халқ ўйинлари ажодларимизнинг жисмоний, маънавий, руҳий ва ақлий ривожланиши учун асосий восита бўлиб келган. Бироқ, кейинги асрда қатор сабабларга кўра ва аввало шўроларнинг миллий анъаналарга салбий муносабати туфайли халқ ўйинлари эътибордан четда қола бошлади. Мустақиллик туфайли миллий қадриятлар — миллий онг, тарихий хотира, азалий анъаналар, диний эътиқодлар, халқ ижоди қаторида миллий ўйинлар ҳам жалал тиклана бошлади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитасининг жонбозлиги туфайли жиддий ишлар амалга оширилмоқда. «Халқ ўйинлари байрами» (1991, 1992, 1993 й.й. Фориш), «Миллий спорт ва халқ ўйинлари» I ва II Олимпиадалари (1994, 1996 й.й. Фориш), «Алпомиш» I Республика халқ ўйинлари фестивали (1998, Термиз), «Тўмарис» қизлар миллий фестивали (1999, Жиззах), «Алпомиш» II Республика халқ ўйинлари фестивали (2000, Фарғона), «Тўмарис» II (Шаҳрисабз. 2001) каби йирик анжуманлар — ўзбек халқ ўйинлари тарихида янги даврни бошлаб бермоқда.

Ўзбек халқ ўйинларининг халқаро нуфузи. Ўзбекистонда тикланган азалий ўйинлар нафақат собиқ иттифоқ (Ленинград, Москва, Махачкала шаҳарлари)дан келган мутахассисларни, балки дунёнинг бошқа бурчаклари — Америка, Германия, Туркия, Эрон, Япония, Голландия каби мамлакатлардан ташриф бу-

юрган меҳмонларни ҳам ўзига мафтун қилди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг баҳор келиб, табиат уйғониб, гўзаллашиб кетиши муқаррар бўлганидек, халқ анъаналарига бўлган эътибор ҳам жонланиб кетди. Натижада халқ ўйинлари қатнашчиларининг географияси (доираси) кенгайиб борди.

1996 йил Таиланд пойтахти Бангкокда бўлиб ўтган Бутундунё халқ ўйинлари фестивалида Ўзбекистон делегациясининг қатнашиши, ўзбек халқ ўйинларининг «жаҳон миллий ўйинлари» гулдастасида ўзининг муносиб ўрин олишига имкон яратди.

Халқ ўйин-мусобақаларининг бир тури — курашнинг халқаро аҳамияти ошмоқда. Ўзбек кураши бўйича жаҳон биринчилиги ўтказилмоқда, кўпгина мамлакатларда кураш федерациялари тузилди, дунёда курашчиларнинг сони кўпаймоқда. Кураш — жаҳон олимпиада ўйинлари сафидан муносиб ўрин олиш арафасида турибди.

Халқ ўйинларининг яна бир тури — улоқ (кўпқари)нинг ҳам Марказий Осиё геомуҳитида обрўйи ошмоқда. Анъанавий тарзда турли жойлар (Самарқанд, Навоий вилоятлари)да ўтказилаётган улоқ мусобақаларида қўшниқариндош давлат чавандозлари ҳам фаол қатнашмоқдалар.

Ўзбек халқи ҳаётида кураш, улоқ каби халқаро даражага чиқадиган ўйинлар кам эмас. Уларни чуқурроқ ўрганишимиз ва тарғиб қилишимиз зарур. Бу борада халқ ўйинларининг (кўплаб турларига бағишланган олимпиада, фестиваль, байрамлар ўтказиш билан бир қаторда), аниқ бир турига оид туман, вилоят ва республика мусобақаларини ўтказиш лозим.


Иккинчидан, республикамызда ўтадиган йирик мусобақаларга, спартакиадага халқ ўйинларидан ҳам кўшмоғимиз лозим. Афсуски, биз ҳозир фақат бир неча халқ ўйин ёки мусобақасини, жумладан, «Кураш», «Улоқ», «Қиз қувди» кабилардан фойдаланмоқдамиз. Ваҳоланки, ўзбек халқ тарихий бисотида минглаб ранг-баранг ўйинлар бўлган.

Хуллас, маданий меросимизнинг бир қисми бўлган, авлод-аждоқларимизга асрлар мобайнида руҳ ва соғлиқ ато этиб келган халқ ўйинларини чуқур ўрганиш, жонлантириш миллий қиёфамизни сақлаш демакдир. Унутмайлик, халқ ўйинлари аждоқларимизнинг минг йилликлар давомида тўплаган улкан тарихий-маданий бойлигидир. Уларни кўз қорачигидек асраш, эъзозлаш ва улардан оқилона фойдаланиш муқаддас иш эканлигини унутмаслигимиз керак. Агар ана шундай қила олсак, ўзимизнинг ҳам, келажак авлоқларимизнинг халқ тилида айтганда, «жону тани омон бўлади!»

КУРАШ БАЙРАМЛАРИ

Ўзбек кураши 1992 йилда дзюдо бўйича Канадада ўтказилган жаҳон чемпионатида ва дзюдо Жаҳон Федерацияси конгрессида биринчи бор тарғиб этила бошланди. Кейин Япония, Ҳиндистон, Буюк Британия, Мо-

накода ўтказилган Халқаро спорт мусобақаларида ўзбек кураши тўғрисида батафсил маълумотлар берилди. Бизнинг миллий кураш чет эл мутахассисларида катта қизиқиш уйғотди.



Кураш — анъанавий миллий спорт тури.

1993 йили Термизда илк бор ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган мусобақада фақат мамлакатимиз полвонлари иштирок этишганди.

1995 йил кураш мухлислари ва полвонлар учун ўта қувончли бошланди. Шу йили Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган Ўзбек кураши бўйича Халқаро турнирини ташкил қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилинганди. Иккинчи бор Термизда ўтказилаётган бу Халқаро турнирда машҳур, кураги ерга тегмаган паҳлавонлар билан бирга Тожикистон, Турк-

манистон, Грузия, Жанубий Кореядан келган полвонлар ҳам қатнашишди. Йигит кишига ватан тупроғи мадад беради, деганларидек бу турнирда ҳам сурхондарёлик полвон Рустам Эргашев мутлоқ ғолиблик мартабасига эришди.

Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган турнирнинг чин маънодаги халқаро мақоми ва асл нуфузи учинчи турнирда янада яққол намоён бўлди. Унда дунёнинг турли давлатлари ва мамлакатимиз вилоятларидан келган 200 дан ортиқ полвон 7 вазн тоифасида бел олишишди.

1998 йил 6—7 сентябрда Тошкентда ўзбекча

кураш бўйича Ўзбекистон Президенти Кубоги учун Биринчи Халқаро турнири ўтказилди, унда 20 дан ортиқ мамлакат спортчилари қатнашди. Уша кунлари Тошкентда кураш бўйича таъсис конгресси ўтказилиб, унда «Кураш» Халқаро ассоциацияси тузилди ҳамда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов унинг фахрий Президенти этиб сайланди.

Ўзбек кураши бутун спорт оламида спортнинг янги тури сифатида тан олинishi муносабати билан Президент Ислом Каримов 1999 йил 1 февралда «Кураш» Халқаро ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Фармон чиқарди. Бу фармон курашнинг Ўзбекистондагина эмас, балки бутун дунёда янада кўп тарқалишига кўмак берди.

1999 йилнинг 1 майи ўзбек спортчиларининггина эмас, балки бутун ўзбек халқининг хотирасида сақланиб қолади. Уша куни курашни бутун дунё тан олди. Тошкентда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати очилди.

Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатида дунёнинг қарийб 50 мамлакатидан келган спортчилар қатнашди. Гиламга Ўзбекистон, АҚШ, Канада, Бразилия, Боливия, Чили, Жанубий Африка Республикаси, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Буюк Британия, Германия, Россия, Туркия, Нидерландия, Латвия, Эрон, Конго каби мамлакат полвонлари тушдилар. Шу пайтгача спортнинг бирон тури бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатларида шунчалик кўп мамлакат вакиллари қатнашмаган эди.

Юртдошларимиз Т. Муҳаммадиев (90 кг дан ортиқ вазн тоифасида), К. Муродов (90 кг гача вазн тоифасида), А. Қурбонов (73 кг гача вазн тоифасида) ўзбекча кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони бўлдилар.

1999 йил, 2 майда «ЖАР» спорт мажмуида ғолибларни шарафлаш ва чемпионатнинг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Ҳар икки йилда Термизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган Ўзбек кураши бўйича Халқаро турнир ўтказилиши аънамага кирган. Унда Республикамиз ва жаҳоннинг кўплаб давлатидан 150 нафар полвон қатнашди. Турнирга республика ва Халқаро Кураш ассоциацияси, Сурхондарё вилоят Ҳокимлиги, турнирнинг ташкилий қўмитаси қизғин тайёргарлик кўрди. Жойларда курашнинг саралаш босқичи ўтказилиб, умидли полвонлар кашф этилди. Турнир ўтказиладиган бош майдон — «Алпомиш» стадионида ҳакамлар, полвонлар ва томошабинлар учун барча шароит яратилди.

Ўзбек курашининг жаҳон бўйлаб танилиши ва тан олинishiда ҳукуратимиз қарори билан ҳар икки йилда бир марта ўтказилиб келинаётган ушбу халқаро турнирнинг алоҳида ўрни бор. У маълум маънода курашнинг дунё бўйича оммалашувида асос бўлди.

«1999 йилнинг кузида Термизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтган кураш бўйича 2-Халқаро турнир мусобақаларида дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатдан келган полвонлар иштирок этиб, ўзбек кураши дунё бўйича танилиб бораётганлигини яна бир бор исботлашган эди. Ушбу турнирнинг очилиш маросимида хорижлик меҳмонлар ўзбек курашининг обрўси кун сайин ошиб, дунё спортчилари ўзбекча атамаларни қизиқиб ўрганаётганлигини, бу кураш учинчи минг йилликда дунё халқларининг энг севимли спорт турларидан бири бўлиб қолишини ўз сўзларида таъкидлашган эди. Уша 2-Халқаро турнирда япониялик Хироши Камимото, ўзбекистонлик Тоштемир Муҳаммадиев, Ботир Ҳасанов, польшалик Павел Малаванец, туркменистонлик Чори Баротов, қозғистонлик Достон Примқулов каби полвонларнинг ўзига хос кураш услуби томошабинлар олқишига сазовор бўлганди» (Чори Тўхтаев, «Халқ сўзи», 2001 й.).

1999 йилнинг 3—4 апрель кунлари ўтказилган аънавий 4-Халқаро турнир Халқаро Кураш ассоциацияси ташаббуси билан Осиёнинг очиқ чемпионати деб эълон қилинди. Ушбу турнирнинг финал баҳсларида ҳамюртларимиз Ақобир Қурбонов билан Махтумқули Маҳмудов, Баҳром Авазов ва Шухрат Хўжаев, Тоштемир Муҳаммадиев билан Эрали Мамарасулвоннинг курашлари томошабинлар ёдидан кўтарилмаса керак, албатта.

2000 йил, 7 сентябрь куни ўзбек матбуотида Англиядан келган хушхабар эълон қилинди. Ўзбек кураши халқаро уюшмаси ташкил этилган куннинг икки йиллигини нишонлаш юзасидан Британия кураш уюшмасида 1 октябрда барча ёшдаги эркак ва аёллар ўртасида кураш турнири ўтказишга қарор қилди. Турнир Лондон яқинидаги Бедфорд шаҳарчасида ўтказилди.

Кураш мусобақаларининг барчаси байрамона руҳда ўтади. Унинг очилиш маросими ҳам, ёпилиш маросими ҳам ўйин-кулги, қўшиқ ва рақслардан иборат концерт ва шодиёна тадбирлар асосида файзли бўлади. Ўзбек курашининг халқаро ўйин мақомини олиши халқимиз заковати, топқирлиги ва дунё халқлари кўнглини ола билиш салоҳиятининг ёрқин мисоли сифатида қадрлидир.

ЁШЛАР МУСОБАҚАЛАРИ

Мамлакатимиз ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига узлуксиз жалб қилишни таъминлаш 2000 йилдан амалга оширила бошланди. Булар мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчиларининг, «Баркамол авлод», олий ўқув юртлиари тала-

баларининг «Универсиада» спорт мусобақаларидир. Жаҳонда ёшларнинг барча қатламларини жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб этишнинг бундай уч босқичлари узлуксиз тизими жаҳон тажрибасида ҳали кузатилмаган ва бунга илк мартаба Ўзбекистонда асос солинди.

УМИД НИҲОЛЛАРИ

Республикамизнинг барча умумий таълим мактаб ўрта ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларини ўтказиш яхши анъанага айланмоқда. Бу мусобақаларнинг асосий мақсади мактаб ўқувчиларини физкультура ва спорт ишларига жалб этиб, уларнинг ҳар томонлама камол топиши ва жисмоний бақувват бўлишига кўмак бериш.

«Умид ниҳоллари» асосан уч босқичда: (спорт турлари бўйича) аввал туман, сўнг вилоят ва ниҳоят республика даражасида ўтказилади. Биринчи босқичга мактабларнинг энг яхши ёш спортчилари қатнашадилар. Иккинчи босқич вилоят даражасида туман мусобақаларининг ғолиблари иштирокида ўтади. Якуний учинчи босқич республика даражасида вилоят мусобақалари ғолиблари қатнашадилар. Республика «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг ғолиблари моддий ва маънавий рағбатлантирилади.

2002 йил Фарғонада ўтказилган «Умид ниҳоллари» нафақат спорт, балки улкан маданият ва санъат байрамига айланди.

«Умид ниҳоллари»нинг аҳамияти шундаки, бунда умумий ўрта таълим мактабларида билим олаётган миллионлаб болалар спортга узлуксиз жалб қилинади, бу эса ўз навбатида, жараёни замон талаблари даражасига кўтарди, Олимпия ҳаракатини ривожлантиришга хизмат қилади (Озод Бек, Машғала ҳарорати қалбларга кўчажак // «Халқ сўзи», 13.04.02).

Мактаб ўқувчилари ўртасида «Алпомиш» ва «Барчиной» спорт мусобақалари кенг шухрат қозонмоқда. Бу мусобақа ҳозирги ёшларимизни ҳар томонлама маънавий ва жисмоний камол топишида муҳим роль ўйнаб, улар орасида ҳам янги Алпомиш ва Барчинойларнинг пайдо бўлишига хизмат қилмоқда.

БАРКАМОЛ АВЛОД

2001 йил май ойи биринчи ҳафтасида Жиззах шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ўртамахсус, касб-ҳунар ўқув муассасалари ўқувчи-ёшлари ўртасида «Баркамол авлод» спорт мусобақалари катта тантаналар билан ўтказилди.

Вилоятнинг бош ўйингоҳи ёшлик, баркамоллик шукуҳи билан тўлиб, ҳақиқий спорт ва санъат шодиёнасига айланди.

«Баркамол авлод» спорт мусобақалари қатнашчиларига йўллаган табрик сўзида Ўзбекистон Президенти И. Каримов жумладан шундай деди: «Азиз ўғил-қизларим! Сиздек билим ва курашга ташна ўғил-қизларимни бағримга босиб айтмоқчиман: Сиз — Алпомиш, Жалолдин Мангуберди, Амир Темур каби мард ва ботир инсонларнинг авлодсиз, сиз — буюк юрт фарзандларисиз.» («Маърифат». 2001, 2 май).

«УНИВЕРСИАДА»

Келажаги буюк Ўзбекистоннинг ёш авлодини маънавий етук, жисмоний баркамол қилиб тарбиялаш Республика ҳукуматининг доимо диққат марказида туради.

Наманганда биринчи «Универсиада — 2000» спорт мусобақалари ўтказилди. Бир ҳафта давомида республика олий ўқув юртлиарининг бир ярим минг талабаси спортнинг тўққизта оммавий турида ўз кучи, эпчиллиги, маҳорати ва омилкорлигини намоён этди. Навоий вилоя-

ти жамоаси энг кўп олий мукофотга сазовор бўлди. Умумий ҳисобда кейинги совринли ўринларни «Тошкент-1» жамоаси ва Самарқанд жамоаси спортчилари эгалладилар. Универсиаданиннг ўн беш қатнашчиси Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг фахрий соврини билан тақдирланди, уларга мукофот тариқасида «Тико» енгил автомашиналари берилди.

Универсиада очилиши катта театрлаштирилган бадний-спорт томошаси шаклида ўткази-

либ, унда кучли талаба спортчиларнинг намоиш чиқишлари ва республика таниқли ёш санъаткорларининг катта концерти намоиш этилди. Универсиада спорт, санъат, маданият, ёшлик, гўзаллик, эркин ҳаёт завқининг ёрқин намоиши бўлди.

«Универсиада — 2002» спорт мусобақалари 2002 йил май ойида Қадимий ва Навқирон Бухоро шаҳрида анъанавий спорт шодиёнаси сифатида бўлиб ўтди.

Бухоро спорт байрами фақат мусобақалар билангина чекланмади, балки бу ободончилик, тозалик, меҳмондўстлик намоиши, шунингдек ватанга муҳаббат руҳини шакллантирувчи ажойиб тадбирга ҳамда айланди.

Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида олимпия машғаласи ёқилиши катта аҳамиятга эга. Янги вужудга келган анъана бўйича машғала Паркент туманидаги «Физика-қуёш» илмий ишлаб чиқариш марказининг 2600 градусли ўчоғида барча вилоятлардан танлаб олинган ўқувчилар иштирокида тантанали маросимда ёндирилади. Бундан асосий мақсад — ўқувчилар қалбида жисмоний тарбия ва спортга қизиқиш, соғлом турмуш тарзини

қарор топтириш туйғусини шакллантириш ва уларни ҳар жиҳатдан баркамол инсон қилиб вояга етказишдан иборат. Қуёшдан нур олган машғала ҳарорати, тафти мурғак қалбларни Ватан деб, миллат деб ёндиришга хизмат қилади.

Машғаланинг ўчиб қолмаслиги учун республика «Ватанпарвар» ташкилоти мутахассислари олов сақлаш қурилмасини тайёрлашган. Машғала дастаги чинор дарахтидан тайёрланганлиги теран тарихимизга, халқимизнинг мустақкам иймон-иродаси, мустақиллигимизнинг боқийлиги юқори қисми лола шаклида эканлиги ёшлик, ёшариш ва янгиланишдан сўзлайди. Машғаланинг тож қисми оқ пўлатдан ясалган бўлиб, миллий бойлигимиз пахта шаклидаги нақшлар билан безатилган. Унинг қўрғонлари эса Ватанимиз сарҳадлари мустақкамлигини, миллатимизнинг бирдамлигини англатади. Янги ой, тонг юлдузлари ва миллий гумбазлар хурлигимизни, тинч ва осуда ҳаётимизнинг рамзий ифодасини билдиради (Озод Бек, Машғала ҳарорати қалбларга кўчажак // «Халқ сўзи», 13.04.02).

ТЕННИС БАЙРАМИ

Спорт мусобақалари орасида теннис баҳслари энг қизиқарли ўйинлар сирасига кириб бормоқда. Маълумки, ҳар бир ўйин, мусобақа бу нафақат спорт, балки байрам ҳамдир. Бу байрамона ҳолатни 1994 йил, 28 май — 5 июнь кунлари Тошкентда теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун биринчи Халқаро турнирида яққол сезса бўлади.

Бундай спорт байрами 1995 йил 2 сентябрь куни ушбу кубок учун иккинчи халқаро турнирида ҳам янада кўтаринки шаклда намоён бўлди. Унда дунёнинг 14 мамлакатидан спортчилар қатнашди. Марокашлик теннисчи Карим Алабий турнир ғолиби бўлди.

1996 йил 2—8 сентябрь кунлари анъанавий III халқаро турнир ҳам муваффақиятли ўтди. Турнир якунида Ўзбекистон Президенти И. Каримов нутқ сўзлади ва мусобақа ғолиби испаниялик теннис устаси Фелекс Мантиллега бош совринни топширди.

1999 йилги турнирда жаҳоннинг 26 мамлакатидан 80 нафар спортчи иштирок этиши уни Халқаро спорт байрамига айлантириб, юртимиз обрўсига обрў қўшди.

VII халқаро турнир 2000 йилнинг 11—17 сентябрь кунлари бўлиб ўтиб, унда Президент кубоги россиялик спортчи Марат Сафинга насиб этди.

Ватанимиз истиқлолининг 10 йиллик тантаналари давом этаётган кунларда мамлакатимизда яна бир улкан байрам — теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун 8-халқаро турнир бўлиб ўтди (соврин жамғармаси 550 минг АҚШ доллари миқдоридан белгиланди).

Турнирда йигирмадан ортиқ давлат, жумладан, АҚШ, Россия, Франция, Германия, Италия, Исроилнинг таниқли дунё теннис рейтингига эга теннис усталари қатнашди.

Ўзбекистонда қисқа вақтда энг замонавий талабларга жавоб берадиган кортлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мамлакатимиз жаҳоннинг теннис ўта ривожланган давлатлари сафидан жой олди. Бу эса «Президент кубоги» «АТП — Тур» туркумидаги расмий турнирлар сирасига кириб, довруғининг тинмай ошиб боришида ҳам муҳим омил бўлмоқда. Мазкур мусобақа Ўзбекистонни теннис бўйича Осиёнинг энг етакчи давлатларидан бирига айлантирди.

«10 сентябрь куни Тошкентдаги «Юнусобод» теннис кортида «Президент кубоги» халқаро турнирининг тантанали очилиш маросими бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов сўзга чиқиб, мусобақада дунё теннисининг тан олинган усталари

иштирок этаётганидан мамнун эканлигини таъкидлади. Мазкур теннис усталари Евгений Кафельников, Марат Сафин, Доминик Хорбати, Николас Кетфер, Марк Россе каби кўплаб ракетка усталари спортнинг мана шу гўзал, жозибадор ва оммабоп тури мухлисларининг муҳаббати ва ҳурмат-эътиборига сазовор бўлганлар» («Халқ сўзи», 2001 йил, 11 октябрь).

«Юнусобод» кортларида ўтган бу улкан спорт байрамининг шуқуҳи жаҳоннинг кўплаб мамлакатларини қамраб олди, десак хато бўлмайди. Чунки талай хорижий телекомпаниялар, бошқа оммавий ахборот воситалари вакиллари мазкур мусобақани узлуксиз жаҳонга ёритиб турди.

16 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов «Президент кубоги» халқаро теннис турнирининг финал қисмини томоша қилиш учун «Юнусобод» спорт са-

ройига ташриф буюрди. Мукофотларни топшириш чоғида Ислам Каримов ҳақиқий спорт байрамини тақдим этгани учун барча теннис ихлосмандлари ва спорт ишқибозлари номидан мусобақанинг барча иштирокчиларига миннатдорчилик изҳор этди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари мазкур турнирда иккинчи бор галаба қозонган Марат Сафинга мусобақанинг бош соврини — «Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги»ни тантанали равишда топшириб, унга ўзбекона зарбоф тўн кийдирди.

Марат Сафин турнирнинг жуда муваффақиятли ўтганини таъкидлар экан, бу нуфузли мусобақани ўтказишга бош қўшган барча ташкилотчиларга самимий миннатдорчилик билдирди.

Хуллас, Президент Кубоги обрўининг йилдан-йилга ошиб бориши Ўзбекистон спортининг халқаро нуфузини оширмақда.

ХАЛҚАРО СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ

Республикамизда ўтказилаётган Халқаро спорт мусобақалари ўзига хос спорт байрамларига айланиб кетмоқда. Мусобақа қатнашчилари ўзбек одатларига кўра иззат-ҳурмат билан кутиб олиниши, спорт анжуманининг карнай-сурнай садолари билан тантанали очилиши, мусобақаларнинг тизимли ўтказилиши, ғолибларни шарафлаш шодиёналари, унда давлат байроқларининг кўтарилиши ва мадҳияларининг янграши, талбирларнинг тантанали ёпилиш маросимлари мазкур мусобақаларни ҳақиқий байрамга айлантириб юбормоқда.

Мустақиллик шароитида ватанимизда қуйидаги спорт турлари бўйича йирик халқаро мусобақалар спорт байрами ҳолатида ўтказилмоқда:

Кураш. 1993 йил мартда Термизда ўрта аср қомусий олими Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб, кураш бўйича ўтказилган халқаро мусобақаларда жаҳоннинг турли мамлакатларидан тўрт юздан кўпроқ полвонлар қатнашди.

1997 йил 22—23 ноябрда Тошкентда «Ўзбекистон мустақиллиги кубоги» учун эркин кураш бўйича биринчи Халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Европа ва Осиёнинг 40 та мамлакатидан келган 130 нафардан ортиқ спортчи қатнашди.

1997 йил ноябрда Тошкентда Собир Раҳимов хотирасига бағишланган юнон-рум кураши бўйича Халқаро турнир ўтказилди. Унда

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россиядан келган 200 спортчи қатнашди. Жиззахда эса бокс бўйича Халқаро ёшлар турнири ўтказилди. Унда икки юздан ортиқ спортчи мукофотлар учун курашди.

1998 йил 22—24 майда эркин ва юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги Кубоги учун ўтказилган II Тошкент Халқаро турнирда жаҳоннинг кўп мамлакатларидан келган 184 нафар полвон қатнашди.

1998 йил 29 июнда Тошкентда самбо кураши бўйича еттинчи Халқаро турнир очилди.

1998 йил 6—7 сентябрда Тошкентда кураш бўйича «Ўзбекистон Президенти Кубоги» учун биринчи Халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда 20 дан ортиқ мамлакат вакиллари қатнашди. Ўзбекистон Президентининг бош совринини туркиялик полвон Салим Татарўғли олди.

Тошкентда «Паҳлавон» кубоги соврини учун самбо бўйича Халқаро ёшлар турнири бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистондан келган 200 дан кўпроқ спортчи қатнашди.

1999 йил 1—2 май кунлари Тошкентда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда 48 мамлакатдан келган спортчилар қатнашди. Мамлакатимиз полвонлари 3 та олтин, 3 та кумуш ва 4 та бронза медалига сазовор бўлдилар. Ақобир Қурбонов, Камол Муродов, Тоштемир Муҳамедов ўз вазн тоифалари бўйича жаҳон чемпиони бўлишди.

25—30 май кунлари Тошкентда биринчи марта юнон-рум кураши бўйича эркак ва аёллар ўртасида анъанавий Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда 14 мамлакатдан келган 500 нафардан ортиқ спортчи қатнашди. Чемпионатда Ўзбекистон терма командаси эркин кураш бўйича команда ҳисобида 1-ўринни эгаллади. Игорь Купеев (69 кг), Руслан Хинчагов (76 кг), Аслон Санакоев (85 кг) олтин медаллар, Рамиль Исломов (63 кг), Георгий Касинов (103 кг) кумуш медаллар ва Адхам Очилов (54 кг), Дамир Заҳридинов (58 кг), Сослан Фраев (97 кг) бронза медали соҳиблари бўлдилар.

Юнон-рум кураши бўйича эркаклар беллашувида бухоролик спортчи Шухрат Саъдиев олтин медал соҳиби бўлди.

Эркин кураш бўйича аёллар ўртасида мамлакатимиз вакили Марина Михеева (68 кг) тўртинчи ўринни эгаллади. Команда ҳисобида биринчи ўринни Ўзбекистон терма командаси, иккинчи ўринни Корея, учинчи ўринни Қозоғистон терма командалари эгаллади.

26—30 май кунлари Тошкентда «Микаса» япон компанияси Кубоги учун волейбол бўйича биринчи аёллар Халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда Япония, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон командалари қатнашди. Бош соврин — «Микаса» кубоги Ўзбекистон жисмоний тарбия институти спорт клуби волейболчи аёлларига насиб этди.

Бокс. 1994 йил 5—10 октябрь кунлари Тошкентда бокс бўйича Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига бағишланган турнир ўтказилди.

1995 йил 30 сентябрдан 8 октябргача Тошкентда бокс бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

1996 йил ноябрда Самарқандда бокс бўйича тренер Сидней Жаксон хотирасига бағишланган мукофот учун анъанавий Халқаро турнир бўлиб ўтди.

Ўша йил июнда Андижон вилояти Избоскан тумани маркази Пойтуғда айбоксинг (Таиланд бокси) бўйича турнир бўлиб ўтди.

1997 йил 17 августда Тошкентда Россия, Қозоғистон, Белоруссия ва ўзбекистонлик жаҳон чемпионати, Олимпия ўйинлари, Халқаро турнир ғолиблари иштирокида Ўзбекистонда биринчи бор профессионал бокс бўйича Халқаро матч ўтказилди.

1998 йил июлда Жиззахда бокс бўйича ёшларнинг истеъдодли мураббийси Азимжон Бадалов хотирасига бағишланган биринчи Халқаро турнир бўлиб ўтди. Турнирда Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистоннинг 114 нафар боксчиси ўз маҳоратини намойиш қилишди.

1998 йил августда Жиззахда таниқти тренер

Сидней Жаксон хотирасига бағишланган анъанавий Халқаро турнир бўлиб ўтди. Бу турнирда Жиззах вилоятининг терма командаси биринчи ўрин эгаллади.

1998 йил сентябрда Самарқандда бокс бўйича «Амир Темир кубоги» учун Халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Ҳиндистондан келган 100 дан ортиқ спортчи қатнашди.

1998 йил ноябрда Урганч шаҳрида бокс бўйича очиқ чемпионат бўлиб ўтди. Унда республикамиз ва Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Япониядан келган 100 дан ортиқ «чарм қўлқоп» устаси қатнашди.

Зарафшонда ёшлар ўртасида Навоий тоғ-металлургия комбинатининг 40 йиллигига бағишланган Халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда республикамиз, Қозоғистон ва Қирғизистон «чарм қўлқоп» усталари куч синашдилар. Навоийлик ёш боксчиларнинг чиқишлари муваффақиятли бўлди. Ақром Файзиев, Шухрат Улугов, Ҳасан Эргашев ва Камолиддин Нормуродов ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни эгаллашди.

Футбол. 1994 йил 11 апрель кунлари Тошкентда футбол федерациялари Халқаро ассоциацияси (ФИФА) ва Осиё футбол федерацияси (АФК) кўмагида футбол бўйича биринчи марта халқаро турнири бўлиб ўтди.

1994 йил 20—29 май кунлари Тошкентда Осиё чемпионати финалига чиқиш учун Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги бешта давлат ёшлар командаларининг футбол бўйича очиқ турнири ўтказилди.

1996 йил 2—6 октябрда Зарафшонда кичик футбол бўйича VI Халқаро турнир бўлиб ўтди.

1997 йил 24 августда «Пахтакор» марказий стадионида Осиё чемпионати сайланма гуруҳининг матчи бўлиб ўтди. Ўзбекистон терма командаси Яман командаси билан учрашди. Учрашув ўзбек футболчилари ғалабаси билан тугади.

Чирчиқда аёллар ўртасидаги футбол бўйича Ўрта Осиё чемпионатининг сўнгги тури бўлиб ўтди.

Андижон шаҳридаги «Андижон қизи» футбол-хоккей клуби қизлари биринчи ўринни эгалладилар.

Теннис. 1994 йил 3 майда Тошкентда «Буюк ипак йўли» шиори остида теннис бўйича Халқаро мусобақалар очилди. Бу мусобақаларда 22 мамлакат спортчилари қатнашди.

1994 йил 28 майдан 5 июнигача Тошкентда Президент Кубоги учун биринчи Халқаро теннис турнири ўтказилиб, Америка теннисчиси Чак Адамс унинг биринчи соҳиби бўлди.

1995 йил 29 августда Тошкентда теннис бўйича очилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун олиб борилган иккинчи

Халқаро турнирда 14 мамлакат спортчилари қатнашди.

1996 йил 2—8 сентябрда Тошкентда теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун учинчи Халқаро турнир бўлиб ўтди.

1996 йил 8—16 июнда Тошкентда Челенжер туркумидаги теннис бўйича Халқаро аёллар турнири бўлиб ўтди.

1997 йил апрелда Тошкентда теннис бўйича ёшлар анъанавий халқаро турнири бўлиб ўтди.

1997 йил 8 июнда Тошкентда теннис бўйича аёллар иккинчи Халқаро турнири бўлиб ўтди.

1996 йил 12 июлда Наманганда теннис бўйича Халқаро ёшлар турнири ўтказилди. Унда Ўрта Осиё давлатларидан 13 ёшгача бўлган 44 нафар ёш спортчи қатнашди.

1998 йил апрелида Андижонда теннис бўйича «Буюк ипак йўли» Халқаро турнири ўтказилди. Унда 20 та мамлакатдан келган таниқли спортчилар қатнашди. Андижонда эса «Фьючерс» тенниси бўйича Халқаро турнир бўлиб ўтди.

1998 йил 2—8 июнда Тошкентда теннис бўйича аёллар Халқаро турнири бўлиб ўтди.

1997 йил октябрда Фарғонада «Буюк ипак йўли» Халқаро сателлит теннис турнири ўтказилди. Тошкентлик спортчи Вадим Куценко унинг голиби бўлди.

1996 йил октябрь ойида Тошкентда стол тенниси бўйича Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги ва Амир Темури юбилейининг 600 йиллигига бағишланган Халқаро турнир бўлиб ўтди.

1998 йил 14—20 сентябрда Тошкентда теннис бўйича «Ўзбекистон президенти Кубоги» учун бешинчи Халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда 18 мамлакатдан келган 49 нафар энг кучли теннисчи қатнашди. Турнирнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов нутқ сўзлади ва сурункасига иккинчи бор турнир голиби бўлган инглиз теннисчиси Тим Хенманга қумуш Кубогини топширди.

Самарқандда «Челленжер» туркумидаги Халқаро теннис турнири бўлиб ўтди. Яккама-якка олишувда ғалаба шведиялик теннисчи аёл Фредерик Ионесонга насиб этди. Турнирнинг жуфт разряддаги бош мукофоти исроиллик дуэт Ноам бер-Эал Ранга топширилди.

Қарши шаҳрида янги бунёд этилган «Хавас» спорт мажмуида теннис бўйича дунёнинг қарийб барча мамлакатларидан келган ракетка усталари иштирокида Халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Австрия, Белоруссия, Венгрия, Миср, Италия, Швеция спортчилари қатнашди. Ўзбекистонлик теннисчилар Олег Огородов ва Дмитрий Томошевич турнир голиби бўлишди.

Фарғона шаҳрида «Истиклол» Халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатидан келган теннис ракеткаси усталари бир ҳафта давомида куч синашдилар.

1999 йил 8 апрелда Наманганда «Фьючерс истиқбол» тенниси бўйича Халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда 15 мамлакатдан келган теннисчилар қатнашди.

Шахмат. 1994 йил октябрда Термизда IV Халқаро шахмат фестивали бўлиб ўтди. У ўз иштирокчиларига Халқаро уста меъёрини бажариш имконини берар эди. Мазкур шахмат турнирида Вьетнам, Катар, Германия, Исроил, Австрия, Россия, Қозоғистон, Озарбайжон ва Ўзбекистон шахматчилари қатнашдилар.

1997 йил 21 октябрда Тошкентда мамлакатимиз мустақиллигининг 6 йиллигига бағишланган «Труд» газетаси мукофоти учун иккинчи Халқаро болалар шахмат турнири очилди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон ва Қирғизистоннинг етти ёшдан ўн ёшгача бўлган шахматчилари қатнашди.

1998 йил 17—25 ноябрда Тошкентдаги «Жар» спорт мажмуида «Труд» газетаси совринлари учун Ўзбекистон Республикаси етти йиллигига бағишланган болалар Халқаро шахмат турнири бўлиб ўтди.

1998 йил Тошкентда «Труд» газетаси совринлари учун Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг етти йиллигига бағишланган болалар Учинчи Халқаро шахмат турнири бўлиб ўтди. «Труд» газетасининг бош соврини тошкентликларга насиб этди. Шахсий ҳисобдаги мутлақ биринчиликни усталикка номзод 16 яшар Жасур Мажидов эгаллади.

Шашка. 1995 йил декабрда Тошкентда рус шашкаси бўйича иккинчи Халқаро турнир ўз ишини якунлади.

1996 йил 8 октябрда Самарқандда «рус нақли» бўйича ўтказилган 64 катакли шашка бўйича учинчи жаҳон чемпионати очилди.

Баскетбол. 1997 йил октябрь ойида Бухорода баскетбол бўйича Халқаро эркаклар турнири ўтказилди.

Тошкентда баскетбол бўйича анъанавий халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз спортчиларидан ташқари, Хитой, Ҳиндистон, Қирғизистон ва Қозоғистондан келган спортчилар ҳам қатнашдилар. Голиблик шохсупасига юртимиз спортчилари кўтарилишди.

Гимнастика. 1997 йил декабрда Навоий шаҳрида бадий гимнастика бўйича Халқаро турнир ўтказилди.

Сувда сузиш. 23—26 ноябрда Тошкентда Оила йилига бағишланган «Сув париси» баравар сузиш бўйича биринчи марта Халқаро турнир ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Греция, Қозоғистон, Россия спортчи қизлари қатнашди. Рос-

сия спортчи қизлари турнир голиби бўлишди. Жуфт композициялар дастурида ўзбекистонлик Татьяна Завадовская ва Юлия Велку бронза медали совриндори бўлишди.

Қиличбозлик. Тошкентда қиличбозлик бўйича таниқли спортчи Собир Рўзиев соврини учун бўлиб ўтган Халқаро турнирда Ўзбекистон аёллар командаси биринчи ўринни эгаллади. Бу галаба шахсий ҳисобда ҳам олтин медалга сазовор бўлган тошкентлик Светлана Филимонова энг кўп ҳисса қўшди.

Эркаклар орасида қиличбоз юртошларимиздан Р. Бахтиев, Е. Йўлдошев ва А. Багдасаров муваффақиятли қатнашиб, ҳурмат шоҳсупасига кўтарилдилар.

Хоккей. 1996 йил 8 апрелда Бухорода аёллар командалари ўртасида чим устида хоккей бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди.

Отчопар. 1997 йил июнида Тошкентда отчо-

парлар конкурси бўйича Халқаро турнир бўлиб ўтди.

Техник спорт турлари. 1998 йилнинг сентябрида Тошкент яқинидаги Аранчи аэродромида авиамодель бўйича Осиё тарихида биринчи чемпионат бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Арманистон ва Индонезия командалари қатнашди. Эркин учадиган планерларда Александр Амелин (Қозоғистон), резина моторли моделларда Шавкат Исмаилов, ичда ёнадиган таймерларда Евгений Хаенок, радиобошқариш планерларида Владимир Уцин (барчаси ўзбекистонлик) Осиёнинг биринчи чемпионлари бўлишди.

1998 йил октябрда Ўзбекистонда Тошкент — Чимён дам олиш масканида энг кучли автоҳайдовчиларнинг ўн биринчи Халқаро мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон командаси биринчи ўринни эгаллади.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ҲАММОНЛАРИ

1995 йил сентябрь ойида Тошкент шаҳрида илк бор Марказий Осиё халқларининг спорт Ҳаммони муваффақиятли уюштирилди. Байрам «Пахтакор» стадионида карнай-сурнай наволари билан бошланиб, театрлаштирилган бадий спорт томошаси билан давом эттирилди. Кутилмаганда майдонга жангчилар кириб келди. Томошабинлар ичидан кўнгилчилар чиқиб уларга қарши уриш бошладилар. Жанг авжга чиқди. Шу вақт бонг урилиб, майдондаги барча жангчилар қотиб қолди. Диктор овози янгради: «Тарихимизда байрамлар, олимпиадалар бошланган вақтда урушлар тўхтатилган. Аждодларимиз номи билан талаб қиламан: Уруш тўхтатилсин! Байрам — олимпиада бошлансин!»

Майдонга Марказий Осиё халқларининг афсонавий қаҳрамонлари Алломиш, Рустам, Манас ва бошқалар сиймолари чиқади. Улар Мустақилликка эришган барча халқларни урушга эмас, дўстлашишга чақиради. Халқлар ўртасида урушлар эмас, дўстлик олимпиадалари ўтказишга ундашади.

Майдонни рақосалар эгаллаб «Хуш келибсиз!» номли катта хореографик Ҳаммон ижро этдилар. Ҳаммонго йўлақчаларига беш қардош халқлар — ўзбек, қозоқ, тожик, туркман, қирғиз халқларининг спортчи вакиллари кириб келишиб, майдондаги ўз жойини эгаллашади.

Қардош халқ вакиллари тантанали равишда олимпиада байроғини олиб кириб стадион узра кўтаришади. Стадионга Юнонистондан келтирилган рамзий олимпия олови олиб кирилади ва Марказий Осиё халқлари олимпиадаси олови ёқилади. Ўзбекистон Президенти ва Олимпиада кўмитаси раисининг кутловлари янграйди. Олимпиада очик деб эълон қилинади.

Марказий Осиё халқлари Ҳаммонида катта бадий спорт томошаси кўрсатилди. «Спорт ва санъат», «Спорт — тинчлик элчиси», «Эстрада юлдузлари — спорт юлдузларига» номли эпизодларда Марказий Осиё халқларининг спорт, санъат, маданият соҳаларидаги ютуқлари тарафдан этилди.

«Туркистон — умумий Ҳаммон» номли эпизодда Марказий Осиё халқларининг дўстлигини ифодаловчи куй, кўшиқ ва рақслар ижро этилади. Очилиш маросими якунида байрам мушакбозлиги Тошкент оқшомини дўстлик нурлари билан чароғон этди.

1997 йили Ҳаммоннинг 2-турнири бўлиб ўтди. 1999 йил, 8 октябрь куни эса анъанавий Ҳаммоннинг 3-турнири старт олди. Унда Ўзбекистон спортчилари ўн Ҳаммон тури бўйича 17 та олтин, 27 та кумуш медал соҳиби бўлдилар.

Энг асосийси ушбу анъанавий турнир Марказий Осиёда тинчлик, қардошлик ғояларини Ҳаммонда ўзга хос вазифани бажармоқда.

ХШ 6 о 6. МЕҲНАТ ВА ТАБИАТ БАЙРАМЛАРИ

Одамзод ўз тараққиёти жараёнида эришган барча ютуқлар бу меҳнат туфайлидир. Халқимизда «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик», «Меҳнатнинг таги роҳат», «Меҳнат қилган дур келтирар» каби мақоллар бежиз яратилмаган.

Киши ўз меҳнатидан хурсанд бўла олса, у бошқалар учун ҳам заррача фойда бера олишини ҳис қилса, меҳнатидан фахрланиш туйғусини ҳис қилади. Айнан қадимги ажлодларнинг ўз меҳнатидан шодланиш, фахрланишлари натижасида меҳнат байрамлари вужудга келган. Меҳнатни севган, меҳнатдан яхши натижаларга эришган халқларнинг айнан меҳнат байрами кўп бўлган ва улар яхши ўтган.

Азалдан меҳнаткаш ўзбек халқи ҳаётида меҳнат билан боғлиқ бўлган турли маросимлар ва байрамларнинг мавжудлиги тасодифий эмас. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, азалдан меҳнатни севган ўзбек халқининг турмушига анъанавий байрамлар қаторига меҳнат тадбирлари ҳам табиий равишда сингиб кетмоқда.

Мустақиллик туфайли тадбиркорлик, иш-

билармонлик кенг қулоч ёймоқда. Бу борада ҳам азалий анъаналар тикланиб, янги шакллар қарор топмоқда.

Мамлакатимизда йирик саноат иншоотларининг очилиши муҳим меҳнат байрамига ҳам айланиб кетмоқда. Масалан, 2001 йилнинг охирида Ўзбекистон Президенти И. Каримов Шўртан газкимё мажмуининг ишга туширилиши муносабати билан барчани самимий қутлар экан, бу улкан воқеа «нафақат Қашқадарё вилоятида, балки бутун юртимизда катта тўй, тантана»га айланиб кетганлигини алоҳида таъкидлади.

Меҳнат соҳалари ва касбларнинг кўпайиши натижасида меҳнат байрамлари ва маросимларининг ҳам турлари кўпайиб, мазмунан бойиб бормоқда. Улар ичида ишчилар ва қишлоқ хўжалиги ходимларининг меҳнат байрамлари, жумладан, меҳнат жараёнининг бошланишига ёки меҳнат жараёни (маълум босқичи)нинг якунланишига, режа, мажбуриятларнинг бажарилишига бағишланган тантаналар ҳамда давлат томонидан жорий этилган касбкорлик кунлари алоҳида ўрнқ тутмоқда.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИ БАЙРАМЛАРИ

Маълумки, инсон ҳаётининг бир кунини ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларисиз тасаввур қилолмаймиз. Шунинг учун ҳам деҳқончилик дунёдаги энг шарафли касб ҳисобланади.

Республика аҳолисининг 60 фоизига яқинини қишлоқ меҳнаткашлари ташкил қилади. Шу сабабли, қишлоқ меҳнаткашларининг ҳаёти ва меҳнати билан боғлиқ бўлган байрамлар ва маросимларни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизнинг асосий фахри бўлмиш — пахтакорларнинг ҳаётини янада фаровон қилиш, янги меҳнат зафарлари сари руҳлантириш, турмушни гўзаллаштириш, маданий дам олишини самарали ташкил қилишда байрам ва маросимларнинг роли каттадир. Ҳозирги

даврда пахтакорларнинг ҳаёти, меҳнати ва бўш вақти билан боғлиқ бўлган кўплаб маросим ва байрамлар ҳаёт тақозоси асосида вужудга келмоқда. Бу борадаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва энг яхши анъаналарни кенг ёйиш ҳамон долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Кейинги даврда меҳнаткашларнинг халқаро ва миллий байрамлари тараққий этиши билан бирга, ҳар бир ижтимоий гуруҳнинг, маълум касб эгаларининг, меҳнат жамоаларининг ўзига хос хусусий янги байрамлари ва анъаналари ҳам вужудга келмоқда.

Дарҳақиқат, тараққиёт шундай тадбирларни олдимизга қўймоқдаки, ҳар бир меҳнат жамоасининг дам олишини ташкил қилиш билан бир қаторда уларнинг ҳаёти, меҳнати ва бўш

вақтлари мароқли, мазмунли ўтиши учун маҳсул тантаналар, маросимлар ва байрамлар ташкил қилиш зарур бўлмоқда.

Албатта республикамизнинг кўпчилик қисмини ташкил қиладиган ва унинг асосий фахри бўлган ўзбек пахтакорлари ҳам (худди бошқа касб эгалари каби) ўз меҳнати, дам олиши ва турмуши билан боғлиқ бўлган, мунтазам уюштирилиб туриладиган хусусий байрамларига эга бўлиш табиийдир. Айни вақтда пахтакорларнинг бундай байрам ва анъаналари шакллана бошлади.

Бироқ бу борадаги тажрибани умумлаштирмоқ, таҳлил қилмоқ, тизимга солмоқ ва энг муҳими уларни уюштириш жадвалини тузиш ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Меҳнат байрамлари жадвалини тузиш учун биз аввало пахтакорларнинг ҳаёти, меҳнати, бўш вақти тақозо этаётган йил давомида мунтазам ўтказиш мумкин бўлган байрам, анъана ва тадбирларга мурожаат қиламиз.

Пахтакорлар ҳаётидаги биринчи катта анжуман февраль ойининг охирида — март ойларининг бошларида бўлиб ўтадиган, ҳосил йилининг — март ойларининг бошларида бўлиб ўтадиган, ўтган йилнинг якунлари ва янги меҳнат мавсумининг бошланишига бағишланган қишлоқ хўжалик ходимлари кенгаши (қурултой) билан бошланиши керак.

Республикамизда қурултойни ўтказиш борасидаги охириги 10 йилликлардаги энг яхши тажрибаларга мурожаат этсак, у қуйидаги ўзига

хос тарзда уюштирилар эди. Чунончи, у аввал республика, сўнг эса вилоят ва туманлар миқёсида қилинар эди. Унинг асосий қисми тантанали мажлис ҳисобланиб, бошқалари учрашувлар ва концертлар каби тадбирлардан иборат бўларди. «Қишлоқ хўжалик кенгашилари» республика, вилоят ва туман миқёсидаги анжуман бўлиб, уларда асосан жойлардан келган вакиллар қатнашарди.

Биз шунини истар эдикки, қурултой ўзининг энг яхши тарихий анъаналарини тиклаб, барча деҳқон-пахтакорнинг улкан байрами бўлиб қолиши керак. Бу тадбир жамоаларда ҳам фақат йиғилиш — мажлис шаклида эмас, балки томоша, сайил ва мусобақаларга бой байрам сифатида уюштирилса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу ишда қишлоқ хўжалик раҳбарлари ва маданият ходимлари бош қош бўлмоқликлари лозим.

Маълумки, пахтакорлар ҳаётида ҳам «Наврўз» алоҳида ўрин тутган. У ҳозирги кунда ҳам пахтакорларнинг янги ҳосил мавсумига яхши ният билан шайланиш байрами сифатида ҳам хизмат қилади.

«Уруғ (чигит) қадаш», «Биринчи гул», «Оқ олтин карвони» байрамлари ҳам ўзига хос муайян меҳнат жараёнларининг бошланиши, яъни чигит экишнинг биринчи кунини, илк бор ғўза гуллаши ва етиштирилган ҳосилнинг биринчи маҳсулини давлатга топшириш муносабати билан уюштирилгани учун улар сўзсиз календардан ўз ўрнини топишлари керак.

Пахтакорлар ҳаёти, меҳнати асосида вужудга келадиган байрамлар ва маросимлар жадвали

№	Байрамни ўтказиш вақти	Байрам ва маросимлар номи	Тадбирлар мазмуни ва шакли
1.	Февраль	Қишлоқ хўжалик ходимларининг йиллик йиғилиши	Ўтган ҳосил йили якунлари ва янги мавсум режаларига бағишланган йиғилиш — анжуман
2.	Март	«Наврўз байрами»	Янги меҳнат мавсуми бошланиши муносабати билан ўтказиладиган маросим, тадбир ва сайиллар. Жойларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун хашар, кўрик — танлов, маросим томошалари
3.	Апрель	«Уруғ қадаш маросими» (Чигит экиш маросими)	Уруғ қадашнинг биринчи кунига бағишланган тантана, маросим, концертлар
4.	Июнь	«Ёшларни пахтакорлар сафига тантанали қабул қилиш»	Ёшларни пахтакорлар сафига қабул қилиш маросими ва «Пахтакорлик бобо касбим» — анъанавий тематик кеча
5.	Июль	«Илк маош»	Ёш пахтакорларни илк маош олишига ва маошлардан тўғри фойдаланишга бағишланган суҳбатлар, маросим
6.	Август ойининг охири	«Биринчи оқ олтин карвони»	Илк бор йиғилган ҳосилни давлатга топшириш тантаналари, сайил ва тадбирлар
7.	Декабрь	«Ҳосил байрами», («Пахта байрами»)	Режалар бажарилишини нишонлайдиган навбат билан ферма, хўжалик ширкатлар туманлар марказида ўтказиладиган тантана, намойиш, томоша, мусобақа ва сайиллар

Ёз ойлари мактабни ва бошқа ўқув даргоҳларини тугатган ёшлар танланган касб бўйича иш бошлайдилар. Ёшларнинг пахтакорлар сафига кириб келиши муҳим ҳодиса ҳисобланиб, пахтачилик ривожда етакчи роль ўйнайди. Бу махсус маросим ҳам байрамлар жадвалига киритилиши лозим. Бироқ, «Ёшларни пахтакорлар сафига қабул қилиш маросими» ҳамда ундан кейин уюштирилаётган «Илк маош» учун жадвалда аниқ вақт кўрсатиш қийин. Уларни ўтказиш вақти (тахминан июнь—июль ойларида) ҳўжалик мактаб, ҳунар-техника билим юрти ва бошқа раҳбарларнинг ўзаро келишиши натижасида белгиланади.

«Қишлоқ ҳўжалик ходимлари куни»га ҳам катта эҳтиёж бор. Бу кун пахтакорларнинг ҳам меҳнат байрами сифатида жадвалдан ўз ўрнини топади деган умиддамиз.

Пахтакорлар байрамлари жадвали декабрь ойининг биринчи ўн кунлигида режа ва мажбуриятларнинг бежарилиши муносабати билан аввал ҳўжаликларда, туманларда, сўнг вилоят-

ларда ва охири республика даражасида уюштирилаётган «Ҳосил байрамлари» билан якунланади.

Шундай қилиб, пахтакорлар байрамлари жадвалига «оқ олтин» соҳибкорлари ҳаёти ва меҳнатининг энг муҳим дақиқалари асосида қатор маданий тадбирлар ва байрамларни, яъни «Қурултой», «Наврўз байрами», «Уруғ қадаш маросими», «Ёшларни пахтакорлар сафига қабул қилиш маросими», «Илк маош» тантаналари, «Олтин карвон» ва «Ҳосил байрами» кабиларни киритса бўлади. Уларнинг моҳияти ва мазмунидан келиб чиқиб ҳар бирига манتيқий тизимда мавсумий жадвалдан жой топиб берилади.

Пахтакорлар байрамларини йил давомида мунтазам уюштириш тизимини вужудга келтириш ўз навбатида бу тадбирларни ташкил қилиш усулларини яратиш мавжуд бўлган иш тажрибаларидан фойдаланиш заруратини юзга келтиради.

Қуйида бу тадбирларнинг энг муҳимларига тўхталамиз.

«УРУҒ ҚАДАШ» МАРОСИМИ

Маълумки, халқда қадимдан далалардан иш бошланиши, илк бор ерга уруғ қадаш муносабати билан махсус маросимлар уюштириш одати шаклланиб, даврлар ўтиши билан кенг омалашган эди. Бизнинг давримизга келиб, бу халқ одатлари ҳаётдаги ўзгаришлар билан маълум маънода ўз мавқеини, тантанаворлигини йўқотган бўлсада, унинг заминида пахта етиштирилаётган минтақаларнинг баъзи жойларида «Уруғ қадаш» номли замонавий маросими вужудга келмоқда.

Ерга чигит қадаш пахтакорлар ҳаётида энг муҳим юмуш бўлиб, шундан кейин ҳақиқий меҳнат мавсуми бошланади. Шунинг учун ҳам чигит қадаш ишларининг бошланиши пахтакорларда кўтаринки руҳ, яхши кайфият ва хурсандчиликни вужудга келтиради. Бу борда маданият ходимларининг вазифаси биринчи иш кунини ҳақиқий меҳнат байрамига айлантириб юборишдан иборатдир.

Республикамизнинг илғор жамоаларидаги тажрибаларга мурожаат қилсак, «Уруғ қадаш» («Чигит экиш байрами») кўпгина жойларда ўзига хос қизиқарли услубда ташкил этилади.

Қишлоқнинг очиқ майдонида эрталабданок чигит экиш тракторлари махсус безатилган ҳолда қатор қилиб қўйилади. Карнай-сурнай овози ва байрам ташкилотчиларининг чақирғи қишлоқ аҳолисини «Уруғ қадаш байрами»га чорлайди. Байрам тантанали маросим билан бошланади. Бунда қишлоқ оқсоқолларидан бири ва ҳўжалик раҳбари қисқа ва маз-

мунли нутқ сўзлашади. Сўнг механизатор йиғит трактор чигит экиш учун тайёр эканлиги ҳақида гапирди. Янги меҳнат йилига яхши тайёргарлик кўрган механизаторлар мукофотлар билан тақдирланадилар ва уларга бағишлаб қўшиқ ва рақслар ижро этилади. Сўнг тантанали равишда ҳамма дала томон йўл олади. Энг олдинда карнай-сурнай садолари остида бирин-кетин ўйинга тушган, оммавий қўшиқ айтган ҳаваскорлар, қишлоқ аҳли, ундан кейин механизаторлар бошқарган чигит экиш тракторлари қишлоқ кўчалари бўйлаб қатор колонна ҳосил қилади. Олдиндан махсус тайёрланиб қўйилган далага етиб келинганда қишлоқнинг обрўли оқсоқоли анъанавий йўлтеша билан рамзий шаклда биринчи чигитни экади ва мўл ҳосилга илҳомлантирувчи сўзлар айтади. Ундан кейин мусиқа оҳанглари билан механизаторлар ишга киришадилар. Иш куни тугагач, кечқурун қишлоқ клубида байрам давом этади. Биринчи чигит экиш кунига бағишлаб махсус бадиий дастур уюштирилади.

Чигит қадаш тантаналарининг ижтимоий-маданий аҳамияти шундаки, унда пахтакорлар меҳнат мавсумига киришиб ҳам меҳнат, ҳам байрам қилишади. Мазкур меҳнат байрами кишиларнинг янги ҳосил йилини кўтаринки кайфият ва яхши ниятлар билан бошлашига кўмак беради. Баъзи жойларда ХХ аср ўрталарида «Биринчи гул» деган тадбир ҳам пайдо бўлган эди. Бироқ бу тадбир барча ерда уюштирилган эмас. Бу ҳодисага бағишлаб мах-

сус тадбир ўтказилмаса ҳам уни қувончли ҳодиса сифатида қайд қилса бўлади.

«Ѓўза гули» пахтакорлар меҳнатининг гули дейишади. Шунинг учун ҳам бўлса керак, ғўзанинг илк бор гуллаши пахтакорлар ҳаётидаги қувончли ҳолатлардан бири ҳисобланади.

«Биринчи гул» тадбирини ўтказиш учун таҳминан бир-бир ярим ой илгари махсус шартлар эълон қилинади. Унда қайси ширкат ёки жамоада ғўза олдин гулласа, бу жамоа махсус тақдирланади. Биринчи бўлиб илк бор гуллаган ғўзани топган киши махсус мукофотланади. Шунинг учун биринчи гулни топган пахтакор ҳам, 40 та ғўзаси гуллаган жамоа ҳам маъмуриятга хабар бермоғи лозим ва бу ҳодиса махсус тузилган комиссия орқали текширилиб, сўнгра улар тақдирланишига фрмон беради. Ушбу эълонлар бригадалар орасида ўзига хос меҳнат мусобақасини вужудга келтиради. Натижада уларнинг ҳар бири ғўзаларни яхши пар-

варишлаш ва тезроқ гуллаши учун курашишга ҳаракат қиладилар.

Тадбир ўтказиладиган жойлар махсус безатилади, тўрға катта пахта гули макети ва унинг икки чети пахтакорлар ва ғолибларни шарафлайдиган сўзлар билан безатилади. Тадбир тантанали очилгандан сўнг, мусиқа садолари остида саҳнага биринчи гул топган қаҳрамон ва ғолиб бригада аъзолари таклиф қилинади. Уларга бағишлаб куй, кўшиқ ва рақслар ижро этилади. Бадий қисм орасида уларга сўз берилади. Байрам якунида кеча меҳмонлари ҳамда ғолиб жамоа аъзолари маънавий ва моддий тақдирланади.

Биринчи пахта гули маросимининг аҳамияти шундаки, у илгор пахтакорларнинг меҳнатини шарафлайди, мароқли дам олиш учун шароит яратиб беради. Бу эса пахтакорларнинг янада яхши меҳнат қилишлари учун катта кўмак бери.

«ОҚ ОЛТИН КАРВОНИ» БАЙРАМИ

Қадимдан деҳқонлар ҳаётида йиғим-терим бошланишига ва унинг якунланишига бағишланган ҳосил байрамлари муҳим ўрин тутиб келган.

Йил давомида қилинган тинимсиз ва машаққатли меҳнатни илк самараларини йиғишга киришиш ҳам деҳқонлар учун тантанали ва қувончли дақиқалар ҳисобланиб, ўзига хос меҳнат байрами кайфиятини вужудга келтирган. Бу жараёнда бажариладиган турли удуманъаналар мавжуд бўлган. Улар ичида энг диққатга сазоворлари — арафада «Маслаҳат оши» бериш илк ҳосил йиғишга биринчи обрўли ва омадли оқсоқолга топшириш, янги ҳосилни биринчи намунасини эсдалик сифатида олиб қўйиш қабиладар кенг тарқалган.

Бу маросим ғаллакорларга — «Биринчи ўрин» ёки «Биринчи бошоқ», пахтакорларда эса «Биринчи чаноқ», «Терим боши» деб номланган. Улар асосида илк ҳосилни хирмонга топшириш жараёнида «Оқ олтин карвони» номли анъана вужудга келди.

Ҳозирги кунда бу байрамга катта эҳтиёж бор. Чунки мавсум давомида қилинган машаққатли меҳнат натижасини йиғишга киришиш жараёни пахтакорлар ҳаётида байрам кайфиятини вужудга келтирадиган қувончли ҳодиса бўлиб махсус нишонлашни тақозо этади. Бироқ, бу ҳодиса кўп жойларда ҳамон оддий иш кунидек, ҳеч қандай тантаналарсиз ўтмоқда. Баъзи жойларда биринчи кун терилган ҳосилни пахта пунктига олиб бориш пайтидаги кичик тантаналар ўтказилмоқда.

Республикамиздаги энг яхши тажрибаларни умумлаштирган ҳолда бу байрамни қуйидагича

ўтказишимиз мумкин: илк бор пахта терилдиган ва байрамона безатилган жойга қишлоқ аҳолиси таклиф қилинади.

Бу ерда қарнай-сурнай овозлари, кўшиқ ва куйлар байрам кайфиятини таратиб туради. Байрам пахта териш мавсуми бошланишига бағишланган анжуман билан бошланади. Сўнг қарнай-сурнай садолари остида чаноқлардан биринчи бўлиб пахта териш имконияти қишлоқнинг энг обрўли оқсоқолларидан бирига берилади. Оқсоқолнинг этак тутиб илк бор чаноқлардан «оқ олтин» териши — бу рамзий маъно кашф этади. Кейин мусиқа садолари ёрдамида барча пахта теримига киришади. Тушлик вақтида ҳам байрам кайфияти давом этади. Дала шийпонида пахтакорни пазандалар ва маданият ходимлари кутиб олишади. Уларга байрам дастурхони безатилиб, ширин таомлар, нозу неъматлар, мевалар инъом қилинади, ҳаваскор санъаткорлар ижросида дам олиш концерти уюштирилади. Иш кунининг иккинчи ярми, яъни қарвонлар пахта билан тўлдирилганда, байрамнинг асосий қисми бошланади. Карвон байроқлар, шиорлар ва кўрғазмалар воситалар билан безатилади. Терилган пахта давлатга топширилишига рухсат берилганда, махсус байрам колоннаси ташкил қилинади. Олдинда оқсоқоллар, хўжалик раҳбарлари, сўнг қарнай-сурнай ва мусиқа садолари жўрлигида рақсга тушган, кўшиқ айтган пахтакор ва ҳаваскорлар, ундан кейин оқ қарвон сафи қишлоқ кўчалари бўйлаб пахта пункти томон йўл олади. Пахта пунктида ҳам меҳнат йилининг биринчи ҳосилини кутиб олиш муносабати билан байрам тантаналари

давом этади. Кечки пайт қишлоқ клубида пахта териш мавсуми бошланишига бағишланган махсус кеча уюштирилади. Унда биринчи кун қанча пахта терилгани, бунга ким қанча ҳисса қўшгани ҳақида хабар берилди. Пахтакорлар ва биринчи кун ғолибларига бағишланган куй ва қўшиқлар ижро этилади.

ҲОСИЛ БАЙРАМИ

Ҳосил байрамлари — барча қишлоқ хўжалик ходимларининг — боғбону сабзавоткор, ғаллакору пахтакор, соҳибкору пиллакорларнинг йил давомида эришган ғалабаларини, меҳнат мавсумининг якунланишини тантана қиладиган йирик анжумани ҳисобланади.

Ўзбекистонда асосий хом ашё пахта бўлгани ва асосий эътибор пахтачиликка қаратилгани учун бу ердаги «Ҳосил байрамлари»га «Пахта байрами» деб ҳам ном беришган.

«Пахта байрами» республикада пахтачилик жадал суръатлар билан ривожланган 50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб кенг нишонлана борди. 60—80-йилларда у Ўзбекистондаги энг йирик анжуманларнинг бирига айланди.

Бироқ, 80-йиллар ўрталарида пахтачиликда содир бўлаётган кўзбўямачиликлар, қўшиб ёзишлар сирлари очилган даврларда «Пахта байрами» кўпгина жойларда ўтказилмай қўйди.

Кейинги йилларда «Ҳосил байрами» яна тикланмоқда. Шу сабабли бу байрамни уюштириш борасидаги тарихий тажрибани умумлаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

60—80-йилларда «Пахта байрами» йиғим-терими тугаганидан сўнг, бутун республикада пахта режаси ва мажбурияти бажарилган йиллари аввало, жамоа хўжаликларига, сўнгра туман, вилоятларда ва ниҳоят пойтахтда катта тантана нишонланадиган бўлган эди.

Жамоа хўжаликлари миқёсида ўтказиладиган «Ҳосил байрами» базм, концерт каби шаклларда уюштирилади. Пахтакорлар байрам дастурхонига таклиф қилинади. Хўжалик раҳбарлари, оқсоқоллар пахтакорларни ғалаба билан табриқлашади. Сўнгра бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари уюштирилади.

Туман миқёсида уюштириладиган «Ҳосил байрами» одатда тантанали мажлис билан бошланади. Унга хўжаликлараро мусобақа ғолиблари, тадбиркорлар, меҳнат илғорлари таклиф қилинади. Ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантирилади. Байрамнинг марказий қисми сифатида театрлаштирилган томоша меҳнаткашларни ғоят қизиқтиради. Масалан, Қўқон шаҳрида уюштириладиган «Оқ олтин ижодкорлари» номли томоша «Пахтаой», «Ҳосилжон», «Чаноқбой», «Чигитжон», «Пахта гул», «Пахтакор» каби рамзий ижобий образлар ва уларга зид салбий персонажлар — «Тошқин

«Оқ олтин карвони» номли меҳнат байрами ижтимоий-сиёсий характерга эга бўлиб, у пахтакорларни маънавий жиҳатдан янада рағбатлантиради, сермашаққат йиғим-терим мавсумидан кўтаринки руҳ олиш учун ва эртанги ҳал қилувчи долзарб пайтлар далада ҳалол меҳнат қилишга ундайди.

сел», «Чигиртка», «Бегона ўт», «Курт», «Ялқовжон» ўртасидаги фарқ зиддият асосига қурилган. Сценарийда йил давомида мўл ҳосил етиштиришга қаршилик қилган салбий образлар охириги кучларини сарфлаб, «Ҳосил байрами»ни ўтказишга қарши туради. Ижобий қаҳрамонлар салбийларни қувгин қилиб, «Ҳосил байрами»ни ўтказишга киришади ва ҳақиқий халқ сайли бошланади. Байрамнинг учинчи қисми кўпинча маданият уйларидаги тематик кеча, концерт ҳамда маданият ва истироҳат боғларидаги оммавий томошалар, спорт мусобақалари, кўргазмалардан ташкил топган.

Вилоят миқёсидаги «Ҳосил байрами» туман миқёсидан янада тантаналироқ, кенгроқ уюштирилади. Унга туман вакиллари, қишлоқ хўжалиги илғорлари ва шаҳар аҳолиси таклиф қилинади. Одатда, бу анжуман вилоят марказидаги стадионларнинг бирида ёки отчопарларида уюштирилади. Байрам тантанали мажлис шаклида бошланиб, унда вилоят туман вакиллари, Меҳнат Қаҳрамонлари, илғор тадбиркорлар сўзга чиқишади. Тантана вилоятдаги туман меҳнаткашлари вакилларининг намоиши билан бошланади. Сўнг махсус безатилган автомобилларда вилоятнинг энг донгдор кишилари ўтишади. Туман меҳнаткашлари намоиши одатда оммавий театрлаштирилган томошага айланиб кетади. Байрамнинг бу қисми жойлардаги шароитга қараб турлича, ўзига хос шаклда уюштирилмоқда. Масалан, Сирдарё вилояти «Ҳосил байрами»ни ўтказиш бўйича яхши тажрибага эга бўлишган. Байрам катта театрлашган композиция билан бошланиб, унда пахта экишидан тортиб, то ҳосилнинг охиригача йиғиш меҳнат жараёни акс эттирилган. Мазкур халқ байрами фақат стадиондагина эмас, балки унинг атрофидаги боғлар, майдонлар ҳиёбонлар ва очиқ саҳналарда ҳам уюштирилиб, байрам қатнашчилари ўзларига манзур бўлган томошаларни (мотоциклчилар пойгаси, от спорти ўйинлари — «Қиз қувди», «Улоқ», миллий ҳамда замонавий спорт мусобақалари: кураш, пойга ва ҳоказоларни) кўриш ва хоҳлаганларида иштирок этишлари мумкин. Санъат шайдолари эса бадиий ҳаваскорлик, дорбозлик санъати томошаларини мароқ билан кўришади. Наманган вилоятининг (туманлар иштирокидаги) «Ҳосил байрами» қатнашчилари «Қуёш-

бобо» ва «Момо ер», «Бободехқон» ва «Насриддин Афанди»лар тадбирни бадиий-рамзий жиҳатидан қизиқарли қилди. Бобур ва Машрабларнинг «тарих қаъридан» келиб пахтакорларнинг табриклаши деҳқонларни янада руҳлантирди. Бу байрамда ҳар туман ўз ютуқларини тараннум этишти. Ҳар бир туманга бағишланган шеър, қўшиқ ва рақслар деҳқонлар руҳини тетик қилишга хизмат қилди.

Тошкент вилоятининг ҳосил тўйлари ҳам ўзгача файзга эга. Юрочирчиқ туманининг «Дўстлик» стадионида янграган карнай-сурнай, ногораю доира садолари меҳнат аҳли ва илғорларни «Ҳосил тўйи»га чорлади. Бу тўй 2001 йилда 1037 тонна пилла, 281.5 минг тонна ғалла, 280 минг тонна пахта топшириб, эл-юрт, Ватан олдида юзлари ёруғ бўлганидан далолат берувчи Тошкент вилояти меҳнаткашларининг «Ҳосил байрами» эди.

Тадбирда сўз олиб, ғолибу музаффарларни қутлаган вилоят ҳокими, илғор пиллакору ғаллакорлар, шоликору соҳибкорлар меҳнатини алоҳида қайд этди. Жумладан, ҳоким 40 минг тоннадан зиёд қимматбаҳо хомашё топширган Бекобод, Оққўрғон, Бўка, 35—37 минг тонналик хирмон яратган Қуйичирчиқ, Ўртачирчиқ, Чиноз туманлари пахтакорларининг ғалабаларини алоҳида эътироф этди. Ўзбекистон Қаҳрамони А. Орипов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳ. Хошимов сингари эл таниган инсонлар ҳам ғолибларни қутлагани ташриф буюришти.

Энг қувончлиси, «Ҳосил байрами»дан юзлаб кишилар қимматбаҳо совғалар — телевизор, гилам билан уйларига қайтдилар. «Илғор теримчи» соврини ғолиби бўқалик Т. Сайдиев, «Илғор механизатор» ўртачирчиқлик М. Қаримов, «Энг яхши фермер» қибрайлик А. Усмонов, ҳатто энг обод туман, маҳаллаю қишлоқлар ҳам совға-саломлардан четда қолишмади. Табриклар ҳам, тилаклар ҳам, ҳатто совғалар ҳам мўлу — зўр бўлди.

Эл севган санъаткорларнинг куй-қўшиқлари, вилоят спортчиларининг кўргазмали чиқишлари байрамга янада файз киритди. «Ҳосил байрами»га йиғилган қариялар: «Осмонинг тинч, дастурхонинг тўкин, тўйларинг кўп бўлсин. Ўзбекистоним!» дея дуога қўл очдилар (М. Тожибой қизи. Ғолибу музаффарлар тўйга чорлади // «Халқ сўзи» газетаси. 13 ноябрь 2001 й.).

Республика миқёсида ўтказиладиган «Ҳосил байрами» пахта режаси тўлган йиллар энг йирик марказий ижтимоий-маданий анжуман сифатида Тошкент отчопагида 2 кун давомида ўтказилади. Республика «Ҳосил байрами» вилоятлардан келган илғор пахтакорлар ва қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳамда шаҳарлик ишчи-хизматчи, талабаларнинг марказий отчопага ташрифи билан бошланади. Байрам иштирок-

чиларига ҳам қишлоқ хўжалик ярмаркалари, савдо дўконлари, турли таомлар ва бошқа маданий-маиший тадбирлар ташкил қилинади. Меҳмонлар карнай-сурнай садолари билан кутиб олинади. Байрам гоъвий-рамзий жиҳатдан юқори даражада режалаштирилган мажлис намойиши билан бошланади. Унда республика раҳбарлари, шунингдек, донгдор пахтакорлар, ишчилар нутқ сўзлайдилар. Сўнг бадиий-рамзий намойиш бошланади. Намойишда вилоят вакиллари, меҳнат илғорлари байрамлар билан безатилган усти очиқ автомашиналарда тантана билан ўтадилар. Энг аввало, республикада биринчи бўлиб мажбуриятни бажарган вилоят вакиллари ўтадилар. Автомашинадаги бадиий-кўргазмали экспонатлар вилоят меҳнаткашларининг ютуқларидан далолат беради. Отчопаг йўлақларида махсус қурилган очиқ саҳналар, майдонлар ўнлаб томошалар, ҳар хил тадбирлар ташкил қилиниб, унда мусобақалар 2 кун давом этади.

Республиканинг кўзга кўринган санъаткорлари, хонанда ва созандалари, бадиий жамоалари, спортчилари, чавандоз ва полвонлари, қизиқчи ва аскиячилар ўз маҳоратларини намойиш қилишади. Бу оммавий байрамда қатнашувчилар кўнгилларига ёққан томошани танлаши ва уларнинг томошабинига айланиши мумкин. Спорт мусобақалари учувчининг, спортчиларнинг самолётларда ўз маҳоратларини намойиш қилишлари ва парашютчиларни баландликдан кўргазмали сакрашлари билан бошланади, унга мотоцикл ва автомобил пойгаси улашиб кетади.

Чавандозлик спорти байрамнинг асосий қисмини ташкил қилади. Бир неча километрлик от пойгаси, отда баскетбол, Тож йиқитиш каби миллий ўйинлар ва от устида гимнастика машқларини бажариш, от йўрғалатиш, йўрға отлар қўшилган аравачаларда пойга каби мусобақалар байрамнинг гоъвий-бадиий ўтишини таъминловчи воситалардан ҳисобланади.

Шундай қилиб, биз юқорида Ўзбекистоннинг фахри бўлмиш — қишлоқ хўжалик ходимларининг меҳнати ва бўш вақти асосида вужудга келадиган байрамлар, тантаналар ва дам олиш тадбирини уюштиришдаги илғор тажрибалар, йўл-йўриқларга тўхтадик. Шунинг унутмаслик керакки, ҳаёт тақазо этаётган байрамлар орқали қишлоқ хўжалик ходимлари ҳаётини қувонч ва шодлик, юксак меҳнат шодиёнаси билан тўлдириш, уларни маънавий рағбатлантириш масъулиятли ҳамда шарафли ишдир.

Республикамизнинг турли хилдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сабзавот, полиз экинлари, мевалар комплекс тарзда етиштириладиган жойларда боғбонлар ва сабзавоткорларнинг янги замонавий байрамлари шаклланоқда. Улар республикамизнинг турли жойла-

рида турлича шаклда ва турли номлар билан уюштирила бошланди. Масалан, Самарқанд вилоятида «Она ер саховати», Чустда «Табиат совғаси», Қўқонда «Табиат инъомлари», баъзи ерларда «Олтин куз саховати», бошқа ерларда уларга маҳаллий жой номи қўшилган холда «Сурхон саховати», «Мирзачўл совғалари» каби номлар билан ўтказилмоқда. Бу байрамларнинг номи, шакли ва ўтказиш тартиби турлича бўлса ҳам, бироқ уларнинг мақсади ва асосий моҳияти умумий — инсон меҳнати эвазига сахий табиат инъом этган совға қилган маҳсулотларни, нозу-неъматларни тарғиб қилишдир.

Шуни таъкидлаш керакки, «Она ер саховати» каби байрамлар ўз-ўзидан вужудга келган эмас. Улар ўз ҳаёт талаби ва деҳқонларнинг меҳнати асосида шаклланган байрамдир.

Қишлоқ хўжалик ходимларининг йил сайин омилкорлигини ошириш ва миришкорлигининг ўсиши натижасида сабзавоткор ва боғбонлар етиштирган маҳсулотларни тарғиб қилиш, тажриба алмаштириш иштиёқи янада кенгайди. Бунинг учун махсус тадбирлар керак бўла бошлади. Ҳаёт тақозо этган ана шундай эҳтиёжлар асосида боғбонлар ва полиз соҳибкорларининг энг яхши маҳсулотларини тараннум этувчи турли кўргазмалар уюштирила бошланди. Улар янги табиат кўргазмаларининг яхши томонлари ҳамда анъанавий ҳосил байрамлари ўзбек халқ байрамларининг ўзига хос элементлари билан аста-секин бойиб борди. Мазкур тадбирлар деҳқонларнинг олтин қўллари етиштирган маҳсулотлардан тузилган кўргазмалардан ташкил топибгина қолмасдан, балки уларда илғор боғбонлар ва сабзавоткорлар билан учрашувлар, бадиий жамоаларнинг чиқишлари, спорт мусобақалари, ғолибларни тақдирлаш маросимлари ҳам ўз ўрнини топа бошлади. Ижобий ўзгаришлар кўрик-танловлар доирасини кенгайтириб, уларни байрам даражасига кўтарди.

Хуллас, аввалига боғбону-сабзавоткорлар етиштирган маҳсулотларнинг кўриги сифатида, сўнгра уларни ғоявий-бадиий элементлар ва бадиий дастурлар билан бойитилиши натижасида ўзига хос янги меҳнат ва табиат байрамлари вужудга кела бошлади. Сабзавоткор ва боғбонларнинг ўзига хос ҳосил байрами вазифасини ҳам бажарадиган байрамлар одатда август ойининг охири ва кўпроқ сентябрь ойининг бошларида, табиатнинг энг гўзал бўлган вақти бахмал мавсумида мевалар, сабзавотлар ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб-териш олиш тугалланаётган бир пайтда уюштирилади.

Республикамизда мазкур байрамларни ўтказиш борасида ўзига хос тизим вужудга келмоқда. Улар аввалига кўпгина йирик туман марказларида ташкил қилиниб, унда тумандаги барча жамоа хўжаликлари ўзларининг етиш-

тирган маҳсулотлари билан қатнашади. Сўнгра шу тартибда вилоят марказларида, барча туманларда олинган ҳосилларнинг энг яхши натижалари тарғибот этилади.

Самарқандда уюштириладиган «Она ер саховати» номли «Ҳосил байрами» вилоят маданияти ва истироҳат боғининг марказий аллеяси атрофида махсус ажратилган жойларда ҳар бир туман вакиллари ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўргазмасини тайёрлаш билан бошланади. Эрталабдан карнай-сурнай садолари халқни байрамга чорлайди. Истироҳат боғининг марказий майдонида байрам тантанали очилади. Сўнг туман вакиллари ўзлари етиштирган маҳсулотларни акс эттирган экспонатлар билан байрам қатнашчиларини танитишади. Махсус тузилган жюри ҳайъати энг яхши натижага эришган жамоаларни аниқлашга киришади. Истироҳат боғининг очиқ саҳналарида туманнинг турли жойларидан байрамга ташриф буюрган бадиий ҳаваскорлик жамоалари, бадиий агитбригадалар ўз туманидаги табиатсеварлар ва қишлоқ хўжалик ходимлари меҳнатини тараннум этувчи концерт дастурлари билан томоша кўрсатишади. Масхарабоз-дорбозларнинг чиқишлари, турли хилдаги қизиқарли ўйинлари, викториналар, кураш каби спорт мусобақалари байрамни янада қизиқарли қилади. Байрам сўнгида юқори натижаларга эришган илғор деҳқонларни тақдирлаш маросими ва концерт уюштирилади.

Кувонарли ҳодиса сифатида шуни ҳам айтиш керакки, бир ерда ўтказилган бу каби ҳосил ва табиат байрамларининг тажрибаси бошқа жойларга ҳам тез тарқалмоқда. Масалан, Самарқандда илк бор уюштирилган «Она ер саховати» байрамларини ҳозир Фарғонада ҳам кўриш мумкин.

Республикамизда пилла етиштириш етакчи ўринни эгаллагани сабабли кейинги вақтда бу қишлоқ хўжалик соҳасига ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Бунинг натижасида ҳар томонлама қўллаб-қувватландиган янги ўзига хос бир меҳнат байрами шаклланмоқда. Турли жойларда турлича номлар билан «Пилла сайли» («Пилла карвони», «Кумуш тола») уюштирилади. Самарқанд вилояти Пойариқ туманида у куйидагича уюштирилмоқда. Барча қишлоқларда пиллалар аҳолидан йиғиб олиниб, байроқлар ва шиорлар билан махсус безатилган машиналарга ортилиб, карнай-сурнай садолари остида туман маркази томон йўл олишади. Белгиланган вақтда улар пиллани туман пилла комбинатига топширишади.

Сўнг махсус жойда халқ сайиллари бошланади. Кечки пайт туман маданият уйида пилла етиштириш бўйича мажбуриятларни бажарган илғорларни тақдирлашга бағишланган тантанали кеча ва концерт уюштирилади.

САНОАТ ХОДИМЛАРИ БАЙРАМЛАРИ

Республикамизда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, ишчилар меҳнати ва маданий дам олиши самарасини ошириш натижасида кўплаб меҳнат байрамлари ва маросимлар тараққий этмоқда.

XX асрда жаҳоннинг илғор мамлакатлари тажрибалари асосида Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳарларида, жумладан: Тошкент, Фарғона, Навоий, Олмалиқ, Бекобод, Ангрен, Чирчиқ, Фарҳод, Ширин, Зарафшон каби йирик sanoat марказларида меҳнат фаолиятининг бошланишидан (ишчилар синфига қабул қилиш маросимидан) тортиб, то унинг яқунланишига (тантанали нафақага кузатиш маросимига) қадар ўтган даврда муҳим воқеаларга бағишланган маросим ва байрамлар тизими вужудга келмоқда. Уларни мазмун ва моҳиятига қараб қуйидаги 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчисига меҳнат йўлининг бошланишига оид маросим ва байрамлар киради. Улар ёшларнинг илк бор корхонага келиб меҳнат жараёнига қўшилишидан тортиб то малакали ишчи ходим бўлиб етишгунига қадар муҳим

воқеаларни нишонлашга қаратилган. Улар «Ишчилар синфига қабул қилиш маросими», «Илк маош топшириш тантанаси», «Ёш ишчилар куни», «Шахсий дастгоҳни қабул қилиш маросими» кабилардан ташкил топади.

Иккинчи тоифага, ишчининг меҳнат маҳорати ва камолотига бағишланган маросим ва байрамлар киради. Улар ишчиларнинг ва умуман жамоанинг мунтазам равишда маҳоратини ошириш, самарали меҳнат қилишга қаратилган тадбир ва тантаналар, яъни «Меҳнат мусобақа ғолибларини тақдирлаш», «Энг яхши ишчи унвонини олиш», «Маҳоратни ошириш», «Ихтирочилар куни»ни нишонлаш кабиларни ташкил этади.

Учинчи тоифага, ишчи меҳнатини шарафлашга оид маросим ва байрамлар киради. Уларга касбни улуғлашга, хизмат кўрсатган ишчи ва меҳнат фахрийларини тақдирлашга бағишланган тантаналар, яъни «Касбкорлик кунларини нишонлаш», «Мураббийлар кунини ўтказиш», «Ишчи сулоаларини шарафлаш», «Авлодлар учрашувини ўтказиш» каби маросим-байрамларни киритиш мумкин.

МЕҲНАТ ЖАМОАСИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАНТАНАСИ

Ҳар бир инсон ҳаётида унинг меҳнат йўлининг бошланиши ўзига хос қувончли ва тантанали ҳодисадир. Меҳнат жамоасига қабул қилинган ёшларнинг биринчи кунини шундай ташкил қилиш керакки, бу кун уларнинг ҳаётида янги мазмун касб этиб, қалбида мазкур дақиқа умрбод муҳрланиб қолсин. Шу билан бирга у ёш ишчига жамоада ўз ўрнини топишига имкон яратсин. Эндигина мактаб, коллеж каби билим юртини тугатиб, катга ҳаёт йўлига қадам ташлаган ёшларни шодиёна ва хурсандчилик билан кутиб олиб, улар қадам қўйган меҳнат жамоаларида «Ишчилар сафига қабул қилиш маросимини» ўтказиш республикамизда ҳам яхши анъанага айланмоқда. Бу маросим қуйидагича ўтади:

Корхона маросим кечасига мослаб кўргазмалар материаллар билан безатилади. Кеча мусиқа садолари остида бошланади. Залнинг биринчи қаторини билим юртининг битирувчилари эгаллайди. Уларнинг кўкрагида махсус нишон — тантана эмблемаси. Саҳнага чап томондан билим юрти ўқитувчилари, ўнг томондан илғор ишчилар чиқиб келишади ва махсус белгиланган жойга ўтиришади. Билим юрти директорининг қисқача нутқидан кейин, ёшларнинг ҳар бирига йўлланма топширилади. Унда «Ўқув масканида олган билимларингизни ҳаётда

ва меҳнатда маҳорат билан қўлланглар, чин инсон ва ҳақиқий ишчи бўлишга интилинглар!» деган каби даъват сўзлари ёзилган бўлади.

Ўқув юрти маъмурияти меҳнат жамоасига янги кадрларни тантанали равишда тақдим этади. Меҳнат жамоасининг раҳбари эса ёшларни ишчилар сафига қабул қилинганлиги билан қутлайди. Ходимлар бўлимининг бошлиғи ёшларни ишга қабул қилинганликлари ҳақидаги буйруқни ўқийди. Миллий кийимдаги қизлар ёшларга гуллар тақдим этишади. Мусиқа садолари остида ёшларга ишчилар сафига қабул қилинганликлари ҳақидаги гувоҳнома берилади. Мусиқа садолари остида байроқ олиб кирилади. Сўз кекса уста мураббийга берилади. Кейин ёш ишчилардан бири чиқиб қасамёд қилади. Қасамёддан сўнг ёш ишчи байроқни кўзига суртади. Маросимдан кейин ёшлар учун «Севган касб — ҳақиқий касб» номли тематик кеча ҳам уюштирилиши мумкин.

Ишчилар сафига қабул қилиш тантанасининг аҳамияти шундаки, у биринчидан, ёшларнинг қизиқишини янада оширса, иккинчидан, уларнинг ўз кучига ҳамда эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишончини вужудга келтиради.

Ёш ишчи касби бўйича ишга қабул қилингандан сўнг 1 ёки 1,5 ой ўтиши билан улар илк бор ҳалол меҳнати эвазига маош олишади. Бу ёшлар учун жуда қувончли ҳодисадир. Бироқ, бу вақтда ёшларга биринчи ва ундан кейинги маошлардан қандай фойдаланиш ҳақида маслаҳат бериш лозим. Ақс ҳолда, илк маошини спиртли ичимликлар билан бошлаши, кейинги ойликларда ҳам шу ҳол такрорланиши эҳтимолдан узоқ эмас. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ичкиликка берилган ишчиларнинг 30—40% илк бор маош олганда ичкиликбозлик йўлига қадам қўйишган экан. Шундай экан, ёшларнинг ҳам ҳамёнига, ҳам соғлиғига зарар етказадиган салбий оdatлардан уларни доим асраш керак. Бу борада ишлаб чиқариш корхоналарида уюштирилаётган «Илк маош» номли маросимдан фойдаланиш яхши самара беради.

Илк маош тантаналарининг асосий вазифаларидан бири, маошдан қандай қилиб тўғри фойдаланиш кераклиги ҳақидаги жиддий фикрларни ёш ишчиларга тушунтиришдан иборатдир. Энг муҳими, илк бор маош олиш кунининг ичкиликсиз, мазмунли, хурсандчилик билан яхши кайфиятда ўтишига ёрдам бериш.

Тантана арафасида жамоа раҳбарлари бухгалтерия ходимлари билан биргаликда хўжалик фаолиятидаги қулайликлар ҳақида, меҳнатнинг ҳажми ва сифатига ҳақ тўлаш ҳақида савол-жавоблар уюштирадilar. Шунингдек, ҳуқуқшунос савдо ходимлари ва ёшлар билан суҳбатлар ўтказиш яхши натижа беради.

Маросим ўтказиладиган жой махсус безатилади, кўرғазмалар, стендлар ташкил қилинади.

Илк маош топшириш маросими тантанали равишда очилади. Унда меҳнат раҳбарларидан бири ёшларга илк маош топшириш тўғрисидаги буйруқни ўқийди ва маошни тантанали тарзда мусиқа садолари остида топширади. Маош билан биргаликда, ёшларга ёзма мурожаатнома берилади. Асосан ёш ишчига тааллуқли табрик сўзи, ишчи деган шарафли номни ва меҳнатни ҳамиша қадрлаш ҳақидаги доноларнинг маслаҳатлари ёзилган бўлиб, уни раҳбарлар имозолаган бўлади. Ёшлар маош олишгандан сўнг, бухгалтерия ходими стол устига қўйган қайдномага бирин-кетин тантанали равишда илк бор имзо чекади.

Ёшларга маош топширилгандан сўнг «Камолот» ижтимоий ҳаракати аъзолари ҳамда мураббийлар, ота-оналар кенгаши раиси ва ёшлардан бири нутқ сўзлайди.

Илк маош тантанасининг бадиий қисмида маҳаллий ёшлар махсус дастур билан томоша кўрсатиши — маросимнинг тарбиявий аҳамиятида муҳим ролгана бўлиши. Томошалар сўнггида илк маош олганлар учун махсус савдо кўрғазмаси уюштирилади. Ундан ёшлар ўзлари ва яқинларига совғалар харид қилади.

XX асрнинг 80-йилларида йирик саноат шаҳарларида вужудга келган меҳнат байрамларидан бири «Корхона байрамлари» — «Меҳнат, маданият ва турмуш эстафеталари» қисқа вақт ичида республикамиз, пойтахт шаҳар корхоналарида ҳам ўз ўрнини топа бошлади. Бу байрамнинг ўзагини цехлар кўрик-танловлари ташкил қилади. Одатда, меҳнат жамоасида аввал «Цехлар эстафетаси», ундан сўнг корхона байрами ўтказилади. У асосан цехлар кўрик-танлов натижаларига бағишланади. Унда илғор цех жамоалари тақдирланади, ғолиб ҳаваскорлар чиқишлари уюштирилади.

Конкурс шартлари олдиндан эълон қилиниб, унда барча соҳалардаги кўрсаткичлар, жумладан ишлаб чиқариш, ижтимоий фаоллик, маданий дам олиш, бадиий ҳаваскорлик, турмуш эстетикаси кабилар ҳисобга олинади.

Байрам бошланишидан олдин корхона фаоллари жюри ҳайъатини, меҳмонларни ва тadbир қатнашчиларини корхона, цех, турар жой, ётоқхоналарга таклиф қилади.

Байрамнинг асосий қисми шанба-якшанба кунлари уюштирилади. Корхона меҳнаткашларининг барча соҳаларда, меҳнат, маданият ва турмушда эришаётган ютуқлари маданият муассасаси фойесида ташкил қилинган махсус кўрғазма стендлар, деворий газеталарда ўз аксини топади.

Корхона байрамларида меҳнатда эришилган муваффақиятлар ва муаммолар ҳақида сўз боради. Илғорлар тақдирланади, қолоқлар танқид қилинади. Шунингдек, улар ўзларининг бўш вақтида шуғулланаётган фаолиятлари билан таништиради, ҳамда махсус бадиий дастур билан чиқишлар уюштирилади.

Мазкур тadbирларнинг аҳамияти шундаки, меҳнат, маданият ва турмуш эстафеталарида улар корхона меҳнаткашларини барча ҳаётий соҳаларда фаоллаштиришда ўзига хос қизиқарли мусобақаларни вужудга келтиради, ишчиларни самарали меҳнат қилишга, мароқли дам олишига ва турмушини янада гўзал қилишига кўмак беради.

Бундай байрамлардан бири «Меҳнатга — шараф!» номи билан 80-йиллар ўрталарида Тошкент шаҳар, туманлари ўртасида шакллана бошланди. Мазкур байрамда тепловоз ремонт заводи, Ўрта Осиё электроаппарат ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент трамвай вагон ремонт заводи ва бошқалар ўз меҳнат ютуқларини намойиш қилишди.

Байрамда мусиқа садолари остида туманнинг меҳнат мусобақа ғолиблари шарафланди, илғор корхоналарга эсадилик рамзий совғалар тақдим этилди. Байрам якунида туман бадиий ҳаваскорлик тўғараклари ва шаҳардаги қатор малакали артистлар иштирокида меҳнатни шарафлашга бағишланган катта концерт бўлиб ўтди.

МАҲОРАТ КЎРИГИНИ ЎТКАЗИШ ТАНТАНАСИ

Маҳорат кўриги республикамизнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш корхоналарида кенг тус олмақда. Кўрикда энг илғор, қобилиятли, меҳнатда сифат ва самарадорликка эришган ишчилар учрашишади ва дўстона ижодий мусобақалашишади.

Маҳорат кўригини ташкил қилишда махсус жой танлаиб, байроқ ва шиорлар билан безатилади. Мусобақанинг тантанали очилиши, ғолибларнинг мусиқа садолари остида моддий ва маънавий рағбатлантирилиши, уларга атаб бадиий дастурларнинг кўрсатилиши кўрикни ҳақиқий меҳнат байрамига айлантириб юборади.

Республикамизда турли касблар бўйича маҳорат кўриклари ўтказиш системаси шаклланмоқда. Маҳорат кўриклари аввало корхоналарда ўтказилиб, уларнинг ғолиблари шаҳар ва вилоят миқёсида ўтказиладиган кўрикларда қатнашмоқдалар. Айниқса, бу борада Тошкент, Навоий, Чирчиқ каби шаҳарларда ибратли ишлар амалга оширилган.

Шаҳар вилоят миқёсида ўтадиган меҳнат кўриклари асосан икки қисмдан ташкил топмоқда:

- 1) маҳоратни намойиш қилиш, мусобақалашуш;
- 2) ғолибларни аниқлаш ва уларни шарафлаш.

ТАДБИРКОРЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР

Саноат ишлаб чиқаришининг диққатга сазовор томонларидан бири шуки, унда ҳар бир ишчи маҳсулот яратишда янгилик топиши, самарали усул ва восита ихтиро қилиши мумкин. Одатда, уларни тадбиркор, ихтирочи ва кашфиётчилар деб аташади.

Бундай ишчиларнинг ижодкорлиги ва яратувчилиги ишлаб чиқариш тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Ихтирочилар яратган янгиликлар жамоат учун жуда катта иқтисодий фойда келтириши, ёки бир неча кишининг меҳнатини энгиллаштириши мумкин. Демак, бундай муҳим ҳодисаларни тантанали равишда нишонлаш керак бўлади. Шу сабабли, мамлакатимизнинг кўпгина ишлаб чиқариш корхоналарида махсус тадбиркор ва ихтирочилар куни байрам сифатида нишонланади.

XX асрнинг 80—90 йиллари Чирчиқ шаҳар Химиклар маданият ва техника саройида тадбиркор ва ихтирочилар билан ишлаш яхши

Мазкур тадбирни бошлашдан илгари кўрикнинг жюри аъзолари аниқланади, кўрик шартлари эълон қилинади. Қатнашувчилар кўриikka махсус рухсатнома билан қўйилади. Бундай рухсатнома эса, фақат ўзининг ишлаб чиқариш кучига ва жамоат фаолиятига бағишланган кишига берилади. Кўрикнинг асосий шарти меҳнат жараёнида белгиланган шароитда маҳсулотни тез, соз ва сифатли қилиб тайёрлашдир. Бунда асосий эътибор маҳсулот тайёрлашнинг суръат ва сифатига қаратилади.

Кўрик иштирокчилари — ишчилар бу пайтда юксак маҳоратини намойиш қилиш билан бирга, маҳсулотнинг техник жиҳатидан гўзаллиги ва бадиий эстетик дидига ҳам алоҳида эътибор беришлари керак бўлади. Жюри аъзолари ҳамда мусобақа томошабинлари кўз олдида ғолибларга мукофотлар топширилади. Жумладан, уларга «Эртанги куннинг устаси» деган унвон, фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар тақдим этилади. Байрам якунида махсус концерт кўрсатилади.

Шундай қилиб, маҳорат кўриклари ишчиларда ўз касбини ва ишини севиш фазилатларини намойиш қилади ва ёшларда бундан кейинги кўрикларда ҳам муваффақиятли қатнашиш истагини туғдиради.

йўлга қўйилган эди. Унинг асосий вазифаларидан бири — тадбиркор ва кашфиётчиларнинг фаолиятларига бағишланган тантаналарни уюштириш эди.

Одатда кашфиётчилар ютуқларини тараннум этувчи тантаналар ҳам асосан 2 қисмдан ташкил топади: 1) тадбиркор ва ихтирочиларни шарафлаш (улар яратган янгиликлар моҳиятини очиш, уларга гувоҳномалар топшириш ва ҳоказо); 2) улар учун махсус дам олиш кечасини ташкил қилиш.

Мазкур байрамнинг биринчи ва иккинчи қисмлари ўртасида бир оз бўш вақт қолдирилади. Ана шу бўш вақт мобайнида томошабин ва байрам қатнашчилари эътиборига тадбиркорлар фаолияти ҳақида кўргазма ҳавола қилинади ҳамда ихтирочилик муаммолари бўйича суҳбат ташкил қилинади. Бундай тадбиркорлар эса, ихтирочилик ҳаракатини ривожлантиришда янги-янги фикр, ғоялар туғдириши табиий.

Ишлаб чиқариш корхоналари ташкил топган кунни ҳар йили бир марта нишонлаш — тантанали ва муҳим воқеадир. Ана шу байрамни «Уч авлод учрашуви» тарзида ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Тўрт авлод оқсоқол фахрийлар, тажрибали ўрта ёшли ходимлар, ёш ишчилар учрашуви байрамнинг асосини ташкил қилади. Бу тadbир байрам намойиши, тантанали митинг, байрам кечаси каби шакллардан ташкил топиши мумкин. Ангрен шаҳар маданият ходимлари томонидан байрам кунлари уюштирилган «Уч авлод учрашуви» қуйидагича ташкил қилинган:

Уч авлод фаолиятини рамзий тасвирловчи бадиий воситалар билан махсус безатилган бир неча автомобиллар колонна бўлиб, шаҳар ёки туман марказий кўчаларидан юрадилар.

Тadbир эмблемаси туширилган ва қизил шиорлар билан безатилган биринчи машинада фахрийлар, ишлаб чиқаришга оид плакатлар тутган кишилар ўтса, иккинчи машинада илғор ишчилар; ўзига хос безатил-

ган учинчи машинада ёш ишчилар ва тўртинчисидан ёшлар жойлашган бўлади. Аynиқса, автомашиналардаги байроқлар, шиорлар, кўрсаткичлар кишилар диққатини ўзига тортади. Колонна шаҳар ёки туман марказидаги майдончага келиб тўхтади. Тантанали равишда митинг очилади. Минбарга ҳар бир авлоддан вакиллар чиқади. Корхонанинг илғор ишчиси меҳнат галабалари, топшириқларнинг бажарилиши, техника тараққиёти ҳақида гапирди.

Ёш ишчилардан бири ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик учун ташаккур билдириб, ёшларнинг меҳнат ва билим олишдаги муваффақиятлари ҳақида ҳисобот беради. У жамоа аъзоларини сақлаш ва ривожлантириш учун тантанали равишда ваъда беради.

Байрам намойиши ва тантанали митинг қисми тамом бўлгандан сўнг, учинчи қисм маданият уyiда давом эттирилади. Махсус тайёрланган мавзули кечада уч авлоднинг ҳар бирига бағишланган бадиий дастур байрам қатнашчилари эътиборига ҳавола қилинади.

ИЛҒОР ИШЧИНИ НАФАҚАГА КУЗАТИШ МАРОСИМИ

Маълумки, нафақага чиқувчи киши кўп йиллар давомида бетиним меҳнат қилган бўлади. У ўз корхонасининг умумий ишига маълум даражада ҳисса қўшган. Энди у узоқ йиллар шуғулланган касби билан хайрлашмоқда. Унга ва жамоа аъзоларига бу дамлар жуда ҳаяжонли.

Шунинг учун ишчи меҳнат йўлининг якунланиши ҳамиша ҳар бир корхона, цех, участка ва бригада аъзоларида эсда қоладиган асосий ҳодиса бўлиб қолиши лозим. Одатда, клуб мутахассислари бундай воқеаларга бағишлаб махсус кечалар ўтказишади. Корхонанинг маданият уyiда нафақага чиқувчи кишининг ҳаёти ва меҳнатига бағишланган кўргазма ташкил қилинади. Кўргазма экспонатлари фахрийнинг қанча ва қандай маҳсулот ишлаб чиқарганлиги, у ишлаган жамоа қандай кўрсаткичларга эришганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Тантанали кечани нафақахўр фахрийнинг ёшлигини эслатувчи қўшиқ билан бошлаш мумкин. Саҳна марказида йирик «меҳнат дафтарчаси» акс эттирилади. Бу эса байрам кечасининг асосий рамзий белгиси ҳисобланади. Бошқарувчи меҳнат дафтарчасини варақлаб, ундаги ёзувларни ўқийди. Унинг сўзлари ҳужжатлар, фотосуратлар, мусиқа ва шеърлар орқали илова қилинади. Сўнг бошқарувчи фахрийнинг оиласи ҳақида сўз юритади. Аудитория унинг турмуш ўртоғи ва фар-

зандлари билан таништирилади. Ундан кейин фахрийнинг илк шогирдлари, ҳамкасблари, илғор ишчилар ўзларининг дил сўзларини айтишади ва унга рамзий совғалар топширилади.

Кеча давомида энг ёш шогирдлар жамоа бўлиб ўз устозларини табриклаши кўзда тутилса, албатта, тантананинг таъсири янада ошган бўлади. Шунингдек, фахрийга бағишлаб куй ва қўшиқлар ижро этилади. Кечанинг марказий қисмида ходимлар бўлимининг бошлиғи фахрийга «жамоанинг фахрий аъзоси» номли ҳужжатни тантанали топширади. Бу эпизод кечанинг кульминацион нуқтасини ташкил этади. Кеча сўнггида фахрийнинг ўзига сўз берилади. Кеча тугагач, меҳнат дафтарчасининг макети ёнида фахрий кеча қатнашчилари билан эсдалик учун суратга тушади.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида баён этилган маросим байрамлари саноат ишчилари фаолиятида муҳим ўрин эгаллаши лозим. Ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси бундай тadbирларни ўтказишга жиддий эътибор бериши — бу замон талабидир. Чунки меҳнат байрамлари ва тантаналари жамоаларда дўстона муҳитни яратди. Ишчиларни бир-бирига яқинлаштириш, яхши дам олиб, юксак меҳнат натижаларига эришишда муҳим роль ўйнайди.

КАСБ БАЙРАМЛАРИНИ НИШОНЛАШ

Ижтимоий ҳаётда ҳар бир касбнинг ўзига хос ўрни бор. Ҳар бир касб маълум даражада ҳаёт ривожига ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим. Шунинг учун мамлакатимизда ҳар бир касбга юксак ҳурмат ва эҳтиром билан қаралиб, уларни шарафлаш учун махсус кун ташкил этилиб келинмоқда.

Касб-корлик кунлари муайян бир касбнинг моҳияти, аҳамияти, тарихини ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритмоқда. Касб-корлик байрамлари ёшларни касбга бўлган иштиёқини ошириш, ҳар бир кишида ишчи гурурини ўстиришга катта ёрдам бермоқда.

Мустақил Ўзбекистонда касб кунлари шаклланиши жараёни жадаллашмоқда. Жумладан 1994 йилда «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» (1 октябрь), 1994 йилда «Ватан ҳимоячилари куни» (14 январь), 2001 йилда «Кончилар ва металлургия саноати ходимлари куни» (май ойининг учинчи якшанбаси) ва ҳоказо касб кунлари жорий этилмоқда. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига киргани учун халқаро даражада жорий этилган касб байрамлари ҳам республикамизда нишонланади. Масалан, 21 март — Халқаро театр куни, 7 апрель — Бутунжаҳон саломатлик куни, 18 май — халқаро музейлар куни, 8 сентябрь — Журналистларнинг халқаро бирдамлик куни кабилар мазкур соҳа мутахассислари томонидан нишонланади.

Ҳар бир касб эгалари, ишлаб чиқариш корхоналари касбкорлик кунларига олдиндан тайёргарлик қўришади. Байрамга атаб, одатда, корхоналарда сифат ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш борасида алоҳида мажбуриятлар қабул қилинади. Байрамолди мусобақаси ва маҳорат кўрсаткичларига катта эътибор берилади.

Деворий газета, фотосуратлар, мусобақанинг оператив экранлари каби воситалар касб-корлик байрамини тасвирий безатишга хизмат қилади.

Ишлаб чиқариш корхонасида байрамга аталган кўргазма ташкил қилиниши мумкин. Бу кўргазма асосан муайян касбнинг тарихи,

ҳозирги куни ва келажаги билан оммани таништиради. Касб-корлик байрамларини ташкил қилишда маълум касб эгаларини шарафлаш билан бир қаторда «Меҳнат ҳисоботи», «Илғорларни тақдирлаш», «Янги мажбуриятлар қабул қилиш» каби маросимларга алоҳида эътибор бермоқ лозим.

Маданият муассасасида ташкил қилинадиган касб-корлик байрамини, тахминан 3 қисмга бўлиш мумкин. Байрамнинг *биринчи қисми* — тантанали мажлис билан бошланади. Унда меҳнат ғолиблари, меҳнат фахрийлари, бирлашма раҳбарлари ва ёш ишчилар сўзга чиқадилар. Шунингдек, бу қисмда ҳисобот берилиб, мусобақа натижалари яқунланади ва янги мажбуриятлар қабул қилинади.

Иккинчи қисм — «Касбим — фахрим» номли кеча билан бошланади. Унда касбнинг моҳияти, илғор ишчилар фаолияти ҳужжатли-бадиий шаклда юритилади. Яхши меҳнат қилган ишчиларга дипломлар, фахрий ёрлиқлар, кўкракка тақиладиган нишонлар топширилади.

Байрамнинг учинчи қисмида дам олиш тадбирлари уюштирилади.

Одатда касб-корлик байрамлари, асосан, якшанба кунлари нишонланади. Шунинг учун ҳам, бу байрамда дам олиш дастурига кенг ўрин берилади.

Маълумки, касб эгалари байрам кунлари ўз маҳоратларини намойиш қиладилар, оммавий кўшиқлар ижро этадилар. Чунончи, ёз фаслида касб-корлик байрамларини маданият ва истироҳат боғларида ўтказиш ҳам мумкин. Оммавий сайиллар, қувноқ хандалар эса байрам дастурининг асосий қисми бўлиб қолади.

Ўзбекистонда касб-корлик кунларини нишонлашда айниқса, маданият ва истироҳат боғлари катта роль ўйнамоқда. Истироҳат боғлари ходимлари кишиларни қизиқарли, мазмунли дам олишлари учун ҳамма чораларни кўрадилар. Улар эртадан то кечгача қизиқарли дастурлар, тантанали маросимлар, сайиллар, томошалар, ўйин кечаларни меҳнаткашлар эътиборига ҳавола этадилар.

ТАБИАТ БАЙРАМЛАРИ

ТАБИАТСЕВАРЛАР КЎРИГИ

Табиатга бағишланиб байрам шаклида ўтadиган тадбирлар ва кўрик танловлари турлари шунчалик хилма-хилки, уларни маълум тартибсиз ўрганиш мушкул. Чунки, улар турли жойларда ўзига хос шакл, усул, характерларда, ҳар хил номларда уюштирилмоқда.

Масалан, Самарқандда вужудга келган «Она ер саховати» байрамида кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари намойиш қилинганлиги учун биз уни меҳнат (ҳосил) байрамлари қаторида ўрганганмиз. Бироқ, унда гул, қуш, декоратив баликлар ва табиий маҳсулотлардан тайёрлан-

ган турли экспонатлар кўриги ҳам ўтказилишини ҳисобга олсак, у ҳам меҳнат, ҳам табиат байрамидир.

Қўқонда ўтказилган «Табиат инъоми» байрамида эса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари намойиш қилинишига қарамасдан, табиатсеварлар ижодига кенг ўрин берилади.

Тошкент мактаб болаларининг «Ёш табиатсеварлар»и эса, асосан, ёшлар етиштираётган ўсимликлар, табиий нарсалардан тайёрланаётган маҳсулотлар, «жонли бурчак»лар, ўз уйларида парвариш қилинаётган ҳайвонлар (қуш, балиқ, типратикан кабилар) намойиш қилинади.

Фарғонада мактаб болалари ўртасида ўтказиладиган «Табиат совғаси» байрами ҳам ана шундай усулда ўтказилади. Шунинг таъкидлаш жоизки, бир қанча жойларда табиатнинг муайян турига бағишланган махсус байрамлар ҳам бор. Улардан гул байрамлари, қуш байрамлари алоҳида шаклга эга бўлгани учун уларга махсус тўхталамиз.

Қуйида биз табиатдаги ўсимликлар, ҳайвонлар, табиий нарсалардан тайёрланган маҳсулотларга ялпи бағишланган байрамларга алоҳида эътибор бериб, бу икки жойда вужудга келган қизиқарли, тажрибали, яъни Тошкентда болалар ўртасида уюштирилган «Ёш табиатсеварлар» байрами билан Қўқондаги «Табиат инъоми» байрамини тарғиб қилишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Тошкент шаҳридаги «Ёш табиатсеварлар байрами»нинг шаклланишига мактабларда табиат ихлосмандлари иштирокида уюштирилган кўрик-танловлар асос бўлган. Болалар ўртасида экологик тарбияни кучайтириш ва ёш табиатсеварлар ижодини тараққий эттириш мақсадида ташкил қилинган бўлиб, у аввал мактабларда, сўнгра туман миқёсида, кейин шаҳар даражасида босқичма-босқич ўтказиладиган бўлди. Одатда, март ойида ўтадиган *биринчи босқичда* Тошкент шаҳридаги мактабларнинг ҳар бирида «Биология ҳафталиги» ўтказилиб, унда ўқувчилар ўзларининг (биология, зоология, ботаника ва ўлкашунослик фани ўқитувчиларининг раҳбарлиги остида) табиатга оид билим ва амалий ижодий ишларини намойиш қиладилар. Синфлараро «Ўз ўлкангизни биласизми?» номли ўткир зеҳнлилар мусобақаси, табиат гўзаллиги ва бойлигини акс эттирувчи деворий газеталар конкурси, гуллар, доривор ўтлар ўстириш сирларини билиш бўйича викторина, табиий материалларни ижодий безаш борасида кўрик ва ҳоказо тадбирлар уюштирилади.

Иккинчи босқич — апрель ойида туман миқёсида, мактабларда ўтган «Биология ҳафтали-

ги» конкурси ғолиблари (одатда 25—30 та мактаб) иштирокида маданият ва истироҳат боғларининг бирида уюштирилади. Бу борадаги кўрик-танловларда табиатсеварлар ижодининг деярли барча соҳалари бўйича ҳам мактаблараро мусобақа ғолиблари аниқланади ва тақдирланади.

Учинчи босқич — май ойида шаҳар миқёсида туман табиатсеварлар кўриги ғолиблари (50 га яқин мактаблар) иштирокида шаҳар маданият ва истироҳат боғларининг бирида уюштирилади. Хуллас, бу тадбирларнинг биринчи босқичи — «Биология ҳафталиги», иккинчи босқичи — туман «Ёш табиатсеварлар кўриги» ва учинчиси эса шаҳар «Ёш табиатсеварлар байрами» шаклида ўтказила бошланди.

Шаҳар миқёсида кўрик ўтказиладиган кун маданият ва истироҳат боғларида билимдон, ижодкор ва тажрибали ёш табиатсеварларнинг йиғилиши ва ўзларининг ютуқларини намойиш қилиши, табиатга махсус боғланган тадбирлар, табиат гўзаллигига бағишланган куй ва қўшиқлар, шеърхонликларнинг авжга чиқишлари, кўрикнинг тантанали очилиши ва ёпилиши, ғолибларни тақдирлаш маросимлари — буларнинг ҳаммаси ҳеч қандай муболағасиз, ҳақиқий табиат байрамларини вужудга келтиради.

Бу байрам шаҳар халқ маорифи бўлими раҳбарлигида уюштирилиб, унда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ботаника боғи, Шредер номидаги илмий-текшириш институти, декоратив боғдорчилик совхози, Республика табиат музейи, Урта Осиё зообирлашмасининг кактусчилар секцияси, халқаро кўргазмалар ғолиби — ҳаваскор гулчилар ҳам қатнашадилар.

«Ёш табиатсеварлар» байрамида мактаблар ва бошқа жойларда тузилган энг яхши табиатсеварлар, гулчилар уюшмаси, табиий маҳсулотлардан композиция яратиш тўғарақлари, табиатсеварлар деворий газеталари редколлегиялари, табиатни ва ўлкани ўрганиш гуруҳлари ўз фаолиятларини намойиш этадилар. Улар орасида турли характердаги кўрик-танловлар, чунончи, энг яхши деворий газеталар кўриги, табиий материаллар — ёғоч, сомон, дарахт барглари ва ҳоказолардан ясалган асарлар конкурси; болалар томонидан етиштирилган кактуслар, гуллар ва бошқа безакли ўсимликлар, аквариумчилар ва қушсеварлар кўргазмаси (энг яхши «жонли» бурчак учун танлов, доривор ўсимликлар йиғувчилар кўриги кабилар) уюштирилади.

Кейинги вақтларда мактаб ўқувчилари орасида қуритилган гуллар ва табиий маҳсулотлардан (дарахт томирлари, барглари, сомон кабилардан) композиция яратиш, гербарий тузиш фаолиятига қизиқиш кучайгани сабабли, уларга «Ёш табиатсеварлар байрами»да кат-

та эътибор берилмоқда. Табиий маҳсулотларни ўзгартириш, қайта ишлаш ва улардан турли композициялар яратиш борасида уюштирилган кўргазма-танловлар ёш табиатсеварлар фантазияси, топқирлиги, бадиий диди, ижодкорлигини кенг намойиш қилмоқда. Масалан, дарахт иддизига бадиий сайқал бериш натижасида бугунинг «боши»ни шакллантириш, турли рангдаги қуритилган барглardan ишланган бургут «портрети», сомондан ишланган боғ пейзажи, қуритилган ўсимликлардан ҳосил қилинган тасвир композицияси ва ҳоказолар ўзига хос «табиий-бадиий ижод» сифатида байрам қатнашчиларини диққатини тортмоқда.

Табиат байрамларининг бадиий дастурида «Табиатни кўриқлаш — Ватанни кўриқлаш!» номли танловда бадиий жамоалар чиқишлари, «Гўзаллик оламида» номли ёш рассомлар кўриги, «Табиат — бизнинг бойлигимиз» номли адабий-муסיқали композициялар, «Табиат гўзаллигини куйлайман!» номли шеър, кўшиқ ва бошқа бадиий саҳна кўриги, болалар бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари, оммавий қизиқарли ўйинлар, викториналар, мушоира-бахслар каби бадиий-оммавий тадбирлар ташкил қилинмоқда.

Байрамнинг энг қизиқарли ва ҳаяжонли тадбирларидан бири, бу — голибларни тақдирлаш маросимидир. Жюри қарори асосида дипломлар, фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар голибларга байрам рамзи сифатида «Сув париси» тантанали равишда топширилади.

Тошкент шаҳрида экологик тарбия бўйича (аввал мактабларда «Биология ҳафталиги» сўнг туманларда «Табиатсеварлар кўрик-танловлари», кейин шаҳар миқёсида «Ёш табиатсеварлар байрами») ўтказилаётган тажрибадан республикамизнинг барча жойларида ҳам фойдаланиш лозимлигини ҳаёт тақозо қилмоқда. Агар бу ишлар яхши йўлга қўйилса, унда вилоятлар ва республика миқёсида ҳам «Ёш табиатсеварлар байрами»ни ўтказса бўлади.

Хуллас, «Ёш табиатсеварлар байрами» болаларни табиат жонкуярларига айлантириш, унинг гўзаллигини бойитишда фаол қатнашиш учун рағбатлантирувчи муҳим тадбир сифатида намоён бўлмоқда.

Кўқонликларнинг «Табиат инъоми» байрамини ўтказиш тажрибаси шакл ва мазмунига кўра табиат байрамлари орасида алоҳида

ўрин эгаллайди. Уни бошқа табиат байрамларидан фарқи шундаки, у комплекс характерга эга бўлиб, бошқа жойларда уюштирилган «Гул байрами», «Қуш сайли», «Ёш табиатсеварлар кўрик-танловлари», ободонлик тадбирлари, сабзавоткору боғбонларнинг ҳосил байрамларини ўзида мужассамлаштиради. Шаҳар маданият ва истироҳат боғида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган мазкур байрамда саноат корхоналари, ўқув юртлари, мактаблар, ташкилот ва муассасалардаги табиатсеварлар ўзларининг меҳнатлари маҳсулини томошабинлар эътиборига ҳавола қилишади. Байрамда шаҳардаги деярли барча жамоалар қатнашади. Қурилиш ва транспорт корхоналари ҳам ўзларининг ёрдамчи хўжаликларида етиштирган маҳсулотларини намойиш этадилар. Байрамда айниқса, ёғ-мой комбинати, тикувчилик фабрикаси, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва автомобил йўли ўқув юртлари шаҳарнинг бир қатор мактаблари намойиш қилаётган кўргазмалар, табиий маҳсулотлар, экспонатлар барчага манзур бўлмоқда.

Пазандалар сабзавот ва мевалардан тайёрланган турли таомларни кўргазма иштирокчилари ва меҳмонларга инъом этадилар.

Байрам куни боғнинг марказий қисмида гул ва ўсимликлар, мева ва сабзавотлардан яратилган экспонатлар турлари, сайроқи қушлар, балиқлар, жонли «бурчак»лар, нодир сабзавот ва меваларнинг намуналари намойиш этилиши байрамнинг файзига файз кўшиб туради. «Табиат инъоми» байрамининг бадиий дастури ҳам ранг-барангдир. Байрам давомида муסיқали драма ва комедия театри, туман маданият уйи қошида тузилган «Аскиячилар клуби», фольклор-этнографик ансамбли, шунингдек, ҳаваскорлик тўғраклари катта концерт ва томошаларни намойиш қиладилар. Масхарабоз ва дорбозлар томошалари ҳам кўпчиликни диққатини тартади.

«Табиат инъоми» байрами голибларини тақдирлаш маросими билан яқунланиши анъанага айланмоқда. Унда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, табиатнинг ноёб ва гўзал бойликларини кўпайтиришга ўз ҳиссасини қўшган жамоалар ва табиатсеварлар дипломлар, фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари билан тақдирланади.

ГУЛЛАР ВА ҚУШЛАР БАЙРАМИ

Ўсимлик дунёсининг энг чиройли вакили — «гўзаллик маликаси» — гуллар, ҳайвонот дунёсининг энг ажойиб вакили — қушлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам одамлар табиат, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг бу икки вакилини

алоҳида эъзозлаб, қушни тинчлик рамзи, гулни эса гўзаллик рамзи, деб қабул қилишган. Балки шу сабабдан бўлса керак, табиат байрамлари ичида «Қушлар байрами» ва «Гуллар байрами» алоҳида ўрин тутади. Қуйида республика

ликамизда табиатнинг бу икки вакилига бағишланган байрамларни уюштириш тажрибасига мурожаат этамиз.

Кушлар байрами. Табиатнинг гўзал ва ажойиб инъоми кушга бағишланган тадбирлар ҳақида сўз борганда, аввал уларнинг икки хил бир-биридан фарқ қиладиган шакллари мавжудлиги ҳақида гапириш керак. Уларнинг биринчиси — болалар орасида эрта баҳорда кушлар учиб келганда уюштирилади, иккинчиси — кушсеварлар ўзлари парвариш этаётган «қанотли дўстлар» билан кўрик-танловларда қатнашаётган ҳолларда вужудга келган.

Аввал болалар ўртасида олдиндан мавжуд бўлган «Кушлар байрами»га тўхталамиз (У кўпгина жойларда «Салом, кушлар!» деб ҳам номланади). Мазкур «Кушлар байрами» мактаб болалари — ёш табиатсеварлар томонидан баҳорда ўлкамизга илк бор кушлар учиб келаётган вақтда уюштирилиши одат тусига кирган. Маълумотларга қараганда, мактаб ўқувчилари орасида уюштириладиган «Кушлар байрами» шимолий ҳудудларида март охири ёки апрель ойининг биринчи якшанба куни ўтказилган. Урта Осиё, жумладан, Ўзбекистон табиий иқлими шароитида бу тадбир эрта баҳорда — (кушлар учиб кела бошлаши вақтига қараб) март ойи кунларининг бирида уюштирилган. Бу кушларни кутиб олишга бағишланган тадбир-байрам қуйидагича ўтган: кушлар учиб келишига болалар зоология ва меҳнат ўқитувчилари раҳбарлигида олдиндан тайёргарлик кўришган; кушлар учун инлар (уялар) ясашган, уларни том тепаларига ва дарахтларга ўрнатишган, жонли бурчаклар тартибга солинган; мактабларда кушларнинг учиб келишига бағишланган кечалар, викториналар, адабий-муסיқали композициялар уюштирилган.

Табиат ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш муҳим масалага айланган ҳозирги вақтда болалар ўртасида экологик тарбия олиб боришда катта роль ўйнайдиган кушлар байрамини ўтказишга янада жиддий эътибор бермоқ керак. Бу борада тарихий тажрибалардан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш муҳим ўрин тутади. Иккинчи хилдаги кушлар байрами 70-йиллар охири ва 80-йиллар бошларида ўзига хос услубда, замон талаби асосида шакллана бошлади. Мазкур байрамни вужудга келишида 80-йиллар фаолият кўрсатган Республика табиатни кўриқлаш жамияти ташаббуси билан маҳаллий ва декоратив кушлар кўргазмасини ўтказиш бошлаш жиддий замин бўла олади. Кушларга бағишланган кўрик-танловлари аста-секин «Кушлар байрами»га айланиб кетди. Чунки кўрик-танловларнинг тантанали очилиши, кушлар кўргазмаси ўтадиган жойнинг рамзий ва ғоявий-бадий безатилиши, қобилиятли ва моҳир кушсеварлар

билан учрашувлар ўтказилиши, бадий ҳаваскорлик жамоаларининг табиат ва унинг гўзал вакилларига бағишланган махсус дастурлари ва ниҳоят, ғолиб кушсеварларнинг тантанали (муסיқа садолари остида) тақдирланиши, уларга бағишлаб куй ва кўшиқлар эшиттирилиши, бу тадбирни байрам даражасига кўтариб қўйди. Кўрик-танловлар бу байрамнинг муҳим бир қисми бўлиб қолди. Шундай қилиб, республикамизнинг кўпгина жойларида кушсеварлар фаолиятини намоён қиладиган бу маросимларни байрам шаклида ўтказиш одат тусига кирди.

«Кушлар байрам»и ва жумладан, куш кўрик-танловларини ўтказишдан мақсад — жонли табиатнинг бебаҳо мавжудотларига муҳаббат уйғотиш, кушларнинг гўзал ва ноёб турларини сақлаш, кўпайтириш, куш ишқибозларини рағбатлантиришдан иборат.

Кушлар байрамида ҳаваскор кушсеварлар ҳамда «жонли бурчак»лари, кушлари бўлган корхона, ташкилот, муассасалар, ўқув юртлари, болалар боғчалари вакиллари ҳам қатнашадилар. Кўриқда қатнашаётган кушсеварлар орасида деярли барча касб эгалари — ишчилар, хизматчилар, нафақахўрлар, педагоглар, мактаб ўқувчилари ва ҳатто боғча болалари борлиги жуда қувончли ҳодисадир. Республикамизда ҳозир юз-минглаб кушсеварлар мавжуд. Мингга яқин ташкилотларда, муассасалар, ўқув юртларидаги жонли бурчакларда кушлар ҳам парвариш этилар экан.

Кушлар, табиатни кўриқлаш жамиятларининг ва кушсеварларнинг аҳоли ўртасида кушларни сақлаш ва кўпайтириш борасидаги ўзига хос ҳисоботи ҳамдир. Бундай маросимда аҳоли дунё ва республикамизда мавжуд кушлар билан таништирилади. Ҳаваскор кушсеварлар фаолияти ва ютуқлари намойиш қилиниши билан бир қаторда камайиб кетаётган ёки табиатда қолмаган кушларни сақлаш ва кўпайтиришга ҳам даъват этилади. Кушлар байрами низомига кўра, аввал куш байрамлари туманлар (шаҳарлар)да, сўнг — вилоят марказларида ва ниҳоят республика пойтахтида ўтказилади. Кўпгина туман ва шаҳарларда кушлар турли «Табиат байрамлари»нинг таркибий қисми сифатида уюштирилмоқда. Туман миқёсида кушлар кўригини ўтказиш ҳамма жойларда одат тусига кирмаган бўлсада, республикамизнинг Чуст, Марғилон, Боғишамол, Олтинкўл, Бўз, Бойсун ва Тошкент каби жойларда диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят даражасидаги кўриқлар Тошкент, Термиз, Наманган, Фарғона, Бухоро, Андижон каби жойларда самарали ўтказилмоқда.

Вилоят кушлар кўрик-байрамлари ҳар туманнинг ўз имкониятлари доирасида турлича ташкил этилмоқда. Масалан, Наманган вилоя-

тидаги анъанавий қушлар байрами қуйидаги қисмлардан ташкил топган: 1. Декоратив ва сайроқи қушлар кўргазмаси. 2. Қуш ишқибозлари билан учрашув (унда тажрибали ишқибозлар қушларни парвариш қилиш, кўпайтириш ҳақидаги тажрибалардан сўзлайдилар, ўзаро фикр алмашдилар). 3. Табиатни муҳофаза қилиш, қушлар байрамига бағишланган томошалар, викториналар ташкил этиш. 4. Кўриктанлов натижаларини яқунлаш, ғолибларни тақдирлаш.

Бу борадаги Наманган тажрибасининг диққатга сазовор томони шундан иборат бўлганки, унда кўпгина тadbирлар билан бир қаторда ҳаваскор болалар томонидан махсус театрлаштирилган томоша кўрсатилган. Бу томошада ҳаваскорлар бургут, бедана, бойўғли, синчалак, қизилиштон, тустовуқ, майна, хўроз, булбул каби қушлар ниқобида уларнинг характерли мажозий образлари орқали кишилар ҳаётидаги ўзаро муносабатлар, табиатлар, табиатни муҳофаза қилиш масалалари билан боғлиқ ибратли воқеаларни ифода этишган.

Вилоят кўрикларининг ғолиблари республика бўйича ўтказиладиган анжуманларга қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганлар.

Республикада қушлар кўргазмаси 80 йиллардан анъанага айланган. У Тошкент шаҳар маданият ва истироҳат боғларида уюшқоқлик билан уюштирилган.

Қуш ишқибозлари табиат байрамларида фақат республикамиз ҳудудида яшовчи қушларни намойиш қилибгина қолмай, балки маҳаллий шароитга мослаштирилган, турли мамлакатларда яшовчи: Австралия ва Швеция тўтиси, Миср кабутарлари, Голландия ва Австрия тустовуқларини ҳам намойиш қилдилар.

«Қушлар байрами» ўтаётган жойга борган киши «гўзаллик эртаги»га кириб қолгандек бўлади. Чунки тустовуқлар, сержило, турли рангли тўтилар ва бошқа қушлар гўзаллиги билан кишини маҳлиё қилади ва қойил қолдиради.

ЗАМОНАВИЙ ГУЛ БАЙРАМИ

Янги турдаги «Гул байрами» давр талабига кўра, умуминсоний ҳодиса сифатида XX аср ўрталарида табиат гўзалликларини ҳимоя қилиш долзарб масалаларга айланган бир вақтда шаҳар ва қишлоқларни гулзор ва боғзорларга айлантиришга кўмак берувчи ижтимоий-маданий тadbир сифатида вужудга келди. У қисқа муддат ичида кенг тарқалди.

Маълумки, «Гул байрами» дунёда кенг тарқалган анъаналардан биридир. Кўпгина мамлакатларда гулларга бағишланган, жумладан, Грецияда — сунбул, Японияда — хризантема,

«Қушлар байрами»ни ўтказишда қушсеварларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олишди.

Парк ходимларининг ташаббуси билан ташкил этилган «Маълумотлар столи»да мутахассислар байрам иштирокчиларини қизиқтирган саволларига жавоб бериш билан шуғулланишди. «Таклиф ва мулоҳазалар» дафтари келувчиларнинг дастхатлари билан тўлади. Кўргазма байрамларда Тошкент шаҳри, Сурхондарё, Наманган, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона вилоятлари яхши натижаларга эришганлиги маълум бўлди.

«Инсон табиатдан узоқлашган сари, унда табиат йўқола боради ва бунинг ўрнига у сунъийлашиб, сохталашиб боради. Шунинг учун инсоннинг табиатга яқинлашиши муҳим аҳамиятга эгадир. Қушлар табиатнинг энг гўзал вакиллари билан бири бўлгани учун улар билан машғул бўлиш инсонни табиатга яқинлаштиради, уни табиат жонкуярларига айлантиради. Қушлар кишиларда табиийлик, раҳмдиллик ҳислатларини тараққий эттиради. Қушсеварлар табиатдаги гўзалликларни нозик ҳис қила оладилар ва уни бошқалар ҳам сезишига имкон яратадилар. Республикамызда ўтказиладиган қушлар байрами табиатсеварлар, жумладан қушсеварлар сафини тобора кенгайтирадиган улкан анжуман бўлиб, унда ҳаваскорлар табиатни қандай севишини намойиш қилади. Бу эса байрамга келган минглаб кишиларни ҳам табиатни қадрлашга ундайди», — деган эди наманганлик қушсевар А. Қаҳқоров.

Республикамизда ўтказиладиган қушлар байрами экологик тарбияда муҳим роль ўйнаши билан бирга, кишиларга эстетик завқ ҳам бермоқда. «Қушлар байрами», «Табиатни муҳофаза қилиш — умумхалқ иши» — шиори остида ўтиб, жонли табиат гўзаллиги ихлосмандлари учун ўзаро тажриба алмашилиш, декоратив ва сайроқи қушларнинг ноёб турларини сақлаш, парваришлаш ва кўпайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Францияда — марваридгул, Ҳиндистонда — атиргулларга бағишланган махсус байрамлар мавжуд. Барча жойлардаги гул байрамларининг моҳияти ва мазмуни бир-бирига яқин бўлсада, бироқ улар ўзига хос усул, ранг-баранг шаклда, миллий ва маҳаллий хусусиятлар билан уюштирилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, замонавий «Гул байрами», айниқса, қадимдан гул сайиллари яхши тараққий этган халқларда яхши ривож топмоқда. Ўзбекистонда ҳам янги типдаги гул байрамлари яхши тараққий этмоқда. Бу бежиз

эмас, албатта. Чунки бу янги анъанавий гул сайиллари ва замонавий гул байрамларида умумий томонлар кўп бўлсада, аслида келиб чиқиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Баъзи тадқиқотчилар бу икки ўзига хос сайил ва байрамларни бир-биридан ажратолмай умумий тарзда изоҳ берадилар. Шунинг учун ҳам уларга аниқликлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Анъанавий гул (лола, сунбула, бойчечак) сайиллари баҳор фасли дала гуллари очилганда табиат қўйни — сайилгоҳларда уюштирилган бўлса, замонавий «Гул байрами» эса шаҳар ва қишлоқлар гулларга бурканган бир пайтда маданият ва истироҳат боғларида ўтказилади. Гул сайиллари қадимдан анъанавий тарзда уюштирилиб келинган бўлса, «Гул байрами» 50-йилларда шаклланган янги байрамдир. Бу байрамда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлашиб кетган. Байрамнинг ривожланиши учун ўзбек халқи ҳаётида узоқ тарихга эга бўлган, табиат қўйнида ўтказиладиган «Гул сайиллари», «Лола сайли», «Сунбула сайли», «Гули сурх» (қизил гул) сайли каби анъаналар яхши замин бўла олади. Хуллас, гулга оид қадимий ўзбек анъаналарига янги замонавий гул байрами муносиб пайванд бўлиб кетди ва уларнинг замирида барқ уриб ривожланмоқда.

Замонавий гул байрами кенг маънода табиат гўзалликларини муҳофаза қилиш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш, уларни боғ-роғ, гулзор, чаманзорга айлантириш, яъни теварак атрофни чиройли қилишга кўмак берувчи байрамдир. Тор маънода эса гул байрами — бу табиатдаги энг гўзал мўъжизаларнинг бир-бирига, яъни гулга бағишланган шодиёнасиридир. Чунки, гул — гўзаллик рамзи, ҳаётнинг кўрки, шодлик манбаи. Гул билан учрашиш бу хурсандчилик келтирадиган гўзаллик билан учрашиш демакдир. Шунинг учун ҳам, барча гулчилар ўзлари етиштирган гуллар кўригини намойиш қилгани белгиланган боққа олиб келишганда ҳақиқий гўзаллик байрами вужудга келмоқда. «Гул байрами»да табиатнинг мўъжизали гўзаллигига эга бўлган ва инсон меҳнати билан етиштириладиган «гўзаллик маликаси» — гуллар тарғибот қилинади.

«Гул байрами»нинг асосий мақсади шаҳар, кўча, ҳовли, муассаса, корхона, мактаб, боғча ва ҳиёбонларни кўкаламзорлаштириб гулзорга айлантиришга, манзарали ва чиройли гул навларини кўпайтиришга ёрдам беришидир.

Республикамизнинг энг йирик ва тантанали «Гул байрами»нинг Наманганда ўтиши ҳаммага маълум. Гўзал қалбли ва нозик дидли наманганликлар табиат чиройини, унинг бебаҳо инъомларини азалдан қадрлаб, уларга алоҳида му-

ҳаббат билан қарашган. Гул байрамининг наманганликлар ҳаётига сингиб, яхши анъанага айланиб қолганлиги сабабли ҳам шундай бўлса керак.

Наманганда Гул байрамини ўтказишдаги ярим асрлик асосида ташкилий ишлар яхши йўлга қўйилганлиги учун ҳам, бу байрам чиройли ва файзли бўлиб ўтмоқда. Байрамни ўтказиш масаласи бир ой муқаддам шаҳар раҳбарлари томонидан муҳокама қилинади, махсус низом ишлаб чиқилади, маблағ ажратилади, ташкилий кўмита тузилади.

Ташкилий кўмита ўзининг биринчи йиғилишидаёқ, байрам ўтказиш ва унга тайёргарлик кўриш режасини тузади, ишларни бажариш муддати белгиланади.

Наманганда шанба-якшанба кунлари ташкил қилинадиган «Гул байрами» анъанавий тарзда эрталаб карнай-сурнай оҳанглари билан бошланади. Маданият ва истироҳат боғига киришдаги жонли гуллардан ишланган портретлар, шиорлар қатнашувчиларнинг диққатини жалб қилади. Улардан бирига: «Атиргулнинг гўзаллигидек, соф кўнгил билан, қалб тўла шодлик билан Гул байрамига марҳамат, дўстлар!» деб ёзиб қўйилган. Байрам куни шаҳар маданият ва истироҳат боғи марказий йўлагининг икки томонида гуллар кўрғазмаси ташкил қилинади. Кўрғазмада барча ташкилотлар, фирмалар, жамоа хўжаликлари, ўқув юртлари, мактаблар, даволаш муассасалари ва гул ишқибозлари ўзлари етиштирган гуллар билан иштирок этадилар. Уларнинг ҳар бири ўзлари етиштирган гулларнинг энг яхши намуналарини, фотоальбомлар, гул уруғлари, жонли гуллардан ясалган портретлар, панно, гилам, эмблемалар каби экспонатларни безаб, кўрғазмага қўйишади. Икки томони гуллар билан безатилган марказий ҳиёбонлар бўйлаб кезар экансиз, атрофдаги гўзалликдан ўзингизни «жаннат»да юргандек ҳис қиласиз.

Боғнинг махсус жойида уюштирилган гул бозори ҳам кишиларни ўзига жалб қилмасдан иложи йўқ. Байрам гулчилар ва байрам қатнашчиларининг диққатини тортадиган тадбирлардан бири — «Гул викторинаси»дир. Унда гулларнинг навлари, парвариш сирлари ва усуллари ҳақида савол-жавоблар, баҳолар авжига чиқади.

Махсус белгиланган жойда маслаҳат столлари ишлаб туради. Ўша ерда тажрибали гулчилар ҳаваскор гулчиларни қизиқтирган саволларга жавоб ва маслаҳатлар беришади. «Гул байрам»и файзига файз кўшишда бадиий-оммавий тадбирлар ва томошаларнинг роли каттадир. Байрам қатнашчилари табиатга, «гўзаллик маликаси» — гулга бағишланган катта концерт, мушоира, ҳамда кураш, шахмат сеанси, оммавий ўйинлар, эстрада ансамблининг чи-

қишлари, бадиий фильмлар намоиши, бадиий мушакбозлик кабиларни томоша қилишлари мумкин. Айниқса, «Гул байрами»да халқ талантилари, дорбозлар, масхарабозлар, аскиячиларнинг чиқишлари, юзлаб томошабинларни ўзига «сеҳрлаб» қўяди.

Хуллас «Гул байрами»га ташриф буюрувчилар учун ғоят кенг ва ранг-баранг дастур тайёрланиб ҳар бир киши кўнглига ёққан тадбирни танлаб, унинг қатнашчиси бўлиши мумкин.

«Гул байрами»нинг авж нуқтаси, албатта бу — гуллар кўрғазмасининг ғолиб гулчиларини тақдирлаш маросимидир. Унда ташкилий кўмитанинг раиси Наманган гулчиларининг эришган ютуқлари, бир йил давомида эришилган натижалар, илғор гулчилар ва жамоалар ҳақида сўз юритилади. Сўнг жюри раиси «Гул байрами»нинг ғолибларини эълон қилади. Муסיқа садолари остида энг яхши муваффақи-

ятга эришган ташкилотлар, ҳаваскор гулчиларга дипломлар, пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар тақдим қилинади.

«Гул байрами»нинг якунида ғолиб гулчиларни шарафловчи катта байрам мушакбозлиги содир бўлади. Барча байрам қатнашчилари бу ердаги мушакбозликдан, турли бадиий шаклларда ҳосил бўлган «учкун»лар натижасида омонда пайдо бўлган «гул юлдуз»ларини мароқ билан томоша қилишади.

Шундай қилиб, замонавий «Гул байрами» ҳам республикаимиз ҳаётида янги халқ анъанаси сифатида ўз ўрнини топмоқда ва тараққий этмоқда. У кишининг экологик ва эстетик тарбиясида муҳим роль ўйнаши билан биргаликда гўзаллик яратиш учун меҳнат қилишга ундаб, табиатни ҳимоя қилишда оммани ижтимоий-маданий жиҳатдан фаоллаштиришга шароит яратиб беради.

БАЙРАМЛАР ЮРТИ

Сўнгсўз ўрнида

Халқ ва байрам тушунчаси бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Чунки ҳамма замонда ҳам халқ йилнинг қайси бир кунини шодиёналар билан ўтказган. Қадимдан одамлар хурсандчиликларини, орзу-ҳавасларини байрамларда намойиш этишган. Улар бундай кунларда тақдир ва ризқ-рўз билан алоқадор истакларни Тангридан сўрашда байрамлар қулай имконият яратади, деб ҳисоблашган.

Муаллифнинг кўп йиллик изчил изланишлари натижасида яратилган ушбу асарни ўқиб, сиз ўзбек Ер юзидаги энг байрамсевар халқлардан бири эканлигига амин бўласиз.

Шунингдек, байрам тушунчаси биз ўйлагандан ҳам кўра кенг кўламлиги билан эътиборингизни тортгани ҳолда, унда чақалоққа исм қўйишдан тортиб ўтганлар руҳини хотирлашгача, муҳим сиёсий воқеаларни нишонлашдан бошлаб санъат шодиёналарю спорт тантаналаригача киришини ҳам теран англаб етасиз.

Айнан Истиқлолгина бизга узоқ ўтмишдан то ҳозирги кунгача нишонланадиган байрамларимиз тарихини ўрганиш, уларни ҳозирги замон талабларига мос равишда қайта тиклаб давом эттириш ва янги-янги байрамларни жорий этиш имконини берганини ҳис этасиз...

Усмон Қорабоев — бугунги кунда йирик байрамшуносларимиздан саналади. «Ўзбек халқи байрамлари» монографияси — унинг бу соҳадаги энг йирик тарих китобидир.

«Тарих китоби» ифодаси бекорга ишлатилгани йўқ. Олим, чиндан ҳам, байрамларимиз тарихининг энг қадимги замонлардан ҳозирги кунларимизгача бўлган даврлари, тараққиёт жараёнларини батафсил ёритишни мақсад қилган.

Муаллиф олдида икки йўл бор эди:

биринчиси — аввал байрамларни тасниф қилиб, кейин ҳар бир байрамнинг энг қадимги замонлардан ҳозиргача бўлган тарихини ёритиш;

иккинчиси — халқимиз тарихининг илмда мав-

жуд даврлаштирилиши изидан бориб, ривожланишнинг ҳар бир босқичида байрамларга муносабатни ойдинлаштириш.

Муаллиф иккинчи йўлни танлаган. Айни байрам ҳақида баъзан бир неча қисмда сўз юритишга тўғри келиб қолганлигининг сабабини ҳам шундан қидирган маъқул. Бундай ёндашув ҳар бир байрамнинг «тарихий тақдири» тўғрисида имкон қадар кенг маълумот бериб бориш учун жуда қулай келганини ҳам айтиб ўтиш керак.

Олим бу материалларни йиллар мобайнида мисқоллаб йиққан. Унинг кузатиш ва таҳлилари байрамлар тарихини адабиёт, санъат, умуман, маданият, маънавият, маърифат, мафкура, фольклор, этнография ва сиёсатдан айри ҳолда ўрганиш мумкин эмаслигидан далолат беради.

Ўзбек халқи байрамлари бевосита жаҳон байрамлари тарихининг жуда бой ва сермазмун қисмини ташкил этади. Шу маънода Усмон Қорабоев тадқиқоти, умуман Шарқ, хусусан, Марказий Осиё халқлари байрамлари ўтмиши ва бугунини ўрганишида ҳам жуда асқотиши аниқ.

Ўтмишда, айниқса, шўро замонида мустамлакачилик сиёсатини юргизиш асносида байрамларга қарши олиб борилган шафқатсиз ҳужумлар амалда миллатга, унинг руҳини синдириш, ўзини маънан мажруҳ этиб ташлашга қаратилганини ҳам рад қилиб бўлмас далиллар орқали билиб оламиз.

Бу асарда илк бор барча байрамларимизнинг тўлиқ таснифи берилган.

Энг муҳими, китоб содда ва равон тилда битилган ва у кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган. Ҳар қандай маънавиятли ва маърифатли халқ ўз тарихини яхши билиши шарт. Бу унга бугунини таъминлаш ва келажагини бунёд этиш учун муҳим.

Байрамлар — миллий тарихнинг ажралмас қисми эканини унутмайлик.

Султонмурод ОЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН БАЙРАМЛАРИ ВА МУҲИМ САНАЛАР ТАҚВИМИ

ЯНВАРЬ

1 январь — Янги йил байрами. Қадимда йил боши турли фаслларда нишонланган. Милоддан олдинги биринчи минг йилликлар ўртасидан бошлаб Наврўз — йил боши вазифасини ҳам ўтаган. Жаҳоннинг кўпгина илғор мамлакатлари Григорян календари бўйича янги йилни нишонлай бошлаганидан сўнг XX асрда Ўзбекистонга ҳам бу анъана кириб келди. Мустақилликдан сўнг 1992 йилнинг 3 июлида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида байрам кунлари» тўғрисидаги Қонун асосида 1 январь — Янги йил байрами деб белгиланди.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни. Ўзбекистон Куролли Кучлари тузилган кун; Ўзбекистон чегара қўшинлари куни. Ўзбекистон Куролли Кучлари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 14 январдаги Қарори асосида вужудга келди. 1993 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ 14 январь «Ватан ҳимоячилари куни» деб эълон қилинди.

ФЕВРАЛЬ

9 февраль — 1441 йил улуг ўзбек шоири, ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси, буюк мутафаккир, шеърят мулкининг султони Алишер Навоий туғилган кун. Ўзбекистон Мустақилликка эришган 1991 йилда Мир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги кенг нишонланди. Шундан сўнг республикамизда ҳар йили 9 февралда Навоий таваллуд топган кунни нишонлаш анъанаси ривожланди. 2001 йилда эса Навоийнинг 560 йиллиги муносабати билан катта тантана бўлиб ўтди. Навоий байрамини нишонлаш бўйича асосий тадбирлар Навоий вилоятида ўтказилади.

МАРТ

8 март — Хотин-қизлар байрами. Қадимда Ватанимизда эрта баҳор аёллар оyi (Исфандармўз) ва бу оyнинг 5-кунини махсус ни-

шонлаш анъанаси бўлган. Европада 8-мартни хотин-қизлар байрами сифатида нишонлаш 1910 йил Копенгагенда (Дания) бўлиб ўтган хотин-қизларнинг иккинчи халқаро конференциясида Германия ижтимоий ҳаракатининг арбоби Клара Цеткин таклифи асосида пайдо бўлган. 8-март биринчи мартаба 1911 йилда Германия, Австралия, Швейцария ва Данияда, 1913 йилда Россияда нишонланди. Ўзбекистон ҳудудида эса 1917 йилдан нишонлана бошлади. Мустақилликдан сўнг у «Ўзбекистон Республикасида байрам кунлари» (1992 йил 3 июль) тўғрисидаги Қонун асосида нишонланадиган бўлди.

21 март — Наврўз байрами. Энг қадимги баҳор байрамлари асосида пайдо бўлган. Табиат уйғониши, кундуз ва тун тенглиги, дала ишларининг бошланиши каби ҳодисаларни акс эттириб келган. «Йил боши» янги йил байрами сифатида ҳам машҳур бўлган. Наврўз кунлари сайиллар, томошалар, ўйинлар, мусобақалар, халқ ижоди кўриклари ўтказилади, махсус таомлар тайёрланади ва ҳоказо. 1990 йилдан бошлаб Ўзбекистон раҳбари И. А. Каримов фармони асосида Наврўз умумхалқ байрами ва *дам олиш куни* деб эълон қилинди.

21 март — Ирқий камситишни тугатиш учун халқаро кураш куни.

27 март — Халқаро театр куни. 1961 йил Венада бўлиб ўтган Халқаро театр институтининг 9-конгрессида Бутунжаҳон театр куни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Халқаро театр институтининг илтимосига биноан Франциядаги Париж миллий театр сахнасида ҳар йили чет эл труппалари 3—4 ой ўз санъатларини намойиш қиладилар. Халқаро театр куни ҳар йили бутун дунёда ва мамлакатимизда нишонланади.

АПРЕЛЬ

7 апрель — Умумжаҳон саломатлик куни. Бу кун 1948 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Умумжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти

(ВОЗ) Уставида тасдиқланган. Умумжаҳон саломатлик кунида одатда халқаро соғлиқни сақлаш муаммоларига бағишланган кўплаб тadbирлар уюштирилади.

12 апрель — Космонавтлар куни. 1961 йил 12 апрель Юрий Алексеевич Гагарин жаҳонда биринчилардан бўлиб космосга парвоз қилган кун. 1969 йилдан бошлаб эса халқаро федерация қарори билан *12 апрель* — Бутунжаҳон авиация ва космонавтика куни сифатида нишонланади.

23 апрель — Муаллифликни ҳимоя қилиш ва халқаро китоб куни.

Апрелнинг охири, майнинг боши — Гул байрами (Лола гул, қизил гул, сунбула сайли) нишонланадиган кун. Қадимий даврлардан бошлаб далалар, қир-адирлар, тоғ ёнбағирларида ўсувчи турли гулларнинг (бойчечак, лола, сунбула, бинафша) очилиши муносабати билан ўтказиладиган сайиллар сифатида вужудга келган. Бу сайиллардан мақсад табиий гўзаллик — гул ва ўсимликларни эъзозлаш ҳамда кўпайтиришга бағишланган тadbир, сайил, табиий сайилгоҳларда дам олишни уюштиришдан иборат.

МАЙ

9 май — Хотира ва қадрлаш куни. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 2 мартдаги Фармонида биноан жорий этилган. Уруш фахрийлари, иштирокчилари ва урушда қурбон бўлганларнинг оилаларидан тушаётган кўплаб илтимосномаларни, халқимизнинг, жамоат ташкилотларининг билдираётган хоҳиш-иродасини инobatга олиб, Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашиб ҳалок бўлганларнинг, мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жон берган Ўзбекистоннинг барча ўзбек ўғлонлари хотирасини абадийлаштириш муҳимлигини назарда тутган ҳолда, бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-этиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган барча кишиларнинг ҳурматини жойига қўйиш мақсадида *9 май* Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинди.

18 май — Халқаро музейлар куни.

Май ойининг учинчи якшанбаси — Ўзбекистон Республикаси кончилиқ ва металлургия sanoати ходимлари куни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил, 12 майдаги қарори асосида қабул қилинган. Қонун бўйича белгиланган.

ИЮНЬ

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни. Хотин-қизларнинг халқаро демократик федерацияси ташаббусига мувофиқ бу кун бай-

рам деб белгиланган. Бу кун ҳар йили «Тинчлик учун», «Уруш оловини очувчиларга қарши» ҳамда «Болалар ҳаёти ва соғлиги учун» деган шиорлар остида нишонланади. Бу байрам биринчи марта 1950 йилда нишонланган.

5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни.

23 (25) июнь — Ёзги чилла кириши. Қадимда бу маҳалда «Сув сайли», «Ангом» каби тadbирлар уюштирилган. Ўрта Осиё иқлими шароитидаги табиий эҳтиёж асосида шаклланган бўлиб, сувнинг қадрига этиш, эъзозлаш, сув ҳавзалари ёнида турли дам олиш, соғломлаштириш ва чўмилиш тadbирлари ўтказилган.

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни.

Тўртинчи якшанба — Савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари куни. 1997 йил 25 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони асосида қабул қилинган.

ИЮЛЬ

Биринчи шанба — Халқаро кооперация куни. Халқаро кооператив альянсининг «Ҳамма мамлакатлар кооператорларига!» деган хитобномасида бутунжаҳон кооператорларининг бирдамлиги ва меҳнаткашларнинг умумтинчлик учун курашини кучайтириш белгиси сифатида кооперация кунини нишонлашга чақирилган.

АВГУСТ

Август ойининг учинчи якшанбаси — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий Ҳаво Флоти куни. Республика Президентининг 1995 йил 21 июлдаги Фармонида асосан эълон қилинган.

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни. Мустабид тузум даврида миллион-миллион беғуноҳ инсонларнинг умри ҳазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдақлар етим қолганини, халқимизнинг минг-минглаб фидойи ва матонатли ўғил-қизларининг хотирасини эслаш, ҳақиқат ва адолатни тиклаш, замондошларимиз, хусусан ўсиб келаётган ёш авлод қалби ва онгида ўтганлар хотирасига ҳурмат ва эҳтиром туйғусини тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Президенти Фармони (2001 йил, 2 май) асосида жорий этилди.

Август охири — Қовун, узум, анор, анжир сайиллари каби табиат ва меҳнат байрамлари нишонланадиган кун. Қадимги ҳосил йиғиш одатлари асосида шаклланган. Турли полиз ва боғ маҳсулотлари пишганда деҳқонлар ўз яқинлари, кўшнилари, қариндошларини чақириб, уларни ўз ҳосили билан сийлаган, қарияларнинг дуосини олган. Пишиқчилик мавсумида

ҳашар ва «Боғ сайиллари ҳам уюштирилган. Қишлоқ ва шаҳар бозорлари, майдонлар маданий боғларда мева кўргазма-савдолари, томошалар, сайиллар, «Кимнинг меваси ширин» номли кўрик-танловлари ўтказилган.

СЕНТЯБРЬ

1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991^й йил 31 август қарори асосида жорий қилинган.

8 сентябрь — Журналистларнинг халқаро бирдамлик куни. 1958 йилда Журналистлар халқаро ташкилотининг (ЖХТ) 4 конгрессида ҳар йили 8 сентябрни — ажойиб чех публицисти Юлиус Фучик шарафига — журналистларнинг халқаро бирдамлик куни деб нишонлашга қарор қилинди.

15 сентябрь — Халқаро тинчлик куни.

23 (25) сентябрь — Меҳржон байрами (куз байрами). Бу байрамлар Хоразмда «Чири-руж», Сўғд-Самарқандда «Ним-сарда» каби номларда юритилади. У кузги кун ва тун тенглигини, ҳосил йиғиш якунини, қишга тайёргарлик кўриш каби ҳодисаларни акс эттирувчи байрам. Тарихда 10—15 аср мобайнида Наврўздан сўнгги иккинчи катта байрам ҳисобланган, йил ярми вазифасини ҳам ўтаган. Ўрта асрларда турли байрамларга бўлиниб кетган. Ҳозирги кунда куз байрами, кузги кун ва тун тенглиги, анъанавий (эски) «йил ярми» меҳр-шафқат тадбирлари сифатида табиий сайилгоҳларда, маданий боғ, ўйингоҳларда, майдонларда турли кўргазмалар, кўрик-томошалар, мусобақалар каби шакллардан фойдаланиб ўтказилмоқда.

ОКТАБРЬ

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 сентябрь Фармонида мувофиқ 1 октябрь — «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» — умумхалқ байрами деб эълон қилинди.

1 октябрь — Халқаро қариялар куни. БМТнинг ташаббуси билан 1992 йилдан бошлаб 1 октябрь «Халқаро қариялар куни» деб эълон қилинди. Бу ҳақон ҳамжамиятининг кексаларга бўлган катта ғамхўрлиги нишонасидир. Ватанимизда қарияларни ҳурмат қилиш анъаналари бу янги байрамда ўз аксини топмоқда.

21 октябрь — Тил байрами. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги 311-қарорида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинган кунда ҳар йили «Ўзбек тили куни» ўтказилсин дейилган.

24 октябрь — Халқаро Бирлашган Миллатлар Ташкилоти куни. Бу санада БМТ устави

кучга кирган ва 1945 йил 24 октябрь — БМТ ташкил топган кун тарзида нишонланади.

НОЯБРЬ

10 ноябрь — Бутунжаҳон ёшлар куни. 1945 йил 10 ноябрда 63 та мамлакат иштирокида Лондонда 1-Бутунжаҳон ёшлар конгресси бўлиб ўтди ва Бутунжаҳон демократик ташкилоти вужудга келди. Шу кундан бошлаб ҳар йили бу сана нишонланиб келинмоқда.

16 ноябрь — Халқаро бағрикенглик куни.

17 ноябрь — Халқаро талабалар куни. 1939 йил 17 ноябрда гитлерчилар томонидан отиб ташланган чехиялик ватанпарвар талабалар хотирасига бағишланиб, 1941 йил Лондонда бўлиб ўтган митингда 14 мамлакатдан келган талаба — делегатлар томонидан белгиланган.

ДЕКАБРЬ

1 декабрь — Халқаро ОИТС (СПИД)га қарши курашиш куни.

3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни.

8 декабрь — Конституция куни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг (1992 йил 8 декабрдаги) қарори асосида Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганини нишонлаш мақсадида Конституция қабул қилинган кун — 8 декабрь умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни деб эълон қилинди ва бу кун дам олиш куни деб белгиланди.

Декабрь ойи — Ҳосил байрами. Бу байрам қадимда деҳқончилик асосида пайдо бўлган. Асрлар давомида турли меваларга бағишланган (қовун, узум, анор ва ҳоказо) байрам турлари пайдо бўлган. Пахта байрами Ўзбекистонда пахтачилик ривожланиши натижасида ҳосил байрамларининг янги шакли сифатида пайдо бўлган. 50-йилларда у пахта теримидан олдин, август охирида нишонланган. 70-йилларда ҳосил терилиб, мажбуриятлар бажарилгандан сўнг декабрнинг биринчи шанба — якшанбасида нишонланадиган бўлган эди. Пахта териш мавсуми якунида навбат билан аввал хўжаликларда, ноҳияларда, сўнг вилоят марказларида, охири республика марказида ўтказиладиган тантаналар, намойиш-сайр, томоша, кўрик, мусобақа ва сайиллар шаклида ўтказилган.

23 (25) декабрь — Қишки чилланинг кириши.

Йилнинг турли вақтларига тўғри келадиган Рўза ҳайити (Ийд ал-Фитр) ва Қурбон ҳайити (Ийд ал-Адҳо) байрамларининг биринчи кунлари «Ўзбекистон Республикасида байрам кунлари» тўғрисидаги (1992 йил 3 июль) Қонун асосида дам олиш кунлари деб эълон қилинган.

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА	3		
I қисм. БАЙРАМЛАР — ХАЛҚ МАДАНИЯТИ КЎЗГУСИ			
I б о б. Байрамларнинг назарий асослари	8	Гул сайилари	85
Анъана, одат, маросим ва байрам тушунчалари	8	Ёз тадбирлари:	91
Байрамларнинг моҳияти ва асосий хусусиятлари	10	Сув сайли	91
Ўзбек халқи байрамларини урганиш зарурияти	13	Тут сайли	98
		Қум сайли	100
II қисм. ЎЗБЕК ХАЛҚИ БАЙРАМЛАРИ ТАРИХИ		Куз байрамлари:	101
II б о б. Энг қадимги одатлар	18	Меҳржон	101
Ибтидоий одамлар ҳаёти билан боғлиқ одатлар	18	Қовун сайли	104
Қадимий эътиқодлар асосида пайдо булган одатлар	25	Ўзум сайли	105
		Анор ва анжир сайли	106
III б о б. Антик давр байрамлари	30	Ҳосил туйи	108
Зардуштийлар одатлари	30	Қиш байрамлари:	109
Зардуштийлар байрам тақвимлари	33	Биринчи қор	109
IV б о б. Ўрта аср байрамлари	42	Ялдо кечаси ва Қишки чилла	111
Исломиий байрамлар	42	Гап-гаштак	112
Оммавий халқ байрамлари	44	VIII б о б. Оилавий маросимлар	115
Темурийлар даври байрамлари	48	Фарзанд туғилмасидан аввал амал қилинадиган одатлар	116
V б о б. XVI — XIX аср байрамлари	53	Чақалоқ чилла	117
Байрамларнинг умумий ҳолати	53	Исм қўйиш одатлари	118
Мавсумий байрамлар	53	Туғилган кун	119
Байрам томошалари	58	Бешик туйи	120
VI б о б. XX аср байрамлари	62	Биринчи қадам байрами	121
Миллий уйғониш даври байрамлари	62	Суннат туйи	123
Шўролар тузуми давридаги байрамлар	65	Мучал еши	125
Мустақиллик ҳамда унинг дастлабки давридаги байрамлар	68	Ўзбек туйлари:	126
		Никоҳ туйлари	127
III қисм. АНЪАНАВИЙ ХАЛҚ БАЙРАМЛАРИ		Қумуш, олтин ва олмос туйлар	129
VII б о б. Мавсумий халқ байрамлари	73	Қариялар байрамлари	130
Баҳор тантаналари:	76	IX б о б. Диний байрамлар	133
Наврузнинг янгилиниши	77	Руза ҳайити	134
Сумалак сайли	81	Қурбон ҳайити	136
		Бошқа диний маросимлар	137
		IV қисм. ЗАМОНАВИЙ БАЙРАМЛАР	
		Мустақиллик даври байрамлари	140
		X б о б. УМУМХАЛҚ БАЙРАМЛАРИ	143
		Мустақиллик байрами	143
		Навруз байрами	154
		Конституция куни	163
		Янги йил байрами	166
		Хотин-қизлар байрами	170

Уқитувчилар ва мураббийлар куни	172
Хотира ва қадрлаш куни	173

XI б о б. Маданий ва маърифий байрамлар 176

Халқаро маданий байрамлар	176
Буюк сиймолар таваллудлари	181
Қадимги шаҳарлар ва тарихий қадриятлар юбилейлари	187
Санъат ва ижод — кўрик танловлари	192
Тил ва китоб байрамлари	199
Маърифий байрамлар:	201
Уқувчилар байрамлари	201
Талабалар тadbирлари	203

XII б о б. Спорт байрамлари 205

Халқ уйинлари	206
Қураш байрами	208
Ёшлар мусобақалари	210
Теннис байрами	211
Халқаро спорт мусобақалари	212

XIII б о б. Меҳнат ва табиат байрамлари 216

Қишлоқ хужалик ходимлари байрамлари:	216
Уруғ қадаш маросими	218
«Оқ олтин қарвони» байрами	219
Ҳосил байрами	220
Саноат ходимлари байрами:	223
Меҳнат жамоасига қабул қилиш маросими	223
Маҳорат кўригини утказиш тантанаси	225
Тadbиркорларга бағишланган тантаналар	225
Авлодлар учрашуви тантанаси	226
Илғор ишчини нафақага кузатиш маросими	226
Касб байрамларини нишонлаш:	227
Табиат байрамлари	227
Табиатсеварлар кўриги	227
Гуллар ва қушлар байрами	229
Байрамлар юрти (СЎНГСЎЗ ЎРНИДА)	234

ИЛОВА: Ўзбекистон байрамлари ва муҳим саналар тақвими 235

Усмон ҚОРАБОЕВ

ЎЗБЕК ХАЛҚИ БАЙРАМЛАРИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2002

Муҳаррир *Насиба Рустамова*
Дизайнер *Руслан Ҳайдаров*
Бадий муҳаррир *Феруза Башарова*
Техник муҳаррир *Раъно Бобохонова*
Мусахҳиҳ *Ю. Бизаатова*
Компьютерда саҳифаловчи *Лидия Цой*

Теришга берилди 19.02.2002. Босишга рухсат этилди 05.06.2002. Бичими 84x108¹/₁₆. Таймс гарнитураси. Офсет босма.
Шартли босма табоғи 25,2. Нашриёт-ҳисоб табоғи 25,6. Алади 1000 нусха. Буюртма № 3080. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41